

84/5477  
152

НУРАЛИ ҚОБУЛ

ҚАЛБ ҚАСРИНИНГ  
СУЛТОНИ



АМИР ТЕМУР

**Нурали ҚОБУЛ**

**ҚАЛБ ҚАСРИНИНГ  
СУЛТОНИ  
АМИР ТЕМУР**

тарихий роман

«Sano-standart» нашриёти  
Тошкент – 2018

**УЎК: 821.512.133-311.6**

**КБК: 84(5Ў)6**

**Қ 12**

**Нурали Қобул**

Қалб қасрининг султони Амир Темур. — Т.:  
«Sano-standart» нашриёти, — 2018, 424 бет.

Таниқли ёзувчи Нурали Қобулнинг қаламига ман-  
суб ушбу асарда буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг  
мардлиги, жасорати ва энг муҳими бошқа ҳукмдор-  
ларникига ўхшамаган ҳассос қалби ўқувчиларга тушу-  
нарли тарзда очиб беришга ҳаракат қилинди.

Шу боис ўқувчи ушбу китобни ўқиш жараёнида асар  
қахрамони билан ёнма-ён юргандек юрагининг уриши-  
ни эшитиб тургандек бўлади. Умид қиламизки бу китоб  
Амур Темур ҳақидаги билимларингизни янада оширади.

**Abdulla Qodiriy nomidagi**

**viloyat AKM**

**INV № 168701-2019G**

**УЎК: 821.512.133-311.6**

**КБК: 84(5Ў)6**

**ISBN 978-9943-5201-2-7**

© «Sano-standart» нашриёти, 2018

© Нурали Қобул, 2018

## БИРИНЧИ ҲИКСҮЗ

*Қаллоб тарихчиларни  
сохта пул ясовчилардек қатл этиш керак.  
Сервантес*

Ғишт қолипдан кўчган, бўлар иш бўлиб, бўёғи синган, Хоразмшоҳлар салтанати кечмиш дарёсининг ҳалокат соҳилида илиниб турарди.

Бағдод халифаси ан-Носирнинг Чингизхон ила олиб борган махфий мулоқотлари ўз мевасини берган, ёвуз мўғулларнинг юз ўттиз минглик қўшини салтанат ҳудудларига алақачон бостириб кирганди.

Юз ўттиз мингли Чингизхон қўшинининг аксарияти барлос, арлот, қавчин ва жалойир каби турк қавмларидан иборат бўлиб, илоннинг ёғини ялаган қудратли мўғул қашқари Турон еридаги туркий салтанатни ўз миллатдошлари қўли билан, яъни ўзиникининг ўзагини уздирмоққа қасд этган эди.

Исломи дунёсини сўраб турган Бағдод халифалиги ҳам қаршисида Хоразмдек кучли исломий давлат туришини истамас, бу рақобат эса Чингизхоннинг шамига ёр қуйганди.

Юз йил, чамаси, Турон юртини тасарруф этган қорахитойларни икки дарё орасидан улоқтирган салтанатнинг қуни битаётганди.

Султон Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ пойтахтни ташлаб Хазар (Каспий) денгизидаги Ашур Ада оролига жўнаган, тахт ва салтанатнинг йиқилиш қайғуси уни шайтонлатиб, тўшакка миҳлаб қўйган эди.

Мамлакат чегаралари кенгайгани, мавқе ва зангинлиги ортгани сари ҳукмрон сулола ўзидан кета бошлаган, аслида мустаҳкам бўлмаган давлат пойдевори емирилишга юз тутганди.



Салтанатда тахт битта, ҳукмдор эса уч нафар бўлиб, Алоуддин Муҳаммад, қипчоқ қавмлари манфаатларини ҳимоя этгувчи онаси Туркон хотун изнидан чиқа олмасди. Шоҳнинг туркман хоними Ойчечак бибидан туғилган тўнғич ўғли Жалолоддин Мангубердининг даъвоси ҳам, отаси ва катта энасиникидан кам эмас эди.

Туркон хотун салтанат ясосига акс ўлароқ, тўнғич шаҳзода ўрнига ҳали вояга етмаган кенжа шаҳзода Қутбиддин Ўзликшоҳни валиаҳд деб эълон этириши кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлган ва ўйланмай қилинган бу хато хоразмшоҳлар давлатига раҳна солиб улгурган эди.

Султон Алоуддин хатосини тўғрилади. Валиаҳдликни эмас, бирйўла тахтни Жалолоддинга топширди.

Бироқ сулоланинг ҳайити ўтган, салтанат қўлдан кетганди...

Хоразмшоҳлар қўшини душманниқидан кўп эди. Бироқ Алоуддин Муҳаммаднинг хатоси туфайли икки юз минглик қўшин черикларга бўлиниб, мамлакат ҳудудларига тарқатилган, улар бошини бириктириб, душманга қарши қўймоқдан султон кечикканди.

Салтанатдан путур кетганлигини, Чингизхондек катта кучга қарши тура олмаган хоразмшоҳлардан норози бўлган вилоятлар лашкарлари ҳам янги ҳисоб-китобни бошлагандилар.

Жалолоддин Хоразмшоҳ лашкари қаршисидан чиққан мўғул черигини тўзитиб, тинкасини қуритаётганди. Бу лашкарни қўшиннинг кўплиги билан енгиб бўлмаслигини англаган Чингизхон ўрдунини бир жойга йиғишни буюрди. Дарёнинг кун ботиш тарафи паст-баланд тепалик ва сийрак ўрмондан иборат бўлиб, кун чиқиш тарафида ҳад-ҳудудсиз чакалакзорлар ястаниб ётарди.

Учи-қўйри йўқ ёғий ўрдуси Хоразм черигини таъқиб этиб, Синд дарёсига тақаб борар, ҳар икки лашкарни ҳам

ҳали тарих кўрмаган қонли олишув кутаётганди. Орқада катта-кичик солларнида ямлаб ютаётган дарё, олдинда эса ажалнинг ўқи – Чингизхон ва унинг юз ўттиз мингли сипоҳи турарди.

Султон Жалолиддин қаршисидаги ёвни танлади. Эски турк одатига кўра дастлаб ҳар икки томондан баҳодирлар яккама-якка олишувга чиқдилар. Хоразмлик юзбоши Маҳмудбек рақиб паҳлавони Жалманинг бўйнидан кўппакдек боғлаб олиб келди-да, султон оёғи остига кўпкарида чопилган серкадек улоқтирди.

Жалолиддин ўзи бошчилигидаги илғор билан тўппатўғри Чингизхон турган манзил томон от қўйди. Унинг мақсади бош ёғий эди. Чингизхон унинг ҳайратомуз хамласидан аранг қутулиб қолди.

– Худонинг балоси-ку бу! – деди у лашкарбошиси Малик Султонхонга рангида ранг қолмай.

Номдор ҳоқоннинг яқин ўн йил ичида бу қадар қапа-лаги учмаганди.

Чингизхон тўқнашувдан бир ҳафта бурун Хоразмшоҳ ўғлидан мактуб олди. Хон шу ёшга кириб, кимсадан бундай ҳақоратли сўз эшитмаган эди. Хатга назар ташлагани сари сарғиш юзи тандирдек қизариб, вужуди темирчининг босқони каби оташланди.

«Урушадўрғон жойингни кўрсат! Ўшал ерда ҳозир бўлурман! Агар сен қари тулкида юрак бўлса, мен билан яккама-якка майдонга туш! Чурук юрагинг ўлимдан чўчиса, менга қарши мушуксифат тўрт қонхўр ўғлингни бирданига майдонга тушир! Эркак бўлсанг, даъватимни қабул этасан! Бу сенинг – қондан хиралашган виждонингга ҳавола! Сен бизни жисман енгсанг-да, ҳеч қачон маънан енга олмайсан! Биз муқаддас тупроғимиз учун курашамиз! Сен эса кўппак каби ҳирсинг учун!»

Хатдаги аччиқ ва таҳқирли сўзлар этидан ўтиб сўягига қадалган бўлса-да, хон уни аввал бошда дўқ-

пўписа дея ўйлаганди. Бу онаси байтал турквачча бекорга пишқирмаган, хаёлидан кечди Чингизхоннинг. Унга ҳайдаганинг беш эчки, пишқириғинг тошни ёради қабалида ёндашиб бўлмайти...

Илк ўнлик ва юзликлар тўқнашиб, майда-майда мўғул чериклари кетма-кет енгилла бошлаган эди. Бу кутилмаган зарбалардан ўй-хаёллари тўзиб, саросимага тушган хон ғазабга минган, бақириб-чақирганча буйруқлар берар, лашкар жойини алмаштирар, отини қамчилаганча у тепаликдан бу тепаликка кўтарилар эди. Қаерга бормасин, қулоқлари остида мактубдаги сўзлар янграр, баттар қаҳри кўзиб, ўшқирарди.

Асосий кучлар Синд дарёсининг Нилоб мавзесида тўқнашдилар. Қирғинбарот саваш узоқ давом этди. Таллафот бирга ўн эди. Бир туронлик аскарга ўн босқинчи тўғри келарди. Бу аҳволда лашкари тўкилиб қолишига ақли етган Чингизхон талвасага тушганча ўлим таҳдиди ила лашкар бошлиқларига дағдаға қилди. Қисик кўзлари беркилиб, сарғиш юзлари аламдан қизарди. Аъзои баданини совуқ тер босди. Ақл тарозиси посангисидан чиқиб кетган эди.

Хоразмликлар урхо-ур дея ёғий устига ташландилар. Бир неча кун ёмғиру изғирин остида давом этган, қиличлар олов сочган жангдан сўнг Хоразм қўшини сафи сийраклашди. Бутун бошли қўшин мардларча шаҳидлик шаробини сипқорган эди.

Султон қўшини дарё буидаги кичикрок тепаликда турар, оила аъзолари ва хос хизматчилар юоакларини ҳовучлаганча қисмат ҳукмини кутардилар

– Султон болам! Жигарим! Жалолиддин! Бизни бу жаллодлар қўлига тушмаслигимиз чорасини кўр! Бу одамёввойилар қўлига тушганимиздан кўра ўлим минг бора афзалдур! Бўтам! Сен ўзингни асра! Оллоҳ бизнинг

умримизни ҳам сенга берсин! Сен юртга кераксан! Сўнги бор отингни атайин! Жалолиддин! Жалолиддин!

Онаси малика Ойчечак бибининг сўзларидан сўнг унинг қулоқлари том битди. Онасининг йиғи аралаш саси ҳам, домига илинганни ямлаб ютаётган Синд наҳрининг шовқини ҳам эшитилмасди.

Барчалари бир-бирининг тахтага айланган вужудларини кучароқ даҳшатли дард-алам, чексиз ҳасрат ва армон ила видолашдилар. Кимсанинг тилига сўз келмади. Оқаётган кўз ёшлари музга айланган, юраклар тош каби қотиб қолган, барча бирдек ўзини ўлимга, шаҳидликка ҳозирларди.

Безовта ер тепиниб, сувлиғини чайнаётган оти томон юрган Султон онаси, хотини ва фарзандларини дарёга ташлашни буюрди. Ўзи яна ёғий томон от солди. Бу даҳшатли манзарани кўрмоқдан чекинган, булар қасдини олмоқ учун яна душман сари ташланган эди.

Барибир унинг қулоғига ақл бовар қилмас даражадаги чинқириқлар етиб келди. Қўллари қилични зўрға тутиб қолди. Бу даҳшатли, аламли доду фарёд қолган бутун умри давомида, Салжукли салтанатининг Малатия шаҳрида шаҳидлик шаробини ичгунига қадар қулоқларини тарк этмади.

У туркман тулпорининг биқинига оёқлари билан ниқтаб, дарёга отишга ҳозирлар эди. Садоқатли дўсти унинг иродасига бўйсунар, майда-майда босганча соҳилга яқинлашмоқда эди. От соҳибини узоқ куттирмади. Пўртанага ўзини отди.

Султон Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳнинг ўнг қўлида Улуғ Хоразмшоҳлар салтанатининг қора байроғи хилпирарди.

Тулпор ўзини дарёга отар-отмас Чингизхон ўғиллари ва лашкар бошлиқлари билан Султон турган ерга етиб

келди. Чингизхоннинг кўзи от устида байроғини кўтарганча сузиб бораётган Жалололиддинга қадалди.

– У ўлса ҳам байроқни қўлдан чиқармайди! – деди Чингизхон хайрат-ла боқаркан, тарвузи қўлтиғидан тушиб. – Ўғилман деганинг ана шундай бўлса-да!?

Жалололидин Мангуберди чап қўли билан от жилловини ушлаганча сузиб борар, ўнг қўлидаги байроқ долғаланарди...

Қарши соҳилга улашган Султон шалаббо уст кийимларини ечиб от жабдуғига боғлаб, сакраб эгарга ўтирди. Бир зум ўзини кузатиб турган Чингизхон тўдасига қараб турди-да, қаҳр билан ўнг муштини тугиб, боши узра кўтарди...

Сўнгра оти жилловини ўрмон томон буриб, кўздан гойиб бўлди.

Асир тушган бир неча киши орасида малика Туркон хотун, Султон Жалололидин Мангубердининг муаррих ва муншийси Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий ва шохнинг фавқулодда омон қолган ўғли Абулмузаффар бор эди. Уларни Чингизхон ҳузурига олиб келдилар.

– Бизга бу авлоддан хайр келмас! Бу шербаччанинг тириклайин кўксини ёриб юрагини юлиб олиб, този итимга ташла! – дея амр берди Чингизхон жаллодлар сардорига.

Одамлар юзларини беркитиб, ўгирила бошладилар. Муаррих Насавий беҳол йиқилди. Битиб қолган қулоқлари остида олис-олислардан келгандек бўлиб, шаҳзоданинг «Отажон!» деган аламли чинқириғи эшитилди.

Бу ҳолатни сўзламоққа тил лол, ёзмоққа қалам ожиз...

Синд дарёси бўйида содир бўлган даҳшатли воқеа аҳли Турон қалбини ларзага келтирган, улус қаршисида на қадар ёвуз душман турганлигидан хабар эди...

Чингизхон Туркистон сарҳадига кириши билан бу қонли савашнинг бош сабабчиси, юз нафардин ортиқ мўғилу мусулмондон иборат элчилар, савдогарлар ва карвонҳимоячиларини қиличдан ўтказган Ўтрорҳокими Инолчуқ Қипчоқнинг оғзи ва қулоғига кумуш эритиб қуйиб, қийнаб ўлдиришни буюрди. Хос қўриқчилар юз-лиги махсус дўнгалақ аравада эъзозлаб олиб юрадиган олтин тахтига оғир чўкканча бу даҳшатли манзарани совуққон нигоҳлар китриги китп этмай кузатди



## ИККИНЧИ ҰНГСҰЗ

*Туркни туркдан ўзга кимса енголмас...*

*Чингизхон*

Чин қавмларини синдирмоқ Чингизхон учун нақадар оғир кечмасин, қаршисидаги душман ундан-да кучли ва бўйсунмас эди.

Чин ҳудудларининг бир қисмини қўлга киритган, жаҳонгирликка даъвогарнинг икки кўзи Сайхун ва Жайхун тарафда эди. Унинг Турон юртини босмоқдан олдин амалга оширмоғи керак бўлган юришлари бор эдиким, бусиз у икки дарё томон от жilовини бура олмас эди. Орқа тарафдан кўнгли тинч бўлиши учун Қашқар турklarининг хоқони Кучлукни бир ёқлик қилиши керак эди. Жебе Нўйон бошчилигидаги яхши қуролланган қўшин Қашқар фатҳига отланганди. Қаттиқ савашдан сўнг Кучлукхон Қашқарни ташлаб чиқди. Бироқ узоққа кетолмади. Шарқий Туркистондаги Сарикул манзилида мўғуллар уни тор-мор этдилар. Бу савашни кузатиб турган Алоуддин Хоразмшоҳ қўмак этмоқни хаёлига ҳам келтирмай, хон устидан кулди.

Бироқ айни дамда, эрта бир куни Кучлукхондан беш-баттар аҳволга тушиб, ҳатто жасадини дафн этмоқ учун яқинлари лаҳад қазирлик ер ҳам топа олмай қолишлари етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

Худди шу йили, яъни милодий минг икки юз ўн саккизинчи йилда мўғуллар Шарқий Туркистонни, Етти-сувнинг ғарбий томони ва шимоли-шарқий Фарғонани эгалладилар.

Бир йил ўтгач, Чингизхоннинг ўзи ўрдусига бош бўлиб, Иртиш дарёси орқали ғарб томон юрди. Қоялик мавзесида унга қарлуқ турklarининг Арслонхон бошчилигидаги қўшини, Олмаликдан Сўқнак Тегин

қўмондонлигидаги турк чериги ва Боурчикнинг уйғур лашкари келиб қўшилди. Чингизхон турклар юртига юрмоқ учун аста-секин туркларнинг ўзидан лашкар тўплаб келаётган эди.

Эрта-индин ҳар икки томоннинг тақдирини ҳал этадиган тўқнашув юз беришига ақли етиб қоон ҳам, шоҳ ҳам гўёки ҳеч нарсадан беҳабардек, бир-бирлари томон элчилар ва савдо қарвонларини жўнатишар, совға-салом алмашишарди. Содда хоразмликлар мўғул ўрдусига савдо-сотик учун бориб, беш-тўрт тангалик бўлишни ўйлашарди. Мўғул элчи ва тужжорларининг зиммасидаги вазифа муҳимроқ бўлиб, улар кечаю кундуз тинмай турклар юртининг ўру қирини, дарёю денгизини ўрганишар, киши билмас хабарларни ўз хоқонларига жўнатишарди.

Чингизхон ўзи ила курашмоққа ҳозир бўлмаган рақибини узоқ куттирмади. Мўғул галалари Сирдарёни кечиб ўтиб, Бухоро ва Самарқанд сари йўналдилар. Мўғул лашкари Самарқандгача жангу жадалсиз, қон тўкмай етиб келди. Зарнук, Нурота, Дабусия ва Сарипул қалъаларини осонгина қўлга киритдилар.

Чингизхон дастлаб диққатини Бухорога қаратди. Бухоро айни даврда Турон юртининг энг катта ва кўркем шаҳарларидан саналарди. Шаҳарнинг қўш дарвозали арки ўн икки йил бурун Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан тикланган, шаҳристон мустаҳкам девор билан қуршалган, работ эса икки қатор қалин девор билан ўраб олинган эди. Шаҳарда ўттиз минглик пиёда ва отлик қўшин турарди.

Чингизхон қўшинлари иккинчи ойнинг еттинчи кунида Бухорони қамал қилиб, шаҳар дарвозалари қаршисида учқур отларини гижинглашиб турардилар. Чингизхон эса шамолдек елгувчи Саман тулпоридан лашкарбошилари қуршовида шаҳар деворини айланар,

қай бир дарвозани бузиб кириш ҳақида бош қотирар, ёрдамчилари билан маслаҳатлашарди. Мўғуллар бир қарорга келиб улгурмаган эдилар. Қоронғи тушиши билан кутилмаганда шаҳар дарвозалари очилиб, тўп-тўп бўлиб чиққан лашкарлар қочиб кета бошладилар. Мўғуллар ҳайрон эдилар. Ниҳоят Чингизхон шаҳардан қочиб чиққан лашкар бўлинмаларига етиб олиб, янчиб ташлаш ҳақида буйруқ берди:

Инончхон, Ўғилқожиб, Ҳамид Тур, Суюнчхон ва Қулихон бошлиқ бўлинмалар Бухорони ҳимоясиз ташлаб, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳга қўшилиш учун от қўйган эдилар. Булардан биргина Инончхон Амударёни кечиб ўтиб, султон ҳузурига етиб бора олди. Қолган лашкарбошиларни эса бутун қўшинлари ила мўғуллар қиличдан ўтказдилар.

Манзара даҳшатли эди. Душман қонини кўрганда кўз олди қоронғилашиб, ваҳший бир жонзотга айланган Чингиз аскарларининг уст-боши, ҳатто этиклари ҳам қонга тўлиб кетган, пешанасига, юзига сачраган қонни терни артгандек артишиб ўтиришар, қип-қизил башарада ёниб бир жуфт кўз кўринарди.

Лашкарининг савашишини марзага чиқиб кузатиб турган Чингизхон мамнун эди. Голиб аскарларнинг ҳайқириғи Турон даштларини тутган, бу ҳайқириқ унинг дунёнинг ярмини забт этишидан башоратдек эди.

– Бу халқнинг энг буюк фожиаси унинг боши бирикмаслиги экан. Бирлашса, бу жангари турк қавмини енгиб бўлмайди! – деди Чингизхон ёнида турган лашкарбоши-си Жебе Нўйонга. – Ҳоқонида ақлу заковат етишмаган қавм ва лашкар шу аҳволга тушади. Уларнинг бу хатоси бизга сабоқ бўлмоғи лозим.

Бухоро эса ҳамон қамал ҳолатида турар эди. Шаҳарнинг амир лашкари Ихтиёриддин Қўшлунинг қўл

остида тўрт юз нафаргина аскар қолгани туфайли у юрак ютиб, ёғийга юзма-юз бўла олмаётганди.

Арк атрофига тўпланган халқ шаҳарни бу ғайридинлардан қай тарзда ҳимоя этмоқ ҳақида мунозара олиб боришарди. Шаҳар мудофаачилари олим Рукнуддин Имомзода, Имом Жалолиддин Али ва Садр Мажидуддин Масъуд бошчилигида тенгсиз жангга отландилар. Улар бу курашда ҳалок бўлишларини англаб «Ё Оллоҳ!» дея ёғий томон ташландилар. Шу алпозда яна ўн икки кун Бухоро аркини мудофаа қилдилар. Мудофаачилар шаҳар ҳимоясини давом эттирар экан, мўғулларга шаҳарни топширишга қарор қилган гуруҳ олий қози Бадриддин Қозихон етакчилигида Чингизхон ҳузурида бош эгиб ўтиришарди.

Нихоят мўғул қўшини иккинчи ойнинг ўнинчи куни шаҳарга кирди. Шаҳар мудофаачилари ҳамон Бухоро аркини ҳимоя этардилар. Бу ҳолатни кузатиб, узоқ ўйланиб қолган Чингизхон лашкарбошиларига сўнги буйруқни берди:

– Биз бир тадбир қўллайликки, бу калтафаҳм қавм буни абадул-абад эслаб юрсин. Зудлик билан шаҳар ва атрофидан қўлга тушган асиру аҳолини тўплаб, қўлига қурол бериб арк томон отлантиринг. Олдиларига аркни ҳимоячилардан тозалаш вазифасини қўйинг! Буйруқни бажармаганларни орқасидан ўқ-ёй билан отиб ўлди-ринг! Буйруқни бажарганларни лашкарга қўшиб олинг! Аркнинг ичида бўлган одам зоти борки, қириб ташлан-син! Қалъа деворлари бузилсин! Шаҳарга ўт қўйилсин!

Чингизхон она шахрини жон-жаҳди ила ҳимоя этаётган бухороликларни бухороликлар қўли ила бўғизлаётган эди.

Афсонавий ва илоҳий Бухоро кунпаякун бўлганди. Қорақум саҳроларидан тўп-тўп бўлиб келадиган қашқирлар одам этини ҳам ейишга ўрганишди. Токи

барча жасадлар кўмилиб, эскиргунича бу ваҳший галалар қабрларни-да кавлаб жасадларни судраб чиқаришар, семириб кетган бу жондорлар ит нари турсин, одам зотидан ҳам ҳайиқмас, аксинча, пайт пойлаб, уларга ташланар эди. Бора-бора улар билан ҳеч кимнинг иши бўлмади қолди.

Бухорога Маҳмуд Ялавочни ҳоким этиб тайинлаган Чингизхоннинг қаршисида юз минг нуфузли Самарқанд, Алп Эр Тўнга Турон юртини сўраган улуғ шаҳар, Семизкент-Афросиёб турар эди.

Чингизхон туркларнинг буюк хоқони Алп Эр Тўнга ҳақида эшитган эди. Унинг бу шуҳратли ерларни олиш орзуси қанчалик кучли бўлмасин, умидининг рўёбга чиқишига инониб-инонмасди. Бу юртларни бу қадар осонлик билан қўлга киритаман деб ўйламаганди.

Қисмат ёзиғи ила у кўзи очиклигида ер юзини эгаллади ва уни ўғилларига бўлиб берди. Сўнгра улар бу ерларни асрлар оша бошқардилар.

Кечаю кундуз ўзи билан бирга бўладиган хос лашкарлари билан Самарқанддан бир неча чақирим беридаги Конигил манзилида тўхтаган Чингизхон қўшинга шаҳарни ўраб олишни буюрди-да, ўтовига кириб таппа ташлади.

Уйқудан худди чилладан турган айиқдек очиқиб уйғонди. Бухоро амирларига турли тансиқ таомларни пишириб юрган ошчиларни қўшга олишган эди. Улар буюк хоқон тургунга қадар саҳройи мўғуллар тушларида ҳам кўрмайдиган лаззатли таомларни ҳозирлаган эдилар. У хонтахта устига териб қўйилган турли хил сабзавот ва қуш ҳамда хил-хил этлардан пиширилган емакларни бошини эгиб, бирма-бир ҳидлаб чиқди-да, қоровулбошига қаради.

– Барчаси тоза ва еса бўлади, – ҳайкалдек қотиб жавоб қилди қоровулбоши. – Татиб кўрганман.

Чингизхон қуш этидан қилинган қовурдоқни олди-га қўйиб паққос туширди. Бошқа ҳеч бир емакка қўл урмади. Устидан бостириб икки коса қимиз ичди-да, қилич осиглиқ камарини, ёқаси ва тожли дубулғасини тўғрилаб, ташқарига чиқди.

– Шаҳардан сичқон ҳам қочиб чиқмасун ва чумоли ҳам кирмасун! – буйруқ берди ўзини кутиб турган қўшин қўмондонларига.

– Шундай! Сичқон ҳам чиққани йўқ! – Қооннинг сўзини такрорлади ясовулбоши.

Чингизхон ҳеч кимнинг юзига боқмай, ер тепиниб турган оти томон юрди. Лашкарбошилар унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатидан нима қилишини билишар, у қўл уражак иши ҳақида кимсага оғиз очмас, сўнги дақиқадагина қарорини очиқ айтар эди. Унинг бу феъл-атворига барча кўникиб қолган, ўзи гап очмагунча ботиниб ҳеч ким ундан бирор нарсани сўрай олмас эди. У бир қаҳрини келтирган кимсани қайтиб ҳузурига йўлатмас, берган фармони нотўғри бўлса-да, уни бекор қилмас, охиригача бажарилишини кутарди. Унинг ясо-сини бузган кишини кимлигидан қатъи назар кечирмас, терисини шилишдан тортиб, ўлимгача бўлган турли хил жазоларга тортар ва ўзи бошида туриб бажартирар эди.

У отда жадал юриб шаҳар деворини айланиб чиқди. Сўнгра, уч нафар энг яқин лашкарбошиси билан яна Кониғилга қайтиб келиб, шаҳарни забт этиш режасини тузишга киришди. Улар шу аснода икки кун маслаҳатлашдилар.

– Бу шаҳарда қанча лашкар борлигини аниқладик. Ҳар ҳолда элик-олтмиш минг атрофида қўшин бор. Қўлига қурол олиб бизга қарши курашадиган халқ бу ҳисобда йўқ, – деди бош ёрдамчи қоон қаршисида қотиб турар экан.



– Демак, юз минглик черик бор дея ҳисоб қиламиз, – деди Чингизхон хонада наридан-бери юраркан. – Бу шаҳарда форсу араб, сўғду турк ва яна отини кимса билмайдурғон турли хил қавмлар яшашади. Буларнинг бариси бир-бири билан ит-мушукдир. Шу боис ҳеч қачон бу чумчуқкаллаларнинг боши қўшилиб бизга қарши кураша олмайдилар. Ва биз уларни пешаналари теккан этикларимиз ила янчиб ташлаймиз!

– Фаҳмлашимизча, бу шаҳарни олмоқ Бухородан оғир кечади, улуғ қоон, – деди овози қалтираб туманбоши Алак Нўйон.

– Буни сен айтмасанг ҳам биламан! – Алак Нўйонга қараб ўқрайди Чингизхон. – Агар ақлинг ошиб кетган бўлса, бундан муҳимроқ, кераклироқ ва биз билмаган нарсаларни айт. Аҳмоқнинг ҳам ақли етадиган, кўзи кўриб турган гапни сўйлама.

Бу дақкидан сўнг бирорта лашкарбоши ёки мулозим оғиз очмади.

Чингизхоннинг ўзи гапириб, ўзи тўхтади.

– Худди Бухородаги каби иш тутамиз. Шаҳар атрофидан ўттиз мингга яқин одам тўплайсиз ва уларни шаҳарга бостириб киришга мажбур этасиз. Ўлса ҳам, ўлдирсалар ҳам бир-бирларини гўштини ейдилар. Бизнинг қўшин бу жонли халқани сиқиб бораверади. Орқага қараб қочган ёки савашмагани ўша заҳотиёқ қиличдан ўтказилсин!

Бир неча кун ичида Ўтрор, Зарнук, Нурота ва Бухородан «жонли девор» учун ўн минглаб одам ҳайдаб келтирилди. Уларга байроқ ва ноғоралар бериб, бутун шаҳар атрофига бўлиб чиқдилар. Шаҳардан қараганда қалъа деворини сон-саноксиз қўшин ўраб олган каби юракка ваҳима солгувчи бир манзара кўзга ташланар эди.

– Ўнлаб айғоқчилар шаҳарга кириб ваҳима солишсин! Шундай қилишсинки, биз билан урушмоқ фойдасиз

эканлигини бутун шаҳарликлар англаб етсин! – деди Чингизхон айғоқчилар бошлиғига ва у чиқиб кетгач, Субудай баҳодирга ўтирилди. – Бизнинг қўшинимиз Самарқанд қўшинидан оз бўлса-да, бу шаҳарни забт эта- миз, лекин Самарқанд қамали билан овора бўлиб, бошқа ерлардаги муҳим савашларни унутмаслигимиз керак.

У шундай деб яна бир марта хонанинг у бошидан бу бошигача бориб келди-да, Алак Нўйоннинг қаршисида тўхтаб, гап-сўзсиз бир неча дақиқа унинг кўзига тики- либ турди.

– Сен, Алак Нўйон, йигирма беш минг лашкарни олиб, Хўжандга жўнайсан ва у ерда не иш ила машғул бў- лишингни ўғилларим айтадилар. Хозироқ жўна! – деди Чингизхон фақат тинглаётган одам эшитадиган овозда. – Сени Тангри қўлласин!

Алак Нўйон ташқарига чиқиб, кўздан ғойиб бўлди.

Чингизхон бурчақда турган эски дўсти Ясурийнинг қаршисига келди.

– Қалай, Ясур? Аҳволинг яхшими? Нима камчили- гинг бор? – сўради эски дўстидан юмшоқ оҳангда.

– Қуллуқ, улуғ қоон! Ҳар нарсамиз жойида. Камчилик йўқ! – лашкар каби жавоб қилди мингбоши Ясур.

– Сенга ишонаман. Хозироқ ҳузуримдан чиқиб ўн минг сонли қўшинни олда, Вахш томон юр. У ерда ўғилларимдан бирига учраш ва уларга бош-қош бўл. Са- вашавериб кўзинг пишган. Болаларимизни ҳам ўзимиз каби шафқатсиз қилиб ўргат. Бўлмаса бошлари учиб ке- тишини чуқур англат! – деди Чингизхон Ясур мингбо- шининг ўнг елкасига чап қўлини қўйиб тураркан. – Сен- га Тангри ёр бўлсин!

Хонада Субудай, Жебе Нўйон ва Тохучарлар қолган эди. Чингизхон чап қўлини кўтарган эди, учови ҳам физиллаб ёнига келдилар.

Abdulla Qodiriy nomidagi

viloyat AKM

INV № 168701-2019

– Сизлар Хуросон юртида лақиллаб, ўзича, бизни қидириб юрган анави аҳмоқ Муҳаммад қўшинларини таъқиб этмоқ учун борасиз. Сизни ўғилларимдан бири кутмоқда. Хузуримга фақат ғалаба билан қайтажасиз. Акс ҳолда кечирмайман! – дея лашкарбошиларига сўнги буйруқни берди Чингизхон. – Биз қисқа фурсатда бу шаҳарнинг кулини кўкка совурамыз.

Босиб келаётган мўғул лашкари, ниҳоят, «жонли девор»ни ўнта-ўнта қилиб, уларга биттадан мўғул ўнбошини тайинлаб, ҳужумга ўтдилар. «Жонли девор»нинг орқасида уларни масхара қилиб, мўғуллар боришарди. Мўғуллар олдиларида қўй каби индамай кетаётган кишиларни ҳашарчилар деб атай бошлайдилар. Улар дарвозаларга етганларида қалъа хандақларини бузишни буюрдилар. Сўнгра улар дарахтларни кесиб, сувдан бўшаган хандақларга ташладилар. Хандақ тўлавермагач, моллар ва асирларни бир-бирига боғлаб хандаққа, девор ёнларига ташлар эдилар. Шу тахлит қалъа девори ёнида унга тирмашиб чиқиш мумкин бўладиган даражада тепаликлар ҳосил бўлди. Қалъага ҳужум қилаётган мўғул аскарлари қийқиришганча бу тепаликлар орқали қалъа деворларига осилиб чиқа бошладилар.

Бироқ самарқандликлар мўғулларнинг барча ҳамлаларини мардонавор қайтарардилар. Бир нафар ҳам мўғул аскари қалъа деворига чиқа олмади. Бундан ғазабланган Чингизхон эртаси куни қўшинни ўзи бошқариб ҳужумга ўтди. Аммо дами баланд қооннинг бу ҳаракатидан ҳам бир натижа чиқмади. Жангнинг учинчи куни Чингизхон қўшинида кечаги катта талафот ҳисоб-китоб қилиниб, қолган-қутган қўшинлар сафга тизилаётганда шаҳар ҳимоячилари Алп Эрхон бошчилигида кучли ҳужумга ўтди. Алп Эрхоннинг қўшини мўғулларнинг олдинги кучларини тор-мор келтирди ва асирлар олиб яна шаҳарга қайтдилар. Бу ғалабадан

рухланган шаҳар мудофаачилари ҳам мўғуллар устига ташланди. Бироқ улар ёғий қўйган пистирмага дуч келиб, қиличдан ўтказилди.

Чингизхоннинг назарида ҳамон шаҳар таслим бўладиган эмасдەк эди. Унда ҳаёт давом этар, емак-ичмак ва ем-хашак давомли урушга етиб ортадигандек кўринарди. Унинг бу тахминини бир эмас, бир неча айғоқчилари ҳам тасдиқлади.

Хузурига айғоқчилар бошлиғи Бақа Қуруқни чақирган Чингизхон унга қуйидаги кўрсатмаларни берди:

– Одамларингга айт ёким ўзинг бор! Шаҳарнинг олий қозиси билан сўзлаш. Унга Бухоро олий қозиси Бадриддиндан салом сўйла, сўнгра шайхулисом билан гаплаш. Қўйнига истаганича олтин тик. Шаҳарни топширишсин. Биз билан урушмоқ фойдасизлигини англат. Менинг номимдан уларга жон ва мол омонлиғи кафолатини бер. Кўрасан, шундан сўнг эртага улар совға-саломлар билан остонамизда ҳозир бўлишади! Англадингми?! – дея бақирди Чингизхон ер тепиниб.

– Англадим! – қисқа жавоб қилди баланд овозда Бақа Қуруқ.

Кўлни кўрган Чингизхоннинг ўқи нишонга бориб теккан эди. Эртаси куни тушга яқин Самарқанд шайхулисоми ва олий қозиси бошчилигидаги бою боёнлар гуруҳи икки букилиб, Чингизхон қаршисида турар эдилар.

– Хизматингиз унутилмайди, – деди уларга бирмабир совуқ назар ташлар экан Чингизхон. – Улуғ Тангрининг иңояти ила энди бу ҳудудлар бизникидир. Кимки бизга қарши турса, тупроққа айланажак! Кимда-ким бизнинг ёнимизга кирса, яхшилик кўражак!

Савашнинг бешинчи куни мўғуллар Самарқандга Намозгоҳ дарвозаси орқали кирдилар. Улар шаҳарга қадам қўйишлари билан мудофаа мақсадида қурилган

истеҳкомларни буза бошладилар. Ўша куни кечаси эса Алатхоннинг минг кишилиқ кўшини мўғуллар сафини пароканда қилиб ёриб ўтди ва Султон Муҳаммад черигига бориб кўшилди. Кўшиннинг Бормасхон, Ўлдожхон ва Тўғайхон етакчилигидаги бўлинмалари қалъага кириб олиб, яна ўн кун мўғуллар билан савашдилар.

– Йигирма мингдан ортиқ одам ўн беш кундан бери қаердан сув олиб ичади? – сўради Чингизхон ҳузурида икки букилиб ўтирган Самарқанднинг заҳил юзли олий қозисидан.

– Тоғ тарафдан, кўрғошинли Арзиз қувури орқали шаҳарга сув келади, – деди овози титраб олий қози.

– Ҳ-м-м! Шундай денг! Мана гап қаерда? Бу аҳмоқларнинг шу пайтгача буни билмаганини қаранг! Бақа Қуруқни чақир! – ўшқирди Чингизхон.

Зум ўтмай, унинг ҳузурида ранги қути ўчган бош айғоқчи ҳозир бўлди.

– Сен шаҳар ўн беш кундан бери яширин қувур орқали сув олаётганини билармидинг? – дея сохта босиқ овозда сўради Чингизхон унинг кўзларига қарамай.

– Йўқ, буюк қоон! – жавоб қилди Бақа Қуруқ кўрқиб кетганидан овози чиқмай.

– Демак, еган нонинг ҳаром сенинг! Вазифангни ёмон бажариб, минглаб мўғул аскарининг хунига зомин бўлдинг! Жаллод! – ақл бовар қилмас даражада қаттиқ овоз билан бақирди Чингизхон.

Ўн қадамлар нарида турган тўрт нафар жаллод шахдам қадам ташлаб, Чингизхонга яқин келдилар.

– Бу ҳаромининг тириклигин териси шилиниб, танаси улоқ қилиб чопилсун!

Қозикалоннинг кўз олдида жаллодлар ишга киришди. Даҳшатли бақирқдан қулоғи том битиб, кўзи кўрмай қолди.

Чингизхон эса мижжа қоқмай жаллодлар ишини кузатиб турарди. Қозикалон қандай қилиб уйига қайтиб келганини билмайди. Шу воқеадан сўнг у ўзига келмади. Ақлдан озиб икки йил ётди-да, дорулфанодан дорулбақога равона бўлди. Самарқанддек муқаддас шаҳарни ёғийга топширган бош сотқиннинг ҳаёти шу тахлит ниҳоясига етди.

Ўша куни Чингизхон беш юз нафар хос навкарини олиб кўркувдан ақлдан озаётган Қозикалон етакчилигида Арзиз ариғи томон кетди. Тепасида туриб қувурни буздирди. Аркни сув босиб, деворларини ювиб кета бошлади. Бироқ қалъа ҳимоячилари омонлик сўраб, ёв қўлига тушмоқдан кўра бир дона бўлса-да, ёғий аскарини маҳв этиб ўлмоққа қасам ичганча, қалъадан чиқиб, мўғулларга ташландилар. Тирик қолган мингдан ошиқ ҳимоячилар Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ қурдирган жоме масжидига кириб яширинди. Улар бу ерга ўлим олдидан сўнгги бор намоз ўқимоқ учун кирдилар. Босқинчилар масжидга ўт қўйиб, ибодат қилаётганлар билан бирга ёқиб юбордилар.

Арзиз ариғини бузаётган жангчилари хатти-ҳаракатини кузатар экан, Чингизхон Синд дарёси бўйида, Султон Жалолоддин Мангуберди Хоразмшоҳ ҳақида айтган сўзидан кейинги иккинчи муҳим гапини айтди:

– Ғойибдан, Тангри ишингни ўнглаб мушкулингни осон қилмаса, бу турк қавмини енгиб бўлмас экан, – деди у ёнида турганларга ғалати овозда. – Неча минг йиллардирки, ота-боболаримиз буларга хизмат қилиб келганлар. Дунё тол товоқдаги айланма қошиқдир. Энди бизнинг давримиз келди. Туркни туркдан ўзга кимса енголмас...

Чингизхон қаҳрини қўзитган амир, лашкарбоши ва хос мулозимларини ўтов ёки чодирда дўппослатарди. У ёшлигидан курашиб ва муштлашиб ўрган-



гани учун қаршисида ҳали онасини эммаган бузук каби оёғи қалтираб турган ходимни бир уришда йиқитар, хушидан кетиб, узоқ вақт ўзига келмаса, судраб ўтовдан чиқариб ташлар ёки бўлмаса—бошқа ёрдамчиларини чақириб, «мана бунинг ўлигини керакли жойга элтиб ташланглар» дер эди. Одамлари унинг ҳақоратларига кўникиб қолишган, қарши гапирган ёки қочишга ҳаракат қилган кишининг куни битиши тайин эди. Шу боис ўрдада асабий, киши руҳини сиқувчи вазият ҳукмрон эди.

...Ғафлат босган Султон Муҳаммад касофати ила Самарқанд тарихидаги энг мусибатли кунлар бошланганди. Шаҳар ва унинг атрофида қўланса ҳиддан бош кўтариб юриб бўлмас, қиёмат қойим бўлганди. Мўғуллар тирик қолган жангчилар ва халқни шаҳар ташқарисига олиб чиқиб, ўн ва юз кишидан тизишди. Булар орасидан савдогарлар, руҳонийлар, хунармандлар, ўспиринлар ва бойларни ажратиб олиб, қолганларни қиличдан ўтказдилар. Чингизхон ўттиз минг хунармандни тўрт нафар ўғли ва қариндош-уруғларига қул қилиб бўлиб берди. Савашдан соғ чиққан ҳашарчилар Хоразм ва Хуросонга бадарға қилинди. Шаҳарда урушдан олдинги аҳолининг тўртдан бири ҳам йўқ эди. Жони ёнига қолган аҳолига икки юз минг динор солиқ солинди. Бу солиқни тўплаш шу ерлик бойлардан бири Амасулмаликка топширилди.

Ҳамма бир-биридан хавфсирар ва ақл бовар қилмас даражада кўрқар, дуч келган мулозим бир-бирининг ортидан пойларди.

Чингизхон Туроннинг юрагига ханжар урган эди. Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Гурганж бўлсада, бу юртнинг қалби Самарқанд эди. Туркистон тизма тоғларининг ўртасида жойлашган, пойтахтликка муносиб азим ва гўзал шаҳар эди.

У энди яна кўксини кўтариб, оёққа туриб, авлодлар шаъну шавкатининг тимсоли бўлмоғи учун замонлар керак эди...

## I

*Бўлар элнинг боласи,  
Бир-бирини ботир дер.  
Бўлмас элнинг боласи,  
Бир-бирини ётиб ер!*

*Халқ нақли*

Тонг отар, кун ботар, умр ўтар эди...

Туркистон тизмалари этакларига бу сана куз кеч кирди. Дастлаб ёнғоқ япроқлари сарғайиб, кузнинг илк хабарини берди. Сарикдан қаҳва рангига айланган барглар салқин мезон эпкинларида чирт-чирт узилиб она оғочдан узоқлашишар, шамол уларни кучи етган қадар учириб кетар эди.

Турналарнинг иссиқ ўлкалар томон йўлга тушишларига ҳали бир оз вақт бор, қарғалар эса ҳадемай қиш келишидан дарак бериб, бедапоя ва ангорларда бемалол лапанглашишар, виқор билан тўрт тарафга қараб ер чўқилашишарди.

Одатдагидек эрта туриб, бомдод намозини ўқиган амир Муҳаммад Тарағай Баҳодир ҳовлига чиқиб наридан бери юраркан, кўчадан киришда, ўнг тарафдаги хонада ихлос ва эътиқод билан намоз ниятини қилаётган ўн тўрт ёшли ўғли Темурнинг хатти-ҳаракатини кутатганча жойида туриб қолди. Амир бу яқин вақт орасида Яратганга бунчалик меҳру муҳаббат билан ибодат ва илтижо қилган кишини учратганини эслай олмайди. Нигоҳи тушган ҳолат ва манзарадан шу қадар таъсир-

ландики, беихтиёр бўғзига хўрсиниқ келиб, кўзи ёшовлади.

– Эгамга шукур! Авлодимнинг қалбига шул қадар Оллоҳ меҳр-муҳаббатни солганига шукур! Иншооллоҳ, бундай эътиқодли фарзанд ҳаёт йўлида адашмагай! Ўзинг шафқатингни дариг тутма, Эгам! Элу улус баробарида бизни ҳам ёрлақагин! Ло илоҳа иллоллоҳ, ашҳаду анна Муҳаммадур расулуллоҳ!

Амир оҳиста сўзларкан, юзига фотиҳа тортди. Бармоқлари беихтиёр, кўз ёшларини артиб кетди. Сўнгра рўмолчасини олиб, куз тонгининг салқинидан ёшланган кўзларини артаётгандек бўлди.

– Ассалому алайкум, қиблагох!

– Ва алайкум ассалом, Оллоҳ ибодатингизни қабул этсин! – деди ўнг қўлини кўксига қўйганча отасига термилиб турган ўғли Темурбекка қараб.

– Яратган Оллоҳим шу беғубор тонг-да пок юрак ила қилган илтижоларингизни қабул этсин! Барча қатори бизни ҳам меҳр-мурувватидин дариг тутмасун! Омин!

Ота-ўғил баробар юзларига фотиҳа тортдилар. Сочларига оқ оралаб, полвонсифат елкалари ихчам тортган, узун-узун қўлларининг томирлари ўйнаб, қиёфасида кексалик аломатлари кўриниб қолган амир шундай дея беихтиёр, бош фарзандини оҳиста бағрига босди. Яна кўнгли тўлиб кетди. Ўғил ҳам отасини бағрига босганча сукут сақлаб турар эди.

– Вой, саҳармардондан бир-бирини бағрига босган ота-боладан айланайин! – деди ҳовлига чиққан Таки-на хоним ота-боланинг бу ҳолатини аввал тушунмай, бир лаҳза сукут қилгач, маънисига етди, меҳри товла-ниб кетди. Одам боласи ҳам бу қадар меҳр-муҳаббатли бўладими? Бу қадар бир-бирига меҳр қўядими? Вой кўзларининг дардини олай, Темур болам! Отагинасининг

қаноти, орзу-умиди, армони! Тангрим ёмон кўзлардан асрасин сени!

Такина бегимнинг бу илиқ ва аллаловчи сўзлари улар руҳиятидаги ҳолатга шу қадар мос эдики, онаси яна бир оз шу оҳангда сўйласа, Темурнинг ичидан тўлиб-тошган бир йиғи отилиб чиқадигандек эди.

– Эрталабдан, сафар олдидан ота-бола бир-биримизни бағримизга босдик-да, энаси. Инсон зоти бир-бирини соғиниб яшамас экан, унинг ҳаётида завқу шавқ қолмайди, – деди амир хонимнинг сўзларига жавоб қилган бўлиб ҳамон рўмолчаси билан кўз ёшларини артаркан.

– Отанг ўзи шунақа, болам! Кўнгли бўш. Сал нарсага кўзининг ёши оқиб кетаверади. Лекин сен отангга ўхшамма! – Такина хоним табиатан зийрак ва зукко, гапга чечан бўлса-да, кўп гапиравермас, эри, нозиктаъб Тарағай Баҳодирнинг кўнглига хуш ёқадиган пайтлардагина очиларди. – Кўнгилчанг бўлсанг, ҳамма нарсдан куруқ қоласан. Мана отанг, бекликка хон фармонини ола туриб, уни бировга бериб ўтирибди!? Бу кишим билган қон-қариндошликни улар ҳисобга олишгани йўқ!

– Қўй, энаси, бунақа гапларни! – Тарағай Баҳодир ўғлининг олдида хижолат чекиб, хотинига танбеҳ берди-ю, лекин унинг гапларидан оғринмади, қайтага ўғли билан шу мавзуда суҳбатлашиш имкони туғилганидан хурсанд бўлди. – Худо ризқингни бутун қилса бекмисан, амирмисан фарқи йўқ. Энг муҳими, Худо ярлақамокдан қўймасин! Яхшиси, бизга нонушта ҳозирла. Бекзода ўғлинг билан бир Атабек амакимизни кўриб келайлик. Анча бўлди кўришмаганимизга. Ҳозир йўлга чиқсак, шом намозига қадар етиб борсак ажаб эрмас...

– Амакингни кўришга фақат сиз борасиз. Туманли бойман деб ул киши бизнинг тарафларга фақат тўю маъракада келадилар, – оғриниб сўзлади Такина хоним.

– Ҳа, энди ул кишининг ёшлари улуғ. Шундай экан, биз у кишини бориб кўрмоқ ва ўғлимиз Темурбекни таништириб қўймоқ мажбуриятидамиз. Бу эскидан, ота-бобомиздан қолган урф-одатдур, энаси.

– Болаларингиз ҳам билсин дейман-да. Болага бошдан тушунтирмоқ, қулоғига қўймоқ лозим. Шукрлар бўлсинким, Темурбек мана эр етай деб қолди. Баландни пастдан, оқни қорадан, дўстни душмандан энди ажратмоғи лозим. Сиз фурсати билан тушунтираман деган ўйда уларга кўп нарсаларни айтмайсиз. Лекин ўз вақти, замонида тегишли гапларни улар қулоғига қўйиб қўйингки, йўлларида адашмасинлар. Хешу ақрабо, дўсту бегонанинг қутқусига учмасинлар. Чунки обрў ошдан, ғавғо қариндошдан дейдилар.

– Ҳақсан, энаси, ҳақсан. Ҳақ бўлмасанг ҳеч бир мавзуда оғиз очмайсан. Бу одат сенга раҳматли отамиз, шайхулислом ҳазратларидан ўтган. Сен йўл кўрсат, мен насиҳат берайинким, боламиз одам бўлсин. Элнинг олдида юрсин. Улуғ авлод-аждодлари шаън-шавкати сақлай билсин!

Такина бегим отасини эслаб бир энтиқди. Бухоро шайхулисломининг қизи Такина бегим тақво билан бирга табиий фанлардан ҳам савод чиқарган, шу боис Темурбекнинг чуқур билим олишига хайрихоҳгина бўлиб қолмай, шахсан ўзи назорат ҳам қиларди.

– Меҳмонхонада нонушта ҳозир, сиз яхши кўрган куртавадан қилдирдим. Кечгача сув ичиб кетаверасизлар, – ота-ўғилни емакка даъват этди Такина бегим.

– Тўриқ билан саманни сафарга ҳозирла, – Қулмон отчига иш буюрди бек меҳмонхона томон юраркан. – Нонушта қилдингми?

– Қилдим, бек оға. Энам аввал бизнинг қорнимизни тўйғизадилар. Оллоҳ ул кишимдан рози бўлсин! Муҳтарама бекамиз жаноби олиялари ҳаётларининг ҳар

бир кунда хайри худойи қилиб яшайдурғон зотдирлар. Шул боис бу хонадондин Оллоҳнинг нуру раҳмати аримағай!

– Сендан-да эгам рози бўлсин, Қулмон! Энанг дўсту душманга бирдек яхшилик тиловчи инсон. Тили ўткирроқ бўлса-да, юрагида инсон зотига ёмонлиги йўқ. Отларга амирона эгар-жабдуқларни ур. Ёлларини тара. Кўп сув ичирма!

Бек шундай деб нонушта ҳозирланган меҳмонхона томон юрди. Ортидан ўғли ва хоними ҳам кирди. Такина бегим юмшоқ эчки жунидан тикилган дастурхонга қозонда қотирилиб, ўчоқда товланиб пиширилдиган туркпатирни ўраб қўйган эди. Хона сут ва сариеғга қорилиб пиширилган патирнинг исига тўлган, бу ҳид меҳмонхонанинг болор ва вассажуфтлари тоғ арчасидан бўлганлиги учун унинг доимий анқиб турадиган ҳидила уйғунлашиб, ғаройиб бир бўй таратар эди.

Такина бегим каттакон лагандек келадиган иссиқ патирнинг ўртасига бир қувилик сариеғ қўйди. Хонадон аъзолари тузланган сариеғ ейишга одатланишган. Такина хоним баҳордан бошлаб, ўзи хизматчиларнинг бошида туриб, ёғли қатикдан қуви пиширар, олинган ҳар бир юмалоқ ёғни суви тамоман чиқиб кетгунга қадар қўлда чекиб, меъёрида тузлангандан сўнг янги сўйилган қўйнинг тузда обдон бўктирилган қорнига ҳаво кирмайдиган қилиб жойлаштирар эди. Омборхонанинг ертўласида қишлик учун камида йигирма қорин ёғ турар эди.

Сўнгра суфрага сариеғ қўйилган қуртава келтирилди. Эритилган сариеғ иси барча ҳидларни босиб кетди. Такина бегимнинг ошчилари емак ҳозирламоқ борасида ҳассос эдилар. Буларнинг барчасига ошчиликни хонимнинг ўзи ўргатар; емак ҳозирламоққа табиатан уқуви йўқ қизларни оиланинг бошқа ишларини бажармоққа

йўналтирар, тирикчилик учун юмуш истаб келган ҳеч бир кимсани остонадан ноумид қайтариб юбормас эди.

– Бул мусофирпарварлигингиздан сўнг бек жаноблари сўядиган қўйлар ҳам ейилмай қолиб кетадиган бўлди-ку, энаси, – деди амир ҳузур қилиб патирдан еяр экан.

– Бой зоти шунақа. Дастурхонга қўйганини қанчалик емасангиз шунчалик хурсанд бўлади, – одатдагидек хўжасига ҳазил қилди бегим. – Сув ҳам қаттиқ ерда туради. Юмшоқ ерга тез сингиб кетади.

– Э-э, сизга бир гап деб бўлмайди-да, энаси, – ода тига кўра ҳазил-мутойиба ёки жиддий бирор масалани сўзлашганда хонимини сизлар эди бек. – Барча бойлар ҳам шундай бўлмаса керак. Мана ўзингиз ҳам бой хотинисиз. Қўлингиз очик, – умр йўлдошига меҳри товланиб сўзлади амир ва қўшиб қўйди: – Аммо қуртавани боплабсиз, ҳидидан билиниб турипти.

– Бироқ қуртавани ҳеч ким раҳматли энангиздек ҳозирлай олмас эди, – деди бегим сопол косадаги қуртавани хўжаси олдига ўз қўли билан қўяр экан. – Раҳматли қайнонам уни маромида қайнатишни билар эдилар. У кишим шундай иситар эдиларки, чалоб ҳам иримас, пиёз ҳам тобида сўлар эди. Сариёғни эритиб, қуйқасини ёғлоғи остида қолдириб, кўпикли бетини қуртава юзига солар эдилар. Қуртава қилмоқни мен ул кишимдан ўргандим. Бизнинг Бухоройи шарифда қуртава одатий емак эмас эди.

– Қуртаваю туркпатир бизга ўхшаган чорвадор қавмларнинг емаги. Сиз шаҳарликлар сабоҳ нонуштада ҳусайни узум ёки қаймоқ билан обинон ейсизлар, – хотинининг оғзидан гапини олди амир Муҳаммад ва Такинахонимга уйлангандан сўнг бўлиб ўтган бир воқеани беихтиёр эслади. Бегимнинг қирқ кунлик келинлик чилласи чиқмаган пайти эди. Айвонда ёш амир, онаси ва

келин нонушта қилишар, ҳовлидаги садақайрағоч остида уч нафар хизматчи ҳам нонуштага ўтирган эди. Ошчи қиз хонадон соҳиблари суфрасига пишган қаймоқ, нон, сояки майиз, ёнғоқ ҳамда шинни келтирди. Хизматчилар дастурхонида эса обинон, шинни ва хом қаймоқ бор эди.

Кайнона чойни ичиб бўлиб уйга кириб кетганида Такина бегим, бир оз қизаринқираб эрига юзланди.

– Айбга буюрмасангиз, бир сўз демоқчи эдим, – деди хижолатдан терга тушиб.

– Сўйланг, бегим, – деди ёш амир келинчакни хижолатга солган не нарса эканлигига ҳайрон бўлиб.

– Биз бир оз янглиш иш қилмоқдамиз, амирим, – деди зўрға тили айланиб.

– Сўйланг! Не янглиш иш, қўлимиздан келса тузатайлик, – пиёласини қўлда тутганча хонимининг юзига қараб қолган эди бек.

– Биз ўзимиз ниманики есак, қўл остимиздаги кишиларга ҳам шуни бермоғимиз лозим. Улар биз нималар еганимизни кўриб туришибди. Отамиз «ўзингга ниманики раво кўрсанг, яқинларинг ва қисмати сенга боғлиқ одамларга ҳам шуни лозим кўр», деганлар.

– Не демоқчилигингизни англадим, бегим. Бугундан бошлаб бу хонадонда ким не емак-ичмаклиги, хуллас, оиланинг озиқ-овқати увол-савобини бўйнингизга олишингизни сўрайман. Зотан энамлар ҳам сизни бизнинг уй шароитимизга ўрганишингизни кутиб турган бўлсалар керак.

Шу-шу бу гап эр-хотин орасида ҳазилу чин аския, мутойиба мавзусига айланиб қолди. Хоними гоҳида хизматчиларга қаттиққўллик қилганида бек хонимнинг ўша гапига оҳиста писанда қилар эди.

– Хуллас, беку бекзода тўнларимизни кийиб йўлга чиқамиз, ўғдим. Йигит юрса йўли очилади дейдилар.



Сиз юрт кезинг, одам танинг. Мен сизни уруғимизнинг кекса, тажрибали ва таниқли кишилари билан таништириб, улар суҳбатларини олмоғингизни истайман. Уларнинг ёшлари улуг, ғанимат инсонлардир.—Ҳаётимда бир нарсага иймон келтирдимки, шу сўзларимни қулоғингизга қўроғошиндек қўйиб олинг. Бу ёруғ дунёда мол-мулкинг ёки пулинг тугаб қолганида хоҳи яқин, хоҳи бегона бўлсин, ундан қарзга бирор нарса ёки ақча олиб туришинг мумкин. Ақли-хуши жойида одамни бирор муҳтожлик, етишмовчиликлар ҳам издан чиқара олмайди. Ҳаракат қилса, инсон боласи очидан ўлмайди. Бироқ ҳаётда инсон каби яшашингда йўлчи бўла оладиган, оғир кунларингда ҳақиқий тўғри маслаҳатни бера биладиган инсонни топиш мушкул экан. Боиси, ҳар қандай боши юмалоқ, бути айри инсон ҳам эртасини кўравермайди. Ҳар кимда ҳам тўғри яшай билиш закоси такомилга етган бўлавермайди, болам.

Ўспиринамирзода етти ёшли саманнинг нақшли эгари қошини чап қўли билан маҳкам тутганча, отасининг сўзларини жон қулоғи билан тинглаб борар эди. Отаси минган ўн ёшли зотли тўриқ самандан икки қадамча олдинда борар, ўзининг ва эгасининг йўлбошчилик мавқеини кўз-кўзлагандек, ён-верига солланиб бош ташлар, ёллари ни силкитиб виқор билан йўрғаларди. Темурбек минган саман ҳам ундан қолишмас, эгасини ўз устида гўёки денгизда сузаётган қайиқ каби оҳиста чайқалтираётганга ўхшарди.

Тоғ этаклари, яйловлар, буғдой ва арпаси ўриб олинган сайхонликлар кузнинг оч сариқ рангига бурканиб кишини ўйга толдирадиган бир қиёфага кирган, қиш ташвишига тушган тўрғайларнинг чулдираши эшитилмас, чўққилардаги қорлар эриб кетганлигидан ўзани торайиб ингичка тортиб қолган сойлар царқираши қулоққа чалинмас эди.

Ҳар сой ёки ирмоқчани кесиб ўтганида отлар сув ичмоқчи бўлар, соҳиблари бунга изн бермай юганини тортишарди. Терлаб келаётган отга сув ичирмайдилар. Собиб, ҳовридан тушгандан кейингина суғорса бўлади. Акс ҳолда бебаҳо зотдор тулпордан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас. Отнинг ичи куйиб, тил тортмай ўлади.

– Боя волидангиз сўз очган фармон ва амирлик хусусида сизга билги бериб қўймоғим лозим, ўғлим. Токи, сиз менинг бир қориндан талашиб тушган акам Ҳожибек Барлос ила орамизда бўлиб ўтган воқеаларни ҳар кимдан эшитиб ҳайрон бўлиб юрманг, – дея ўғлининг дилидаги саволга жавоб бермоққа киришди амир Муҳаммад.

– Дарвоқе, анчадан бери бу гап қулоғимга чалиниб юради, қиблагоҳ. Бироқ сўрамоққа журъатим етмасди, – дея саманни ниқтаб яқинлашди бекзода.

– Маълумингизким ўғлим, биз амакингиз билан шу юк зиммамизга тушгандан бери ўзимизнинг туркий барлос қавмимизни бошқариб келамиз. Барча амиру умаро каби улусимиз билан биргаликда Мовароуннахр султонларининг ички ва ташқи ишларида, лозим бўлганида урушу савашларида бирдек қатнашамиз. Улусда савашдан ўзингни торгдингми, учоворадан чиқдим деявер. Бундан ўн тўрт йил бурун биз султон Элчикдай қўшини сафида Кўппакхонга қарши савашдик. Ҳал қилувчи жанг мен бошчилик қилган минглик чекига тушди. Яратганга беадад шукрлар бўлсинким, юзимизни ерга қаратмади. Султон ҳазратлари жангу жадал ғолиби деб мени ва черигимни эълон этди. Ҳамда менга Баҳодир унвонини берди. Хон ҳазратларининг тақдирномаси бу билан чекланмади. Олий фармон билан мукофотлаб, хон ёрлиғи билан Кеш ҳокими этиб тайинлади. Кешда акам Ҳожибек Барлос ҳоким эканлигини, ундан бу рутбани олишим ахлоқ-одоб юзасидан муносиб эмаслигини хонга айтиб бўлмас эди. Боиси, хон

акамнинг Кешда ҳоким эканлигини ва унинг кимлигини мендан кам билмас эди. Бундан ташқари хон бу ёрлиқни менинг хузуримда имзолаб қўлимга ҳам бергани йўқ. Савашдан сўнг мен ҳамон юртга қайтган эдим. Хон ёрлиғини девондан олган чопар Кеш сари йўлга чиққан. Менинг на ёрлиқдан ва на чопардан хабарим бўлган. Амакингизни эса бунинг барчасидан огоҳ этишган. Ёрлиқ билан от чоптириб келаётган чопарни тутиб олдириб шаробга тўйдиришгану сўнгра ясоққа тортишган. Энг ёмони, бу қотиллик амакингиз – менинг акам Ҳожи Барлоснинг амри билан бўлган. Ёрлиқни шаҳид чопар қўйнидан олиб менинг номим ўрнига ўзиникини ёздирган.

Амир терлаган бўйни ва пешонасини артмоқ учун қўйлаги устидан боғланган белбоғини ечди. Пешонасини артаркан, кўзини юмиб чуқур нафас олди. Темурбек оғир ўйга толганча отасининг қош-қовоғига қараб отнинг жловини бўш қўйиб борар эди.

– Телбанинг ишини Худо ўнглайди деганидек, амакингизнинг Худога бир айтгани бор экан. Шу воқеадан бир ой ўтар-ўтмас султон Элчикдай Туғлуқ Темур билан бўлган жангда шаҳид кетди, раҳматли. Ёпиғли қозон ёпиғлигича қолди. Биз ака-ука бетма-бет келиб бу ҳақда сўзлашмадик. Акам менга Кўрғонча туманини бошқаришни топширди. Мен энди уйлангандим. Арзимаган кўч-кўронимни икки туяга ортиб жўнаб кетдим. Оллоҳ сизни ато этди. Қиссадан ҳисса шулким, ҳеч қачон инсон қонини ноҳақ тўкмаслик керак. Бунинг ҳар икки дунёда жавоби бор. Хун ва қасос олмоқ инсон зоти борки, кўкайида яшайди. Бу можаронинг яна бир нозик томони шундаким, ҳоким, амир ва инсон ўлароқ мен акамнинг нуқсонларини биламан. Бироқ буни ўзига айтсам, у ҳеч қачон тўғри тушунмайди. Раиятнинг ундан норози эканлигидан фойдалансам, элу юрт мени

қоралайди. Бир кун келиб сиз ҳам бизнинг ўрнимизда қоларсиз ва улусни сўрарсиз. Яхши-ёмон, дўсту хоин зарбасига дуч келарсиз. Шундай дамларда бир нарсани унутмангки, айб гуноҳ ёки жиноят қилса-да, энг яқин қариндошингизни жазолашда шошманг ва янглишманг. Ҳар қандай жиноят қилса-да ўлдирманг ёким. ўлимга ҳукм этманг. Узоқ-узоқ элларга ҳайдаб юборингу сочининг толасини-да туширманг. Юзда-юз ҳақ бўлсангиз-да одамлар, элу юрт бундай пайтда сизни оқламайди. Дунёи қўтир шундай экан, болам! Ундан рози бўлиб ўтган одам боласини кўрмадим!

Амир шундай деб от жиловини тортди. Сайхонликдаги булоқ бўйига етиб қолгандилар. Доимо сафарга чиққанларида шу ерга етганда дам олиш учун тўхтар эдилар. Темурбек отларни чашма бўйидаги яккатутга боғлади. Тўриқ ва саман бўйниларини чўзганча, тут баргларини юлқилар ва сувлиқлари билан бирга қўшиб чайнашарди.

Ота-бола от ёпинчиғини тўшаб, узандилар. Амир уюшган оёқларини уқалаб туриб бир оз бўлса-да дам олдириш учун амири этигини ечди. Бирга пешин намозини ўқидилар.

– Яна чўзилсам кўз илинади. Кун қораймай манзимизга етиб олайлик, – деди амир этигини киймоққа киришар экан. Отларимиз ҳам дам олишди. Энди совиб қолишмасин.

Темурбек отасини тўриққа ўтқизди-да, бир сакраб саманига миңди.

– Сиздан яна бир нарсани сўрамоқни истайман, қиблагох? – дея отасига мурожаат этди ўғил бўлиб ўтган суҳбатдан ҳамон таъсирланар экан.

– Сўранг, ўғлим, сўранг, – охиста жавоб қайтарди амир.

– Авлодларимизнинг улуғ хоқон Чингизхон билан боғлиқлиги хусусида билмоқчи эдим. Мени ўйлантирган нарса шулким, улуғ хоқон авлодлари ила уларнинг дўстлик туйғулари менда шубҳа туғдиради. Самимиятлари ҳам сохтадек, назаримда. Улар ўзларидан бошқа барча қавмларга паст назар билан қарайдилар. Недан улар ўзларини бундай тутадилар?

– Оғир савол. Бу фақат сизни эрмас, барчамизни ўйлантирадиган муаммодир. Борлиқ одамизод каби биз ҳам Одам Атодан тарқалганмиз. Бизнинг авлодимиз Нух алайҳиссалом ўғли Ёфас, унинг ўғли Ғомур ва анинг фарзанди Туркхондир. Қани, ўғлим, ўзингиз менга Нух алайҳиссаломгача бўлган боболаримизни айтиб берингчи! Мен сизга ёздирган эдим, – кутилмаганда ўғлини сўроққа тутди амир.

Темур ўз авлоди шажарасини ёдлаб олган эди. Ўн бир ёшида Куръони каримни ёд эта олган бола учун бу мураккаб савол эмас эди.

– Алқисса, сўйлаганингиз каби Одам Ато Ҳазратлари, Шижо, Нуш, Маннон, Махлойил, Бурда, Идрис алайҳиссалом, Малик ва Нух алайҳиссалом! – бурро-бурро жавоб қилди Темур.

– Балли, ўғлим, балли: Туркхондан кейинги авлодларимизни ҳам бир санаб беринг-чи? – ўғлининг ҳофизаси кучлилигидан мамнун эди бек. – Мен сизга илгари ҳам айтганман, бизнинг эски урф-одатимизга кўра ҳар бир инсон камида ўтган тўққиз ота-бобосини ёддан билмоғи шарт. Бўлмаса ул кишига ўз келиб-чиқишини билмаган, насл-насабидан хабарсиз бир кимса сифатида қарайдилар. Қани, сўйланг-чи.

– Туркхондан сўнг Шамархон, – ўз авлоди шажарасини ёддан айта бошлади Темур. – Қорахон, Илёсхон, Элчихон, Тоторхон, Мўғулхон Юлдузхон, Элхон, Қаёнхон, Темуртошхон, Офтобхон, Ойхон, Лингухон, Чубина-

хон, Поён Султон, Анқухон, Буқахон, Дутумманихон, Қайдухон, Бойсунтурхон, Тумғахон, Қобулхон, Бартонхон, Тарбонхон, Қожувли, Баҳодирхон, Иримчи Залосхон, Амир Суғучин, Қорачар Нўйон, Инжалхон, сизнинг катта бобонгиз Илангиз Баҳодир, менинг катта отам Барқул Баҳодир ва сиз – қиблагоҳим Муҳаммад Тарағай Баҳодир, менким Темур Муҳаммад Тарағай Баҳодир ўғли.

– Баракалло! Баракалло! Ёшлигимда мен ҳам насл-насабномамизни сиз каби ёддан билар эдим. Киши улғайгани сари ўзи билиб-билмай хотираси сустлаша бошлар экан: Хотиранинг мустаҳкамлиги, аввало, кишининг авлод-аждодига боғлиқ. Бу қондан келади. Сўнгра у ўқий ва ўқий ила чиниктирилади. Билъакс, инсон истеъдодининг бош ўлчов мезони хотирадир. Айниқса, мударрису аҳли қалам учун хотира ғоят муҳим.

Тўриқ ва саман ўз эгаларининг суҳбати бир текисда кетишини таъминлагандек оҳиста юриб боришар, илонизи адир йўли қияликдан ўтганлиги учун шундай маромда кетиш керак эди.

Барлослар амири Муҳаммад Тарағай Баҳодир эсини танибдики, тоғ этакларида от суради. Ўз эл-улуси билан турли сиёсий ва диний муаммоларни ҳал этишда қатнашади. Туркистон заминида айна замонда жилвдор мўғуллардир. Ундан сўнг эса юрт барлос турклари сўзини тинглайди. Улуғ хоқон жаннатмакон Хўжанд ва унинг атрофини жалоийрларга бергач, улар жуда кучайиб кетдилар. Шу қадар кучайдиларки, мўғул қўшини байроғи билан Эрон ва Ироқни босиб олиб Жалоийрлар салтанатини қурдилар. Айна дамда улар билан ҳар қандай қавм ўйлаб гаплашади. Ҳатто, чингизий хонзодалар ҳам улар билан ҳисоблашади. Зеро, мўғул қўшинларининг асосий лашкар бошлиқлари ҳам барлос ва жалоийрлардан иборат. Саваш бора-

сида ҳозирча бу икки улусга тенг келадиган қавм йўқ. Мўғуллар буни яхши биладилар ва улар билан орани бузмаслик учун ҳатто ўз она тили – мўғулчани қўйиб, туркча сўзлашмоққа-да ҳозир.

Дарвоқе, Чингизхон ўрдусининг юзда саксони турк улусларидан тўпланган черикдан иборат эди. Хоразмшоҳлардек турк султонлигини ўз миллатдошлари қўли ила йўқ қилган ҳам аслида ана шу туркий черикнинг ўзи эди. Чунки турк қавмининг ақлига нисбатан жаҳли устундир. Жаҳлга миндими, у ҳеч нимадан қайтмайди. Ўзини ўту чўққа ураверади. Жаҳл устида қабул қилинган қарор аксарият ҳолда янглиш бўлади. Панд беради.

– Сизнинг саволингизга келсак, Темурбек, улуг ҳоқон Чингизхон ила қон-қардошлигимиз хусусида жуда кўп гап-сўзлар, ривоятлар бор. Бунинг қай бири ҳақу қай бири ривоят, ёлғиз Оллоҳга маълум. Олам шоҳи Чингизхон авлоди билан бизнинг уруғимиз томирлари ягона бобомиз Қобулхонда туташмишдир. Замонларким, биз туркий барлос исми ила яшадик, – сой бўйига тушгач, сўзида давом этди амир белбоғи ила терлаган юз-бўйинларини артар экан. – Чингизийлар эса мўғул номида от сурдилар. Бизнинг ота-боболаримиз бу заминда ўн минг йилдан ортиқки яшаб келадилар. Авлодларимиз мўғуллар каби сахройи ва қаттиққўл эмаслар. Шулар боис, улар зулмидан аҳли Турон норози. Мана юз йигирма йил, чамаси, вақт кечибдики, миллат улар қиличи остида. Оллоҳ шоҳидки, яхши гапнинг гадойи бўлмиш бу халқни икки оғиз ширин сўз ва шарият асосида заҳмат чекмай бошқариш мумкин. Бизнинг улар билан келиша олмаслигимизнинг сабаби ҳам шунда. Улар халқни қилич билан бошқармоқни афзал биладилар. Биз эса шарият ва тузук ила деймиз. Тўғри, уларнинг ясо-юсунлари бор. Бироқ бу қонун-қоидалар ўзлари учун эмас, оддий

халқ ёки аскарни жазолаш учун. Зўрлик, босқинчилик ва ўғирлик улар ҳаётининг тамали, улусининг пойдевори бўлгач, улардан қайси қонунга амал қилишларини сўрайсиз?! Қонун-қоида давлатдан устун бўлмоғи керак. Улар буни тан олмайдилар.

Амир Тарағай Баҳодир бир оз асабийлашган ва қизишган эди. Бундай ғоят нозик, эҳтиётсизлик қилинса, ҳатто бош ҳам кетиб қолиши мумкин бўлган қалгис мавзу ҳақида вояга етиб, ақл-идроки тўлишаётган ўғли Темур билан илк бор сўзлашаётган, ҳеч кимга ва ҳеч қачон айтмайдиган фикрларини фарзандига очиқ тўкиб солаётган эди.

– Сиз фарзанди аржумандға айтар сўнг сўзим шулким, – дея ўғлига ўгирилиб фикрини нуқталади ота. – Адолат қесган бармоқ ачимас дейдилар. Фақат тўғри, мард ва жасур инсонгина адолатга қарши бормайди, ундан юз бурмайди. Бировга ҳақсизлик қилганини англаганда уни тузатмоқ жаддида бўлади. Эл-юртга йўл кўрсатмоқ даъвосида юрганлар ҳақу адолатдан юз ўтирганлари дамдан бошлаб улус кўз ўнгида ўз қиёфаларини йўқотадилар.

Барлос бегининг тўнғичидан умиди катта эди. Ота ўғлининг ҳомиласидан тортиб, бугунига қадар дақиқама-дақиқа эслайди. Оллоҳдан унга омонлик, ёрқин келажак, давлат, бахту саодат тилайди.

Ҳозир ҳам сўзларини жон қулоғи билан тинглаб келаётган ўғлига гаплари қандай таъсир этганини билиш учун ўгирилди. Мўйлари сабза уриб қолган ўғлининг қарчиғайсифат нигоҳларидан теран ақл-идрокини ҳис этаркан, унинг туғилиши билан боғлиқ бир воқеани эслади.

...Бомдод намозигача анча вақт бўлса-да, хайратли тушдан уйғониб кетган амир қайтиб ётмади. Иссиққина ҳаммомга кириб ювинди. Ҳовлида бир оз нафас олгач,



уйга кириб намоз ўқимокқа киришди. Амир ҳар куни пешин намозини маҳалла масжидида, Шайх Шамсиддин орқасида ўқир эди. Бугун эса намоздан сўнг, ўтирган жойидан жилмади. Шайх иккиси ҳам намоз дуосини узок ўқидилар.

– Буюринг, амирим, хизматлари бош устига, – деди шайх ўгирилиб чордона куриб ўтирар экан Муҳаммадга.

– Бир туш кўрдим, шайх ҳазратлари! – деди овози титраб амир.

– Сўйланг, амирим! Юсуф пайғамбар яхшиликка йўйсин! Сўйланг! Туш энг яқин одамга ёқи тоза ва тиниқ сувга айтилади. Мени ўзингизга шул қадар яқин билганингиздан бошим осмонга етди, – дея жавоб қилди Шайх Шамсиддин самимият билан.

– Тушимда юсак, оппоқ қор билан қопланган қоялар устида эмишман. Бир ғоят чиройли Хизиркелбат, фариштасифат киши эҳтиром билан ўз қўлидаги қилични қўшқўллаб менга тутди. Мен қилични олиб, тўрт тарафга сермай бошладим ва уйғониб кетдим...

– Тушни қай маҳал кўрдингиз?

– Тонг-сахарда!

– Ҳа-а, тонг-сахарда денг, – деди чехрасидан нур ёғилиб Шайх Шамсиддин. Тангри таоло сизга бир ўғил ато қилгайки, амирим, у шамшири ила бутун жаҳонни фатҳ этгай ва ислом динининг улуғ ҳимоячиси бўлиб, уни дунёга таратгай! Ўғлунгуз тарбиясида ғофил бўлманг! Кичиклигидан бошлаб Қуръони каримни ўқусун! Хат ёзишни ўрганиб, силоҳ ишлатмакни ўргансун! Иншооллоҳ, у буюк саодатга эришгай.

Шу суҳбатдан бир йил ўтгач, Амир Тарағай Баҳодир ўғил кўрди. Шайхнинг сўзлари хотирасига қуюлиб қолган эди. Бомдод намозини ўқибоқ Шайх Шамсиддин хузурига йўл олди. Шайх одатига кўра бомдод намозини ҳам жоме масжидида ўқир эди. Амир кирганида шайх

одатий жойида тиз чўкканча Куръон тиловат қилиб ўти-  
рар эди.

– Ўғил муборак бўлсин, шавкатли амирим! – деди шайх ўша самимий юз ва ёқимли табассум билан амирнинг саломига алик оларкан, тиловатдан бош кўтариб.

– Қаердан туйдингиз, ҳазрат? – деди амир хайрон бў-  
либ.

– Ҳақиқий ўғил фарзанд кўрган эр кишининг юзи худди сизникидек бўлади. Шундан билдим, – жавоб қилди шайх.

– Ҳа, шайх ҳазратлари, Оллоҳга минг қатла шукр, ўғил ато этди. Менинг-да, унинг-да маънавий падари бузруквори сизсиз. Энди ўзлари исм қўйиб берсалар ав-  
лодларига.

– Фарзандга исм қўймоқ, аввало, ота-онадан. Модомики, бул шарафли вазифани каминага юклар экансиз, бош устига. Бундан улуғ ва савобли иш борми дунёда.

Шайх шундай деди-да, овоз чиқарганча яна бир муд-  
дат Куръон тиловат қилди.

– Мен Куръоннинг олтмиш еттинчи «Ал-мулк» сура-  
сини ўқиб ўтирган эдим. Оллоҳ таоло амри ила бу дунё-  
га келган ўғлоннинг исми Темур, Темурбек бўлсун! До-  
имо Оллоҳнинг йўлида садоқатли, Ҳақ ишига сидқидил  
бел боғласун! Жума намозидан сўнг хонадонингизга  
ташриф буюриб, қулоғига азон айтиб қўяман! – деди  
шайх бул хайрли ишнинг завқидан роҳатланиб.

Жума намозидан сўнг Амир Тарағайга эргашган  
шайх Шамсиддин масжиддан чиқишда ўқиладиган дуо-  
ни паст овозда такрорлар эди.

– Бисмиллаҳи вассалату вас-с-аламу ъала  
расулилаҳи Алло-хума инний асъялука мин фаздлик,  
Аллоҳумаъсимний минаш-шайтонир-рожийм!

Доя аёл чақалоқни шайх ўтирган меҳмонхонага олиб чиқди. Шайх болани қўлига олиб, аввал ичида, сўнгра овоз чиқариб Қуръон тиловат қилди.

– Йақулу ва анна «ашҳаду «ан ла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу ва анна Муҳамадан ʼабдуху ва расулуху, разийту би-л-лаҳи роббин ва би Муҳаммадин росулан ва бил ислами дийнан!» Сенинг исми муборакинг Темур! Сенинг отинг Темур! Отинг Темур! – дея уч марта такрорлади шайх. – Туф, кўз тегмасин! Оллоҳ паноҳида асрасин! Умри узун, ризқи бутун бўлсин! Омин!

Шайх чақалоқнинг ўнг қулоғига азон айтиб, чап қулбғига такбир ўқиди. Такина бегим-тутиб турган шокосадаги асалга ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини ҳафиф теккизиб, гўдакнинг танглайини кўтариб қўйди.

Шайх тушликка қолмади. Амир уни яна масжидгача кузатиб борди. Йўл-йўлакай амирга Такина бегимни ва чақалоқни кишилар кўзидан узоқроқ тутишга, Бухородан келган кишилардан, Кешга оралаган хорижийлардан эҳтиёт қилмоқликни тайинлади.

– Амирзоданинг энага ва тарбиячилари синовдан ўтган, ўз қондошларингиздан бўлмағи керак. Бегоналарни ҳовлига йўлатманг, амирим! – деди буйруқ оҳангида хайрлашаётган шайх. – Оллоҳ барчамизни ўз паноҳида асрасун! Гуноҳларимизни афв этсун!

...Отасининг хаёлларини тўзғитиб юбормаслик учун тўрт қадамча орқада келаётган амирзода ёши улуғ киши каби ўйчан ва жиддий эди. У аллақачон ўз тенгдошлари билан ўйнамай қўйган, қандай бўлмасин бирор бир жиддий ишнинг бошини тутиш ҳақида ўйлар эди. У ҳозирданоқ ўзини бундайроқ бир қўшинга қўмондонлик қила оладиган даражада ҳис этарди. Қиличбозлик, кураш ва найзобозликда бутеварак-атрофда унинг олдида тушадиган одам йўқ, улоқ ва пойгада эса от ўйнатарди.

– Бугун сизга улуг амакимиз Атабек бобонгизни танитаман, – деди ниҳоят амир узоқ сукутдан сўнг, ўғли томон ўтирилиб. – Авлодимизда тўрт нафар туманли бой бор. Бу дегани ўн минг қўйли бой дегани. Унвонимиз амир, баҳодир бўлса-да, волидангиз айтганларидек биз минг қўйли бойлар сирасига кирамиз. Боиси, биз ўзимиз истаймизми-йўқми сиёсатга аралашмоқ мажбуриятидамиз. Мўғуллар билан тошбитикда ёзилган англашмамиз ҳам шундай. Хон улардан бўлади. Бош қўмондон биздан. Неча йилларким, бу ахдни ҳеч ким бузган эмас. Бизнинг ҳам ундан чекинмоққа ҳақимиз йўқ. Атабек бобонгиз жуда ақлли ва тадбирли бой. Одатда, бойларнинг ҳақиқий ақлли, камтар ва олижаноби кам бўлади. Катта бойлик бор ерда том инсонийликни топмоқ мушкул. Хону хоқонлар, ҳокиму саркардалар нени сўраса берадию ҳечам сиёсатга аралашмайди. Ўзича сиёсат билан шуғулланган одам бошини қўлига олиб юриши керак. Вақти соатида бу бош тахтга ўтиришга ҳам, замона зайлига кўра жаллод кундасига қўйилишга ҳам тайёр туриши керак деб ҳисоблайди. Бобонгиз ҳақ. Унча-мунча одам ул кишига гап топиб бера олмайди. Кўпни кўрган, дунё кезган ҳақиқий мусулмон одам. Ўзиям саккиз тилни билади. Керак бўлса ҳиндуларга ўзларининг тилидан сабоқ беради. Инсон зотининг имкониятлари чексиз эркан. Фақат уни йўналтирмоқ ва ундан фойдаланмоқни билмоқ керак. Ул кишим одамлар йиллаб итдек югуриб топган бойликни меҳмонхонасида ўтириб, ҳисобкитоб билан топади. Шу боис, ул кишининг суҳбатида бўлмоғингизни тез-тез зиёрат этиб, маслаҳат олиб турмоғингизни тавсия этаман.

Темур бош ирғаганча отасининг сўзларини маъқуллаб борар эди. Улар Атабек бобонинг қўрғонига етиб қолган эдилар. Бобонинг қароргоҳи кичикроқ бир хонликнинг қалъасини эслатар, қурол-аслаҳали бир неча отлик

айикдек келадиган кўппаклар билан қўрғон атрофида айланишиб юрарди. Қўрғоннинг кун чиқиш томонидан сой ўтар, кунботиш тараф тоғ бўлиб, ям-яшил арчазор билан қопланган эди. Этақда эса сой сувидан ҳосил бўлган каттакон қўл ботаётган куз қуёши нурида ялтираб товланарди.

Бегона отликларга кўзи тушган икки баҳайбат бойтеват кўппак улар томон югурди. Бироқ эллик қадамча қолганида секинлашиб беихтиёр думларини ликилла-тиб кела бошлашди.

– Бизниям, отларниям таниди жониворлар. Бу итлар шунақа зийрак ва ақлики, оиланинг дўст ёки душманини нигоҳидан билади. Ўзи ҳалок бўлса бўладики, эгасининг душманини остонага йўлатмайди. Ит танлай билиш ҳам дўст танламоқ каби мушкул иш, – вазиятга изоҳ бериб борар эди амир. – Ҳа, жониворлар, бизни танидинглар-а? Қани энди одам зоти ҳам сенлар каби садоқатли бўлса эди!

Амир шундай деб хуржуннинг тепа қисмида турган яримта нонни иккига бўлиб итларга ташлади. Бири оппоқ ва бири оч сариқ, жунлари хурпайиб кетган итлар ҳақиқатан ҳам томоша қилгулик эди.

– Булар бўримми, бегона итми бир оғиз солади. Шу билан рақибнинг жони чиқмагунча қўйиб юбормайди. Ёки оғзига чўп суқиб ажратиб оласан, – кўппакларга баҳо берар эди бек.

– Ити ҳуриб турганнинг ови ҳам, дови ҳам юриб турган бўлади. Қўли калта, омадсизнинг эса итининг-да думи қисик бўлади. Турмуш таомили шундай: отлик отликни кутади, пиёдани эмас.

Амир Тарағайни бу теварак-атрофда катта-кичик барча бирдек яхши танир ва эътиқод билан ҳурмат қилар эди. Қўрғон эшигидаги соқчи ва хизматчилар апил-тапил ўрнларидан туриб, барлослар

амирининг истиқболига ошиқдилар. Бири югурганча бойга хабар бергани ичкарига кириб кетди. Бир хизматчи меҳмонлар отининг жиловидан тутса, иккинчиси совға-салом тўла хуржунни олиб, қўноқхона томон физиллади. Бошқа бири қўноқлар таҳорати учун илиқ сув ҳозирламоққа киришди. Бу орада ичкаридан қаддиқомати келишган, буғдойранг юз-кўзи ва алпқомат келбатидан ўзига ишонган кишилиги сезилиб турган уй соҳиби, олтмиш ёшлар чамасидаги Атабек бой чиқиб келди. Бек аввал амир билан, сўнгра ўғли Темур билан уч маротаба қучоқлашиб кўришди. Ўткир нигоҳини ёш амирзодага қадаганча бир оз тикилиб турди-да, елкасига қоқиб қўйди.

– Бу нигоҳлари тиниқ ва қарашлари жиддий йигит укангизми амир жаноблари ёки ўғлингиз? – ярим табасумда бекка қараб ҳазиллашди Атабек.

– Ҳам ўғлим, ҳам укам, устоз! – жавоб қилди зукко амир ўйлаб ўтирмай.

Бек Амир Тарағайнинг гапидан завқланиб куларкан, бўйлари чўзилиб, мўйлари сабза ура бошлаган, келбати ва зийрак нигоҳлари билан бобоси Баркул Баҳодирни эслатган Темурбекнинг елкасига қоқди.

– Мен бунни отам дейман. Сизу биз ўтиб кетгач, улусимизга муносиб ота бўлсин! Қаранг, раҳматлик отангиз Баркул Баҳодирнинг қуйиб қўйгандек худди ўзи! Муҳтарам меҳмонларимиз оёқларига икки оқ қўчқор сўйилсин! Қўчқорларни келтир, қассобни чақир, Ўсарвой! – хизматчиларга иш буюрди бой. – Қани фотиҳа беринг, улуғ амир жаноблари, – дея Тарағайбекка юзланди у қўчқорлар келтирилиб, қўллуқлангач.

– Бисмиллоҳи, валлоҳу Акбар. Аллоҳуммаминка ва лака. Аллоҳумма тақаббал минний! Илоҳи омин. Оллоҳ ушбу қўрбонлигимизни қабул этсин! Бек авлодимизни Яратган ўз паноҳида асрасин!

Барча баробар кафтини юзларига сийпашиди.

Атабек бобо меҳмонларни уйга киритиб ўтказди-да, ўзи яна ҳовлига чиқиб кетди. Ҳовлидан уйга ҳурматли меҳмон келганда кўтариладиган олағовур эшитилиб турар эди.

– Ота, нечун мусофир оёғи остига қўй сўйиш бизда бу қадар одат тусига кириб қолган? Уламолар билан сўзлашиб бу каби удумларимиз ислоҳ қилинса бўлмайдимиз? – сўради Темур ота-бола кўноқхонада қолганларида.

– Бу ота-боболардан қолган бир удум. Одамларнинг қон-қонига сингиб кетган одатларни бирдан уларга ўзгача англашиб тушунтириш мушкул. Бунинг учун балки замонлар керакдир, ўғлим. Ҳақми, ноҳақми, ўтмишнинг устига бирданига чизиқ тортиш қийин, – жавоб қилди амир ўғлининг бу қадар кўнгли бўшлигидан муттассир бўлиб.

Бир оздан сўнг меҳмонхона даҳлизига қишлоқ ўтоғаси Ҳожибек ва яна икки номдор оқсоқолни эргаштирган мезбон кириб келди. Улар тўн ва саллаларини даҳлизга ечиб дастжўйда қўлларини ювгач, тавозе билан Амир Тарағай Барлос ва ўғли Темурбек ўтирган мусофирхонага кирдилар. Янги меҳмонлар амирнинг эски танишлари эди. Кучоқлашиб кўришдилар. Улар ҳам амирзодага ўз эҳтиромларини билдиришди. Ҳол-аҳвол сўрашиб дунё ташвишларидан гурунглашиб ўтиришди.

Суфрада турли хил ноз-неъматлар, табиий емаклар, хил-хил майиз, туршаклар, чақилган ёнғоқ ва рангоранг асаллар, мураббо ҳамда шарбатлар муҳайё бўлди. Бўғдой унидан ёпилган иссиқ патирлар хиди хонани тўлдирганди. Икки хизматчи навбатма-навбат меҳмонларнинг хоҳишига кўра мўъжаз кадилардан сопол косаларга қимрон, қимиз ёки қўй айрони қуйиб узатишарди.

– Темур, болам, унутма! Биз чин дунёга равона бўлганимизда ўзга юртлардаги мулкларимиз ётларга қолиб кетмасун! Элга бир ақлли ва кучли одам бош бўлмас экан, бу қавм ўнжа инсофни унутади, қўйиб берсанг диндан чиқади. Аксарият хом сут эмган одам боласи андишанинг отини қўрқоқ қўяди. Мехр-шафқат ва яхшилигингга ёмонлик билан жавоб қайтаради. Ҳаётимда бир нарсага иймон келтирдим. Дўст деб билган одамингга яхшилик қилиб, уни душманингга айлантирганингдан кўра орадаги масофани сақлаб, уни ошна мақомида тутиб турганинг маъқул экан. Боиси, душман зарбасига ҳозирлик кўрган бўласан. Дўст зарбаси эса сени издан чиқариб юборади, – хангома берар эди дунё кезган кекса барлос беги.

– Қимиздан меъдам роҳатсизланади. Менга бир коса эчки қатиғидан келтир, иним, – дея хизматчига мурожаат этди ингичка овозда чўққи соқол қишлоқ имоми.

Пойгақда ўтирган уй эгаси орқага ўтирилди. Қимиз қуяётган хизматчи ғизиллаганча чиқиб кетди ва зум ўтмай ёғлоғида эчки қатиғи келтирди. Амир Тарағай қўй боқиб юрган пайтларини эслаб қўй айронига патир тўғраб еди.

– Билган одамга қўй айрони қимиз билан қимрондан ҳам яхши. Бир қорин қўй айронини тайёрламоқ учун мешни камида бир ҳафта от ёки эшакка ортиб юришинг керак. Шунда у тобига келиб пишади, – салмоқли оҳангда амирга қараб гапида давом этарди Атабек бой. – Бир шокосасини яримта нон билан есанг, кун бўйи ҳансираб булоқдан булоққа чопасан. Қўй боққанзимизда ойлаб оғзимизга бошқа емакни олмай нонга қўй ёғини қўйиб еб, айронини ичиб тирикчилик қилардик.

– Шунинг учун ҳам бой бўлгансиз-да, бек оға! – гап кистирди қишлоқ ўтоғаси Ҳожибек.



– Аслида бу соғлиққа жуда фойда, дўстим.. Сиз Ҳиндистонга боринг, биродар; туғилгандан бери оғзига эт олмаган қавмлар бор. Соғлом ва узоқ яшайдилар. Бизчи, этсиз емакни емак санамаймиз. Эрталаб эт, тушда эт, оқшом емагида эт. Ваҳоланки, доно ота-боболаримиз этни кўп ема, эт сени ейди деганлар...

– Э-э, бек жаноблари, амир ва амирзода шарафига сўйилган икки қўчқор гўштини ейилмай қолади деб ўйламанг. Биз ҳам сизнинг тарғиботингизга учадиган анойилардан эмасмиз, – жавоб қилди ўтоға ҳазил аралаш.

Гуррос кулги кўтарилди.

– Бу элатга тўғри гапни айтиб бўлмайди, авлодим. Оғзингдан чиққанини ёқангга тармаштиришади, – Те-мурга қараб ўзини оқлар эди бек. – Минг бир қўйим сиз азизларга садаға!

Амирга қўй айронини мақтайман деб, Ҳожибек ўтоғадан ҳазил-мутойибада мот бўлган бек меҳмонларга ўз аҳволи руҳиясидан шикоят қила кетди:

– Худога беадад шукурлар бўлсинким, муҳтарам амирим, сиҳат-саломатлигимиз жойида. Оллоҳ бераридан қисмади. Кимсадан камлигимиз йўқ. Бироқ айни кунда шундай бир аҳволга қолдимки, айтсанг, биров ишонмайди. Кўю эчки, оту улоқни эплаш мумкин экану хизматчи, чўпон-чўлиқ деган боши юмалоқ бутти айрилар кўпайиб кетса уни бошқариш мушкул бўлиб қоларкан. Ўсмирлигимда бир ўзим бир сурув, қарийб минг қўйни эплар эдим. Ҳозир эса қўйдан чўпон, чўпондан ит кўп. Етмиш нафар турк ва ҳинд чўпон чўлиғим бор. Лекин бирортасидан ҳам пичоққа соп чиқмайди. Шунинг учун ҳам Эгам буларни инсон зотига қарам қилиб яратган, шекилли. Қулғи тўрға ўтқазсанг пойгакка сурилади дегандек, қандай катта ва масъул ишни юкламагин қовун туширади. Бир ўғил эса отага ўхшаб дунё кезмоқ

билан овора. Икки нафарининг ҳам менга ўхшаб боши қотган. Шул боис умрим давомида емай-ичмай йиққан молу дунёмга зиён-заҳмат етмаса, деб қўрқаман, муҳтарам амирим. Бизни ҳимоя этгувчи Темурбек каби асл наслларга эҳтиёжимиз бор. Миллатимиз пароканда. Дуч келган ўткинчи хонга хизмат қилиб, хирож тўлаб ўтиб кетамиз чоғи. – Бек меҳмонларга бир-бир қараб оларкан, Темурга ўгирилиб, мулозамат қилди. – Буни қара, биз эзма чоллар сенга сўз ҳам бермаймиз. Бир оғиз ҳам гапирмадинг. Энди марҳамат, сени эшитамиз. Биз қари бўрилар ҳақида не ўю хаёлдасан? Сенинг фикринг тиниқ, ақлинг равшан, ўн бир ёшида Куръони каримни ёд олган инсон зотини эшитмаганман. Аслида сен сўзлашинг, биз тингламоғимиз керак, – ёш амирзодага сўз навбатини берди Атабек.

Бу қутилмаган таклифдан Темур бир оз шошиб, ўйла-ниб қолди. Ўзини қўлга олгач, томоғини қириб, фикрини баён этди:

– Эътиборингиз учун ташаккур, бобо! Сиз, каби улуғларимизнинг тажриба ва маслаҳатлари биз учун буюк бир мадраса сабоғидек. Суҳбатингизда бўлмоқ биз каби ёшлар учун олий шарафдур. Агар изн берсангиз мен сизнинг чўпон чўлиқ ва хизматчиларингизни бошқармоқ ҳақидаги ўз фикримни баён этсам. Таклифимда қусурлар бўлса олдиндан узр, – бир оз ҳаяжонланиб деди Темур.

– Сўйланг, сўйланг, бўтам! Биз жон қулоғимиз ила тинглаймиз, – унга далда берди Ҳожибек ўтоға.

Темурнинг овози девори соз тупроқли пишиқ лойдан сувоқ қилинган хонада қўнғироқдек жаранглар эди.

Барча бирдек ҳайрат ва қизиқсиниш билан амирзоданинг оғзига қараб турар эди. Темур ижозат берасизми дегандек отасига қаради. Ним табассумда жилмайиб турган амир бош ирғаб, рухсат ишорасини қилди.

– Менинг таклифим шудир. Мол-мулкингизни ўғилларингизга бўлиб беринг ва уларнинг бу мулки абадий эканлигини таъкидланг. Шунда сиз бу молларнинг қўлдан кетиб қолиши хавфидан қутуласиз. Сўнгра турк қулларини ҳинд қулларининг тепасига қўйингки, уларнинг амри-фармонига бўйсунунлар. Ундан сўнгра уч қулни улардан ақллироқ бўлган бир қулнинг ихтиёрига топширинг. Сўнгра уларнинг ҳар бирини еттитадан қулнинг амири этиб тайинланг. Ундан сўнгра етмиш қулга бош бўлган ана шу еттита қулни бир-бири ила борди-келди қилмоққа буюриб рағбатлантиринг. Уларни ҳар доим назоратда тутинг ва суҳбату маишатларидан воқиф туринг. Кўрасиз, Оллоҳнинг изни билан ишларингиз янада юришиб кетади.

Амирзода сўзини тугатдию, беихтиёр қизариб кетди. Назарида, унинг сўзлари етмиш ёшли чолнинг сийқаси чиққан насиҳатига ўхшаб кетгандек эди. Хонага эса пашша учса эшитиладиган жимлик чўкканди. Фақат ўтирганларнинг чуқур нафас олишаётгани эшитилар эди.

– Иншооллоҳ! Бул фарзандингиз қобил инсон бўлади, муҳтарам амирим! – дея илоҳий бир овозда сукунатни бузиб сўзлади тасбеҳини ўгириб ўтирган Ҳожибек ўтоға.

Барча баробар бош ирғаб ўтоғанинг сўзини маъқуллади. Ақл пешлаб ҳеч ким бу гапга сўз қўшмади. Сўнгра Ҳожибек хизматчига қоғоз ва қалам келтиришни сўради. Қоғозни хонтахта устига қўйиб, ярим бет қоралади. Сўнгра ёзиғлиқ қоғозни Темурбекка узатди. Темур кулиб бир отасига, бир Атабек бобога қаради. Ҳожибек ўтоға хижолат чекаётган Темурбекнинг қўлига қалам тутқазди.

– Буям бир омади тилак, иним, иккиланмай имзо чекинг!

Темурбек Ҳожибек қўлидан қаламни олиб, қоғоз этагига имзо чекди.

Ҳамма ҳайрон эди. Ҳеч ким гап нима ҳақида кетаётганлигини англамас, барчани бирдек ёш барлос турки амирининг кўзида чақнаган ўт ҳайратга солган ва мафтун этган эди.

– Табиийки, ушбу англашмага барчангиз шоҳид бўлдингиз: Шулар боис сизларга ўқиб бераман. Булар қоралама сиз ва келгуси авлод-аждодингиз гувоҳ ўлароқ тарихда қолур! – Ҳожибек шундай деб битикни ўқимоққа киришди. «Мен ким-Темур Амир Тарағай Барлос ўғли, буюк турк Хоқони ўлдигим замон, давлат қуши иқбол майдонини ўз қаноти остига олгач, булар Ҳожи ўтоғанинг авлоди, фарзандлари, зурриёти ва яқинларидан хирож олинмасун; уларнинг гуноҳларидан ўтсунлар; унинг қавми тархон қилинсун! Имзо»

– Офарин! Офарин! – дея қўлларини ҳавода чайқар эди Атабек. – Ана пишиқлигу, мана пишиқлик. Ўн минг сурувни тоғма-тоғ қувиб ақли бойман дея биз ҳам юрган эканмиз! Одамлар бир меҳмондорчиликда ўзи нари турсин, авлод-аждодининг келажагини ҳал қилдиқўйди-я! – ҳазиллашарди уй эгасига.

Суҳбат ярим тунгача давом этди. Қайнатма шўрва, қовурдоқ, кулчатой ва хилма-хил кабобнинг кети ўзилмас эди. Эрталабки нонуштадан сўнг амир кетмоқ учун руҳсат сўради. Бекнинг бир сўзлигини билган уй соҳиби ортиқча қистамади. Орқасида турган хизматчига ҳисобкитобни юритадиган ишчини чақирмоқни буюрди.

– Азиз меҳмонларимга тоза ҳинд ва чин молларидан бошдан оёқ сарупо! Такина бегим ва Йўқуна хонимларга алоҳида-алоҳида шоҳона саруполар! Темурбекка тўрт жуфт зотдор айғир ва юз бош жайдари совлиқ ҳадя бўлсин!

Темур ҳайрон бўлиб отасига қаради. У ҳали ҳеч қачон бунчалик катта совға-салом олмаган эди. Ота-бола бекнинг мурувватидан хижолатда эдилар. Атабек улус бош-

чиси сифатида Тарағайбекка ҳар замон қарашиб турар эди. Оғздан бир чиқса икки қилиб юборар; дўсту душман кўзи учун уни астойдил қувватлар эди. Ўз навбатида машҳур Қачувли Баҳодир авлоди бўлмиш амир Тарағай бор экан, кимса бу атрофга ортиқча оёқ боса олмас, Атабек каби эски барлос бекларининг мушугини пишт демасди.

Ота-бола билан хайрлашар чоғида кекса бек кўзига ёш олди.

– Мендан хабар олиб туришлар! Кексайганинг сари одам ўзини ёлғиз ҳис эта бошлар экан. Атрофинг тўла одам бўлса-да, кўнглингни тушунадиган, қадрингга етдиган бутун одамни топиш маҳол экан.

Амир бекнинг оила аъзолари билан хайр-маъзур қилаётганида бек Темурни бағрига босиб қулоғига шипшиди:

– Бир чин тужжоридан Чингизхоннинг қиличини сотиб олиб қўйганман. Ҳеч ким билмайди. Шу қилични сақлай олишингга ва улус саодати йўлида қўллай билишингга ишонганинг кун ҳузуримга кел. Қилич сеники. Фақат мендан хабар олиб тур. Ўлиб-нетиб қолсам, ҳар нарса қўлдан кетади. Энди сени суянган тоғим деб биламан. Дунёнинг қай бурчагида бўлма, нимага зориқсанг менга хабар етказ. Етса молим, етмаса жоним! Ҳар дамда менинг меҳримни туйиб туришингни истайман. Инсон зотидан бошқа нарса қолмайди.

Сўзи бўғзига тикилиб қолган бек шундай деб Темурни қаттиқ бағрига босди. Ёш амирзода бу иззат-ҳурмат ва инсоний муҳаббатдан лол эди. Демак, улусимиз орасида ана шундай бағрикенг зотлар бор эканким, улар саодати учун яшамоқ ва курашмоққа бул ҳаёт арзийди, хаёлидан кечди унинг.

Улар яна бир бор хайр-хўшлашиб йўлга чиқдилар. Атабек бобо берган тўрт хизматчи ҳадя от ва қўйларни

хайдаб бирга йўлга тушганликлари учун тўриқ ва саманнинг жоловини бот-бот тортиб юришга тўғри келар эди.

— Атабек амакимиз айтганингизча бор экан, — деди кўзларини ярим қисганча хаёл суриб келаётган отасига. Одатига кўра амир от устида ҳам ухлаб кетаверар эди.

— Ха, палаги тоза, қони тамиз бир инсон! Итгаям, битгаям яхшилик қилади. Яхшилик қил дарёга от, балиқ билмаса Холиқ билар деган асл авлиёсифат одамлар шулар. Улус қадрини манā шундай инсонлар сақлайдилар. Биз турк асли улусмиз, болам. Барча турк қавмларининг ўқ илдиз уруғимиз. Сенга маълум, бизнинг динимизда, шунингдек, ўзга динларда ҳам қабила уруғчилигига рағбат берилмайди. Одамлар миллатчиликка берилдиларми дину диёнатни, ўзга элу элат ҳақу манфаатларини унутадилар. Бироқ инсон зоти борким; унинг Оллоҳ тарафидан яратилган ирқи, ватани ва ҳақи бор. Муаммолар одамлар бир-бирларининг ана шу эътиқодларига тажовуз этганларидан келиб чиқади. Чингизхон ва унинг авлодлари юртларини тарк этишлари билан ўзликларини йўқота бошладилар. Аввал тилларини, сўнгра динларини йўқотдилар. Бундан юз йиллар бурун мўғуллар Туркистон ерларини забт этганларидан кейин йигирма беш йил ўтгач илк мўғул хони Гуюкхон ва яна ўн саккиз мўғул ўғлони; яъни шаҳзодаси (ўғлон мўғул тилида шаҳзода демак) ҳатто насронийликни қабул қилди. Чиғатой ҳам насроний эди. Бу воқеадан йигирма йил, чамаси, фурсат ўтиб, мўғул хони Муборакхон биринчи бўлиб исломни қабул этди. Улуснинг асосий аҳолиси мусулмонлар бўлса-да, Чиғатой насронийларга ҳомийлик қила туриб, мусулмонларга нафрат билан қарар эди. Ерли аҳолини менсимаслик ва паст назар билан қараш уларнинг қонида бор. Боиси, уларда муқаддас юрт туйғуси йўқ. Қаерда яхши ўтлок, сурув ёйиладиган яйлов бўлса, емак-ичмак мўл бўл-

са, булар учун ўша ер ватандур. Шўл боис, бундай қавмдан ҳеч бир замон муқим дўст-биродарлик ва садоқат кутиб бўлмайди, – дея оғир тин олди амир.

Улар йўлнинг учдан бирини босган, яшил арчазорлар этагидаги яшил ўтлоққа етиб келган эдилар. Саккиз отдан тўрттасини миниб олган чўпонлар қўй ва йилқиларни ҳайдаб келар эдилар. Амир Тарағай имо билан чўлиқлардан бирини ёнига чорлади.

– Жониворларни мана шу ўтлоқда бир ёйиб, яйратиб ол. Акс ҳолда уйга етгунга қадар толиқишади, – деди амир узун арқон билан отини ирғай дарахтининг йилтираб кетган шохига боғлар экан. – Отларга ҳам дам берайлик, ўғлим. Бирор соат мизғисак ёмон бўлмас. Тоғ ҳавосининг мусаффолигини қара. Бу дараларни ёзда тошлар қизитиб юборади. Эпкин тегмайди. Шў боис, кўклам тугамай ўт-ўлан қовжираб қолади.

Амир шундоққина қоя бағридан оқиб тушаётган чашмада юз-қўлини ювди-да, амири тўнининг ички томонини ерга тўшаб осмонга қараганча чўзилди. Темур совға-саломлар орасидан бир тахлам матони олиб келиб отасининг бошига қўйди.

– Сиз истироҳат этинг, қиблагоҳ. Биз чўпонлар билан суҳбатлашиб, қўйларни ўтлатамиз, – деди Темур отасига меҳрли оҳангда.

– Оллоҳ сиздан рози бўлсин, болам! – ўғлини дуо қилди амир оғир тин олиб узанар экан.

Темур эса шавкатли амакиси Атабекнинг хизматчилари билан суҳбатлашиш иштиёқида эди.

– Ассалому алайкум, биродарлар! – дея чўпонлар ҳузурига борди Темур улар билан бирма-бир илиқ кўришар экан.

– Ва алайкум ассалом! Ассалому алайкум, муҳтарам амирзода. Буюринг, бизким улуғ Атабек бобонинг содиқ

қуллари сизнинг хизматингиздамиз, – дея жавоб қилди чўпонлар бошлиғи турк қиёфали йигит бурро қилиб. – Менинг исмим Алп Туркаш. Эски туркаш уруғиданман.

Қолганлари эса «Ассалому алайкум» дея эгилиб таъзим қилишар эди.

– Булар Ҳиндистоннинг Мўлтон вилоятидан келган мўлтонлилар. Тилни унча яхши билишмайди, – изоҳ берди Алп Туркаш. – Хадемай ўрганиб кетишади.

– Улуғ бек хизматчиларни бошқариш оғирлигидан нолидилар. Бу қўнуда сиз нима дейсиз? Ёки дунё кўрган, ўқимишли одамларнинг кўнглини олиш қийинми? – Туркашни гапга солмоқчи бўлди Темур.

– Билмадим, амирзодам, сизга не дея жавоб берсам? Мен бек ҳазратларини олти йилдирки танийман. Ул зоти олий билан бирга Дехлигача бордим. Хизматларини қилдим. Агар ақли-хуши жойида одам ул кишим билан бир йил бирга бўлса бас. Мадрасанинг кераги йўқ. Инсонийлик сабоғини ўрганади-қўяди. Энди бу ёғида йўқ одамни подшоҳ қилиб қўйсангиз ҳам асл наслига тортиб, паст бўлса пастлигини қилаверади, амирзодам.

– Гапингиз тўғри, – деди Темур оддий чўпоннинг бу қадар мулоҳаза юритишидан ҳайрон бўлиб. – Сиздек ёрдамчилари бор экан, унда нечун улуғ бек кўнгиллари тўлмаслигини сўйладилар?

– Агар бек ҳазратлари менинг сўзимни тингласалар, буларнинг бирортаси билан ҳам сўзлашмасликлари ва биз каби ишончли одамлари орқали иш юритмоқлари керак. Бек бобо ҳам давлат йиғмоқни оддий чўпонликдан бошлаганликлари учун барча майда-чуйда, катта-кичик ишларга аралашаверадилар. Кичик одамларнинг руҳий ҳолати шундай. Уларни ўзингга тенг кўриб, яхши гаплашдингми, тамом. У ҳам сен ҳақингда мендан қаери ортиқ деб ўйлайди. Бой ёким юксак рутбали одамнинг қўл остидаги кишилар улардан маълум бир масофада



узоқликда турмоқликлари ва ўз ўрнини билмоқликлари лозим. Атабек устоз барчага баробар бўламан деб ўзларига ташвиш орттириб юрадилар. Биласиз-ку, бир-икки ёки ўн нафар одамга яхшилик қилиш мумкин. Бироқ бутун бошли оломоннинг кўнглини бирдан олиш мушкул! Бу оломон қанча кўп берсанг, шунчалик кам дея ўйлайди ва орқангдан сўкиб юради, – астойдил сўйлар эди Алп Турқаш.

– Сиздек ишбошилари бор бек амакимизга ҳавас қилса арзийди. Янглишмасам, ёшингиз йигирмаларда бордир? – сўради Темур суҳбатдошидан.

– Йигирма бирда, амирзодам.

– Акам бўлинг, кўришиб, суҳбатлашиб турайлик. Сиз каби тўғри фикрли кишилар билан суҳбатлашмоқ кишига қанот бахш этади. Бир кун келиб мен сизни улуғ бек амакимдан сўрайман.

– Биз каби оддий бир киши учун сиздек амирзода ёнида бўлмоқ буюк бир шарафдир! Кўнглингиз тортган замони сўйланг, устоз рози-ризологи ва оқ фотиҳаси ила ҳузурингизга етиб бораман. Хат-саводим ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Устознинг ёнларида форс ва араб тилларини ўргандим.

– Кўп яхши қилибсиз. Тил билмоқ, дил билмоқдир. Биргалик насиб этса арабчани менга ҳам ўргатар эдингиз, – дея ўнг қўлини Алпнинг чап елкасига қўйди амирзода. – Сиз билан суҳбатлашиб, кўнглим ёзилди. Суҳбатимиз тафсилотини бек ҳазратларига сўзлаб беринг. Токи сизни чақирганимда яқинлигимизни ҳисобга олиб, тезроқ рухсат берадилар.

– Бош устига, амирзодам!

– Барчамизни Оллоҳ қўрисин!

– Омин!

– Омин! Бўлмаса сурувни тўпланг, йўлга тушдик. Қиблагоҳ уйғондилар. – Бир оз мизғиган амир таҳорат

қилди-да, пешин намозини ўқиди. Отларнинг тери қотиши учун бўшатиб қўйган айилларини қайтадан тортган Темур отаси суҳбатининг давомини эшитишга интиқ эди.

– Мен сизга айтмоқчи бўлган гапимни сўнгига етказиб қўяй, – дея яна ўша мавзуга қайтди амир, ҳорғин оҳангда, улар йўлга тушгач. – Модомики, биздан сўнг улус келажаги ила боғлиқ барча ташвишлар сизнинг бўйингизда қолгуси кўринадур. Мен эрмас, барча қавм-қариндошларимиз, дўсту ёронларимиз шул фикрдалар. Сизнинг бундан кейинги очиғу пинҳона курашингиз, истасангиз-истамасангиз-да, мўғул султонлари ва уларнинг қавми ила кечажак. Шундай эркан, улар билан муносабатларимиз тарихининг барча нозикликларини бор бўй-баста билан билиб қўймоғингиз шарт. Эндиликда улар турклашмоқдалар, мусулмонлашмоқдалар. Бу дегани бир зумда бизнинг одамга айланиб қоладилар дегани эмас. Улар янада осонроқ ҳаёт кечириш, шу баҳонада эътиборингизни қозониб, сиздан янада унумлироқ фойдаланиш, керак бўлса, ичингизга кириб, сиригизни билиб, йўлга янада енгилроқ солмоқ учун шундай қиладилар. Ҳар қандай шароитда улар хатти-ҳаракатини эътибордан четда қолдирманг. Улар табиатан, ҳеч бир нарсани узоқ ўйлаб ўтирмайдилар. Энг даҳшатлиси, юз қарра қотил ва ноҳақ бўлсалар-да, юзларини без қилиб, ўз ирқдошларини оқлаб, бошқаларни қоралаб тураверадилар. Уларнинг катта-кичиги доимо оладиган туядек ҳар нарсанинг ортидан қувади. Бу яъжужу маъжужга йўрғада теккан касаллик. Ўз мақсад-муддаоларига етмоқ учун ҳар қандай жоҳиллигу қотилликдан қайтмайдилар. Алар ила мурсою мадора қилиб ишламоқнинг бирдан-бир йўли улардан тадбирли бўлмоқ. Бироқ бу хислатларингизни уларга очик сездирмаслигингиз керак. Пишиқ ва

пухта эмаслигингизни билишса сизни оёқ ости қилиб ташлайдилар. Кичик бир нуқсон ёки гуноҳ учун улардан раҳм-шафқат кутиб ўтирманг. Чингизхон тўрт ўғлини ёнига чақириб шундай деган экан: «Атрофларингга ақлли одамларни тўпламанглар. Агар бундай кишилар бош кўтарсалар, ҳеч иккиланмай бошларини олинглар...» Унинг бу сўzlари барча мўғуллар учун ясога айланиб қолган. Шу боис улар қадами етиши билан хоразмшоҳлар замонида гуллаб-яшнаб турган шаҳару қишлоқлар завол топди ва қайта тикланмади. Аҳли илм ва санъат қашқир оралаган сурувдек тарқалиб кетди. Барча оқилу фозил Турон фарзандлари арабу эрон ёки ҳинд шоҳлари хизматига кирмоқдан ўзга чора топмадилар. Уларнинг хоки туроби ҳам узоқ, мусофир ўлкаларда қолиб кетди. Бу аҳволда узоқ ва адолатли давлат юритиш мумкинми? Элда золим пойидор ўла билур, зулм пойидор ўлмас деган гап бор.

Шулар ҳақида ҳеч ким ила мунозара этмасдан чуқур ўйланг.

Англамаган жойингиз бўлса, фақат ўзимдан сўранг. Шамолнинг тили, деворнинг қулоғи, ҳавонинг кўзи бор, бўтам.

Темур отасининг ҳеч кимга айтмаган ва айтмайдиган сўзларини диққат билан тинглар, сойнинг шарқирашию, тоғ чумчуқларининг чулдираши ҳам қулоғига кирмас эди. Бу сўзлар унга шу даражада қаттиқ таъсир этган эдики, эгар устида сеҳрлангандек қотиб қолганди.

Қиш даракчилари ола ва қора қарғалар кеч куз осмонини бошига кўтариб қағиллашар, оқшом тунайдиган маконлари Теракисой томон тартибсиз учиб борар эди. Этакдан қўра ва қўтонларига қайтаётган сурувларнинг маъраши ҳамда етакчи серка қўнғироғининг садоси элас-элас эшитиларди.

Бу қадрдон манзара, бу қўнғилга яқин сас, сочу соқолига оқ оралаб, ҳаётининг шоми кўриниб қолган

кекса амирнинг юрагининг туб-тубидаги нозик хистуйғуларини чертиб, жунбушга келтирган эди.

Куз шундай, инсон умри интиҳосини эслатади. Ким бўлмасин, одам зоти охири бир кун тўзади, хаёлидан кечди амирнинг.

Уни ўй босган эди.

Нихоят, хўрсиниқли бир нафас олдида, ўнг ёнида жим келаётган ўғлига қаради: – Ҳадемай қиш келади. Чўпоннинг бир ташвиши ўн бўлади, – деди ота ғамгин овозда ўғлига тикилиб. – Умр бўйи ёз бўлса ҳам одам чарчамайди, бироқ қишнинг бир куни ҳам чаккайга тегиб кетади. Маккаю Мадина тарафларда одамлар умр бўйи қорни кўрмай яшар эмишлар.

Темур бошини эгганча от жilовини бўш қўйиб, отасининг сўзларини жон қулоғи билан тинглаб борарди.

– Эсимда борида яна бир нарсани сизга айтиб қўяйин, – деди бек ниманидир хотирлагандек сомонранг сайхонликка тикилиб. – Замонида улуснинг корига яраган, обрў-эътиборли ва мард кишиларнинг қисмати қадари номарду жоҳиллар илгига тушиб қолмоғидан эҳтиёт бўлинг, ўғлим. Мард учун номардга қарам бўлмоқ тириклайин ўлмоқдир!..

## II

*Яхшилик тухми саодатлар берур,  
Гар тикон эксанг, оёғингга кирур.*

*Алмайи*

...Тўрт ёшли Темур оқила ва фозила онаси Такина бегим мураббийлигида ёзишни машқ қиларди.

– Вой ўлмасам, отаси, ўғлингиз чапақай-ку! Сўл қўли билан ёзаяпти. Қаламни ўнг қўлига тутқазиб қўйсам-да, чап қўлига олади. Қаранг! – дея хўжасига мурожаат этди Такина бегим.

– Қани кўрайлик-чи бу амирзодани. Марҳамат қилиб қаламингизни ўнг қўлингизга олинг-чи, бўтам. Ҳа, баракалло. Қани ёзинг-чи, қандай ёзар экансиз, – дея Темурнинг қалам юритишини кузата бошлади отаси.

Отасининг сўзини диққат билан тинглаган ёш амирзода қаламни ўнг қўлига тутганича, янада чиройли қилиб ёза кетди.

– Айтдим-ку, бу ўғлингнинг қўлидан ҳар иш келади деб. Бекорга ташвиш чекиб юрибсан.

Унинг ҳар икки қўлида ҳуснихат бита олишини кўрган она ҳайрон бўлди. У чиндан ҳам ғоят ғайритабиий бир бола эди. Нафақат икки қўли ила ёзув ёзар, балким икки қўлда бир маромда қилич сермаб, ўқ отар, улоқ чопиб, кураш туша билар эди.

Эрта хат-саводи чиққани учун отаси уни беш ёшида мадрасага берди. У саккиз-ўн ёшли болалар орасида пилдираб юрар, ҳатто лавҳа тахтага мўм суртиб ёза олмас эди. Бу ишда унга онаси ва муаллими кўмаклашарди.

Муаллимининг исми шарифи Мулла Алибек эди. Мактаб-мадраса маҳалла масжиди биносида жойлашгани учун муаллим болалар шовқин-сурон кўтариб,

намозга халақит бермасин деган мақсадда уйларига кетмоққа рухсат бериб юборар эди. Темур кичик бўлгани учун мактабга онаси, қўшнилари нинг каттароқ болалари ёки хизматчилардан бирортаси билан бирга келиб кетар эди.

Муаллими Мулла Алибекнинг оғзида тиши йўқлиги туфайли емакни ямлаб ютар, ҳарфларни яхши талаффуз эта олмас эди. Бу эса болаларнинг ҳарфларни ғалатироқ ўрганишига сабаб бўларди. У ўз шогирдларининг тезроқ саводхон қилишининг энг яхши воситаси, бу – калтак деб билар эди. Ундан калтак емаган ягона ўқувчи Темур эди. Ҳар бир вазифани муаллимнинг оғзидан чиқиши билан удалаб, навбатдагисини кутиб ўтирарди.

У синфдошларининг қийналиб ўқишларига ҳайрон боқар, наҳотки шу оддий ҳарфларни ўқиш ва ёзиш шунчалик машаққатли бўлса дея ўйлар эди. Етти ёшида Мулла Алибекнинг мактабхонасидан чиқиб, Шайх Шамсиддиннинг мактабига борди. Шайх ўз шогирдларига дастлаб Қуръон ўқитар ва баъзи шеърларни ёдлатиб, маъносини тушунтириб берар эди. Қуръон машғулотларини эса Қуръони қаримнинг 91-сураси «Аш-шамс»дан бошлар эди.

Темур биринчи дарсдаёқ шу муборак сурадан ўн беш оятни ёд олди. Буни кўрган шайх толибига эртаси куни отасини айтиб келишни тайинлади. Амир келганида эса ҳаяжонини яшира олмади.

– Муаллимлик ҳаётимда ўғлунгиз каби истеъдодли шогирдни кўрмаганман. Бир дарсдаёқ «Аш-шамс» сурасини ёдлаб олди. Унинг тарбиятида муқим бўлинг! Ижозатингиз билан мен шогирдимни чорлай. У сизга илк ёд олган сурасини айтиб берсин.

Етти ёшли Темур Оллоҳ каломини қироат билан ўқиганида амирнинг кўзлари жикқа ёшга тўлди. Яратгандан ўғлига соғлиқ ва омонлик тилади. Сўнгра

хаменидан бир динори кепакый (пул) чиқариб шайхга узатди. Шайх бул сахий авлод ҳақиға дуо қилди.

...Шайх талабаларига бир савол ила мурожаат этди.

– Ўлтуриш одоби бобида. Энг яхшиси, қай йўсунда ўлтуришдир? Қани ким ушбу саволга тўғри жавоб бера олади?

Болалар ғала-ғовур кўтаришиб, турлича жавоблар қайтаришар эди. Муаллимнинг шундоққина қаршисида ўтирган Темур ҳам жавоб бермоққа ҳозир эди.

– Қани, Темурбек, сиз жавоб беринг-чи?

– Ўлтуриш одобининг энг яхшиси, бу – икки тиззалаб, чўкка тушиб ўлтирмоқдир.

– Не учун?

– Сабаби шулким, Оллоҳга ибодат қилганда кўш тиззалаб ўлтирилади. Шунинг учун бу хилда ўлтирмоқ афзалдур.

– Аҳсанта!<sup>1</sup> – деди уч маротаба жавобдан мамнун бўлиб, муаллим.

Шайх Шамсиддин шогирди маҳоратини бот-бот си-наб кўрса-да, болани қийнамаслик учун Қуръон оятла-рини Маккаи Мукаррамада нозил бўлган кичикроқ су-раларни ўқитиб, ёд олдиришдан бошлар эди. Ёш талаба устозининг оғзидан чиққан сўзни такрор этмасданок, ўша заҳотиёқ ёдлаб оларди. Унинг иқтидорига тўла ишонч ҳосил қилган муаллим шогирдига Қуръонни бу-тунлай ёд олмоқликни топширди. Шайх ҳаётида ҳеч бир талабасига Қуръони каримни бу ёшда ёдламоқ вазифа-сини юкламаган эди.

– Қуръони каримда ўттиз олтинчи муборак сура «Ёсин»дир. Оятлари саксон учтадур ва Маккаи Мукар-рамада нозил бўлгандур. Ушбу сурани бир бор ўқуб бе-раман. Сўнгра ўзингиз ёдлашга уринасиз, – деди му-аллим Темурга ва ўқий бошлади. – Ёсин. Вал Қуръони

<sup>1</sup> Бале, қойил

ҳаким! – дея тўхтади-да, «Ёсин»нинг маъноси нима, дея сўради.

– «Ё» араб тилида ҳарфи нидодир, муаллим. Бироқ «син»нинг маъносини билмасмен, – жавоб қилди талаба.

– «Син»нинг маъноси инсон демақдир. Фақат бир инсон назарда тутилиб айтилур, – ўзи жавоб қилди шайх.

Шайх шундай деб сурани яна бир бора ўқиди. Мутолаа учун шогирдига маълум бир вақт берди. Бир оздан сўнг унинг ихлос билан сурани ёд ўқиганидан завқланиб, хайрлашди.

У пешин намозига қадар ўқир эди. Намозни устози ила баробар ўқигач, яйловга чиқиб силоҳ ишлатиш, отда чопиш ва яна бошқа ҳарб усулларини машқ қилар эди.

Отасининг юз чоғли йилқи уюри минишга ўргатилмаган отлардан иборат эди. Улар орасида ўйнаш ва машқ қилиш ёш Темур учун энг мароқли юмуш эди. У йилқичи ва уста чавандоз Жўра Ойбек ёрдамида ҳали сағрисига қўл тегмаган айғирларни тутиб, минди қилар эди.

– Қўлга ўргатилмаган йилқининг орқасидан яқинлашсанг тепади, қаршисидан келсанг тишлайди. Бундай отларни ёнбошидан бориб, чап томонидан чап қўл билан, ўнг тарафдан ўнг қўл билан ёлидан тутиб олиб, ўзингни устига от. Унинг ҳар қанча югурганига эътибор берма. Ҳечам ёлини қўйиб юборма. Ёл қўлдан чикдимми, тамом. Ерга учиб тушасан ёким от оёғи остида қолиб кетасан, – унга бу борада сабоқ берарди ёши бир жойга бориб қолган мўғулбашара Жўра Ойбек. – От устига ўрнашиб олгандан сўнг эса икки оёқ билан отнинг белидан сиқиб туриб, ёлини қўйиб юборсанг-да, не қадар ўргатилмаган бўлмасин, чопа-чопа охири ювош тортиб қолади. Фақат қўрқмаслик керак. Устидаги одамнинг қўрқаётганини от сезмаслиги лозим. Акс ҳолда ўзини



ўнгу сўлга ташлаб, улоқтириб юборади. Феълан ит ҳам отга ўхшайди. Кўрқса, думини қисади.

Ёш чавандоз Жўра Ойбекнинг ҳар бир сўзини қунт билан эшитар ва рисоладагидек қилиб бажарар эди. Сўнгра отасининг бош соқчиси Бобоқулнинг ёрдамида от устида ўқ отишни, қилич сермашни машқ қила бошларди.

– Ҳайратдаман, амирзода, шу пайтгача ҳеч ким бу машқларни сиз каби бунчалик эрта бошламаган ва бу қадар қиёмига етказмаган. Оллоҳ насиб этса бу салоҳиятингиз билан бир ерни ёриб чиқасиз! Тангри тало мақсадингизга етказсин, – деди машқ устози, кўпни кўрган Бобоқул бир куни Темур хатти-ҳаракатларини ҳайрат ила зимдан кузатар экан.

Қунт ила мутолаа қилган Темурбек уч йилда Қуръони каримни ёдлаб бўлди. Бу қутлуғ воқеа муносабати шарафига фақиру фуқаро ва шаҳар оқсоқолларига Амир Тарағай Барлос суфра ёзди. Шайх Шамсиддин маъракага бош-қош эди.

Уламолар ғоят эрта ҳофизи Қуръон бўлиб етишган Темурбекдан Қуръоннинг ҳар ер-ҳар еридан ёддан сўраб, синаб кўришди. Суҳбат-машварат ниҳоясида унинг исми ёнига ҳофизлик унвони қўшилиши тавсия этилди.

Тарағай баҳодир шайх Шамсиддинга бир айғир ва бир бия ҳадя этиб, дуосини олди. Муаллимнинг боши кўкка етган эди.

– Мен амирзодамга ўз билганимни ўқутдим. Энди бошқа бир мураббий кўлида илми илоҳий ва ҳикмати башарийга ошино бўлмоғи лозимдур, – деди шайх амир оиласи билан хайр-хўшлашаркан. – Сизларни Яратганга топширдим!

Орадан кўп ўтмай амир ҳофизи Қуръон Темурбекни Абдуллоҳ Қутбнинг мадрасасига эргаштириб борди. Му-

даррис Кеш амирини иззат-икром билан қарши олди. Ёш Темурнинг зеҳн салоҳияти ҳақида шогирдларидан кўп илиқ сўзлар эшитганини таъкидлади. Бул ёш мусулмон авлод учун кўлидан не иш келса бажаражагини қайд этди.

Шаҳар улуғлари ва ашрафларининг ўғил фарзандлари айнан шул зотнинг кўлида таҳсил олар эдилар. Илмли, фозил ва ориф инсон бўлган мударрис ғоят зукко ва нозиктаъб, бунинг устига ўзига хос бир парҳезчи ва чимхўр одам эди. Бу мадрасада ўқимок Темур учун завқли ва мароқли эди.

Ўн олтига етганида у йигирма икки ёшли йигит каби қоровли ва бақувват эди. Бу пайтда ўқ отиш бобида кимса унга тенг кела олмас, чаққонликда ҳеч бир тенгдоши олдига тушолмас эди.

У уч отни ёндаштириб чопар, биринчисидан учинчисига ва яна қайтиб биринчисига сапчиб минар, бу унинг севимли машғулоти эди. Яйловда отларни тақаламай минишар, минди бўлган отлар оёғига бир ўзи тақа қоқар эди.

У машқини олган яна бир аскарый машғулот – чошиб кетаётган от эгаридан унинг ёнбошига тушиб кўздан пана бўла билиш эди. Савашларда иш беражак бу ҳарбий услубни у қушдек енгил уддаларди. Бу маҳорат туфайли жанг пайтида от нобуд бўлса-да, жангчи ўзини сақлаб қола оларди.

Темур барчанинг кўз ўнгида илк баҳорда Жайхун наҳри тўлиб-тошиб турган бир дамда уни сузиб ўтиб, дам олмасдан орқага қайтиб келарди. Унинг илмак ташлаб асов отларни осонгина ушлаганини кўрган одамлар ишонқирамай, қайта-қайта унга асов айғирларни тизгинлатар эди.

Жума намозидан қайтган амир ўғлини ҳовлида саманнинг ёлларини тараб, бошига арпа солинган халтани илаётгани устига келди.

– Илм ва ҳарб санъатидаги тайёргарликларингиз кўп яхши, ўғлим. Энди тижоратни ҳам ўрганиб қўйсангиз ёмон бўлмас. Саманни мининг-да, сурувдан юз бош бозорбоп қўйни ажратиб, Самарқанд бозорига олиб тушинг. Пулини хонадоннинг ками кўстига яратамиз. Сурувдаги қари совлиқларни ўтган йилиёқ сотиб юборишимиз керак эди. Ёш совлиқ ва тўқлиларга тегманглар, – тайинлади амир ўғлига.

Темур Омонқўтон этакларида ёйилиб юрган сурув орасидан юз бош совлиқни ажраттирди-да, Пардабой чўпонга ҳайдаттириб, Самарқанднинг кунчиқишидаги мол бозорига тушди. Совлиқлар семиз эди. Қочмаганини сўйиб сотса, қочганидан кўзи олса бўлар эди. Бир зумда юз бош қўйни сотди. Пулларни икки белбоққа ўраб, белига боғлаб қўйди. Темур бозор айланмоққа қарор бериб, Пардабойни оти ёнида қолдирди ва кўчма ошхоналар қаршисидаги одамлар тўпланиб турган майдон томон юрди.

Кичикроқ курси устига чиқиб олган қаландарсифат бир киши баланд овозда илҳом билан йиғилганларга шеър ўқир эди. Темур шоирнинг шеърига маҳлиё бўлиб туриб қолди.

– Ким бу шеър ўқийётган? – сўради ёнида турган кишидан.

– Э-э, танимайсанми, машҳур шоир Камол Хўжандий-ку! – жавоб қилди у ҳайрон бўлиб.

– Камол Хўжандий шул киши бўладиларми? – деди янада ҳайрати ошиб.

У китобларда ўқиган, ўзи илоҳий даражада ҳурматлаган машҳур шоирлар каби бир инсон унинг қаршисида шеър ўқирди:

– Зулм бирлан бу дунёда,  
Билгин, қолмас яхши от.  
Яхшилик қил, эрта-индин  
Сенгада келур навбат.

У танишмоқ ниятида одамлар тўпини ёриб, Хўжандий тёмон илгарилади.

– Менинг исмим Темурбек Муҳаммад Тарағай Барлос ўғли. Сиз ила танишмоқ истаймен! – дея унга мурожаат этди.

– Шоиру фақир Камол Хўжандийдурман! – деди суҳбатдоши ҳорғин ва чарчоқ овозда. – Бир парча нон учун шоирлигимни ерга уриб, мана шу мол бозорида шеър ўқимоққа мажбур қолдим, – деди у хижолатдан терга тушиб.

– Шу охирги ўқиган шеърингизни менга сотсангиз, – деди Темур шоирнинг сўзларидан қалби ларзага келиб. – Қанча танга тиларсиз?

Хўжандий унга қараб кулди. Темур ҳайрон бўлди.

– Ҳайрон бўлманг, иним. Бу шеърнинг баҳоси йўқ. Унинг нарҳини сўраганингиз учун куляпман, – деди Хўжандий изтиробли қиёфада. – Модомики, жуда истар экансиз, сизга ҳадя этганим бўлсин, – дея шеър ёзиғлиқ қоғозни Темурга узатди.

– Унда сиз ҳам мана шу ақчани шеърятни севган бир йигитнинг улуғ шоирга эҳтироми сифатида қабул этсангиз, – деди Темур бир белбоққа тугилган беш юз тангани шоирга узатаркан.

Бир белбоғ пулни кўриб, Хўжандий шошиб қолди. Юзига ўнгайсиз бир ифода қалқиркан, ҳаяжон ичида овози титради.

– Бу кўп, жигарим, мен ҳаётимда бунчалик ақчани кўрмаганмен, – дея шоша-пиша хокисорларча рад этди Хўжандий.

– Олмасангиз хафа бўламен! – Темурбек шоирнинг кўнглига оғир тегмаслик учун қўшимча қилди: – Бул тангалар бир сатрингизга-да арзимас...

У Темурнинг кўзларига бир зум қараб турди-да, ақчани олди. Улар қучоқлашиб хайрлашдилар. Хўжан-

дий кўзларига қалққан ёшни кўрсатмаслик учун ерга қаради.

Темурбек шеърни қайта-қайта ўқиркан, хуш кайфиятда Кешга қайтди.

Бироқ хонадоннинг об-ҳавоси бошқача эди. Шеър воқеасини эшитган амирнинг авзойи бузилди.

– Бул ишингизда мантиқ йўқ. Кимса эшитса кулади, – деди қизишиб жаҳли чиқаркан.

Темур лаб-лунжини йиғиштириб, қилган ишининг ҳақу ноҳақлигини отасига тушунтириб бера олмади. Зеро амир тушунишни истайдиган авзойда эмас эди.

– Ўша, пулларини совуриб келган сурувни қайтариб топиб келасиз. Ўшанда мен сиз билан гаплашаман! – деди амир кўлидаги қамчисини этигининг пошнасига уриб. Сўнгра шарт бурилиб, уйга кириб кетди.

Темур не қиларини билмай, шошиб қолди. Беихтиёр юриб, уйлари яқинидаги тепаликка чиқиб ўтирди. Узоқ ўйлагач, саманни ҳам ўз ҳолига ташлаб, пою-пиеда Атабек бобонинг кўрғони томон йўлга тушди. Қаёққа кетганини ҳеч ким билмай қолди. Улуғ амакиси қароргоҳига у тонг-сахарда етиб келди. Кечаси билан йўл юрди. Отасининг бор-йўғи юзта қўй учун қилган бу ғавғосининг сабабини ўйлай-ўйлай ўйига етолмади.

Синчков кекса бек сочу киприкларини чанг босган амирзодани хушнуд кутиб олди.

– Ҳаммомга кириб бир истироҳат қилинг. Ғоят ҳорғинсиз, толиқибсиз. Тун бўйи мижжа қоқмаган кўри-наси. Қазо бўлган намозларингизни ўқиб, ухланг. Не емак истасангиз, келтиражақлар. Сўнгра иккимиз пешанани пешанага тираб суҳбатлашамиз, – деди Атабек бобо Темурнинг ичига кириб чиққандай.

Ҳақиқатан ҳам у чарчаганидан зўрға оёқда турарди. Улуғ бекнинг сўзлари унга ёғдек ёқиб тушган эди. У ходим ҳамроҳлигида ҳаммом сари йўналди. Оёғини зўрға кўтариб босар, кўзлари ўз-ўзидан юмилиб кетмоқда эди.

– Ота-ўғил муносабатлари ғоят нозик масаладур, – дея сўз бошлади бек пешинга яқин, меҳмондорчиликдан кейин суҳбатлашаркан. – Шунини унутмангки, ҳар замон фарзанди қобил отани англамоққа, унинг инжиқликларини кўтармоққа ҳозир турмоғи керак. Биласизким ота-она танланмайди. Қиблагоҳингиз ақл, давлат ва тажриба одами. Отангиз бу ҳаракатни сизга бўлган салбий муносабатидан келиб чиқиб қилмаган. Энг аввало, ул кишим сизнинг жуда камдан-кам кишиларда бўладиган энг юксак, шоирона олижаноб туйғуларингизни англай олмаган чиқар ёким сизни ўзларича бир синаб кўрмоқчидир. Биласизки, бизнинг эски турк ва мўғулларда ўғил болани оғир синовларга солиб, иродасини тоблаш қадим-қадимдан мавжуд. Падари бузрукворингизда аждодлар қонидаги ўша туйғулар жунбушга келиб қолган бўлса ажаб эрмас. Масаланинг яна бир тарафи борким, буни-да ёдингизда тутмоғингиз керак. Сиз бозорга олиб бориб сотган мол ҳақ-ҳуқуқ ўлароқ айна дамда отангизга тегишлидир. Бу молни ёки унинг пулини ўзга бир кишига бермоқчи бўлсангиз, сўзсиз, отангиздан изн сўрамоғингиз шарт эди. Ул кишимнинг ўрнида ҳар қандай ота ҳам норози бўлар эди ўғлининг бу каби ишидан. Шу боис, жигарим мулло Темур, бу ерда сиз юзда тўқсон ноҳақсиз. Модомики, бўлган иш бўлиб, бўёғи синибди. Майли, ўтган ишга саловатни энди сиз қилинг! Фақат шундай келишайликки, элтиб бориб сурувга қўшиб қўядиган юз бош қўйни мен бермадим, сиз олмадингиз. Бу иккимиз орамизда қоладиган гап. Отангизнинг бир тескари кийган тўнини иккинчи бор тескари кийдирмайлик. Бундан буён шундай ҳаракат қилингки, отангиз билан ораларингизда ихтилоф пайдо бўлишига ҳеч замон имкон туғилмасин. Амир ҳазратлари эл устида юрган, одамлар, раият доимо сўзига қулдоқ солиб келган номдор авлод вакили, таниқли

кишидир. Машхур кишиларга фарзанд бўлмоқнинг ҳам ўзига хос масъулият ва машаққатлари бор. Бутун элу юрт оғзига қараб турган одам раият сўзимни бир тингласа, бола-чақа, бутун авлод-аждодим икки бор қулоқ осмоғи керак деб ўйлайди. Оддий ота-оналар авлодидан бир меҳр-оқибат кутса биз каби бой ва юрт сўраганлар ўн баробарини кутамиз. Бола эса кимнинг фарзанди бўлмасин боладир. Мен боламни дейман, болам боласини дейди. Сиз ва бутун яқинларингиз буни ҳисобга олмоғингиз жоиз, – дея тин олди бек янги келтирилган кимиздан пиёласига қуяр экан.

– Ҳарҳолда, бек бобо, мен отамдан бундай муносабатни кутмаган эдим. Шу боис ақлим шошиб, не қиларимни билмай қолдим, – деди бобонинг сўзларни диққат билан тинглаб ўтирган Темур.

– Билингни, бизнинг улусда ўн-ўн иккидан ошдингни, боласаналмайсан. Шулар боис, отангиз сизнинг бу ишингизни болалик оқибатида қилинган хатти-ҳаракат ёхуд хато деб тушунмайди. Менинг ожиз фикримча, иккинги ҳам ҳақсиз. Сизнинг бу мардона ишингизда авлиё ва ҳақиқий буюк хоқонларга хос бир ҳикмат бор. Демак, сиз, Темурбек, одамларимиз онги ва шуури ўрганиб, мослашиб қолган ҳаёту тирикчилик қуюшқонига сиғмайдиган одамсиз. Бу кўп яхши! Бурнидан нарини кўра олмайдиган, куни учун кул ташлаб юрган оми оломоннинг сиз ва устоз Хўжандий каби кишиларни англаб етмоғи мушкул. Сиқилманг ва мақсад йўлида юрмоқда давом этинг! Сиз ҳаёт йўлингизда дуч келажак бундан-да юз чандон оғир ва машаққатли довлонларни ошиб ўта олсангизгина ўша мақсадга етасиз ҳамда унга муносиб бўласиз! Ақс ҳолда сизнинг атрофингизни ўраган одамлардан фарқингиз қолмайди, иним. Сизга айтар сўнг сўзим борким, буни ҳеч замон унутманг. Ҳеч қачон ва ҳеч бир замон тўғри сўзга номуносиб одамга ҳақиқатни айтманг. Айтдингизми, қоқиласиз!..

Ёш амирзодани ўй босган эди.

– Рухсатингиз билан тез-тез ҳузурингизга келиб тураман, бобо! Сиз ва отамдан эшитган ҳақ ва доно сўзларни бу кунга қадар кимсадан эшитмадим.

– Унутманг, кимлигидан қатъи назар, дунёнинг барча илмларини сув қилиб ичиб юборса-да, ҳаётда ҳеч бир нарсага осонликча эришиб бўлмайди. Инсон йиқила-йиқила, адашароқ, боши тошларга тегароқ интилган манзилига етиб боради. Бул сафарда Яратган сизга ёр бўлсин, болам!

Атабек бобо шундай дея юзига фотиҳа тортди.

Бек уйда яна икки кун қолиб гурунглашган, ундан сабоқ олган Темур учинчи куни юзта қўйни ҳайдаб, отасининг сурувлари ёйилиб юрган Омонқўтон довонининг кун ботишидаги яйлов сари жўнади.

Довон оша ота кўрғонига қайтаркан, хотирасида Атабек бобонинг сўнгги сўзлари жонланди: «Ҳаётимда турумимни забун этган энг аянчли ҳолат тухмат ва бўхтонларга дуч келганим ва уни бартараф этмоқ учун беҳуда умримни сарфлаганим бўлди. Одам зоти феъл-атворидаги бу жирканч иллатга қарши курашиб бўлмас экан, бўтам! Унга қарши чора-тадбир қўлламоққа ҳаракат қилганинг сари аксинча у янада чуқурроқ илдиз отар экан. Боиси, инсон боласи тузалишдан кўра бузилишга мойилдир. Сўқоқдаги оломон ҳеч қачон ақли, улуғ ва бой кишиларни суйиб, юракларига сиғдира олмайдилар. Ҳатто хешу ақраболаринг ҳам. Шунинг учун ҳам инсон не қадар улуғлашгани сари ёлғизланиб бораверади. Отилган маломат тошларига қарши отмоқ учун эса тош тўплама. Қора тупроқ ва вақт бу тошларни ҳам, уни отганларни ҳам кўмиб кетади. Одамнинг қаро боши қаро ерга киради-ю, тинади».



### III

*Ҳеч бир Худога бўйин эгма ва  
ҳеч бир динни ҳақорат этма!*

*Тагорнинг ўғли яшайдиган хона  
эшигига осиб қўйган ёзуви*

Олис Бадахшоннинг киши оёғи етмас, ибтидоий бир манзилида туғилган Носир Ҳусрав бир неча йил Бухорои шарифда ўқиди. Унинг зеҳни ақл бовар қилмас даражада ўткир бўлиб, кўрмаган балоси, кириб чиқмаган тешиги йўқ эди. У Бухородаги барча машҳур амиру уламолар билан таниш бўлиб, нотиклиги ва билими билан ҳар қандай одамни оғзига қаратиб, ўзига эл қила билар эди. Бир куни кечқурун у амир Тегин Салжутнинг уйига кириб келди. Амир унга одатдаги иззат-ҳурматни кўрсатиб, мусофир этди.

– Гап бундай, биродарим Тегинбек, – деди у емаклар еб бўлингач. – Сенга айтажак муҳим гапим бор. Рухсат берсанг сўйлайин.

– Сўйла, сўйла, биродар, – деди амир.

– Мен дини Муҳаммадга барҳам бермоқчиман. Сени ўзимга йўлдошликка даъват этаман! – деди у томдан тараша тушгандек қалдироқ овозда.

– Сени кечаси жин-пин айлантирмаганми? Менинг даргоҳимда дини ислом ва ҳазрат пайғамбаримиз ҳақида бундай куфр сўзларни айтмоққа қандай журъат этдинг?

Амир азбаройи ғазабланганидан шарт ўрнидан турди ва «бу суҳбатни биров эшитмадим» деган ҳадик билан шошиб ён-берига қаради. Кейин тез-тез юриб, хона эшигини очди.

– Шукр қилки, қўноғимсан... Йўқса, аллақачон бошингни танангдан жудо қилардим. Лек жазодан

кутулдим деб хомтама бўлма! – Амир жаҳл билан эшик томонни кўрсатди. – Йўқолу кўзимга кўринма ва қайта қадамнингни босма! Эртагаёқ хонни огоҳ этаман ва ул ҳазрати олийларининг сўзи сенинг бу имонсиз тилингни суғуриб, куфурга чўлғаган каллангни кундада чопади!

– Айтган хонинг оёғимни ўпиб, динимга киради, – Беписандлик билан ўрнидан турди Носир Хусрав. – Сени эса илк қурбонлар қаторида бошингни ўша ўзинг айтган кундага қўйдирмасам, Носир Хусрав отимни бошқа кўюрман!

– Йўқол, кофир! – ўшқирди амир.

Носир Хусрав шаҳд билан чиқиб кетди.

Шу воқеадан кейин у анча йиллар мобайнида кимсанинг кўзига кўринмай, ғойиб бўлиб кетди. Сўнг Мукно исми билан яна пайдо бўлди. Унинг қароргоҳи Кеш яқинидаги Талли деган жойдаги каттакон ғорда бўлиб, турли илм ва одамлар руҳиятини ўрганиб, ҳузурига келган беморларни тезда тузатиб юборар эди. Ҳатто кўзи кўрларни ҳам даволар, бу эса одамларда унга нисбатан эътиқод уйғотарди. Унга яқинлашган элату қавм борки оқ кийим кийиб, яъни оқ кийимли бўлиб, ортидан эргашар эдилар. Ниҳоят мурид ва хайрихоҳлари анча-мунча кўпайгач, уларга мурожаат этди:

– Барчангиз айтингиз! Носир Хусрав расули ҳақдир! Мани бу эрта Расул, яъни ялавоч қилдилар!

– Модомики, бу даъвони қилар экансан, мўъжиза кўргузгил! – дедилар одамлар бошлари айланиб.

– Боқинг ва қулоқ тутинг! Ушбу чинор оғочи узра Жаброил манга хитоб этур! – деди у ўнг қўли панжаларини очиб қуриган чинор ёғочини кўрсатиб.

Гангиб қолган одамлар чинор ёғочи атрофида тўпландилар. Ақл-идрок қушлари улар бошидан учган, қалблари бўшаб қолган эди. Ёғочдан гулдураган садо чиқди:

– Ман Номус Акбар, яъни Жаброилдурман, Носир Хусрав пайғамбари ҳақдур!

Боши айланган ва бу воқеадан таъсирланган одамлар унга иймон келтира бошладилар!

Гуруҳ орасидаги мусулмонлардан бири бу бедодлик ва лаъинликка чидолмай Носир томон тош отди. У жойидан жилмаган қўйи тошга қарши ўнг қўлини тутди. Тош кафтининг орқа томонига тегди. Қўлидан қон оқа бошлади. У қонаган қўлини оғзига қўйиб, ўз қонини ича бошлади ва деди:

– Бу қутлуғ қон, ёруғлик! Бул азобдин лаззат туймоқдаман!

– Бу масхарабозлик! – дея қичқирди яна бир одам. – Қўзбўямачилик! Охир замон Расулига нима деб жавоб берасан, муттаҳам?!

– Ман шарҳи Куръондурман! У нима маъмулдир, амал қилурман! – жавоб қилди Носир. – Расулдан кейин асҳоби нафсониятлик келтуриб, йўлни йўқотдилар! Ушбу Жаброил манга рисолат еткурубдур! Бу шаърият етмиш икки мазҳабга бўлинибдур! Ман расулман-ким, етмиш икки мазҳабни бир мазҳабга мусаххира қилурман!

– Сенинг мазҳабинг қайси? – унга савол ёғдирдилар одамлар ҳамон ҳайратдан лол бўлишиб.

– Манинг мазҳабимда намоз ўкумоқ ҳожат эрмас! Нечук, айтилубдур «Ётикул иққин». Бизлар Худони танирмиз! Худони танигандан сўнг, мундин ўзга нима ҳосил? Имом пайғамбардан зиёда! Нечук Мусо Расул эрди? Ҳазрат Мусоға имом эрди, Мусо шогирд эрди. Яна мўъмин молини мўъминдан хосият қилмасун. Агар сизлар мўъмин экансиз, молингизни бир-бирингиздан дариг тутмангиз, ҳеч мол сизга хотундан яхши эмас. Хотунларингизни бир-бирингиздан аямангиз! Хотунларингизни биров зино қилса, кўрсангиз, ҳеч нима

демангиз. Ҳар ким ўз нафсини ўлтурди, вали бўлди. Шаръи зоҳирдур, зоҳирда сўфи бўлунг. Ботинда ҳар суратким, ўзингиз билурсиз, фисқи ботинда ҳалолдир. Агар хотинингизга биров яқинлик қилса хурсанд бўлуб, севининг. Майни ичингиз! Ҳамру майун одамдур, ғул ҳаргиз қилманг! Энди сизларга рухсат! Теварак-атрофга тарқалиб, эшитганингизни тарғибот қилинг! Эй одамлар, ғулли шаръини сизларнинг бўйингиздан кўтараман! Яна қиёмат кунининг азобидан нажот берурман! Дунё ҳаргиз охир бўлмас! Қиёматдин мурод ўлгандан кейин тирилмоқ йўқ! Ҳар кимнинг яхши феъли жаннат маишатидур! Қибла сизларга даркор эмас! Киши Худони талаб қилса, зиёни йўқдур! Шароб, чоғир ичинглар! Мастлиқ қилманг, мастлиқ ҳаром! Ҳоло рамазон ўн еттинини ўзларингизга ийд билингиз! Ҳазрат Али ўлган кунларидир. Ҳижрий тарих барҳам топди ва бул тарихий кунни «Чароғ кун» деб атағаймиз. Бул кундан бошлаб менинг отим Абулқиёмдур! Қай бир диндаги қай бир иш мантиқдан узоқ эркан, унинг Худога алоқаси йўқдур!

Унинг овозаси бутун Мовароуннаҳр бўйлаб шул қадар машҳур бўлиб кетдики, қайсики бемор унинг хузурига борса шифо топар, одамлар унинг ғорига дарё каби оқар, у ўзининг сеҳргарлик қуввати-қудрати билан кишилар кўзини боғларди.

Бухоро саросимада эди. Хондан тортиб дарвешга-ча, барча-барчанинг тилида янги чиққан «пайғамбар» мавзуси айланади. Шаҳар уламоларининг ҳам тинчи бузилган, ўзаро маслаҳатлашиб, кенгаш тўпламоқ ва лаъин Носир Хусрав фаолиятига доир фатво ҳозирламоқ учун тайёргарлик кўрар эдилар.

Ниҳоят Самарқанд, Балх ва бошқа вилоятлардан келган уламолар кенгаши Носир Хусрав қавми саналмиш оқ кийимлиларни бошлиғи бирлан баробар кофир дея ҳукм қилди.

Бу хабарни эшитган малоҳидалар<sup>2</sup>, етакчиси ўз қавмини «Фидойи Носир» дея атади ва дин пешволари ҳамда ўзларига қарши бўлган мусулмонларни ўлдирмоққа амр берди.

Худди шу йили Бухоро, Самарқанд ва Балхда тўрт минг нафар мусулмон мулласи қатл этилди. Буларнинг зулм-заҳматидан уламолар имкон топиб яширинмоқ мажбуриятида қолдилар.

Носир ва унинг қавмини кофирликка ҳукм этган кенгашни Самарқанд Соҳиб Ҳидоятни бошқарган эди. Соҳиб Ҳидоят кекса ва кўзи хира киши эди. Малоҳидалар бошлиғи унга фидойиларидан бирини табиб сифатида жўнатди. Мусофир ўзининг кўз табиби эканлигини, олис юртлардан ҳазратга кўмакка келганлигини изҳор этди. Бу изҳори дил шу билан яқун топдики, Соҳиб Ҳидоят тамоман кўр бўлиб қолди.

Бухоро хоҳи Баёнқулихоннинг хонлик ҳудудлари мусулмонлар ва малоҳидалар ўртасидаги тўқнашувлардан тебраниб турарди. Барча қатори у ҳам бу хавф-хатарни бор бўй-басти билан ҳис эта бошлаган эди.

Ўрда томон кетаётган хонга мулозимлардан бири кимлигини сўзламаган бир чопар хонга хос мактуб борлигини айтаётганини билдирди. Хоннинг қаршисида оқ кийим-кечаги устидан кўзга ташланмаслик учун қора яқтак кийиб олган қиррабурун, ола кўзлари бежо малоҳида турар эди. У хонга салом ҳам бермади, юзига қарамади ҳам. Хатни узатди-да, ерга қараганча жавобини кутиб тураверди. Баёнқулихон ўроғлиқ хатни очиб ўқиди. Унда уч сўз ёзилган эди. «Бизга иймон келтир!»

– Бу лаъинзодани кўзимдан йўқотинг! – буюрди соқчиларига.

Хон девонбегига шу ондаёқ саройга уламоларни тўплашни буюрди. Кутилмаганда барча уламолар бир-

<sup>2</sup> Диндан қайтганлар

дек қора либосда хон саройига кириб келдилар. Бу ҳолатдан ҳайрон бўлган хон сабабини сўради.

– Ҳарҳолда эшитганимиз рост чиқмас деган умиддамиз. Бизга етган хабарга кўра сиз малоҳидага рағбат қилибсиз деб эшитдик. Шул боис қора кийдик! – жавоб қилди уламолар пешвоси.

– Тепамизда Оллоҳ турибдур! Бу ёлғондур! Бу фитна дин ва давлатимиз душманларининг ишидир. У сеҳргар ўйлаб топган майнавозчиликларнинг дини-диёнатимизга мутлақо алоқаси йўқ эканлигини оддий мўъмин-мусулмон ва хон сифатида таъкид этаман! Агар буюрсаларингиз унинг элчисининг бошини олмоққа буюраман!

Уламолар бир-бирларига қарадилар. Ўзаро паст овозда маслаҳатлашгач, яна пешво сўз олди.

– Биз қарор қилдик. Унинг элчиси жаллодга топширилсин! Бироқ ўлдирилмасин! Кулоқ-бурнини кесиб, хўжаси ҳузурига юборинг! Шунда биз сизнинг самимийлигингизга инонурмиз!

– Жаллод! Оқ кийимлик малоҳида кулоқ-бурнидан жудо этилсун! – асабий овозда ўшқирди хон қўллари титраб. – Токи кўча-кўйда шул алпозда юрар экан, ўзга кўзи кўрларга сабоқ бўлсун!

Бухоро ва хонлик вилоятларида вазият оғирлашган эди. Ўз вақтида зарба берилмаса малоҳидалар дину сиёсатни ўзгартириб юборишларига бир баҳя қолган эди. Анча-мунча катта-кичик бек ва амирлар зимдан унга ихлос қўя бошлаган, узоқ-яқин кишиларини даволаниш учун юбориб, унга бўлган қизиқишларини ярим ошкор, ярим пинҳона сездирмоқда эдилар. Бу ҳолатга қарши чора кўрмасликни одамлар хоинлик ва кофирлик дея баҳоламоқда эдилар.

Баёнқулихон уламолар кўнглини жойига тушириб, сарой қопусигача ҳурмат билан кузатиб қўйди.

Оғир ўйлар бошида айланганича пешин намозини ўқимоқ учун таҳоратхона томон йўналганида махфий

бошлиғи кутилмаганда рухсат сўраб олдига кирди. Хон қандайдир муҳим гап борлигини сизди. Кеча ҳам пешин намози қазо бўлган эди. Бугун ўқиёлмайман чоғи, хаёлидан ўтди.

– Хуфиймизнинг берган хабарига кўра Балхдан курол-яроғ ортган карвон Бухоро томон йўлга чиққан эмиш. Қайси йўлдан келаётганини аниқламоқдалар. Бу ўша дахрийнинг иши. Уларнинг нияtlари ёмонга ўхшайдур.

– Сен ҳозироқ истаганинг қадар навкар ол-да, йўлга чиқ! Балх карвонини топиб қўлга туширинглар! Карвон юкини Шаҳрисабз амири Тарағай Баҳодирга топшир ва ўзига тайинла, мени кутсин! Асосий қўшин билан бирга етиб бораман! Қачон етиб боришимни хос чопар орқали билдираман! Бу дини ислом душманларини бир ёқлик қилмасак, бизни Яратган-да, бандалари-да кечирмағай! Оллоҳ йўлингни берсин! Шаҳарда ушланиб қолма! Хазинадан не керак бўлса ол! – дея махфий бошлиғи, лашкарбоши Эргаш Этани йўлга солди хон.

Эргаш Этана саройдаги барча ишларга аралашмоқ ҳуқуқига эга ягона одам эди. Унинг ғалати феълига барча бирдек ўрганиб қолганди. Хон оиласига дахлдор ёки рутбаси ўзидан улуғ кишиларни кўрганда шайтонлағудек этана<sup>3</sup> бўлар, арзиҳол билан келган кишиларнинг гап-сўзлари ёқмаса эшитмасликка олар, майда мулозимларга буни кўзимдан йўқот дегандек ўқраярди. Шу боис орқаваротдан раият уни Эргаш эшитмас дея атарди. Бурун каррақлари катта, ялпоқ юз ва кенг пешана миқти Эргаш имқонини топса қариндош-уруғини Бухоронинг номдор ва обрўли саидзодалари қизларига уйлантирар, араб аслзодалар эса хонга яқин ёхуд катта бой бўлмаган мўғул асли кишиларга қизларини бермас эдилар. Паст бўйли Этана гавдасига мос бўлмаган салобат билан юр-

<sup>3</sup> Ялтоқланиш

ганда одамларнинг энсасини қотирар, саройдаги ришват ила битгувчи катта-кичик ишлар унинг воситасида амалга ошарди. Раият у ҳақда тинимсиз латифалар тўқир, суҳбат сўнгида, ал-паканатун, ал-фитнатун<sup>4</sup> деб қўйишарди. У эса сувни лойқалатиб, балиқ овламоқда устаси фаранг чўғалчи эди. Шул боис, сарой солинларидаги салафлари уни Эргаш Бўтана ҳам ҳам дейишарди.

Хон Шаҳрисабзга икки кун сўнгра, чошгоҳда етиб келди. Унинг истиқболига Амир Тарағай Баҳодир ўн тўрт ёшли алпқомат ўғли Темурбек билан бирга чиқди. Амир сағриси ялтираб турган тўриқда, лашкар бошлиқлари киядиган кийимдаги ўғли эса саманини ўйнатиб, Бухоро йўлига кўзларини тикиб туришар эди.

Баёнқулихон салом-алик расм-русумини ўрнига келтира туриб беихтиёр, вужудидан сўз ила ифодалаб бўлмас куч-ғайрат ва шижоат ёғилиб турган амирнинг ўғлига тикилганча туриб қолди. Ниҳоят амирни, сўнгра ўғлини бағрига босиб кўришди.

Темур чўккалаб хоннинг тиззасига бошини қўйди, сўнг қўлини ўпди. Бу уларда хоқоннинг черигига қўшилган янги навкарнинг садоқат билдириш удуми эди. Хон яна Темурни бағрига босиб, пешанасидан ўпди.

Баҳор охирлаб, ёз кираётган, кунлар борган сари кизир эди. Амир хон учун дарё соҳилида қўналға ҳозирланганини маълум қилди. Хон ташаккур билдириб, тўлпори жilовини дарё томон бурди.

Баёнқулихоннинг ўнг тарафида Амир Тарағай, сўл томонида Темур саманининг жilовини тортиброк борар эди.

— Ўғлингиз бағоят дуркун ва баҳодир йигит бўлибдур. Кўз тегмасун. Мамлакатимиз ва раиятимизнинг саодатини ана шундай қувватли ўғлонлар асрайдилар. Мард, ботир ва жасоратли фарзандларсиз нуфузи нақадар

<sup>4</sup> Пакана фитнази



кўп бўлмасин, ҳеч бир улуснинг боши бирикмайди, – насиҳатомуз оҳангда гапириб борар эди Баёнқулихон.

– Биз ва авлодларимизнинг тинч-тотув яшаб вояга етмоқларида сиз хон ҳазрати олийларининг буюк хизматларингиз бордур. Биз бутун уруғ-аждодимиз билан сиздан ўла-ўлгунча миннатдоримиз! – хонга ташаккур билдириб жавоб қилди амир.

– Бугун истироҳат этайлик. Эртага бутун қўшинни кўриқдан ўтказамиз. Қай ерда ўтириб ўрдуни кўздан кечирсак экан? – амирга маслаҳат солди хон.

– Энг маъқул жой шаҳар дарвозасининг усти. У ердан бутун шаҳар ҳам, лашкар ҳам кафтда тургандек кўринади, – жавоб қилди амир.

– Буюринг, менинг зангори чодиримни Шаҳрисабз дарвозасининг устига қурсинлар. Қўшинни кўриққа ҳозирласинлар!

Барлосларнинг улуғ амири Тарағай Баҳодирнинг катта амакиси Атабек бой томоқ оталигида кечкўрун юз кишилик шоҳона чодирда Бухоро хони Баёнқулихон шарафига зиёфат берилди.

Эски пайтлардагидек чоғир ва шароб косалари даврада кўринмас, барчанинг ўю хаёлини даҳрийлар билан бўладиган тўқнашув банд этган эди. Йўлдан ҳориб келган хон ҳам бироз ўтирди-да, истироҳат учун хос ўтовига кириб кетди.

Хоннинг заркокилли зангори чодирини шаҳарнинг асосий дарвозаси устига қурилган эди. Бу ердан қўшиннинг тайёргарлигидан бошлаб, кўриқдан ўтишию тарқалишигача росмана кўриниб турар, атрофдаги ранг-баранг манзара кўзни қамаштирар эди.

Хон имо-ишораси билан кўрик бошланди. Довул ва карнай-сурнайларнинг залворли садоси кўҳна Кешнинг қадим масжиди жомелари қуббаларида акс-садо бера бошлади.

Биринчи бўлиб бўз отга минган, эртақлардаги баҳодирлар қаби ясаниб, қарқарасини дубулғаси устига қўйган Амир Жақунинг ўн минг кишилиқ қўшини майдонга кириб келди. Лашкарбошининг чериги тўқис бўлиб, ранг-ранги билан сафланиб ўтаётган отлиқларда игнадан сувдонгача бўлган бутун жиҳозлар мукамал эди. Баҳорда кўкалга тўйган отларнинг сағриси ялтирар, гижинглашиб олға интилишарди.

Қўмондон ва суворийлар рутбасига қараб кийинган эдилар. Амир Жақунинг эғнидаги зарбоф тўн, белидаги олтин қопламали камар, бошидаги тилла суви югуртирилган дубулғаси кўклам қуёшида ярқираб кўзни қамаштирар эди. Тулпори ёпинғичига тақилган пўпил ва кўнғироқчалар шалдираб, уни афсонавий бир қиёфага киритганди. Шу тахлит мингбошилар шоҳи, юзбошилар атлас ва ўнбошилар адрас чопонларда эдилар. Улар қатъий қиёфада қотганча виқор билан отлари тизгинини тортиб келишарди.

Мингбоши ва юзбошиларнинг мол терисидан тикилган ўкчаси баланд этиклари ёғ суртиб ялтиратилган, белини камар билан танғиб боғлаган бўз чопонли суворий ва сипоҳилар эса ағдарма чорик кийгандилар.

Пиёдалар найза, қалқон ва ханжар билан қуролланган бўлиб, қалқонини сўл елкасига осиб олган суворийларнинг белида қилич, чап қўли жиловда, ўнг қўл тирсагини қўкраги баробар кўтаргани ҳолда чап томонига тақилган қилич дастасини тутиб боришарди.

Хон ўрнидан туриб эски қадрдони амир Жақу Барлосга қўлини сермади. Амир узангига оёғни тираб, от устида тик турди-да, ўнг қўлини кўксига қўйиб хонга таъзим қилиб, аскарний салом берди.

Навбат Амир Тарағай Баҳодирнинг туманига келган эди. Амир Тарағай қўлига найза тутганча кеча ўғли минган саман отда сафдан ўн қадамча олдинда. Унинг икки

тарафида эса қўшин байроқчиси ва яловбардори ҳамроҳ эдилар. Ёш эътиборига кўра Темур қўшин ортида, отасининг тўриқ тулпорини бир текисда йўрттирганча, ўзи тенги йигитлар қаторида келарди.

Тўлқиндек оқаётган бу ёш аскарларнинг шаҳди, ғоз тутган қад-қоматлари, садафдек тишларини ярқиратиб табассум ила хонни олқишлашлари Баёнқулихонни мамнун этди. Бу ўрду ҳар қандай душманни қиймалаб ташлайди, хаёлидан кечди хоннинг! «Ё Қодир Оллоҳ! Элимизни, юртимизни, ўрдумизни, тожу тахтимизни паноҳингда асра!» – Худога илтижо қилди Баёнқулихон.

Амир Тарағай Баҳодирнинг чериги қўшиннинг сараси эди. Кийим-кечак, совуту дубулға, от ёлининг таралганидан тортиб, мингбошию юзбоши ҳамда ўнбошиларнинг даражасига қараб тайёрланган от узангилари ярқираб, киши эътиборини тортарди.

Сўнгра икки, уч минглик қўшинлар қўриқдан ўта бошлади. Бу ўрдуларга Амир Муайяд Арлот, Амир Боязид Жалойир, Амир Мусо Баҳодирлар қўмондонлик қилар эдилар. Бу уч қўшин Чингизхон ўрдуси таркибида Туркистон ерларига кириб келган жалойир, арғин ва орлот турк-мўғул уруғларидан ташкил топган қўшинлар эди. Турон мулкида ерлашган барча уруғ ва элатлар хон қўшинига ўн кишидан бир нафар навкар бермоққа мажбур эдилар. Бир туманлик нуфуси, яъни ўнг минг кишилик улус чекига минг нафар аскар тўғри келарди.

Кўрик тугади. Хон лашкарнинг умумий аҳволи руҳиясидан мамнун бўлди. Анчадан бери жанг кўрмай зерикиб ётган аскарлар ёғийни тилка-пора қилмоқ иштиёқида машқларга киришдилар. Хон ҳеч кимга қачон ва қай дақиқада душман томон ҳужум бошлана-жагини сўйламас, ёғийни синдирмоққа астойдил кўнгли етиб турса-да, шу баҳонада лашкарнинг машқини

ошириб, тайёргарлигини такомиллаштирмоқни ният қилганди.

Шахрисабзнинг асосий катта дарвозасидаги хоннинг зангори чодири йиғилмаган, Баёнқулихон лашкар сафланиб, тартиб билан юрганида чодирга чиқиб томоша қиларди. Бошқа пайтлари эса отда айланиб, қўшин машқини кузатарди.

Хоннинг диққатини от чоптириб келаётган икки аскар тортди.

– Булар кимлар? – дея сўради Баёнқулихон ёнида турган Эргаш Этанадан.

Мулозим қисқа фурсатда уларнинг кимлигини аниқлади.

– Улуғи Мирза Сайфуддин, Амир Жаку Барлоснинг ўғли, кичиги Амир Тарағай Баҳодирнинг ўғли Темурбек эканлар, – жавоб қилди Этана.

– Биз ёғий билан савашмоққа бошлар эканмиз, Тарағай Баҳодирнинг ўғли кирмасун, – деди хон. – Бу қобилиятли йигитни асрамоқ керак. Бир йигит қирқ йилда бино бўлади. Бир ҳақиқий лашкарбошининг етишмоғи учун балки юз йил керакдур, – деди хон оғир ўйга толиб. – Мен унинг нигоҳларидан буюк бир ҳикматни уқмоқдаман. Бу болани асраш керак.

– Унга сен жангга кирма, деб айтиб бўлмайди, ҳазрати олийлари! Буни катта ҳақорат деб билади.

– Майли, сиз уни ёнингизга чорлаб, юмшоқ оҳангда менинг сўзларимни айтинг. Қани бир синаб кўрайликчи, қандай тутар экан ўзини бу Қорачар Нўйон авлоди, – дея хос мулозимга амр берди хон.

Махфий бошлиғи, хос мулозим Эргаш Этана тажрибали лашкарбоши, ернинг остида илон қимирласа сезадиган синчи одам эди. Кишиларни юзининг тарҳи ва қош-қовоғига қараб кимлигини аниқ айтиб берар, хондим танлашда қамдан-кам янглишарди. Баёнқулихон

олдига кирадиган киши дастлаб унинг чиғириғидан ўтар эди. Лашкарбоши Этана Темур билан у ёқ-бу ёқдан гап-лашиб турди-да, сўнгра хоннинг сўзини айтди. Қутилмаган бу гапдан ўзини йўқотиб қўйган Темурнинг тилига калима келмай қолди.

– Дўстларим юзига қандай қарайман? – деди у анчадан кейин дами ичига тушиб. – Айб бўлади. Барча ила баробар бўлмоғим керак. Акс ҳолда элдан ажралиб қоламан! – деди фикрини тушунтирмоққа уриниб. – мени ёш деб ўйламанг!

– Бу хон фармонидур! Бажармоқ амри вожибдур! – деди Эргаш Этана отининг жоловини бўш қўйиб бора экан.

– Унда хон ҳазрати олийлари ҳузурига ўзим борамен! Истагимни сўйлаймен! – аҳди қатъий эди Темурнинг.

Темур хон ҳузурига етиб келганида мулозимлар яқинда амир Сайфуддин билан Темурнинг ўқ отишгани ва Темурбек ғолиб келганлигини сўзлаб туришган эди.

Темурбек хон чодирига етмасдан анча узоқда тўхтаб, отини дўстларига қолдириб, пиёда юриб борди-да, хон қаршисида тиз чўкиб, дуо ва арз этди.

– Давлати ҳумоюннингизда ушбу қўшун ичидаги истаган киши майдонга чиқиб, мен билан олишсун! Бунга ижозат беришингизни сиз ҳазрати олийларидан ўтиниб сўрайдурмен!

Хон бу таклифдан ҳайратда эди. Изн бермаса, эски турк урф-одатига хилоф иш қилган бўлади. Барча лашкар бошлиқлари ва баҳодирлар очиқ майдонда синалиб, сўнгра уларга тегишли унвон ва мансаблар берилади. Бир оз ўйланиб турган хон мийиғида кулиб, бош ирғаганча маъқул ишорасини қилди.

Эртаси куни эрталабданок хон чодирини ўнгида кураш бошланди. Халойиқ эсини таниб бундай ажойиб томошани кўрмаган эди. Кураш уч кун давом этди. Ҳар куни

ўн беш-йигирма нафар майдонталаб ёшдаги йигитлар Темур билан олишувга чиқдилар. Ёш барлос бекзода-си рақибларининг истаган кураш усулларида майдонга тушди. Белма-бел, белбоғли кураш, ит олиш ва тортишув. Курашнинг ҳеч бир турида ҳеч бир киши унга бас кела олмади. Томошабинларнинг ақли шошган эди. У ўттиз беш ёшли номдор паҳлавон Бозор Ботирни чирпирак қилиб улоқтирганида йиғилганлар ҳайратдан ёқа ушладилар.

– Бу одам эмас, айиқнинг амакиси! – дея кураш майдонини ҳазил-мутойиба билан тарк этди номдор курашчи. Шу-шу у қайтиб майдонга тушмади.

У яқинлашган рақибини сапчадек узиб отар эди. Тортишув баҳсида эса рақиб Темурнинг кўлидаги куролини тортиб олиши керак эди. Бироқ ҳеч ким унинг кўлидаги исфаҳони қилич ёки самарқандий найзасини тортиб ололмади.

Бу мароқли мусобақадан ҳузур қилган Баёнқулихон томоша сўнгида Темурбекни ҳузурига чорлади.

– Илму амалингиздан бағоят мутаассир ўлдим, жигарим Темурбек! Биз кутгандан ҳам кўпроқ ва яхшироқ қобилият соҳиби бўлибсиз! Мамнунман! Айтинг, не мансабни истайдурсиз! Талаб этган мансабингизга айни замон фармони олий бергум!

Хоннинг сўзлари ва аҳди самимий эди. У қарийб йигирма йиллик хонлиги давомида бундай ёш ва кучкуватли навқарни кўрмаган эди.

Баёнқулихон мўғулларнинг турклашган кўнғирот уруғидан бўлиб, она авлодлари форс қавмидан эди. Унинг пешана ва кўзларида мўғул, оғиз ҳамда бурун кўринишида эроний қиёфа белгилари зохир эди. Кенг елкаларига ташланган шоҳона бухороча тўн ва серка терисига зарҳал билан ишлов бериб тикилган амиронна этиги уни янада салобатли қилиб кўрсатар эди. Бо-

шидаги зарбоф салланинг олд томонга шоҳлик белгиси ўлароқ қадалган товус патларидан қилинган ранго-ранг тож эпкинда тебранарди

– Қуллуқ расани бўйнимдадир, ҳазрати олийлари! Мансаб тақозосини ҳеч бир замон қилмасмен! Ижозат ва рағбатингиз ила яна бир муддат ўз кўникма ҳамда машқларимни мустаҳкамлаб, такомилга етказайин! Сиз улуғ хон ҳазратларининг бул қадар эътибор ва эҳтиромингиз мен учун ҳар қандай мансабдан юксакдур! Арз этаман!

Хон унинг сўзларини тинглаганча, сохт-сумбатига тикилиб, қотиб қолди.

– Балли! Балли, ўғлим! Мен сизни ўз фарзанди аржумандим каби кўрурмен! Зеро, салтанатнинг шавкати сиз каби баҳодирлар ила оёқдадур! Тарағай Баҳодир ўғли Темурбекка ўн олти минг олтин инъом қилинсун! Бул кишининг ҳар қандай талаблари қондирилсун!

Баёнқулихон ҳаётида ҳеч кимга бунча миқдорда олтин ҳадя этмаган эди. Ҳазинабондан олтинларни қабул қилиб олган Темур уни оти устидаги хуржунга солиб, самани жиловидан етаклаганча Атабек бобони қидирар эди. Кутилмаганида кекса барлос беги отаси билан ниманингдир маслаҳатини қилиб, шаҳар дарвозаси олдида туришарди. Ўн олти минг олтиннинг овозаси ҳар тарафга тарқалган эди.

– Ушбу олтинни не қилмоқликни сиздан сўрамоқ учун келаётган эдим, – деди у отасига хижолатдан қизариб.

– Сиз, азамат ўғлим, мени эмас, муҳтарам бобонгизни қидириб келган эдингиз. Гапнинг тўғриси айтаверинг, мен хафа бўлмайман. Бек бободан олган юз қўйингизни ҳақини қайтариб бермоқчи эдингиз. Жуда яхши қиласиз. Ҳақиқий ўғилнинг иши бу – қарзни қайтармоқ. Қолган олтинингизни нима қилмоғингиз

Ўзингизга ҳавола. Бу ўз пешана терингиз билан ишлаб топган молингиз, деди отаси Темурнинг ҳаракатидан мамнун бўлиб.

Атабек оқсоқол индамай ота-боланинг суҳбатига кулоқ солиб турар эди.

– Мен Темурбекка нима берсам, ҳеч қачон қарзга деб бермаганман! – Топган-тутганим Темур бошчилигидаги уч ўғлим ва элимники. Мен у дунёга ўн минг қўйни орқалаб кетар эдимми? – деди юз қўй сири очилганидан кулар экан. – Бу отангдан ҳеч нимани яшириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам у барлосларнинг амири этиб сайланган-да. Мансаб пиллапоясининг юқорисида турган одам қуйидаги воқеаларни бошқалардан яхши кўради. Алҳамдулиллоҳ! Мансаб эгалари илҳом эгаларидир!

Темур икки хурматли одам орасида не деяри-ни билмай каловланиб қолган эди. Вазиятни янада юмшатмоққа ният қилган бек сўзида давом этди:

– Майли, авлодим Темурбек! Мен сиздан юз қўйнинг пулини оламан-да, унга яна қўй сотиб олиб, сурувга қўшиб қўяман. Никоҳ тўйингизга қадар мингта бўлади бу қўйлар. Истаган пайтингизда келиб, эҳтиёжингиз учун сотиб ишлатаверасиз, – деди бек Темурни тезроқ хижолатдан қутқармоқ учун.

– Ташаккур, бек бобо! – деди Темур хурсанд бўлиб. – Агар сизлар руҳсат берсангиз, қолган пулни тўпланган одамларга эҳсон сифатида тарқатсам! Шунча инсонларнинг нигоҳлари остида бунча олтинни уйга олиб кетолмайман! – деди у бир отасига, бир бекка қараб.

– Падари бузрукворингиз, амир ҳазратлари не десалар шу бўлғай. Биз ҳам катта бошимиз билан ёш бўлсалар-да, отангиздан сўраб ҳар бир ишга қўл урамиз, – деди Атабек оқсоқол маслаҳатомуз оҳангда амирга қараб.



– Мен розимен! – деди ўйлаб ўтирмасдан Тарағайбек.  
– Ғоят савоб иш. Олтин олма, дуо ол деганлари шу бўлади аслида, – ўғлининг фикрини маъқуллади амир:

Темурнинг ўзи берган олтинни халққа тарқатганлигини эшитган Баёнқулихон яна ҳайратга тушди.

– Бунинг хатти-ҳаракати, гап-сўзлари оддий одамларниқига ўхшамайди, – деди ҳайронлигини яширмай.  
– Миллат мана шундай мардларнинг орқасидан эргашади.

Бир ҳафта ичида Шаҳрисабздан чиққан Темурбек баҳодирнинг овозаси Турон замин, сўнгра Эрон заминга ёйилди. Секин-аста бу воқеа ва ҳодисалар афсона ҳамда ривоятларга айлана бошлади.

Қўшин зўр бериб савашга ҳозирланар, юртларидан чиққан янги баҳодир ҳақидаги хушxabар кешликлар руҳини кўтариб юборганди. Тажрибали, кўпни кўрган Баёнқулихон лашкарига ҳам айёр ва зарарли душман ила курашмоқ олдидан шу руҳ керак эди.

Ражаб ойининг ўн бешинчиси, сешанба куни хон қўмондонлигидаги Бухоро қўшини малоҳидалар устига қараб юрди. Салла ўраб, оқ кийимларини кийган малоҳидалар қора отли Носирга эргашиб, ўша чинор атрофида жанг ҳозирлигини кўра бошлаган эдилар. Носирнинг кўрсатмаси билан тўрт тарафга тўртта байроқ тикдилар.

– Жаброил манга жанг аҳволидан хабар берур! – деди бир ёғлиғ<sup>5</sup>ни бошига қўйган Носир.

Хоннинг ўнг тарафида йиғилишган уламолар исломнинг яшил байроғини кўтарганча, хатми Қуръон қилиб, Расулуллоҳ алайҳиссаломга бағишлардилар.

Нихоят, Бухоро қўшини малоҳидалар қаршисида пайдо бўлди. Орқадан келган Амир Жақунинг турк қўшини

<sup>5</sup> Ошхона анжомлари солинган идиш

Чингизхон расми одатига кўра сафландилар. Амир Жаку оқ байроқни кўтариб олганди. Хон лашкарида жами ўн саккиз туғ байроқ бўлиб, Тарағай Баҳодирники қизил эди. Хон фармони билан Амир Тарағай Баҳодир қўшин кўрхонасига бошлиқ этиб тайинланганди. Ҳаётидаги илк жангга кираётган Темур ҳаяжонланар, оти ва қурол-яроғларини қайта-қайта кўздан кечириб, яшил кийимда отасининг жанг кўрган қора отини миниб олганди.

Навкар учун отни савашга ўргатиш, ўз-ўзини етук жангчи қилиб етиштирмак каби оғир иш эди. Темурнинг самани улоқ, пойга ва кўрикларнинг султони эди! Одатда қонли урушлар учун оқ, саман-отлардан кам фойдаланиларди. Қон кечиб юрган отлар асосан қора, тўрик, яъни қуюқ рангли отлар орасидан танланар эди.

Тепалиқда турган хон амир ва лашкар бошлиқларига охиригача пухта ўйланмаган кўрсатмалар берар ва сўнг-ра бу топшириқларини назорат этмас эди.

– Бухоро қўшинининг жангга тайёргарлиги ва уни савашга сафарбар этмоқ менга маъқул келмаётир! – деди Темурбек дўсти Сайфиддинга. – Бу аҳволда даҳрийлардан ўн чандон кўп қўшин шармандаю шармисор бўлади. Ўзларининг обрўси тўкилса майли эди. Бу қўшин дини ислом, Расули барҳақ дея майдонга тушмоқда. Бу муҳорабада унинг ютқазишга ҳаққи йўқ. Бу мағлубият диндан оғувчиларга ақл бовар қилмас маънавий устунлик соғлайди. Улар «мана, сон-саноксиз бўлса-да. Оллоҳ бугун ғанимларни эмас, бизни қўллаб-қувватлади, кўлимизни устун қилди, ҳақлигимиз учун озчилик бўлсак-да, ғалаба ато этди», дея жар соладилар. Шундан кўнглим безовта.

– Сен билан менинг кўлимдан нима келарди. Юз-боши ёки мингбоши бўлсак бошқа гап эди. Бир оддий аскар каби саваша билурмиз, – деди Сайфиддин дўстининг фикрини маъқуллаб.

– Мен хон ҳазратлари ҳузурига бориб, бу хусусда сўзлайман. Ризо бўлсалар, ҳар қандай оғир вазифани зиммамга оламан.

– Ҳеч қандай вазифани сенга беришмайди. Хон ҳам бу ерга ўша ялангоёқ динсизларни енгиб, ғозий бўлман деган умидда келган. Бу шухратни у ҳеч ким билан бўлишмоқчи эмас. Хатти-ҳаракатидан сезмаётибсанми? Усиз ҳам сен бир неча кундан бери қахрамонсан. Подшолар номдор ва машҳур кишиларни суймайдилар. Одатдаги мақтов ва мукофотларни эса расмият учун, хўжакўрсинга қиладилар. Улар узоқроқдан меҳри билан илтиб, яқиндан ёндириб юборадилар.

– Виждоним ва эл олдидаги бурчим учун бир карра бориб фикримни хонга айтаман. Сен сўзларимга гувоҳ бўлиб эшитиб турасан. Бу шармандалик қаердан келиб чиққанини халойиқ эртага билмоғи лозим! – деди Темурбек қатъий оҳангда. – Қолаверса, ўзлари не мансаб истайсан дея сўраган ҳам эдилар.

– Ўзинг биласан!

– Кетдик! Юр ортимдан!

Темур қора байирни енгил чоптирганча қўшиннинг ўртасида турган хон ҳузурига етиб келди. Сайфиддин ҳақ эди. Баёнқулихон унга «яна сенми» дегандек ёқинқирамай қаради. Зийрак Темур унинг бу қилиғини сезмасликка олиб, худди илгаригидек отдан тушиб, таъзим ила сўз қотди.

– Хон ҳазратлари, бир қошиқ қонимдан кечинг! Қўшин ичида парокандалик бор. Уюшиб ҳаракат қилмоқ учун бу ҳолат панд берур. Рухсат этсангиз мен чоқарбоши вазифасини бажариб, илгимдан келган ишларни бажарсам. Ҳатто бир қанча навкарлар Носир Хусравдай пайғамбарсифат кишига қарши курашиб бўладими дея иккиланмоқдалар. Бу ҳолда савашга киришмоқ кўп хатарлидир.

– Шул атрофда юра тур, лозим эрса чакирурмен, – деди хон совуқроқ оҳангда.

Темур қайтиб оғиз очмади. Ортига тисарилганча отини ушлаб турган Сайфиддин олдига келди. Иккиси яна от қўйганча, ўша тепаликка чиқишди.

Ниҳоят Бухоро қўшини билан Носирнинг фидойилари қарама-қарши келдилар.

Шу пайт кутилмаганда Баёнқулихон байроғи узокдан отилган ўқдан учиб кетди ва хон ҳам қўрқувдан мункиб йиқилди. Қўшин ичида саросималик бошланди.

Даҳрийлар ичида Откин отғувчи исмли мерган бор эди. У сўқир эди. Бироқ мўлжални хатосиз урар, ўқчилар унга ўқ етказиб улгурмас эдилар.

Тезда Тарағай Баҳодир ўз байроғини хон байроғи ўрнига тикиб қўйди. Мерган бир оздан сўнг бу байроқни ҳам йиқитди. Саваш бошланиб кетган эди. Ҳар икки тарафдан кишилар ўла бошлади. Қўшин талафоти кўпроқ эди. Амир Боязид Жалойир қўшинидан юз нафардан ортиқ киши шаҳид бўлди. Амир Боязидга ҳам ўқ теккан эди. Уни ярадор ҳолида жанг майдонидан олиб чиқдилар. Хонни ҳам хавфсизроқ жойга олдилар. Темурбек Сайфуддин билан хон турган жой томон ташланган даҳрийлар йўлини тўсди. Унинг кийим-кечаги қонга бўялган эди. Темур қиличидан жон берган даҳрийлар ичида Носирнинг ўғли Маҳмуд ҳам бор эди.

Даҳрийларнинг жазаваси тутиб, Бухоро қўшинига қараганда фаолроқ кураша бошладилар. Темур яна хон олдига келди.

– Откин отғувчини бир ёқлик қилмасак, ишнинг белига тепаверади! – деди у хонга яқин келиб жиддий оҳанг ва баланд овозда.

Темурнинг сўзини эшитиб турган Жудин Баҳодир исмли йигит бу ишни бўйнига олиб жўнади-ю, бироқ

натижасиз қайтди. Икки юз кишилик йигити билан Ёдгоршоҳ Арлот ҳам бу ишни уддалай олмади.

Бу ҳолатни кўрган Темурбек хондан фотиҳа сўради.

– Қандай сенга фотиҳа бергайман! Отанг доғингга қолмасун! – хон шундай дея амир Тарағай Баҳодирга қаради.

– Ўғлимга ризолик йўқ, хон ҳазратлари! – деди Тарағай Баҳодир. – Қанчалик баҳодирликка иштиёқи бўлмасин, у ҳали ёш!

– Отангнинг сўзини эшитдинг! Шошма, ҳали бу каби жангларнинг кўпини кўрасан! – деди хон терлаётган пешанаси, бўйини дастрўмол билан артаркан.

– Сиздан ўтиниб сўрайман, хон ҳазратлари! Отамга айтинг, Сиз айтсангиз йўқ демайдилар! – деди Темур куйиниб.

Шу пайт навбатдаги байроқ йиқилди ва хоннинг икки мулозими ўқдан ҳалок бўлди.

– Ризомен! Жўна тез! – деди Баёнқулихон фиғони фалакка чиқиб, ўғлининг кетидан саросимали термилиб турган Тарағай Баҳодирга қарамай. Дўппи тор келган, сену мен қилиб ўтиришга имкон йўқ эди.

Темур ўтовлардан бирига кириб, даҳрийларнинг оқ кийимини кийди, бошига салла ўради. Кўшиндан чиқиб, душман сафларига суқилди. Улар орасига кираркан, ўз тарафидагилардан бир-иккисига қилич сермади. Ўғлининг нима қилмоқчи эканлигига ақли етмаган амир Тарағай Баҳодир жон ҳолатда йигитлари билан унинг ортидан от қўйди.

Темур Откин мерганга ўқ етказиб турувчилар орасига кириб, бир амаллаб унинг ёнига етиб олди. Узун ридо ичидаги қиличи билан дастлаб мерган олдидаги икки ўқчининг, сўнгра эса мерганнинг бўйнига қилич солди. Худди шу дақиқада амир Тарағай Баҳодирнинг беш минглик отлиқ қўшини Темурбек турган ерга ёриб кир-

ган эди. Боши узилган Откиннинг соқолидан ушлаганча хон ўтови томон юрди. Йўл-йўлакай унга икки нафар малоҳида ташланишга журъат этди. Темур уларнинг иккисини ҳам ўлдирмади. Қўлларига уриб, қиличларини ташлатди.

Бу воқеадан кейин уруш янада даҳшатлироқ тус олди. Носир Хусрав кўрдик, қурол-яроғ ва аскар кучи ила ғолиб кела олмайди. Кўп ўтмай унинг жарчилари куйидаги сўзларни айтиб бақира бошладилар.

– Эй лашкари Чиғатой! Сизнинг орангизда мухтарам амир Тегиндан киши ва кўшин йўқдур! Бунинг сабабини биласизми? Амир Тегин бизга кўшилди! Унинг кўмаги ила Носир сизни давлатга етказгусидур! Эс-ҳушингиз жойидалигида ақл ила иш кўриб, молу жонингизни сақлаб қолинг!

Бу хийла биринчи галда амир Тегиннинг қардоши Чиноқ Баҳодирга таъсир қилди. У Салжут лашкари билан Чиғатой кўшинида эди. У кутилмаганда лашкари билан Бухоро кўшинига қарши ҳужум бошлади. Ўз навбатида кўшин даҳшат ила хоинларга ташланди. Малоҳидалар бу урушни завқ билан томоша қилмоқда эдилар. Темур бу ҳолатдан беҳабар жанг ичида юрарди. Амир Жаку хон отининг жиловидан тутиб, Бухоро кўшини томон йўналтирди. Кўшин тарқалган эди. Тарағай Баҳодир ўғлини топиб, отига миндирди. Хар иккиси сукутда эди. Малоҳидалар чумолидек ўлганларнинг қурол-аслаҳаси, мол-мулкига ташланишди.

Аҳли Бухоро бу ҳолатдан чексиз ғамга ботди. Темурбек ўзига энг катта душман эканлигини пайқаган Носир Хусрав ота-болани ўз тарафига оғдириш учун қаттиқ курашди. Бироқ бунинг иложи йўқ эди. Темур бу ислом ғанимларини супуриб ташламоқ учун мужоҳидлик саваши бошлаган эди. Унинг ёнида бирга ўқиб, униб ўсаёт-

ган дўстлари Идику Темур, Аббосбек, Муайяд, Худойдод ва Сайфиддинлар бор эди.

Носирнинг ўнг қўли Замонбек Музаффариддин ясама пайгамбарининг бошини танасидан жудо этиб, амир Муҳаммад Тарағайнинг оёғига ташлади.

Мавлоно Бурҳониддин, Соҳиб Ҳидоят ва Темурнинг бул кураши ғайридинларни Турон ерида батамом йўқ этмоқ ила тугади. Бу қавмдан бир хотингина қочиб-қутулди. Дини исломга зиён етказувчи қавм шу хотин авлодидур, деган нақл ҳали ҳамон халқ орасида юради.

Тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

#### IV

*Ёмондан яхши бўлди деб суюнма,  
Яхшидан ёмон бўлди деб куюнма.*

*Халқ сўзи*

Кешнинг кўчаларида болалар ғизиллашиб халойиқни маъракага чақиришарди.

– Бою камбағал, шоҳу гадо баробар Амир Тарағай Барлосникига тўйга-ў-ў! Амир жаноблари элга ош берадилар!

Болалар бир-бирлари билан баҳслашиб қувишганча шу сўзни такрорлаб, афт-ангорлари чангга беланиб, Кеш кўчаларида изғирдилар.

Амир кўрғони томон йўл олган кишилар, ҳамшаҳарлари ўғлини уйлантираётган бўлса керак дея тахмин қилган эдилар. Отлиғу пиёда, эшағу хачир минганлар эски барлос бегининг кўрғони сари дарёдек оқиб келишарди. Кўрғоннинг кун ботиш томонидаги сайхонликда ўчоқлар қазилиб, дошқозонлар осилган, этакдаги сой бўйида қўй, эчки ва бўрдоқи хўкизлар сўйилмоқда эди.

Тўй оғаси Атабек оқсоқол икки қўлини орқага қилганча гоҳ қассоблар қошига бориб кўрсатма берар, гоҳ ошпазлар олдига келиб иш буюрарди.

– Мен сенга қўйни сўйгандан кейин этнинг қони қотиб совиши учун камида бир намоз ораси муддатича осиб қўйгин дегандим. Нега ўпкангни қўлтиқлайсан? Нима, орқангдан биров қуваяптими? – ошчилардан бирига танбеҳ берар эди у астойдил. – Қўйни сўйибоқ қозонга солсанг, оқшўрва бўлиб қолади. Одамлар уни пес шўрва дейдилар. Кап-катта одамсан, боланинг ишини қиласан! Этнинг бир кунлигини, экмакнинг икки кунлигини егин деб бежизга айтмаганлар, ахир! Аслида



хар иккисининг ҳам икки кунлигини еган маъкул. Ҳа де, барака топгур, байтал чопгур!

Меҳмонлар ариқ бўйига, дарахтлар тагига тўшалган кигиз, олачуқ ва пўстакларда ўтиришарди, суфраларда шароб ва чоғир косаси айланар, ўткирроқ ичкиларга майли йўқлар бўза, қимиз, қимрон ва айрон ичарди.

Тўйга келганлар хабар топдиларки – эски турк одати бўйича амирлашкар отанинг навкарларини ўз ворисига топшириш маъракаси экан.

Тарағай Барлоснинг ўғли Темур ўн етти ёшда, бироқ у ўттиз ёшли навкар каби барваста ва шижоатли эди. Унинг қилган иши ва улус орасидаги нуфузи ҳам лашкарбошилиқни қабул қила олиш мақомига мос келарди. У меҳмонлар оқиб келаётган қўрғон дарвозаси олдида қўл қовуштириб турар, мусофирлар довуғи таралган баҳодир йигитга умид ва ҳавас кўзи ила боқардилар.

Халойиқ еб-ичиб бўлганидан сўнг имом Қуръон тиловат қилди. Келганлар амирга ва унинг азамат наслига, авлод-аждодларига эсон-омонлик, бағри бутунлик ва тўрт кўз тугаллик тиладилар.

Шундан сўнг Амир Тарағай уйга кириб, эски бир қилични олиб чиқди. Қилич қинининг ранги ўчиб кетган, соф маъдандан эди. Амир уни қинидан чиқариб бир ҳаволатиб жойига солди-да, қуйидаги сўзларни айтди:

– Аҳли мўъмин, муборак қадамларингиз ила остонамизни қутлуғ этдингиз. Бошимиз кўкда. Халқимизда ҳар етти кўноқнинг бири хизрдир деган нақл бор. Ҳар иш авлоддан авлодга, отадан болага ўтгусидир. Мен қариб қартайганим йўқ! Худога шукр, бундан бир неча ой бурун ҳам дини ислом ҳимоясида қўлимда қилич, остимда от, жангда эдим! Ўғлим, кўриб билганингиз амирзода Темур Муҳаммад Тарағай Баҳодир ўғли энди бул ишларни мендан-да яхшироқ бажаргайдир. Шундай экан, бор навкарларимни, мол-мулкимни унга топ-

шираман ва бу кундан бошлаб мен унинг оддий бир навкариман. Ўғлимнинг эл-юртига садоқат ила хизмат кўрсатишига ҳар тонг қуёш чиқиши муқаррарлиги каби ишонаман! Энди унинг белига боболаримиз Туркхон ва Қобулхондан қолган муқаддас қилични тақиб, ўз тулпоримга миндиришга ижозат бергайсиз!..

Жўра Ойбек буюк хоқон Чингизхон минган отлар авлодидан тарқалган Темурбек яхши кўрадиган олайўрғанинг отаси самантўриқни олиб келди. Амир Тарағай бир вақтлар кечаси икки марта уйғониб, унга қараб келарди. Бу айғирнинг аждодлари Қултегин хоқонга хизмат қилган дейишарди. Одамлар шудақиқада жониворнинг кўзидан милтираб ёш оқаётганини кўрдилар. Ҳамма мутаассир бўлди. Темурбек отда кўноқ тўдаларини айланиб, таъзим-ла ташаккур билдирди.

Даврани айланар экан, энг аввало ота қадрдонлари бўлмиш уруғ бошлиқларига, турк амирларига эҳтиром кўрсатди. Олайўрғани етаклаганича самимият ила ўтоғалар ила кўришар, тенгқурларини бағрига босар эди. Хаёли тубида эса бир фикр ғужғон ўйнар, уни безовта қиларди. Отаси нону туз, қиличу бўза бериб ўтирган бу одамлардан қай бирининг авлоди улусни бирлаштирмоқ учун унинг ёнига киради?

Елдек сарсари бу саҳройи қавмлар кўнглини олмасанг, ортингдан эргашмайди. Ёки сендан ҳайиқмоқлари лозим. Бунинг учун уларга ўз кучингни кўрсатмоғинг керак. Қони бузўқ амирдан таги тоза чўпон афзал дер эди унга чавандоз Жўра Ойбек. Олам тасодифларга тўла. Бахт ҳам сочи пахмоқ билан думи тўқмоқнинг бошига қўнаркан. Инсонларга бу дунёда ҳақиқат бор эканлигини исботлаб, улар қалбида бу туйғу ғалабасига ишонч-ни уйғотмоқ керак. Ҳақдан, ҳақиқатдан юз ўгирган улус бора-бора динсиз, иймонсиз, юртсиз, ўзлигини унутган бир бедана тўдасига айланади.

Темурбек қайтиб келиб, тиз чўкканча отасининг қўлини ўпди, тиззасига бош қўйди. Сал нарироқдаги сарик ўтов эшигида эса онаси Тақина Бегим эгачиси Қутлуғ Туркон оға ва ўғай онаси Қадоқ Хотун ва бошқа хотун-халажлар хон иштирокида ўтказилган курашдан сўнг номи тилга тушган Темурбекнинг хатти-ҳаракатларини меҳр ва ҳавас билан кузатишар, бахмал қатланган курсида ўтирган Тақина бегим қувончдан кўз ёшларини тия олмас эди.

– Болагинамни Сен ёлғиз Оллоҳга топширдим! Бизнинг Сендан бўлак ҳимоячимиз йўқ! Раҳм-шафқатинг, меҳр-мурувватингни дариг тутма! – дея пичирларди она.

Кейинги икки йилда Темурга устозлик қилаётган Абдуллоҳ Қутб ёш лашкарбошига оқ фотиҳа бергач, Ҳожи Барлос истаган киши қолиб истироҳат эта билиши, бунинг учун ўтовлар ва қўноқ емаклари ҳозирлигини эълон қилди. Меҳмонларнинг бир қисми тарқалди, Темурбекнинг тенгдошлари сой бўйига, тепаликларга, бир-биридан узоқроқ қилиб қурилган ўтовлар томон, айримлар эса қишлоқдошлар меҳмонхоналарига қараб юрдилар. Чарчаган амир Тарағай Баҳодир истироҳат этмоқ учун уйга кирди. Темурбек отаси ўрнига қўноқлар ила машғул бўлди.

Бахшилар ўтирган тепаликда эса ўйин-кулги авжида эди. Ўткун Тегин Бахши шогирдлари билан хизмат қиларди. Машшоқлар йигитлар билан бешқарсақ рақсига тушиб, қўшиқ айтишарди:

Ундан бордим беш-бешга,  
Ёр-ёр ёрон-е!  
Сигир олдим ўн бешга.  
Ёр-ёр ёрон-е!  
Сигирнинг ўзи биздан,

Ёр-ёр ёрон-е!  
Суту қаймоғи сиздан,  
Ёр-ёр ёрон-е!

Шогирдларини кузатиб турган Ўткун Бахши ота-бо-болари куйлаб келган қадимий халқ кўшиғини бошлади. Кўбизи кўлида ўйнар, юксак пардаларда куйларди:

От ўрнини той босар-ов.  
Той босар!  
Эрксиз элни ёв босар-ов,  
Ёв босар!  
Ёвлар беор бўлурлар-ов,  
Бўлурлар!  
Тойлар тулпор бўлурлар-ей,  
Бўлурлар!  
Эр йигитлар уйсалар-ей, уйсалар,  
Ёвлар бедор бўлурлар-ей  
Бўлурлар!  
Бир-бирини суймасалар,  
Элати хор бўлурлар-ей. .  
Элати хор бўлурлар!  
Эл бўлар юрт ўғлонлари,  
Бир-бирини дейди-ё, дейди.  
Эл бўмас юрт болалари  
Бир-бирини ейди-ё, ейди.  
Парча-парча эна Турон,  
Бу кун йиғлаб тuroдур.  
Бирлик деган илоҳ нури,  
Қачон юзин буродур.  
Турк отамнинг улуғ руҳи,  
Бу кун учиб юродур.  
Турон юртин арслонлари,  
Бу кун базм қуродур.

Турк оғай бек авлодлари,  
Туркум бошин қўшодур.  
Алптегинлар келар қайтиб,  
Хур турк қони жўшодир.  
От ўрнини той босар-ей, той босар,  
Эрксиз элни ёв босар-ей, ёв босар!

Маъракадан икки кун кейин амир ўғли билан отда яйлов айланди. Сўнгра отларини себаргага ўтлашга қўйиб, пиёда кездилар. Эртаси куни эса ота-боболарининг сўнг макони саййидлар қабристонига бордилар. Кираверишдаги масжидда икки ракатдан намоз ўқидилар.

Кейин эса амир ўғлини қабристон томон бошлади. Ўғлига айтар сўзлари бор эди бекнинг. Ниҳоят, эски бир қабрининг бошига бориб тўхтаган ота ўғлига юзланди.

– Улус, юрт ва эътиқодимиз йўлида ота-боболаримиз не-не азоб-уқубатларга дучор бўлмадилар. Кечмиш авлодларимиз ҳеч бир замон Оллоҳнинг ягоналигини унутмадилар! Бизнинг авлодда исломни илк қабул қилган ва бу йўлда заҳмат чеккан инсон, Оллоҳ раҳмат этган бўлсин, Қорачор Нўйондир! Чиғатойхонга қуёв бўлганлари учун Гурагон деб атаганлар ул буюк бобомизни. Чиғатойхон зулмларини кесган, ёввойи мўғул қавмларининг минг бир номаъқулчиликлардан тийиб, дини исломга киритган, ҳар замон оддий, қўли калта фуқаронинг тарафида турган инсон мана шу Қорачор Нўйон бўлган. Қабрлари мана бу. Буни ҳеч бир замон унутма. Боболарингни унутсанг, сени болаларинг унутади. Бу улуғ зотнинг атрофидаги марҳумларнинг барчаси бизнинг аجدодларимиздир. Ҳаммалари мусулмон кишилардир. Сен ҳам шулардек самимият ила дини мубини Исломга боғлиқ бўлишинг керак. Ислом дини дунё ва охиратни назарда тутган диндур. Пайғамбаримизга умматликни бажо этмоқ учун суннатларини бажармоққа

интил. Уламои киромларни ҳурмат қилғил. Оқил ва донишманд кишилар суҳбатида бўлғил! Қўлингдан келса масжиду мадрасалар бино этғил ва буларга вақф чиқарғил! Бу дунёнинг зоҳирий жилвасиға алданма! Алдансанг, зар деб қувонганинг заҳар бўлиб чиқади!..

Амирнинг овози бўғриқиб, бўғзига тиқилиб қолгандай бўлди. Кўзларини оҳиста юмиб, чуқур бир нафас олди-да, сўзини мухтасар қилди.

– Сенга айтар яна бир муҳим сўзим шулким, ҳеч замон унутмаким, бу ўлка Турон юртидир. Турк улусининг она ватанидир! Турон қавми дунёнинг ҳар ерида бор. Бироқ бу замин уларнинг она бешигидир. Бу миллатнинг давлатини ва шарафини сақлаш учун қўлингдан неки иш келса бажарурсан. Оғир, машаққатли ишлар учун эрса, куч тўплаб курашгайсан. Туркистон миллати бизнинг авлодимизни севади. Бу меҳрга доғ тушса, билгинки, мен қабримда тинч ётолмайман!..

Амир сўзини тугатиб, оғир тин олди. Бир муддат ҳеч кимдан садо чикмади. Анчадан сўнг, у Куръон тиловатига киришди. Ўзи ўқиб бўлгач, Темурга сен ҳам тиловат қил дея ишора этди.

Ота-ўғил гап-сўзсиз, сокин ва ғамгин ортга қайтдилар. Уйлари этагидаги сойга етганларида амир чарчади чоғи кўм-кўк бўзаламга оғир чўкди. Темур ҳам отасининг орқароғида чордона қуриб ўлтирди. Назарида, отаси унга яна бир муҳим гапни айтмоқчидек эди. Томоқларини бот-бот қириб қўйиб, қай оҳангда сўзламоқни мушоҳада этаётгандек туюлди унга.

– Эсимни танибманки, шу сой оқади. Не-не авлодларни кўр-миш бу сувлар. Биздан сўнг ҳам гўёки оламда ҳеч нима бўлмагандай гоҳ шарқираб, гоҳ сокин оқаверади. Бизнинг умримиз эса бир тутамдир, – деди амир оғир тин олиб. – Азиз ва ягона ўғлим Темурбек, сизнинг олдингизда яна бир қарзим борки, шуни бажарсам, сўнгра

оёғимни узатиб, бу дунёдан кетишим мумкин, – деди ниҳоят.

Темурбек гап не хусусда кетаётганини англади. Бошини эгганча отасини тинглаб, жим ўтираверди.

– Ўн еттини қоралаган бўлсангиз-да, Худога шукр, бир алпқомат йигитнинг сийратига соҳибсиз. Қаддиқоматингизнинг етуклиги, уруғ-аймоғимизнинг таглитугли эканлигидан далолат берур. Уйланишингиз лозим деб ўйлайман. Ҳар ишнинг эртаси афзал. Ўттиз бешга кирган йигитнинг йигирма ёшли ўғли бўлсин дейдилар.

Темурбек отасидан бу гапни кутган бўлса-да, шошиб қолди. Дафъатан тилига калима келмади. Анчадан сўнг пешана ва бўйин терларини артиб, лабини жуфтлади.

– Ташаккур, отажон! Ҳар қадамда сизнинг чексиз меҳр-муҳаббатингизни туйиб яшайман. Мен сиз ила муниса онамга хизмат этмоқни буюк саодат деб биламен. Иншооллоҳ, Яратган йўл берса сизнинг дуои фотиҳангиз ила бошимиз икки бўлар. Маълумингизким, ҳарб илмида ҳали малакам мукамал эмас.

Ҳали ўз устимда кўп ишламоғим лозим.

Амир ўғлининг маъноли сўзларидан таъсирланиб, сукутда қолди. Бироқ чекинмоқчи эмас эди.

– Эр киши йигитликнинг аввалида уйланса, фарзандлари тез етишади, – деди бошқа бир сўз топа олмаган ота.

– Сиздан менга яна икки йил фурсат беришингизни сўрайман. Сўнгра сиз не десангиз розиман, – дея жавоб қилди Темур отасига.

Амир индамади. Сукут ризолик аломати эди: Улар ўрниларидан туриб, уй томон юрдилар. Амир ўғлига бошқа сўз қотмай истироҳат хонасига кириб кетди.

Даҳлизда ота-болани Такина Бегим юрагини ҳовучлаганча интизорлик билан кутарди. Ота уйга ки-

риши билан хоним беги ортидан кирди-да чопонини олди, кўлига сув тутди.

– Отангизнинг сўзларига кўнмадингизми, айланай жоним кўзим? – сўради Такина хоним ҳовлига чиқиб ўғлидан. – Хўп десангиз бўлармиди...

– Отам тоза қалбли инсондирлар. Мени тушунадилар. Сиз ҳам мени ҳар сонияда тушуна билурсиз, энажон, – жавоб қилди ўғил.

– Буюринг, не истайсиз? Мева ёки емак-келтирайми? – сўради Такина бегим бу илиқ сўзлардан меҳри товлаиб.

– Ташаккур! Сиз менга хизмат буюринг. Сиз-да истироҳат этинг. Биласиз, мен асл боболаримиз каби от устида ухлаб, таом еб, яшашга ўрганмоқдамен. Токим ниятимга етмас эканмен, хотиржамлик ила ўтириб, бемалол емак емоқ менга татимайди.

У шундай деб тиз чўкканча онасининг тиззасига пешанасини қўйиб, қўлларини ўпди, юз-кўзларига суртди.

Такина Бегимнинг юраги ийиб, кўзларига ёш қалқди. Темурбек ўрнидан туриб энасини бағрига босди.

У худди шу дақиқани узоқ, ҳаётининг сўнгги сонияларигача унута олмади. Худди шу дақиқадаги туйғуларини, онаизорининг юрак уришини, гўдак каби кўз ёши тўкишини ўғил ва набираларига сўзлаб берар, ўзи ҳам кўз ёшларини тия олмас эди.

У шундан сўнг онаси ила бу қадар яқин ва юракдан суҳбатлаша, дийдорлаша олмади.

Такина Бегим суюкли ўғлининг тўйига бир неча ой қолганда ўзи кутган қувончли кунни кўролмай, бу дунёдан армонда кўз юмди...



*Инжисанг-да, инжитма!*  
**Ҳожи БЕКТОШ ВАЛИ**

Темурбекнинг бўйнидаги масъулият ортган, ота хўжалигини юритиш, сурувларни яйловдан яйловга ҳайдатиш, қишлик ва ёзлик ер танлаш каби ишлар билан энди ўзи шуғулланиши керак эди.

Амир аста-секин лашкарнинг емак-ичмаги, машку машғулоти ташвишини ҳам ўғли зиммасига юклай бошлаган эди.

– Дехқончиликни, чорвани ва бозорни ҳеч кимга ишониб топшириб бўлмайди, бўтам. Ҳар қандай яқининг ҳам бу ишларни кўнглингдагидек бажара олмайди ва бир бурда нон берсанг, битта нон бериши керак дея умид қилади. Шу боис бу ишларни одамларга топширу бошида ўзинг тур, – дер эди Тарағай Баҳодир ўғлига.

Ота навкарларини боқиш, уларни лозим ишларга йўналтириш, ундан кўп вақт ва кўникма талаб қилар эди. Буларнинг аксари номдор ва ҳурматли мингбоши ва юзбошилар эдилар.

Отаси тўй бериб, навкарларини ўғли ихтиёрига топширгандан бир ой, чамаси, вақт ўтгач, уни устози Абдуллоҳ Қутб ҳузурига чақирди. Самарқанднинг энг шуҳратли пири Амир Кулолга хат ёзиб берди-да, унинг таърифини келтирди.

– Исмига боқароқ у амирлик маснадида эмас, ул кишим косиб, яъни кулолларнинг пири, амиридир. Ул табаррук зот бир парча нон ёки бир дона майизни ҳам ўз қўллари ила яратган ашёларни сотиш эвазига топиб ейдилар. Яъни инсонларни ўз ҳалол-покиза меҳнат ила нон топиб ёмоққа чақирадилар. Бундай инсонларни авлиё дейдилар. Пайғамбар Худо эмас, Худодан жудо эмас,

деганларидек, авлиёлар пайғамбартахлит инсонлардир. Сен юксак эътиқод ила бу улуғ зотнинг этагини тут! Иншооллоҳ, охири бахайр бўлғай! Бу одамлар бу дунёнинг фаришталаридур! Улар ила бирга бўлмоқ – бир неча мадрасани битирмоқ ила баробардир. Бухоро хо-нию Самарқанд ҳокимлари ул кишининг маслаҳатисиз каттароқ бир ишга қўл урмайдилар.

– Ташаккур, устоз, – деди Темурбек ҳаяжонланиб. – Сизнинг бетакрор сабоқларингиз, маслаҳату бу каби яхшиликларингизни ҳаёт эканман, унутмасман.

– Бу ишлар бизнинг вазифамиздур, – деди Абдуллоҳ Қутб хижолат чекиб. – Мен бул каби маслаҳату йўриқни ақли солиҳ, миллат хизматига бел боғлаган сиздек азаматларга бермоқдан ифтихор туядурмен.

Улар меҳр-муҳаббат-ла бир-бирларини бағриларига босиб, ҳайрлашдилар.

Темурбек бу улуғ инсон ҳақида эшитган эди. У киши билан танишмоқни орзу этиб юрарди. У Оллоҳдан нимани сўраган бўлса бермоқда. Шукрлар бўлсин!

Унинг оқ тулпори Туркистон тизмаларини кўз очиб-юмгунча ортда қолдириб, қора терга тушганча Самарқандга кириб келди.

– Сизни яхши биламан, иним Темурбек. Қачондир келишингизни билардим ва кутардим, – деди юзидан нур ёғилиб турган Амир Кулол.

Темур унинг ҳузурда тиз чўкмоқчи эди, Амир Кулол қўймади.

– Ҳар иккимиз ҳам Оллоҳнинг тенг ҳуқуқли бандасимиз. Биз фақат яратганга, ягона эгамизга тиз чўкиб эгиламиз, сажда қиламиз. Сиз ҳам улуғ инсон бўласиз. Ўшанда ҳам одамларни ўзингизга сиғингудек ёндашишларига йўл қўйманг! Бу Оллоҳга маъқул келмайди, – деди ғоят ширали овозда Кулол ва меҳмонни қўноқхона томон бошлади.

Темурга таъсир қилган бу сўзлар уни сеҳрлаб қўйган эди. У оҳиста қадам ташлаб мезбонга эргашиб борар, бу одамнинг ҳар бир ҳаракати уд чалаётган созчининг ҳаракатлари каби нозик ва теран эди. Назарида, Кулол — юраётганга эмас, учаётганга ўхшарди.

– Қаршимга ўтиринг, юзу кўзларингизни яхшироқ кўрай, – деди Кулол Темурни чорлаб. – Отангизнинг исмини ҳам кўп эшитганман. Ўзингизни Самарқандда зиндонга ташлаганларида баҳоли қудрат қутқармоқ учун ҳаракат ҳам қилганман, – деди Темурнинг кўзларига тикилиб.

– Соҳиб Ҳидоят ҳузурларига келганим ва у ерда мени зиндонга солганларини биласизми? – деди ҳайрон бўлиб Темур.

– Биладан, бўтам, биладан. Шу боис ҳам азобу изтиробда яшайман. Қани энди подшо подшолигинию кулол кулолчилигини қилса. Йўқ. Этик тор келганда, мен уларга керак бўладан.

Лекин аслида уларга халақит бераман. Ич-ичидан мени ёқтирмайдилар. Сабаби, уларнинг нуқсонларини юзларига айтаман. Подшоларнинг аксарияти ўзига тўғри йўл кўрсатганларни суймайдилар.

– Улар ожизлардир, – деди Темур беихтиёр ва ҳазратнинг сўзини бўлганидан хижолат чекди. – Узр, тақсир, адабсизлик қилдим!

– Йўқ, йўқ. Ҳечқиси йўқ. Тўғри айтасиз, жоҳил, ожиз ва бенаво бандаларгина ақл-идрокдан, илму маърифатдан кўрқиб, чўчиб яшайдилар. Келинг, муддаога кўчайлик. Бу гапларни вақти-замонида сўзлашармиз. Устоз Абдуллоҳ Қутбнинг сўзларига қараганда Куръонни тамом ёд билар эмишсиз. Араб ва ажам шоирлари шеърларидан ҳам ёддан билар экансиз. Тўғрими?

– Шундай устоз!

– Жуда яхши. Жуда яхши. Мамнун бўлдим. Ашъини шеърларини ҳам биласизми?

– Биладан, муҳтарам устоз. Ўқидиму ёд олмадим, узр.

– Нечун ёд олмадингиз. Ёқмадимми?

– Ёқди. Яхши ашъорлар. Бироқ мени эл-юрт, Ватану миллат, ҳақу ҳақиқат ҳақидаги шеърлар қизиқтиради.

– Баракалло, баракалло, Темурбек, жигарим. Жавобингиз наъқадар маъноли. Сиз каби ёш ўғлоннинг мана шу ёшда қалбида сўйлаганингиз илоҳий туйғуларга муҳаббат уйғонгани қутлаш лозим бўлган бир саодатдур. Оллоҳ охиридан суюнтирсин. Яна неларни ёқтирмайсиз, – қизиқиб сўради Кулол.

– Суюқ ва беҳаё масхарабозларни, инсонларнинг табиий нуқсонлари устидан кулувчиларни, – жавоб берди Темур.

– Рисоладагидек, рисоладагидек, – дея такрорлади Амир Кулол. – Биз сиз билан қалбан яқин одамлар эканмиз. Иншооллоҳ, насиб этса кўп ишларни амалга оширасиз. Мен эса ҳар замон руҳан ёнингизда бўладан. Улуғ юмушларингизга менинг иштирокимни ҳис этиб турасиз, Худо хоҳласа.

Меҳмонхона ҳовлиси ҳазратнинг шогирду муридлари билан тўлган эди. Устознинг имоси билан улар кўноқнинг олдига келдилар. Сўрашдилар. Амир Кулол уларга Темурбекни таништириб, шундай сўзлади:

– Мен бу йигитнинг пешанасида улуғворлик кўрамен. Бу йигит бир мақомга етгайки, бундан илгари ул мақом ҳеч бир кишига насиб этмағондир. Мен каби кекса бир одамга бу йигитнинг сугуват ва азиматини кўришлик имкони бўлмаса ҳам, аҳли мажлисдан Оллоҳ умр берганлари кўргайлар ва эшитгайлар!

Сўнгра Амир Кулол ёрдамчисига буюриб, етти дона кўмоч кулча олдиртириб келтирди.

– Кешга етиб борганингиздан кейин ушбу кулчалардан кичик-кичик бир парчадан еб, қолганини сақлаб қўйинг! Иншооллох, кароматини кўрурсиз, – деди Кулол белбоғига ўроғлиқ кулчаларни тутаркан. – Қалбингиз сўйлагани замон ҳузуримга учиб келинг. Сафарни ортга сурманг, яхшиликка олиб келмайди. Мендан хабар етгани замон етиб келинг! Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлажак! Омин! Оллоху Акбар!

Кулол шу сўзлар ила Темурбекни кузатиб қўйди.

– Ҳазрати Амир Кулол бир марди бузруквор ва каромати соҳибдур, – деди ўғли унинг ҳузуридан келганлигини эшитган Тарағай Баҳодир. – Ул инсон сўзлаган ҳеч бир сўзни эсингдан чиқарма, – тайинлади ўғлига. – Мен сен устозлигини орзу қилиб юрган Самир Тархон билан гаплашиб қўйдим. Сенга-да устозлик қилишга рози бўлди, – қўшиб қўйди гап охирида.

Темур хурсанд бўлиб кетди. Самир Тархон олий мақомда қилич чопишни ўргатувчи ягона моҳир устоз эди. У ўзининг таъбири бўйича «пичоққа соп бўлмайдиган» ўспиринларни шогирдликка олмас, ҳар қандай яроғи бор одамни ҳам қуролсиз бўш қўллари билан истаган ҳолатга сола биларди. Шу боис кўплар ҳазилу чин, Самир Тархон одам эмас, осмондан тушган ажалнинг ўқи, Худонинг бир балоси дея таъриф қилишарди.

Темур Самарқанд сафаридан сўнг дам ҳам олмасдан Самир Тархоннинг машқонаси томон йўналди. Йўл-йўлакай беихтиёр Амир Кулолнинг уни Самарқандда зиндонга ташлаганларини қандай билганлигини ўйлаб кетди.

Бу ўша – Носирнинг фидойилари билан кураш кунларида, у маслаҳатлашмоқ учун Соҳиб Ҳидоятникига борганида содир бўлганди. Носирнинг одамларидан панд еган Соҳиб Ҳидоят атрофидагилардан бири Темурни кўрсатиб «Бу Носирнинг фидойиси» деди. Худди шу ки-

шини Носир, Темурнинг Самарқандга Соҳиб Ҳидоят ол-  
дига кетганини билиб, орқасидан юборган эди. Одамлар  
орқа-олдиларига қарамай Темурнинг қўлини боғлашди-  
да, ертўлага қамаб қўйишди. Темур бу вақтинчалик ҳол  
эканлигини, ҳақиқат юзага чиқишини билса-да, юраги  
сиқилди. Бу ердаги бир неча кун унга йиллар сабоғини  
берди. Ушанда у ўз-ўзига бир сўзни кўп такрорлади. Ҳеч  
қачон, ҳеч кимни ноҳақ жазоламайман! Ҳеч қачон ва  
ҳеч кимни ноҳақ зиндонга ташлатмайман! Ҳеч қачон ва  
ҳеч кимни ноҳақ ўлимга ҳукм эттирмайман!

Уни табассум билан қаршилаган Самир Тар-  
хон қувончдан қўлларини ёзиб, бағрини очди. Улар  
қучоқлашиб кўришдилар. Устоз шогирдни қўйиб юбор-  
май, белини сиқа бошлади. У синовни бошлаган эди. Те-  
мур ҳам унга озор бермас, бир шаклда белини сиқарди.

– Тамом! Сенинг ишинг битди. Мендан ўтар экансан,  
– деди қўлини бўшатиб ўнг тиззасига шапалоқлаб урар  
экан устоз. Энди фақат сен бу кучдан қандай фойдала-  
ниш ва уни йўналтиришни ўрганишинг керак. Шунда  
сенинг олдинга ҳеч ким туша олмайди. Қачондир бу те-  
варақ-атрофдан шундай бир азамат чиқишини кўнглим  
сезар эди-я!..

Самир Тархон гапира туриб, Темурнинг ўнг қўлини  
арғамчи билан танасига танғиб боғлади. Арқоннинг  
қандай боғланганини текшириб кўриб, ичкарига кириб  
кетди ва ҳар бири бир пуд келадиган иккита оғир, машқ  
қиличчини олиб чиқди.

– Тасаввур эт ва кўник. Сен бир қўллик, аниқроғи,  
чап қўлли кишисан. Саваш майдонида рақиблар  
қиличлашишар экан, энг аввал қарши томоннинг ўнг  
қўлини ишдан чиқаришга киришади. Бунинг учун эса  
бир дона ўқ ёки найза отмоқ кифоядир. Шундай пайтда  
чап қўлини яхши ишлата олмайдиган жангчи учун са-  
ваш тугайди. Чап қўлини ўнг қўлдек ишлата билган лаш-

кар эса икки кишининг ишини бажаради. Мен сени мана шунга ҳозирлайман.

Темур устозига қараб беихтиёр кулди.

– Нега куласан? – деди сергак тортиб Тархон.

– Мен ҳамма ишни, ёзишу чизишни ҳам аввал чап қўл билан ўрганиб бошлаганман.

– Воллох, бўлмаса нега менинг олдимга келдинг! Бор тезроқ амир Қазағаннинг хизматига кир, ўзингни кўрсату тезроқ бу юртда одам боласи яшаса бўладиган бир тартиб-интизом ўрнат!

– Йўқ, устоз. Мен чап қўлда ёзиб ва қилич чопишни машқ қилган бўлсам-да, бу борада ҳақиқий устоз кўрмаганман. Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалаб кетаверади. Мен отамдан бир йилдан бери сизни шогирдликка олишингизни рижо этаман. Орзуим ушалди. Марҳамат, устоз. Ҳар замон сизнинг хизматингиздаман.

– Кел бўлмаса, ишни бошладик, – деди хурсанд бўлиб Тархон.

Темурбек чап қўли билан яхши қилич чопса-да, ўнг қўлини кўнгилдагидек ишлата олмас эди. Самир Тархон билан ўтказилган машаққатли кеча-кундузлардан сўнг машқидаги бу нуқсонга барҳам берди.

Темур машқ қилиб чарчамас эди. Бироқ вақти-вақти билан устозга дам бериш лозим эди. Гоҳида эса Самир Тархон бир муддат мизғиб олар, менда қуш уйқуси борда, бир оз мизғиб олмасам, оёғим чалкашиб кетаверади, дерди.

Устоз истироҳатга кетган дақиқаларда Темур китоб мутолаа қиларди.

– Хўш, мулла, айтинг-чи, бу ўқиётган китобларингизда нелар ёзилмиш? Биз ғофил бандага бу ҳақда ҳикоя қилиб бермайсизми? – деб қолди уста хўриллатиб туршак қайнатмасидан ичаркан.

— Бул китоб Шайх Маҳмуд Шобустарийнинг «Гулшани роз» китобидир. Буниси эса Мавлоно Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сидир. Мавлоно ўз китобларида дин ва мазҳабларнинг барчасини озод дея таъриф қиладилар. Ҳар қандай дин бўлса бўлсун, бир-биридан ортиқ жойи йўқ деган эътиқоддалар. Исломининг ҳукм ва қонунларини бошқа динларга солиштириб кўрилса, унинг олий мартабада эканлиги ойдинлашади. Маҳмуд Шобустарийнинг Худо, мабдаъ, маод ақидаларини баҳс қилиши кишининг фикрини очади. Ҳайлашга, Оллоҳни ақл-идрок билан топишга ўргатади.



## VI

*Қиличларим қўлларимнинг аззоларидан ҳи-собланар, қайси тарафни идора қилсам, бирдек айланар эди... Моҳир тикувчилар қўлларидаги игналарини бу қадар тез қўллай олмасалар керак.*

### **Темур тузукларидан**

Уни оддий одамлар, косиблар, ҳунармандлар, мироблар ва дехқону чўпонлар яхши кўришарди. Улар Темур ҳузурига катта-кичик маиший муаммолари ила келишар, ноҳақлик қилган инсон амирми, бекми, унга фарқи йўқ эди. Тўппа-тўғри қурол-яроғсиз ва навкарсиз унинг ҳузурига бориб, жабр кўрганнинг ҳақини талаб қиларди. Унинг бу қатъияти, ўткир кўзлари ва самимий оҳангдаги сўзларидан довдираб қолган одам ҳеч пайсалга солмай талабини қондирарди. У талабини бажариб, ҳақини қайтарғон кишиларга бир оғиз ортиқча гап сўзламасди. Унинг бу даражада эътибори ошаётганлиги, одамлар Кеш амири қолиб у томон чопаётганлиги ҳатто амакиси Ҳожи Барлосга ҳам оғир бота бошлаган, бироқ Ҳожи Барлос бир сўзли, ҳақсизликдан жаҳли чиқса, ҳеч нарсадан қайтмайдиган жиянидан чўчирди. Синаш учун Темурга етгита навкарини ташлантириб ҳам кўрганди. Темур уларни ҳафта-ўн кун ўзига келмайдиган қилганди. Дами ичига тушиб кетган эди ўшанда Ҳожи Барлоснинг. Бироқ амакисининг ўз авлодидан шундай бир инсон етишиб чиқаётганидан севинмаганини сезган Темур ҳайрон бўлди. Одамлар ҳаётда ўзларидан ақли, устун ва кучли кишиларни камдан-кам ҳолатда ёқтиришини у кейин, анча кейинроқ тушуниб етди.

Ўн тўққизга кирган Темур эндиликда уруғ-аймоғидан амалдорлар, беку мингбошилар чиқмаган юзлаб оддий

кишиларнинг суянчиғи эди. У ўзига муносабатда бир нарсани сезиб, аввал ҳайратланди, сўнгра кўнгли оғриди ва оқибатда кўникди. У ҳаёт, бойлик ва мавқе ўйинларига киришда бу ҳолнинг табиий эканлигини аввал бошда ўнчалик пайқамади. Кейинчалик эса мавқе эгаллаш учун фақат куч-қудрат лозимлигини, курашмоқ шартлигини чуқур англади. Деярли барча хонзодалар, амиру беклар ундан ўзини олиб қочардилар. Бундан кўнгли сиқилиб, вазиятдан чиқмоқ учун йўл ахтарди. У ўзига ҳар ишда тўғри йўл кўрсата биладиган қудратли устоз истар, бу одамнинг ҳаёти ва моли-жони учун қўлидан келган ишни қилмоққа тайёр, қодир эди.

Бундай очиқ кўнгилли ва болафееъл инсон ота қадрдони, Самарқанднинг эски турк амирларидан бири амир Ёхмоқ бўлиб чиқди. У Темур каби кўнгли тоза ва кучли бир лашкарбоши изларди. Темурга кўзи тушганда, у беихтиёр бола каби қувониб кетди. Амир Ёхмоқнинг ҳаракатларидаги самимиятдан Темурнинг ҳам кўнгли ийиб, руҳи кўтарилган эди. «Дунёда инсоннинг инсонни англашидан, уни англамоққа тайёр турмоқликдан улуғ олижаноблик бормикан», – дея ўйлади Темур. Агар инсонлар бир-бирларини доимо тушунганларида эди, дунё бугунги кунда мутлақо бошқача маъно касб этарди.

– Хў-ўш, амир Тарағайбекнинг ўғлиман дегин, – деди қўлини орқасига қилганича лўмбиллаб айвонда нардан-бери бориб келаётган амир Ёхмоқ. – Ул мастураи нисо Такина Бегимдан икки нафар фарзандмисизлар? – сўради тўхтаб.

– Ҳа, – деди Темур. – Эгачим Қутлуғ Туркон оға иккимиз.

– Яхши. Иккингиизга ҳам Оллоҳ умр ва бутун ризқ-рўз берсин! – дуо қилди амир ўйга толиб.

Унинг икки баҳодир ўғли ҳам бевақт вафот этган, кейинги икки йилда етмишни қоралаган оқсоқол бирдан

чўкиб, синиб қолган эди. Амирнинг кўзларида шу қадар оғир ва мунгли бир дарду армон бор эдики, шу дақиқада Темур бу дунёдаги энг даҳшатли фожиа ва бахтсизлик ота-онанинг ўз пушти камаридан бўлган фарзандидан айрилмоқ эканлигини англади. Бежизга ҳам кексалар эрта келган, эрта кетсин демас эканлар.

– Хў-ўш, сўйлагинчи, жигарим Темурбек. Қўлингдан не ҳунарлар келади. Сени курашчими, паҳлавонми бўлиб етишган дея эшитганим бор. Менга айни замонда худди шундай бир одам керак. Сўйла.

– Ёзув-чизув ишларига уқувим, ҳарб юмушига маҳоратим етарли. Девонингиз ва қўшинингизни идора эта билурмен. Истасангиз, синаб кўринг. Ҳар қандай имтиҳонга ҳозирман. Қўлимдан келмайдиган иш йўқ, десам нокамтарлик бўлар, лекин хоҳласангиз, масжидда имомлик ҳам қилишим мумкин, – деди амирни бир оз бўлса-да кулдириб, кўнглини кўтариш учун.

– Йўғ-е, – деди юзига табассум югуриб амир Ёхмоқ.

– Ҳофизи Қуръонман. Энг етук мударрислар қўлида сабоқ олганман, – жавоб қилди Темур.

– Назаримда, сен имомлик учун эмас, бошқа бир улуг тақдир учун яратилганга ўхшайсан, бўтам Темурбек. Сийратинг кўнглимга ўтириб қолди. Сенда ўзингга нисбатан инсонларда меҳру муҳаббат уйғотувчи бир илоҳий қудрат бор экан. Сени фақат аблаҳ ва ичи қора жоҳил ёмон кўриши мумкин. Эс-хуши жойида инсон сен билан дўст тутиниб, ёнингга киради. Мен ҳам сенинг дуоғўйингман. Келбати келишмагандан кенгаш сўрама, туси бордан туйрилма, дейдилар. Рангинг тоза, зуваланг пишиқ йигит кўринасан. Сўзларинг самимий ва чин юракдан. Шунинг ўзи ярим бахт. Шу салоҳиятингни ақлидрок билан ишлата билсанг бас. Марра сеники. Душманларинг чангингда қолиб кетади.

Отинг оёғи остидан чиққан тупроқдан кўзлари кўр бўлади сени кўролмаганларнинг.

Амирнинг сўзи шу ерга етганда, хизматкор чилим олиб келди. Мезбон айвондаги кўрпачага ўтириб, чилим чекишга тайёргарлик кўрароқ, сўзида давом этди:

– Мен қари бўри кўпни кўрдим. Келбатингдан руҳимда бир илиқлик пайдо бўлди. Қани энди ўғилларим ўрнига ўғил бўлиб, улар ўрнини боссанг эди. Армонда кетмас эдим...

Оқсоқол шундай дея кўзига ёш олди. Ёшини енги билан артиб, пичирлаганча Қуръон тиловат қила бошлади. Чол беозор, беғубор бир болага айланиб қолган эди. Бағри ярим отага Темурнинг шу қадар раҳми келиб кетдики, қани энди тақдир зарбаси ҳаётини издан чиқариб юборган бу улуғ инсонга чексиз яхшиликлар қилишни орзулади.

– Кўнглингизни тўқ қилинг, ота қадрдоним. Сиз менга қиблагоҳим каби азиз ва муҳтарамсиз. Сиздек инсон учун жонимни-да бахшида этишга ҳозирман. Сизнинг ишончингиз мен учун улуғ шарафдир. Эл-юртимизга ўзимни кўрсатмоқ учун сиз менга имкон бермоқдасиз. Иншооллоҳ, бу яхшиликларингизни юз ҳисса ошириб қайтараман, – деди Темур самимият тўла, меҳр-муҳаббатли оҳангда.

– Яхшилик қил, дарёга от, балиқ билар, балиқ билмаса Холиқ билар дейдилар. Бу сўз сенга қаратилган эмас, инсон зоти борки, яхшилик қилиб келгаңман. Бировга қилган яхшилигимни ва ўзгаларнинг ёмонликларини унутиб яшайман. Мени хушламайдиган одамларга раҳмим келади. Агар уларнинг ақли етса, менга нохайрихоҳ бўлмас эдилар, дея ўйлайман ожиз фикримча. Сабаби, шуларнинг ҳаммасига яхшилик қилганман. Қўшиним бош кўмондони Кулар Камол ҳам шундайлардан чиқди. Инсоний самимиятимни тескари тушунди. Раиятим ва лашқар олдида мени болага айлантириб, беҳурмат қилди. Бунинг ажри бордир, албатта. Қўлингга

қўшинни идора этувчи бош қўмондон этиб тайинланганлик ҳақидаги фармонни берай. Бориб уни йўлдан олиб ташла. Гапнинг очиғи, унинг олдиға боришға ҳам юрагим бетламайди. Кўнглим қолган. Қўлимда бўлганида эди у беномус ўтирган жойға итимни ҳам-боғламас эдим. Молу мулкимға мен эмас, гўёки у эгадек тутади ўзини. Қариганда яккаланиб қолдим, бўтам. Ишқилиб Худо яккаламасин. Шунинг уддасидан чиқа оласанми? У осонлик билан қўшинни топширмайди. Унинг маснадини эгаллаш учун ундан устун келмоғинг лозим. Бу дунё кучли ва адолатлиларникидир. Не дейсан? Юрагинг дов берадимми?

– Кўнглингизни тўқ қилинг. У ёғини менға қўйиб беринг. Бундан буён сизнинг молу мулкингизға чумоли ҳам тегмайди. Фақат ижозат берсангиз, ўзимнинг ҳам юз чоғли навкаримни лозим топган пайтим олиб келиб, бирға машқ қилдирсам.

– Нени маъқул кўрсанг, ўзинг биласан. Мана фармон. Худо ёр, пирлар мададкор бўлсин! – дуо қилди амир Ёхмоқ йиғиға ўхшаган овозда. – Қўшин, чорвам боқиладиган Ойқор тоғи этақларида. Иши мол-ҳолимға кўз-қулоқ бўлмоқ. Лозим бўлганида хон қўшиниға ёрдамға оладилар.

– Аҳволни тушундим, отақадрдон. Ижозатингиз билан биз кетдик, – деди Темур кўча эшиги томон юрар экан.

Дарвоза олдида икки навкари Темурнинг отини ушлаб туришарди. Улар отларни йўрттириб, гоҳо чоптириб, Ойқор тоғи этақларидаги Зарафшон дарёсининг Туятортар ирмоғи томон жўнаб кетдилар.

Амир Ёхмоқнинг икки минг чоғли қўшини дарё бўйлаб қўш ташлаган, ҳар ким ўз иши ила машғул эди. Навкарлар дарёда чўмилишар, тандир кабоб пиширишар, балиқ тутишар, машқ қилишарди. Темур илк дуч

келган қоровул навкардан қўшин қўмондони Кулар Камолни сўради.

– Ана у садақайрағочнинг остида дам олмоқдалар, – жавоб қилди отлиқ навкар. – Ким келди деб айтайин?

– Муҳтарам амир Ёхмоқнинг топшириқларига бинотан кешлик Темур Тарағай Баҳодир ўғли келди дея хабар берсангиз, – деди Темур.

– Хўп бўлади. Мени шу ерда кутиб турсангиз. Ҳозир етиб келаман, – деди навкар ва садақайрағоч томон йўналди.

– Лашкарбоши сизни кутаётирлар, – деди қайтиб келгач овози титраб.

Темур қандайдир ишкал юз берганини сезди. Навкарларга отларнинг айилини тортиб, ҳар қандай ҳолатга тайёрланинг деган маънода қаради.

– Фақат ўзингиз борар экансиз, – деди навкар икки йигит эргашмаслиги учун.

Темур йигитларига бир қараб қўйди-да, отини қолдириб, лашкарбоши хурмати учун унинг олди-га пиёда жўнади. Белида фақат қиличи қолди. Бошқа анжомларини отининг эгари қошига илиб қўйди. Отлар мириқиб сув ичиб, дарё бўйидаги қўм-қўк ўтлоққа оғиз урдилар. Қўшин соҳилнинг нари тарафидалиги учун бериги қирғоқнинг ўтлоғи пайҳон қилинмаган барра ўтлар, гуллай бошлаган ҳулволар иси маст этиб, бошни айлантитарди. Темур ғочдан ясалган бир кишилик кўприк орқали ўтиб, Кулар Камол томон борарди. Садақайрағочга ўттиз қадамлар қолганда тўрда ястаниб ўтирган бош қўмондонга қўзи тушди. У Темур томон ижирғаниб қараб турар, авзойи бузук эди.

– Ассалому алайкум! – деди Темур таъзим ила бош қўмондон ва атрофида ўтирган тўрт кишига.

Кулар Камолдан бошқа барчалари туриб Темур билан кўришди. Бош қўмондон эса ўрнидан сал қимирлаб қўйди. Темур пойгақда тиз чўкиб ўтирди.

– Яхши ўтиринг, иним. Хуш келдингиз. Марҳамат, хизмат. Қай шамоллар учирди биз томонга? – киноя аралаш сўради Кулар Камол ташрифнинг маъносини сезгандай.

– Менким Темур Муҳаммад Тарағай ўғли сиз ҳурматли инсон билан танишганимдан мамнунлигимни билдириб, муҳтарам амир Ёхмоқ ҳазратларининг хизматлари ила келдим. Амр бериб, сиздан қўшинни қабул этишимни буюрдилар, – деди қоғозни ички чўнтагидан олиб кўрсатаркан. Кулар Камолнинг ранги ўчиб, қизариб-қумсара бошлади.

– Ха, аҳмоқ Ёхмоқ-ей, қариганда мияси айниб, лашкарбошиликка бир бесоқолни юборганини қаранглар-а! Сенинг қўлингдан нима келади? Балки чўпон бўлиб келгандирсан? – деди Кулар Камол ғижиниб тишлари орасидан кутилмаганда.

– Ҳақорат қилма! – сенсиради Темур ҳам. – Мен йигит ва навкар сифатида ҳар дақиқада сенга кимлигимни кўрсатиб қўйишга ҳозирман! Бу ҳақоратинг учун керак бўлса шу заҳотиёқ бошингни чавгон қиламен! Узр сўра ва сўзингни қайтариб ол! Сен ноҳақсан! – деди Темур ўрнидан туриб босиқлик билан дона-дона қилиб.

– Нима, нима? Мен сўзимни қайтариб олар эканманми? Оғзидан онасининг сути кетмаган бачча-ей! Кўрсатиб қўяман сенга лашкарбошиликни тортиб олишни!

Кулар Камол дарахтга суёғлиқ қиличини олди-да, Темурга ташланди. Одамлар ҳангу манг, турган жойида қотиб қолишди.

Сурувдек ёйилиб ётган қўшин ҳам томошага гупланган эди.

Темур ҳовлиққан лашкарбоши жуда яқин келгунга қадар қиличини қинидан чиқармай ерга қараганча зимдан уни кузатиб турди. Кулар Камолнинг ҳаракатидан ўт сўнган, эски обрўсига орқа қилиб лаш-

карга бақириб-чақириб яшаб юрар, лекин ундан ҳеч ким астойдил ҳайиқмай кўйганди. Темурнинг жим турганини кўрган Кулар, бола мандан кўрқди деб ўйлади-да, бир оз қадамини секинлатди. У илк ҳаракати билан рақибни тинчитмоқчи эди. Икки кўмондоннинг савашини не натижа билан тугашига ақли етмай қараб турган навкарларнинг кўзи илғаб-илғамай қолди.

Темур яшин тезлигида қиличини қинидан чиқариб, ўзининг ғалабасига мутлоқ ишониб келаётган Куларга шундай чап бердики, унинг оёғи чалкашиб, қиличи кўлидан учиб кетаёзди. У гандираклаб бир-икки қадам босди-да, қиличини қаттиқ силтаганидан беихтиёр ерга қадади. Куларга орқа қилиб турган Темур ўтирилиб шу қадар тезликда қилич солдики, бўйин сўнгагигача кесилган Кулар Камол йиқиларкан, қиличини ташлаб, икки кўлини кўтарди. Аллақачон унинг тепасида турган Темур аччиқ устида қиличини яна бир кўтарди-ю, ерга санчди. Орқасидан чопиб келган навқарига қонли қилични узатди. У эса қилични ювиб тозаламоқ учун дарё томон юрди.

– Табиб борми? – сўради Темур баланд овозда атрофига тўпланганлардан. – Хатосини англаб етган биродаримизга кўмак беринг ва аравада уйларига элтиб кўйинг. Насибаси узилиб кўз юмса, ҳурмати жойига кўйилиб кўмилсин. Мен уни кечирдим. Молу давлатини бола-чақасига элтиб беринг! – деди Темур кўшиндан ажралиб чиққан икки кишига.

Кулар Камолнинг беш-олти нафар қариндоши етиб келиб, унинг ярадор танасини олиб кетишди. Оғиз очиб Темурга бирор сўз дея олишмади. Айб собиқ кўмондонда эди. Темур удум бўйича ўз шарафини қуроли ила ҳимоя қилиб, рақибини енгган эди. Бу одатни барча яхши билар, ҳеч ким унга қарши бормас эди.



Янги бош қўмондон келганидан, келгандаям эскисини аҳмоқлиги учун чопиб ташлаганини эшитган лашкар тезда сафга тизила бошлаган эди. Темур отининг жиловидан тутганча бошини эгиб, оҳиста қадамлар билан тўпланишаётган навкарлар томон юрди.

– Ассалому алайкум, муҳтарам жамоа, – деди Темур бўлиб ўтган воқеадан таассуф чеккан қиёфада. – Менким, Темур Муҳаммад Тарағай Баҳодир ўғли, Кеш шахриданман. Ушбу дамдан бошлаб сизларга бош қўмондондурмен. Мана муҳтарам амиримиз, барчамизнинг хоҳадон тебратиб, бола-чақа боқмоғимизга имкон яратган амир Ёхмоқ ҳазратларининг йўриқлари. Сизлар менга итоат этмоқларингиз лозим. Мен ҳам сизларни қардошимдек кўриб, қўлимдан неки яхшилик келса қилурман. Қўлимдан келмаган юмушнинг-да ҳаракатида бўлурман. Мен билан бирга ишлаган ҳеч бир кишининг бурни ноҳақ қонамайди. Хизматда камолотга эришади. Кимки амримга бўйсунмай, ўзбошимчалик қилса, умум ишига халақит берса, гуноҳи ўз бўйнида.

Лашкар қаршисида ўзидан бурун доврўғи етиб келган ёш лашкарбоши турар эди. Ҳозиргина бўлиб ўтган воқеа уларга ақл бовар қилмас даражада кучли таъсир этган, сафлар орасида пашша учса эшитилгудек жимлик ҳукмрон эди.

Қўшинни кўздан кечираркан, ўрта сафда турган Нурбек исмли очиқ чехрали паҳлавонсифат навкарнинг кўзига қараб туриб, ўнг қўли ила ишора қилиб, ёнига чақирди. Қўл бериб кўришди.

– Мен келгунча қўшинни ёрдамчим сифатида сиз бошқариб турасиз, – деди Темур. – Мен ўтган воқеа хусусида амирга ахборот бераман-у қайтаман. Бу воқеани ҳар ҳолда менинг ўзимдан эшитганлари маъқул.

Нурбек навкар итоаткорона бош эгиб, таъзим бажо келтирди. Сафда турганлар Темурнинг синчковлиги ва

одам танлай билишидан хайратга тушиб, бир-бирларига маъноли қараб олишди.

Темур кўшиндаги яхши отлардан танлаб, яна Самарқандга қайтди. Амир Ёхмоқ Темурбекни уйида, хуш кайфият билан қаршилади. Ўтган воқеа тафсилотини тинглади.

– Мени ўзбошимча, нолойиқ бир кимсадан қутқардинг. Модомики, уни ўлдирсанг-да, ҳақинг кетар эди, – деди Темурни бағрига босиб. – Худо бор. У ҳаммасини кўриб, билиб турибди, – деди сўзлари бўғзига тикилиб. – Ноинсоф менга жуда ўтказиб юборган эди. Хон ҳазратлари амрига кўра кўшинни жанговар тутмоқ учун неки лозим бўлса, тортинмай сўйла. Қанча маблағ кетса, бераман.

– Билишимча, кўшин низомсиз, амир ҳазратлари. Лашкарнинг ясо ва йўриғи йўқми, билингки, у тарқоқ ҳамда паришондур. Рухсатингиз ила бир низом ҳозирлаб, сизга кўрсатсам ва шу асосда кўшинни қайта ташкил этсам. Сўнгра биздан бир ҳисоб олсангиз, – жавоб қилди Темур.

– Кўп маъқул гап. Бу хусусда сенга ҳар қандай ваколатни бераман. Умид қиламанки, сен Қорачор Нўйон авлоди, Тарағай Баҳодирнинг пушти камаридан бўлмиш таг-тугли амирзода ҳеч қачон менинг юзимни ерга қаратмайсан! Ўзингга ҳам яхши бир қўмондонлик кийими тикдир, анжомлар буюр!

Амир шундай деб чўнтагидан кичик бир халтачадаги тангаларни Темурга узатди. Темур хижолат тортди. Амирнинг муносабати отасиники каби самимий ва табиий эди. Бундай инсонларнинг қули бўлсанг ҳам арзийди, хаёлидан кечди.

У орзусига етган эди. Ёшлигидан лашкарбоши бўлмоқликни орзу этарди. Отасининг навкарлари тарқатилган эди. Энди у ҳақиқий бош қўмондон. У би-

лан энди ҳар қандай киши ҳисоблашади. У шу хаёллар билан қўшинни қайтадан тузиб чиқди. Ўн кишини бир қилиб, ўнбоши тайинлади, юз кишига бир юзбоши тайин этди. Ўнбошилар юзбошиларга ҳисоб берадиган бўлди. Сўнгра, ҳар минг кишига энг лаёқатли йигитлардан юзбошиларнинг назорати учун мингбоши тайинлади. Қўшинда тартиб бўшашган, йигитлар машқ қилишга эринишар, уларнинг чўпондан фарқи қолмаган эди. Ҳатто кўпчилиги намоз ўқишни ҳам унутаёзган эдилар. Ҳақиқий бош қўмондон кўрган аскарлар бир неча ойдаёқ изга тушиб, ерга урса кўкка сапчийдиган даражада машқларини маромига етказдилар. Бари бирдек беш вақт намоз ўқийдиган бўлди.

Кўп ўтмай, молу жонига тажовуз етганлар бирин-кетин Темурбекни қидириб кела бошлади. Дастлаб унга Зарафшон бўйида қизини зўрлаганлардан шикоят этиб, бир деҳқон келди. Темур деҳқонни танийдиган йигитларини унга қўшиб жўнатди. Улар бошқа қишлоқдан ўша йигитни, қизни ва отасини қўмондон ҳузурига олиб келишди. Темур уларни сўроқ қилди. Тафтишдан шу нарса маълум бўлдики, йигит қизга қўл теккизмаган. Лекин икковининг бир-бирида майли бор. Ота эса қизни бойроқ бир кимсага бермоқчи.

– Шу бойнинг пулини мен сизга бердим. Мана олинг! Бироқ шу икки ёшнинг меҳри-муҳаббатини синдирманг! Бу Оллоҳга маъкул келмайди. Сиздан рижо этман, деҳқон бобо! – деди Темур Амир Ёхмоқ берган олтин тангалардан деҳқонга узатар экан. – Ҳар бир хатти-ҳаракатни кексалар, ота-она билан маслаҳатли қилмоқ лозим. Бор энди қишлоғингга, – дея йигитга ҳам танбех берди Темур.

Темурнинг бу тафтиши ва ҳукми барчани ҳайратга солди. Айниқса, унинг йигитлари бундай адолатли қўмондон қўлида хизмат қилаётганларидан мамнун

эдилар. Бу каби ташвишли ишлар кундан-кун кўпаяр, ҳатто қон тўкишларгача бориб етарди.

Одамларимиз жоҳил, ёввойи. Бу халқ билан катта ишлар қилиш мушкул. Бу қавмнинг бошини қўшиш учун аввало, уни ўзини англаб етмоғига кўмак бермоқ керак дея, ўйларди у. Қудратли куч ҳам лозим. Бу халқ сени севмаса ёки ҳайиқмаса айтганингни қилмайди.

У шу хаёллар ила ўтов шифтига тикилиб ётар экан, эшик олдида ёрдамчи аскарнинг йўталгани эшитилди.

– Киравер, – деди кўмондон чордона қуриб ўтирар экан.

– Амирнинг акраболаридан бири ҳузурингизга кирмоқ истайдур. Арзи бор эмиш, – деди навкар.

– Кирсин!

Ўтов эшигидан ранги-кути ўчган, қирқ ёшлар чама-сидаги одам кўринди. Темур ўрнидан туриб кўришди-да, биргалашиб ташқарига чикдилар.

– Раббим Отабек ўғлиман. Муҳтарам амиримизнинг яқинлариданман. Даштда чорвачилик қилиб, кун кўрамиз. Кеча тунда қорахитойлар босиб келиб, уч чўпонимизни ўлдириб, олти минг қўйимизни ҳайдаб кетишди. Одамлар бирдан-бир нажот амирнинг бош кўмондонини Темур. Тарағай Барлос ўғлидан дейишди. Шу умидда остонангизга бош уриб келдим, амирзодам. Кўмак этмасангиз беш юз чоғли оиланинг ҳоли ҳароб. Шу қўйдан бўлак тирикчилик манбаимиз йўқ. Амир ҳузурларига борсак ҳам сизга юборсалар керак. Бошқа қариндошлар у кишининг ҳузурларига кетдилар. Мен сизнинг олдингизга келдим.

– Тўғри қилибсиз, амиримизни безовта этмай. Иншооллоҳ, Худо йўл берса бу ишни ҳал этурмиз. Йигитларимиз ҳам асов отдек не иш қиларини билмай, ер тепиниб ётибдилар. Машқларини яхшилаб бир синаб кўрамиз. Ишлашлари, раиятнинг мол-мулкани ҳимоя

этмоқлари лозим, – жавоб қилди Темур босиқ ва ишончли оҳангда.

Қўмондоннинг оқ ўтовидан чиққанини кўрган, икки мингбоши ва юзбошилар ундан йигирма қадамча нарида амр кутиб туришарди. Темур биринчи мингбоши Бекқул Бўрига ишора қилди.

– Икки юз нафар йигитни ҳозирланг. Сафар тадоригини кўринг! – буйруқ берди қўмондон.

Икки юз йигити билан Темурбек жўнаб улгурмаган эди. Узоқдан бир тўп отлиқ қораси кўринди. Темур олисдан таниди. Амир Ёхмоқ отлиқлар қуршовида кўшин томон келарди. Темурбек арзчи меҳмон ва мингбошилари ила анча пиёда юриб бориб, уларни қаршилади.

Амир ҳам худди шу масала бўйича келаётган эди. Қўйи ўғирланган яна бир тўп унинг ҳузурига борганди. Амир қўмондонини четга тортди. Темур уни режасидан воқиф этди.

– Худди шундай, тез қарор қабул қилишингдан чўчиб келаётгандим, – деди паст овозда Ёхмоқ. – Бу қорахитой элати жуда хатарли тоифадур. Истаган замонида йигирма минг сипоҳлик одамни уруш майдонига чиқара олади. Булар билан анчадан бери синаштаман, – қўшиб қўйди дами ичига тушгандай бўлиб. – Улар билан олишиб бўлармикан?

– Сиз ташвиш чекманг. Агар буни шу ҳолда ташлаб қўйсақ, янги қўмондон сифатида менинг обрўйим бир пул бўлади. Бу иш сизга ҳам яхши гап келтирмайди. Сиз менга ва икки юз отлиққа бир ҳафтага рухсат беринг. Агар шу сурувларни қайтариб жойига ҳайдаб келмасам, бош қўмондонликни қўшқўллаб топшираман!

– Ижозат бермасам-чи? – деди унинг гапларидан таъсирланган амир Ёхмоқ зимдан Темурга тикилиб.

– Унда ҳам топшираман-да, ўз навкарларим билан кетиб ишни битириб келаман, – деди кулиб.

– Илоҳи омин, йўлинг оқ, йўлдошинг ҳақ бўлсин! Олгин, олдирмагин! Бор, ўша муттаҳамларнинг додини бер!

Амир шундай деб, юзига фотиҳа тортди. Темур арз билан келган кишига ҳам яхши от тайёрлашларини буюрди. Амирнинг ҳурматига қўй сўйиб, зиёфат берди. Отда анча жойгача кузатиб қўйди.

Арзчиний олиб йигитлари билан Зарафшоннинг қуйи оқимидаги, Самарқанддан йигирма тош узоқликдаги қорахитойлар овули томон йўлга тушди. Овулга етишгач, оқсоқолларни чақиртирди. Бўлган воқеани сўйлашди.

– Қорахитойлар элати ўн бир қабиладур. Сизларнинг сурувларингизни қай бир қабиладан чиққан ўғри ҳайдаб келганлигини билмаймиз, – деди кемтик тишли, озгин жуссали киши.

– Бу сўзлар билан мендан қутулиб кета олмайсиз. Қўйларни қайтариб бериш билан ҳам мендан қутулмайсиз. Қотилларни ҳам бизга топширасиз. Шаҳидларнинг бола-чақаси хун сўрамоқда. Ҳар бир қабиланинг ўғри ва тўғриси ўзига маълум. Ўғриларни менга топширсангиз, сиз бўшсиз. Акс ҳолда бу ёғи ўзингизга маълум, – деди Темур.

– Билмаймиз!

– Танаймаймиз!

– Қўйи йўқолган биров, сўйиб еган биров, бизга нима! – ҳулдиради бирин-кетин оқсоқоллар. – Нега бизни зикновга оласан? :

Темур бир муддат уларга зимдан қараб турди-да, қатъийлик билан сўзлади:

– Мен сизларга эшиттириб бир марта сураи «Фотиҳа»ни ўқиб тугатгунимча ўғриларингизнинг исми-

расми билан жойларини айтмасаларингиз, барчангизни қиличнинг дамидан ўтказаман!

Улар ёш аскарнинг бу гапларидан қулдилар. Чўққи соқолли, қизил юзли семиз бир одам қўлини пахса қилганча, олдинга чиқиб жаврай кетди: —

— Сабр қил, ўпкангни бос! Биз сендан бир неча қўйлакни кўп йиртганмиз. Қолаверса, соқолинг ҳеч бўлмаганда бизнинг соқолимизнинг ярмига етсин! Шундан сўнг катта гапирсанг ярашади! Онасининг сути оғзидан кетмаган бола-ей! Пишқиришини қара буни! Осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбор, босиб қолсин бизни!

Сўзи тугар-тугамас Темур йигитларига уларни овулнинг четига олиб чиқишни буюрди. Чўққи соқолни ерга ўтказиб қўйиб, ўзлари яна лашкар тўpigа келиб қўшилдилар. Бошқа шериклари не бўлишига ақллари етмай ғужурлашишарди. Темур қиличини кинидан чиқариб чўққи соқол томон юриши билан қолган тўрт ҳамроҳи унга ташланишди. Темур йигитларининг бирдан қиличини олди-да, икки қўлида икки қилич билан уларни бирин-кетин ярадор қилиб, йиқитди. Йигитлар кўмакка келмоқчи эди, рухсат бермади. Ниҳоят улардан бири Темур гапирётган турк лаҳжасида ундан омонлиг тилади. Унинг ўз лаҳжасида ёлворсам ўлдирмайди дея ўйлаган, шекилли. Сўнгра қолганлари ҳам бош омонликларини сўрадилар. Темур табиб йигитга уларнинг жараларини боғлаб қўйишни буюрди-да, барчасини овулга ҳайдаб кирди.

— Биз ҳарҳолда бир-биримизни билдик. Танидик. Энди, ўғриларнинг кимлигини ва қайси қабиладан эканлигини айтиб берасизлар, — деди баланд овозда Темур.

— Биз ўғриларнинг кимлигини билмаймиз. Бундай ишларни оқ марбуж қабиласи қишилари қилиши мумкин, — деди улардан бири охири.

— Бу қабиланинг бошлиғи ким?

– Жавдат Гулту!

– Сизларни гаров тариқасида ўзим ила ўша қабилага олиб бораман. Агар ёлғон сўзламаган бўлсангиз, озод қиламан!

Аскарлар улардан тўрт кишини отларига мингаштириб олдилар. Аср намози маҳалида улар қабила маконига етиб бордилар. Дуч келган одамдан қабила бошлиғининг ўтовини сўрадилар. У оқ қуббали ўтовни кўрсатди. Йигитларнинг асосий қисми овул четида қолди. Темур йигирма чоғли одами билан тўғри қабила бошлиғининг ўрдусига кириб борди. Ўрдуда олтмиш ёшлардаги оқсоқол икки йигит ва бир хотин ўтирарди. Аскарлар оқсоқол ва икки ўғлини тутиб овул четига олиб чиқдилар. Шундай қилинмаса, қабила уларни қамал қилишлари мумкин эди. Қўмондон Гултуга ўзини танитиб, бўлган воқеани сўйлади.

– Хабарим йўқ бу ишлардан! – деди қабила бошлиғи тунд оҳангда.

– Менга афсона айтма. Оқ марбужлар сенинг рухсатингсиз Самарқанддек жойга бориб, амир Ёхмоқ авлодига тегишли сурувларни ҳайдаб, чўпонларини ўлдириб кела олмайдилар. Буни билмаслигинг мумкин эмас. Қисқаси, қўйларни қайтариш баробарида уч одамнинг хун баҳосини ҳам тўлайсан! Акс ҳолда кўз олдингда икки ўғлингнинг боши кетади. Ўйлаб кўр!

Қабила бошлиғидан садо чиқмади. Темур қиличининг учини этигига урганча сўзида давом этди:

– Бу ерда яна бир гап борки, буни ҳам сенга айтишим лозим. Ҳарҳолда икки ўғлингнинг куни битгани аниққа ўхшайди. Сабаби, улар бу ишнинг бошида турганлар. Агар сен асл мусулмон бўлсанг, Қуръони каримни ўқисанг, Оллоҳ ҳукмига биноан ўғилларингни ўзинг ўлимга буюришинг лозим!



– Бу қабилада урушга ярайдиган қанча одам борлигини биласанми? – деди Гулту елкаси тиришиб.

– Бу мени қизиқтирмайди. Сенинг ва ўғилларингнинг жони қўлимда. Шунинг жуда яхши биламан, – жавоб қилди Темур унинг афтига қарамай.

– Бу қабиланинг беш минг қуролли одами бор. Агар сен мени ва ўғилларимни ўлдирсанг, улар сени ва амирингни ўлдириб, мол-мулкини талон-тарож қилишади.

– Қабиланг юз минг бўлса ҳам, шартимни бажармансанг, қўймайман. Икки қулоғинг билан ҳам эшитиб ол! – деди Темур овозини баландлатиб.

Темур сўзлаш баробарида сарбозларига арқонни кўрсатиб, ишора қилди. Улар катта ўғилнинг бўйнига сиртмоқ солиб, икки томондан торта бошладилар. Унинг қўл-оёқлари питирлаб, жони ҳалқумига келиб қолди. Кўп ўтмай жон берди.

– Қўйларинг қайтади, хун баҳоларини ҳам бераман, ўғлимни ўлдирма! – дея ялина бошлади Гулту йиғларкан.

Темур қилични қини ила унинг орқасига бир-икки туртиб, тезроқ ишни ҳал этишни буюрди.

– Чўпонларнинг хун баҳоси қанча? – деди у титраб-қақшаб.

– Қуръони каримда саҳван, яъни хато билан ўлдирган бўлса, бир одам учун уч юз бош туя тўлайди деб ёзилган. Сенлар ҳар одамга уч юз донадан туя баҳоси тўлашинг керак.

– Менинг тўққиз юз туям йўқ! – деди Гулту сўниқ овозда.

– Туя ўрнига от берсанг ҳам майли.

– Уюрдаги отлар қабиланикидир. Менинг йилқиларим ҳам бунча эмас.

– Унда қабиладан тўплайсан.

Гулту йўлдан ўтаётган қабиладошларидан бирини чақирди-да, буюрди:

– Қабилага бориб айт. Тезда ўғирланиб келинган олти минг қўйни ҳайдаб келиб, Самарқанд йўлига солсинлар. Уч чўпоннинг хун бадалига тўққиз юз дона от тайёрла-сунлар. Акс ҳолда мени ва ўғлимни ўлдирадилар.

Гултунинг одамлари қўй ва йилқиларни ҳайдаб келиб топширгандан сўнг ҳам Темур эҳтиёт чораси ўлароқ ота ва ўғилни бир муддат ушлаб турди. Сурув ва уюр Самарқандга эсон-омон етгандан сўнг уларни қўйиб юбордилар. Темурдан ҳисоб олган амир унга мукофот тариқасида юз дона от олишини сўради.

– Сизнинг мулкингиз менинг мулким. Мен бу ишни юз дона от олмоқ учун қилмадим. Бу ёруғ оламда ҳақ ва ҳақиқат борлигини исботлаш учун қилдим! Ҳақиқатнинг борлигига ишончини йўқотган қўли калта инсонларнинг қалбида адолат чироғини ёқиш учун қилдим! Агар тухфани олсам, бу савобли ишимнинг қиймати қолмайди, – дея жавоб қилди лашкарбоши.

Унинг жавобидан тахта бўлиб қолган амир:

– Ўзинг биласан, – деди паст овозда ҳайратдан кўзларини катта очиб. – Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ!

Қилган юмушидан виждони ором олган кўмондон отасининг зиёрати учун Кешга бориб келишга амирдан рухсат сўради.

Оти жиловини доvon сари бураркан, падари бузрукворининг Атабек бобоникидан қайтаётганда айтган яна бир насиҳатини эслади.

– Ҳар тўқисда бир айб дейдилар, бўтам. Бежизга олтмишгача ортингга қара демайдилар. Шоҳу жаҳон, хоқону султон бўлса-да бу дунёда бағри бутун инсон йўқ. Одамларга эса эшитишни истамаган ёхуд англаб етолмайдиган адолату ҳақиқат, рост гапдан кўра бир кун бўлса-да овутадиган, тасалли берадиган, улар тушунадиган тотли алдов керак. Киши феъл-атворида ўзи билмаган, кўникмаган ва ақли етмаган нарсаларга

ғайирлик, оқил ва доно одамлар фикрига нисбатан эса ҳадик, ёвқараш қусури томир отган бўлади. Ҳаётингда ҳеч кимга кин сақлама, ўғлим. Юксак ва олийжаноб кўнгилларда кин бўлмайди... Киши қадрини белгиловчи лавозим-мансабга тушиб чиқмоқ замонида эллик бора эҳтиёт бўлмоқлик лозим. Боиси, тушганнинг дўсти бўлмайди, инонмасанг тушиб кўр, дейдилар. Бундай ҳолларда энг яқин дўсту ақрабо ҳам дақиқада ўзгаради. Олисни кўзлаган одам ана шундай дамларда ўзини йўқотмай ақлу иродасини тоблаяди...

## VII

*Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манга,  
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга.  
Амир Темурнинг амир Хусайнга ёзган байти*

Темурбек эллик чоғли хос навкарларини ёнига олди-да, Кеш сари йўлга тушди. Самарқанднинг катта бозорига кириб, совға-салом олди. Сўнгра йигитлари билан пойга қилишиб; Туркистон тизмаларига ўрлашди. Йўл-йўлакай зиёрат учун отаси билан кўп келган ва яшаган, болалиги кечган Жаку Барлоснинг қўши томон бурилди. Йигитларини қимиз ила ширвоз гўштига тўйдирди.

Бу ташрифининг бошқа бир сабаби ҳам бор эди. Амирнинг кўҳликкина қизи Турмиш оғани кўз остига олиб кўйган эди. У таҳорат қилиб ҳовлига чиққанида ошхона томон ўтаётган Турмиш бегимга кўзи тушди. Қиз турган жойида қотганча эгилиб салом берди-да, меҳмон кўздан пана бўлгунча ҳурмат сақлаб турди. Амирзода уйга кириб кетгунга қадар жойидан жилмади. Темур унга «тайёр бўлиб тур» дегандек бир кўз қараш қилди. Қиз бошини кўтармади.

Қишлоққа етмасдан аввал қабристонга, онасининг зиёратига бурилди. Қуръон тиловат қилди. Уйга хомуш, ўйчан кириб борди. Дардини отасига айтмоққа юзи чидамади. Устози Абдулла Қутбга ёрилди. Ул кишининг ва отасининг рағбати ила Турмиш оғага уйланди. Бир йилдан сўнг эса унинг тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгир дунёга келди.

У гўзал келинчагини ҳам оқ отга миндириб, Самарқандга олиб келди. Амир қўшинида ўзи ва йигитлари малакаси устида янада қатъийроқ ишлай бошлади. Тўрт нафар йигити билан Ҳисор тизмалари бағрида ҳеч кимнинг оёғи етмас бир ғорни топди ва ўша ерда

қурол-аслаҳа ва бошқа ашёларни тўплашга буюрди. Бу тутуруксиз, шоҳ киму, гадой кимлигини ажратиб бўлмас замонда, вақти-вақти билан барчасидан қўл силтаб, бирор-бир ғорда яшаш ва у ерда пухта режалар тузмок лозим деб ўйлади.

Бу ташвишлар амир Ёхмоқнинг ўлиmidан сўнг бошланди. Амирнинг Арслон исмли жиянидан бошқа меросхўри йўқ эди. Бироқ амир бу такаббур, бурнидан нарини кўрмайдиган жиянини ёқтирмас, бироқ еб-ичарини бериб, кунини яхши ўтишини таъминлаб қўйган эди. У икки гапининг бирида амакисининг бойлиги отасиники эканини тама қиларди. Амирнинг уни суймаслигининг яна бир сабаби, у ошкора равишда исломга кирмай юрарди.

Арслон Темурнинг мавқеидан, қўшиннинг уни яхши кўриши ва айтган сўздан чиқмаслигидан ташвишланар, қанчалик уринмасин, амакиси ҳаётлигида Темурни йўлдан олиб ташлай олмаган эди.

Хали амирнинг жасади ердан кўтарилмай, тупроққа етмай, барча катта-ю кичик, амиру умаро, косибу дарвешлар олдида Арслон Темурбекни изза қилди:

– Эй Темур Тарағай ўғли! Шу соатдан бошлаб сени аскарый хизматдан бўшатдим! – деди у жаноза дақиқасида.

Бу гап Темурнинг этидан ўтиб, суягига қадалди. Шу сўзни четга чақириб айтса ҳам майли эди, дея ўйлади қони қайнаб. Амакиси ўрнига амир бўлмоқликка ислом ва шарият қонуни бўйича ҳақ эди. Бунга Темурнинг ҳеч бир эътирози йўқ. Бироқ халқ кўз олдида уни изза қилганини кечириб бўлмас эди.

– Сен калтафаҳм, амирлик русумини билмайсан ва ўз ўрнида ишлата олмайсан! – жавоб қилди Темур қаҳрли овозда.

– Мен амир Арслонман! – деди у сен кимсан дегандек.

– Сенда лаёқат бўлса эди, амирлик мақомига лойиқ иш қилмоқни ҳам билар эдинг! – деди Темур қиличи дастасини сизлар экан, асабийлашиб.

– Бу болани даргоҳимдан ҳайданг! Беҳаё! Густоҳ! – деди очик ҳақоратга ўтиб Арслон.

У қиличини қинидан суғурганча Арслонга ташланди. Арслондан мансаб олмоқ умидида атрофини ўраб турганлар Темурнинг йўлини тўсишди. Илк ҳамладаёқ улардан бирининг қўли терисига осилиб қолди. Унинг ерга тушган қиличини чап қўлига олган Темурнинг икки қўлида икки қилич бор эди.

– Агар ҳақиқатда сен эркак ва амир Арслон бўлсанг, амирликка салоҳиятинг етса, мен боргунча жойингда турасан, қочмайсан! – дея ўшқирди у қаршисидагиларни икки тарафга итқитар экан.

Арслон уй томон қочди. Ранги мурданинг қиёфасига кирган эди. Темурга қаршилиқ кўрсатганлар ҳам сичқоннинг инини ижарага олмоққа киришдилар. Темур қиличининг қонини Арслон ташлаб қочган чопонга артиб, уни ўлоқтирди-да, саф тортиб турган кўшинга қараб хитоб қилди:

– Агар сиз ўзингизни асл инсон ва мард киши деб билсаларингиз, мардликка арзигулик қобилиятга лойиқ бўлсангиз, мени яна аввалги каби бош кўмондон билиб итоат этгайсизлар! Арслон каби кўрқоқ ва лаёқатсиз кимсаларга бош эгмаслигингиз лозим! Сизларнинг маошларингиз ва улушларингизни ҳар кишидан яхшироқ таъмин қиламан!

Кўшин Темурга қасамёд қилди. Темур шу кундан бошлаб бош кўмондон ва амирнинг асосий вориси бўлиб қолди. Бироқ Темур Арслонни ҳайдаб юбормади, ҳузурига чақириб шундай деди:

– Амирнинг мол-дунёсини иккига бўлдим. Бир қисми сеники. Ол. Ярми эса кўшин учун. Шахсан менга

бу бойликдан битта игна ҳам керак эмас. Бунга муҳтож ҳам эмасман! Муҳтож ўлсам-да, олмас эрдим.

Шариат қонуни бўйича Арслон динга кирмагани учун бу мол-мулкни Темурнинг ўзи олишга ҳам ҳақли эди. Бироқ у бундай қилмади.

Замонлар ўтиб қўмондон Темур, Хоқон Амир Темур бўлганида амир Арслон унга қилмишларидан пушаймон эканлигини, гуноҳларини кечиришини сўраб, мактуб ёзди. Темур ҳам унга жавоб ёзди. «Мен сенинг тавбангни қабул қиламан. Аммо сенинг инсонлар олдида қилган хиёнатингни унута олмайман. Чунки қилич зарбасидан етган жароҳат тузалиб, битиб кетади. Тилдан етган заҳа эса ҳаргиз тузалмайди».

Сўнгра у Амир Темурнинг амирларидан бирига, ҳазрати Соҳибқирон руҳсат берсалар келиб оёқларига бош урмоғини, лозим кўрсалар хизматига қирмоқчи эканини етказишни сўрабди. Темур бир оз сукут сақладида, деди:

– Таги паст, авлоди бузуқ, номард одамлар билан еган ошдан кўра мард инсон билан тезак терган афзалдур. Бул каби феъли тор ва нафси бузуқлар аралашса, давлат ишидан путур кетади! Авлод-аждодининг мол-мулкни кўкка совургани етар! Ишини қилиб тинч юрверсин! Биздан унга ёмонлиғ етмас!

Амир Ёҳмоқдан сўнг унинг девонини тасарруф қилиш, қў-шинни боқиш ва иш билан машғул этиш ёлғиз ўзининг бўйнида қолди. Энди у билан Мовароуннахр тупроғидаги барча амиру умаролар ҳисоблашишар, у ҳақдаги гап-сўзлар деярли барча мўғул бекларига, жумладан, Мўғулистон хони Туғлуқ Темур ва Мовароуннахр ҳокими амир Қазағанга ҳам етиб борган эди.

Юртдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни кузатиб турган Темур фурсатни бой бермай қўшиннинг ҳарбий ҳолатини яхшилар эди. Бу саҳройи амирлар ва ясама

хонлар билан инсонийлик, одамшавандалик йўли ила тил топишиб бўлмас эди. Темур бул мақсадда икки минглик қўшини билан даштларда ов уюштирар, тушган ҳайвонларнинг гўштини аскарга бериб, терисидан саваш кийим-кечаклари тикишар, лозим бўлса, сотишарди.

Ов замони қўшин бир неча минг таноблик майдонни камал қилиб ўраб олади ва не тур ҳайвону қуш бўлмасин, ҳалқа ичига қуварди. Ҳалқа торайгач, ўқчилар ўлжаларни мўлжалга оларди. Бу доирадан ўрмалаган жонзод борки қутула олмасди. Бу эски ов усули бўлиб, барча беклар, хонлар ва амирлар қўшинни боқиш оғирлашиб қолганида шу шикор усулини қўллар эдилар.

Темур лашкарларини овга жалб этиб, беш нафар мулозимни билан отларини кўкатга қўйиб юбориб, ҳаракатини қўзатиб турар эди. Улар бош қўмондонидан анча узоқлашганида, ҳузурига эллик чоғли қуролли отлиқлар келиб, ўз эътирозларини билдира бошладилар. Бу ерлар ўзларининг тасарруфида эканлиги учун ов қилмоққа бегоналарнинг ҳақи йўқлигини, бунинг учун жарима тўлаш лозимлигини таъкидладилар. Булар ҳақ бўлса, чиндан ҳам айб иш қилибмиз, дея ўйлади Темур ва улардан бу хусусда бирор бир ҳужжат сўради. Улар ҳеч бир ҳужжат кўрсата олмадилар.

– Сўзларингизнинг исботи учун бирор юрт, овул ёки зироат майдони ёки ҳеч бўлмаганда эккан бирор туп дарахтингизни кўрсатинг, биз ишонч ҳосил қилайлик. Эътибор берсангиз бу худудда бирор туп оғоч кўринмайди. Шу бойс, бу майдонни чўл деб атайдилар. Хаттоки бу ерга бирорта ўтов тикканингизда ҳам сизни тушуниб, майли ризқларини қиймайлик деб фикр қилардик, – деди Темур уларга босиқлик билан.

– Қаёрдандур келиб бизга насиҳат ўқима, бола! – деди уларнинг бошлиғи қўпол оҳангда. – Кимки бу ер-



дан фойдаланишга уринса, жонига жабр қилади. Тирик қолишни истаганлар эса жарима тўлаш билан қутулиши мумкин. Гапни кўпайтирмай муддаога кўч. Бизнинг ҳам тирикчилигимиз бор.

– Истасангиз туширган ўлжаларимизни сизга ташлаб кетайлик, – деди Темур ҳамон ўзини босиб. У балки бу ерлар уларнинг оталаридан қолгандир деган хаёлга борди.

– Шикоринг ўзингга буюрсин. Бу ҳудуддан фойдаланганинг учун минг танга тўлайсан!

– Биз сизлар ила бозорлик қиламиз дея чўнтагимизга тилла солиб чиқмагандик, – деди Темур қони қайнаб.

– Унда шартимиз бор, – деди ўша киши.

– Сўйланг шартингизни?

– Биз сизларни қўлларингизни боғлаб, қабиламизга олиб кетамиз. Минг тиллани олиб келиб топширганларидан сўнг бўшатамиз.

Биз сенга қўй эдик-а, қуллуклайсан ахмоқ, ўйлади ичида йигитларга ҳозирлик кўришга ишора этаркан Темур. Ёнида ўтлаётган отига қараб икки қадам юрдида, бир тўп ўқни олиб, оғзига тишлади. Эллик кишилиқ қурултой қабиласининг одамларида ўқ-ёй йўқ эди. Улар фақат қилич таққан эдилар.

Унинг тулпори ҳам қулоқларини чимириб, эгасининг имосини кутиб турган эди, соҳиби томон яқинлашди. Бу ҳолатни кўрган рақиблар қолган беш йигитни отга миндирмаслик чорасини излаб, қиличларини суғуришди. Бу муддат ичида бош кўмондон бир неча қурултойни ярадор қилиб улгурган эди. Ўқ еган рақиб аскарлари фарёд чекишиб, ўз сафларида саросима туғдирди. Улар йигитларни қўйиб, Темурга ташланишди. Темурнинг қиличи иккинчи отининг эгарида осиглиқ эди. Ўқ отишга халақит бермасин дея шундай қилган эди. Энди эса ўқ билан эмас, улар ила қиличлашмоқ лозим эди.

Оти билан бир чап бериб, ўқ еб отида осилиб қолган қурултойнинг қиличини суғуриб олди. Темур минган хоразм оти қилич чопиш учун қулай эди.

Темур ҳаётида илк дафъа ҳақиқий уруш нималигини шу ерда тотиб кўрди. Олти киши эллик чоғли лашкарга қарши савашдилар. Бу тўқнашув унинг ўз кучига бўлган ишончини мустаҳкамлади. У энди амирдан қолган икки минг аскар билан чўлни танг қилиб юрмай, қўшинни кўпайтириш ва каттароқ ишларга жазм этмоққа қарор берди. Қурултойлар қочиб қутулдилар.

Темурнинг маслаҳатига кўра унинг йигитлари сон жиҳатидан кўпчилик рақиб билан уларнинг ичига кирмай савашдилар. Озчилик билан кўпчилик урушининг усули шундай эди. Гуруҳни четдан ўққа тутиб, яқинлашганни чопмоқ лозим эди.

Қурултойлар йигирма икки кишини жанг майдонида қолдирдилар. Буларнинг аксари ярадорлар эди. Илк дафъа улар йигирма икки от ва қурол-яроғ ўлжа туширдилар. Қўшин бу жангдан беҳабар, ов билан машғул эди. Йигитлар сабоқ учун ҳар юзликни тўплаб, саваш тафсилотини сўзлаб бердилар.

## VIII

*Ўлдирилган йиртқичга қарама,  
ўлдириш керак бўлган йиртқичга қара.  
Амир-Темур*

Чиғатой улуси тасарруфидаги икки дарё оралиғи нотинч эди. XIII аср ўртасида улус Мўғулистон ва Туркистон хонлигига бўлиниб кетди. Еттисув ва Или водийсида қолиб кетган мўғуллар икки дарё ўртасига кўчиб бориб ўтроқлашган мўғулларни қораунас, яъни дурагай деб атай бошладилар, қораунаслар эса уларга жета, яъни ўжар, ёвуз деган ном бердилар.

Мўғулистон хони Туғлуқ Темур бу икки хонликни бирлаштириб, илгариги Чиғатой улусини тикламоқ ниятида эди. Мовароуннаҳр, яъни Туркистон ҳокими Қазонхон амир Қазаған томонидан ўлдирилгач, бошбошдоқлик янада авжига чиқди. Кеш, Бухоро, Бадахшон, Хўжанд ва Шош каби бекликлар ўзаро мавқе талаша бошладилар. Кўп ўтмай Чиғатой амири Қазаған ҳам Мўғулистон хони Туғлуқ Темур одамлари томонидан маҳв этилди.

Бу фурсатни истифода этган Амир Темурнинг амасиси Амир Ҳожи Барлос минг уч юз эллик саккизинчи йилда мўғул амири Баён Сулдуз билан иттифоқ тузиб, амир Қазағаннинг ўрнида қолган валиаҳд Абдуллоҳни енгиб, Кеш вилояти ҳукмдори бўлди. Барлосларнинг кучайишидан чўчиган Мўғулистон хони Туғлуқ Темур шу воқеадан икки йил ўтиб салтанати жиловини Туркистон томон бурди. Чиғатойхоннинг авлоди Туғлуқ Темур юриш бошламасидан бурун уч кишига – Темур Тарағай ўғли, амир Ҳожи Барлос ва амир Боязид Жалойир номига ёрлик жўнатиб, хузурига етиб келишларини сўради.

Бу чорловдан кўрқувга тушган Ҳожи Барлос билан Боязид Жалойир Амударё ошиб, Хуросонга қараб жўнаш

тадоригига тушдилар. Темур тезда улуг пир шайхулислом Зайниддин Абу Бакр Тайободийга чопар юбориб, маслахат сўради. Чопардан хат бериб юборишни сўради. Чопар қайтгунига қадар эса амакиси Ҳожи Барлос билан вазиятни муҳокама қилди.

– Кетсангиз халқ олдида уятга қоламиз. Туғлуқ Темурхон барибир, бу ердаги кучлар билан ҳисоблашади. Сулҳ тузади, – деди Темур амакисига.

– Туғлуқ Темурхон аввал сулҳга кўнса ҳам энди кўнмайди. Сабаби, унинг ғалабаси муқаррардир. Шундай экан, тайинли хони йўқ бу давлатда ким билан сулҳ тузади. У билан савашардигу қудратимиз етмайди. Ягона чора – молу жонни таҳқиру ғоратдан омон сақлаш тадбирини кўрмоқдир.

Ҳожи Барлос сафарни кечиктирмасдан эртасиёк йўлга тушди. Алам ва ҳасрат-ла она юрт билан видолашди. Жўнаб кетаркан, ичи куяр, ҳар уч-тўрт дақиқада чанқаб, ютоқиб сув ичар эди.

Темурбек шошилинич уйга қайтди. Уйида, бу юксак тоғларни меҳр-муҳаббат-ла, бу чексиз яйловларни садоқат-ла севган отаси Тарағай Баҳодир тўшакка миҳланиб ётган кўйи ҳаётининг сўнгги дақиқаларини яшамоқда эди.

Туркларнинг бу тоза қонли амири орзуларига етмай, буюк Турон юртининг бирлашган саодатли кунларини кўрмай, улус хону бекларининг миллат эътиқодларини улоқ-улоқ қилганидан азоб чекиб, изтироб ила сўнгги нафасини олмоқда эди.

Бироқ унга бир нарса таскин берар, шу боис хотиржам оёқ ўзатмоқни-да Оллоҳнинг неъматини қабул этмоққа ундарди. Бу унинг жасур ва мақсади йўлида ақл-идрокли иш тутувчи ўғли Темурбекнинг борлиги эди. Оллоҳ уни ноҳақ тухмат, бевақт ўлимдан асрасин! Эсини танигандан бери бошида ёвларнинг мушти, кўк-

сида ғанимларнинг изи қолмиш Туронни у озод эта- жак. Улус тириклиги, яшаётганлиги ва борлиги билан улус бўлиб қололмайди. Ақл-заковати, улуғ ишларга бел боғлаганлиги билан у халқдир. Бизнинг саҳроئي хонла- римиз буни ўйламайдилар.

Шу оғир ўйлар ила ўзига келиб-кетиб ётган кекса амир зўрға кўзини очди. Танадан жон қоча бошлагач, инсоннинг кўз очиб-юммоққа ҳам қуввати етмас экан-а, ўйлади, қаршисида ҳар бир хатти-ҳаракатига кўз-қулоқ бўлиб турган қизи қутлуғ Туркан оғо ва иккинчи хони- ми Қадақ Хотунга маъюс, беозор тикилар экаң. Аёл- лар унинг кўзларидан нени истаётганини англадилар. Амирнинг нур қочган нигоҳи тани, қони, юрагининг парчаси Темурни излар эди.

Эртаси эрталаб ўғли кириб келганида ҳам амирнинг аҳволи ўзгармаган, хотираси бир равшан тортиб, бир қоронғилашиб, лаблари алланималарни пичирлаб ётар- ди. Ота ўғлининг ўзи ётган хонаға кириб келганини сез- ди. Танаси қимирлаб, нафас олиши тезлашди.

...Тарағай Баҳодир икки кун, чамаси, хушсиз ётди- да, ўғли Темурбекнинг кафтига бошини қўйганча жон берди. Сўнгги икки кунда ўзига келса-да на қизи Қутлуғ Туркон оғо, на Қадоқ Хотун ва на Темур билан рози-ри- зочилик қилолмади. У ўғлига сўзини ўз вақтида айтган: она Турон оёқ ости, миллати келгиндиларга муте бўлма- са. Ниятлари амалга ошгани шу. Шунда у қабрида тинч ётади. Руҳи она Турон узра шод кезади.

Жасадни ювиб қафанлаганлар бемор узоқ ётган хо- надан хуш-бўй ҳид таралмоғи учун сойдан ялпиз юлиб келиб марҳум амирнинг устига, ёнларига қўйдилар. Уй бирпасда хулво исига тўлди.

Шундан сўнг қаерда бўлмасин унинг димоғига урил- ган ялпиз ҳиди қиблагоҳини эслатар эди.

Вафот қуни пешин намозидан сўнг, Амир Тарағай Баҳодир жисмини тупроққа топширдилар. Ота-оналари, бобо, буюк боболари айланмиш она ерга қўшилди у ҳам.

Биз ҳаммамиз тупроқмиз. Вақти келиб барчамиз инсонларни ўз бағрида кўтариб тургувчи, гиёҳу оғоч ўстирувчи мана шу она тупроққа айланамиз. Бу қўшилув – заминнинг ва таннинг бирлашуви Ватан аталгусидир!

Ватан – бу жону тан демақдир! Барчамиз ватанга айланажакмиз! Ва танимизда ватан яшаяжакдир!

*Барчамиз Ватанга  
Айланажакмиз!  
Ва танимизда  
Ватан яшаяжакдир!*

**Қадимги битиклардан**

Темур ҳаётида илк бор сиёсатнинг қурол кучи ила ҳал этилмайдиган қиррасига дуч келган эди. Қаршисида фақат ақл-идрок, чора ва тадбир кучи ила ечилувчи ватаний ташвиш турар эди.

Муаммони қурол кучи ила ҳал этмоқ учун ҳаракат қилиш усиз ҳам турли маъносиз савашларда, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик жангу жадалларидан толган, ғурури синмаган бўлса-да, ҳис-туйғуси ортиқчалигидан дўсту душманни ажрата олмай қолган, ҳокимиятни қўлга киритганда эса бу йўлдаги азобукубатни бир зумда унутадиган миллатни яна разолат ва боши бирикмаслик аждарининг оёғи остига ташлаш ила баробар эди.

Темурбек Кешга келганида уни устоз Амир Қулолнинг ўзи ва устоз Тайбодийнинг мактуби кутар эди. Шайхулислом Абу Бакр Тайбодий ўз мактубида шундай деган эди: «Ушбу дақиқада, сиз азиз биродаримизга бир йўл бор. Бу ҳам бўлса бориб, Туғлуқ Темурхоннинг қўлидан ўқ-ёйини олмоқ! Бу тадбир, иншооллох, Турон элини катта фожиалардан асрагай! Ўзга йўл хусусида бош қотирмоққа ҳожат йўқ! Сизга Оллоҳ ёр бўлажакдир!».

– Шайхулислом ҳазратлари ҳақ сўзлайдилар, – деди Темур ила илиқ сўрашган Амир Кулол шогирдидан Тайбодийдан мактуб олганлигини эшитгач. – Бошқа йўл йўқ, Темурбек. Ҳазратнинг мактубларида неларни ёзганларини ҳис этиб турибман. Зеро ақли-хуши бошида

бўлган ҳар қандай Турон ватансевари бугун шу тахлитда иш кўради.

Темур Амир Кулол қаршисида тиз чўкканча у кишининг сўзларини тинглар эди. Устознинг киши руҳига малҳамдек ёқувчи майин ва таскинли овози Темур руҳиятини аллалар эди.

– Туғлуқ Темурхон ҳузурига сиздан бўлак инсон зоти борса, оёғидан осадди. Буни яхши билган Ҳожи Барлос билан Боязид Жалойир ўз вақтида, бошларига қилич келмасдан, Турон тупроғини тарк этдилар. Юртни алғов-далғов қилган бу кишиларнинг кимлигини Туғлуқ Темурхон яхши билади. Чингизхоннинг эвараси сифатида у бу кишиларга берадиган жазоларини қонуний деб билади. Модомики унга қарши турадиган куч ҳали етилмаган экан, мурсою мадора қилмоқ лозим. Унинг олдида сизнинг қўлингиз ва виждонингиз тозадур. Сизга нисбатан ҳеч бир даъво ва эътирози йўқдир. Фақат амакингиз Ҳожи Барлоснинг хатти-ҳаракатларини юзингизга солиши мумкин. Ул инсон ўз иши ва қилмишига жавоб берадиган ёшдадур. Турон элида Туғлуқ Темурхонга юзма-юз бўладиган сиздан бошқа инсон йўқлигини у ҳам яхши билади. Иншооллох, Худо ишингизни ўнглагай! Хон ҳузуридан иззат-икром билан қайтгайсиз!

Сўзини тугатган устоз анча муддат Куръон тиловат қилди. Улар баробар юзларига фотиҳа тортдилар. Сўнг-ра устозу шогирд кучоқлашиб хайрлашдилар.

Темур шу куниёқ икки юз отлиғи билан Кеш четидаги манзилда маълум муддат тўхтаб, яқин дўстлари ила ўзаро маслаҳатлашиб, бир қарорга келди. Кечаси йўл юриб, эрта тонгда Самарқандга кирдилар. Самарқанддан туриб, Турон мулкидаги барча хону беклар, амиру лашкарбошиларга мактуб битди. Совға-саломлар билан улар ҳузурига ўз одамларини юборди. Темур уларга дўкпўписа қилмади. Иззат-ҳурматларини жойига қўйган



ҳолда улус бирлиги ва тинчлигини сақлаб туришни, яқинда катта, яхши ва улуғ ўзгаришлар бўлишини, ҳар қандай шароитда ҳам исён чиқариб, халқ бурнини қонатмасликни рижо этди. Бу сўзларга амал қилинмаса, келажакдаги турумларига пугур етишини ҳам эслатиб қўйишни унутмади.

Номи ва шухрати олис элларга ҳам етиб қолган бу ёш барлос туркининг сўзини бу гал барча турк ва бошқа қавмлар амиру беклари тингладилар.

Мана шу туйғу ёш лашкарбошини, тузишдан кўра бузишга рағбати кучли бўлган мўғул хони Туғлуқ Темурхон ҳузурига етаклаган эди. Ҳаёт шундай, буюк бир манзилга етмоқ учун минг бир номарддан чекинишга тўғри келади. Той минган тулпор ҳам минажак! Не қилиб бўлса ҳам шу кунда Туғлуқ Темурхон қўшинини мамлакатга киритмаслик керак. Унинг шаштини қайтармоқлик лозим. У қўлига қилич олган. Чопмоқ учун баҳона керак. Фақат элу юртга зиён-заҳмат етказмасин! Туғлуқ Темурхон отини эшитиши билан Туронни танг қилиб, бир-бири билан итдек талашиб юрган амиру беклар ининига кириб кетган эдилар.

Нигоҳи ўткир лашкарбошига кўзи тушган Туғлуқ Темурхон унга узоқ ва жиддий тикилди. Исмининг ҳам Темур эканлиги унга маъқул келди. Эл оғзига тушган авлоднинг номдор ўғлони сулҳ ва нажот истаб ҳузурига келибдими, демак, Туғлуқ Темурхонни икки дарё орасида кутишмоқда. Бу яхшилиқ аломати дея фикр қилди хон.

– Ота ерларимизда бизнинг сўзларимиз худди илгари замонлардагидек юражак. Тангри бу кунларга бизни етказди, – деди Туғлуқ Темурхон мамнунлигини яширмай. – Бизга не кўмак ва маслаҳат эта билурсан Тарағай Барлос ўғли? – дея сўради хон.

Хонга тўғри ва очик жавоб бериш керак. Акс ҳолда келажақда у билан ишлаш мушкул бўлади, дея ўйлади Темур ва эҳтиром билан сўзламоққа ҳозирланди.

— Биз аслида томири бир уруғлармиз. Биримизнинг этимизга тикан кирса, иккинчимизнинг танамиз оғрийди. Улус қай тарзда бўлмасин бир-бирларига зулм этилмоғига, қўшинларнинг элатни ғорат қилишларига чек қўйилмоғи керак. Хирож ва солиқлар хусусида ҳам оддий раиятга бир оз қайишмоқ лозим. Баъзи одамларнинг ўзбошимчалиги ҳам улус орасида норозиликлар туғдирмоқда. Сиздек буюк хоқон сўраган мамлакат раияти адолат ва фароғатда яшамоғи лозимдур.

Хоқон ёш қўмондоннинг сўзларини диққат билан тинглади. Айрим гаплари бир оз ботса-да, рост эди. Мўғул қўшинлари учун сафарда дуч келган жойни талон-тарож қилиш одатий иш эди. Улар бу нарсага шунчаки тирикчилик деб қарашар ва ўзларича гуноҳ деб билмасдилар. Маданийлашган Турон халқи учун уларнинг бу ёввойиликлари бегона, шу боис ўзаро келишмовчиликлар Чингизхон бу тупроққа қадам босгандан бери авж олганди. Бироқ бора-бора мўғулларнинг ўзлари ҳам турклашиб, сўнгра исломни қабул қилишгач, бу муаммолар енгиллашиб, ечила борди.

Темурбек Туғлуқ Темурда шундай таассурот қолдирган эдики, кўп ўтмай усиз бирорта муҳимроқ фармон бермайдиган бўлди. Темурнинг маслаҳатига амал қилиб, ўрдуга юриш давомида улусга зиён-заҳмат етказмасликни буюрди ва фармонини бажармаган аскарларини қаттиқ жазолади.

Темур Туғлуқ Темурнинг имтихонидан ўтган эди. Эски мўғул одатига кўра у ҳузурига келган амиру бекларни ўз мулозимларига топшириб қўйиб, обдон синашни тайинларди. Улар меҳмонни қуюқ зиёфат билан сийлаб, ички ичириб ва ҳатто уйланиши учун қизлар

таклиф этишар, иззат-икром қилишар ва бу ҳақда хонга билдириб боришарди. Иродаси метин каби Темурни ҳеч бир юмушда чарчатиб, толиқтириб бўлмасди. У билан чоғир ичишмоққа бел бойлаганлар ўрмалаб қолишар, у эса қимир этмай ўтираверарди. Бекорга бунинг исми Темур эмас экан, Туғлуқ Темурхонга амир бўлса арзир экан, деган хулосага келишди кузатувчилар ва фикрларини хонга билдиришди. Хон ҳузурига Темурни олиб киришларини буюрди.

Хоннинг сихати жойида эмасди. У ҳаёт ва маишатдан тўйган, унинг яшашга эмас, ҳукмронликка иштиёқи қолган холос ва ҳадемай бу умид ҳам сўнадигандек кўринарди.

– Сен бизга ёқдинг, барлосий ўғлон. Садоқат ила хизмат қиларсан деган умидда мингбошилиқ мансабини берурмиз. Бу ҳали боши. Бу ёғи ўзингга, ҳизматингга боғлиқдир. Бизнинг манфаатларимиз ва шарафимизни Туркистон ерида ҳимоя этишингга шубҳамиз қолмади, – деди дўриллаган овозда Туғлуқ Темурхон. Сўнгра эшик оғасига меҳмон сарпо кийдиришни буюрди.

Темурбекнинг елкасига пўстин ёпиб, бошига тулки терили тумоқ кийгиздилар. Кумуш безакли эгаржабдук, ёпуқ ва бошқа от анжомларини келтириб қўйишди. Қилич, чўмоқ ва ғилофли, каркидон сопли пичоқ тақдим этдилар. Хон эшиги олдида унинг қўлига зотдор тўриқнинг жиловини тутқаздилар.

Мўғул хонлари кейинги беш-ўн йилда Турон мулкида яшовчи қавмлар бошлиқлари ёки лашкарбошиларига бундай иззат-икром кўрсатмаган эдилар.

У Кешга душманнинг дамани пасайтириб, юмшатиб қайтган эди. Бу воқеани ақлли кишилар эл-юртни асрашга йўйдилар. Туғлуқ Темурхоннинг Темурбекнинг тан олиши ва унга мингбошилиқни бериши ғанимларга маъқул келмаганди. Туғлуқ Темурхоннинг исмини

эшитса шайтонлаб қоладиган айрим амир ва беклар Темурни сотқин дея иғво ҳам қилдилар. Лекин у Туронни мўғул хони отларининг топташидан асраган, халқ бу сулҳдан мамнун эди.

Темур Кешга келибоқ қўшин тўплашга киришди. Хизр Ясовурий бошчилигидаги Самарқанд қўшини ҳам келиб унга қўшилди.

Худди шу пайтда Жета амирлари Туғлуқ Темурхонга қарши исён кўтардилар. Бу аҳволдан ташвиш чеккан хон Темурни ҳузурига чақириб, унинг фикрини сўради. Темур ҳар ҳолда исёнчиларнинг тизгинини тортиб қўймоқ лозим, акс ҳолда улар эртага яна каттароқ талаблар билан чиқишлари мумкин деган фикрни билдирди.

Қисқа суҳбатдан сўнг, хон Темурнинг қўлига унинг Мовароуннаҳр ҳокими эканлиги қайд этилган ёрлиқни тутди. Йигирма беш ёшли амирзода Мовароуннаҳр тахтига ўтирди.

Бироқ Темурбекнинг ҳукмронлиги узоқ давом этмади. Жетанинг исёнчи амирларини бостиришдан қайтган Туғлуқ Темурхон қўшини билан яна икки дарё оралиғига кирган эди. Хон қўшинларининг экинзорларни пайҳон қилиб юриши улусда норозилик туғдирди. Темур буни одоб билан хонга билдирди. Аммо Туғлуқ Темурхонга бу гап малол келди. Табиатан ақли кишиларни суймайдиган мўғуллар хони жуда ёш, сўзлари кескир бу йигитни ўзига эмас, раиятга қайишишини ҳазм қила олмади: Латгачайнар ўғли Илёсхожа билан солиштириб улар орасида ер билан осмончалик фарқни кўриб жини кўзиди. Бироқ оғзи қийшиқ бўлса ҳам хоннинг ўғли сўзлашини лозим топди...

Ниҳоят, Туғлуқ Темурхон шундай қилди. Ҳокимиятни Амир Темурдан олиб, ўғли Илёсхожага топширди. Темурга эса сипоҳсолар, яъни бош қўмондон лавозимини

таклиф этди. Темур индамай рози бўлди. Бироқ хоннинг бу асоссиз иши унинг кўнглига оғир ботди.

Туркларнинг уди йилига мувофиқ бўлган хижрий етти юзу ўн иккида (1312), Дашти Қипчоқ тахтига Тўқтахон вафотидан сўнг, Ўзбакхон ўтирди. У саккиз йил мобайнида подшоҳликни ўз дини ақидалари асосида бошқарди. Сўнгра машойихлар ва мусулмонлар шайхи, авлиёлар қутби, ҳазрати Занги ота ишорати ва саййидзода, Аллоҳнинг иродаси билан йўлдан адашувчиларни тўғри йўлга солгувчи, муридларнинг пиру муршиди, толибларнинг қўлловчиси ҳазрати Саййид ота яъни, Занги отанинг халифалари орқали туркларнинг дақуқ йилига мувофиқ бўлган етти юзу йигирманчи хижрий йили ислом динини қабул қилди.

Султон Муҳаммад Ўзбакхон давридан бошлаб, рус солномаларига Олтин Ўрда номи билан кирган Жўчи улуснинг турклашган ва исломни қабул этган қабила, уруғларига нисбатан ўзбакийлар, ўзбеклар атамаси ишлатила бошланди. Мазкур хон даврида давлат юксак қудратга эришиб, ўзбаклар Чигатой улуси ерларига ҳам таҳдид сола бошлади. Ўзбак қавми Хоразмда ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларда кенг тарқалдилар. Амир Темур Жўчи улуси пойтахти Сарой Беркани текислаб арпа эктириб юбормагунга қадар улар икки дарё оралиғи тинчлиги, озодлигини ва бирлигини бузиб, хавф солиб келардилар.

Жўчи улусининг қўшинлари ҳар йилда бир неча бор келиб Турон шаҳар ва қишлоқларини ғорат қилиб, қаршилик кўрсатганларни қиличдан ўтказиб қетишарди.

Мовароуннаҳр ҳокимлигидан сўнг бош қўмондонликка тайинланган Амир Темур тез ва кескин ҳаракатлари билан мўғул босқинчи тўдаларнинг Турон ерини оёқ ости қилишига чек қўйди. Улар Амударё ва

Сирдарёдан ўта олмайдиган бўлиб қолдилар. Халқ оз фурсат бўлса-да Жета таҳликасидан халос бўлиб, эмин-эркин яшай бошлади.

Темурдан чўчиган Илёсхожа фиску фасод тўнини кийиб, ғайирлик йўлига кирган эди. Отаси Туғлуқ Темурхонга мактуб битиб, Темур Тарағай Баҳодир ўғли бизга нисбатан исён тифини кўтарди, дея тухмат тошини отди. Бу ифвога учган хон Темурни ўлдириш ҳақидаги фармонга имзо чекди.

...Тақдирнинг ўйинини кўрингки, фармон тўппатўғри Темурнинг қўлига келиб тушди. Шу дамдан бошлаб у улусни бу босқинчилардан халос этмаса, кун кўролмаслигини чуқур англади. Не усул билан бўлмасин, ҳокимиятни қўлга олишдан бошқа йўл қолмаганини тушуниб етган эди.

Бироқ сотқинлар Темурнинг муддаосини душманга етказдилар. Буни билган Темур атрофидаги энг содиқ дўстларини тўплаб уларга мурожаат қилди:

– Дўстларим! Туроннинг асл арслонлари! Мен сизга мурожаат этгайман! Алп Эр Тўнга руҳи ҳаққи-хурмати биз буюк кураш ва нажот олдида турибмиз! Ғаним кучли ва айёр! Биз у билан қаерда бўлмасин урушамиз ва енга-миз! Бироқ Самарқандда жанг қилиш оғир кечади. Халқ қирилиб кетиши мумкин. Ҳозироқ шаҳардан чиқамизу тоққа кетамиз. Ўша ерда куч тўплаб, машқ қиламиз. Юрагида ўти бор инсонлар ортимиздан эргашиб боради!

Темур ҳайё-ҳув деб тоққа чиқиб кетди. У ерда дўстлари ила гулхан ёқиб, келажак режасини пишита бошлади. Кўп ўтмай қирқ кишилик гуруҳ бир ярим минг кишилик чиниққан қўшинга айланди. Темур йигитларини руҳан ва жисмонан катта ишларга ҳозирларди. Юртининг мўғул зулмидан тезроқ қутулишини истаган одамлар уларга нима топса, етказиб бериб турди.

Темурнинг бу ғорни топиши жуда қизиқ бўлган эди. Унинг Самарқандни олиш учун тезкорлик билан қилган ҳаракати ижобий натижа бермагач, у Яккабоғ орқали тоққа чекинди. Шом қоронғисида қолган-қутган қўшини билан Яккабоғга кирди. Қасаба четидаги қишлоқда бир уй эшигини қоқишди. Лашкарлар уй соҳиби бўлмиш Дархон кампирдан бошпана сўрадилар.

Оч-наҳор сипоҳийларни кўрган кампир уларни не емак ила меҳмон қилишга хайрон бўлди. Сабаби, камбағал эди. У бир амаллаб атала пиширди. Атала дастурхонга қўйилгач, бир неча кундан бери туз тотмаган Темур аталани ялаш учун кўрсаткич бармоғини тол товоқнинг ўртасига тикди, дарҳол тортиб олди. Атала қайноқ эди. Унинг хатти-ҳаракатини кузатиб турган ва меҳмонларни танимаган кампир сўз қотди.

– Э-э-йи, болам-ей, сенинг атала ялашинг худди Темурбекнинг шоша-пиша Самарқандга қилган режасиз ҳужумига ўхшайди-я!

Бу сўздан сўнг аталаси оғзида қолган Темур хайрат ила кампирдан сўради:

– Момо, айтингчи, сиз айтган ўша Темур не қилса тўғри бўлур эди?

– Аталанинг тавоқнинг совуганроқ четидан бошлаб ялайдилар, болам. Темурбек ҳам шундай қилиб, шошмасдан, душман кўзидан йироқ жойда куч-қувват йиғиши лозим эди. Сўнгра, шошқалоқлик билан Самарқандга ҳужум бошламай, олдин унинг атрофидаги туману қишлоқларни, вилоятларни эгаллаши лозим эди. Сўнгра Самарқандга юриш қилса бўларди...

Кампирнинг сўзлари Темурни ўйлантириб қўйди. У момодан кўздан панароқ шундай бир масканни кўрсатишни илтимос қилди. Дархон момо сипоҳийларнинг бир отига миниб уларни Тошқўрғонга олиб келди.

Замон ўтди. Оддий бек Темур Соҳибқирон Амир Темурга айланди. Ўзига ўринли танбеҳ бериб, тўғри йўл кўрсатган Дархон момони унутмади. Момога бир авлодига етгулик ҳадя, совға-саломлар билан чопар юборди.

– Соҳибқирони аъзам Амир Темур ҳазрати олийларининг дуойи-саломларини қабул этиб, тилагингизни тилар экансиз! – деди чопар момога.

– Менга молу дунё керак эмас. Ҳазрат Соҳибқирон мени йўқлабдиларми, ул кишини Оллоҳ йўқласун! Ул улуғ зотга бориб айт. Имконлари бўлса қишлоғимиз ва шу атрофдаги даштларга ариқ қаздириб, сув чиқариб берсинлар. Абадул-абад эл дуоси остида қоладилар. Тилагим шу, – деб жавоб қилди Дархон момо.

Соҳибқирон Амир Темур Дархон момонинг тилагини мамнуният ила бажо келтирди. Ариққа Дархон момо исмини қўйишни, бу мунис момо аҳволидан хабар олиб туришни тайинлади. Бул она вафот этганини эшитгач, Кешга келаркан, ўша бир кеча тунаган ғариб кулбага ташриф буюриб, момо руҳига фотиҳа ўқиди.

...Бугунги кунда ҳам эл-улусга ҳаёт бахш этиб оқаётган, Қизилдарёдан тоғли Чигатой қишлоғи орқали қазиб келинган Дархон ариғи момомизнинг муборак номига ва хотирасига қўйилган ҳайкалдур...



*Туя минган одам қўй орасига беркинмас.  
Халқ сўзи*

Туғлуқ Темурхоннинг арзанда ўғли Илёсхожа жимгина, тинч-тотув, Оллоҳнинг берганига шукур қилиб давру давронини сураверганида ҳеч ким унинг мушугини пишт демас эди. Ғавғони ўзи сотиб олди.

Туғлуқ Темурхон икки маротаба қақирганида келмаган Чиға-той амири Хусайнбекнинг таъзирини бериб, кўзини мошдек очиб қўймоқчи бўлди. Худди шу арзимас баҳона билан Турон тупроғида уруш оловини ёқди. У Ҳожи Барлос, Баён Сулдуз ва Кайхусрав каби амирларни ўртадан кўтариб ташлаб, яна ўз қавми, хешу ақраболари ҳукмронлигини ўрнатмоқчи эди. Унинг режасига кўра амир Бекчик бошчилигидаги ўрду Балх, Бадахшон ва Кобулни қўлга киритиши керак эди.

Ҳагги-ҳаракатларига кўра Илёсхожа отасидан пишиқроққа ўхшарди. У туронликларнинг охири бир кун бирлашиб, ўзларига қарши курашишини биларди. Шу боис рақиб кучаймасдан ва бирлашмасдан туриб уни янада парчалаб, жой-жойида янчиб ташламоқ лозим дея ўйлар, бунинг учун отасидан йўл-йўриқ ҳам олган эди.

Тахтга ўтирган куниёқ амир Хизр Ясовурийга Тошкент ва Сарипулни, Амир Боязид Жалойирга Хўжанд вилоятини берди. Амирлар ичида энг тажрибали ва ёши улуғ Хизр Ясовурийни ўзидан сал узоқлатиб қўйган бўлса, доимий назоратда тутиш учун Темурни ёнида олиб қолди. Лекин барибир унинг бу қатта урушга олиб борадиган сиёсати охир-оқибатда Турон ерида мўғуллар ҳукмронлигини тугатилишига олиб келишини у ҳали чуқур англаб етмас, бу нарса фикрининг бир четида турса-да, бунга унчалик ишонмас эди.

Илӛсхожа Хизр Ясовурий билан Темурни Балхни тартибга келтириш учун юборишга қарор қилди. Амирлар хон ўгли сўзига қош қайирмадилар. Бироқ уларнинг ҳам бу қонли юришга рағбати йўқ эди. Илӛсхожа иккисини Самарқандда маъносиз бир ҳафта ушлаб ўтирди-да, сўнг кетишга рухсат берди.

Хизр Ясовурий ва Темур Самарқанддан чиқиб, Туркистон тизмаларининг энг юксак Ойқор чўққиси этагидаги кенгликларда кўшинни кўздан кечириб, от чоптирар эканлар, кўнгилларига Оллох яқинлашиб келаётган саодатли кунлар умидини солди. Иккиси ҳам яқин кунларда қандайдир улуғ ва тарихий воқеалар юз беришини сезаётгандек эдилар. Айниқса, ўйчан Темур фикрини бир ерга тўплашга уриниб, ягона ва тўғри қабул қилиниши керак бўлган қарор ҳақида бош қотирар эди.

Бутун Турону Туркистон амирлари бирлашиши мумкин бўлиб турган шу тарихий дақиқаларда Кобулни илгида тутиб турган Амир Ҳусайн билан Балх ҳокими Баён Сулдуз орасига низо тушди. Бу хабарни Темурга дастлаб қайноғаси Амир Ҳусайннинг чопари олиб келди. Темур Турмиш оғога уйлангандан бир ярим йил ўтгач, Амир Қазағаннинг набираси, Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжай Туркон оғани олган эди никоҳига. шу боис, Амир Ҳусайн Темурни ўзига хизмат қилиши лозим деб ўйлар,

Турон ерига қонуний хон сифатида Самарқанд тахтида фақат ўзини кўрар эди. У билан муносабатда бўлиш Темур учун олов билан ўйнашишдай гап эди.

Айни дамда шундай ҳолат юз бердики, хон чақирғига биноан Хўжанд ва Тошкентдан чиқиб йўлга тушган Боязид Жалойир ва Хизр Ясовурий кўшинлари Туркистон тизмалари этагида дам олиб турар, Темур кўшини ҳам уларга яқин масофада эди. Ўзлари билмаган ҳолда

тақдир бу уч амирнинг бошини кўшиб, улуғ ишга ундәётгандек эди.

Улар Темурбекнинг оч ҳаворанг ўтови томон келардилар. Ўтов олдида наридан-бери юриб турган Темур ёз бўлса-да, чўққиларда эриб битмаган қорларга термулганча ўй сураб, хаёлига келаётган фикрлардан юраги хапқирарди. Ўсмирлигида ёзиб, устозига кўрсатган шеъри беихтиёр хаёлида жонланди:

Ёғийлар зулмидан азоб,  
Чеккан, юртим Турон, бирлаш.  
Юмуш битмас, замон кутмас,  
Ярин эрмас, шу он бирлаш...

Боязид Жалойир билан Хизр Ясовурий Амир Темурга ҳурмат-эътибор кўрсатиб, ҳадялар тақдим этдилар. Темур ёши улуғ амирларнинг ўзига кўрсатган мулозаматларидан хижолат чекди. Бу учрашувнинг тафсилоти хонга бориб етмаслигини ўйлаган Темурнинг кўнгли алағда эди.

Ўтовга кирган уч амир ҳам юмшоқ кўрғачалар ва парёстиклар ўзларига мунтазирлигини, суфра нозу неъмат ва ичкиликларга тўлиб турганини кўрсалар-да, қайрилиб қарамадилар. Уч амир ўлим ва нажот орасидаги юрт тақдирини ҳал қилувчи қарорни қабул этишлари керак эди. Учови ҳам чордана қурганча ўйга толгандилар. Темур ёши улуғ амир Хизр Ясовурийга сўйланг дегандек қаради. Амирга шундай боқдики, бу нигоҳдан «менинг кўзларим ичидаги гапни сўйланг, бошқа йўл йўқ» деган маънони уқмоқ мумкин эди. Чуқур нафас олган амир кумуш тасбеҳини ўгирганча, бир муддатга кўзларини юмди.

– Ло илоҳа иллоллоҳ, ашҳаду анна Муҳаммадур расулуллоҳ, – деди паст овозда. – Бисмиллоҳи раҳмони

рахийм. Оллоҳ ишимизга оқ йўл ва зафар ато этсин! Маълумингизким, Мўғулистон юрти нотинч. Туғлуқ Темурхон эса эрта-индин оёқ узатиши ҳам мумкин. Бу нарса, табиийки, Илёсхожани ота юрти тараф етаклайди. Агар у отадан сўнг ҳокимиятни қўлга олмас экан, бу ердан ҳам насибаси узилади. Мўғулистон тахтига ўтирган одам унинг терисини шилиши турган гап. Биз ҳам бировлар қони тўкилишини истамаймиз. Сабаби, томиримизда туташлик бор. Фақат улардан адолат ила иш юритиб, раиятга зулм этмасликни сўраб келдик. Бироқ улар шу тоифа инсонлар эканки, инсон зоти нари турсин, ҳатто Худонинг ҳам айтганини қилмайдилар. Бундай қавмнинг ҳеч қачон бири икки, ризқи бутун ва давлати юксалиб, дови юрмайди. Не-не буюк салтанатлар курсалар-да, вақти-соати етиб ер билан яксон бўлаверади. Ҳеч қачон зулм шами тонггача ёнмайди. Оқшом, тун қоронғисида бирор киши уни ўчиради. Бу катта шам ўчганча унинг ёнидаги бизга ўхшаш шамчалар ҳам ўз-ўзидан сўнадилар. Шундай экан, ақлимизни тўплаб, эртага халқ олдида юзимизни ёруғ қилувчи чора-тадбирни кўрайлик. Мўғул амиру хонларига ўхшаб болаларимиз жасадимизни яшириб, киши билмас ерларга кўммасинлар. Бу ишни не тариқа амалга оширамиз ўзимизга боғлиқ. Менга келсак, қилич кўтаришга қурбим етар экан, ёнингиздамен, – дея титроқ овозда гапини тугатди Хизр Ясовурий.

Ясовурий ҳаяжонланиб, овози бўғилиб қолди. Қўлрўмолини кўзларининг икки четидан сизиб чиққан ёшга босди-да, бошини эгиб олди. Унинг сўзларидан таъсирланган суҳбатдошлари бир муддат сукут этдилар.

– Хон Самарқанддан чиқиши ҳамано ишни бошламасдан, уни Турон тупроғидан чиқиб кетишини кутмоқ лозим. Бўлмаса қон тўкилади. У бизнинг қарорни эшитса-да, орқага қайта олмасин, – деди ўз лаҳжасида сўзлаб

Боязид Жалойир. – Шунда биз бирлашиб, Жайхун томон юрамиз. Баён Сулдуз билан жиддий гаплашиб, уни инсофга чорлайлик. Бирлигимизга путур етказмасин. Кўн-маса, йўлдан олиб ташлайлик. Токи бу номаъқулчилик нонини бошқа амирлар емасун! Тўрт ўрду бирлашиб, Кобул ва Балхда куч тўплаб, у тарафларда адолат ўрнатиб, элни тинчитайлик. Сўнгра Қундуз ва Бадахшонда ҳаётни изга солсак, шунда улуснинг бизга ишончи ортади. Ким билан урушсак енгмоққа қурбимиз етади. Акс ҳолда, бизни битта-биттадан йўқотадилар, – фикрини сўйлади Боязид Жалойир.

– Фикрингиз тўғри, бироқ учимиз бирдан кетиб, хонни чўчитмаганимиз дуруст. Ҳарҳолда у сиз билан менга ўхшаш кичик бир амир эмас. Бутун бошли қўшини, тоғдек хоқон отаси бор, – деди мулоҳазаларини баён этаркан Темур, – қўлини қаерга узатса етади. У ҳозир ўзини барчамизга ишонганга солиб турибди. Лекин юрагининг тубида қайсимизга кўпроқ ва озроқ, қай биримизга умуман ишонмаслиги ўзига аён. Бирортамиз қолиб, унинг фармонини бажариб, хатти-ҳаракатидан хабардор турмоғимиз лозим деб ўйлайман. Юзда юз юртдан узилсак, бу ёғи нима кечади? Тўғри маълумотни кимдан оламиз? Ўзимиз сезиб-сезмаган ҳолда икки дарё оралиғини уларга ташлаб чиқиб кетган бўламиз. Худо ишимизни ўнглаб қайтиб келсак-ку, хўп-хўп. Дўнмоқ кечикса-чи? Улар ҳар тарафдан қўшин киритиб, мустаҳкамланиб олсалар-чи? Шуларни ҳам ўйлашимиз керак.

– Сўзларингиз ўринли; иним, – деди Хизр Ясовурий. – Бу ерда биримиз қолмоғимиз шарт. Душманнинг сиртида эмас, ичида бўл дегани тўғри.

Шундай қилиб, Боязид Жалойир ватанда қоладиган бўлди. Темурбек билан Хизр Ясовурий Балх тарафга йўл олишди. Темур Қопуғда Амир Ҳусайн билан учрашди-

лар. У анча фурсат бурун Жайхундан ўтиб, қўшинини Термиз атрофига ерлаштирган эди. Бу ерда Темур ўтовидаги суҳбат давом этди. Амир Ҳусайн ҳам бу ишга бош қўшишини билдирди. Уч амир кенгашиб, уч минтақа – Ҳисори Шодмон, Хутталон ва Бадахшонга элчи юбориб, улус тақдири ҳал этилаётган дақиқада барча Турон амирлари бирлашмоқлари лозимлиги уқтирилди ва хабарни олишгач, зўдлик ила Соли Саройга етиб келиши ёки хабар бериши таъкидланди. Бироқ қанча кутишмасин, амирлардан ҳам, элчиларидан ҳам дарак бўлмади.

Бу орада Темурга Илёсхожахоннинг Самарқандни тарк этгани ҳақидаги хабар келиб етди. Темур билан Хизр Ясовурий бу пайтда Бадахшонга қўшин тортиб бораётган эдилар. Катта ваъдалар билан дўсти Темур ва Хизр Ясовурийни ҳузурига чақирган амир Ҳусайн ўзини ва қўшинини асраш учун чекинди. Ҳусайн аслида, ўз душмани Баён Сулдузга қарши Темурни юбориб, иккисининг ҳам маҳв бўлишини кутганди. Темур бу хийлани кейинчалик сездди. Дўсти ва қариндоши қилган бу ишдан изтиробга тушса-да, аламини ичига ютди.

Бироқ амир Баён Сулдузнинг Темурдек кучли лашкарбоши ва Хизр Ясовурийдек тажрибали қўшин қўмондони билан курашишга юраги бетламади. Кўчкўронини йиғиштириб, Бадахшон томонга жўнади. Бадахшон амири шох Баҳроуддин ҳам у билан бирга қочди.

Хизр Ясовурий билан Темур амир Ҳусайннинг найрағу ўйинларига қарамай, уни хулоса чиқариб, инсофга келар деган ўйда Ҳисори Шодмон билан Бадахшонни унга беришди. Энди Балх билан Кобул томонга юришининг ҳожати йўқ эди. У тарафга кетсалар, юрт эгасиз қолади. Ҳар икки амир аввал ўз улусига бориб вазиятни ўрганиш ва сўнгра биргалашиб ҳаракат қилишга аҳдлашдилар. Темур Кешга, Хизр Ясовурий эса Тошкент томон жўнади.

Шошқалок амир Хусайн Хисори Шодмонда яна қовун туширди. Бу ер тасарруфига ўтгани ҳамано эски рақибларини, Баён Сулдузнинг яқинларини жазолай бошлади. Кўпларни чўби ясоққа торттирди. Хутталон ҳокими Кайхисравнинг қардоши Кайқубод Хутталонийнинг бошини кестирди. Хисори Шодмон халқининг молу мулки батамом мусодара этилди. Бу воқеалардан қаттиқ ранжиган халқ қўлига дуч келган нарсани олиб, кўчага чиқди. Қўзғолончиларга шаҳарнинг етук кишиларидан бири Туғлуқ Сулдуз етакчи эди.

Амир Хусайн шу атрофдаги қалъалардан бирига бориб яширинди ва Ясовурий билан Темурга чопар юборди. Улар етиб келишмаса, аҳволи оғирлигини, бу юртлар қўлдан кетиши мумкинлигини таъкидлади.

– Амир Хусайн ҳар қандай жазога муносиб одам. Бироқ бирлигимиз ҳаққи Хисори Шодмон ва Бадахшонни қўзғолончилар қўлида қолдирмаслик керак. Очяланғоч кимса қўлига қурол олиб кўчага чиқдимиз, бас. У хаёлига келган номаъқулчиликни қилади. Уни тўхтатиб, инсофга чақираман деганни ҳам ўлдиради, – деди Темур бу хабарни эшитгач, энг яқин одами Жаку Барлосга. – Сафар ҳозирлиги кўрилсин, Хисорга жўнаймиз.

Хизр Ясовурий ҳам ўз вақтида йўлга тушган эди. Икки қўшин келаётганини эшитган Туғлуқ Сулдуз исёнчилари таслим бўлдилар. Бундан мамнун бўлган Амир Хусайн икки қўмондон шарафига саккиз кун зиёфат берди.

– Бу таомларни бизга эмас, улусга беринг. Сизни бир марта келиб ҳалокатдан қутқардик. Бундан сўнгра бу ишнинг уддасидан чиқамизми, йўқми Оллоҳ билади. Раият эса ҳар замон сизни балою қазолардан асраши мумкин, – деди Темур дўсти ва қайноғасига ҳали-бери сенга ақл кирмайди чоғи деган писанда билан.

– Бу одамларга ота-бобом, аждодим чексиз яхшиликлар қилди. Бироқ буларнинг феъли итнинг феълига ўх-

шайди. Ким олдига суяк ташласа, думини ликиллатаве-  
ради. Хаммасидан тўйганман. Пачакилашиб ўтиришдан  
чарчадим, – деди амир Хусайн ҳаётдан ҳафсаласи пир  
бўлган оҳангда.

– Яхшими-ёмонми шу эл бор эканки, сиз унга амир-  
сиз, бошсиз, Хусайнбек! Мана шу авом одамларсиз бал-  
ки сиз ҳам, мен ҳам қаердадир чўпонлик ёки отбоқарлик  
қилиб юрардик, – деди Темур овозини баландлатиб. –  
Улусни қоралаш инсофдан эмас. Ота ёки онамиз жоҳил,  
ўқимаган ва дунёни англаб етмаса, улардан воз кечмай-  
миз-ку! Отанг тўнғиз бўлса, боғлаб боқ, деган нақл бор!  
Эл ёмон экан, демак, шу пайтгача унга ёмон элбоши-  
лик қилганлар ва тўғри йўлини кўрсата билмаганлар.  
Бир диндан чиқиб иккинчисига кирган ва дуч келган  
муттаҳамдан пайғамбар ясаб, унга сиғиниб юрган одам-  
ларни қўлимиздан келса тўғри йўлга бошлайлик. Бўл-  
маса бу масъулиятни бўйнимиздан соқит қилишимиз  
керак. Неча йиллардирки, улусимиз ётлар йўриғи билан  
юради.

Амир Хусайнга сўзлари оғир ботаётганини сезса-да,  
уни-яхшилаб тузламоқ лозим эди. Бу муттаҳам амирлар-  
га бул каби сўзларни ҳар ким ҳам ботиниб айтавермай-  
ди, дея ўйлади у ўзича. Зора инсофга келар. Яхшими,  
ёмонми атрофингда бу каби тағ-туғли амирлар турмаса,  
катта мақсадга эришиш қийин. Қандай қилсак ҳам бу-  
ларни йўлга солмоқ керак. Бу ишнинг уддасидан чиқа  
олмадингми, демак, ожизсан. Юртга етакчилик даъво-  
сидан воз кечмоғинг керак.

Дўстларнинг баҳси ниҳоясига етгани йўқ эди. Кешдан  
чопар олиб келган хабардан иккилари ҳам тош қотишди.  
Чопар Кеш вилоятини яна ҳожи Барлос эгаллаганини,  
Самарқандни қўлида тутиб турган Боязид Жалойир ик-  
каласи бирлашиб, Туроннинг бошқа вилоятларини ҳам  
олиш режасини тузаётганини билдирди.



— Ўзагингни ўзингники узади деганлари шу экан-да, — деди Темур Ясовурийга зимдан тикилиб. Жондек амакимиз бул ишга қандай журъат этди, Оллоҳга ҳавола. Лекин Боязидбекнинг ўтовимдаги ваъдалари ҳали хотирангиздан кўтарилмагандир. Майли. Барчаси Оллоҳнинг иродаси. Самарқандга от сурамиз, Кеш орқали.

Икки қўшин Кеш томон дадил юрар экан, Темур Ясовурийнинг хаёли жойида эмаслигини, сўзларида, ҳаракатларида олдинги қатъият, дадиллик йўқлигини фаҳмлагандек бўлди. Бу ҳам думини тугиб қолмаса эди, дея хаёлидан ўтди. Дарвоқе, одам боласининг лафзи қизиқ экан. Кеча Боязид Жалойир билан не-не ваъдаларни қилиб, қўл олишган эди. Бугун салкам Мовароуннаҳр ҳокимига айланди. Майли, Оллоҳ пешанасига ёзган экан, буюрсин. Бироқ қани ўртадаги аҳду-вафо? Иш бошланмасдан ўйинни бузиб турган бу кишилар билан буюк мақсад йўлида бирга юриши мумкинми? Буларнинг кўзини ва кўнглини тўйдириб, бошига муштлаб турмасанг, айтганингни қилмайди.

Қўшин Кешга яқинлашгунига қадар ҳам, Темур амасисини ўзига қарши чиқмаса керак деган ўйда эди. Ҳар қандай шароитда у билан урушмоқчи эмасди. Бироқ шухратпараст бу барлос амири ўзини шу хилда тутдики, Темур урушдан ўзини тортса Ясовурийга хиёнат қилган маъно чиқарди. Қанча чопар юборишмасин, Ҳожи Барлос инсофга келмади. Сулҳга рози бўлмади. Охирги элчи қайтмасдан унинг ортидан Ҳожи Барлоснинг қўшини ҳужумга ўтди. Ақлидан адашган кекса амир кўпчиликни ташкил этадиган қўшин билан урушиш, бориб турган мағлубият эканлигини ҳам тушуниб етмади.

Оқёр манзилида суронли жанг бўлди. Ҳожи Барлос қолган қутган аскарлари билан Самарқандга қочди ва Боязид Жалойирга бориб қўшилди. Ғолиб қўшин эса.

Кешни ортда қолдириб, тоғ орқали Самарқанд томон юрди. Оғир жангдан сўнг Тахтақорача довонида йигитларга бир неча кун дам беришга қарор қилинди:

Тонг-саҳарда рўй берган воқеа Темурни хайрат бармоғини тишлатиб, хиёнат тигини кўксига ботирди. Хизр Ясовурий ярим кечада кўшинини олиб, Тошкент томон йўлга тушган, дўстини ярим йўлда қолдириб кетган эди.

– Ё Оллоҳ! – деди Темур ўзига-ўзи. – Тахминим тўғри чикди-я. Дўстни шундоққина душман ўқи тўғрисига қўйиб-а! Худодан топсин! Чўлда мард, йўлда номард ўлади! – У ўзича гапириниб акрабоси ва энг яқин маслаҳатчиси Жаку Барлоснинг чодирига борди. У саҳар овга кетган экан. Шу билан ярим оқшомда қайтди. Темурнинг кўшинида уч юз олтмиш нафар йигит қолган эди.

Йўл-йўлакай энг етук йигитларни ҳар тарафга кўшин учун одам тўплашга юборди. Кечаси Жаку Барлосни безовта этмади. Хўроз қичқирмасдан ўрнидан турганида атрофида қирқ чоғли қариндош уруғи ва энг яқинларидан бўлак кимса йўқ эди.

– Худо бизни синовдан ўтказаяпти! – деди ўзига қараб қулоқларини диккайтириб турган севимли Оқёлнинг сағринларини силар экан. – Руҳинг тушмасин, сен барибир ҳақиқий адолатли амирнинг оти бўласан. Ишқилиб, иккимизни ҳам Худо адашган ўқдан асрасин. Бир-биримиздан айирмасин!

Кўмондоннинг оти билан сўзлашаётганини қузатиб турган ёрдамчи аскар бекка бирор кори ҳол бўлдимиде-гандек; хайратда, қизиқсиниб қараб турарди.

– Ҳа, нега қулоғинг дик сенинг? – деди Темур унга кулиб қараркан. – Кўриб турибсан-ку, атрофимда шу хайвондан бўлак гаплашадиган одам қолмади. Нима қилайин?

Темур шундай деб яна Жаку Барлос ўтови томон юрди. Овдан кеч қайтган, ҳеч нарсадан беҳабар Жакубек донг қотиб ухларди. Воқеани эшитган барлос бегининг бир зум тили калимага келмай, ағрайиб турди.

– Мен сизга бир нарсани айтайми, Темурбек, – деди у анчадан сўнг, чуқур тин олиб. – Бўлмаганга бўлишма деб бекор айтишмаган. Майли, кетганлар кетсин. Модомики, кетар экан, эртароқ даф бўлгани маъқул. Сотишса, эртароқ сотишсин! Бундайларни узоқ муддат ёнда олиб юриш кони зиён. Танадаги канадан тезроқ қутулган маъқул. Худо сизни бу хоинлардан халос этгани, демак, мушкулингизни осон қилгани! Турон ерида сиз билан беллашадиган амиру хон бугун йўқ. Буни ҳеч ким очик айтмаса-да, имони комил. Эртами-индин барчасининг тақдири жилови сизнинг қўлингизга тушади ва ўшанда ҳам сиз уларнинг бошини силаб, яхшилик қила берасиз. Куйинманг. Изтироб чекманг, амирим! Садақангиз кетсин ўша безотлар!

– Тасалли сўзларингиз учун ташаккур, тоғойи! Дарвоқе, Худо бизни синовдан ўтказмоқда! Йўлимиздан адаштирмасин, ишқилиб. Сиз менга маслаҳат беринг. Мен тўппа-тўғри Боязид Жалойир билан амакимнинг олдига борсам деб ўйлаяпман. Сабаби, уларнинг олдида менинг ҳеч қандай муттаҳамлигим ёки айбим йўқ. Биз юртни бирлаштирмоқчи, тартиб-интизом ўрнатмоқчи эдик. Улар улуғ ва савоб ишларга қўл урсалар, мен ҳар замон ёнларига кириб, буюрган хизматларини бажараман. Қолаверса, мен Мовароуннаҳр қўшинининг бош қўмондониман. Лекин шу пайтгача мансабимни ҳеч кимга пеш қилмадим. Каттаю кичикка бир кўздай қарадим. Балки мендан хато ўтгандир, камчиликларим, нуқсоним бордир. Юзимга очик айтинг. Улар ҳам айтишлари мумкин эди. Нега бундай қилмадилар, ақлим етмайди? Энди муддаога кўчайлик, нима қилай? Сўзланг!

– Куч тўплаб курашамиз! – деди Жаку Барлос.

– Бунга жуда кўп вақт керак ва қон тўкилади. Осонроқ, барчага маъқул сулҳ йўлидан борсак-чи? Ахир улар ҳам қон тўкилишини истамасалар керак. Амаким Ҳожи Барлос ва қариндош-уруғларимдан бўлак ҳар қандай киши билан яккама-якка майдонга тушмоққа ҳозирман. Енгилган тараф бўйсунеди. Бизнинг ўйинимиз очиқ ва халолдир. Мардни Худо ҳам, халойиқ ҳам суяди.

– Тўғри. Унда аввал Ҳожи Барлоснинг олдига бирга борайликчи? Нима дер экан у ҳешимиз. Ишқилиб бизни елка томири тиришиб қаршиламаса бўлди эди.

Ҳожи Барлос жияни ва қариндошини илиқ кутиб олди. Темур бўлиб ўтган ҳеч бир нохуш воқеани амакисининг юзига солмади. Темурнинг олдига Жаку Барлос ҳам ўзини босди. Сўнгра улар кечаси Боязид Жалойирнинг шаҳар ташқарисидаги кўшкига жўнадилар. Темурга тишини қайраган амир Беккичикнинг одамлари ҳар қадамда изғиб юришарди. Уларнинг ҳаракатини кузатиб бир дўконда шарбат ичиб ўтирган Темур Жаку Барлосга гап қотди:

– Ўлим ҳақ. Бироқ ўлиш билан ўлишнинг фарқи бор. Киши ўлса ҳам мард ва жасур одамнинг қўлида жон бергани маъқул. Мана шу гадойваччалар ҳам аскарман деб белига қилич осиб юрибди. Муддаоси битта. Бири икки бўлса, элни таласа. Ёмон қовуннинг уруғи кўп бўлади дегандек, уч-тўртта хотин олиб, мушукбашара насларни кўпайтирса.

Улар ўзларича юртнинг ҳокими энди Боязид Жалойир дея шивир-шивир қилишар, ҳовлиқишиб отда кўчанинг у бошидан бу бошига чопишар эди. Амир Беккичик Боязид Жалойир билан Илёсхожахон номидан шаҳарни бошқарар, бироқ бу довдир амирлар Самарқандни яхши идора этишса ҳам, Илёсхожа уларни бу мансабда узоқ қолдирмаслигини, раҳбарликни кўнглидагидай ба-

жармаса, бошларини олишини англаб етишмас, оний ҳукмдорликнинг сурури билан маст эдилар.

Аслида ҳам, амалу мартабани истаганга бир марта бериб кўриш керак, токи халққа тўғри йўлни кўрсатиб, нон емоқнинг нақадар оғирлигини ҳис этсинлар.

Боязид Жалойир Кешнинг уч устунни Темурбек, Ҳожи Барлос ва Жаку Барлосларни остонасида кўриб, ўзини йўқотиб қўйди. Бу дақиқаларни у яширин, балки эсини таниганидан бери кутгандир. Ўзича у чингизийлар тахтдан кетгач, хонлик барлос туркларидан ортиб, жалойирларга тегишига ишонмас, юрак ютиб, бу хусусда кимсага оғиз очмас эди.

Ўзини ғоят хокисор ва меҳмондўст намоиш этган Боязид Жалойир мусофирларни қарийб кўчада кутиб олди. Улар келганидан боши кўкка етганини кўрсатиб, олдиларига тушганча меҳмонхона тўрига таклиф қилар эди. Озгина виждони бўлса Боязид Жалойир Темур олдида уялиши лозим эди. Темур унинг қилпанглаётган ҳаракатларидан буни сизди. У Темурнинг кўзига қарай олмас, кўзлар тўқнашуви мумкин дақиқаларда ерга ёки уй шифтига боқарди. Темур ўзини босиш, душманга сир бермаслик учун ичида Қуръони каримдан тиловат қилди. Сўнгра, ёшлигида ёзган бир машқини эслади: «Бир манзилга етмоқ чун, минг номарддан чекиндим...»

Ҳожи Барлос билан Жаку Барлос амир Боязид Жалойирнинг кўнглини кўтарадиган, унда ўзларига нисбатан шубҳа уйғотишга имкон бермайдиган илиқ сўзлар айтишди. Темур бошини ирғаб, уларни маъқуллаган бўлди. Бироқ амирнинг келажак ҳукмронлиги ва ўзларининг бу хусусда кўмак беришлари борасида оғиз очмади. Эрта бир кунда унинг кўзига худди бугунгидек тик ва тўғри боқиш учун шундай қилди. Бу мўғулбашара жалойир амири жўжани эрта санабди. Унда элни бирлаштирадиган инсоф, иймон, руҳ ва ақл-заковат йўқ! Шундай экан,

у қобилиятига яраша иш билан машғул бўлиши лозим.  
Ҳар қандай қозонга ҳажмига яраша сув қуйиб, емак пи-  
ширадилар.

Уч амир биргаликда ҳаракат қилмоқлик, эл бошини  
бириктиришга аҳдлашиб, жалойирлар амирининг зиё-  
фатини еб, тарқалишди.

Тонг отар, кун ботар, умр ўтар эди...

## XI

*Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.*  
*— Амир Темур*

Темур қолган-қутган йигитлари билан тўппа-тўғри тоққа, Тошқўрғондаги «шоҳона қасри» ғорига қайтди. Яна қўшин тўплаш ва уни машқ қилдиришга киришди. Ёлғиз ўзи ғор кунжидаги бир бўлмага кириб ётганда ҳузурланар, ғавғоли бу дунё ташвишларини бир зум бўлса-да унутарди. Дам олар-олмас эса қўшиндаги икки мусаввир йигит билан ғорнинг тош деворларига ўйма расмлар чизишар, ҳайкалчалар ва тоқчалар ясашарди.

Улар ғор деворига отлиқ жангчи суратини чизиб бўлишди. Кайфиятлари чоғ эди. Темур ғордан чиқиб, ювингач, сойликда қилич чопаётган йигитларни кузатиб турди. Хос навкарлардан бири Хизр Ясовурийдан чопар келганлигини маълум этди. Жаку Барлос Хизр Ясовурий одам юборса, қабул қилмаслигини тайинлаганини эслади. Нега у бундай деди? Ҳеч нарсага ақлинг етмайди?

— Чопарга дам бериб, ушлаб туринглар. Ўзим чақираман, — деди Темур хос навкарига. Балки унинг муҳим хабари бордир, ўйлади ўзича ўйга толиб.

Зум ўтмай ғор оғзида лапанлаганича девсифат Жаку Барлос ҳозир бўлди. Пешана терини кўрсаткич бармоғи билан сидирганича ҳаллослаб, тепаликка ўрларди.

— Ясовурийнинг чопари билан гаплашмадингизми, тоға? — сўради Темур Жакубекни кўргач, дили ёришиб.

— Йўқ, ҳазрат. У сизга келган. Сиздан олдин сўзлашсам, орамиздаги одоб деворини бузган бўламан. Бу ерда ҳар бир иш сизнинг бевосита раҳбарлигингиз ва рағбатингиз ила қилинмоғи лозим. Агар сиз менга у билан сўзлашмоқни топширсангиз, эрди, бу бошқа гап, жи-

гарим. Мана бу йигитларни ҳам сизга ўзим каби садоқат ила хизмат этмоққа чақираман. Садоқатсиз лашкарнинг эртами, кечми, барибир боши кетади. Авлодининг иснодига қолишини истамаган инсон ҳеч қачон намак берган хўжасининг тузлиғига туфурмайди, – дея жавоб қилди Жаку Барлос одатига кўра бошини сарак-сарак этаркан.

– Оллоҳ рози бўлсин сиздан, тоға! Шунинг учун ҳам сизни яхши кўраман-да. Бир тоға етти отанинг ўрнига ўтади деб бежизга айтмаганлар. Шу боис ҳам ҳар замон сизга бизнинг отамиз каби амр бермоқликка изн бор. Сиз азиз тоғойимга ўзимдан-да кўп ишонаман. Сиз учун ҳар нарсага ҳозирлигимни ҳам биласиз, – деди Темур ҳаяжонланиб.

Инсон ҳаётининг оғир, машаққатли дамларида кимлигидан қатъи назар яқину бегоналарнинг бир оғиз илиқ сўзига, арзимаган кичик бир эътиборига кўз тикиб яшар, муҳтожлик сезар экан. Турон тахтини кўзлаб, ибтидоий одамлар яшаган ғорда кун кечираётган Темурнинг кўнгли Жаку Барлоснинг меҳрли сўзларидан илиган, шуурига нур югургандек хотиржам тортган эди.

Темур шундай деди-да, дўлана дарахти шоҳида осиглиқ зарбоф чопонини олиб, Жакубекнинг устига ёпди. Тиз чўкиб, қўлини ўпди. Жаку Барлос Темурнинг пешанаси, қош-кўзларидан ўпаркан, кўзи жикқа ёшга тўлди.

Уларни кузатиб турган йигитларга ҳам бу ҳаяжон кўчди.

– Ясовурийнинг чопари яраш истаб келган бўлса керак, – деди Жаку Барлос ҳаяжонини босиб, меҳр билан Темурга термилар экан. – Гуноҳидан ўтириш керак, кечиринч керак. Эгилган бошни қилич келмас деплар жиян!

– Бу бош кесишга ҳам арзимайди!



Жаку Барлос ва йигитлар қўмондоннинг жавобидан таъсирланиб, унга қараб қолишди. Ясовурий Темурбекни хузурига келишини сўрагани. У қочоқ ким биландир урушмоққа шайлангану, лашкарбоши керак бўлгандир, ўйлади Темур. Майдонга тушишга ўзларининг юраги дов бермаган кўринадур.

Боязид Жалойир билан Ҳожи Барлоснинг Темур ила ярашиб, бу қадар яқинлашиб олишини ўйламаган Хизр Ясовурийнинг ўқи хато кетган, бир ўзи яккаланиб қолган эди. Эртами, индин давр довулида учиб йўқолишини сезганди. Лекин қалбининг тубида бағрикенг Темур уни барибир кечирешини, ёмонлик тиламаслигини биларди. Шу боис, иложини топиб унга яқинлашгиси, узр сўрагиси бор эди. Тўғри, барча амирлар каби у ҳам биринчи бўлишни, Турон хонлигини истади, бировга хизмат этишга бўйни ёр бермади. Бироқ бу даъволарини илгарироқ, билагида кучи, юрагида ўти бор даврда қилса тушунарли эди. Инсон зоти ҳамма нарсани ўлғунига қадар ўз қаричи билан ўлчайди.

Темур кўшин машқини такомилга етказиш ила машғул бўлиб турган бу пайтда воқеалар интиҳоси шунга бориб етдики, Боязид Жалойир билан Ҳожи Барлос Темурбекка маслаҳат солишди ва Хизр Ясовурийнинг курагини ерга теккизиб қўймоққа қарор берганларини айтишди. Воқеалар интиҳосининг мантиғига қараганда Темур бу ишга бош қўшмаса, бирлик ҳақидаги сўзида турмаганга ўхшаб қоларди. Ҳарҳолда мен буларнинг ичида бўлсам Ясовурийнинг иши осон кўчар, дея ўйлади таклифга истар-истамас розилик берар экан.

Шу хаёлда у гор оғзида ўтирганча ҳали ёруғ бўлса-да самода оҳиста сузаётган, тўлишига уч-тўрт кун қолган ойни кузатар эди. Оқшом чўка бошлагач, ғимирлашиб ёрдан учиб чиқа бошлаган, кўршапалаклар ғувиллашиб унинг бош-тарафидан ўтишарди. Охирида чиққан

каттароқ кўршапалак қайтиб ғорга кирмоқчи бўлар, бироқ йўлни адаштириб ўзини ҳар томонга урарди. Уни кузатиб ўтирган Темурнинг хаёлига беихтиёр бир фикр келди. Агар кўршапалак ғорга қайтиб кирса, унинг собиқ қиличдош биродари Хизр Ясовурий тирик қолади. Кира олмаса, ҳалок бўлади. Кўршапалак ниҳоят йўлини топди, ўқдек учиб, ғорга кириб кетди. Темур бирдан енгил тортди. Ҳар қандай душман билан савашса-да, киши қалбини шафқат тарк этмаслиги керак. Боиси, инсон инсонларга нени кўргузса, ўзига ҳам ўша қисмат қайтади.

Темурнинг диққатини теп-текис тош устида чолорқа ётганча ухлаётган аскар тортди. У яссироқ тошни бошига қўйиб, тош устига бир тутам хас ташлаганича ухларди. Ана сенга шоҳона ётоқ ўйлади Темур аскарга меҳри товланиб. Ердамчи йигитга уни кузатиб туришни, ҳеч ким уйқусини бузмаслигини, уйғонгач, ҳузурига чақиришни тайинлади. Бирор фурсат, чамаси, ўтмай уйқудан уйғонган аскар гуноҳкордек, тортинибгина, қўмондон ҳузурига пайдо бўлди. Темур уни ўнг қўллаб бағрига босди.

– Бу ажойиб ётоғингни ижарага сўрамоқчиман, – деди кулиб аскарга.

Йигит не деб жавоб беришини билмай шошиб қолди.

– Чўпонликда шундай ётардик, – деди сўнг хижолатлик билан.

– Қайси қавмдансан?

– Зарафшоннинг ўнг соҳилидаги Каттатурк қишлоғидан, – жавоб қилди йигит.

– Турк қавмимизнинг ичида мусабозори, калтатойи деган уруғлар ҳам бўларди. Сен қайсидансан?

– Бизни турклар дейдилар.

– Демак, сен асл бобо уруғимиздан экансан. Бугундан бошлаб сени Боботурк деймиз. Қалай, бу исм сенга ёқадими?

– Сиз не десангиз шу, устоз.

– Буюк саркардалар сен каби тошни кўрпа, музни ёстик қила билган, ҳаётнинг энг оғир дамларида ҳам ўзлигидан чекинмаган кишилардан чиқади. Бу кундан бошлаб юзбошисан.

Темур шундай дея аскарни яна бир бор бағрига босди. Жаку Барлосга уни эргаштириб бориб, йигитларга таништиришни топширди. Қўшин индин йўлга чиқишга тайёр бўлмоғи лозимлигини тайинлади.

Машқлар ҳали охирига етмаган, Темур ҳам, унинг ёрдамчиларининг ҳам чарчоғи тарқамаган, ҳеч кимда сафар рағбати йўқ эди. Бироқ йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас деган гап бор. Амир Боязид Жалойир ва амакиси Ҳожи Барлосга бирлашиш ҳақида сўз бердими, қайтиб бўлмайди. Айни замонда улар ҳақдирлар. Аслида мияси айниган Ясовурий бу ғавғони ўзига сотиб олди. У Темурнинг ёнида қолганида ҳам ҳеч нима ўзгармас эди. Буларнинг Темур қўшинига ҳужум қилмоққа журъати етмасди. Ясовурий буни тушунмади.

Шундай қилиб Темур ва унинг энди оёққа тураётган янги қўшини биринчи жангга отланган эди. Уч қўшин бирлашиб, ясол туздилар. Темур бўлинмаси лашкарнинг жавонғорида, Ҳожи Барлос баронғорда эди. Боязид Жалойир эса ўз хонлигини таъкидлаб, қўшиннинг марказида савлат тўкиб борарди. Уч амир бошчилигидаги қўшин келаётганлигидан хабар топган Хизр Ясовурий Тошкентни ташлаб чиқди ва Кеш довони орқали чекиниб, Соли Сарой тарафга юриб, амир Ҳусайндан паноҳ сўрамоқчи эди.

Бироқ у узоқ кета олмади. Қўшиннинг илғори Ясовурий лашкарининг ҳировулига етиб қолди. Йўл-йўлакай Боязид Жалойир Темурбекка Кеш ҳокимлигини ваъда қилди. Темур гап-сўзсиз бошини ирғаб, энсаси қотганлигини сездирмай кулиб қўйди. Боязид Жалойир-

нинг жанг олдидан ўйин қилаётганини, кўзининг совуқ чақнашидан нияти бузилганини фаҳмлади. Ниҳоят Кеш довонидан тушганда Ясовурий лашкарининг қораси кўринди. Сарваш қишлоғига етганда эса қўшинлар қарама-қарши турардилар. Тадбиркор Темур кечаси қишлоғни айланиб ўтиб, рақиб лашкарининг чекиниш йўлини тўсиб қўйди. Хизр Ясовурий қўшини қамалда қолган эди.

Мағлубиятни ҳис қилган кекса амир жонини қутқариш пайига тушди. Шу мақсадда энг тажрибали навкарларини тўплаб, назарида ёғийнинг кучсизроқ кўринган томони сари ўзини уриб кўрди. Ҳеч бир тарафдан ёриб ўтишнинг иложини топмагач, нажот уни Темур лашкари томон етаклади.

У амирнинг оти жиловини силтаб, ўзи томон талпинаётганидан ниятини сезди. Кўнгли бўшашиди. Қарийб ярим йил жангу жадалларда, машаққатли сафарларда бир парча нонни бўлишиб еган сафдошига раҳми келди.

Йигитларига чап қўлини кўтариб, қўйиб юборинглар деган маънода силтади. Ички бир нидо унга эртага бу икки шерик амирлар ҳам бошингга Ясовурий куни солишади, шериклик ошни ит ичмас, эҳтиёт бўл, дейётгандек эди. Худо юрагига шу ҳисни солдими, демак, Хизр Ясовурийнинг кўрар куни бор экан. Барчаси Худодан. Индамагин калга, ўзи келар ҳолга дейдилар-ку. Бир куни у буни англаб етар. Фалакнинг гардиши билан Хизр Ясовурийга куёв бўлганида унинг олдида Темурнинг юзи ёруғ эди.

Боязид Жалойир Темурнинг қўли билан энг катта душманини енгган бўлса-да, унинг Темур лашкари тарафдан қочиб чиқиб кетганини назаридан қочирмаган, ҳисобга олиб қўйган эди. Шундан сўнг Боязид Жалойир устма-уст икки ножоиз ҳаракати билан ораларидаги муносабат йилларини узди.

Ясовурий енгилгач, ваъда қилган Кеш ҳокимлигини Темурга эмас, Ҳожи Барлосга берди. Бу ҳам етмаганидек, кечқурунги зиёфатда унга суиқасд уюштирмоқчи бўлди. Русм бўйича Темур Боязиднинг ёнида ёки ўз дўстлари ва танишлари ўртасида ўтирмоғи лозим эди. Кутилмаганда Боязид Жалойирнинг икки ёнига икки барзангининг чўкиши Темурни ҳушёр этди ва зийраклик билан воқеалар оқими қай томон кетаётганига эътиборини қаратди. Бу икки кимса олий жазога ҳукм қилинганларни бошини кесадиған махсус жаллодлар эди. Темур уларни биларди. Иккисининг ҳам май ичмай безрайиб ўтириши ва ҳаракатлари ғалати эди. Темур уларни хотиржам қилиш учун ўзини бепарво тутиб, ҳеч нимани сезмаганга олди.

Боязид Жалойир эса кайфи ошиб, ҳеч кимга гап бермас, бутунги саваш қаҳрамони Темурбекни баландпарвоз сўзлар ила мақтарди. Темур қўл ювган киши бўлиб, ўрнидан кўзғалди. Эшик оғзида турган, хос навқарларига ишорат ила кўрсатмани бергач, улар Темурнинг орқасидан чиққан икки барзангининг нафасини чиқармай бўғизладилар. Хулоса чиқарсин учун уларнинг жасадини Боязид Жалойирнинг чодирини эшигида қолдириб кетдилар. Шу-шу Боязид Жалойир Темурдан гап очилса, шайтонлар, ранги оқариб, мавзуни бошқа томонга бурарди.

Темур Кеш вилоятидан от қўйганча чиқиб кетди. Ортидан садоқатли лашқарлари, юзбоши ва ўнбошилари етиб келдилар. Уларнинг бошида Жаку Барлос ва Боботурк бор эдилар. Шу-шу Темур ҳаётининг сўнгги дамларига қадар бу табиий ва содда йигитни кўрганида ўз-ўзидан шодланар, бошига оғир кунлар тушганда уни чақиртириб, суҳбатлашиб ўтирарди. Бир кун Темурдан Жаку Барлос бу йигитга нечун бу қадар меҳр қўйгансиз дея сўраб қолди. Темур узоқ ўйланиб жавоб қилди:

– Бу йигит кўнгли тоза, қони бузилмаган туркдир. Сен билан менинг қонимни эса мўғуллар атала қилган. Булар ўша Нуҳ пайғамбар ва Туркхондан бери наслини, шарафини, тилини ва қонини сақлаб келган ота уруғимиздир. Шунинг учун унга эҳтиромим зўрдир.

...Темурбек шу от қўйганича Соли Саройга етиб борди. Ҳожи Барлос бу ўтюррак жиянини яна алдаб-сулдаб йўлга солмоқчи бўлди. Ҳатто ўзидан Кеш ҳокимлигини тортиб олмасин дея уни маҳв этмоқ учун ортидан жазо кўшинини ҳам юборди. Бироқ Темурнинг йигитлари бу черикни улоқтириб ташлади ва тўздириб юборди.

Худди шу йили, яъни минг уч юз олтмишинчи йилда Темур ўз кўшини билан ҳарбий нуқтаи назардан муҳим ҳисобланган Термиз шаҳрини эгаллади. Бу пайтда Термизни ислом дунёсида Мадинат ур-рижол, Балхни эса Каъбатул ислом дея атардилар.

Мовароуннаҳр амирларининг боши қўшилмаётганлиги, ўзаро қирғинбарот бўлаётгани Мўғулистоннинг бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда турган хони Туғлуқ Темурхонни яна Турон сафарига отлантирди. У минг уч юз олтмиш биринчи йилнинг баҳорида Туркистон сари кўшин тортди. Туғлуқ Темурхон Сайхундан ўтиши билан уч амир Боязид Жалойир, Ҳожи Барлос ва Баён Сулдузлар мусобақалашганча хоннинг оёғига бош урмоққа ошиқдилар.

Бу ҳодисани чопардан эшитган Жаку Барлос Темурбек чодирда воқеа тафсилотини ҳикоя қилиб ўтирар эди.

– Ўзимизни душман кўрсатмаслик учун биз ҳам хонга хайрихоҳлигимизни билдириб қўйсакмикан дейман, – гулдиреди барлос беги.

– Гапингизда жон бор, тоғойи. Мен ҳаётимда бир марта таъзим қилиб бош эгган одамимдан шунга яраша жавоб кўрсам, умрим охиригача унга содиқ қоламан.

Бироқ Туғлуқ Темурхондан шундай муносибат кўрмадим, у ҳурмат-иззатга муносиб эмас. Мен энди ҳеч қачон ўз хоҳишим билан унинг олдига бормаيمان. Аксинча, уни Турон тупроғидан ҳайдаб чиқариш учун курашурман. Иншооллоҳ, бу ишни мен қилмасам ўғлим ёки набирам қилажак, – ўтов ўртасида тик турган Темур қиличи дастасини маҳкам тутганча сўзларди.

– Агар хон тарафдан бизга нисбатан хайрихоҳлик нидоси келса-чи? – бўйнини чўзиб сўради Жаку Барлос.

– Бу таклифни ўйлаб кўрамиз. Лекин Туғлуқ Темурхон ҳам мен ёки амир Хусайн каби рақиблари бор экан, Самарқандда ҳам, ўз юртида ҳам тинч ўтиролмайдди. Сизга айтганман-ку, халққа зулм қилмасин. Эл-юртни тинч қўйсин-у хонлигини пишириб есин! Унинг хонлиги ҳеч кимга керак эмас. Кечаю кундуз тожу тахтини ўйлаган шоҳ улусни унутади.

Бу орада шундай воқеалар бўлиб ўтдики, эшитган кишилар ё тавба, садағанг кетай, Худоёим! Ҳаммаси сенинг ироданг билан-а, элнинг бошини айлантирганларга жазо берибсан-а, – деб ёқасини ушлади. Хон Самарқанддаги саройига кириши баробарида барчанинг кўз ўнгида Боязид Жалойирнинг бошини кесишга амр берди. Бу воқеадан кўп ўтмай, хон фармонини бажармаганликда айбдор топилиб, Ҳисори Шодмон ҳокими Баён Сулдуз ҳам ясоққа тортилди. Ўлими шундоққина кўз олдига келиб турган Ҳожи Барлос хон ила хайр-маъзурни ҳам нася қилиб, иккинчи ва сўнгги бор Хуросон томон қочди. Кўп ўтмай, Сабзаворнинг Жўйин бўлукига қарашли Хурорша қишлоғида яқинлари ила баробар маҳв этилди.

Темур ҳеч кимга билдирмай, юз чоғли энг ботир ва ишончли йигитлари билан Тошқўрғондаги ғорида тандир кабоб еб, машқ қилиб ётарди. У истаган пайтида истаган жойида пайдо бўлар, оддий фуқарони ранжит-

ган ўғрию қароқчиларни жазоларди. Кўпчиликнинг назарида у норасмий хонга айланган эди. Хон атрофидагилар ҳам Темурнинг кимлигини билишар, уни эҳтиром этишарди. Кўп ўтмай унга хоннинг энг яқин кишиси Ҳомид Тархон суриштириб, қидириб юрганини айтишди.

– Ҳомид Тархон юраги тоза одам. Унга ишонса бўлади, – деди у бу хабарни етказган Боботуркка.

– Кимлигингизни хон ҳазратларига аңглатдим. Сизни яхши билишларини сўзладилар. Сизга нисбатан ноҳақлик бўлганини, шу боис саройни тарк этганингизни айтдим. Чақир, ҳузуримга келсун дедилар, – деб тез-тез сўзларди пачоқ бурунли, кенг пешонали Ҳомид Тархон Темур билан учрашганда.

Хон номи чиққан кўмондонни илиқ қабул этди. Темурбекка бошдан-оёқ сарупо қўйилди, илгариги бош кўмондон лавозими ҳамда Кеш вилоятининг ҳокимлиги берилди. Темурбек учун улус ишини йўлга қўйиш, хон фармонларининг ижросини таъминлаш мушкул иш эмас эди. Одамлар унинг исмини эшитишлари биланоқ зўр иштиёқ билан ишга киришар ва ўз юмушларини бажариб, тезроқ унга ҳисоб беришга шошилардилар.

Туғлуқ Темурхон мақсадининг учдан иккисини амалга оширган, Турон юртига хонлик даъвосида бўлган уч тажрибали ва кекса амирни йўлдан олиб ташлаган эди. Лекин унинг учун энг катта, хавfli ва юртга қонуний хонлик даъвоси бор кимса қолган ва барчасидан кўра имкони улуғи шу эди. Бу чиғатой амира Қазағаннинг ерга урсанг осмонга сапчийдиган, йўқ ердан ғавғо орттириб юрадиган набираси амир Ҳусайн эди. Аслида биринчи бўлиб шуни тинчитмоқ лозим эди. Бироқ бунинг иложи мушкул, бу иш бошқа одамнинг, ҳатто ўғли Илёсхожанинг ҳам қўлидан келмасди. Уни йўқ қила оладиган битта куч бор. Бироқ унга бу сир-



ни очиш хавфли, чунки улар қариндош. Келажақда бу икки қилич бир қинга сиғмайди. Лекин бири иккинчисини махв этишини-да кутиб бўлмайди. Қайсиси ғолиб келса, Турон юртига ўша эга чиқади. Темур йўқ ҳақини ҳам ундурадиганлар хилидан. У билан уйнашиш ёки қасдлашиш хавфли. Ҳозир унинг олдига арпа солиб туриш керак. Ғирромликни сезса тўнини тескари кийиб Самарқандни ағдар-тўнтар қилиши мумкин. У тарафда амир Ҳусайн Сайхунни лойқалатиб, кўнглига келганини кетига уриб турганда бунга ёмон гапириб бўлмайди. Иккиси бирикса, ишни Худо урди.

Тахтга оғир чўкканича, Туғлуқ Темурхон шуларни ўйлар, фикрлари бир қўнимга келмас ва бундан юраги баттар сиқиларди. Бироқ ўзининг бу ерда узоқ қолиши хавфли, кеманинг бирини ушласа, иккинчиси чўка бошларди. Бирдан-бир йўл ерлик амирларни давлатга шерик қилиб, уларни ўзининг мақсади сари йўналтириш. Шундагина бу ердаги ҳокимиятни ҳам тутиб туриш мумкин. Давлат дея аталмиш гилам шундай. Ундан дўстингга-да, душманингга-да, ақлига-да, аҳмоққа-да жой берсанг тахтингда тинч ўтиришинг мумкин. Душманинг кўз ва қўл остингда бўлади. Истаган пайтинг уни истаган қўйга сола оласан. Душманингки хас, хас бўлса ҳам бас, дейдилар. Лекин бу Темур дегани оддий хас эмас.

Шу ўй-фикрлар-ла Туғлуқ Темурхон мулозимга эрта чошгоҳга мажлис чақирилажагини барча сарой аъёнларига билдиришни тайинлади. Ўзи эса хилватхонага кириб ётди.

Тўйиб ухлагани учунми хон тетик ва бардамроқ кўринарди. Тахтда салобат тўкиб, яхши қайрилмайдиган оёқларини узатганча, чалкаштириб ўтирар, биринкетин таъзим ила кириб келаётганларни зимдан кузатарди. У фуқароларининг асосий қисми мусулмон бўлганидан бу динга эҳтиром билан қарар; ўзи ис-

лом қонун-қоидаларини ҳали тузук-қуруқ билмас-са-да, иш юритишда Чингизхон Ясоси билан шариат қоидаларининг уйғунлашувига монелик қилмасди. Ниҳоят Туғлуқ Темурхон бошини кўтариб, томоғини кириб олди-да, тўпланганларга мурожаат қилди:

– Муҳтарам аҳли саройимиз! Бугунги қароримизни сиз садоқатли амиру умароларимизга билдиришдан ғурур ва ифтихордаман! Бизнинг Мўғулистон сафаримиз боис Мовароуннахр юрти тақдирини ўғлонимиз Илёсхожахонга топширажакмиз!

Отасининг чап томонида, Шайхулисломдан сўнг иккинчи бўлиб ўтирган Илёсхожа тахт этагига бориб тиз чўқди-да, отаси чакмонининг этагини ўпди. Уни барча қутлади. Хон сўзини муҳокама этмоқ, эътироз билдирмоқ ҳеч кимнинг ҳаёлига келмас, кўпчилик эртагаёқ ташвишли кунлар бошланишини сезса-да, айни замонда мум тишлаб ўтирар эдилар. Хон Темурбекка қараб қўйганда бирдан шивир-шивир тўхтаб, жимлик чўқди. Бу лашқарбошига эътиқоди бор Шайхулисломнинг кўзлари ёниб, юзига нур югургандек бўлди. Хон бу йигитга не вазифани берса эплайди ва Самарқанд аҳлини ҳар қандай балою офатлардан асрайди дея ҳаёлидан ўтди.

– Муборак бўлсин!

– Муборак!

– Қутлуғ бўлсин!

– Яшасун! – Илёсхожани қутловчи овозлар янгради.

Бир оз мулозимларини кузатиб турган Туғлуқ Темурхон қошини чимириб, юзига жиддий қиёфа берган қўйи ўғиллари ва Амир Беккичқдан сўнг турган Темурбекка юзланди.

– Сиз, муҳтарам инимиз, Темурбек! Илёсхожанинг ёнида бўлажаксиз. Қўшин иши ила илгилик ташвишлар сизнинг бўйинингизда! Сиздек баҳодир қўшин бошлиғи

айни кунда бизга ғоят зарурдир. Умид қиламанки, сиз бу борада салтанатимиз юкини енгиллатасиз! Хоину бузуқиларнинг жазосини Илёсхожахон изни ила ўз вақтида берасиз. Қўшинни ҳар замон улуғ ишларга шай тутасиз!

Саройда пашша учса эшитилар, тўпланганлар бирданига сергак тортиб қолишган эди. Хукмдорликни эгаллаш ва уни юритмоқнинг минг бир усули бўлсада, уни ҳалол, тўғри ва мардонавор йўл билан эгаллаш жуда мушкул. Дунёнинг тубига етган, фозил ва комил кишилар ҳам ўзларини бу аянчли ташвишлардан олиб қочганлар. Сабаби, пайғамбар хислатига эга хукмдор ҳам кишиларнинг барчасини бирдек ризо эта олмайди. Битта нон олган иккита кутади, энг қизиғи, дунёда ҳеч бир инсон ўз ғариб ҳаёти ва хатолари учун ўзини қораламайди.

Темур шу хаёллар ила турк-мўғул хоқонлари ўрда-си одатига кўра тахт қаршисида тиз чўкиб, хон этагини юзига суртди. Хоннинг қиёфасидаги мамнунлик ифодасидан у хотиржамдек эди. Лекин мўғул хонларига ҳеч қачон ишониб бўлмайди. Улар сени синамоқ учун бугун мартабага ўтқазиб, эртага ўлимга хукм этаверади. Гоҳида эрталаб бир қарор берса, пешинда уни ўзгартиради, кечга яқин эса бошқа бир фармонни имзолайди. Одамлар бундан ҳайратланмай қолганди. Феълан беқарор қавм бу. Уларга қарши доимо тадоригингни кўриб қўйишинг, қиличинг дастасига қўлинг уларникидан олдинроқ бориши керак. Темурнинг ота-боболари ана шу тадбирлари билан бу қавмнинг телбаликларидан сақланиб келганлар. Уларни инсофга келтирмоқ, ҳисоблашишга мажбур этмоқ, ўзларини ҳимоя этмоқ учун шундай юришган. Шу боис ҳам мўғуллар турк қавмини ўз тилларида барлослар, яъни қиличини қинидан чиқариб юрүчилар дея атаганлар. Аслида бир бутун бўлган, буюк хун

ва турк хоқонликларининг яратган авлодлари шу тариқа уруғ ва қабилаларга ажралиб, парчаланиб кетдилар.

Кийимү касбларига қараб, элату қавм ясалди. Уларни бир-бирига қарши қайраб, ораларига фиску фасод уруғини сочишди. Бир-бирларининг гўштини ейиш билан машғул эткизиб, юртларини эгаллашди, элини қул, аҳлу аёлини хотину канизак қилишди. Шу боис, миллат афғор, ватан вайрон бўлди. Энди бу иш осонлик билан асл ҳолига келмайди. Бунинг учун жуда кўп меҳнат, машаққат ва қон талаб қилинади. Бу қавмлар кучдан бўлак нарсани тан олмайди. Ақлни инкор этади. Муросаю мадора буларнинг табиатига ётдир. Бир аҳмоқ қудуққа ташлаган тошни юз нафар ақлли ололмайдиган бир вазият эди.

Темур турган ери томон тисланди. Амирлар апил-тапил силжишиб, хоннинг ёнидан унга жой бўшатишди. Мансаб эгаси бўлсанг булар бир сонияда ўзгаради. Бир дақиқада шоҳликдан қулликка тушади. Демак, аслида ўша ҳақиқий шоҳларга ҳос олижаноблик уларнинг қонида, руҳиятида йўқ. Қул қавмидан асл шоҳ, ҳукмдор етишиб чиқиши учун узоқ вақт керак. Халқ эса узоқ йиллар давомида буни кутиб туролмайди. Унга орзумидларини рўёбга чиқарадиган ҳақиқий йўлбошчи керак. Қулмижоз ҳукмдор тахтда ўтирса-да, унинг руҳи, эътиқоди ва ғурури кишанланган бўлади. Улар оғир ва машаққатли дамларда тез ҳамда тўғри қарор қабул қила олиш салоҳиятидан маҳрумдир. Албатта, бу унинг ўз фикрлари. Дунё иши бир кишининг ўйига сиғмайди. Унинг тубига етиш мушкул. Ҳар даврнинг ўз тошу тарозуси бор.

Темур амир Беккичикнинг кўзларида бундан бир неча йил бурунги, Туғлуқ Темурхон Самарқанднинг тақдирини ўзига ташлаб кетгандаги маънони уқди. Шунда у Темурнинг бурнининг тагига келиб,

«Мовароуннахрнинг асл ҳокими мутлақи, иншооллоҳ, сиз бўласиз, атрофингизда юрганларнинг ҳаммаси дордан қочган ўғри» деганди.

Темурбек ундан бу гапни кутмаганлиги учун нима деб жавоб қайтаришни билмай, ҳайрон бўлган эди. Ҳайратининг яна бир сабаби шул эдиким, Амир Беккичик бу гапни Боязид Жалойир, Баён Сулдуз ва Амир Хусайнларга ҳам айтганидан хабари бор эди. Самарқанд тахтига чиқишга номзод яна ўн кишига ҳам айтишга тайёр эди. У ҳозир Темурга гапларим эсингиздами, дегандек умидворлик билан қараб турар, кўзларида ялтоқликка ўхшаш ғайритабиий ифода зоҳир эди. Негадир шу дақиқада Темурнинг унга ичи ачиди. Хоин одамларнинг бошини олиш мумкиндир, бироқ ожиз кимсаларга раҳму шафқат назари ила боқмоқ, фаҳми-фаросатига яраша тирикчилиги ўтадиган бир иш бермоқ керак. Қўл остингдаги барча кишиларнинг сенга ёқиши, улар ишидан мамнун бўлишнинг имкони йўқ.

Лекин энг хатарлиси бундай тасодифий кишиларнинг давлат бошига келиб қолишларидир. Темурга бош қўмондонлик тақдим этилгандан сўнг, шундай воқеа содир бўлдики, тўпланганлар вужуди ҳайратдан музга айланди. Мулозимлар кўзига Туғлуқ Темурхон Турон юртида тинчлик ва осойишталик бўлишини астойдил истамайдиган киши эканлигини сўнгги бор исботлади.

– Бош вазирликни сиз – ҳурматли амир Беккичикка топширамиз! – деди Туғлуқ Темурхон амирнинг афтига ҳам қарамай.

Бу кутилмаган таклифдан ўзини йўқотиб қўйган амир Беккичик отилгудек бўлиб, ўзини хон оёғига ташлади. Темур шу лаҳзада ўз-ўзидан салтанатдаги учинчи одамга айланиб қолган эди. У ҳамон қизиқсиниш билан амир Беккичикнинг хатти-ҳаракатларини кузатарди. Ясо бўйича аслида Соҳиб давлат билан Амири лашкарнинг

ҳуқуқлари тенг эди. Лекин амир Беккичик энди беихтиёр, Темурдан боягина ялтоқланиб турган кўзларини олиб қоча бошлади.

Самарқанддаги аҳволдан яхши хабардор амир Ҳусайннинг элчиси Жиззах орқали Сангзор дарёсидан кечиб ўтиб, шаҳар томон от чоптириб келарди. Боботурк Темурга ота авлодидан бир киши келиб уни кўрмоқ истаётганини айтди. Отга минмоққа шайланаётган Темур бу кимнинг одами эканлигини шу заҳотиёқ англади. Имо-ишора билан йигитни орқасидан олиб боришларини тайинлади ва Темур эгарга шундай забт билан ўтирдик, залворидан от қалқиб кетди. Унинг куч-қувватини кўрган чопар йигит завқ билан тикилиб қолди. Отни бирдан чоптириб кетса, атрофдагиларнинг диққатини тортиши мумкинлигини ўйлаган Темур жуда истаб турган бўлса-да, тўриқни йўрттириб, шаҳардан чиқди. Самарқандга, Оллоҳ йўл берса, минг нафар оқ отлиқ хос йигитларим билан кириб бораман. Душману нохайрихоҳларимга, ҳеч кимга ёмонлик қилмайман, деб ўз-ўзига сўз берди-да, отга қамчи босди. Ойқор тоғи этакларига бориб етганда тўрт нафар содиқ йигити ҳамда амир Ҳусайннинг чопари анча орқада қолиб кетган эди.

Энг катта тепаликка кўтарилиб, отдан тушди. Тепалик тиклиги учун чиқишда қийналганидан от ҳам бир ерда туролмас, Темурнинг ҳам юраги ўйнади. Бир оз ўзига келгач, кўм-кўк осмонга тикилганча чолорқа ётди. Ердан чопишиб келаётган отлиқлар дупури сезилар, қуёш Ғўбдин тоғлари устида туриб қолгандек эди.

Тонг отар, кун ботар, умр ўтар эди...

## ХИ

*Фақат аҳмоқ ва марҳумларгина  
ҳеч қачон ўз фикрини ўзгартирмайди.*

*Лоуэлл*

Туғлуқ Темурхонга Темурдек жиддий ва ақлли ёрдамчи эмас, эл орасида обрўси йўқ, исталган куни кетига тепиб ҳайдашганида одамлар тўғри бўлди, бу лавозим унинг жойи эмасди, алақачон қувилиши керак эди дейдиган Амир Беккичик каби пишмаган, хомроқ кимсалар керак эди.

Беккичик кутилмаганда Темурнинг юртдошлари бўлмиш тужжор ва карвончиларга зуғум қилмоққа бошлади. Кешлик савдогарлар раиятга кун бермаётир деган иғвони тарқатиб, буни катта муаммо шаклида хон муҳокамасига олиб чиқди. Ўзини ҳар ишдан четда олиб юрган Темурни орқаваротдан ҳамшаҳарлари олдида ҳақоратлашгача борди.

Ниҳоят, бир кун у амирни Илёсхожахон билан бирга турганида учратди. Амирлашкар шундай фурсатни кутиб юрган эди.

– Мен кешликдурман, тонмасман, қолаверса, икки дарё сувини ичиб юрган туронликман! Худога шукур! Зинҳор жеталик эмасмен! – деди Темур амирнинг шудгорнусха юзига, мушуксифат кўзларига қаҳру нафрат билан тик боқиб. – Фиску фасодни йиғиштирайлик.

Бу сўзлар ҳақоратли бўлмаса-да, замиридаги ўқи амир Беккичикка кириб, ундан ўтиб Илёсхожахонга қадалган эди. Жета демак мўғулчада ёвуз, талончи ва қароқчи маъносини берар эди. Мўғулларни халқ орқаваротдан шундай аташарди. Хон ҳам, бош вазир ҳам турган жойларида тахтага айланган эди. Темур вазир билан хайрлашмай чиқиб кетди. Бундай вазиятдан

фойдаланган амир Беккичик хонни Темурга гижгижлай бошлади.

Шу кундан сўнг хон уни хос мажлисларига чақирмай қўйди. Сарой мулозимлари ва амирларнинг аксарий қисми эса Темурдан ўзини олиб қочди.

Узоқ мулоҳазадан сўнг у саройни тарк этмоққа қарор қилди. Йўлинг айри инсон билан бир бўлсанг, охири тухмат-маломатнинг қурбонига айланасан, ақлидан кечди унинг.

Темур амирлашкар этиб тайинланганидан сўнг, ўз лашкарини тарқатиб юбориб, хатога йўл қўйганлигини шунда англади. Агар илгаригидек ҳеч бўлмаганда икки минг аскари турганда эди, улар бу оҳангда гаплаша олишмасди. Майли, ҳечдан кўра кеч яхши. Тез фурсатда у лашкарини қайтадан сафга тизади. У ёқда Амир Ҳусайн иттифоқчилик истаб, йўлига кўз тикиб ўтирибди.

У шу хаёллар билан Ойқор тоғи этаклари томон от қўйган эди.

...Бир оз фурсатдан сўнг қолган отлиқлар етиб келишди. Отлар қора терга тушган, чавандозларнинг ҳам аҳволи уларникидан яхши эмасди.

– Ҳа, ота авлодим, кел! – деди Темур чопарга кулиб.  
– Амир ҳазратлари кўп пухта ва пишиқ одамдурлар. Ҳаммасини ҳисобга олганлар. Сўйла, не гап? Алардан не хабар бор? Биз жоҳил халқ урушмасдан туролмаймиз, шекилли.

– Мен ҳузурингизга жўнаганим кун амир ҳазратлари Чоржўйда эдилар. «Биз шу атрофда бўламиз, узоққа кетмаймиз. Имкони борича Темурбек тезда етиб келсунлар» дея бот-бот тайинладилар, – деди чопар йигит ҳансираганча.

– Яна нелар дедилар? – унинг сўзлашидан завқланди Темур.



– Саройда ҳеч кимга ишонмасин ва ҳеч ким билан алоқа боғлаб туриш ҳақида ваъдалашмасун дедилар.

– Яхши гап. Демак, Чоржўй атрофида де.

– Ҳа, шундай ҳазрат!

– Амир Боботурк, – деди Темур мингбошисига юзланиб, биз меҳмон йигит ва яна икки аскар ила тоғ этаги бўйлаб, Ургут ва Омонқўтон орқали Чоржўйга қараб юрамиз. Сиз Самарқандга бориб, содиқ навкарларни ва хизматкорларни олиб, Тахтиқорача довони томондан айланиб ўтасиз. Чунки текисликдан юриш хатарли. Бомдод намозини довондан энгач, баробар ўқиймиз. У ёғига Худо пошшодур. Англашилмаган масала борму?

– Йўк, ҳазрат. Фотиҳа беринг, Самарқанд сари учгум!

– Илоҳи омин, йўлинг оқ, йўлдошинг Ҳақ бўлсун! – дуо этди амирлашкар.

Боботурк икки навкар билан Самарқанд сари йўналди. Темур эса чопар ва яна бир неча навкарлар билан тоғ ён бағирлаб юрди. Ё тавба, дея ўйларди Темур, элингни, юртингни ҳаммадан кўп яхши кўрсангу, унга сиғмасанг. Бу не бедодлик? Бу Оллоҳнинг синовимикин? Илоҳим, шундай бўлсин! Акс ҳолда ватансиз яшамок? Ҳазрати пайғамбаримиз кўрган азоб ва еган калтаклар олдида бу ҳолва-ку, ўйлади Темур.

Улар уч кун деганда Чоржўйга етиб бордилар. Шаҳарга кириш хатарли эди. Шу ўйда Темур четроқдаги бир кўрғонга қўниб, чопар билан ўз кишисини шаҳардаги вазиятни билмоқ учун жўнатди. Улар Чоржўйдан руҳсиз, тушкун ҳолда қайтдилар. Шаҳар бир кун олдин туркман Жониқурбоний уруғи қўлига ўтган, ит эгасини танимайдиган кунларни бошидан кечирмоқда экан.

Темурнинг йигитлари қирқ нафар эди. У тезда шаҳардан узоқлашиш лозимлигини пайқади.

Темур амир Ҳусайнни қидириб, Хоразм томон юрди. Йўл-йўлакай, тасодифан, амир Ҳусайнни излаб юрган яна

бир сафдоши Шоҳ Соҳаржийнинг ўғли Шоҳ Муҳиддинга дуч келди. Улар бамаслаҳат, Хива ҳокими амир Тўкал қошига бормоққа қарор қилишди. Амир Тўкал катта иззат-икром билан қўноқларга зиёфат берди. Ярим кечада Шоҳ Муҳиддинни олиб, шаҳар ташқарисига чиқди. Темурнинг назарида амир Ҳусайн шу яқин атрофда юргандек эди. Бу фикрни Шоҳ Муҳиддинга сўзлаганда у ҳам қўшилди.

Ҳақиқатан ҳам амир Ҳусайн уч юз нафар навқари билан Поёбда турар, ўтган-кетгандан Темурни сўраб-суриштирарди. Улар кўришганларида Амир Ҳусайн ўзида йўқ хурсанд эди. Уч кун дийдорлашиб, ҳордиқ чиқарган бўлдилар. Келгусидаги ишлар режасини туздилар.

Учинчи куни қоровуллар олисдан отлиқ қўшин кўринганини, сони анча эканлиги хабарини етказдилар. Уларни таъқиб этиб келаётган қўшин уч кун бурун ўзлари қочиб қутулган Хива ҳокими Тўкал кўнғиротнинг ўрдуси эди. Тўрт юз кишилиқ амир Ҳусайн ва Темур навқари деярли қуршовда қолган эди.

– Модомики, уруш қисматда бор экан, ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Урушамиз, бошқа чора йўқ, – деди Темур яқинлашиб келаётган ёв қўшинини кузатаркан амир Ҳусайнга. – Тезда қишлоқ четига чиқиб ясол тузмоғимиз лозим. Олдинга пиёда ўқчиларни тизамиз. Икки чет қанотга отлиқларни қўямиз. Баронғорга Тағай Буқани, жавонғорга эса Элчи Баҳодирни тайин этамиз! Отлиқ қисмларга амир Тобон Сулдуз билан амир Сайфуддин бошчилик қилсун! Иккимиз ўртада борамиз! Оллоҳ мадад берсин!

Амир Ҳусайн кутилмаган хужумдан эсанкираб қолган, барча нажоти Темурдан, унинг ҳақиқий аскарлик қобилиятидан эди.

Хива қўшинида икки минг нафардан ортиқ сипоҳий бўлиб, кучлар нисбати бешга бир эди. Амир Тўкалнинг

минг суворийси ва минг нафар пиёдаси ўлжа ва ғалаба таъмини туйгандек, ноғораларини гумбурлатиб, от кўйиб келишарди.

Қонли жанг сахардан шомгача давом этди. Икки лашкар оч бўрилар каби бир-бирларининг қонларини тўқдилар. Амир Тўкал ўрдусида бир неча нафар форсий ва араб навқари бўлиб, қолганларининг барчаси туркий қавмлардан эди. Олтин Ўрда ва Туғлуқ Темурхонга яхши кўриниш учун ҳеч бир айбсиз Темур ва амир Ҳусайнга хужум қилган Хива амири Тўкал қўнғирот икки минг кўшини ила тўрт юзга етар-етмас лашкардан енгилди.

Темурнинг йигитлари жангда амир Тўкал Қўнғиротнинг бошини сапчадек узиб ташладилар. Жонини қутқара олганлари саксовулни паңалаб кўздан ғойиб бўлди.

Темур навқарларидан ҳам етти нафаригина жангдан омон чиқди ва яшин тезлигида бу худудларни тарк этмоқ ҳаракатига тушишди. Қолган-қутган одамлари ва оила аъзоларини олиб жиловни саҳро йўлига буришди. Амир Ҳусайн билан хотини Дилшод оғо отсиз қолган эдилар. Темур уларни ўлжа отларнинг яхшисига миндирди. Кун икки кеча иккиси икки юртни сўраб турган амирлар бир кун ичида сарсону саргардон йўловчига, йўловчи бўлганда ҳам бор-будидан айрилган қаландарсифат йўловчига айландилар.

Темур эсини таниганидан бери бу каби абгор аҳволга тушмаган эди. Атрофда ичгулик сув йўқ, сувсиз гўштини ҳам, бошқа бир емакни ҳам еб бўлмас экан. Узоқ, машаққатли юришдан сўнг бир қудуққа дуч келдилар. Дунё топган девонадек тўйиб-тўйиб сув ичдилар, бошларидан куйдилар. Барчасининг юзларида тер, чанг ва қум аралашмаси қотиб қолган, қорайиб кетган эдилар. Бир амаллаб битта чодир топдилар-да уни икки хотин

– Ўлжай Туркон оғо ва Дилшод оғога тикиб бердилар. Эркаклар эса чодир атрофида ётишди.

Икки амир ҳам чарчаганлари боис қотиб ухлаб қолишди. Бироқ тонгга яқин уйғонган Темурнинг қайтиб уйқуси келмади. Туриб-қудуқ тарафга борди, таҳорат олиб намоз ўқиди. Сўнгра наридан-бери юриб, бошига тушган мусибатларни мушоҳада эта бошлади.

Осонликча эришилган тахт осонликча қўлдан кетади. Пешонада шу кўргиликлар бор экан, чидамоқ керак. Бўлмаса, ўз даъволарингдан кеч-да, бориб қишлоғингда қўй боқ ёки ер ҳайда. Хаёлан ўзи билан гаплашиб турганида туртиниб, кўзини ишқалаганча олдига амир Ҳусайн келди. Унинг руҳи тушиб кетган, кўчада калтак еган болага ўхшаб тумшайиб олган эди. Оғир дақиқаларда ўзини йўқотмаган, шарафини сақлай билган инсон бутун инсондир. Амир Ҳусайннинг бу туришидан у билан бирга кўзланган катта манзилга етиш мушкул. Хонлар авлодидан бўлса-да, бу йигит ҳаётнинг машаққатларини кўрмаган, кўрса-да, ундан хулоса чиқара олмайдиганлар хилидан.

– Бу саҳроларда ўлиб кетмасак дейман-а, иним Темурбек, – деди у қалдираган овозда. – Тун бўйи алаҳсираб, турли бемаъни тушлар кўриб чиқибман. Ишқилиб, Оллоҳ йўлимиздан адаштирмасин.

– Лаҳад ёқасида ҳам умид яшайди, Ҳусайнбек! Шундай оғир кунларга бардош берсаккина олий мақсадга эришамиз. Оллоҳдан заҳмату машаққатсиз, курашу мағлубиятсиз бахту тахтни сўраб бўлмайди. Оғир дақиқаларни бошидан кечирмаган одам саодатли кунларнинг қадрига етмайди. Сиз билан менинг ота-бобом, авлоду ажодим хоқону амир ўтган, лекин машаққат чекмасдан, биз ҳам хон ва амирлик қилишимиз керак, дея ҳақ талаб қилсак уят-да! Аввало даъво этаётганимиз. Бу мартабаларга муносиб эканлигимизни

исботламоғимиз керак. Менинг сўзларим бу қум барханлари орасида кулгили туюлиши мумкин. Мен билан сизга хулоса чиқармоқ учун Оллоҳнинг синови бу. Бу ҳолатимиз ва суҳбатларимиз, тирик-эканмиз, эсимиздан чиқмаса керак, тақдир бизни бундан ҳам оғир синовларга дуч келтириши мумкин. Биз барчасига тайёр турмоғимиз ва сабр-қаноат ила қаршиламоғимиз лозим. Бунинг устига ёнимизда тани маҳрамларимиз бор. Уларга тушқун ҳолатимизни кўрсатмайлик.

– Тўғри айтасиз, Темурбек. Лекин не-не жанглardan омон чиқиб, сахрода қум остида ўлиб кетиш уят-да. Бору йўқлиги белгисиз майда-чўйда одам бўлсақ бошқа гап эди. Эшитган қулоққа ҳам яхши эмас, – деди амир Ҳусайн қини учи билан қумни тўдалар экан.

– Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди, лекин ниятни пок қилайлик, қолганига эса Худо пошшо! – деди Темур хаёли қочган Ҳусайнга тикилар экан.

Улар наридан-бери нонушта қилишиб, яна йўлга тушишди. Кун пешиндан оққанда шундай қум бўрони бошландики, Темур бу каби бўронга умри давомида ҳеч бир ерда дуч келмаган эди.

Кўз олдиларида амир Ҳусайннинг бир навкарини қум босиб қолди. Шеригини қутқараман деган аскарни қайтаришмаганида уни ҳам. Уларни шу қадар ваҳима босдики, ҳатто амир Ҳусайн тирик қолишидан умидини узди. Темур бақириб-чақирганча оту одамларни бир ерга тўплар, ҳамма бирлашганда қум барханларини ёриб ўтиш ва юриш осонроқ кечарди. Кучли шамол йиқитмасди.

Юришнинг ҳеч қандай имкони қолмагач, бийдек қум саҳросининг қоқ ўртасида тўхтадилар. Тақдирларини Оллоҳга топшириб, ортда қолганларни овоз бериб чақира бошладилар. Бироқ ҳеч ким келиб, тўдага

қўшилмади. Темурнинг етти навқаридан учтаси баъзўр уларга етишди ва талқон еб сув ичиб ётишди.

Саҳар мардонда уйғонганларида эса содир бўлган воқеадан эслари оғай деди. Темурнинг икки навқари бисотдаги икки отни миниб қочган, ёнида хотини Улжой Туркан оғо ва содиқ навқари Маматдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Амир Хусайннинг одамларидан ҳам ярми кетган, у ҳам паришон бир аҳволда эди.

Ҳамманинг дарду дунёси қоронғи, лекин дийдиё қилишга ҳам, ўйлашга ҳам вақт йўқ.

Бир илож қилиб саҳродан чиқиб олиш керак эди. Йўлчиларнинг боши айланиб қолган бўлса-да, кечгача тўхтамасдан юрдилар. Кунботар маҳалига яқин узоқдан яшил яйлов кўринди. Аввал сароб деб ўйлашди. Кейин барча бирдек суюнди.

– Яна туркманлар овулидан чиқиб қолдикми дейман, – деди авзои бузилган амир Хусайн. – тутиб олишиб жойимизни солишмаса бўлди!

– Бу қавмни мен ҳам биламан, – деди Темур паст овозда. – Бироқ ораларида мард, бир сўзли кишилари бор. Ёшлари ёшулларининг сўзига қулоқ солишади. Катталарга ҳурмат бор буларда.

– Унда таваккал, кетдик, – деди амир Хусайн. – Бир бошга бир ўлим. Биз уларга ёмонлик қилаётганимиз йўқ-ку. Бирса, бир коса айронини ичамиз, бермаса, йўлимиздан қолмай кетаверамиз.

– Шошманг, бек, – жавоб қилди Темур. – Билмай туриб, хотин-халаж билан уларга юзма-юз бўлмайлик. Балки каллакесар қароқчилардир. Аёлларга навқар қўшиб, қишлоқ ёнидан ўтадиган йўл орқали жўнатайлик. Кейин етиб оламиз.

Туркманлар тасодифан келган ҳар қандай қурол-яроғли кишига шубҳа билан қараб, доимо қурол билан қарши олардилар. Улар бекларни ўраб олишди. Не

бахтки, ўтоғоларидан бири – Ҳожи Муҳаммад Темурбекни таниб қолди. Улар қучоқлашиб кўришдилар.

Ҳожи Муҳаммад Темурбек ва ҳамроҳларини уйига, меҳмонликка етаклади. Қўй сўйиб, иззат-икром кўрсатди.

– Танимасни сийламас, узр, – дея кечирим сўради хожи Муҳаммад.

Темур ҳам унинг бу инсонийлигидан мамнун бўлиб, чўнтагидаги икки дарё оралигининг бир йиллик солиғига тенг келадиган қимматбаҳо лаълни чиқариб, ҳады қилди. Ҳожи Муҳаммад улар учун сафарга зарур ҳамма нарсани ҳозирлаб берди. Бир навкарини йўл кўрсатувчи сифатида қўшиб ҳам қўйди. Кун ўтмай улар хонимларига етиб олишди. Маҳмудий овулига етишларига оз қолганда, баҳаво бир жойда ҳордиқ учун тўхтадилар ва икки ҳафта дам олдилар.

Мусофирларнинг хабари Мохон ҳокими Алибек Жониқурбонийга етиб боргач, уларни олтмиш отлиқ ўраб, Давлат Саркор бошчилигида Мохонга олиб келдилар. Алибек улар билан сўзлашмоққа вақт тополмади, кимлигига қизиқмади ҳам. Хизматкор ва навкарларини ишга буюриб, икки бекни хотини ва бир хизматкори билан чуқур қўлбола зиндонга ташлади. Бир боғ хашакнинг ярмини хотинига бериб, ярмини Мамат билан бўлишган Темур роппа-роса олтмиш икки кун мана шу зиндонда ётди.

Алибек Жонқурбоний уларни ўлдирмоқчи эмас эди. Тузукроқ бойга мўмай пул эвазига сотмоқчи эди. Бироқ бахтга қарши ҳадеганда на Бухоро тарафдан ва ё Хуросон томондан карвон кела қолмади. Бу орада Мохонга қўнган бир карвонбоши Алибекка англаш мушкул бўлган бир гапни айтди. Яъни у келтирган моллар Алибек Жонқурбонийнинг иниси хожи Мўхаммад Жониқурбонийга тегишли эканлигини, уни барлос

турклари беги, Кеш амири Темурбекка юбораётганлигини маълум қилди.

– Зиндонимдаги одам шунча улуғмикан? Оғасидан ҳам ортиқмикан? Бизга ҳады қилишга кўзи қиймай, қаердаги бир амирчага шунча нарсани инъом этармикан? – деди аччиғи чиқиб Алибек. – Жўна, бор ишингни қил! Карвонни юки билан қолдир! Хе, ўша чўлоқ хўжанг билан қўшиб сени ҳам...

– Сизга инингиздан мактуб бор, мухтарам Алибек! – деди карвонбоши ранги-қути ўчиб.

Алибек мирзани чақиртириб, хатни ўқишни буюрди. Муҳаммад Жониқурбоний дуои саломдан сўнг Чиғатой улусининг икки улуғ беги Темурбек ила Хусайнбекнинг Мохонда оғир аҳволга тушганларини эшитиб изтироб чекканини билдирган, Темурбекнинг ота-боболари билан ўзларининг аждодлари орқали азалдан яқинлигини, ҳатто қондош эканлигини батафсил тушунтирган эди. Темурбекнинг катта бобоси Қорачор Нўйоннинг Чингизхон замонида ўзларининг катта бобоси Арғунхон Жониқурбонийга кўрсатган меҳр-мурувватларини эслатиб, бу инсонларга олижаноблик кўрсатишини, кўмак беришни сўраган ва юборган ҳадыларини топширишни рижо этган эди.

Бу мактуб ҳам Алибекка ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Сўкиниб кўя қолди. Икки амирнинг Алибек Жонқурбоний ҳибсида ётгани Мохон ва унинг атрофида муҳокама этила бошланган эди.

– Бу тўқимтабиат Алибек барчамизни барлос ва чиғатойларнинг шамшири билан қирмоқчи шекилли. Бўлмаса нега шундай тагли-тугли одамларни зиндонда асрайди? – деди эшон Муборакшоҳ Санжарий ҳузурига келган косиб йигит Омондурдига. – Ўлар жойда бўлса молу мулкани олиб, қўйиб юборсин. Нега уларга жабрзулм қилади. Халойиқ Алибекдан норози бўлмоқда.



Хатто у ўз акаси Ҳожи Муҳаммаднинг айтганига кирмай, қайтамга, унинг Темур учун юборган совға-саломини ҳам тортиб олибди.

– Нега бу воқеани менга шу пайтга қадар сўзламадингиз? – деди афсус ила Муборакшоҳ.

– Биз ҳам яқинда эшитдик.

– Кетдик Алибекнинг уйига, – дея ўрнидан даст турди Муборакшоҳ Санжарий.

Эшонни кўрган Алибек ўзини йўқотиб қўйди. Санжарий у билан тузук-қуруқ сўрашмади.

– Ҳибсингиздаги кишилар кимлигини биласизми? – деб сўради оҳиста оҳангда эшон.

– Ҳа, биламан, бири Темур, Барлос беги, бири Ҳусайн, Чигатой беги, – деди чийиллаган овозда Алибек.

– Уларнинг авлод-аждодини ҳам биласизми?

– Биламан.

– Билатуриб нега шундай қилдингиз?

– Буларнинг ота-боболари доимо бизга хўжайиндай беписанд қараган, зулм ўтказиб келган. Шундан бир тавбасига таянтирай дегандим.

– Сиз бу ишингиз билан уларни тавбасига таянтира олмайсиз. Балким туркман қавмини, Жонқурбоний уруғини қуритасиз. Ахир, улар ўзимизнинг авлод-аждодимиз-ку! Ахир барчамиз Нуҳ пайғамбарнинг, Туркхоннинг, Ўғузхоннинг авлод-аждодимиз-ку! Кимнинг шоҳу кимнинг бек бўлиши эса бу Оллоҳдан. Мана сиз Мохон ҳокимисиз! Бироқ барча сиздан ризо эмас. Улар келиб сизга қилич кўтарганлари йўқ-ку! Ҳозироқ уларни бўшатиш. Айб иш бу! Гуноҳ! Катта гуноҳ! – деди такрорлаб эшон. – Булар аслзода инсонлар-а!

Алибек ер билан битта бўлиб пирга таъзим қилди. Бир оздан сўнг хонага Темур ва Ҳусайн кириб келди. Темурнинг хаёлидан Алибек бизни эшон ҳазратларига сотибди чоғи деган фикр кечди. Уларнинг аҳволи руҳиятидан

хафа бўлган эшон сўрашиб, кўнгилларини олган бўлди. Сўнгра Алибекдан изн сўраб, уларни уйига олиб кетди ва бу жоҳил инсоннинг қилмишлари учун улардан узр сўради. Иккаласига от-улов бериб, ёнига одам кўшиб, иззат-икром билан кузатиб қўйди. Темур шундан бошлаб Муборакшоҳ билан тутинган ота-бола бўлиб қолди. Маслаҳати билан иш юритди. Жангу жадалларда юрганида оила аъзолари эшон ҳазратларининг уйида яшади.

Икки бек ҳибсдан сўнг, катта ниятлар билан, иккиси икки тарафга, Темурбек Бухорога, амир Ҳусайн Гармсир тарафларга куч тўплаш учун кетмоққа қарор қилдилар. Темур сиҳати ёмонлашган хотини Улжой Туркан оғони Бухорода қолдириб, сўнгра йигитлари билан амир Ҳусайннинг ортидан етиб боришга сўз берди. Энди уларнинг қарори қатъийлашган эди.

## ХШ

*Шоҳ кўнглида қачон, бўлгай гадолардан хабар.  
Навоий*

Йўлга тушган Темур қанчалик мушоҳада этмасин, бу жоҳил одамнинг зиндонида бунча узоқ қолиб кетганига ақли етмади. Бирор чора-тадбир қўллаб, Алибекни қўйдек бўғизлаб чиқиб кетиш мумкин эди-ку? Нега шундай қилишмади? Аёллар ҳалал бердимми? Ёки Оллоҳ йўл бермадимми? Ўйлаб ўйига етолмасди. Бахтсиз дамларда ўйламоққа фурсат бўлса-да, киши ақлу закоси тиниқ ва равшан ишламайди, шекилли.

Карки ҳудудида Жайхундан ўтиб, икки дарё оралиғига қадам қўйдилар. У Самарқандни, Кешни, она қўрғонини соғинган эди.

Бироқ тўғридан-тўғри у томонларга бора олмас, Илёсхожахон ва амир Беккичикнинг айғоқчилари савдогару қаландар шаклида изғиб юришар, арзимаган эҳтиётсизлик фалокатга олиб келиши мумкин эди. Хусусан, Кеш ҳокимлигига амир Беккичик ўз одамини тайинлатган, Темурнинг она ватани душманлари қўлида эди. Бу унга жуда алам қилди. Терингни шиламан Беккичик, деди ичида. Сўнгра астағфируллоҳ, деб қўйди. Жаҳл келганда ақл кетар деганлари шу-да, ўйлади ўзича отининг жиловини бўш қўйиб борар экан.

Яна ўзга юртларда тентираб юришга юраги дош бермади. Кундуз куни дам олиб, кечаси йўл юриб, Кеш ҳудудига кириб келди. Она юрти ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди, булоқ сувидан қониб-қониб ичди, ювинди. Кўм-кўк майсазор ҳидидан ҳузур қилди.

Пешиндан сўнг эса Маматни Ғузор ҳокими, ўз одами саналмиш Тамука қавчин ҳузурига яширин равишда юборди. Темур бош амирлашкар эканида одами

эди. Энди балки ўзгариб қолгандир. Ахир ёнида жуфти ҳалоли ва Маматдан бўлак кимса қолмади-ку. Бунинг устига у ҳоким бўлса. Темур Тамука баҳодирни болалигидан биларди. Унинг отаси Тарағай Баҳодирнинг юзбошиси эди. Садоқатли инсон эди. Қазисан, қартасан, асли наслиннга тортасан деганларидек, ҳарқолда таги тоза инсон, Темурни сотмас. Ёрдам бермаса-да, зиён-заҳмат етказмас.

– Гап бундай, мулло Мамат, – деди Темур у жўнаб кетиши олдидан. – Аввал кўча-кўйда, бозорда бўлиб, ҳолаҳволни ўрган. Одамлар билан суҳбатлаш. Темур деган одам ҳақида бегонага ўхшаб суриштир. Тамука баҳодир билан учрашганда эса бир неча туманли лашкардан чопар ўлароқ келгандек сўзлаш. Қўшин гап-сўздан йироқ бўлиш мақсадида Жайхун соҳилида қолдирилган гўё. Қолгани ўз ақлу идрокиннга ҳавола. Вазиятга қара. Тамукани гувоҳсиз, ёлғиз ўзи билан гаплаш, – тайинлади Темур садоқатли навкарига. – Темурнинг навкари эканлигини кўпчилик билади. Айниқса, бу ерда. Навкари кўриндимми, ўзи ҳам шу атрофда дея Самарқандга хабар етказишади. Улус тинчлигини Тамука баҳодирнинг ҳаётини ҳам ўйлашимиз керак. Шу боис имкон қадар одамлар сени таний олмайдиган ниқобли бир қиёфага кирсанг яхши бўлғай, – деди Темур навкарга аниқ-аниқ кўрсатма берар экан. – Бизнинг таниш-билишлар орасида ҳақиқий садоқатлиларини ўзинг биласан. Тайинла, улар секин-аста, ҳеч кимга билдирмай тайёргарликларини кўрсинлар. Ғузордан ҳеч бўлмаганда эллик ёки юз отлик билан чиқиб кетишимиз керак. Худо сенга йўл берсин! Йўлинг оқ, йўлдошинг ҳақ бўлсин!

Бу дуони Темур онасидан ўрганган, волидаси уни қаршилаганида ва кузатганида ҳар замон шу сўзларни такрорлар, мунис кўзларидан ёш қуйиларди. Бундай пайтларда Темурнинг юраги қафасга тушган қуш қаби

питирлар, мунис ва меҳрибон онажонига чексиз яхшиликлар қилгуси келар, кўксига бошини қўйиб, болалигидан димоғига таниш қалампирмунчоқ хиди ила уйғун она кўкисини туяр; кўзини юмганча ўзини унутар эди.

Энди эса она шахридан бир неча чақиримгина бери турса-да, онаси ва отаси қабрини зиёрат эта олмаса. Бу не кўргулик! Ё Худо, Худованди карим! Ахир сенинг олдингда унинг бу қадар оғир гуноҳлари йўқ-ку! Эсини танибдики, йўлингдан чиққани йўқ! Унга раҳм-шафқат қил, кўмак бер! У сенинг ҳақ динингни Турон юртида, қолаверса, дунё узра янада барқарор этажак!

У Маматни кузатиб, эски бир кўшкни ўраб турган қаровсиз боғда ўтирар, руҳи-кайфияти ҳам худди шу вайрона кўшк ва эгасиз боғ каби эди. Агар юрт тинч бўлганда бу жаннатмисол боғлар, бу кўшклар бундай қаровсиз ётмас эди. Барчаси юрт нотинчлигидан, улуснинг бевозталигидан. Бир кун ғавғо чиққан жойдан қирқ кун фаришта кўтарилади, дейдилар. Дуч келган қароқчи ва ўғри унга кўз тикади. Ўтган ҳеч бўлмаса ўтин олиб кетади, қайтган қази чайнаб қайтади. Ҳеч бири бу ердагилар ҳам эл, одам, уларнинг ҳам бола-чақаси, тирикчилиги бор дея ўйламайди. Тезроқ, хирожу солиқни тўплаб, отини сўради. Йўқ! Бунинг барчасига барҳам бермоқ керак. Бу хоину чалахоин амиру бекларнинг қочиб борадиган сомонхонаси қанча масофада эканлигини, улар ақлидрок-томининг шифти неча газлигини Темур ўрганиб бўлди. Энди очикдан-очик курашга ўтиш керак. Юрак ҳовучлаган, асрлар мобайнида ғуруру ифтихори синдирилган эл ҳам буни кутаётир. Фақат унинг қалбига бу курашнинг ҳақлиги ва ғалабасига ишонч эътиқодини сола билмоқ лозим. Бусиз Турон юрти озод бўлмайди, улус ўзининг ҳақиқий ва азалий улуғ мавқеини эгалламайди! Темур шу ўйлар ила кўлини фотиҳага очиб Оллоҳга тавалло эт ди. Вўжудида ғалати ҳис жунбўшига келдики,

уни сўз билан ифодалаш мумкин эмас эди. Аъзойи бада-ни жимирлаб, танасига таралаётган ҳисдан сархуш эди.

– Ё Оллоҳ! Илтижоларимни қабул этаётганингни сезаётгандекман! Сенга шак келтирган бўлсам кечир мен гуноҳкор бандангни! Мен сендан фақат бир нарсани, она юртим саодатини сўрайман! Бу улус бу улуғ неъматга муносибдир! Меҳрингни биздан дариг тутма, Оллоҳим!

Темурнинг қулоғига аниқ ва тиниқ оҳангда «Омин» деган сўз эшитилди. У орқасида кимлардир турганлигини сизди. Ўғирилганда ўзидан йигирма қадам, чамаси, ортда Боботурк тўрт навқари билан турарди. Кўзларига ишонмади. Суюниб кетди. Қучоқларини очганча Боботурк томон юрди. Боботурк оёғига бош урмоқ ниятида эгилган эди, Темур уни тутиб қолди.

– Боботурқим! Оллоҳ қайтариб берган авлодим! Оллоҳнинг улуғ синовларидан эсон-омон ўтган мужоҳидларим! Сизнинг оёғингизга мен бош урмоғим керак! Бошингизга не ташвиш келган бўлса мен сабабчман! Афв этинглар мени! Биз дўстмиз, биродармиз! Дўстлик бу тенглик демак!

У шундай дея барча навқарлар билан қучоқлашиб кўришди. Уларни бир-бир бағрига босди. Боботуркка бошидаги бўркини кийдирди. Бошқа навқарга жойнамози, чопонини, кийилмаган этиги ва чўнтагидаги олтин тангаларини улашди. Уларнинг олмаганига қўймади.

– Биз сизни ортингиздан икки ойдан бери излаймиз. Алибекникида эканлигингизни кеч билдик. Бўлмаса ул муртаднинг мурдасини улоқ қилиб чопар эдик, – деди тез-тез ҳисобот беришга шошилиб Боботурк. – Амир Тўкалнинг таъқибидан зўрға қутулдик. Ортингиздан излаб Бухорога, Қоракўлгача бордик. Изингизни йўқотиб қўявердик. Оллоҳга шукр, мана дийдор насиб этди. Барчамизнинг бошимиз сизнинг қўлингиздадир, ҳазрат. Ҳозир изн, берсангиз, мен сас ила бир белги берсам,

яна йигирма чоғли йигитимиз Ғузор ва шу атрофдаги тоғларда юришибди. Шу белги орқали тўпланишга қарор қилганмиз. Мендан биринчи овозни эшитган йигит шу алпозда бошқаларни чорлайди.

– Маъқул. Бироқ бир оз шошмай турамиз. Мамат Тамука қавчин хузурига кетган эди. Бирор хабар билан келсин. Сўнгра ишга киришайлик. Одамлар тўпланиши кишиларда шубҳа туғдирмаслиги лозим. Бизни бу атрофда ҳатто итлар ҳам танийди, – жавоб қилди кулиб Темур.

– Тўғри айтасиз, ҳазрат! Шул боис ҳам Оллоҳ сизни бизга бош қилиб яратган!

Амир лашкарнинг ҳар бир ҳолатни ҳисобга олиши, ҳатто майда нарсаларни ҳам назардан қочирмаслиги навкарларни ҳайратга солди. Бундай одам билан ҳеч бир замон доғда қолмайсан киши деган нигоҳда улар Темурга ҳавас-ла қараб туришарди.

Кўшкни супуриб-сидириб, тўшанчи<sup>6</sup> солдилар. Темур Ўлжай Туркон оғо ёпиб берган кўмоч ва қозоқаки патир билан навкарларни меҳмон қилди. Улар гурунглашиб ўтиришганда узоқдан Мамат бошлиқ тўрт киши кўринди. Темурнинг кўнгли жойига тушди. Ҳарсиллаб келаётган гавдали Тамука қавчинни таниди. Бу қавм табиатан садоқатли келади, хаёлидан ўтказди. Юрагида ёли бор халқ. Тамука Баҳодир Темурни кўриб, хурсандлигидан бола каби хўнграб йиғлаб юборди.

– Худога шукр, ҳаёт экансиз, ҳазрат! Биз минг бир хаёлга бордик, – деди елкаси силкиниб кўз ёшларини артар экан. – Барчага айтардим, Темурбек оғо ўтга тушса ҳам бутун чиқади деб. Худонинг асрагани, рост бўлсин!

Темур яқин дўст, хешу ақраболар ҳатто унинг руҳига Қуръон тиловат қилиб, аза очганларини эшитди.

<sup>6</sup> Шолча (гиламнинг кичикроғи ёки оддийроғи)

– Энди умримиз узоқ бўлар экан, – деди кулиб. – Ҳаёт эканман, садоқатингизни унутмайман, Тамукабек! Биз бу ерда бўлажак Буюк Турон Ўрдусининг ўзагини яратмоғимиз керак! Бу кишилар вақти келиб, Турон юртини идора этадилар. Буларнинг барчаси ёшۇ қарисидан қатъи назар давлатимизга шерик бўладилар. Садоқатли одамларни танлашда сиз бизга кўмак беринг! Иншооллох, бу хизматларингизни улус унутмагай!

Темур хаяжонланиб бир зум тин олди. Бўғзига тикилиб келаётган ҳисни босиш учун бир-икки қадам наридан бери юрди.

– Сизга хизмат этгувчиларнинг энг олдинги сафида ўзим турадурмен! Сиз кураш бошлаган улуғ иш учун молу жоним, авлод-аждодимни бахшида этгум! – деди юракни титратгудек самимий оҳангда Тамука Баҳодир.

– Сизнинг элу юрт ва биз учун ҳар нарсага шайлигингизни билганимиз учун ҳам ҳузурингизга бошимизни эгиб келдик. Сиз ҳар қандай иззату икром, эътибору шарафга муносиб улуғ инсонсиз. Бироқ ўзингизга маълум сабабларга кўра сиз бизга мингбоши ёки юзбошилиқдан кўра Ғузор халқининг етакчиси сифатида янада яхшироқ ва кўпроқ кўмак берурсиз! Сиз азиз дўстимиз, биродаримиз, бизнинг ота юртимиздаги суянч тоғимизсиз! Сиз бор экансиз, бизнинг она юртдан кўнглимиз тинчдур!

Сиздан бир дақиқа ҳам ажрагум келмайди, ҳазрат! Киши кўнглини тоғ каби кўтарувчи, инсон зотига қанот боғлаб учирувчи сўзларингизни соғиндик. Дарагингизни топсак, қаерда бўлсангиз-да, етиб бормоқчи эдик. Худойнинг ўзи сўровимизни берди, – дея гапириб кетди Тамукабек меҳмонлар учун ҳозирлаб қўйган бир қўноқ ерига бошлар экан.

Бу жой хон чопарлари ва элчилар тунайдиган, таъмир учун бир муддат ёпиб қўйилган чоғроққина карвон-



сарой эди. Тамукабек қимизу қимрон олиб келгани ўз одамлари билан кетди-да, ҳаял ўтар-ўтмас қайтди. Ҳар бир навкарнинг оёғи остига қўйлар сўйилди. Темурбек қўлидаги олмос кўзли қадимий узугини олиб, Тамукабекнинг бармоғига тақиб қўйди. Тамукабек ҳатто Темурбек яхши кўрадиган Ўткун Тегин бахшини ҳам топтириб келган эди.

Меҳмон мезбоннинг бу қадар очикча меҳмондўстлигидан бир оз хижолат чекди. Йўл ҳозирлигини кўриш ва навкарлар бошқа ерда тунаши лозимлигини тайинлади. Карвонсаройнинг ичкари ҳужраларидан бирига кириб, зиёфат едилар, машшоқни тингладилар.

Айланайин, элим-ов,  
Ойқортоғ ойдин кўлим-ов.  
Хўшлашарда сен билан,  
Узилиб кетар белим-ов.  
Айланайин, овулим,  
Каттаю-кичик бовурим.  
Мен сизларни эсласам,  
Эзиладир бовурим.  
Айланайин туққан ер,  
Кир ювиб, киндик буғган ер.  
Олисга кетиб бораман,  
Ота-бобом чиққан ер.

Бахшининг қўшиғидан мароқландилар. Чоғир ичиб бир оз сархуш бўлган Тамука Баҳодир машшоқни мақтай кетди. Мамат унга эътироз билдирди:

– Э-э, қўйсангиз-чи, бек жаноблари! Қачонки машшоқдан пайғамбар чиқибди? Не қиласиз бу ғариб бахшининг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб? Инсонлар дунёни овоз билан эмас, азал-азалдан ақл билан олганлар. Овоз эса ақл эмас, билдингизми? – дер эди Мамат навкар куйиб-пишиб.

– Шундай дейсану шуларсиз кунимиз ўтмайди, биродар. Буларсиз ҳаёт ҳаётми? – унга эътироз билдирарди Тамука Баҳодир.

Темур улар суҳбатидан, йигитларнинг яйраганидан завқланди. Булар ҳам вақти маҳали келиб, қиличини кетмону қаламга, таёғу ҳисоб чўпига алмаштириб, одам боласидек меҳнат қилишлари, юрт ишига ярамоқлари керак. Бироқ инсон зоти бир-бирига нисбатан адолатли ва олижаноб бўла билмас экан, унинг қўлидан қурол тушмайди.

Кечаси Темур ёнига Мамат билан Боботуркни олиб, Кеш томон жўнади. Ҳар кеча тушига кираётган онаси ва отасининг қабрларига пешанасини теккизиб, зиёрат қилди. Қабристон жимжит эди. Темурнинг эсига Худо раҳмати онасининг киши адашиб қолганда ёки сафарда тунаш лозим бўлса қабристонда ётмоқ яхши, сабаби, қабристон энг тоза ва беҳатар жой дегани эсига тушди. У бу ерда узоқ ўтирди. Отасининг сўзлари яна қулоқлари остида жаранглай бошлади.

Темур отасини ювиб, кафанга олишлари олдидан кенг пешонасига лабини қўйганини эслади. Отасининг танаси муздек эди...

– Хайр, мен кетдим, энажон, отажон, – деди титроқ овозда. – Яқинда яна келаман!

У шундай деб шериклари томон юрди. Тонг отар маҳали навкарлар қолган манзилга етишди. Темурбек бу хилват гўшада йигитлари ила бир ҳафта дам олиб, вазиятни ўрганди ва шундай хулоса чиқарди: ҳозирча икки дарё оралиғида қолиш хавфли. Тўпланган навкарлар юз нафардан ошди. Шукурки, одамларнинг унга муҳаббати сўнмабди, қайтамга алангаланибди. Агар у ҳозир келганини халойиққа билдирса борми. Унда кўрарди томошани. Халқ кўчага чиқиб кетарди.

Темур шу ўйлар ила қўшинни йўлга ҳозирлаб, шом қоронғиси билан Жайхун томон йўл солди. Она юртдан чиқиб кетиш ҳар галгидек унга оғир эди. Айниқса, тунда. Маъюс тортганча от устида бошини эгиб бораркан, бу тупроқларга яна қачон қайтиб келиши ҳақида ўйлар эди. Маматни Бухорога юборди. Улжай Туркон оғони олиб, орқаларидан етиб боришларини тайинлади.

Темур Жайхун бўйидаги чангалзорларга етганида атрофда қўшин кўринмас, нисбатан хавф-хатар оз эди. Йигитлар билан ов қилиб дам олиш, яна қўшин тўплаш имкони бор эди бу ерда. Бир ҳафтадан сўнг Улжай Туркон оғо етиб келди. Улар Жайхун бўйларида қорақум саҳросидаги оғир кунларини, олтмиш кунлик зиндонни эслаб кездилар. Шу тариқа Жайхун бўйида икки ой, чамаси, қолиб кетишди. Бу муддатда унга Темурхожа ўғлон ва Баҳром Жалойир йигитлари билан келиб қўшилди. Қўшиндаги барча йигитлар сараланган, уруш кўрган, савашда осонликча бўйин бермайдиган навкарлар эди.

Нихоят, Темурбек мухтасар қуролланган, яхши дам олган, озиқ-овқат захирасига эга тажрибали қўшин билан Жайхунни кечиб ўтди. Шибурғон орқали Хилмандга, амир Хусайн ҳузурига йўл олди. Акаси ва авлод-аждодини кўрмоқдан, дийдорлашмоқдан Ўлжай Туркон оғо ҳам хушнуд эди.

Темур шу Жайхун сафари давомида янги бир емак кашф этди. Навкарлар сафарда, от устида юраркан, этдан емак тайёрлашнинг бу янги усулини ўрганиб олдилар. Темур бир неча марта бу ишни йигитларга намоиш этиб кўрсатди.

– Қўй ёки молнинг бир парча ёғсиз гўштини оласиз. Суяги бўлмаслиги керак. Иложи бўлса сон гўшти бўлсин. Уни тоза бир латтага ўрайсиз-да, эгар билан жабдуқ орасига қўясиз. Яъни эгарга бостирасиз. Шу қўйда бир, бир ярим кун юраверасиз, қараб турибсизки, тансиқ бир

таом ҳозир бўлади. Улжай Туркон ого билан биз унга бостирма деб ном бердик.

Йигитлар бу таомга қизиқишиб, эрталабдан кеч-гача от чоптиришардилар. Темурнинг ташрифидан амир Хусайн мамнун эди. Унинг Темурдан бошқа сун-янчи қолмаган, амирнинг беқарор феълига Темурдек мушоҳадали, узоқни ўйлайдиган кишигина чидаши, бардош бериши ва кечириши мумкин эди.

Улар маслаҳатни бир ерга қўйиб, Мовароуннахрни ётлардан тозалаш курашини бошлашга аҳд қилишган, бу мақсадга етмоқ учун лозим бўлса, Туғлуқ Темурхон билан урушмоққа ҳам ҳозир эдилар. Бу орада юз барган сотқинлик ишнинг белига тепди.

Боязид Жалойирнинг қавми Баҳром Жалойир бир тунда одамлари билан Ҳиндистонга қочиб кетди. Бироқ беклар аҳдларидан қайтмадилар. Қўшинни илгариги сонини тиклаш ва мацқини такомилга етказмоқ учун янада астойдил киришдилар.

*Давлат эгаларига эмас,  
қалб эгаларига хизмат қилинг.  
Ҳадисдан*

Темур ўз ўтовида шом намозини ўқиб бўлиб, Қуръони каримни паст овозда тиловат қилиб ўтирарди. Ҳузурига гурсиллатиб қадам ташлаганича, амир Ҳусайн кириб келди. Амирнинг ёнида нотаниш бир йигит ҳам бор эди. Темур Ҳусайнга буни нега эргаштириб келдингиз деган-дек қараган эди, амир унга шу атрофда бўлишни тайинлаб, чиқариб юборди.

– Сеистон ҳокими Малик Қутбиддиннинг одами, – изоҳ берди амир Ҳусайн. – Биздан кўмак истаяпти ул оғайнимиз. Мана мактуби. Оғзиларингга сиққунча оладиганларингни олинглару, мени муттаҳам Шоҳ Шужонинг зулмидан халос этиб, пойтахтим Заранжни қайтариб олиб беринглар дебди. Бу имкониятдан фойдаланиб қолсак ёмон бўлмайди. Қўшин ҳам бир оз машқ қилади. Ўлжа дегандай, чўнтагимизга беш-тўрт чақа тушади. Бойлик ўзимизга ҳам зиён қилмайди, – сўзларди амир Ҳусайн маъноли қилиб.

Темур қариндоши ва сафдошининг бисмиллосидан не фикрда эканлигини англаб, ўйланиб қолди. Амир Ҳусайн бурнидан нарини кўрмайди. Бўлмаса не улуғ мақсад устида турганида ҳали куч тўплаб улгурмаган қўшинни бойлик учун икки ҳокимнинг урушига суқадими? Эртага бу қўшин тамоман ёки тенг ярми қирилиб кетмаслигига ким кафиллик беради? Янги қўшин тўплаш учун улардан бири катта хон бўлганда ҳам бошқа гап эди. Буни унга қандай тушунтириш мумкин?

– Ҳарҳолда бу қулай имкониятни бой бермаслигимиз керак. Қўшинни маблағсиз кўпайтириш ҳам, тутиб туриш ҳам амримаҳол. Буни шу тариқа топмасак қандай

топамиз? Биласиз, мушук бекорга офтобга чикмайди, – деди ўтов эшиги олдида наридан-бери юраркан амир Хусайн фикрида давом этиб.

Унинг гаплари ҳақдек эди. Темур яна ўйга толди. Сўнгра мулоҳазали оҳангда амир Хусайнга ўз фикрини айтди:

– Ахир, бизнинг ниятимиз бошқа эди-ку? Асосий ишдан чалғиб кетмаймизми? Иккимиз ҳам сарсону саргардонликдан эндигина қутулиб, бошимиз қовушди, оз бўлса-да, ўз кўшинимизни тўплادик. Худога шу кунимиз ҳам кўп кўриниб қолса-чи? Сеистоннинг даштларида кўшинимиз тарқаб кетса нима қиламиз? Буларни охиригача ўйладингизми, муҳтарам амирим! Темур қўрқаяпти деб ўйламанг! Менинг Худодан бўлак ҳеч кимдан қўрқмаслигимни яхши биласиз. Шундай экан, шошиб бир ишга қўл урмайлик дейман.

– Бу катта жанг олдидан лашкар учун машқ вазифасини ҳам ўтарди, Темурбек. Уларни тузук қуруқ мукофотлаш имконияти ҳам туғилармиди дея ўйлаган эдим, – деди нафаси ичига тушган амир Хусайн, – яна ўзингиз биласиз, дўстим. Мен ҳам жонимдан тўйиб, қўлимга қилич олаётганим йўқ. Худодан умидим бор.

– Бўпти. Сеистонга борамиз, – деди Темур гапни чўзмай. – Фақат у тарафда ишни қай йўсинда ҳал этмоқни менга қўйиб берасиз...

Сеистон элчисини олдиларига солиб, уч кундан сўнг сафарга отландилар. Сеистон ҳокими Малик Қутбиддин пойтахти Заранжни Шоҳ Шужога топшириб, мавқе жиҳатидан иккинчи шаҳар Бустдан туриб қўлида қолган ҳудудларни бошқарар, игнанинг устида ўтиргандек кун ўтказмоқда эди.

Заранж – атрофи серсув, хандақ ариқ билан ўралган мустаҳкам қалъадан иборат шаҳар эди. Уни ҳар қандай кўшин шунчаки бир-икки ҳужум билан ололмасди. Те-

мур буни биларди. Қалъа дарвозаларини беркитиб ҳам бир неча ой химояланиш мумкин эди.

Амир Ҳусайннинг қўзига эса Малик Қутбиддиннинг олтинлари кўринар, бу ниятини яширмас эди.

– Қўшнингдан ун сўраб чиқсанг, элагингни яширма дейдилар. Ризқ-рўзимиз сочилган экан, шуни тергани чиқдик, – деди Темурга ҳазилу чин.

– Бу гапни менга сўзладингиз, бошқага сўзламанг, – деди Темур унга қовоғини уйиб.

Сеистон ҳокими интизор кутилган меҳмонлар шарафига уч кун зиёфат берди. Эрта кунда асқотадиган навкарларга ҳам алоҳида иззат-икром кўрсатилиб, улуфа<sup>7</sup> берилди. Ниҳоят, амир Ҳусайн кутган дақиқалар етиб келди. Малик Қутбиддин дуружавохирлар, қимматбаҳо тошлар тўла икки сандиқни икки бекка тақдим этди. Темур бу ҳолатдан уялиб, қизариб кетди.

– Биз бойлик учун эмас, сизни юртингиздан ноҳақ ҳайдаб чиқарган Шох Шужони инсофга қақирмоқ учун келдик. Агар у хатосини бўйнига олиб содир бўлган нохуш воқеадан афсусдалигини билдириб, Заранжни ташлаб чиқса, биз у билан ҳам дўст мақомида қоламиз, – деди Темур сандиққа қайтиб ҳам қарамай. – Биз молу мулк эмас, адолатнинг гадосимиз, муҳтарам Малик ҳазратлари. Буни сизда, сизнинг зулм чеккан раиятингиз-да англамоғини истайдурман.

Темурбекнинг сўзидан кейин Малик Қутбиддин ҳадя топшириш маросими намоишкорона бўлганидан хижолат тортди. У бу ишни амир Ҳусайннинг феъл-атворини яхши билгани учун шу тахлит меҳмонлар кўнглини оламан дея ўйлаганидан қилган эди. Амирнинг қайноғаси унинг акси экан, ўйлади Малик Қутбиддин шоша-пиша сандиқ қопқоқларини ёпар экан.

Темур фикр қилгандек, Заранж қалъасини забт этмоқ мушкул эди. Сув тўлдирилган ҳандақлар кенг ва

<sup>7</sup> Ўлжадан ҳақ

чуқур, қалъанинг ўқчи ва тошотарлари уни ўраб турган қўшинлар устига тош ёғдирдилар. Шу йўсинда шаҳар бир ой қамалда турди. Қалъа тақдирини Боботуркнинг йигитлари топиб келган хабар ҳал қилди. Олис ва қорли тоғлардаги шаҳарни сув билан таъминлаётган қувур беркитилди. Бироқ сув захиралари мавжуд эканми, қаршилиқда ўзгариш сезилмади. Темурнинг тоқати тоқ бўлган эди. Олтмиш чоғли йигити билан нарвонлар қўйиб, қалъа деворига чиқа бошладилар. Камончилар нарвондан кўтарилаётганларга ҳужум қилаётган қалъа ҳимоячиларини пастдан ўққа тутиб турдилар. Темур йигитларни гуруҳ-гуруҳ қилиб, дарвозаларни эгаллаш ва очиш вазифасини топшириб, ўзи энг сара йигитлари билан Шоҳ Шужонинг саройи томон йўналди.

Худди шу ерда унинг ҳаётидаги аянчли воқеа юз берди. Икки ўқ устма-уст келиб ўнг қўл ва ўнг оёғига санчилди. У четроққа чиқиб, қўлига санчилган ўқни суғуриб ташлади. Бироқ оёғига санчилган ўқни ололмади. Мамат бошлиқ навқарлар унинг ярасини боғлаб, хавфсизроқ жойга олиб ўтдилар. Темур ва унинг йигитлари Заранж қалъасини олган эдилар. Дарвозани очганларида Малик Қутбиддин билан амир Ҳусайн от чоптириб қалъага кириб келди. Шоҳ Шужоъ эса яширин ер ости йўли орқали қочиб улгурган эди.

Бироқ Темур айтганидек, қўшин тўкилиб қолган эди. Амир Ҳусайннинг қўшинидан бор-йўғи юз чоғли отлик оёқда турар, кўплари ўлган ёки қочиб кетганди. Темур йигитлари сафида ҳам талофат сезиларли эди. Икки бекнинг ўрдуси ҳам ҳали-бери ўзига келолмайдиган аҳволда эди. Темур яраланган аъзоларини даволатмоқ учун Бустда қолди. Амир Ҳусайн эса ҳеч мақсадсиз йигитларини олиб Боқлон томонга қараб жўнади. Юлдузларни кўзлаган қайноғаси амир Ҳусайн яна бир ташвишни етаклаб келмаслигидан Темур хавотирда эди. Ундан



эхтиёт бўлинмаса, ҳар қандай ўйинни бузиб қўйиши ҳеч гап эмас эди. Шу боис қандай бўлмасин уни топиб, сеники маъқул деб, елкасини силаб-сийпаб, назоратда ушлаб турмоқ керак эди. Жангда ақлдан кўра мардлик кўпроқ асқотганидек, амир Ҳусайнни, мақтаб йўлга солинса яхши жангчи ва лашкарбоши эди. Барча туркмўғул амирлари каби унинг ҳам икки нуқсони мавжуд эди. Биринчиси, ўзини ҳаммадан устун ва ақлли санаб, бу юртга фақат мен хоқон бўлишим керак деб ўйлар, иккинчиси уришишга одам топилмаса, ўз қавмидан бирортаси билан савашарди. Бу қавм беғу амирларига икки гап кўплик, бир гап камлик қилар, ўзларининг ақлларига келгандан бошқани тан олмас эдилар. Темурнинг хавотири тўғри чиқди. Амир Беккичикнинг қардоши Жунай Баҳодир катта қўшини билан унинг йўлини тўсди. У орқасига қайтиб, Сулаймония тоғларида яшовчи тоғликлар билан савашиб, абгор бир аҳволда, йигирма чоғли навқари билан зўрға Шибурғонга етиб олди. Темур ярасини даволаш учун Бустда қолган замонда дам олмоқ, бола-чақаси ва ота-онасини кўриб келмоқ учун қўшиннинг катта қисмига рухсат берди. Хабар бормагунча овулларда ўз тирикчиликлари билан шуғулланиб туришларини тайинлади. Малик Қутбиддин берган олтинлардан уларга улашилди. Темур навқарларига берган улүфани бек нари турсин, бирорта хон ҳам ўз лашкарларига бермас, бера олмас эди. У табиатан, оғзидаги сўнгги тишлам нонини ҳам муҳтож кишига берадиган, кунлаб очлик ва сувсизликка чидайдиган одам эди. Ёнидагилар унинг бу ғайритабиий феъл-атворидан ҳайратга тушишар, шу боис ҳам унинг ҳар бир хатти-ҳаракати ривоятга афсоналарга айланиб кетарди.

Гоҳида у кенг яланглиқда уззукун намоз ўқир, намоз ўқиганда кўзларидан дув-дув ёш қуйилар, буни куза-

тиб турган навқарлар ҳайрат билан бу илоҳий сифатлар соҳиби бўлган инсонга таҳассуб қилар эдилар.

Малик Қутбиддин Сеистон шайхулисломи билан бирга Темурбекни катта иззат-икром билан кузатишди. Темур шоҳона дабдаба билан йўлга чиқса-да, бугун отга ўзи эркин мина олмаганидан, Мамат билан Темурхожа ўғлон қўлтиғидан олиб эгарга ўтқазиб қўйганларидан кайфияти бузилган эди. Катта, ҳал қилувчи жангда яра-ланганда ҳам майли эди. Қаердаги икки ҳоким жанжа-лига аралашиб, яраланиб ўтирибди. Эҳ, дунёи қўтир, шеригинг қарға бўлса, чўқиганинг гўнгдир деганлари шу экан-да!

Ўн кун, чамаси, йўл юриб, Коҳмардга етиб келдилар. Худди шу ерда амир Хусайннинг қаердалиги маълум бўлди. У Бомийён томонларда тентираб юрарди. Шунчаки тентираб юрмас, қўшин тирикчилиги учун гоҳида очикдан-очик карвону овуллардан ҳақ ундираб, солиқ соларди. Буни эшитган Темур қаттиқ ранжиди. Улжай Туркон оғога «Оғамизнинг бу ишларини улус ҳеч қачон кечирмайди. Айтиб қўйинг. Мен айта-айта чарчадим. Бу кетишда Хусайнбек бизни бир балога дучор этади», – деди.

Улжай Туркон оғо оғиз очиб, бир нима демади. Оғасининг феълини билар, у хотин зотининг маслаҳат нари турсин, сўзини тинглашга тоқати йўқ эди. Хотинлар у ёки бу давлат ишларига аралашдим, эски турк мақолини айтиб, уларни масҳара қиларди.

«Хотиндан хон чиқса эчкини икки кесар. Эчки ўзи шунақа жониворки, жуни бир марта қирқишга арзимайди. Болангни боқиб, овқатингни пишир, кирингни юв. Аёлнинг авлиёси ҳам аёлда», – дер эди у бу хусусда гапиришни ҳам истамай.

– Яхшиси, ҳазратим, амир жанобларига бу гапни ўзингиз айтинг. Унинг бу ҳудудда бирдан-бир ҳурмат

қиладиган ва хайиқадиган одами сизсиз. Бошқани эр-  
какми, аёлми, инсон ўрнида кўрмайдилар. Сиз билан  
эса ҳисоблашадилар. Сизсиз ҳеч бир иши юришмасли-  
гини ҳам билади. Дилшод оғо ҳам шу фикрдалар. Бу ху-  
сусда биз кўп ва узоқ суҳбатлашганмиз, – жавоб қилди  
мунис оҳангда Ўлжай Туркон оғо.

– Бирорта бойу бадавлат кишининг, одамларга жабр  
ўтказган лашқарбошининг ўлжасини тортиб олиш мум-  
киндир. Бироқ қўли калта, тепаси ўйик, кунини зўрға  
кунлайдиган, бечора элнинг нимасини олади? Бир бур-  
да нониними? Буни ҳеч қачон Худо ҳам, халойиқ ҳам ке-  
чирмайди. Элнинг қарғиши ҳам ёмон. Мен истасам, бир  
ҳафтада Туғлуқ Темурхондан кўпроқ бойлик тўплашим  
мумкин. Бироқ қон ва жон эвазига тўпланган бойлик бу-  
юрмайди. Касри бола-чақанга, авлод-аждодингга ура-  
ди. Буни чуқур англаб етмаган одамни мўмин-мусулмон  
деб бўладими?

Ўлжай Туркон оғо рўмоли учини тишлаганча боши-  
ни ирғаб, хўжаси сўзини маъқуллаб, сўкут сақлар эди.  
Шу пайт Боботурк муҳим хабар борлигини билдирувчи  
маънода от чоптириб келди.

– Яхшилик, ҳазратим! – деди у отдан тушиб, ўнг  
қўлини кўксига қўйиб бошини эгар экан. – Худо иш-  
ларимизни ўнгидан келтиргусидир, иншооллоҳ!  
Ҳузурингизга асл бобо авлодларимиз бўлмиш қавм-  
қариндошларимиз қайтиб келмоқдалар. Бу яхшилик  
аломати, ҳазрат!

– Сўйла, ким келди? – тоқати чидамай сўради Темур.

– Муҳтарам катта бобонгиз Қорачор Нўйон наслидан  
бўлмиш Сиддиқбек Баҳодир ўн беш навқари билан ам-  
рингизда эканлигини билдириб, ҳузурингизга ташриф  
буюрмоқдалар.

Темур бирдан шодланди. Ҳозиргина бўлиб ўтган  
нохуш гапдан сўнг қалби ёришгандек эди. Ўттиз ёши

атрофидаги ҳаётида синадики, ҳожи Барлосдан бошқа ҳеч бир хешу ақрабоси панд бермади. Дарвоқе, у катта қўшин тузар экан, ўрдунинг ўзаги сўзсиз турк қавмлари, ота авлод кишилари бўлажак.

– Сиддиқ Баҳодирга зар чопон, навкарларига чопонлар ҳозирлашга амр бер, Мамат! Чақир уларни! Бизни йўқлаб келсалар, уларни Оллоҳ йўқласин!

Темур шундай деб елкасига чопон ташлагани чодирга кириб кетди. Амакилар учрашганда иккиси ҳам кўзёшларини тия олмадилар.

– Бизни ташлаб қаерларда юрибсиз, ҳазратим! Сиз бош амирлашқарликдан кетган кунингиз биз ҳам қўшинни тарк этган эдик. Шундан бери сизни излаймиз, тополмаймиз. Ота авлоддан мўғул қўшинида уруғликкада бир зот қолмади. Худога шукр, мана кўришдик. Энди ўла-ўлгунча сиздан ажрамаймиз. Хизматингизга тайёрмиз, ҳазрат! – деди йиғи аралаш овозда Сиддиқ Баҳодир.

– Оллоҳ бу садоқатингизни кўриб турибди, азиз жигарим Сиддиқбек! Дўстига садоқат сақламаган киши Оллоҳга ҳам тўкис меҳр-муҳаббат қўймас! Бу ташрифингиздан бошим кўкка етди. Сиз каби бир сўзли, ушлаган жойини қўйиб юбормайдиган вафодор кишиларсиз олий мақсадларга эришиш мушкул. Улуғ ишлар фақатгина буюк соҳиби истеъдодлар салоҳияти, ақлзаковати ила амалга оширилгусидир! Беҳад шодман!

Темур шундай деб, Маматга ўгирилди. Сарполар келтириб қўйилган эди. Сиддиқбек Баҳодирга зарбоф тўн ёпган Темур белидаги камарини ечиб, чопон устидан боғлаб қўйди. Сўнгра бекнинг йигитлари елкасига бирма-бир чопон ёпиб, бағрига босди. Навкарлар жуда эрта афсонага айланган инсон билан қучоқлашаётганларига ишонмас эдилар.

Сўнгра меҳмонлар шарафига ялангликда қуюқ зиёфат берилди. Сиддиқбек баҳодир Темурбекка юртдаги аҳволни билганича сўзлаб берди.

– Илѣсхожахон билан Амир Беккичик туронлик қавмларни ҳокимиятга йўлатмаслик учун араб ва форсий тилли халқларни қайраб, ишга солмоқдалар. Бу ишга уларнинг барчаси қўшилмаса-да, узоқни ўйламайдиганлари ва бир парча нон учун ҳар нарсага тайёр турганлари учмоқдалар. Биз имкониятимиз қадар уларни огоҳлантирдик. Бу хоинлик учун эртага бошлари кетиб, мулки талонда қолишини айтдик. Муҳтарам амиримиз Ҳусайнбекнинг аҳволи руҳияларидан ўзингиз хабардорсиз...

Сиддиқбек Баҳодир амир Ҳусайн Темурбекка хеш бўлгани учун у ҳақда оғиз очмади. Темур буни сезиб, ерга қаради. Тасбеҳини ғижимлаганча яна не гап бор дегандек, Сиддиқ Баҳодирга тикилди.

– Қавмимизнинг энг буюк фожиаси самимий ва ишонувчанлигидир. Сиз-ла баробар юрган, ортингиздан сонга кириб, бола-чақасини боқиб келган кишиларнинг недан хоинликка боришларини, жалойирлар каби тез-тез қарорларини ўзгартирганларига ҳечам ақлим етмайди. Бир оз қаттиққўллик керакми дейман, Темурбек, – деди мулоҳаза оҳангида Баҳодир. – Бу жоҳил одамларни фақат куч ва қудрат воситаси ила йўлга солиш мумкин. Одамлар одамгарчиликни отасининг қули деб ўйлаб қолган. Сизга ақл ўргатмайман. Бироқ сизнинг бармоғингизга кирган тикан менинг юрагимга санчилади.

– Гапларингиз тўғри. Фақиру фуқаро, қашшоқ кишининг камтарлиги кимсага керак бўлмаганидек, бирор-бир юксак мавқега эришмай туриб қаттиққўллик қилсак, атрофимизда ҳеч ким қолмайди. Юксак мақомга, давлат соҳиблигига меъёрни тутиб, ўртани ушлаб, яхшини жуда кўтариб юбормай, ёмонни ҳам ерга уриб юбормай етиб борилади. Ҳарҳолда мен шундай деб ўйлайман. Амир Ҳусайнга келсак, унинг ишини Худо тўғрилайди.

Мең у билан тенглашмаслик ва яна орамизни бузмаслик учун муросаю мадора қилиб келмоқдаман. Шу пайтгача амир ҳазратлари кўп хато ва нуқсонларга йўл қўйдилар. Бироқ менга нисбатан хоинлик йўлига ўтганлари йўқ. Унинг савабда Тўқал Қўнғирот билан қилич чопганини кўрганингизда эди. Шунда мен ундан жуда оғир шароитда ҳам ўзни йўқотмасдан, ҳеч кимдан ҳайиқмасдан, беш-ўн нафар аскар билан қилич чопишишни ўргандим. Иккимиз йигирмата навкар-ла савашиб, сафдан чиқардик. У ерда турган ҳолда отлиқларни ағдарарди.

Сиддиқбек Баҳодир кейинги бир неча йилда Темур фикран анча ўсанлигини сезди. Юрагида унинг келажакка бўлган ишонч ўти алангалай бошлаганини кўрди.

Боботурк яна бир янги гапни айтишга эҳтиёж борлигини билдириб, Темур томон аланглаб боқарди. Темур нима гап дегандек ўтирилди.

– Каттагина кўшин биз томон келаётир, ҳазрат! Не кўрсатма бор?

– Чаққон йигитлардан бирини қаландар шаклида юборинг! Душман кўшини бўлса «Ё Оллоҳу ё Оллоҳ!» десин, агар дўст ўрдуси бўлса, «Ҳақ дўст ё Оллоҳ!» дея овоз берсин! Йигитлар эса шай бўлиб турсинлар! Менинг ҳам от ва қурол-яроғимни ҳозирланг! Энди устозим Самир Тархон айтганидек, чап қўлнинг кучини ҳам бир синаб кўрадиганга ўхшаймиз.

Қўшин отланган, жангга шай ҳолда турарди. Жанг кийимини кийганда Темур ғоят жиддий ва илоҳий қиёфага киришини навкарлар ҳайрат ила кузатишарди. У отнинг устида шундай енгил ўтирардики, гўёки учиб юрганга ўхшар, шу боис у минган от қулайликдан енгил тортиб, барча отлардан ўзиб кетарди. Қаландар ортидан кетган пойлоқчилардан тезликда жавоб келди. «Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!»

Темурнинг кўнгли жойига тушди. Сиддиқбек ҳамроҳлигида отда оҳиста чанг кўтарилаётган томон юрди. Йигитлар эҳтиёт шарт пистирмага қўйилди. Феъли тоғ ҳавоси каби тез ўзгарувчан бу шарқ одамларига ишониб бўладими? Улар ҳар дақиқада турланишади.

Темур саман отда савлат тўкиб келаётган Қозончи Баҳодирни узоқдан таниди. Ҳурмати учун анча олисда отдан тушиб, уни пиёда қаршилади. Буни кўриб таъсирланган Қозончи Баҳодир ҳам ўзини таппа отдан ташлаб, эски қадрдони томон талпинди. Улар узоқ бир-бирларини бағриларига босиб турдилар.

– Юз нафар навкарим билан Турон юртининг асл ўғлони Темурбекнинг хизматида ўла-ўлгунча турурмен! Сўзим ҳақми, навкарларим! – дея хитоб қилди Қозончи Баҳодир ўрдусига ўтирилиб.

– Ҳақ рост! – бир овоздан гуриллаб жавоб қилди навкарлар.

Темур қадимий турк удуми бўйича Қозончи Баҳодирга бўркини совға қилди. Садоқатини изҳор этиб, икки қўлини унинг тиззасига теккизмоқчи бўлган эди, Баҳодир тиз чўкканча Темурнинг оёқларини кучоқлаб олди.

– Ҳазрат Темурбек! Сиз ўзингизга муносиб иш қилинг! Бизнинг жонимиз сиз улуғ инимиз учун фидо бўлсин! – деди Темурнинг оёқларини қўйиб юбормай Қозончи Баҳодир.

Навкарлар учун соя-салқин сой бўйларига тўшанчилар тўшалиб, зиёфат берилди, улуфа тарқатилди. Темур бирма-бир айланиб, уларнинг кўнглини сўради. Оила шароитида мушкулотлари бор навкарларга юртига бориб келмоқ учун рухсат ва йўл харажатлари берилишини эълон қилди.

– Эшитганларим тўғри чиқди. Бу Темур деганлари ҳақиқатан ҳам одам эмас экан, – деди ағрайганча бўзадан сархуш бўлиб ўтирган навкар Бухоро лаҳжасида.

– Нима деяпсан, овозингни ўчир! Ақлинг жойида-ми?! – шивирлаб биқинига туртди шериги, ён-верига алангларкан.

– Одам эмас, авлиё экан деяпман! Тушундингми, галварс!

– Э-э, шундай демайсанми? – Кўнгли жойига тушган шериги тиззасига уриб кулди. – Иккимизнинг бошимиз бирданига кетади деб юрагим ёрилаёзди.

– Темурбекнинг таърифини эшитдим. Агар уни ҳақли ўлароқ сўксанг, кўнглига олмаскан, ҳатто сени мукофотлармиш. Лекин ноҳақлик қилсанг, бурнингни ерга ишқаб, кечирим сўраттираркан.

Темур, Қозончи Баҳодир ва Сиддиқбек Баҳодир билан бирга келгуси ишлар режаси ва ҳисоб-китобига киришди. Чопар амир Ҳусайннинг Арсафда эканлигини, Темурбекни кутаётганини маълум қилгач, қўшин шу тарафга йўл олди. Арсаф табиати гўзал, ҳордиқ чиқаришга қулай бир маскан эди. Темур яна лашкарга дам олиб, машқлар ўтказиб туришга фармон берди. Овчи қисм сафар тадориги учун ов қилиб, сур гўшт ҳозирламоққа киришди. Тоғ бағирларидан кийик ўти, анор ўти ва ялпиз териб қуритдилар.

Ҳордиқнинг бешинчи куни яна қоровулар олисдан бир тўп қўшин келаётганлиги хабарини берди. Темур улар томон қоровул қисмни жўнатиб, вазиятни ўрғанмоқни топширди. Зум ўтмай Темурнинг собиқ мингбошиси амир Сайфуддин етмиш нафар навқари билан дўсти ҳузурида ҳозир бўлди. Бу ҳолатдан Темур ва унинг ёнидагилари ғоят таъсирландилар. Темурбек қуролдош дўсти билан Хива ҳокими Тўқал қўшинларини тўзителиб юборганда ажралишиб қолган эдилар. Унга ҳам юксак одамшавандалик ва садоқатли дўст эҳтиромини кўрсатди. Амир Сайфуддин Темурбекнинг оёқлари



остига ғоят сифатли ишланган исфаҳон қиличи, камон, ўқ-ёй ва олтин сопли ханжарни ташлаб, шундай деди:

– Бу Сизга қарши илк бор қилич кўтарган турк амири Тўқалнинг саваш ажномларидир! Бошқа турк амиру бекларига ўрнак бўлсин дея уни асраб юриб эдим. Биз қони, илдизи ва дини бир қавмлар бир-биримизга қилич кўтармайлик! Акс ҳолда барчамиз қирилиб кетамиз. Ушбунни қабул этинг, Темурбек!

Темур ерда турган қурол-яроғларни олиб кўра бошлади. Амир Сайфуддиннинг бу иши барчага бирдек жуда кучли таъсир этган, ўйлатиб қўйган эди.

– Қилич Исфаҳонда тайёрланган, камон Хоразмники, ханжар эса Қофқоз тарафникига ўхшайди, – деди Темур синчковлик билан кўздан кечирар экан. – Жакубек, буларни қуролсозларимизга беринг, ўрганишсин. Ишларида фойдаланишсин. Оллоҳ раҳмати амир Тўқал Кўнғиротга биз қилич кўтармаган эдик. Мусофир ўлароқ ундан бошпана сўраб борган эдик. У аввал бизни зиёфат қилиб, оёқларимиз остига қўй сўйди, сўнгра шу қўйлар каби теримизни шилмоқчи эди, англаб қолиб, зўрға қочиб кутулдик. Қопар ит қопмай қўймас, деганларидек, дарвеш каби саҳрода тунаб бир амаллаб, кунимизни ўтказиб юрганимизда устимизга от солди. Бизнинг ёки унинг айтгани эмас, Оллоҳнинг ёзгани вожибдур. Хақиқатан муҳтарам амир Сайфуддин сўзлаганларидек, бу қонли воқеа барчамиз учун сабоқ ва ўрнақдур. Хусусан, менга ҳам. Мен ҳам барча беку навкарга адолатли муносабатда бўлмоғим лозим. Акс ҳолда менида Оллоҳ кечирмас. Иш юритувдами, савашдами, ҳар хусусда шубҳали, нотўғри қарор қабул қилсам, фармон берсам, тўппа-тўғри келиб айтинглар. Фақат менга чин дўст бўлган кишигина шундай қилади. Тўғри сўзни айтган инсондан хафалансам, қалбимда кин сақласам ва унга ёмонликни раво кўрсам, мана қўлимда, ҳар замон

кўкрагимда асраб юргувчим, Қуръони карим турибди. Мең бу йўлда негаки эришсам, барчангиз унга шерик-дирсиз!

Саркардалар, навкарлар, мулозимлар ва хизматчилар унинг сўзларидан таъсирланганча қотиб турар эдилар. Навкарлар ва мулозимлар нигоҳидаги эътиқод ифодасини кўрган Темур энди қўшини тарқаб кетмаслигини, одамлар кураш мақсадини англаб етаётганлигини ҳис қилди.

Кун пешиндан оққанда тағин хушxabар етказишди. Темурнинг яна бир дўсти Шер Баҳром уни истаб Коҳмард томондан келаётган экан. Шер Баҳром Самарқандда, Темур қўшинида мингбоши эди. У нени сўраса, Темур йўқ демасди. Шер Баҳромнинг назарида Темур барчага баробар, адолат тарозусини тўғри тортадиган инсон эди. Бундай одамнинг ёнида юрсанг кам бўлмайсан дея ўйларди. Унинг мулоҳазасига кўра подшоҳлар узоқдан меҳри билан илитади, яқиндан эса ёндириб юборади деган ақида Темурга ёт эди. У ўзига яқин, лекин хатога йўл қўйган инсонни бағрикенглик билан уч-тўрт мартагача кечирар, хулоса чиқара олмаган кишиларни яшашига етгулик маош тайинлаб, ёки ер-мулк бериб, ўз улусига қайтариб юборарди. Шу боис, унга хизмат қилиб, сўнгра ҳокимиятдан четлашган кишилар орасидан душманлар деярли чиқмас эди.

Темур этак силтаб, саройни тарк этгандан сўнг, Шер Баҳром не қиларини билмай, тирикчилик учун мўғул қўшинида қолди. Бироқ мўғуллар унинг она юрти бўлмиш Жайхуннинг сўл қирғоқларидаги ҳудудларга босқин қилиб, халқни очиқдан-очиқ талай бошлаганларидан сўнг Темур каби ҳайё-ху деб бошини олиб чиқиб кетди. Биродарини узоқ қидирди. Унда ҳам Темурга ўхшаш бир одат бор эди. Хону амирлар аччиғи чиқиб фалончини тутиб кел ёки ясога торт деганларида фармон-

ни бажаришга шошмас, ҳукмдорнинг кўнгли юмшаган пайтда вазиятни тушунтириб, ўша одамни қутқарарди. Бу савобли ишни у ғоят усталик ва ишончли тарзда амалга оширар, ўша одам ўла-ўлгунча шу хон ёки амирга садоқат-ла хизмат этарди.

Арсалда дийдорлашганларидан сўнг ҳам худди шундай бир ҳолат юз бердики, анча вақт ўтгач, Темур бунинг учун Шер Баҳромга миннатдорчилик билдирди. Қўшин сони ортиб, уни озуқа, от-уловларни хашак билан таъминлаш бир оз мушкуллашди. Сабаби ўрду анчадан бери савашга кирмаган, бирор-бир ўлжани қўлга киритмаган эди. Аҳволни амир Хусайн ва мингбошилар ила маслаҳатлашган Темур теварақдаги барча турк ва чигатой бекларига элчи юбориб, захира тўплашга қарор қилдилар. Минг ва тўрт аймақ улусларидан озуқа ва одам келди-ю бошқа беклардан садо чиқмади. Алжав қалъасидаги эски турк беги Менгли Буға эса элчини ҳайдаб юборди. Суф дарасидаги Имлисбек ҳам амирларни тан олмади. Темур Менгли Буғани инсофга чақириш, бу қилмиши учун узр сўрашга фурсат борлигини билдириб қўйиш учун Шер Баҳромни Алжавга жўнатди. Амир Хусайн Шер Баҳромдан уни тирик тутиб келишни талаб қилди. Шер Баҳром Темурга юзланди. Темур эса индамай ерга қаради. Шер Баҳром Менгли Буғани тутиб келмади. У билан жангга киришмоқ ҳам Темур лашкарига обрў келтирмас эди. Сабаби, сенинг айтганингга кўнмаган одамни жазолайвермайсан-ку! Менгли Буға фурсатдан фойдаланиб, Ҳисор томон қочди. Имлисбек эса Шер Баҳром қаршисида икки юз нафар навқари билан хизматда эканлигини билдириб, тавба тўнини кийди. Унинг узри қабул этилиб, беклиги қолдирилиб, обрў-эътибори кўтариб қўйилди. Унга ҳатто Менгли Буғага тегишли айрим ҳудудларни назорат қилиш ҳам топширилди.

– Биз кимсанинг молу давлатига, жону жаҳонига таҳдид қилмаймиз. Амир амирлигини, бек беклигини, Оллоҳ шохидки, омон-эсон давом эттирсун! Бу йўлда биз унга кўмакчи, ҳимоячимиз! Унга кимса даҳл қилолмас! Бунга биз кафолат берурмиз! Бироқ бу инсонлардан бир рижомиз борки, бу ҳам бизнинг бирлашмоқ йўлидаги курашимизга халақит бермасинлар! Модомики, бизнинг мақсадимизни англай туриб қаршилиқ кўрсатар экан, бундайларнинг гуноҳлари ўз бўйнида. Бу ишни туншунмай, моҳиятига етмай туриб, хатолиғ қилган кишилар учун эса узр ва авф эшиги ҳар замон очикдир!

Темур Имлисбекка қарата сўзлаётган сўзини тутатар-тутатмас узоқдан оқ байроқ кўтарганча яна бир гуруҳ лашкар кўринди. Бундан Темур янада руҳланиб кетди.

– Биродарларим, мана! Оқ байроқ кўтарган яна бир черик қўшилмоқда! Биз улар билан сўнгги парча нонимизни ҳам баҳам кўрамиз. Қавмимиз азал-азалдан бир майизни қирққа бўлиб еган, ўзи емаса-да, ўзгага берган элдир. Оқу қорани таниган улус учун парча нон муаммоси кўндаланг турмаган. Иймон, эътиқод бизнинг шиоримиз шулдир! Аввал Қуръон, сўнгра нон! Динсиз, иймонсиз, эътиқодсиз ва мақсадсиз улуснинг ҳаётида маъно, ишида барака бўлмас! Динсиз тўдаларни Оллоҳни танишга, унинг ҳақ динини тан олишга даъват этамиз! Биз Қуръони каримда келтирилган барча пайғамбарларни севган ва тан олган ҳолда ўзга элу элатлар эътиқодига таҳдид қилмаймиз. Бизнинг қалбимизда юраги тоза барча инсонларга жой топилади! Менинг бу сўзларимни барча инсонларга, дўстларимизу бизга маломат тошини отмоқ истагида юрган кимсаларга етказинг!

## XV

*Тупроқ миллатнинг илдизидир,  
уни қандай берайин?  
Култегин битикларидан*

Темур қўшин ҳузурида сўзлар экан, Хусайнбекнинг безовта бўлаётганини пайқади, лекин билиб-билмасликка олди. Сиёсатда энг муҳими – ҳар қандай ишга биринчи бўлиб улгурмоқ. Чинлар айтгани каби ютсанг хоқон, ютқазсанг ўғрисан.

Амир Хусайн Чиғатой тахтида ўзидан бошқани кўрмоқ истамайди. Унга қолса эртагаёқ аҳли Туронни амир Хусайн қавми деб атасалар. Шу пайтгача чиққан аскарий ҳукмдорлар улусни ўз отлари ила атаб, элни парчалаб бўлдилар. Сахройи, турклашган ва форсийлашган мўғул қавмларида бундай истак етарли.

Уларнинг бирлашуви улуғ хоқон Чингизхон ила баробар кўмилган. Бу қавм ҳокимият тепасида экан, турк улуси елкасига офтоб тегмайди.

Асов оддек чопиб икки дарё орасини оёқ ости қилаётган бу бебош уюрларни тизгинламоқ керак. Уларга бу ҳудудларнинг асл эгалари кимлар эканлигини яхшилаб англашиб қўймоқ лозим.

Темур амир Хусайннинг юзига қарамади. Оралари шу нигоҳлар тўқнашувидан сўнг узилиб кетмаслиги учун ҳешининг кўзларига тик боқмади. Истиҳола қилди. Вақти-соати етиб, ўз кучига холис баҳо бера билар, дея ўйлади.

Икки дарё оралиғига вазиятни ўрганиб келиш учун амир Хусайн хабарчиларидан бўлган Тамукабек Баҳодир бошчилигидаги гуруҳни юбордилар. Улар Термиздаги Темур қопуққа етганларида мўғуллар Мовароуннахрни талаб, Жетага қайтиб кетишганлигини эшитдилар. Шу хабар ила улар ортга қайтдилар. Темур хабарчилардан

ҳисоб олиб улгурмаган эди. Воқеалар эса хабарчилар келмасидан буруноқ шу қадар тезликда ривожланиб кетдики, бу бир умр Темурга сабоқ бўлиб қолди.

Лашқар Улжай Буға кўриғида кўр тўкиб турар, амирлар кўшинни кўриқдан ўтказа бошлаган эдилар. Бу атрофлар Сарандибдаги Одам Ато мазори деб аталгувчи манзили билан машҳур, унинг ёнидаги Дарагез қишлоғи ҳам тарихий маскан ҳисобланар ва ҳазрат Али билан боғлиқ зиёратгоҳ жойлар эди. Зиёратга келувчилар ҳар вақт кўп бўлади. Темур сўзларини тугатиб, нафас ростлагани чодирга кирди. Кетидан Ҳусайнбек ҳам эргашди. Шу пайт Туркистон тоғларида мўғуллар билан савашиб юрган турк амир ва бекларидан чопар келди. Чопар Темурбекни сўраяпти деган гапдан сўнг, амир Ҳусайннинг ҳолати ўзгарди. Юзидан қони қочиб, беихтиёр қошу қовоғи пирпирай бошлади. Темур буни сезмаганликка олди. Кундош хотиннинг феълига ўхшаш дўстининг бу каби қилиқларидан тўйган ва энди эътибор бермай қўйган эди. Чопар амирларга эгилиб салом берди. Темур ўрнидан туриб, у билан аввал қўл олишди-да, сўнгра бағрига босиб кўришди.

– Эгни бошингда Самарқанднинг гарди бор! Кел, сени бир бағримга босай! – деди у ёш ва бақувват йигитни кучоқларкан. – Юрт шамоли кўксимизга тегсин дея мана биз ҳам амир ҳазратлари ила баробар Жайхун бўйига келиб турибмиз, – қўшиб қўйди йигитни дастурхонга таклиф этаркан. – Юрт нафасини келтирган қадамингга ҳасанот! Не хабарлар?!

У йигитга чанқоқ босди учун айрон қўйиб узатди. Ҳўш, дегандек томоғини қириб қўйди. Амир Ҳусайн ҳайкалдек қотиб ўтирарди. Гуёки бўлаётган, бўладиган ишларнинг унга алоқаси йўқдек эди. Айрондан устмауст хўплаб томоғини хўллаган навкар сўзламоққа тутинди:

– Муҳтарам Темурбек ҳазратлари! Мен билхосса сизга муҳтарам бекларимиз Сулаймон Барлос, Жаку Барлос, амир Мусо, Жалолиддин Барлос ва Ҳиндука Барлослар номидан келдим. Бул улуғ амир-ва-бекларимиз Туркистон тизмалари ва Қоратоғда имконлари қадар Жета ва мўғул талончиларига зарба бериб юрибдилар. Сизнинг хабарингизни олгач, зудлик билан бу тарафга от сурдилар. Бир неча кундан сўнг, Оллоҳ насиб этса, етиб келадилар. Менга тезда бориб Темурбекка айтгин, биз барчамиз ул жасоратли инсоннинг амру фармойишларига мунтазирмиз, дедилар. Ушбу маълумотларни хатар борлиги учун ёзма эмас, оғзаки етказувчи чопар навкар Арслон Отаюрт.

– Оллоҳ! Оллоҳ! – деди Темур навкарга тикилиб. – Исми шарифинг бу қадар ажойиб. Сенга ва отанга исм берганга минг раҳмат! Сўзинг, ишинг ва фикринг ҳам исму жисмингга муносиб эркан! Бу жигаримизга бошдан оёқ сарпо кийгизинг, оқ от ҳадя этилсун! Менинг ҳисобимдан! Оқшом емагида биз ила баробар бўлурсен! Юрт янгиликларидан сўзлаб берурсен, – деди Темур чодир эшигигача кузатиб қўяр экан, чопарга бошдан-оёқ тикилиб.

Амир Ҳусайн хомуш тортиб қолган эди. Келаётган барча амирлар Темур қавмидан, унинг одамлари эди. У кучаймоқда.

– Юринг, амир ҳазратлари, ҳаво оламинг, – деди Темур уни бу кайфиятдан халос этмоқ учун босиқ оҳангда. – Юрт хабари кишини чодирда ўтиргани қўймас эркан.

Эртасига юз берган воқеалар кечаги хушхабарни хиралатгандек, Темурнинг назарида бу ҳолатдан амир Ҳусайн қониқиш туйгандек эди. Балки янглиш ўйга бормоқдадирман дея андишага борди. Ҳарҳолда Темур бу ерда ненидир охиригача ўйламаганини, ишларида қусур борлигини пайқади.

Улар Дарагездан чиқиб, Балх томон юрган эдилар. Кутилмаганда жуда катта кўшин йўлларини тўсиб чиққанлиги маълум бўлди. Бу ўша Шер Бахромнинг инсонийлиги туфайли қочиб қутулган амир Абусаиднинг уч минг кишилиқ лашкарлари эди. Улар Абдулла ариғининг ўнг томонини узоқ масофада эгаллаб, мустаҳкам истехкомлар қурган, рақибини пухта ҳозирлик билан кутиб ётган эдилар. Барча кечиб жойлари, қулай тепаликлар ва шамолпана сой ва ўнгирлар эгалланган, амирлар кўшини шундоққина уларнинг ўқлари остида турарди. Амир Ҳусайннинг хабарчиси қаёққа ғойиб бўлди? Бу кўшин недан бу қадар тез фурсатда қаршимизга чиқди? Тил олувчилар, қоровуллар қай тарафга қарашган? Шу кунгача кўрилган ҳозирликларнинг натижаси шуми?

Темур шу саволлар акс этган нигоҳини амир Ҳусайнга қадади.

– Чўчиманг, Темурбек. Бу душманни турган жойида ерпарчин қиламиз. Бу муттаҳам Менгли Буғанинг иши. У ҳали менинг совунимга кир ювмабди. Ўшанда қилинган кўнгили бўшлиқнинг оқибати бу. Уни туттириб барчанинг кўзи олдида бошини олмоқ лозим эди. Дўстга ҳам, душманга ҳам ўрнак бўларди, – деди қаҳрли овозда амир Ҳусайн.

– У жойда бошини олганимизда уни ҳақ деб, бизни маънан енгилган ҳисоблашарди. Менинг ожиз фикримча, кимнидир намуна учун жазолаб, эл-улуснинг меҳрини қозониб бўлмайди. Хулоса чиқармабдими, энди ўзидан кўрсин, – деди Темур пастки лабини тишлаб ўйга толаркан. – Хужум масаласида эса шошмаслик керак. Йигитларимизни асрайлик. Менга рухсат беринг, амир ҳазратлари, йигитлар билан бориб, пистирмада турган ёғий навкарлари ила агар хўп дейишса, бошлиқлари билан гаплашиб келаман. Бизнинг уларга ҳеч қандай душманлигимиз йўқ. Ишларини қилсинлар,



бизни ҳам ўз ҳолимизга қўйсинлар. Агар сулҳга кўнмаса, унда не десангиз, шу.

Эътироз билдириш мушкул бу жўяли фикрга амир Хусайннинг қўшилишдан бошқа иложи қолмаган эди. Қўшин етакчиси уч киши ҳам Темурнинг олдига келмади, аниқроғи, келолмади. Темур ёғий тарафнинг қоровул ва чопарлари билан суҳбатлашди. Уларга душман кўзи билан боқмасликларини, бу қон тўкиш икки томон учун ҳам мутлақо фойдасиз ва маъносиз эканлигини сўзлади. Бироқ айтганлари ижобий натижа бермади. Темур хайр-хўшлашди-да, изига қайтди.

Унинг сулҳ борасидаги бу муваффақиятсизлигидан амир Хусайн мамнун эди. Темур буни ҳам сезмасликка олди. Улар маслаҳатлашмоқ учун ҳаворангдаги Темур чодирига қараб юрдилар.

– Айтдим-ку, бу муттаҳамлар кўнмайди деб, – деди менинг маслаҳатимга қулоқ солавер деган маъно ва оҳангда амир Хусайн.

– Бироқ зудлик билан ҳужумга ўтишимиз қандай натижа берар экан? Душманнинг имконияти, сони ва ҳолати хусусида ҳеч қандай ахборотимиз йўқ-ку, – жавоб қилди Темур амир Хусайннинг юзига қарамай. – Балки бу маълумотларни қўлга киритганимизга қадар туркистонлик амирлар ўрдуси ҳам етиб келар. Ҳозирги ҳолатимиз ёғий билан учга икки, устунлик уларда. У истехкомли, анчадан бери ҳозирлик кўрган ерида турибди. Бу атрофнинг ўру қирини биздан яхши билади. Ҳужумга ўтишга ҳар замон улгураимиз. Бунинг устига ўртада дарё бор!

– Уларга қўмак берувчи ёрдамчи кучлари орқамиздан келса-чи? Қамалда қоламиз-ку! Бу ерда узоқ турсак улар бизни қўрқди деб ўйлаши ҳам мумкин. Яна ўзингиз биласиз, – деди амир Хусайн масъулиятни ўзида қочириб.

Темур индамади. Амир билан бу хусусда бахслашиб, бирор нарсани англатиш бефойда эди. Тонг отганда уруш бошланган, ажал ўқлари қарама-қарши томонга учарди.

Душман тараф кўпчилик бўлганда очиқчасига савашиш қийин кечади. Кўпчилик кўпчилик-да, ғолиб келсанг ҳам, қўшиндан айрилиб қолишинг мумкин. Ўрдусиз зафарнинг не кераги бор? Бу қўшинни тўплашга қарийб уч йил вақт кетди. Энди яна қўшин тўплаб, янгидан иш бошлашга фурсат етмайди. Темур шу хаёлларла отда у ёқдан-бу ёққа юриб лашкарга далда ва кўрсатма бераркан, кечаси тил тутиб келишга юборган йигитларини кутарди. Кечга яқин эса туркистонлик амирларнинг бирлашган лашкари етиб келди. Бу барчанинг руҳини кўтариб юборди. Бу руҳ ва кайфият билан фақат ғалабага эришиш лозим эди. Турон ўрдусининг биринчи жангда ғалабага эришиши жуда муҳим эди.

Темур дарёдан олисроқдаги тепаликка чиқиб, ёғий харакатини кузата бошлаганда, хузурига тилчилар асир олинган навкарни олиб келдилар. У Темурга эгилиб салом берди-да, йиғлаб юборди.

– Йиғлама, иним, йиғлама. Бу ерда сенинг ҳеч бир гуноҳинг йўқ. Сенга қўл теккизмаймиз. Савашни тезроқ тугатиш учун фақат бизга рост сўзни сўйла. Агар амирларинг ҳақ йўлида жангга кирсалар эди, сенинг бу ишинг хойнлик саналарди. Улар сулҳдан бош тортиб, сизларнинг ва бизнинг умримизга зомин бўлмоқдалар, – деди Темур асир йигитга самимий оҳангда.

Темурнинг сўзларидан таъсирланган ва боши кетмаслигига ишёнч ҳосил қилган навкар уларни эргаштириб, дарё этагидаги кўприкни кўрсатди. Эртанги жанг хусусида бир қарорга келган Темур амир Хусайнга ўз режасини сўзлади.

– Жангда чарчамаган, энг-дадил йигитлар билан кечаси дарёдан кечиб, ёғийнинг орқа томонига ўтаман. Сиз бу ердаги ҳаракатни бошқариб, ярадорларга кўз-қулоқ бўласиз. Ёғий бизнинг озайганлигимизни сезмаслиги учун гулхан ёқиб, чанг-тўзон кўтариб туришга тўғри келади. Чанг-тўзон орқа тарафдан ва узоқроқдан кўтарилса, яна ёрдамчи кучлар келяпти деб ўйлашади. Бизга рухсат беринг! Кетдик! Оллоҳ ишимизни ўнгидан келтирсин!

Амир Ҳусайн Темурнинг сўзларини тингларкан, кўмондондан кўрсатма олаётган мингбошилардан бирига айланиб қолгандек сизди ўзини. Ваҳоланки, у ҳамон вазият аксинча бўлишини, жангни ўзи бошқаришни истарди. У душманни бир амаллаб енгимми, ундан қочибми қутулиши мумкин. Бироқ ўз қариндоши бўлмиш мана бу ўпкадан қандай қутулади? Унга бирор оғиз ножўя гапириб қўйса, бутун қўшиннинг кўз ўнгида яккама-якка жангга чақириб, ичак-чавоғини ағдаришидан ҳам тоймайди. Бутунги кунда бу барлос бўриси билан тенгма-тенг олишадиган одам йўқ ҳисоб.

Амир Ҳусайн шу фикрлар билан Темурни совуққина кузатиб, орқасидан узоқ вақт қараб турди. Уни чап қўли билан қилич чопаётганда мутлақо куч ишлатмасдан оғир қиличнинг ўз ҳаракати ила рақибга зарба беришини кузатиб лол қолган эди. Ўзи кейин қанчалик уринмасин, қилични худди шундай ҳаракат забти бўйича ишлата олмади. У Худонинг балоси, дея ўйлади чуқур нафас олиб.

Дарёнинг чап томонидаги ҳаракатлардан хабардор турган ёғий кучни олдинга йўналтириб, ҳужумни кутарди. Темур бошчилигидаги ўрду эса саҳар пайти кўприкдан ўтиб, душманнинг орқасидан ҳужум бош-ади. Сиддиқ Баҳодир билан Дўлон Жавон Темурнинг охирида от қўйиб боришар, барчанинг ғалабага умиди

шубҳасиз эди. Темур гуруҳи ёғийнинг чап қанотини синдиргач, парокандалик бошланди. Худди шу фурсатни кутиб турган амир Ҳусайн ҳам навкарлари билан дарёни кечиб ўтиб, хужумга ташланди. Ёғий топмаса бир-бири билан урушадиган турку мўғулнинг қони дарёнинг рангини ўзгартириб юборди. Кечга яқин душманнинг тирик қолган гуруҳлари тартибсиз равишда чекина бошлади. Жуда оғир кечган жангда Темур ва амир Ҳусайн қўшинлари устун келган эди.

Жайхун соҳилидаги бу зафар Турон озодлиги учун аҳду паймон қилган икки амирни янада бирлаштириб, улуғ мақсад йўлидаги асосий курашга руҳлантормоғи лозим эди. Бироқ бундай бўлмади. Курашнинг сўнгига қадар бирга бора олмасликларини иккисида ҳис этишар, иккиси ҳам бу хусусда оғиз очишмас эди.

Амир Ҳусайн Туронни ололмасам-да, Жайхуннинг бу тарафи меники, келажакда Эрон билан Ҳиндистонни қўлга киритсам ўз-ўзидан Турон тасарруфимга ўтади, деган хаёлда эди. У Темурнинг Туронсиз, Самарқандсиз, у ердаги ҳоқимиятни қўлга олмасдан тинч турмаслигини билар, ич-ичдан унинг суробини тўғрилаб қўядиган бирорта мўғул топилар дея ўйларди.

Ниҳоят, жангдан сўнгги режалар муҳокамасида амир Ҳусайн ўзининг қўшини билан Балхда қолишини ва бу ерда тартиб-интизом ўрнатишини билдирди. Темур унинг кўзларига Турон, Самарқанд, мўғуллар муаммоси не кечади дегандек тик қаради. Амир Ҳусайн кўзларини олиб қочди. Темур қўшинни дарёдан ўтказиб, Мовароуннаҳр тупроғига кирган эди. Ҳориган қўшинга дам олишга руҳсат берилганди. Ҳолдан тойган қўшин ғафлат уйқусига кетганда мўғуллар кечаси Темур қўшинига ташландилар. Не қилиб бўлмасин қўшинни, навкарларни сақлаб қолиш керак. Кеча сузиб ўтган кемалари ҳам қирғоқда турганлиги ишни енгиллатди.

Кўшиннинг ярми дарёдан сузиб ўтди. Ёғий фойдалан-маслиги учун кемаларни ёқиб юбордилар. Кўшинлар бир-бирига яроғ ўқталганларича икки кун туриб қолди. Қанчалик кўп бўлмасин, мўғуллар ҳужум қилишга ботинмай, ортларига қайтдилар. Темур ўрдуси жуда кўп нарсани ёғийга ўлжага ташлаб кетишга мажбур бўлди. Кўшин пиёда қолган, вазият бирдан ўзгариб, Темур оғир аҳволга тушган эди.

Бу воқеа ҳақидаги хабар амир Хусайнга тездагина етиб борди. У бу гапни эшитиб, ич-ичидан қувониб, димоғида кулди. Амир Хусайнсиз аҳволи шу экан, сал пастроқ тушса бўларди, деди кўлини орқага қилиб, наридан-бери юрар экан. Кўп ўтмай чопар келди. Амир Хусайн чопарнинг сўзларини бош ирғаб эшитди-ю тили қичиса ҳам муносабат билдирмади. Узоқ ўйлаганидан сўнг, Темур барибир кўшинга асқотадиган ҳақиқий жангчи, унингсиз савашда муваффақиятларга эришиш мушкул, шу боис уни алдаб-сулдаб ишлатиши керак деган хулоса келди. Чопарга иззат-икром-кўрсатиб, елкасига чопон ёпди. Ҳадя берди.

Темурнинг кўшини Хулмда амир Хусайндан хабар кутар эди. Жавоб кечиккани сари Темур ташвишлана бошлади. Бу фурсатда амир Хусайн ялпи сафарбарлик эълон қилиб, яна лашкар тўплашга киришган, катта жанг олдидан кўшиннинг кўнглини овлашга қарор берган эди. Ниҳоят Темурга амир Хусайннинг катта кўшин билан Хулмга келаётган хабари етди. Темур уни шаҳар ҳудудида кутиб олди. Улар бир ҳафта давомида келгуси режалар ташвиши билан машғул бўлдилар. Амир Хусайн Жайхуннинг ўзи қоладиган томонида Темур кучи ила вилоятларни қўлга киритишни ўйлар, Темурнинг хаёли эса Самарқандда эди.

Оғир ўйга толиб ўтирган Темур Боботурққа Самарқанддаги вазиятни ўрганиш учун юборилган Тамука

Баҳодир гуруҳини ҳузурига чақиришни сўради. Улар ўлимни бўйниларига олган ҳолда кўз ёшлари ила Темур ҳузурида қалтираб турардилар. Бу хабарчиларнинг бе-парволиги туфайли мўғуллар тунги босқин уюштирган эдилар.

– Ер билан битта бўлиб, йиғлаб-сиқтаётган гуноҳ-корларнинг афтига Темур қарамади ҳам.

– Бу уч нафар масъулиятсиз навкар жинойтлари учун жазоланиб, чўби ясоққа тортилсин! Тамукага йигирма беш дарра, бу иккисига ўн етти даррадан урилсин-да, қўшиндан ҳайдалсин! – деди ғазаби қайнаб.

Уларни олиб кетаётганларида Боботурк келиб, бу йигитлар амир Ҳусайн навкарларидан эканлигини айтди.

– Бизнинг лашкар бул номақбул ишни қилмасди, – деди Темур ғафратли оҳангда. – Бу жазони аслида унинг ўзи бериши лозим эди. Бироқ ундай қилмадилар. Биз эса сотқинлик ва лоқайдликни жазосиз қолдиролмаймиз.

Бу воқеадан хабар топган амир Ҳусайн оғиз очиб, Темурга бир нима демади. Дардини ичида ютди. Қўшин машқлари маромига етгач, фурсатни бой бермасдан Бадахшон ва Тохаристон фатҳига қарор қилишди. Қўшин борган сари ортарди. Ўрду Қундузда турганда Бадахшонга Дўлдай Баҳодир гуруҳини жўнатдилар. Бироқ ҳар икки ўлка ҳам қон тўкилишини истамай, сулҳ сўради.

– Тохаристон ва Бадахшон вакилларини қабул этганда амир Ҳусайн аслида тўғри, лекин улар шаънини ерга урадиган гап қилди.

– Ҳокимингга бориб айт! Солиқларни ўз вақтида келтириб турсин; – деди Тохаристон элчисига. – Одамларнинг гапига қараганда, амиру беклар ичида хунук одамлар, кал-кул, пакана ва маймунбашара кимсалар кўпайиб кетибди. Барчасининг юмшоқ жойига тепиб, ҳайдасин! Юзи хунук одамларнинг ичи ҳам хунук бўла-

ди! Саройда турқи бузуқлар кўпайдими, элнинг туруми бузилади! Бўлмаса, ўзим бориб бу ишни тўғрилайман!

Темур амирга хижолатли кулимсираб қараса-да, унинг гапида умуман жон борлигига, синчковлигига тан берди. Ҳақиқатан ҳам эл орасида юзи қоранинг ичи қора, туси бордан туйрилма, ранг кўр, ҳол сўр деган гап бор. Амир Хусайн ўзининг гапи Темурга ҳам маъқул келганини кўзларидан илғаб, мамнун тортди.

Темур билан амир Хусайн элчиларни жўнатиб, кечки зиёфатга ўтаётганларида Боботурк Кешдан меҳмон келганлигини билдирди. Темур хурсанд бўлди. Боботурк сўзини тугатмасидан, кўк ўтов олдида бир ҳол аҳволдаги бахши Ўткун Тегин кўринди.

– Ота қадрдоним! – деди Темур баланд овозда унга қараб қулочини ёзиб бораркан.

Ўткун Тегин отасидай севиниб, бағрини очган Темурнинг овозини эшитиши билан бола каби хўнграб йиғлаб юборди. Йиғи аралаш амир Беккичик Темур авлодларига садоқати ва кейинги айтиб юрган қўшиғи учун дарра билан савалатганини сўйлади. Темур Боботуркка бахшини ювинтириб, емак бериб, бош-оёқ сарпо кийгизиб, зиёфатга олиб келишни тайинлади. Лозим бўлса жўровозлар ва созандалар қўшишни ҳам уқтирди. Амирлар ошни Ўткун бахши билан бирга едилар, унинг кўнглини кўтардилар. Бир оз шароб ичирдилар.

– Қани дарра едирган қўшиғингизни айтинг-чи, азиз ватандошим, – деди Темур ҳазиллашиб ҳофизга.

Шоҳона қабул ва совға-саломдан Ўткун бахши очилиб кетган, дунё топган калдай ўзида йўқ шод эди. Созини кўлига олиб ашуласини бошлади:

Ҳей-й, ҳей-й, ҳей-й,  
Йўқ Ватан, йўқ миллат бу,  
Эл эмас, бу иллат бу.

Боши бирикмас экан,  
Улус эмас, кулфат бу.

На яхшини танирсан,  
На ёмонни танирсан.  
Нодонлигингдан бир кун,  
Мисли хазон ёнурсан.

Юртни ёвузлик босди-яй,  
Юртсеварлар қон қусди-яй.  
Элбузар шумғиялар-ай,  
Терак бўйдаидай ўсди-яй.

Туркнинг куни қайдадир-ай,  
Ул кун қачон қайтадир-ай.  
Юрт деб қонин тўкканлар-ай,  
Юртга қачон қайтадир-ай.

Элга қайишмаганнинг,  
Бир кун гўри ёнодур.  
Шоҳдайин яшаса-да,  
Қасри, қабри ёнодур...

Бахши қўшиқ айтар экан, Темур беихтиёр амир  
Хусайнга қараб қўйди. Негадир у кулиб, маза қилиб  
ўтирарди. Бу билан у Темурга мана сен ўзингни фидо  
қиламан деб юрган тайини йўқ элингнинг аҳволи  
демоқчидек бўларди.

Амир Хусайннинг қулоғига дўмбиранинг саси кир-  
са-да хаёли бошқа ёқда, тезроқ ўз туғилган шаҳри Соли  
Саройини қўлга киритиш, унга туташ ўлкаларни та-  
сарруф этиш иштиёқида эди. Темур ундан узоқлашиб,  
Самарқанд сари кетиб қолмасдан бурун у бу ишларни  
битириб олиши кераклигини ўйларди.



– Аламли қўшиқ! – деди Темур оғир тин олиб. – Фурсати келади, Оллоҳ умр берса, сиз ҳали юксак пардаларда асл ватан ва эл ҳақидаги қўшиқларни айтасиз!

Темур Ўткун бахшини зиёфатдан сўнг олиб қолиб, юртдаги аҳволни суриштирди.

– Халқ, айниқса, тоғ ва тоғ этакларидаги қишлоқлар тўп-тўп бўлиб тоғларга чиқиб кетиб, қуролланиб, мўғуллар ва жеталарга қарши имкон қадар курашмоқдалар. Улар сизнинг келишингизни кутишмоқда. Самарқанд ва Кеш сафарини иложи борича тезлатмоқ лозим. Акс ҳолда, улус ичидан уларни етакловчи кишилар чиқиб, сиз қилиб юрган ишни бўйниларига олишлари мумкин, – деди амир Хусайндан тортиниб ўтирган бахши Темур иккови холи қолгач.

– Ҳадемай, Худо хоҳласа, Кешда кўришамиз. Сиз бу ерларда бир оз дам олиб, сўнгра секин Кешга жўнайверасиз, ёнингизга йигитлардан тўрттасини бераман. Бирор муҳим хабар бўлса, навбатма-навбат мен томон жўнатаверасиз. Ҳазинадан сизга тегинишли маош ажратилади. Иншооллоҳ, ватанга борганда истаган шаҳрингизда ёш бахшилар, созандалар ва ҳофизлар мактабини очтириб бераман. Ўзингиз бош-қош бўлиб, ўқитасиз. Илм-фансиз, адабиёту тарих, санъату маданиятсиз давлат юксалмайди, – деди Темур ишонч руҳи барқ урган оҳангда.

– Ташаккур ҳазрат! Хайриятки, элимиз орасида шулар ҳақида ҳам ўйловчи амирлар бор экан! Бу не бахт! Бу саодатли фурсатларни тезлатмоқ лозим, муҳтарам Темурбек! Халқнинг сабр косаси тўлган! Эрта кун у мўғул ила баробар ўз хоқонларига ҳам қўл кўтариши ҳеч гап эмас! Дўст ва жигар сифатида яна бир нарсани сўзлашга рухсат этсангиз! – деди бахши хижолатомуз оҳангда.

– Марҳамат, марҳамат! Биласиз-ку, мен ҳар кимнинг сўзини охиригача тинглайман. Сўзлайверинг, – деди Темур самимий оҳангда.

– Биламан, сиз нотўғри ёки ёлғон сўзлаганни ҳам бўлмай, эшитасиз. Фақат мени тўғри тушунинг. Мана бу кетган шеригингиздан эҳтиёт бўлинг. Турқиға қараганда пириға ҳам дўстлик қилмайдиганлар хилиданға ўхшайди. Ҳеч қачон у билан бир ўтовда ёки чодирда тунаманг, қўлидан ёки одамлари қўлидан емак еманг! Мен сизни ўзимдан ҳам яхши кўрганим учун бу сўзларни сўзламоқни фарз деб билдим.

– Ҳақсиз! – деди Темур бахшининг кўзларига тикилиб. – Замон шундай бўлиб қолдики, итга тош отсангиз, бориб хоинга тегади. Ё қодир Оллоҳ, бул каби тубан инсонлар нечун яралди дея Худога тавалло қилгунг келади. Бурун бўлмаса, икки кўз бир-бирини егудек. Бироқ биз келажакка умид ва ишонч кўзи ила боқамиз! Қалбида ҳақу халойиққа хиёнат уруғи кўкармаган инсонларга Оллоҳ йўл беради. Иншооллоҳ, биз буюк бир тупроқда салтанат қурамиз. Унда яшаган барча эътиқоддаги қавм ва улусларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таниймиз. Бойлар фақирлар мулкига боқмайди, уларга жабр-зулм ўтказмайди. Ақл ва адолат тантана қилади.

Бахши кетмоқчи бўлган эди, Темур қўймади. Икки-си узоқ муддат намоз ўқишиб, сўнгра отамлашиб, Темур чодирда бирга тунашди.

## XVI

*Ҳамиша ёмонлик ва бузуқчилик  
мўғул улусида содир бўлиб келгандир.*

*- Бобур*

Амирлар бир муддат Толиқонда бўлиб, сўнг Ҳусайннинг юрти Соли Саройга кириб бордилар. Амир Ҳусайн мамнун эди. Юртдошлари орасидан саман отда қурол-яроғларини жаранглатиб, хос навкарлар ҳамроҳлигида виқор билан ўтиб бораркан, ёнида келаётган Темурга менинг биринчи одам эканлигимга ҳамон шубҳанг борми, дегандек масрур боқарди. Темур Ҳусайнни ҳамшаҳарлари унчалик илиқ қаршиламаётганини, ҳўмрайиб, совуққина қараб туришганини сизди. Бу ҳолатни хаспўшламоққа уринган амир Ҳусайн хазиначига кўчада кўринган одам борки, ҳадя улашилсин дея фармон берди. Улар бу ерда дам олишиб, Хутталон ўлкаси забти билан боғлиқ ишларни луҳокама этдилар. Хутталон қалъасини фатҳ этиш борасида яна икки амирнинг фикри бир жойдан чиқмади. Темур аввал бориб ҳокимлари, халқи билан бир сўйлашайлик, улар ҳам қон тўкилишини истамасалар керак деган фикрда эди. Амир эса одатдагидек қурол кучи билан масалани битирмоққа шошиларди.

Улар Хутталонга босиб боришга улгурмадилар. Ёғий қўшини амирлар ўрдусини йўлда, Пули Сангинда қарши олиш ва тор-мор этиш учун отланган эди. Қўшин кўп онли ва сараланган эди.

Хутталоннинг собиқ ҳокими Кайхусрав йўлбошловчи ўлароқ, Сари Буға, Кўр Темур, Туғлуқ Сулдуз, Шинқул Масит ва Туғлуқ хожаларнинг йигирма мингдан иборат бирлашган лашкарини етаклаб чиққан эди.

Бу хабарни эшитган амир Ҳусайннинг эси оғай деди. Темур одатдагидек ўйчан ва ғамгин эди. У энди орқага қайтишга йўл йўқлигини, бу йўлни дўст санаб юрган амир Ҳусайн беркитиб қўйганлигини, ё ҳаёт, ё мамот дея она юртга юзланмоқ фурсати етганлигини ич-ичдан хис этиб турарди.

– Биз Турон сари юзланурмиз. Ёғий ўз кучининг кўплигига ишониб бизнинг ҳужум қилишимизни ақлига ҳам келтирмайди. Шундай пайтда уни босиш керак. Маъқул кўрсангиз ҳозироқ баробар йўлга тушайлик. Кейин кеч бўлади, – деди Темур кесиб.

Амир Ҳусайннинг кўзи пирпираб, тили айланмай қолди. Энди оғзи ошга етганда бурни қонаса-я. Йигирма мингли қўшинга бас келишолмаса-чи? Нима қилади? Ҳиндистон томонга қараб қочадими? У тарафда оёғи остига қўй сўйиб қутиб олишмаса керак, ҳар-қолда.

– Бўпти, мен ҳам ортингиздан йўлга тушаман, – деди Ҳусайн тўтилиб-тўтилиб. – Ҳозироқ қўшинга сафар тадоригини кўришга амр бераман! Сиз ҳозир бўлсангиз, йўлга тушаверинг!

Темур у билан хайрлашди, оти томон юрди. Черик икки кун деганда Жайхун бўйига, Пули Сангинга етиб келди. Ёғий дарёнинг ўнг соҳилида пишириб-қуйдириб еб, хотиржам турганлиги маълум бўлди. Бир ярим мингли Темур лашкарининг икки кундан сўнг оёқ остидан чиқиши ўрду қўмондонларининг етти ухлаб тушларига ҳам кирмас эди. Қўшин дарёнинг юқори қисмидаги кўприк орқали рақибининг орқа томонига ўтиб олди. Шундоқ бурунларининг тагида, уч тарафдан беш юзлик отлиқ баробар ҳужум бошлашганда мўғуллар бу бало ердан чиқдими, осмондан тушдими, билмай қолдилар. Курол-яроғини олишга ҳам улгурмай ваҳимага тушди. Ёғий лашкарининг қиличдан омон қолганлари дуч келган тарафга қараб қоча бошлади. Саваш тақдири ҳал

бўлган эди. Темур лашкари юртни озод қилишга етгулик от-улов, қурол-аслаҳани қўлга туширган, бир навкарга бир нечтадан от тўғри келарди.

Бироқ амир Ҳусайндан ҳамон дарак йўқ эди. Темур тепаликка чиқиб ўлжаларнинг ҳисоб-китобини қилаётган йигитларини кузатиб турганда узоқда яна бир қўшин қораси кўринди. Темур ёнгинасида турган Боботуркка қаради.

– Муҳтарам амир Ҳусайнбек! – деди у ҳайрату нафратини яширмай. – Эрта-индин етиб келсалар ҳам бўларди. Бир оз заҳмат чекибди-да амир дўстимиз! Аслида у бизнинг мағлубиятимизни кутган эди.

– Ҳозир ҳам ёрдам учун эмас, ўлжага шерик бўлмоқ учун келаётир, ташвиш чекманг, ҳазрат, – деди Боботурк.

– Шубҳасиз шундай!

Амир Ҳусайн тегишини олди-да, ўша заҳотиёқ Балха қайтди. Энди тезроқ уни ўз ватанига кетишини, ўша тарафда ёвуз мўғулларнинг ўқиға учрабми, бошқа бир балога дуч келибми тинчиб кетишини истарди. Бу фикрларимни уқиб қолмасин дея хайрлашаётганда кўзини Темурнинг нигоҳидан олиб қочди. Темур уни табассум билан йўлга кузатиб қўйди. Бироқ амир Ҳусайн Темурнинг бир ярим мингли черик билан йигирма мингли қўшинни қандай тўзатиб юборганлиги ва бу қадар кўп ўлжани қандай қўлга киритганини ўйлаб ўйига етолмади.

Чиндан ҳам у билан ҳазиллашиб бўлмасди. Ернинг тагида илон қимирласа биладиган, фикрингни нигоҳингдан уқиб оладиган, хотирасидан кераксиз икир-чикирлар ҳам чиқиб кетмайдиган Темур барчасини эътиборга олиб, лозим пайтида ҳисоб-китобини қилиб юради. Масхарабозларни ёқтирмаганидек ўзи ҳам ҳеч бир хусусда ҳеч кимга ўйин қилмасди. У азоб-

уқубатлардан ҳам лаззат топадиган, қилган хатолари қилдек бир инсон. Шунинг учун амир Ҳусайн уни ҳазм қила олмасди. Бу табиий. Камдан-кам кишилар ўзидан кучли ва ақллиларни сева олади. Ожизлар эса ҳаммага ва ҳар жойда керак. Уларни амирлик ёки ҳокимликка қандай осон ва қутилмаганда қўйсанг, шунча осон олиб ташлаш мумкин. Мансабига муносиб одамни эса йўлдан олиш мушкул тирикчилик. Аксинча, бундай кишиларни ноҳақ жазоласанг, улар эл орасида янада машҳур бўла бошлайдилар. Ўзингга йўқ ердан рақиб ва ё душман орттириб оласан. Ақлли одамга бекликни берсанг у шунга шуқур қилиб, Оллоҳ берган ризқини териб еб юрса, майли эди, кўнмайди, хонлик истаб қолади. Не учун менчалик заковати йўқ одам хону мен бек бўлишим керак дея пайтавасига қурт тушади.

Амир Ҳусайн қанчалик бош қотирмасин, ўзича режалар тузмасин, Темурни бартараф этмоқликнинг йўлини топа олмас, тугун энди ечилгандек кўринса ҳам у бу ишнинг интиҳосидан кўрқувга тушиб, уйқуси қочарди. Уни осонлик билан йўлдан олиб ташламоқ мушкул эди. У шу қадар зийрак эдики, орқасидан келаётган одамнинг қадам босишидан дўсту душманлигини англаб, шунга яраша жавобини берарди. У шахсияти, авлод-аждоди ёки аҳли аёли шаънига теккан одамни тавба-тазарруъ қилмаса, шартта чошиб ташларди. Бошқа одамларга ўхшаб рақиби билан пачакилашмас, бир ёки икки ҳаракати билан масалага яқун ясаб қўя қоларди. Амир Тўкал билан бўлган жангда у отини ўйнатиб, амир Ҳусайннинг олдига келдида, деди:

– Амир боқинг, чошиб боришим баробарида менга ташланган навкарнинг қилич кўтарган қўлини шундай узиб ташлайманки, қиличи ўзининг бошини мажақлайди, қаранг!..

У шундай деганча отини бир оз айлангириб нафасини ростлаган бўлди-да, душман тўдаси томон от кўйди. Амир Ҳусайн бу каби уста қиличбозлар ҳақида эшитган, бироқ кўрмаган эди. Чап кўлидаги қиличи билан унга ҳамла қилаётган суворийни отдан учириб, шу заҳоти, ўнг тарафидаги навкарнинг елкасига қилич солди, қиличининг учи келиб, эгасининг бошига санчилди. Амир ҳайратда қотганча унинг ҳаракатини кузатиб турар, ҳаётида бу каби қилич чопган кишини кўрмаган эди. Шу боис ҳарбий машқлар, жангу жадал, саваш усуллари хусусида ҳеч ким у билан баҳслаша олмасди. Амир Ҳусайн эса унинг ҳақлигини билса-да, елкаси тиршиб, энсаси қотганидан унга тескари гапирар, ўзи билан ҳисоблашишни унутмаслиги учун атайлаб шундай қиларди. Темур амирнинг боласифат бу қилиқларини билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка олар, амирнинг орқаси тутса тезаги билан тевалашишини, энг яқин одамларини ҳам ранжитиб кўйишини кўп маротаба кўрган эди.

Темур Пули Сангиндаги зафари муносабати билан уюштирилган маросимда амир Ҳусайннинг кичик хотини Сароймулк хонимнинг ўзига қараб турганини сезди. Хоним бенуқсон ва беназир эди. Темур гуноҳкор бола каби унга бир боқди-ю, кўзларини олиб қочди.

Темурбекнинг сезгилари уни ота юрт сари бошлар, зафар кутаётганлигидан далолат бергандек юраги ҳапқирарди. Пули Сангин савашидан сўнг у ўзининг ва лашкарининг неларга қодирлигини кўрди. Яна бир нарсани англаб етдики, энди ким билан урушса, ўзи урушади. Ўрдусини амир Ҳусайннинг қўшинига қўшмайди. Иттифоқчи сифатида у лашкарига бош бўлиб, ўзи савашга олиб кирсин. Унинг ўзига ўхшаш беқарор навкарлари Темур лашкарига халақит бермасин. Одамлар ҳар қандай катта-кичик ғалабани барибир унга эмас, Темур-

га боғлашлари ойдайд равшан бўлиб қолганди. Шу боис Самарқанд сафари олдидан Темур лашкар бошлиқларига шундай кўрсатмалар берди:

– Биз она юрт, Кеш сари юзланурмиз. Униб-ўсган тупроқни соғиндик. Мен ўзим уч юз отлик билан йўлга чиқаман. Йўлда бизга беш юз, минг атрофида лашкар келиб қўшилиши хабарини олдик. Бу яхшилик аломати. Беклардан Сулаймон Барлос, Жалолиддин Барлос ва Баҳром Жалойирлар мен билан бирга кетадилар. Қарши билан Кешни боғлаб турадиган йўл ўртасида бир тўп лашкар қолдирилади. Агарда Қаршидан Кешга ёрдамчи мўғул кучлари юборилса, бу қўшин уни бартараф этади. Яъни бизни орқа томондан ҳимоя қилади. Бу қўшинга Соли Сарой ва Хутталондан келаётган Ўринбой Тўра ва Абдуқаҳҳор Қурбонларнинг гуруҳлари ҳам қўшиб берилади. Биз йўқлигимизда қаерданки лашкар келса, сизга кўмакчи бўлади. Катта қўшин билан Кеш томон юриш вақт олади ва экин-тикинларни пайҳон қилади. Оллоҳнинг қудрати ва кўмаги билан оз ва чаққон қўшин билан ўзимиздан ўн баробаргача кўп лашкарни енга оламиз. Боиси, бизнинг ишимиз ва курашимиз ҳақдир! Улус биз тарафдадур.

Темур лашкарининг Қаршидан ўтиб, Кешга яқинлашганини биров билса, биров билмай қолди. Кешга етишларига ҳали анча борлигида Темур отлар ёнига шох-шабба боғлаб, судраганича, чанг-тўзон кўтаришни буюрди. У она шаҳри Кешни қон тўкмасдан эгалламоқ ниятида эди.

– Ишларнинг тўққизини кенгаш билан, фақат биттасинигина қурол кучи билан ҳал этмоқ лозим. Кучлиман, қўлимда қурол бор экан дея уни ҳадеб ишлатавериш яхшиликка олиб келмайди! – деди Темур Боботуркка, улар Кешга яқинлашаркан.



Кеш қалъаси устида у ёқдан бу ёққа бориб келиб турган мўғул соқчилари тумонат кўшин келаётгани белгисини кўриб, ўтакалари ёрилаёзди. Қалъанинг соқчилар турган буржига югуриб чиққан шаҳар доруғаси ҳам бу ҳолатни кўриб, ўзини йўқотиб кўйди.

Зудлик ила олдинга хабарчи гуруҳлар юборилди. Теварак-атрофга соқчи ва қоровуллар жўнатилди.

– Оллоҳ мушкулимизни осон этди. Доруға бошлиқ бир ярим минг атрофидаги мўғул кўшини шаҳарни ташлаб, Самарқанд тарафга чекинди. Она шаҳарнинг дарвозалари очик! Халойиқ сизни кутмоқда! – деди от чоптириб келган Боботурк.

Темур лашкарининг Кешга кириши эл-улус учун байрамга айланди. Бироқ эртага бу воқеалар не ечим билан тугашини кутиб, уйдан чиқмай ётганлар ҳам бор эди. Кешнинг асл ерлик туркий қавмлари бу таърифдан шод эдилар. Қайси подшоҳ келса хизматига шай турадиган, лекин озчиликни ташкил этувчи баъзи сотқинтабиатлар шошма, ҳали кўрайлик, эртага нима бўлади? Мўғул хони Илёсхожахон ҳам сени ўз ҳолингга ташлаб кўймаса керак дегандек гумонсираб боқишарди.

Кешга кирилгандан кейин кўшин ясолга тизилди. Темур йигитларга ташаккур билдирди. Раиятга ҳеч қачон уларни унутмаслигини, яқин замонда бу ёш йигитлар улуғ салтанатнинг қурувчилари бўлишларини таъкидлади.

– Ҳар бир навқарга ўн беш динори кепакидан улуфа берилсин! Ўлжанинг учдан бири лашкарларга тақсимлансин! Йигитлар энг яхши кўноқхоналарга ерлаштирилсин!

– Барча фармонларингиз ўринлатилди. Лашкар кўноққа етказилди. Соқчи ва қоровул гуруҳлари фаолиятда! Фармони олийни кутамиз! – деди анча фурсатдан сўнг Темур турган қароргоҳга қайтиб келган Боботурк.

– Саййидлар гумбазига борамиз. Мархумларни зиёрат этайлик, сўнгра бошқа ишга қўл урамиз, – деди Темур паст ва ҳорғин овозда.

Боботурк ҳам шуни кутиб турганди. Темурбек ҳар замон юртга келдими ота-онаси, улуғлар қабрини зиёрат этгач, бошқа юмушлар ила машғул бўларди.

– Ҳозирлик кўрилган, гумбазга соқчилар юборилган! – жавоб қилди Боботурк.

– Қани энди ҳамма сендек ўзи билиб иш қилса. Кўп оғиримиз енгиллашарди, – деди Темур ярадор оёғини эҳтиётлаб ўрнидан қўзғалар экан.

Темур борган ерда халойиқ тўплана бошлади. Саййидлар гумбази қабристониди аввал имом, сўнгра ўзи Куръон тиловат қилди. Мозор хизматчилари ва мискинларга хайри-садақа улашди. Сўнгра устози Шамсиддин Кулол зиёратига ташриф буюрди.

– Ишларингизда қусур йўқ, мухтарам иним, Темурбек! Ёнингиздаги ёғийдан-да хатарли дўстингиздан эҳтиёт бўлиб ишда давом этинг! Оллоҳ сизни олий мақсадга етказажак! Бутун вужудимла ҳис этмоқдамен! Илоҳим, бу кунларни кўрмоқ менга-да насиб этсин! – деди Шамсиддин Кулол кўз ёшларини тиёлмай.

– Зотан сизнинг дуодарингиз ила оёқдамиз, пирим! – дея жавоб қилди Темур.

– Мени йўқлаганингиз учун сизни Худо йўқласун!

Эртаси куни Темур юртдаги ҳолатни ўрганмоқ учун Самарқанд, Бухоро, Хўжанд ва Қаршига одам юбортирди. Амирларга шаҳарни тозалаб, енгил таъмир ишларини тезда ўринлатишни буюрди.

– Қайси амирга тегишли ҳудудни, масжиду мадраса атрофини ифлос кўрсам хизматчига эмас, ўша амининг ўзига тозалаттираман! – деди барчага эшиттириб.

Икки кундан сўнг Самарқанд томон кетган даракчилардан маълумот келди. «Илёсхожахон катта кўшин би-

лан Кешдан тўрт фарсах узоқликда турибди. Қўшин савашга шай ҳолатда. Бироқ қўшин бошлиқлари орасида паришонлик, саросима бор. Ҳеч ким, ҳеч нимани бўйнига олиб, қарор қабул қилмаётир». Темур Боботуркка хабарчиларни кўпайтириб, вазиятни янада чуқурроқ ўрганишни топширди.

Темур не учун шундай катта қўшин ҳужум қилмаётганини мушоҳада эта бошлади. Душман қўшинлари, унинг лашкарбошилари орасида келишмовчилик ва парокандалик борлигини сизди. Яна бошқа бир сабаб, бу ўлим тўшагида ётган Туғлуқ Темурхон билан боғлиқ эди. Барибир Илёсхожахон отаси ҳузурига урушни бошламасдан кетмайди. Темур шуларни ўйлаб, қўшинни кўпайтириш ҳисобини олиб турганда, «Туғлуқ Темурхон вафот этибди. Илёсхожахон Улуғ Туғ Темур ва амир Ҳомидни олиб Мўғулистонга кетибди» деган хабар келди. Темур бу гапга шубҳа билан қаради. Душман уларнинг савашга ҳозирлигини бўшаштириш учун ҳийла қилаётган бўлиши ҳам мумкин, деб ўйлаб, амирлар, мингбошилар ва хос навкарларни машваратга тўплади.

– Муҳтарам сафдошлар. Кейинги кун воқеаларидан хабарингиз бор. Бироқ ҳозиргина Илёсхожахоннинг юртига кетгани ҳақида хабар олдик. Бу хабарга ишониб, хотиржамликка берилиш мумкин эрмас. Ёғийнинг туллаглигини ва мақсади йўлида ҳеч нимадан қайтмаслигини мenden кам билмайсиз! Эртага Ғузorni ёғийдан тозалаймиз! Акс ҳолда, бу ер мўғул қўшини учун қўналға вазифасини ўтаб, бизга хавф-хатар туғдиради. У ердан келган юз нафар навкаримиз бу ишда бизга кўмакчидирлар. Яна такрор айтаман, қўшин, балки хон аталмиш кимсанинг ўзи ҳам биз билан савашмай кетмаса керак. Сабаби, савашнинг ортга сурилиши улар қўшинининг ўз-ўзидан пароканда бўлиб кетишига ва аксинча, биз-

нинг атрофимизга янада кўпроқ одам тўпланишига олиб келади. Ўз иззат-нафсларини ўйлаган мўғуллар бу ҳолатга чидамайдилар. Биз ютқазсак Кешни, улар ютқазса ҳамма нарсани йўқотадилар! Буни улар биздан кам англамасалар керак! Яна шуни алоҳида қайд этаманки, Оллоҳнинг мадади, хоҳиш-иродаси билан ҳар қандай ҳолатда бизнинг қўлимиз устун келажак! Бизнинг ишимиз ҳақ ишдир! Биз она тупроғимиз, динимиз бутунлиги ва халқимиз саодати йўлида қон тўкмоқдамиз! Оллоҳ ҳақиқат учун курашган қавмни ҳеч қачон ўз иноятдан дариф тутмайди! Айрим биродарларимизнинг нигоҳларидан сезиб турибман. Ёғий қўшини қайтиб кетди деган хабар келса-да, нечун Темурбек безовта, хотиржамлик ўрнига уруш ҳозирлигини кўрмоқда дея мулоҳаза қилмоқдалар. Бу Темурнинг фикри эмас, уруш кўрган бир одамнинг фикридир. Ёғий биз билан урушмаса, нур устига аъло нур, бизда бунинг тарафдоримиз. Бироқ Оллоҳ не деса шу бўлади. Қисматдагини кўрурмиз. Сизга катта ёрдамчи кучлар ва орқадаги қўшинимиз ҳам етиб келишини билдирмоқчиман!

Кенгашдан оғир ўйлар-ла чиққан қўмондон ва мулозимларнинг елкасидан зил-замбил тош босиб тургандек эди. Минг чоғли навқар билан шундай катта хон қўшинига қарши курашиб бўлармикан? Амир Хусайн ваъдасига вафо қилиб, етиб келармикан? Етиб келганда ҳам унинг қўшини икки мингдан ошмайди. Шер Баҳромнинг лашкари ҳам ўзига яраша.

Темур лашкари Чекдалиқда турганида ҳар икки қўшин ҳам етиб келди. Бирлашган лашқар Ғузор томон юрди. Улар бу ерда қўшинни катта савашга ҳозирлаш билан боғлиқ ишларни маромига етказмоқчи эдилар. Лекин ёғий бунга вақт қолдирмади. «Мўғул қўшини Тошариққа етиб келди» деган хабар олинди. Темурнинг ҳисоб-китоби тўғри чиққан эди.

Лашкарбоши, амир ва ё хоннинг элга йўлбошчилик қилишдаги асосий хислати – ҳар қандай оғир шароитда тез ва тўғри қарор қабул эта олиш заковатининг борлигида эди. Акс ҳолда...

Ҳақиқатан ҳам ёғий лашкари амир Беккичик ва амир Ҳомид раҳбарлигида Тошариққа етиб келган, савашга шайланиб, ясол туза бошлаганди. Темур билан амир Ҳусайн ҳам зудлик билан кўшинни сафга тизиб, ясол тузмоққа киришдилар.

– Ўзингиз ясол тузинг, Темурбек, – деди амир Ҳусайн. – Сиз бу ерларни яхши биласиз.

Темур Ҳусайннинг кўзига қарамай, бош ирғади. Жанг масъулиятини ўзидан соқит қиляпти. Не бўлса эрта кунда бошинг билан сен жавоб берасан демоқчи. Майли, хаёлига келганини ўйлайверсин. Керак бўлса, ўзи бутун бошли кўшинга қарши майдонга тушади! Улар танасини қиймалаб, мана шу тупроққа қориштириб юборишсин, қонлари ўт-ўланларга сув бўлиб оқсин! Лекин душман олдида тиз чўкмайди, чекинмайди. Темур шаҳд билан тўриқ отига минди. У урушда доимо тўриқ ёки қора от минарди. Оқ ёки саман отга қон сачраса кўзга хунук ташланар, лашкарда ғалати таассурот қолдирарди.

– Саваш йўриғи будир! – деди у залворли овозда. – Душман кучли ва айёр! Биз эса ундан-да кучли ва бу савашда ҳақмиз! Кўшин шундай ясол тузади. Лашкар баронғорида муҳтарам амир Ҳусайнбек турадилар. Жавонғор қанотида мен турадурман. Қўлда устозимиз, энг тажрибали амир Жакубек! Кўнглингиз тўқ бўлсин! Биз Оллоҳ кўмаги ила ёғийни синдиражакмиз! Барчангизга Оллоҳ мадад ва йўл берсин!

Темур шундай деб, биринчи бўлиб, ўзи душман тарафга от қўйди. Кўшин олдида кўринсам уларнинг амир лашкарлардан бири мен билан яккама-якка олишувга чиқиб, эски турк одати бўйича енгилган лашкарбоши

кўшини мағлуб топилар дея умид қилган эди. Бироқ на Улуғ Туғ Темур, на амир Беккичик, ҳеч ким у билан юз-ма-юз чиқмади.

Мўғулларнинг кўшин тузилиши ҳам худди шундай эди. Баронғорда амир Ҳомид билан Қорахўжа, жавонғорда амир Беккичик билан Туғ Темур юраклари пўкиллаб туришарди. Темур етакчилигидаги жавонғор қаршисида турган Қорахўжа билан амир Ҳомиднинг баронғори сонига кўра икки ҳисса ортиқ эди.

Иккиси ҳам итдан чўчиган мушук ҳолатида эдилар. Улар бу савашда енгмоқ мушкуллигини идроклари ила тахмин этиб эмас, даҳшат ва қўрқув ҳиссини туйиб туришарди. Сабаби, улус, халойиқ Темур тарафда эди. Буларнинг қўли баланд эса-да, элу юрт уларни қотиллар, босқинчилар дейди.

Туғ Темур билан амир Беккичик уруш кўрган, савашда кўзи пишганлиги боис, кам сонли бу ялангоёқларнинг тит-питини чиқариб ташлаймиз деган фикрда эдилар.

Темурнинг фикри-ўйи қандай қилса-да, ёғийнинг ўнг қанотини синдириш эди. Бу зарба жанг тақдирини белгилайди. Ноғораларнинг даранг-дурунги билан икки кўшин бир-бирига ташланди. Темур ўзига яқинлашган ёғий навкарини шундай зарб билан урар эдики, ағдарилган зарбадан нафақат лашкар, оти ҳам чўзилиб тушарди, бу отга чалишиб кетма-кет бошқа отлар ҳам йиқилар, пиёда қолган навкарлар эса Темур йигитлари қўлидан омонлик топмас эди. Кун пешинидан оққанда ёғийнинг баронғори ишдан чиқди. Бошқа гуруҳлар буни кўргач, қўлларидан қиличи тушиб кета бошлади. Савашнинг ҳисоб-китоби тугаганди. Ғалаба нақдлигини англаган амир Хусайн бор овозда қичқириб лашкарини жангга бошлади:

– Оллоҳу акбар!

Кўп ўтмай, ёғийнинг сўл қанотида ҳам парокандалик бошланди. Шундан сўнг амирлар икки тарафдан рақиб ғулини исканжага олдилар ва кўп ўтмай ер билан яксон қилдилар. Улар зафар кучган эдилар. Талофат катта эди. Бу саваш улус тарихида бурилиш ясаган, энди босқинчи қавмлар юртни истибдодда тутиб туролмаслиги равшан бўлиб қолган эди.

Темур хон ўрдусини қочишга ҳозирланаётганини кўриб, Боботурк билан Жаку Барлосга хайқирди:

– Хон ва атрофидаги сувараклар қочиб қутулмасин! Асирга олинг! Лекин бирортасига ҳам тиғ теккизилмасин!

Кўп ўтмай ҳорғин, отининг жиловини бўш қўйиб келаётган Темур жасадлар ичидан амиру бекларга тегишли навкарларнинг мурдаларини ажратиб, четроққа чиқариб қўйишаётган йигитларга бир назар ташладида, Боботуркдан кимлигини сўради.

– Мана бу амир Беккичикнинг қардоши Давлатшоҳ, буниси баҳрин қабила сардори Пўлатбек ва яна икки хонзоданинг кимлигини билмадим, – деди Боботурк.

– Эгаларига етказиб беринглар. Лозим кўрган шаклда дафн этсинлар, – деди Темур бўғиқ овозда.

Сал нарида етти ухлаб тушига кирмаган ҳолат уни кутиб турарди. Асирга олинган юзлаб навкарлар ичида Илёсхожахон, бош вазир амир Беккичик, амир Ҳомид, Искандар ўғлон ва Юсуфхожа бор эдилар. Темур бу ғалати манзарага қараганча бир зум не дейишини билмай туриб қолди. У аҳвол бу даражага бориб етади дея ўйламаган, хон қочиб қутулган деган тахминда эди. У отдан тушиб хон билан, ундан сўнгра бошқалар билан сўрашди. Илёсхожахон у билан кучоқлашиб кўришмоқчи эди, яқинига йўлатмади.

– Ҳурматли меҳмонларни қўш томон олиб ўтинг. Сухбатлашамиз, – деди Боботуркка қараб.

Ўзи эса мулозимлари ҳозирлаётган жой томон юрди. Асирхон ва амирлар унинг орқасидан эргашдилар. У шу қадар чарчаган эдики, ҳатто тақдирим не кечади дея кўзи мўлтираб ўтирган Илёсхожа билан гаплашишга ҳам тоқати йўқ эди.

– Муҳтарам жамоа! Ҳукм шундай! Бизнинг эски урф-одатимизга кўра хонлар ўлдирилмайди. Биз ҳам ҳеч қачон ота-боболаримиз тутган қонун-қоидаларни бузмаймиз! Агар юртда инсоний тартиб-интизом, адолатли сиёсат юргизилганда эди, биз бу каби итдек талашиб юрмасдик. Бироқ, минг афсуски, мана шу қонли саваш ҳам ҳамон айрим кишиларга сабоқ бўлмайди. Оллох йўл берса, бу сўқир кўзлар очилар, очилмаса-да, бир кун келиб тупроққа тўлар. Ўлим барчамизнинг бошимизда бор! Бироқ шараф билан, шарафли иш учун бу бошини бермоқ керак!

Муҳтарам Илёсхожахон! Сиз асирликдан озод этилдингиз! Аҳлу-аёлингизни олиб падари бузрукворингиз таъзиясига боришингиз мумкин! Биздан ҳеч қачон ёмонлик кутманг! Сизга нисбатан ниятимиз тўғри!

Илёсхожахоннинг кўзи ёшланиб, буларнинг тақдирини маъна бўлади дегандек амирларига қаради.

– Буни муҳтарам амир Ҳусайн билан келишиб, ҳал этамиз. Кўнглингиз тўқ бўлсин! – деди Темур амир Ҳусайнга бир қараб қўйиб.

Илёсхожахон шоша-пиша оти томон юрди. Кўп ўтмай хайр-маъзурни ҳам нася қилиб, Ғузорни тарк этди. Жаку Барлос қочишга улгурган бир қисм мўғул гуруҳи Ём сувида эканлигини Темурга маълум қилди. Икки амир бир бўлиб, бу гуруҳнинг ҳам олдини кесиб чиқишди ва синдиришди. Шундан сўнг мўғулнинг Турон черигига қилич кўтаргулик ҳоли қолмади. Енгилган қўшин қолдиқлари Хўжанд сари жуфтакни ростлаган эди.



– Уларни Хўжандда қолдирмаслик керак. Жетадан ёрдам олиб, эртага яна улус бошида қилич ўйнатади, – деди Темур амир Хусайнга, – қувиб бориб, Хўжанддан ҳайдаб чиқарамиз. Ҳозир ҳеч кимга ишонч йўқ. Ўзимиз боришимиз лозим. Шунинг баробарида Хўжанд ва Тошкентни ҳам тасарруфга киритиб келамиз. Самарқандда ишни юритиб туриш учун эса Жаку Барлос билан Амир Сайфуддинни қолдирамиз.

Амир Хусайн амирлардан бирининг ўрнига ўз одамини қўймоқчи эди-ю тили бормади. Авзойидан Темур бунга кўнмайди дея ўйлади. Сўзи синишидан ийманди. Негадир Жайхундан бу тарафга ўтганидан кейин Темур амир Хусайнга ҳеч бир ишни ҳал қилишга имкон бермаяпти. Келишув аслида шундай эди. Жайхуннинг у тарафи амир Хусайнга, бу томони Темурбекка. Лекин Темур амир Хусайн салтанатида иккинчи бўлиб, юрмоққа кўнмайди, шекилли! Бу турушда она шаҳри Соли Саройнинг доруғалиги ҳам тегмай қолмаса гўрга эди. Амир Хусайн Самарқанддан жўнар экан, асир тушган мўғул амирларини қаттиқ қўриқлашни тайинлади.

Амирлар ёғийни Хўжанддан суриб чиқаргач, Сайхундан кечиб, Тошкентга кириб келдилар. Кейинги ойлардаги оғир савашлар ва сафарлар туфайли Темурнинг оёғидаги яраси яна безовта қила бошлаган эди. Сихатига қарамоқ учун у Тошкентнинг машҳур савдогари Азимбойнинг ёзги ҳовлисига тушди. Амир Хусайн ҳам ўша атрофдаги соя-салқин бир жойга қўнди. Бироқ Хусайн безовта, тезроқ Самарқандга бориб, тожу тахтни эгаллаш иштиёқида эди. Энди худойликка қараганда ҳам Мовароуннахрнинг қонуний тахти меники деб хаёл қиларди у. Чунки бу ўлканинг кечмиш амири Қазағаннинг туққан невараси тахтга ўтирмаса ким ўтиради? Ҳокимликни Худо бир авлодга боғлаб бермаган, қайси авлоддан ақли, тадбиркор чиқса, элни ўша

бошқариши керак. У шундай хаёл қилди-ю дами ичига тушиб кетди. Лекин шериги Темур ундан ҳам пухта ва тадбирқор-ку! Буни қандай тушунмоқ керак? Қандай айлантириб кўрмасин унинг йўли берк. Битта йўл қолади. Бу ҳам бўлса тахтни қурол кучи билан эгаллаш. Лекин пойтахтдан узоқ бу шаҳарда нима ҳам қилади? Ундан кўра тезроқ Самарқандга бориб, давлат ишларини йўлга қўйиб, ўзини амир этиб сайлашни уюштириши керакмикан? Бу гаплар ҳали Мўғулистонга ҳам етиб боргандир. У тарафдан каттақон бир қўшин йўлга чиққан бўлса ҳам ажаб эмас. Тезда бориб Самарқанд мудофаасини уюштирмоқ, раиятни ўз тарафига оғдирмоқ чораларини изламоқ лозим. Темур Тошкентда қолайлик дейди. Қолгиси келса, ўзи қолаверсин. Уни тинч қўйсин. У Самарқандга кетади... Бироқ амир Сайфуддин билан Жаку Барлос уни пойтахтга киритмаса-чи? Бу ёғи неча пулга тушади? Самарқандга кираман деб улар билан жанг қилиб ўтирмайди-ку! Нега унинг барча ишлари айланиб келиб шу Темурга тақалаверади? Бунинг чоратадбирини кўрмоқ лозим. Самарқандда бўлмаса Дизакда<sup>8</sup> ёки авлодлари яшайдиган Соли Саройда қишлайди. Ўша ерда ёлғиз ўзи фикри хаёлини жамлаб, режани пиштади. У шу ўйлар билан соқчилар ҳамроҳлигида Темур турган манзил томон жўнади.

– Самарқандга қайтсак деган фикрда эдим, Темурбек. Пойтахт тақдирини икки бегона амирга топшириб қўйсак қандай бўлар экан? – деди амир Хусайн ерга қараб. – Бу ерда қиларлик иш, забт этарлик шаҳар қолганда ҳам майли эди.

– Ул икки улуғ амир бегона эмас, Хусайнбек. Сиз билан бизни шу мартабага етказишда қон тўккан садоқатли инсонлар! Уларга ишончсизлик билдиришимиз номардлик. Улар бу ҳақда, Худо кўрсатмасин,

<sup>8</sup> ҳозирги Жиззах

эшитиб қолсалар, қаттиқ ранжийдилар. Бу ҳолат бошқа беку мингбошиларимизга ҳам таъсир қилади. Бунинг ўрнига уларни қўллаб-қувватлаб, чин юракдан рағбат кўрсатсак, биз учун жонларинида фидо этадилар. Йўқса Қорақум саҳросида сарсону сарғардон кезганимиз, олтамиш кун зиндонда ётганимиз каби атрофимизда ҳеч ким қолмайди. Ёнимизда етарли садоқатли одамларимиз бўлганда эди, биз ўша аҳволга тушмасдик. Кўрдингиз-ку, менинг ёнимда Мамат билан Улжай Туркон оғодан бўлак инсон зоти қолмади. Сиз ҳам мен ила баробар шу ерда туринг, дейман. Инсон давлату бойликни пойлашмоқни билмоғи керак. Акс ҳолда охир-оқибат барчасидин Мосуво бўлиши мумкин.

Темурнинг амир Хусайнни қўйиб юбориши хатарли эди. Унинг Самарқандга ҳужум қилиши, бу ишга қўл урилса, унинг ҳалокати тайинлигини яхши биларди. Шунинг учун майли, қаерда бориб қишласа қишласин. Балки ўз юртига кетар. Ният битта, нигоҳлари бир ерга қадалган. Бу ҳам бўлса Самарқанд тахти. Уни Худо кимга насиб этган бўлса, ўша ўтиради. Бунинг ҳам вақтисоати, Тангри таоло белгилаган дақиқаси бордир.

– Бўлмаса биз Дизакда бўлайлик, Темурбек, – атрофи ҳам қўшин қишловиға қулай, кенгиш. От-улов яйраб юради. Сўнгра маслаҳатлашиб, бир қарорга келармиз, – деди ниҳоят фикрини очиқ айтиб амир Хусайн. – Бу ерда икки қўшин бир-бирига халақит бериб юрмасин.

Ҳа-а, Тошкентдан Дизак Самарқандга яқин-да, бирор кориҳол юз берса, тезроқ етиб бормоқчи? Майли борсин, билганини қилсин. Бу ерда унинг бошини оғритгандан кўра нарироқ тургани маъқул.

– Розимен, амир ҳазратлари. Не десангиз шу. Ихтиёр ўзингизда. Роҳатингизга қаранг, – жавоб қилди Темур дўстига зимдан тикилар экан.

Амир Ҳусайн енгил тортди. Темур бу сафар ҳам раъйини қайтармади. Амир дағаллик қилганида ҳам ҳазил-мутойибага буриб кетган. Темур дўсту душманни эрта англаган ва унинг ахлоқий мезонларини ўрнига қўя билади, шу боис ҳам унда ўнта хоннинг, юзта амирнинг обрўси бор. Қаршисида иштонини ҳўл қилиб қўйган боладек қалтираган Илёсхожахоннинг ҳолини амир Ҳусайн ўз кўзи билан кўрди.

Темур сафдошини юксак эҳтиром ила анча юриб, кузатиб қўйди.

– Наврўз арафаларида учрашамиз. Унга қадар Худога омонат, деди дўстини бағрига босиб, ўйчан қиёфада.

Амир Ҳусайннинг кичик жуссаси Темурнинг қучоғида йўқ бўлиб кетди.

Тонг отар, кун ботар, умр ўтар эди....

## XVII

*...Рубби маскунга подшоҳлик қилиш ва бахту иқбол хилвати ҳазрат Соҳибқиронга ярашгандур. Шу боис биз ҳам он ҳазратга итоат ва хизматкорлик мақомида туруرمىз. Бундин буён оёғимизни итоат ва хизматкорлик ҳалқасидин зинҳор чиқармағаймиз...*

*Султон Йилдирим Боязиднинг  
Амир Темурга Эдирнедан ёзган мактубидан*

Темурбек Тошкент ва унинг теварак-атрофини ўрғаниб, бир ой муддатда муолажани ниҳоясига етказди. Табиблар кимни даволаганини англаб-англамай қолдилар. Бу ернинг ҳавоси унга маъқул келди. Шаҳарни кесиб ўтадиган катта ариқлар ва сероғоч маҳаллалар файзу баракали. Темур кечалари гоҳида кўчаларни айланиб, болалар ва кексалар билан суҳбатлашар, шаҳарда яшовчи қавмлар кечмишини сўраб-суриштирар эди.

Тошкент сафари қаригач, қўшин олдига тушиб, келгусида унинг амри ила Шоҳруҳия аталмиш шаҳар қурилажак Турксув дарёси бўйларига қараб юрди. Қишни шу ерда ўтказиб, келгусининг ҳисоб-китобини қилди. Темур атайлаб, амир Ҳусайнни Жиззахга юбориб, ўзи бу ерда қолган эди. Бироқ амир Жиззахга бораман деб Зоминга ўтди. Кешдан Тошкентгача бўлган масофада Темур ва Ҳусайн қўшини ва улар қўйган одамлар турардилар. Икки амир ҳам истаган пайтларида қаерда ёғий пайдо бўлса етиб бориш ва йўлини тўсиш имкониятига эга эдилар. Айниқса, ёв тарафга ўтиб кетишга мойиллиги зўр Хўжанд жалойирларига кўз-қулоқ бўлиб туриш керак эди.

У шу ўйлар оғушида Турксув дарёси бўйидаги тепаликка чиқиб, тўқайзорлар, кўллардан иборат гўзал манзарани кузатар, ўзини унутиб турли хил қўшларнинг

чуғур-чуғурига кулоқ тутарди. Худо насиб этса бу ерда бир гўзал шаҳар курдираман, ният қилди у пешин намозини ўқиғач. Бир шаҳар қад кўтарсинким, асрлар бўйи турсин ва авлодларга хизмат қилсин.

Сайхунга ҳаёлчан термилиб ўтирган Темур Боботуркнинг отдан тушиб, ағдарма чоригини попиллатганича келаётганини сизди. Унга амир Хусайнни кузатишни топширган, бу хусусда не маълумот бўлса зудлик билан етказишни тайинлаган эди.

– Сўйланг, не хабар? – деди Темур дарёдан кўзини узмай.

– Хотиржамлик, ҳазрат! Ўшал одам ўлик пойлаган гўрковдек Зоминда ётибди. Одамлари Тошкент билан Самарқанд оралиғида лўлининг исковуч итидек юрибдилар. Махфиянинг маълумотича амир Хусайн кайфи ошиб, бир оз сўкинган, Сайфуддин билан Жаку Барлосни қандай қўлга олиш мумкинлигини энг яқин кишилари билан маслаҳатлашган. Яқинлари хиёнатни ўйламайлик, Темур мард ва тўғри одам, хиёнатни кечирмайди, бу кунимиз ҳам кўплик қилиб қолмасин дея уни инсофга чақирганлар. Амир аччиқлангану бошқа бу хусусда гап очмаган. Хонимларидан Қазонхоннинг қизи Сароймулкхоним бизга яқин бир кишига, амир Хусайн Темурнинг тирноғига ҳам арзимайди, буни Темур билармикан? Уни ҳечам Самарқанд тахтига йўлатмаслик керак, дебди. Нега бу сўзни бизнинг одамга айтган, тушунмадим, ҳазрат. Эри эшитса бошини кесади. Хуллас, шунақа гаплар...

– Яхши. Хоним гаплашган ўша кишига тайинла. Бу ҳақда бировга гулласа боши кетишлигини аңлат. Биз қуролдош дўстларимизга муносабат бобида ахлоқу-одоб доирасидан чиқмаслигимиз керак! – деди Темур Боботурк домон ўтирилиб.

– Тушундим, устоз!

– Амир ҳазратлари ҳақида сўзлаганингда уни бу қадар ерга урма-да, Боботурк! Ҳеч бўлмаса мозорнинг шайхидек десанг ҳам бўларди; – ҳазил қилди у.

Боботурк қўлини кўксига қўйганча орқага тисарилди-да, кетишга рухсатми дегандек, Темурнинг сўнгги сўзини кутди.

– Самарқандга ва Зоминга хабар беришсин, индин йўлга тушамиз. Наврўзга бир кун қолганида Самарқандга етсак, Оллоҳ насиб этса, байрамни пойтахтда кутамиз, – деди Темур дона-дона қилиб. – Амир ҳазратлари бизни Ойқор этакларидаги Қорақишлоқ манзилида кутсинлар. Учрашувга жуда қулай баҳаво жойлар, дарё соҳили. Сўнгра баробар пойтахтга кетамиз.

Темур Мовароуннаҳрни ўша мўғул хонларисиз, бу мамлакатнинг ҳар қандай беги ҳам ўшалардан яхши идора этиши мумкинлигини элга кўрсатмоқ учун бутун қиш мобайнида ҳокимиятни икки амирга топшириб қўйди. Бу билан, хонлар ўз ишларини билсин демоқчи эди. Халойиқ буни сезмасдан қолмади. Барча Темурнинг Самарқандга келишини, ҳокимият тақдирининг қай шаклда ҳал этилишини кутарди. Темурнинг ҳам боши қотган эди. Ҳозир ҳокимиятни олишнинг айна мавриди, калити унинг қўлида турарди.

Бироқ гап ҳокимиятни олишда эмас, миллатни ҳокимият тепасига шу юртнинг эгаси бўлган инсоннинг келишига тайёрлашда эди.

У Ойқор қояси, Туркистон тизмалари этагига етганида Боботуркни чақириб, Самарқанд шахрига оид биринчи кўрсатмани берди.

– Ёзинг, муҳтарам Боботурк! – деди Темур яхши кайфиятда унга кулиб боқаркан. – Эрта эрталабдан бошлаб Самарқанд шахридаги барча гадой ва девоналарни маълум жойларга тўплаб, емиш-ичмишлари берилсин! Уларни фойдали ишларга машғул этишни қатъий назо-

ратга олсинлар! Ҳамда барчасини тамғаласинларким, бошқа гадолик қилмасинлар. Агар тамғадан сўнг ҳам гадойликни давом эттирсалар, уларни узоқ мамлакатларга ҳайдасинлар! Шундагина мамлакатда гадо зоти йўқолади. Бу фармонга бизнинг қўшинимиз кирган барча шаҳар ва қишлоқларда амал қилинсин. Шунингдек, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақолар бино этилиши борасида ҳам фикр берсинлар. Фақиру мискинлар учун шифохоналар қурдирилиши, ул ерларда ишлаш учун табиблар тайинланиб, ҳар бир шаҳарда дор ул-аморат ва дор ул-адолат<sup>9</sup> ташкил этиш энг долзарб юмуш эканлиги барча ҳокимларга англатилсин. Раияту зироатни кўриқловчи кўрчилар тайинлансин. Лозим булуқларда ерларда коризлар қазиб, бузилган кўприкларни тузатсинлар, лозим жойларда янги кўприклар қурилсин. Йўл устидаги ҳар бир манзилда работлар қурилсин. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар. Ҳар бир работга бир нечта одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларнинг зиммасига юклатилсин. Йўловчиларнинг моллари хавфсизлигини таъминлаш ҳам шу кишиларнинг жавобгарлиги остида амалга оширилсин. Қаровсиз, эгасиз ерлар обод этилсин. Агар эгаси бўлса-ю обод қилишга қурби етмаса, унга бу иш учун керакли асбоб-ускуналар берилсин!

Темур тўхтаб, Боботурк жумлаларни ёзиб улгуришини кутиб турди. Сўнг, бир оз тин олди-да, сўзида яна давом этди:

– Жангда ёки бошқа сабаб билан ўлган кишиларнинг моллари уларнинг ворисларига етказилиши таъминлансин! Агар вориси йўқ бўлса, бу мол хайрли ишларга сарфлансин ёки Маккайи Мукаррамага юборилсин!

Амир Ҳусайн Темурнинг ёнида тахтадек қотиб турарди. Демак, ўзининг тутишидан, хон ким тайинла-

<sup>9</sup> Қозилар уйи



нишидан қатъи назар, унинг гапи гап, сўзи-сўз бўлади шекилли. Ўзига бунчалик ишонмаса, фармони олий мазмунини унинг олдида бу қадар очик ёздирмасди. Ёки вақтнинг борида Соли Саройга етиб олишим керакмикан, ўйлади амир Хусайн. Лекин кўнглида яна умид уйғонади, Темур мард, ҳозир Самарқандга боргач, уни хонликка тавсия этиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Сабаби, унинг Хусайндан яқин одами, дўсти йўқ. Бунинг устига куёви. Наҳотки, у буни англаб етмаса. Мана ярим йилдирки итдек унинг орқасидан эргашиб юрибди.

Амирлар Самарқандга келган кунларининг эртасига қурултой чақирдилар. Эски турк-мўғул одати, қадимий урфи бўйича бу қавмларда ҳеч бир муҳим иш қурултойларсиз, кўпчилик ризолигисиз ҳал этилмас эди. Қурултойни ясолар бўйича улуснинг энг ёши улуғ оқсоқоли олиб борарди. Қурултойнинг тўрида минг йиллик кечмиш аждодлар қиёфасини эслатиб, Ўлжайту Апарди ўтирар, бугунги қурултойни бошқариш унинг чекига тушган эди. Хонликка даъвогарлар кўп, бу тарафда ота-боболар амал қилиб келган ясо бор. Хуллас, унинг қари боши қотган, бир Темурбекка, бир амир Хусайнга ва бошқаларга қараб, гапни нимадан бошлашини билмай ҳайрон эди.

– Бошланг, мухтарам Ўлжайту оқсоқол! Бошлайверинг! – деди олд қаторда ўтирган Темур босиқ ва сокин овозда.

– Мухтарам жамоа! – дея томоғини қириб сўз бошлади Ўлжайту Апарди. – Маълумингизким, юртимизда давлатни тасарруф этмоқ муаммоси туғилди. Халққа тўғри йўл кўрсатадиган, оқ-қорани танийдиган, эсҳушида жойида бўлган бир адолатли инсонни хон қилиб кўтармоғимиз керак. Бугунги кун шароити, ясо ва юсунимиз шуни тақозо этади. Бул қаби масалани ота-боболаримиз ҳам худди шу тартибда ҳал этиб келганлар.

Амир Хусайн бўғриққанча ўрнидан сапчиб турди. Қўлини пахса қилиб, сарғиш қуруқ юзи тиришганча сўзлай бошлади:

– Шу биткўз хонзодалардан бошқа одамлар бу халқнинг пешонасига битмаганми? Нима, шундай катта юртда бошқа тирик жон йўқми? Бу кўғирчоқларни аллақачон улоқтириш керак эди! Ичимиздан бирорта муносиб кишини хон кўтарайлик!..

Хамма бир-бирига қараб, пиқирлаб ёки мийиғида кула бошлади. Орқароқдагиларники баландроқ чиқди. Сабаби, амирнинг кўзи ҳам қисиқ эди.

У мени сайланглар деб айта олмади. Ўтираётиб энг яқин одами Зинда Ҳашмга, одаммисан, молмисан, менинг отимни атасангчи, дегандек ўқрайиб қаради. Сўнгра қулоғига пичирлаб нимадир деди. У мум тишлагандек қотиб ўтирар, айтса-ю ўтмаса, сўнгра сайланган хон терисини шилсинми? Нима, куни битганми, сенга хон билан тенг амирлик етмайдимми, ўйларди қизариб-қумсариб Зинда Ҳашм. Сўнгра амир Хусайн Темурга «менинг исмимни ўзингиз айтсангиз» деди титроқ овозда. Темур унинг кўзига ҳеч бир жавобсиз тикилиб қараб қўйди.

– Муносиб одам хон маснадига ўтириши керак. Ҳечам хондан ёлчимадик, – деди ғулдираб орқа тарафда қайсидир амир.

– Ўйлаб кўриш керак. Ёмғирдан қутулиб, қорга тутилмаслигимиз лозим! – деди яна бири.

Амир Хусайннинг қони қайнаб, фиғони фалакка ўрлай бошлаган, шу ерда ўтирган тўртта аҳмоқ чолнинг розилиғи билан амалга ошиб кетадиган иш, жойидан жилмай турибди. Темур уни сотди. Кўради ҳали. Ёнида бамайлихотир, ҳеч нарсани билмагандек ўтирибди. Лекин зимдан қурултойни у бошқармоқда. Шошмай тур сен чўлоқ; юртингда юмрон ўйнатаман! Ўшанда кўра-

миз ҳолингни! Сен ҳали амир Ҳусайннинг совунига кир ювмабсан!

– Бизда иззат-нафсу ғурур деган нарса қолмабди. Кўрсичқонга ўхшаб битта ўша авлодга ёпишиб олганмиз. Ҳали кун келади, улус бу авлоднинг терисини шилади. Нахотки, битта муносиб одам орамиздан чиқмаса! – деди яна амир Ҳусайн аламини босолмай.

Улжайту Апарди не дейишини билмай, терлаб-пишиб ён-верига қаради, қўлини бир-бирига ишқалади. Ўтирганларнинг барчаси амир Ҳусайннинг мақсадини англади. Апарди яна қурултойга мурожаат этди.

– Бир қарорга келмоғимиз лозим. Бўлмаса, бу ердаги ноаниқлик иқлими мамлакатга кўчади, – деди хафахон оҳангда.

Хонага пашша учса эшитиладиган жимлик чўқди.

– Муҳтарам амиримиз Улжайтубек айтганларидек орамиздан бирорта иймони бутун инсонни хон кўтармоғимиз лозим! – деди ўрнидан турган Жаку Барлос.

Иш тамом, деди амир Ҳусайн Жаку Барлосга қуёнқараш қилиб термиларкан. Бу сўзсиз Темурни дейди. Темур деса ўзини томдан ташлайди. Темурнинг тоға авлодидан. Шу боис Темур уни тоға деб гапиради, бир марта қўлини ўпганини ҳам кўрган эди. «Тоға ўтирган томнинг ҳам устига чиқмайдилар» дея уни етгинчи осмонга чиқариб ҳам қўйган эди. Бироқ Темурга нисбатан бу маснадга мен қонуний равишда даъвогарлигимни билади-ку. Балки менинг исмимни айтиб юборар, мен унга Темурдан юз чандон кўп яхшилиқлар қилишим мумкин.

– Менинг ожиз ақлимча бу олий маснадга орамизда энг муносиб инсон Темурбек Тарағай Баҳодир ўғлидур.

– Ҳақиқатан маъқул таклиф, – деди амир Сайфуддин.

– Биз ҳам қўшилаемиз!

– Маъкул! – овозлар эшитиларди.

– Тўғри таклиф. Бироқ бу ҳусусда Темурбекнинг ўзлари нима дейдилар? – деди Зинда Ҳашм ниҳоят хўжасига садоқат кўрсатиб.

Қурултой ўтоғаси Темурбекка қаради. Оғир ва чуқур нафас олган Темур бошини эгганча ўрнидан турди. Ўтирганларнинг турли хил қиёфаларига бирров назар ташлаб чиқди-да, бир оз сукутдан сўнг сўйлади:

– Муҳтарам амиримиз Жаку Барлосга бу юксак ишонч-лари учун ташаккур билдираман. Бироқ барчамизга маълумки, ота-боболаримиздан қолган ясо ва юсун бор. Қадрли амиримиз Улжайту Апарди орамиздан хон изламай ўша ясо бўйича иш тутсалар маъкул бўлув эди. Акс ҳолда бир фикрга кела олмаймиз. Қолаверса, она тупроққа ва ўлусга садоқат ила хизмат қилмоқ учун, албатта, хон бўлмоқ шарт эрмас!..

Темур шундай деб жойига ўтирди. Йиғилганларнинг дами ичига тушиб кетди.

– Шундай, шундай. Темурбек гоят муҳим манбани эслатдилар. Дарвоқе, биз ана шу ясо асосида иш кўрмоғимиз керак. Модомики, шундай экан, қурултой аҳли маъкул кўрса Дувахон наслидан бўлмиш бир хонзода шу атрофда бўлишлари лозим. Ризолик берсангиз, ўшал ўғлонни бу улуғ маснадга ўтқазсак.

– Қаерда экан ўша иш деса қочиб, ош деса чошиб келадиган хонзода? Ҳеч бир заҳмат чекмасдан, гўрдан чиққандек келиб тахтга ўтирадиган бу муттаҳам шу пайтгача мушукдек қаерларда писиб юрган экан? Қайси она мушуклар уни пинжида асраб юрган экан?! – бақириб берди амир Ҳусайн. – Ҳе, ўргилдик...

Улжайту Апарди амир Ҳусайнга нима деб жавоб қайтаришини билмай, каловланиб қолди. Сўнгра бу фурсатда энг яхши усул унинг гапини эшитмаганга

олиб, эътибор бермаслик дея ўйлади-да, тутила-тутила сўзида давом этди:

– Бул хурматли хонзодамиз илгари хисори Шодмонда эдилар. Айни замонда шу ерда бўлсалар керак.

Ҳа, муттаҳам қари кузгун-ей, аллақачон ўша бетайин хонни олиб келиб қўйиб, бизни аҳмоқ қилиб, лақиллатиб ўтирган экан-а, ўйлади амир Хусайн. Биз аҳмоқларга бу кун ҳам кўплик қилади. Аҳмоқлигимиз учун бу ясама хон эртага теримизга сомон тикса-да кам.

Дарҳақиқат, амир Хусайнга ўхшаган даъвогарлар улоқ қилиб чоғиб юбормасин дея кўримсиз кийим-кечакда келган бўлажак хон арлотлар орасида елкасини қисиб, писиб ўтирарди.

– Модомики, шундай фикрга келган эканмиз, сизларни янги хон билан қутлаб, ул табаррук зотни сизга тақдим этаман! – деди амир Ўлжайту Апарди ғужурлашиб ўтирган арлот қавми одамлари томон бўйнини чўзиб қараркан.

– Жаноби олийлари, хон Кобулшоҳ Ўғлон Дуржихон ибн Элчигдай ибн Дувахон ўғлонларидан, яъни Чиғатойхон ибн Соҳибқирони аъзам Чингизхон авлоди сиз аҳли қурултойнинг қаршисидадур.

Кобулшоҳ Ўғлон ўзини бир оз ноқулай ҳис этиб ўрнидан турди. Қурултой қатнашчилари ҳам ўрнидан туриб, хон томонга қараб эгилиб таъзим қилди. Амир Хусайн ҳаммадан сўнг ўрнидан турди, билинар-билимас бошини ирғаб қўйди.

Шундан сўнг Кобулшоҳ Ўғлонни оқ кигизга ўтқазиб, уч марта кўтариб туширдилар. Сўнгра Чиғатой улусининг тахтига ўтқаздилар. Келгуси жумъа намозида масжиди жомъеда хон номига илк бор хутба ўқилиб, кечқурун эса хон шарафига тўй беришини маълум этдилар.

Амир Хусайн дардини ичига ютди. Қайтиб ҳеч ким билан бу хусусда сўзлашмади. Даврадагиларнинг ҳаммасидан қўлини ювиб қўлтиғига урган; улар билан сўнгги ҳисоб-китоб қилиш ҳақида бош қотирарди.

– Муҳтарам Темурбек, мусоҳада этсангиз, бир нарса-ни сўйламоқчи эдим, – деди амир Улжайту одатдагидек гапни чертиб-чертиб сўзлар экан, қошларини чимириб.

Темур унга, сўзланг, дегандек ер остидан қараб бошини ирғади.

– Маълумингизким, Тошариқ жангида асир тушган хонзода, аслзода ва бекзодаларимиз ҳам бўшатилмади. Бу хусусда сиздан ва муҳтарам амир Хусайндан ўтинчимиз бор эди. Аларнинг оиласи, қариндош-уруғлари ҳам жуда безовта. Хон ҳазратларини ҳам ташвишга қўядилар. Менинг хузуримга ҳам келишди. Элчига ўлим йўқ. Сизлардан ул кишиларга нисбатан раҳм-шафқатли бўлмоқликни рижа этамен!

– Менинг қўлимда ким бўлса озод этилади. Муҳтарам амир Хусайннинг қўлларидаги асирлар тақдирини ўзлари ҳал этадилар, – деди Темур Улжайтуга қараб.

– Асирлар бўшатилади. Бироқ Соли Саройга боргандан кейин, баъзи бир тафтишлардан сўнгра, озод этилади! – деди кескин оҳангда амир Хусайн, бурнингни тикмаганинг шу иш қолувди деган оҳангда, Улжайтуга ёвқараш билан.

Ҳеч ким оғиз очиб амир Хусайнга бир нима дея олмади. Ким нима деса ҳам сўзи ерда қоларди. Улар совуққина хайрлашиб, тарқалишди. Амир Хусайн Соли Саройга боргач, амир Ҳомидни тутқунликдан бўшатди. Бироқ Искандар ўғлонни қатл эттирди.

Бу воқеалар минг уч юз олтмиш тўртинчи йилнинг сўнгида содир бўлмоқда эди. Амир Хусайн шу йил юртида қишлади. Темур эса Кешда эди. Келаётган йил машаққатли ва оғир бўлишини юраги сезгандай асосий

вазифа деб билган кўшинни мустаҳкамлаш ишларига кўпроқ вақт ажратди. Темур Тошқўрғондаги ўша ғорига чиқиб, ўн кун дам олди, мулозимлар билан келгусининг режасини пишитди.

– Темурбек, ўтган йилги қурултойда чўнтагингизда нақд турган хонликни бировга бериб юбордингиз-а, – деди иккиси тоғ айланиб юрганида Жаку Барлос. – Нега шундай қилдингиз, ҳали тушунолмаيمان, ақлим етмайди. Бу гапни бировга айтсангиз ҳам ёқасини ушлайди. Мен ҳам ўша ерда муттаҳамга ўхшаб қолдим, – ўпкалади кекса барлос амири.

– Сиз ҳақсиз, тоғо, – жавоб қилди Темур сўзларкан. – Бу вазифани бўйинга олмоққа ҳали бир оз вақт бор. Бу маснадни шундай ҳолатда ва шундай шаклда эгаллаш лозимки, уни ҳеч ким ва ҳеч қачон қайтариб ололмасин! Биз ҳали ҳарб ва сиёсат нуқтаи назаридан бунга етишганимиз йўқ. Айни замонда, Самарқанд тахтига пайғамбар ўтирса ҳам Илёсхожахон уни тинч қўймайди. Шунинг учун ўзининг аждодини тўғриладиқ. Истаса, кабоб қилиб есин! Ҳали Илёсхожахонга қарши курашишимизга тўғри келади. Ҳис-туйғуларимизни жиловлаб, ичимизга ютиб, душманга сир бермай туришимиз керак. Биласиз-ку, ютган ютади. Биз бу маснадга келмоғимиз учун ҳали анча-мунча дўсту душманларнинг сарасини саракка, пучагини пучакка ажратмоғимиз лозим. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди. Шоҳнинг душмани шоҳлик қудратига эга бир эмас, ўнлаб, балки юзлаб кишилардир. Буларнинг барчаси сени тан олганидан сўнг, уларга иш буюришга, фармон беришга маънавий куч топасан. Эл ҳам шунда сени қабул этади. Ҳозир душманимиз ўнта бўлса, биз хонликни олганимизда юзтага ортади. Мушқулимиз осонлашмай, қийинлашарди.

– Гапингиз тўғри, жиян, – деди Темурбекнинг сўзларидан таъсирланган Барлос. – Мен қари бўри иш тезроқ

битсин дейман-да. Биласиз, мен умримни ва ҳаётимни сизнинг хизматингизга тикканман. Амирлик қил десангиз амирлик қиламан, ота касбингга қайт десангиз, сурувингизни боқаман.

– Ташаккур, тоғойи! Умид ҳам шунчалик. Вақти маҳали келар, сиз улуғ салтанатнинг мўътабар ва шарафли оқсоқоли даражасига кўтариласиз!

Темур шундай деб тоғасини бағрига босди. Жаку Барлоснинг кўзи ёшланди. Нақадар самимий, меҳрмуҳаббатли инсон зоти! Ўзини бахтли ҳис этмоғи учун ҳам бахтсиз қилмоғи учун ҳам қилдай нарса кифоя...

Эртаси кун Темур мулозимлар қуршовида Кешга тушди. Боботурк Хўжанддан, шу пайтдаги Хўжанд ҳокими Баён Сулдузнинг ўғли Шайх Муҳаммаддан чопар келганлигини билдирди. Темур юзидан таҳлика акси сезилиб турган навқарга бошини ирғаб, сўйла дегандек қаради.

– Илёсхожаҳон катта қўшин билан босиб келаётган экан. Амиримиз бор умид Темурбекдан. Уларга бошқа ҳеч ким бас келолмайди, деди. Мен ҳозироқ дўнишим ва сизнинг жавобингизни амир жанобларига етказмоғим лозим.

– Биз эрта-индин йўлга чиқамиз. Ёғийни Хўжандга яқин ерда қарши олсак ажаб эмас. Бу ёғи яна Оллоҳга маълум. Амир жанобларига бориб айт, талвасага тушмасин ва савашда доимо ўзларини кўрсатиб келган жалойир биродарларимизни жангга шай тутсин!

Темур зудлик билан қўшинни яна тўплашга ва кўпайтиришга амр берди. Амир Ҳусайнга одам юборди. Уч кундан сўнг лашқар Кешдан чиқди. Қўшиннинг охири Кешдан узилмаган эди, амир Ҳусайннинг Пўлод Буға ва Зинда Ҳашм саркардалигидаги бўлинмалари етиб келди. Ҳар икки ўрдуда минг нафардан навқар бор эди. Амир Ҳусайн орқадан етиб бораман деган хабар юбор-



ди. У яна жанг тугагандан сўнг етиб келса керак, ўйлади Темур.

Дарвоқе, амир Ҳусайн шундай қилди. Темур қўшиннинг омон қолган қисмини балчиқдан чиқариб олиб, юсакроқ бир тепаликка ўрлади-дә, жон ҳолатда жанг майдонини ташлаб қочаётган амир Ҳусайн тўдасини кузатиб турди. Шунда у бибурд «дўст» билан оралари мутлақо узилганини, бундан буён ҳеч қачон «ош-қатиқ» бўлолмаслигини тушуниб етди.

У беихтиёр, иккиси танишиб, дўст бўлган, ҳаёт эканлар, бир-бирларига содиқ қолажаклари ҳақида қасам ичган кунларини эслади. Бу пайтда Турон юрти амир Қазағаннинг қўлида эди. Амир Қазаған жаҳлдор, жиззакни бўлишига қарамасдан ўтмишдош хонларга нисбатан одил ва адолатлироқ эди. У ҳеч қачон қобилиятли одамларни лаёқатсизлар қўл остига бериб қўймас, эс-хуши жойида, қўлидан иш келадиган кишиларни ҳеч иккиланмай мансабларга тайин этар ва ҳеч қачон бир кишига бир неча амални бермас эди.

Амир Қазаған илк дафъа Темурни кўргандаёқ уни ёқтириб, набираси, Солойхоннинг қизи Ўлжай Туркон оғони хотинликка берди. Темур эса амир Қазаған ўрдусини қайтадан тузиб, тартибга келтирди. Бундан мамнун бўлган амир Қазаған унга мингбошилиқ мартабасини берди. Хуросонга, Ҳусайн Картга қарши жангга отланаркан, Темурни ёнида олиб кетди, маслаҳатларига қулоқ тутди. Темурнинг ёрдами ва жасорати кўмагида ёғийни бартараф этди. Шундан кўп ўтмай, Туғлуқ Темурхоннинг махфийлари келиб, ўзларидан тортиб олинган тахт учун Амир Қазаған бошини ясоққа етказдилар. Темур билан Ҳусайн худди ана шу мотамли кунларда абадий дўст бўлишга қасамёд этган эдилар. Амир Ҳусайн бу қилмиши билан барча илиқ муносабатлар устига чизик тортган эди. Темур унинг охири бир кун кетишини бил-

са-да, бироқ ўрталарида сотқинлик юз беришини ҳечам кутмаган эди.

...Қўшинлар Сайхун сари йўлга чиққанларида, баҳор қуёши гуркираб ўсаётган майсаларни аллалаб иситар, кечагина эзиб ёққан ёмғирдан кўпчиб турган ер ёқимли ис таратарди. Зурриёт қолдириш иштиёқида завқ-шавқ ила жуфтларини излаб чулдирашаётган қушлар дарёдек оқиб келаётган тумонат одамдан чўчиб, олис-олисларга учиб кетмоқда эди. Нам ер лашкар оёғи остида пишитиладиган тандир лойи каби ийланиб, қотиб қолар, энг жони қаттиқ ўт-ўлан ҳам бир-икки ойсиз бош кўтариши маҳол эди.

Уловга дам берган Темур Сайхундан ўтиб, Чинозга етмасдан тўхтади. Чодир қурувчи ва озиқчи бўлинмалар тунаш учун ҳозирлик кўра бошлади. Ярим кечада амир Ҳусайннинг қўшини ҳам етиб келди. Лашкар ухламасдан мудофаа девори ясади ва майдон саваш учун қулай ҳолатга келтирилди. Эрта-саҳардан эса ясол тузила бошланди.

Жавонғорни Темур, баронғорни амир Хусайн бошқаришига келишилди. Баронғорнинг қанбулига Тилончи Арлот, ҳировулга Улжайту Апарди ва Шер Баҳром, Малик Пўлод Буға, Фарҳод Апарди ва Малик Баҳодир қўйилди. Жавонғор қанбулига эса Сари Буға Қипчоқ, ҳировулига эса Темирхожа Ўғлон турдилар. Қўлга амир Жаку Барлос, амир Сайфуддин, амир Мурод Барлос ва Аббос Баҳодир қўшинлари тайинланди. Темур йўриғига ва амиру беклар аҳдлашувига кўра ёғий томон барча кучлар бирданига ҳужумга ўтиши керак эди.

Тундаёқ бошланган ёмғир тинган, жангни бошлаш фурсати яқинлашмоқда эди. Тушга яқин саваш бошланди. Темурнинг жавонғори мўғулларнинг Шингум Нўйон бош бўлиб турган баронғорини сафдан чиқарди. Шу дамда сел каби қуяётган ёмғир ишнинг белига теп-

ди. Жанг майдони ботқоқликка айланди. Отлар нари турсин, пиёдалар ҳам юролмас, савашини ўрнига бир-бирларини балчиқдан чиқариб олишга киришган эдилар. Боботурк хурсандлик билан Илёсхожахон қўшида кўч-кўронни йиғиштириш бошланганини айтиб келди. Бундан руҳланган Темур амир Хусайнга чопар юборди. Унинг қўшини эса ҳамон хужум қилиш ўрнига, сустлик билан ўзини орқага ташлаб турарди. Устма-уст яна чопар юборилди. Иккинчи чопар борганида амир Хусайннинг жаҳли чиқди.

– Менинг ўз каллам бор. Нима қилишни Темурбекдан кам билмайман. Душман билан савашиб ўлишим мумкин, бироқ ботқоққа ботиб эмас! Темурбекка бориб айт! Эси борида этагини йиғиштириб, бу бефойда жангни тўхтатсин! – деди.

Темур ва йигитларида савашни тўхтатмоқ нияти йўқ эди.

Ўмғир тинганида улар озчилик бўлсалар-да муддаларига эришардилар. Шу вақт қутилмаганда Илёсхожахон баронғорнинг олд қисмини чекинишига кўрсатма берди. Бироқ жавонғор билан баронғор, жавонғорнинг қанбули, ҳировули ва қоровули жойидан жилмади. Буни синчковлик билан кузатиб турган Темур ёғий мақсадини англади. Уларнинг бошқа қисмлар билан иши йўқ,

Темур жавонғорини тузоққа тушириб, қуршовга олаётган эдилар. Худди шу дақиқада амир Хусайннинг баронғори саваш майдонини ташлаб, Сайхун сари чекина бошлади. Буни кўрган Темур лашкарини талофатдан сақлаш учун «Жанг тўхтатилсин! Барча куч-имконият қўшинни ботқоқликдан эсон-омон олиб чиқишга сарфлансин!» – деб фармон берди.

Кейинчалик «Лой жанги» деб номланган бу саваш шу тариха ниҳоясига етди.

Темурнинг буйруғи бир зумда барча бўлинмаларга етиб борди. Катта қисмдан ажраган Темур лашкари Сайхун бўйига етганида амир Хусайн қарши қирғоқдан анча олислаб кетган эди. Темур беихтиёр, Тошариқ жангида Илёсхожахонни асирликдан озод этганини ва унинг мўлтираб турган нигоҳини кўз олдига келтирди. Қайтар дунё, дея ўйлади от жilовини бўш қўйганча кетаркан. Мағлубият аламини тотиб кўрмаган лашкар зафарнинг ҳам қадрига етмайди, фикр қилди у олисолисларга боқиб, дўстини излар экан. Амир Хусайн эса отда нина устида ўтиргандек, ҳеч бир манзилда тўхтамай, Соли Сарой томон елиб бормоқда эди. У муаллақ қолган эди. Нега шунча қўшин билан қанча олис йўл юриб бу ерга келди-ю нима учун капасига ўт тушган лўлидек қайтиб қочиб кетяпти? Бу ҳаракатини Темур энди кечирмаса керак. Йўк, энди кечирмайди. Шунга қараб тошгу тарозуни қўявер, амир Хусайн, ўйлаб борарди у ҳеч ким билан гаплашмай. Илёсхожахоннинг қўлига Темур тушса, у Темурнинг бурнини қонатмайди. Сабаби, Темур Илёсхожахонни ҳеч қачон сотмаган. Бироқ уни тутиб олса жуни қирқилмаган улоқдек нимталаши аниқ. Амир Хусайн осдирган ва бошини кесдирган бекларнинг қасосини олмай қўймайди. Саросима ва таҳликага тушган Хусайнбек вақт ғаниматлигида бу ғавғоли юртдан узоқлашмоқ, моли-жонини асрамоқ илинжида Хиндистон сари кетмоқни хаёл этди.

Амир Хусайн дўсти билан ҳам, душмани билан ҳам ораси бузилган, икки ўт орасида эди...

## XVIII

*Темурни Чингизхон ила бир сафга кўйиб, уни ваҳший, золим, қароқчи деб атаган кишиларнинг фикрлари икки мартаба хатодир. У Осиеънинг турк саркардаси эди. Ўзининг ғолиб аскарлари ва қуролларидан ўз замонасининг таомилича фойдаланган. Унинг фаолияти, хусусан, душманлари тарафидан гуноҳ ҳисобланган ишлари ва урушлари, теранроқ қаралса, доимо бирор жиноятга жазо тарзида рўй берган. Тўғри, жазо қаттиқ, лекин адолатли бўлган.*

**Ҳерман Вамбери**

Ойқор этакларида кўшинни тартибга келтириб, кучларни қайта сафлаган Темур Самарқандга кириб, раиятни тинчитди ва Кешга ўтиб кетди. Йўл-йўлакай маслаҳатдан сўнг, шаҳар ҳимояси учун кўшиннинг асосий қисмини яна пойтахтга қайтариб юборди.

Қайтарилган лашкар этакчилари Темурхожа Ўғлон, Жовурчи ва Аббос Баҳодирлар билан Самарқандни бошқариб турган Довудхон ва Ҳиндукалар ўртасида мастлик оқибатида юзага келган жанжал Темурнинг барча режаларини чиппакка чиқарди.

Довудхон билан Ҳиндука Илёсхожахон ҳузурига қараб қочдилар ва кўп ўтмай мўғулларнинг зиндони ҳам ҳидлаб кўрган бу икки бек йўл кўрсатиб, ёғийни Самарқандга эргаштириб келдилар.

Аммо Самарқандни эгаллаб, яна уни бошқармоқ мўғулларга насиб этмади. Уларнинг от-уловига теккан ўлат бутун бошли лашкарни пиёда қолдириб, охиروқибатда шарққа чекинишга мажбур этди. Талвасага тушган пиёда лашкар шиддат билан бостириб келаётган суворий кўшинга нисбатан ердаги чумоли каби ожиз эди, отларнинг туёғи остида қолишга маҳкум бўлди.

Ушбу воқеани Яратганнинг инояти деб билган шаҳар халқи бундан руҳланиб, сўқоққа чиқди, кўчабандлар барпо қилди. Қўлига илинган нарсани олиб, ёвга қарши курашди. Улар ўз эрклари йўлида бошини дорга тиккан эдилар. Бу воқеаларни тарихчилар сарбадорлар дея ёзгач, тарих шу номда қайд этди.

Отларига ўлат теккани мўғуллар белини синдирди. Улар жангсиз чекина бошладилар. Сарбадорларга мударис Мавлонозода, Абубакр Калавий Наддоф ва мерган Хўрдак Бухорийлар йўлбошчи эдилар. Самарқанддаги жомъе масжидига тўпланган ўн минг халойиқ уларни ўзларига етакчи этиб сайлаб, мўғул бўлинмалари томон ташландилар. Қочаётган ёғий маҳаллаларга, тўкин расталарига ўт кўяр, халқ бор куч имконияти ила ёнғинни ўчирмоқ учун курашарди. Шаҳарга кирувчи барча кўчалар тўсийган, мустаҳкам ҳимоя воситалари ёрдамида мудофаа этила бошлаганди. Ниҳоят шаҳар аҳли мўғулларни қувғин қилишга муяссар бўлдилар. Елкаларига қуруқ эгарларини илиб олган мўғуллар нажот йўқлигига ишонишгач, бор буд-шудини ҳам ташлаганича, шаҳардан қочиб чиқдилар. Бироқ эртаси куни бомдод намозидан сўнг шаҳарда тартибсизликлар бошланди. Бу бошбошдоқликдан фойдаланган кимсалар шаҳар аҳлига зулм қўлини чўзиб, молу мулкни талон-ғарож қила бошлади. Сарбадорларнинг бошлиқлари эса бундай шароитда шаҳарни бошқаришга ожизлик қилдилар.

Бу воқеани Жайхун соҳилида эшитган Темур узоқ муддат жим қолди-да, сўнг ёнида турган Боботурк ва жаку Барлосга сўз қотди.

– Афсуски, биз шу оғир дамларда Самарқанд аҳолиси билан бирга эмасмиз. Қаранг, фақат ҳокимият ва молу мулкни ўйлайдиган баъзи амиру беклар уддалай олмаган ишни оддий халқ қилди. Бироқ ана шу аҳоли ичи-

дан чиққан муттаҳамларнинг ўзи зулму истибдодга бел боғладилар.

У ўрнидан туриб, наридан-бери юра бошлади.

– Темурбек! Самарқандда юз берган аҳвол сизнинг иродангиз билан бўлмади.

– Тўғри, – деди таскин бермоқчи бўлаётган Жаку Барлоснинг сўзини бўлиб Темур, – шўрлик эл мўғулни Самарқанддан ҳайдаган бўлса-да, бугун ўз ичидан чиққан душманнинг қўлида қолди, бунинг устига эрта кунда мўғуллар янада кучли қўшни билан қайтиб келса, қарши тура олмаслиги аниқ. Шу боис бу ерда қолишимиз инсоф ва адолатдан эмас.

– Мен ҳам шундай фикрдаман, – суҳбатга аралашди Боботурк. – Ҳар қандай шароитда ҳам халқ ёнида турмоғимиз лозим. Акс ҳолда улуснинг хонумони куйиб, қони тўкилади.

– Ўзи шунақа. Дунё қизик, ҳисоби бузук. Кўпам сиқилаверманг, жиян, – деди Жаку Барлос қўл силтаб.

– Ажойиб мақол экан, – хайрон бўлиб Жаку Барлосга тикилди Боботурк.

– Тағойидан доимо шунақа, теша тегмаган гаплар чиқади, – гап қўшди Темур.

Темур Жаку Барлос ва Боботурк билан дарё бўйида узоқ суҳбатлашиб ўтиришди.

– Ўша лой жангида ёғий эски одатлар бўйича ядачиларни ишлатиб ёмғир чақиришди, сиз сездингизми? – сўради Боботурк Темурдан ва қўшиб қўйди – Тошларни бир-бирига уриштиришганини ўз кўзлари билан кўришипти.

– Кимдир шундай дегани қулоғимга чалинди, – жавоб қилди Темур.

– Қўйсангчи шу бўлмағур гапни. Худонинг шу муттаҳамларга ёмғир ёғдиришдан бошқа иши йўқми? Ёмғирнинг ёғиши уларнинг тошини уриштиргани-

га тўғри келса келгандир-да. Тажрибали, кўпни кўрган одам тош уриштириб, ядачини чақирмас-да, табиатнинг оби-тобидан қачон қору қачон ёмғир ёғиш-ёғмаслигини билади. Қир ўғизлари айтганидек, жовса жоват, жовваса жоввайд! Худо жуда муҳим, катта ишлар ила машғул, – деди чапанасига олиб Жаку Барлос.

Улар кулишди. Кўп ўтмай олдиларига кутилмаганда амир Хусайн йигитлари билан етиб-келди. Жаку Барлос билан Боботурк юмушларини баҳона қилиб туриб кетишди. Амирнинг хаёли жойида эмас эди: Темур Чекдалиқда вақтида амир Хусайнга Самарқанддаги воқеалар хусусида хабар беришган эди. Ҳамон тахт даъвосидан кечмаган амирнинг пайтавасига яна қурт тушиб, Самарқанд сафарини ихтиёр этган эди. У тарафлардан този қувган тулкидек қочиб келса-да, ёғий енгилганини эшитгач, эски дарди кўзиб, Темурни излаб қолган эди.

– Мана, Темурбек, ўша ясама хоннинг аҳволини кўрдингизми? Унинг ўрнига бошқа бир лаёқатли одам қўйилганида аҳвол бунчаликка бориб етмасди, – деди амир Хусайн чодирга кирар-кирмас. Темур унга бир қаради-да, индамади.

– Тезроқ бориб ҳокимиятни ўша ялангоёқларнинг қўлидан олишимиз керак, – давом этди ўша оҳангда амир. – Кейин кеч бўлади.

– Ялангоёқлар ҳам ҳокимиятни қўш қўллаб тутқазиб қўймасалар керак, – киноя қилди Темур.

– Нима деяпсиз? Шоҳона тахтда ўтиравериб, муттаҳамликда шайтонга дарс бераётган авлод вакилларики ҳокимият деган балони эплай олишмаяпти-ю, бу гадойваччалар уддасидан чиқадими? Ялангоёққа жиловни бериб кўринг, нима қиларкин? Ҳаммани ўзига ўхшаган гадо қилади.

– Самарқандга борамиз. Бошқа чора йўқ, – деди Темур ҳорғин овозда. – Лекин ишимиз яна лойқаланишидан кўрқаман.



Амир Хусайн Темурнинг ишорасини аёнлади. Тушунди-ю дами ичига тушиб кетди. Фикрини не йўсинда давом эттиришни билмай, каловланди. Шу билан бу хусусда бошқа баҳслашмадилар. Илк баҳорда улар қўшин ҳаракатига фармон бериб, йўлга тушдилар. Кетма-кет Кониғил қўриғига етиб келдилар.

Сарбадорлар етакчилари ҳам худди шу куни уларнинг истиқболига чиқишди. Сарбадорлар соф ният ила амирлар ҳузурига ташриф буюрган эдилар. Темур чин юракдан уларни муборақбод этди. Орзу этилган бу ғалабани ҳеч қачон унутмағаймиз, деди. Амир Хусайн ҳам ўша куни уларга қўшилган бўлди. Бироқ у Искандар ўғлонни ҳеч ким билан маслаҳатлашмай қатл эттиргани каби, зимдан иш юритиб, бу уч етакчини ҳам дорга осишни буюрди. Бу қотилликдан Темур беҳабар қолди. Сўнги дақиқалардагина бу мудҳиш воқеа қулоғига етган Темур дор тагидан Мавлонзодани зўрға қутқарди. Шундан сўнг анчагача амир Хусайннинг бетига қарамай юрди. Бу биргина сарбадорларга эмас, Темурга ҳам хайнлик эди.

Шу воқеадан сўнг, ораларидаги муносабат қил каби ингичкалашганини тушунган амир Хусайн Самарқанд сафари орзуси билан бирга қариганини сизди. Ўзини жабр чеккан, моддий қисилган одамга солиб, бетини қалин қилганча ундан ёрдам сўради. Темур унга бор-будини, ҳатто синглиси Ўлжай Туркон оғонинг тақинчоқларигача қўшиб берди. Синглисининг отаме-рос тақинчоқларини таниган амир Хусайн кўч-кўронини йиғиштириб, Соли Сарой томон йўлга тушди.

Шундан кейин, у Темурга нисбатан янада каттароқ, бироқ эр киши қилмас қабиҳ бир ишга қўл урди. Темурнинг номидан хон оиласи хонимларининг ному-сини ерга урувчи мактуб тайёрлаб, одамлари орқали хоннинг қўлига етказди. Хон босиқлик қилди. Темурни

чақиртириб, бу хусусда ўзидан суриштирди. Хоннинг ёнида қош-қовоғидан қор ёғилиб онаси ўтирарди. Темур ўзига нисбатан уюштирилган фитналарнинг энг нопогани, дўст саналмиш инсондан, бунинг устига ўз қайноғасидан кўрди. Мактуб ва Темурнинг ясама мухри ижрочиси амир Хусайн бўлиб чиқди. Амир Хусайн охириги чорани қўллаган, хон билан Темурни уриштириб қўйиб, мақсадига шу тарзда етмоқни мўлжаллаган эди.

Хон Темурдан кечирим сўради. Ҳақиқатчи эканлигини, унинг давлатида ноҳақ кимсанинг бурни қонамаслигини таъкидлади. Унга ҳурмат изҳор этди. Туғлуқ Темурхоннинг тахтида ўтириш ҳолатини кўрган кишининг ундан ихлоси қайтарди. Одамлар билан гаплашиши чўпоннинг итига муносабатига ўхшайди. Олманинг меваси остига тушганидек, Илёсхожахонда отасидаги салоҳиятнинг учдан бири ҳам йўқ эди. Ўзи сайлаган Қобулшоҳ эса йўнилмаган таёқ экан. Оллоҳ йўл бериб, эртага шу ташвишлар ўзининг бўйнига тушиб қолса, не қилар экан? Давлат ва бойлик одамни бузади дердилар. Мансабга кўтарилган дўст – йўқотилган дўст деган гап бор. Бойлик топу, унга меҳр қўйма деганлар.

Жаку Барлос ҳақ экан. Дунё қизиқ, ҳисоби бузуқ. Раҳматлик қиблагоҳи айтгандек одами соз, жаҳонда оз.

Темур саройдан тез-тез юриб чиқди. У ҳеч кимга қарамади. Қаршисидан чиқиб қолган икки киши билан бош ирғаб саломлашди. Улар келиб кўришмоқчи эдилар, амирлашқарнинг авзойидан чўчиб, узоқдан таъзим-ла салом беришди.

Сарой қопусида турган навқарлари ва жиловдорларга уни Кеш дарвозаси олдида кутиш учун рухсат бериб, Боботуркка иккита навқар билан икки ёндан ва орқадан уни кузатиб юришни буюрди. Кеш дарвозасига етгунга қадар менга яқинлашманглар, деди тайинлаб. Саройбоғ тўнини ечиб, от устига ташлади, жиловдорининг одми-

гина чопонини кийиб олди. Этигини ҳам алмаштирди. Бошига янгидан навкарликка олинган новқалик йигит Худойқулнинг дарвешларникисифат кулоҳини кийди. Белини эски белбоғ билан танғиди. Қиличини мулозимга бериб, унинг ханжарини олиб, қўйнига тикди. Ўнг қўлини кўтариб, муштини тугди. Бу унинг мени безовта этманглар дегани эди.

Темур бошини қуйи эгганча ғала-ғовур қайнаётган оломон орасига ўзини урди. Каттабозордан излаб-излаб эски қаландархонани топди. Четроқда туриб таниш дарвешни чақирди. Имоишора билан четга чорладию, менинг келганимни ҳеч ким сезмасин дегандек, кўрсаткич бармоғини лаби учига қўйди. Акрам дарвеш кашкулини шарақлатиб, унинг олдига етиб келди:

– Э-э, мулло ака! Бормисиз? Сиз ҳам бизга ўхшаб қолибсизми? Бу не ҳолат? Бу лаънати кийимлар бизга ярашади. Сиз ўзингизга муносибини кийинг-да! – деди тез-тез гапириб. – Қайси шамоллар учирди?

– Кимнинг шамоли бўларди, дарвеш бобо! Сизнинг меҳр-муҳаббатингиз эпкини-да! – деди Темур Акрам дарвеш билан қучоқлашиб кўришар экан. – Соғу саломат юрибсизми, дарвешлар шаҳаншоҳи? – ҳазиллашди амирлашкар.

– Оллоҳга шуқр. Тупроқдан ташқари. Сиздек зоти олийлар келиб сўраб тургандан кейин аҳволимиз ёмон бўлармиди? Носдан ташлайсизми?

Темур бош чайқаб йўқ ишорасини қилди.

– Четроққа чиқиб бир суҳбатлашайлик, – таклиф қилди уни Темур бозор ичидаги тамаддихонага бошлар экан.

– Шундай-шундай келиб туринг-да, ҳазрат. Соғинтириб қўйманг. Биласиз-ку бизнинг сизга садоқатимизни. Иншооллоҳ, мартабангиз бундан-да улуғ бўлганида ҳам сиз менга ўхшаган инсонларга муно-

сабатингизни ўзгартирмайсиз. Шу боис ҳам Оллоҳ сиз нени истасангиз беради. Шуни унутмангки, Оллоҳ сизга бу давлатни қўли калталарга, ғарибу мискинларни чорасиз қолдирмагин дея беради. Шуни унутганингиз замон қайтариб олади.

– Ҳақсиз, биродар. Сиздан хабар ололмаганим учун узр тилайман. Атаганларимни тўплаб қўйибман, – кулди Темур.

– Сизнинг бир ташрифингиз бизга олам давлатини берган қадардир. Бир қорин эса, Худога шукр, ҳар ерда тўяди.

– Менга раиятнинг дарду ҳасратини сўйланг. Не ишларни қилмоғимиз лозимлиги хусусида маслаҳатлар беринг. Ҳузурингизга ташрифим ҳам аслида шу, сўнгра сиз-ла дийдорлашмоқ эди.

– Ўзим ҳам сизни кутаётгандим. Айниқса, сарбадорларнинг икки йўлбошчиси ўлдирилгандан сўнг ана у шеригингизга қўшилиб, сиз ҳақингизда ҳам ҳар хил гап-сўзлар тарқалди. Биз ҳам ҳайрон бўлдик. Хайриятки, дор остидан Мавлонзодани қутқариб олиб кетдингиз. Шу боис халқда сиз ҳақингизда тесқари фикр туғилмади. Бироқ барибир одамлар сизни ҳам унга қўшиб гапирмоқда. У билан бирга экансиз, бошингизга бир фалокатни орттирасиз. Айтганингизга юрса ёнингизга олинг, йўқса, бахридан ўтинг. Ундан қанчалик тезроқ қутулсангиз, шунчалик маъқул. Зарарнинг қаеридан дўнсангиз фойдадир. Бу фақат менинг фикрим эмас. Халқ ёмғирдан қутулиб, қорга тутилади. Ҳеч қачон у билан шерик бўлиб давлат бошига келмаслигингиз лозим. Фариштасизнинг фалокати эртами-кеч, барибир уради. Кўп-да ўзига эмас, ўзгаларга, яқинларига уради. Ёмондан ўлим ҳам ҳазар қилса керак-да, – носқовоғини силаб-сийпаб сўзларди Акрам дарвеш.

– Маъкул, маъкул, – деди Темур терлаган пешона-  
сини артаркан. Дарвешнинг ҳақ гаплари уни терлатган  
эди. – Яна бир хусусда менга ўз фикрингизни сўйласан-  
гиз, дўстим, – деди Темур дарвешнинг зукко кўзларига  
тик қараб. – Биз Оллоҳ насиб этса давлатни тасарруфи-  
мизга киритмоқни қаердан бошласак? Турон ўлкаси-  
нинг ўзга вилоятлариданми ёки Самарқандданми?

– Менимча, Балх, Хуросон ёки Бадахшон каби узоқроқ  
юртлардан. Ўша довруқ ва тантана билан она тупроққа  
кириб келган маъкул кўринади. Шунда қон ҳам тўкил-  
майди, халқ ҳам ишонч ва қудратингизга таянган ҳолда  
сизни қувватлайди. Давлат ҳудудлари ҳам мустаҳкам  
бўлади, юртга хавф солгувчи қора кучларни ҳам ўз жойи-  
да тинчитиб келасиз.

– Сизни бош кўмондон қилиш керакка ўхшайди,  
Акрамбек, – деди Темур маъноли кулиб, Акрам дарвеш-  
нинг бошида сочи сийрақроқ эди. – Манман деган бош  
вазир беролмайдиган маслаҳатларни берасиз-а!

– Ҳазрати олийларига бошли вазир керак бўл-  
са ҳозирмиз, – гапни ҳазилга бурди Акрам дарвеш. –  
Ҳозирча дарвешлар султониман. Сиз учун тахтдан воз  
кечиб, бош вазирликка розиман.

– Сизда бошлиқлик иқтидори юксак! – мийиғида  
кулди Темур.

– Бошингизга тушганда кўрамиз, – сўз ўйинини да-  
вом эттирди Акрам дарвеш.

– Сиз ўзи бошидан ҳам шунақа, бошдан оласиз-да!

– Бошқа иш бўлмаса нима қиламиз, ҳазрат!

– Бошингиз омон бўлсин-е!

– Ишқилиб ўзлари ҳам бош бўлганларида бошқа одам  
бўлиб қолмасалар бўлгани!

– Бизни бошдан биласиз-ку!

– Билмасликдан бошқа йўлимиз ҳам йўқ! Ўшанда  
бошларини қашишга қўллари тегмай, биз каби мискин-  
ларни унутиб қўймасалар бўлди, ҳазрат!

– Бош дарвешлик ила бош вазирлик ораси бир қадам!  
– кулди Темур.

– Ҳоқон ҳазратлариға дўст ўлмоқ, не-не бошлардан қадрлидур!

– Бу бошқа гап, мулла Акрам.

Икковлари ҳам ҳузур қилиб кулишди.

– Сизга гап топиб бериб бўлмайди, ҳазрат, – деди Акрам дарвеш садафдек тишларини ярқиратиб. – Айбга буюрмасангиз сиздан битта рижойим бор.

– Сўйланг.

– Мен тилимиз, она турк тилимиз ҳақида сўзламоқчиман. Барча мадрасаю ўқувлар араб ёки форс тилда. Турк инсони кўчада сўкишса ҳам, бошқа тилда сўкишадиган бўлиб қолди. На кофиру на мусулмон ҳукмдорларни бу нарса ҳеч қачон қизиқтирган эмас. Уларга халқ айтганига юриб, хирожини тўлаб турса, бас. Мушук тилида гапирадими, сичқон тилида сўзлашадими ишлари йўқ. Така бўлсин, сут берсин! Она тилимизни ёзувда, давлат ишида қўлламоқ керак. Буни сиздан бошқа ҳеч ким қилмайди. Бизнинг ҳеч бир тилга ғайирлигимиз йўқ! – дея сўзини мухтасар қилди Акрам дарвеш.

Темур унинг сўзидан тўлқинланиб кетди.

– Ҳақни сўзладингиз. Сизнинг бу фикрларингиз ҳазрат Яссавийнинг, Қашқарли Маҳмуднинг армонларидир. Она тилимизда ёзғувчи шоиру носирлар, олиму уламолар кўпаймас экан, биз бир бутун улус бўлолмаймиз. Дунёни қилич билан олсанг-да, охир-оқибатда бир куни барибир қўлдан кетади. Уни ақл-идрок ила забт этмоқ жоиздир. Бизнинг вазифамиз ана шу иқлимни яратмоқдир. Бунинг учун йиллар керак. Биз пойдеворни қўйиб кетсак, сўнгра авлодлар бу ақл-заковат қалъасини тиклайверадилар. Той минган от ҳам минади. Иншооллоҳ, оққан дарёлар яна такрор оқажак! Пиру комил Шайх Зайнуддин Тайбодийнинг насиҳатлари

халқимизга йўл кўрсаткич бўлмоғи лозим. У киши айт-ганларидек, кам еб ўрганган инсонлар очарчилик кўрмасдан, бой-бадавлат яшайдилар. Кам ухлаганлар – мукамалликка эришадилар. Кам гапирганлар эса донолик сари қадам қўядилар. Биз бу таълимотни давлат тузуклари асосида йўлга қўямиз. Каттаю кичик, ёшу қарини ўқитамиз. Жоҳил қавм билан ҳеч бир манзилга етиб бўлмайди.

– Алҳол миллатнинг сиздан ва сиз каби асл йигитларидан кутаётгани ҳам шудир. Мен сизга айтсам, хоннинг айғоқчилари ғимирлаб қолишди, – деди Акрам дарвеш ўзларига қараётган кўзлар кўпайганини пайқаб, – кўздан панароқ жойга ўтайлик.

– Кеш дарвозаси томон юрамиз. Сизга яна бир нарса ни тайинламоқчийдим. Муҳим гаплар бўлса, Ўткун Теги бахшига айтинг. Уни огоҳлантириб қўйганман.

Акрам дарвеш бош ирғади. Улар қоронғилик чўкаётган шаҳарда қизгин суҳбатлашиб кетиб борардилар. От, хачир ва эшак минган аскарӣй, жулдур қиёфали одамлар кўчани чангитиб, ўз манзиллари томон шошишар, ҳорғин Самарқандга оқшом чўкмокда эди.

– Бошқа дарвеш дўстларга мендан салом айтиб, мана буни расамади ила улашасиз. Мана буниси ўзларига, – деди Темур дарвешнинг қўйнига халтачада солинган олтин тангаларни тиқиб қўяркан.

– Эй ҳазрат, шундай қилиб бизни дарвешликдан лўлига айлантириб қўясиз-да, – яна ҳазиллашди Акрам дарвеш.

– Энди ростини айтсак, аслида лўлининг тоғасисиз-да. Бўйнингизга олинг-да, тақсир!

– Аравакаш тавба қилибди. Олдик бўйнимизга, дўстларнинг гуноҳини ҳам қўшиб, – сўз ила ўйиб олди дарвеш.

– Эҳ-х, қани энди барча инсонлар сиз каби рост сўзловчи, адолатнинг қули, самимиятнинг шоҳи бўлсалар эди. Олам тамоман ўзгарармиди, – деди ўнг қўлини дўстининг чап елкасига қўйиб.

– Айтгидек қадрдонимиз қаландарлар шохининг аҳволи нечук? Анча бўлди кўрмадим? – болалик дўстини эслади Темур.

– Шоҳиқаландарми? Юрибди. Ҳар куни жамоанинг феъл-атвори, юриш-туришига қараб мисралар тўқиб кўчама-кўча айтиб юради. Ёхуд мақолу халқ сўзларини такрорлаб, қаландархонада тасбеҳ ўгириб ўтиради. Чилимни бурқситади.

– Мана буни унга бериб қўйинг. Салом сўйланг. Етказмоқчи бўлган мисраларини менга тезроқ етишига кўмак этинг. Еб-ичишига қараб туринг, – дея яна бир неча олтин тангани суҳбатдошига узатди.

– Хизматлари бош устига. Мен ҳам сизга унинг сўнги айтиувини етказмоқни унутибман, – жавоб қилди дарвеш бу йўқловдан мамнун бўлиб.

– Сўйланг-чи!

Ватан бўлди томорқа,  
Улус ётди чолорқа.  
Меҳр бўлди садақа,  
Давронингни сур, золим.

Ожизлар тараф бўлди,  
Айғоқчилик касб бўлди.  
Номардлик шараф бўлди,  
Карвонингни бур, золим.

Ишонмагин дўстингга,  
Сомон тикар пўстингга.  
Жон жигаринг ёт бўлмас,  
Ўжар эшак от бўлмас.



Бағдод ва Дамашқ мадрасаларида таҳсил кўриб дунёни эрта англаган, бутун оиласидан ажралиб қолганидан сўнг дарвешликни бўйнига олган зукко Акрамнинг ўзига меҳр билан боқиб турган содда ва самимий кўзларига қараганча маъноли бош ирғади...

Улар Кеш дарвозасига яқинлашган эдилар. Темур орқа, ўнг ва сўл ёнга ўтирилди. Имони тушунган Боботурк ва икки навкар етиб келишди. Темур Акрам дарвешни бағрига босиб, хайрлашди.

– Бир нарсани тайинлаб қўяйин, бирор муҳим хабарни менга етказиш зарур бўлса, эчкини шамол учирди деган сўзни менинг энг яқин одамларимдан бирига етказинг. Ҳузурингизга келган одам мақолнинг қолган қисмини сўйлайди. Туяни осмонда кўрдингизми дейди. Сўнгра неки лозим бўлса, унга сўзлайсиз, – деди Темур дарвешга.

– Оллоҳга омонат! Ўзингизга эҳтиёт бўлинг! – деди Акрам дарвеш сўнгги дақиқада бошини ирғаб, кўнглингиз тўқ бўлсин дегандек.

...Амир Ҳусайннинг қилмиши Балхдан Тошкентга қадар тарқалиб, эл-улуснинг ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Хон билан онаси Ўрда хотун уни тутиб жазолашнинг пайида эдилар. Амир Ҳусайн ҳам бу ясама хонни авлод-аждоди билан қиличдан ўтказиш ниятида уйқуси келмасди. Бу воқеа унинг қўл остидаги қўмондонларнинг ҳам иззат-нафсига тегди. Халойиқ уларга хўжайиннинг амир Ҳусайн бўлса сен ким бўлдинг, дегандек ҳақоратомуз қарай бошладилар. Бунинг оқибатида Шер Баҳром билан Баҳром Жалойир амир Ҳусайндан юз ўтириб, яна Темур ҳузурига бош эгиб келдилар.

– Янглишмасам Шер Баҳром ҳузуримга учинчи бор келиши. Ҳар доим мен уни бағрикенглик ва дўстона қаршилаганман. Қабул этмасам амир Ҳусайн унинг те-

рисини шилади ёки у ҳеч биримиздан нажот топмаса, Бадахшон ошиб, Ҳиндистонга ўтиб кетади. Қараб туриб-санки, беш юз нафар турк кишиси динини йўқотма-сада, миллатини йўқотиб, ўша ўлкаларда бадар кетади. Шу боис келсин. Бироқ кўнглим сезиб турибди. У бир нарса-ни кутмоқда. Менинг қўлим баланд келса менга, амир-нинг қўли устун келса, унга хизмат қилмоқчи. Шу боис орқасидан одам қўйинглар.

Шайтон йўлдан уриб, яна хиёнатга қўл урадиган бўл-са, ўзидан кўрсин, – деди Темур бу хабарни етказган Бо-ботуркка.

Шер Баҳром ва Баҳром Жалойир билан суҳбатлашган Темур келажакнинг тадбирини ўйлаб, ҳар иккисига яна насиҳат қилди.

– Мен-ла баробар бўлсангиз, ниятингизга эриш-гайсиз. Давлатим ва топган молу мулкимга шериксиз-лар. Сабаби, мен бу нарсаларни сизлар каби тажрибали амирларсиз қўлга кирита олмайман! Неча йиллик дўсто-на муносабатларимиз давомида ҳеч бирингизга хиёнат нари турсин, ҳатто одобсизлик қилган бўлсам, юзингда кўзинг бор демай сўзлашларингиз мумкин. Бироқ дуч келган амирнинг ялоғини ялашдек тубан иш сизлар қаби келажакнинг улуғ амирларига ярашмайди. Сиз-ларга ҳақиқий дўст бўлганим учун ушбу аччиқ сўзларни айтмоқдаман. Аҳмоқ билан топгандан кўра, ақлли би-лан йўқотган афзал дейдилар. Эл ҳар нарсани ақл кўзи ила кўради, мушоҳада этади. Мен бирлан ҳаётингизни боғласангиз, келинг. Бўлмаса ўзингиз биласиз!

– Биз ҳеч бир замонда сиз каби олампаҳоҳни топа олмаймиз. Бу мутгаҳам хону амирларнинг барчасига хизмат қилиб кўрдик. Биримиз икки бўлгани йўқ. Биз-ни қўшинингизга олинг! Садоқат ила хизматингизда бўлурмиз! – деди самимий оҳангда Баҳром Жалойир.

Шер Баҳром эса қизариб-бўзариб, бошини сарак-сарак қилганича, унинг сўзларини тасдиқлаб турган бўлди. Лекин Шер Баҳромнинг хаёли жойида эмас эди.

– Бўлмаса гап шундай, – деди Темур, – ҳар иккинги ҳам ўз ўлкангизга, сиз муҳтарам Баҳромбек-Хўжандга, ўз қавмингиз ҳузурига борасиз. Имкон қадар лашкар тўплайсиз. Биздан хабар етган заҳоти айтилган жойда ҳозир бўласиз! – деди қатъий оҳангда.

– Англадим, – деди Баҳром Жалойир.

– Сиз эса, ҳурматли Шер Баҳромбек! Она юртингиз Хутталонга борсангиз. Сизга ҳам шу вазифа юкланади. Лашкар ҳозир бўлгач, дарҳол йўлга тушиб, ҳузуримизга етиб келавингиз. Бу ерда бирга қиладиган ишларимиз бор!

– Бош устига, ҳазрат! – деди тутилиб Шер Баҳром.

– Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин! – уларни дуо қилди амирлашкар.

Шер Баҳром Хутталонга ғалати кайфиятда кириб келди. Темур унга сипоҳий тўплаб, ҳузуримга етиб келдесада, у ишни Хутталон қалъасини мустаҳкамлашдан бошлади. Ҳеч бўлмаса, шу ўлканинг ҳокимлигига ҳаққим бордир ахир, деб хаёл қилди. Ишни тугатгач, тўпланган лашкарни олиб Кешга, Темурбек ҳузурига эмас, Бештерак яйловига ерлашди. Лашкар ва от-уловга дам бериб, қуён пойлаган тулкидек Кеш ва Соли Саройдаги об-ҳавони искаб ётди. Кимдан ортиқча мулозамат бўлса, шу тарафга кетиш нияти бор эди. Темур унга қўшиб юборган Тўхта навкардан шу хабарни олиб, гумони рост чиққанига ҳайрон бўлди. Бу ерда амир Ҳусайн уни яна ўзига оғдириб олди.

– Амир Ҳусайн унинг бошини силаш учун эмас, терисини шилиш учун алдаб тузоғига туширган. Мана кўрасизлар ҳали яна ҳузуримизга ит қувган мушукдек югуриб келади, – деди Боботурк жиғибийрон бўлиб.

Темур мийиғида кулиб қўя қолди.

– Бузоқнинг қочгани сомонхонагача, – деди Жаку Барлос аччиғи чиқиб. – Энди келса, кечирманг, Темурбек.

– Амир Ҳусайн очиқдан-очиқ бизга қарши курашиш учун қўшин тўпламоқда. Бундай кунда биз ҳам тек туролмаймиз. Хабар беринг, Баҳром Жалойир лашкари ила ҳузуримизга етиб келсин! Кешнинг барча туманларидаги бор лашкар тўплансин! Биз сўнгги, беомон саваш олдида турибмиз! – деди Темур йиғилганларга баланд овозда. – Тангри бизни қўрияжак!

## XIX

*Она юртни соғиниш ҳисси барча инсонларга бир хилда таъсир қилади: у ўтмиш манзараларини идеаллаштирган ҳолда жиллантиради, унинг фазилатлари ошаверади, камчиликлари эса вақт ва масофа тақозоси билан хиралашиб бораверади, охири тасаввуримиздан буткул ўчиб, йўқолади.*

**Жорж Санд**

Ўлжай Туркан оғо оғир бетоб ётар, дарди дунёси қоронғи Султонбахт бегим уч кундан бери киприк қоқмай онаси бошида ҳақ деб ўтирарди. Шу боис Темурнинг кўнгли алағда эди. Бот-бот табиб топтириб, Кешга жўнатарди. Чопар Ўлжай Туркон оғонинг вафоти хабарини олиб келганида Темур Қаршида, кўшинни ҳал қилувчи савашга ҳозирлаш билан машғул эди.

Унинг ўн икки йиллик машаққатли ҳаётининг вафоли ҳамроҳи ҳаётдан кўз юмган эди. Темур ҳар қандай ўлимни, жуда оғир қабул қилар, жанозалардан сўнг кўнглига қил сиғмас, давралардан ўзини тортарди. Инсониятнинг тўқсон тўққиз фоизи қирилиб кетса ҳам, бу фалокатлар қолган бир фоиз одамга сабоқ бўлмайди, дер эди у афсус билан.

Амир Ҳусайн синглисининг маросимларига қатнашолмади. Чопар орқали Темурга таъзия билдирди. Улар орасидаги сўнги ришталар ҳам узилди. Темур билан энди орани бемалол очиқ қилиш мумкин. Илгари у ҳақ бўлса-да, Темур билан ёвлашса, халойиқ буни тўғри тушунмас эди. Энди ўзидан кўрсин. Юртнинг қонуний хони у! Темур эмас, ҳар ким ўз жойини билсин, энди ўзидан кўрсин! Дўсту ошночилик у ёқда турсин, кувим деб сийлаганиниям билмади. Бу навқарваччани бир хас каби йўлдан олиб ташлайди. Оёғига бош уриб, кечирим

сўраб келсаям узрини қабул қилмайди. Бироқ ундан бу одамгарчилик чиқармикин? Уришиб ўлса ўладики, бировга тиз чўкмайди. Ҳарбу зарбнинг қонун-қондаси шу. Ўлдирмасанг, ўлдирадилар. Ё пир кетади, ёки мурид. Одатига кўра икки кўлини орқасига қилган амир Ҳусайн шу хаёллар билан Соли Саройдаги девонхонасида Шер Баҳромнинг келишини кутиб ўтирар экан, безовталаниб бир неча бор даҳлизга чиқиб, эшик оғасидан унинг етиб келишига неча чақирим қолганини сўради.

– Нима бало, сотқинлик майини ичиб ўрганган бу қирриқ отда келяптими ёки тошбақа минганми? – дея жаҳл билан сўради хос навкардан.

– Уч чақирим қолганмиш, амир ҳазратлари. Отнинг бошини қўйиб келаётган экан.

– Э-э, отини бошини қўймай ўлсин! Мавруди эмасда, анаву чўлоққа қарши урушишим учун лашкар керак. Бўлмаса ўшанинг оёғини ўпгани учун отга судратиб, танасини парча-парча қилар-дим! – деди ўзига-ўзи овоз чиқарганича. Ички бир овоз эса у бечора сенинг гапингга кириб, оёқ-кўлидан ўқ еди дегандек бўлди.

Кўп ўтмай, ланг очилган эшикда терлаб-пишган, ҳансираган, юзлари баҳор қуёшидан хунук қорайган девсифат Шер Баҳром пайдо бўлди. Яқин келиб, ўзини таппа амирнинг оёғига ташлади.

– Тур! – деди амир Ҳусайн унга нисбатан баттар нафрати кўзиб. – Анавининг чўлоқ оёғига ҳам ўзингни шундай ташлаган-сан-а, Шер Баҳром! Исми-жисмингга яраша иш қилсанг ўласанми? Ким айтади сени бўлажак Хутталон ҳокими Шер Баҳром деб.

Сенинг олдингда у ким экан? Бори-йўғи бир чўпоннинг ўғли-да. Ҳа, нари борса юзбошининг ўғли! Юзбошининг ўзи ким? Сен орқа-олдингда қарашинг лозим эди. Мен ҳаёт эканман, сендек одамларимни ташлаб қўймайман! Эсингда бўлсин, ҳеч ким мендан давлату ар-

конимни ололмайди. Сен оёғига бош қўйган ўша Темурингни ҳисобга ҳам киритаётганим йўқ. Тур ўрнингдан, кел бир яраш-яраш қилиб қучоқлашиб кўришайлик. Сен билан менинг ўртамизда талашадиган молу мулк йўқ. Орамиздан ҳеч бир гап ўтмаган. Не истасанг берганман. Шер Баҳромнинг елкасига зар чопон ёпинг! – деди у баланд овозда эшик оғага.

Эшик оға чопонни ёпгач, иккиси хос хонага кириб кетишди. Дастурхон безатилган меҳмонхонада уларни ҳарир кийимлар кийган ёшгина канизаклар кутиб олишди. Амир Ҳусайн Шер Баҳромга кўз қисганича канизакларнинг дуч келган жойидан ушлар ва ўпарди. Дастурхонга ўтиришлари билан бостириб-бостириб, бир неча марта чоғир косасини бўшатдилар. Каклик ва қирғовулнинг сариқ ёғда пиёз билан қўшиб қовурилган қовурдоғини тановул қилдилар.

– Маслаҳатли иш бор, – деди амир Ҳусайн паст овозда ёнбошлаб ўтираркан Шер Баҳромга.

– Қулингизнинг қулоғи сизда, ҳазрат! – деди илтифот ва сархушлиқдан лаб-лунжи ёйилган Шер Баҳром.

– Оғзингга сиққанча бўлмаса-да, етарлик қадар дуру гавҳар бераман. Ана унга ўхшаб авом ун-нос лашкарга улашиб юрма. Ўзингга ол. Мана. Келажакда бироррта муттаҳамга зориқмаслик, ҳақида ўйла. Заринг бор экан, қаердалигингдан қатъи назар, подшоҳдек яшайсан. Подшоҳлар ҳам иззат-ҳурмат қилади. Қашшоқлашдингми, ҳатто ота-онанг ҳам сендан тониб кетади. Манжалақи хотинларни-ку, қўявер! Мана бу олтинларни эса амир Ясовурий учун асраб қўйибман. Уларни ҳам ўз томонимизга оғдиришимиз керак! Биласан, мен бу қавмга куёвман. Ҳеч бир замон ёмонлик истамайман. Чингизхондан қолган бу муттаҳамларни гапингга киритиш учун оғзи-бурнидан тикишинг керак. Бермасанг, айтганингга юрмайди. Ёнингга ишончли

одам қўшаман. Бориб Ясовурий билан юзма-юз гаплашасан. Хоҳласа бу совғани ўзи олсин, истаса йигитларига тарқатсин. Биздан бу ҳақда ҳеч бир гап чиқмайди. Англадингми, Шер Баҳром? Маст эмасмисан? – деди у томон эгилиб Ҳусайн. – Бу халққа яхшилик қиламан деганнинг падарига лаънат! Қанча берсанг, кам дейди. Охир-оқибатда сени шипшийдон қилиб, сўнгра бошқа бир ҳукмдорнинг оёғини ялай бошлайди. Хуллас, сен бу ишни қойилмақом қилиб уддалашинг керак. Шунда салтанатимдаги иккинчи одам бўласан. Тушундингми?

– Тушундим, ҳазрат! – гурсиллаб чап қўлини кўрагига урди Шер Баҳром.

– Раҳмат, сенга Шер Баҳром! Мен амир Ҳусайнман! Ўнлаб хотиним, истаганча жориям, қўшиним, давлатим бор. Худога шукр, ҳамма нарсам етарли. Бироқ ёлғизман, Шер Баҳром! Юрагимни тўкиб соладиган ҳеч кимим йўқ! Қанчалик тепаликка чиққанинг сари шунчалик ёлғизланиб, одамлардан узоқлашиб, узилиб қоларкансан ва ундан тушиш ҳам шунчалик мушкул бўлар экан. У ердан туша олмай учиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас. Чўққидагилар сойдагилар каби хавфсиз эмаслар, Шер Баҳром! Тушундингми? – деди яна амир Ҳусайн сархуш ғулдираб. – Шунақа Шер Баҳром. Фалакнинг гардиши янтоқфурушни подшоҳ қилибдур! Сен янтоқчидан чиққан амиру бекларга кўпам ишонаверма! Менинг олдимда барчаси писта пўчоқ...

– Англадим, улуғ зот! – жавоб қилди олтинларга қўли тегиб, кайфи тарқай бошлаган Шер Баҳром сергак тортиб.

– Унда емаклардан егин! Дамингни ол-да, эрта-тонгдан йўлга туш. Ишга кириш. Худо ёрлақаб, ошиғимиз олчи туришини кўрасан ҳали! Бу дегани барчамизнинг давримиз келди демак! Биз, бирдам эканмиз, ҳеч ким бизнинг олдимизга туша олмайди. Мен энди мана бу



хипча белларнинг бир-иккитасининг жойини солай! Сен ҳам битта диркиллаганидан танла... Қурбинг етса, иккита ол, – деди кўз қисганича амир Ҳусайн.

Шер Баҳром олтин ҳалтасини қўйнига солганича гандираклар, амир ҳузуридан чиқди. У сархуш Ҳусайннинг канизаклар ҳақида айтган сўнгги сўзларини ҳам чалачулпа эшитди. Хаёли олтин тўла ҳалтачадалиги учун турмоққа чоғланганида суйкала бошлаган канизакнинг қўлларини итариб ташлади.

Амир Ҳусайн хос мулозимни кўрсаткич бармоғи билан имлаб чақирди. Қара қочиб-нетиб кетмасин, агар бу ҳол юз берса, авлод-аждодинг билан йўқ бўласан, деди шивирлаб ва ўқрайиб қаради. Хос навқар яна икки йигитни олиб, Шер Баҳромни чодиригача кузатиб боришди.

Шер Баҳром Темурнинг тантилигини билар, унинг Ҳусайнга нисбатан ортиқча раҳм-шафқатлилигини ҳам тан оларди. Бироқ амир Ҳусайннинг гапида жон бор. Не қадар кучли ва одил бўлмасин, ўз юртига хўжайинлик қилсин. Хутталонни Шер Баҳромга берсин ва унинг устидан ҳукм юритмасин. Унинг ҳам ҳеч кимдан кам жойи йўқ, керак бўлса амир Ҳусайндан ҳам. Яккама-якка савашга кирса, иккисини ҳам она сутини оғзидан келтириши турган гап. Темур Сеистонда яралангандан сўнг орқа-олдига қараб савашади. Мана бу тулкисифат шайтон эса ўлгудек қўрқоқ. Юраги ёрилганидан ҳар қандай пасткашликка бориши мумкин. Агар Самарқандда хонлик маснади хусусида яна муаммо туғилса, энди сўзсиз амир Ҳусайн енгиб чиқади. Бунга унинг қонуний ҳақи бор. Шер Баҳром, энди шунга қараб ҳисоб-китобни ростла! Худо насиб этса эрта-индин Мовароуннаҳрда ҳал қилувчи шахслардан бирига айланасан. Худо ол қулим деб ёрлақаб, бахтингни очса, тахтга ўтириб қолишинг ҳам ҳеч гапмас. Бу муттаҳамларнинг барчасини она-

си хон ёки амир қилиб туғмаган-ку! Фақат эҳтиёт бўл, паст-каш одам қўрқоқдан ҳам тубан бўлади!

Бироқ қаландимоғлиги, шошма-шошарлиги оқибатида амир Ҳусайн эришган ҳар қандай ҳокимиятини қўлдан олдириб қўйиши, охир-оқибатда боши ҳам кетиши мумкин. Сабаби, ҳокимиятни олгунга қадар тадбиркорлик ва куч ишлатиш тақозо қилинса, унга эришгандан кейин эса ақл-идрок, мулоҳазаю муҳокама керак. Амирнинг бу каби тирикчиликларга эса тоқати йўқ. Ҳамма нарса бир кунда ва у ўйлагани каби ғойибдан келиши ва ҳал этилиши керак. Давлат ишида бунинг иложи йўқ. Бунда заргар каби душманингни алдаб қўлидан яроғини олишинг, дўстингни кўнглини овлаб янада ўзингга эш қилмоғинг лозим. Кимки шуни эпласа, давлатни илгида узоқроқ тутиб туради.

Шер Баҳром сархуш ақли билан бичиб-тўқиган хаёллари ила чодирига етиб келди-да, амир Ясурийнинг эски хос навқари, йигитлар ҳазилу чин Мурид Муттаҳам дея аташадиган қирқ ёшлар чамасидаги кишини ҳузурига чақиришларини сўради.

– Ҳа, Муттаҳамбек! – деди Шер Баҳром унга одатдагидек ҳазил қилиб. – Қалайсан? Не камчиликларинг бор?

– Ташаккур, бек! Сояи давлатларида ризқу насиба-мизни териб еб-ичиб, камини тўлдириб юрибмиз, – икки қўлини кўксига қўйиб эгилди навқар.

– Мана, биздан сизга ҳадя, – ўн дона тилла тангани санаб, унга отди Шер Баҳром ва навқарнинг худди ёш боладай тилла тангаларни шошиб тера бошлаганини кузатиб, завқланди. Бир йил бурун эгилиб салом бермагани учун амир кайф устида уни урганини, калтак еганида ҳам сарғиш тукли заҳил юзи ёйилиб, пишган калладек тиржайиб турганини хотирлади. – Ясурийлар биз тарафга ўтишлари лозим. Бориб Хизр Ясовурийга сўзла

ва не истаса мухайё этаман. Ҳақлари менинг қўлимда, ишончли одамларни юбориб, олиб кетишлари мумкин! Маъқулми? Бу ҳали ҳаммаси эмас...

– Маъқул, бек! Эрта пешинга қадар муҳлат беринг! Бу ишни ҳал этаман! – яна эгилиб таъзим қилди навкар.

– Фақат ижобий жавоб келтир! Шундан сўнг барчамизнинг, жумладан, сенинг мавқеинг ҳам... У ёғини ўшанда айтаман. Тушунгандирсан? – деди икки кўзини навбатма-навбат қисиб.

Сархушлиги учун навкар кўзига иккита, учта бўлиб кўринаётган эди. Навкар янада эгилиб, маъқул ишорасини қилди-да, тисланганча чиқиб кетди.

Шер Баҳром от туёғи сасидан унинг узоқлашганини элас-элас фаҳмлади. Қилган ишидан мамнун бўлиб чўзилди. Худо бераман деса ҳеч кимдан сўраб ўтирмайди. Бераверади, дея ўйлади пар ёстикқа оҳиста бош кўяр экан.

Кўзи илинган экан. Анвойи ҳид анқиган бояги жория келиб уни ноз билан эркалаётганда уйғонди. Саҳрода қумраган арабдек нозанинни ютоқиб бағрига тортди...

*Ўрдаларда севги бўлмас, шахзодалар  
сева билмас, севги асл яйловларда...*

**Чулпон**

Қаршида турган Темур Жаку Барлос ва Боботурк билан давлатни ўз илкига олгандан сўнг қилинадиган энг муҳим ишлар хусусида суҳбатлашиб ўтирарди.

– Демак, биз давлат юритмоқлик ишларини тўрт нарсага амал қилиб олиб борамиз. Кенгаш, машварату маслаҳат ва ҳушёрлик, тўртинчиси, эҳтиёткорлик. Энди бунга изоҳ берамиз. Кенгашу машваратсиз қилинган ишларни ўйламай сўйлайдиган жоҳилнинг тирикчилигига менгзатиш мумкин. У пухта ўйламай, режалаштирмай иш юритгани учун бир умр тошга бошини уриб юради. Кенгашда қабул этилган қарорни тадбиркорлик, эҳтиёткорлик билан амалга татбиқ этмоқ лозим, токи қош қўяман деб кўз чиқармасинлар. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, салтанат ишларининг бир қисми сабри-тоқат билан бўлмай, яна бир қисми эса ўзингни билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка солиш билан битади. Бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан сўнг, шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ишларнинг ижроси қатъийлик, сабр-чидам, соғлом мушоадаю сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан амалга оширилув.

– Офарин, – деди Боботурк парқаламининг учини тозалар экан.

У амирлашқарнинг сўзларини ўзича қайд этиб борарди.

– Қаердандир чопар келди, чамамда, – деди Жаку Барлос сой бўйида навкарлар билан гаплашаётган отликқа ишора қилиб.

– Ҳойнаҳой, амир Ҳусайндан бўлса керак, – жавоб қилди Боботурк.

– Биз ҳали у билан орани расман очиқ қилганимиз йўқ, – деди Темур ўша томонга ўтриларкан. – Сулҳ ва бирлик дарвозаси иккимиз учун ҳам очиқ. Бироқ мен ҳеч қачон унга энди бирга курашайлик дея мурожаат этмайман. Ундан қўлимни ювиб, қўлтиғимга артдим. Бироқ у нени истайди, билиб қўймоғимиз лозим.

– Амир Ҳусайндан элчилар, – деди Темур ҳузурига келган навкар. – Мактублари бор эмиш.

Темур бош ирғади. Амир Ҳусайн бу мактуб ғоят муҳимлигини, унинг саъйи ҳаракатлари сидқидилдан эканлигини исботлаш мақсадида Темур танийдиган Абдулла юзбоши билан Малик Баҳодирни элчи қилиб юборган, Темурдан ўз мақсадига етмоқ йўлида асосий қурол сифатида фойдаланиш ниятидан қайтмаганлигини кўрсатган эди. Темур мактуб ила танишиб чиқди-да, Боботуркга узатди.

– Мулозимлар ила маслаҳатлашиб, жавобини амир ҳазратларига етказурмиз, – деди Темур элчилар ҳеч бир ифодани англай олмайдиган қиёфа ва оҳангда.

У элчиларни қолиб меҳмон бўлишларини ҳам тиламади. Жаку Барлосга улар худуддан чиқиб кетгунга қадар кузатинг, лашкар ва имкониятларимиз хусусида ҳеч бир маълумот олишига йўл қўйманг деган ишорада қаради. Жаку Барлос уларни катта йўлга солиб қўйди. Йўлларида тўғри кетишларини тайинлади.

Амир Ҳусайн яна Қуръони каримни ўртага қўйиб содиқликка қасам ичган, ўзининг Темурга нисбатан зиғирча ҳам хиёнати йўқлигини жимжимадор сўзлар билан бежаган эди. Оқшомга яқин Боботурк, Жаку Барлос, Элчи Буға ва Амир Сайфуддинлар иштирокида емак еди. Рустам ошпаз Темур севиб ейдиган кулчатой ва ав-

вал қозонда қотирилиб, сўнгра ўчоқда тобланадиган туркпатир пиширган эди.

– Икки кучли емакни бирдан тайёрлабдилар-да, мулло Рустам, – деди Темур кулчатоининг сардакли туппаси лаганларда олиб келинган. – Майли, ҳозир туппани кўрайлик. Сўнгра кулчатоининг шўрваси билан патир еймиз. Машваратимиз тугагандан сўнг ошамасини майдалаймиз.

Ота-боболарнинг анъанавий емаги кулчатои барча турк қабилаларида байрам, бозор ва меҳмонли кунларда тайёрланарди. У байрам овқати ҳисобланиб, мусофирларнинг истагига қараб тўрт-беш хил кўринишда дастурхонга тортиларди. Дастлаб қозонда гўшт, нўхат ва сабзи қайнаб, рисоладагидек шўрва ҳозирланган, гўшти лаганга олиниб, дастурхонга тортилар, қолган қисми қиймаланади, сабзи билан бирга нўхатга қўшилиб, қориштирилади, сўнг хамирнинг устига қуйиб, тортилади. Бу орада бошқа қозонда оддий сув қайнар, аёллар ёйилган хамирдан тайёрланган лахчакларни унда кетма-кет пишириб олишарди. Тўғралган хом пиёз ва шўрванинг ёғли юзи солиниб ҳозирланган сардак хамирнинг устига қўйилиб тортилади. Саҳройи қавмлар нўхат ишлатмайдилар. Хамирнинг қолгани ҳам тўғралиб, гўшт, сабзи ва нўхатга аралаштирилган қисми ошама деб аталади. Сўнгра товоқларга солиниб, ошама узатилади. Ундан кейин эса гўшт қайнаган шўрвага шу ошамадан солиб, ошама шўрва тортилади. Хамирни яхши хазм қилиш учун эса охирида хамир қайнаган сувга сузма қўшилиб ичилади. Темур онаси тайёрлайдиган бу емакни яхши кўрарди. Шу боис ҳам отасининг кўрғонида ошчилик қилган мулло Раҳмоннинг ўғли Рустамни топтириб, кўшига олди. Бироқ ким кулчатои тайёрламасин, у онаси тайёрлаган таом мазасини туймасди. Инсон зоти шундай экан, кўп нарсанинг қадрига ундан узил-кесил

айрилгач, етар экан. Қани энди ота-онаси? Дунёни берса ҳам топа олмайди. Эҳ, дунёи дун!

– Кенгашимизнинг мавзуси барчангизга маълум, – дея сўз бошлади Темур. – Бугун собиқ қуrolдошимиз яна бизни ҳамкорликка, бирга қурашмоққа чорлабди. Сизларга маълумки бул дўстимиз хатто Кешдаги ота-боболаримиз ҳоки ётмиш Саййидлар гумбазида ҳам қўлига Қуръонни олиб қасам ичганди. Биз унга ишонгандик. Бироқ унинг барча нуқсонларини кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олишнинг ҳам чегараси бор. Айниқса, унинг Чиноз яқинида бизга қилган хиёнатини сўзламоққа тил ожиздир. Буни барчангиз ўз кўзингиз билан кўрдингиз ва изтироб чекдингиз. Оллоҳга шукрки, биз эсон-омон қутулдик. Бироқ қанча одамимиз шаҳид кетганини биласиз. Шу аҳволда биз амир Ҳусайнни кечириб, таклифини қабул этсак тўғри бўлармикан? Шаҳидлар руҳи олдида виждонимиз ором топармикан? Бу менинг фикрим. Сизлар, не дейсизлар? Очиқ ва тортинмасдан сўзлангиз. Балки бирор масалада мен ҳақ эмасдурман.

– Ҳақсиз! – деди амир Жаку Барлос биринчи сўз олиб. – Биз барчамиз Ҳусайнбек билан қаттиқроқ гаплашиш учун сиздан истиҳола қилар эдик. У диёнат билан инсофга келадиган одам эмас. Уни йўлга солмоқ учун ундан кучли бўлмоқ шарт. Дўст бошга, душман оёққа қарайди деганларидек, оёғингизни ўпаётганида ҳам у қандай қилиб бу оёқдан тортиб йиқитсам дея ўйлайди. Гапнинг пўст калласини айтганда, у ўзини ака, эчкисини така дейдиган одам. Менинг фикрим ожизим шудир, – дея сўзини тугатди Жаку Барлос.

Темур қурдагиларга бирма-бир қараб чиқди.

– Жаку Барлос тўғри сўйлади, – деди тасбеҳ ўгириб ўтирган амир Сайфуддин. – Амир Ҳусайнга яқин юриш олов билан ўйнашмоқдек гап. Агар ўшандай дўстингиз

бўлса, душманнинг кераги йўқ. Жакубек сўзлаганларидек барчамиз сизнинг юзу хотирингиз учун унга салом берардик. Мақсадига етмоқ учун тўнғизни тўрам деб кетаверадиганлар хилидан у.

– Тўғри, сизнинг юзингиздан ўтолмасдик, – кўшиб кўйди Элчи Буға.

– Хўш, шундай экан, не иш қилмоғимиз лозим? У урушга ҳозирланмоқда. Кимга қарши эканлиги ҳам сир эмас. Шундай шароитда биз не чора-тадбир қўлламоғимиз лозим? – деди Темур муддаога кўчиб.

– Амирнинг устига тезлик билан, у кутмаган замонда босиб боришимиз ва ишини зудлик ҳал қилишимиз керак, – гапни кесиб деди Жаку Барлос.

Барча бирдек жимиб қолди. Барлос амири тўғри гапни айтган эди. Бироқ саваш очмоқнинг ўзи бўлмайди. Танганинг икки томони бор:

– Унда гап шундай. Эрталаб Қаршидан чиқамиз. Барча қўмондонун лашкар кечаси яхшилаб дам олсин, – бомдод намозидан сўнг йўлга тушамиз. Бу хусусда яна бирор фикр бўлса, сўйлангиз.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Амирлар сафар тадоригини кўрмоқ учун чериклари томон жўнадилар. Кўшин Темурқопуғдан ўтиб, шитоб билан юрди ва Бойсунга етди. Темур қолган бўлинмалар етиб келгунга қадар бу ерда лашкарга дам бериб, сўнгги ҳозирлик ишлари ила машғул бўлишга амр берди.

Эртаси куни кечаси юз берган воқеа кўшиннинг белини синдирган эди. Ясурийлар тун қоронғусида Темур кўшинини тарк этган, амир Ҳусайн томонга ўтиб кетган эдилар. Улар Вожун деган манзилда дабдаба билан унинг кўшинига қўшилганликлари ҳақида тилчилардан хабар олинди.

Темур осмонранг ўтовида хаёл сурганча Боботуркнинг бу ёқимсиз ахборотини тингламоққа мажбур эди.



– Ӯладиган одамнинг ӱлгани маъқул деганларидек, хоиннинг орамиздан кетгани маъқул. Устозидек жанг бошланганда ташлаб қочса, бунга чора йўқ, – деди Темур қимтилган пастқи лабини тишлаганча, бошини сарак-сарак қилиб. – Демак, Ясурийлар билан амир одамлари орасида алоқа бўлган. У тарафдан кимдир келган. Ким ва қаерга келган, Қаршигами, Бойсунгами? Нега бизнинг одамлар беҳабар қолган? Барчасини махфийлар ўрганиб, тафтиш қилиб, менга билги беришсин.

– Қувончли хабар ҳам бор, амир ҳазратлари, – деди Боботуркнинг ташвишли чехрасига табассум югуриб.

– Хўш?

– Аббос Баҳодир билан Баҳром Жалойир етакчилигидаги Хўжанд ва Ӯратепа лашкари етиб келди. Уларни Қаршида кутиб олган Жаку Барлос ҳам бирга.

– Жуда соз. – Темурнинг юзи ёришиб, қадди тикланди, – Бўлмаса, бундай қил. Кечкурун Баҳром Жалойир ва Аббос Баҳодирлар шарафига бир зиёфат берайлик. Менинг ўтовимда жой тайёрла. Уларга бош-оёқ сарупо ва биттадан от берамиз. Мен сенга бир нарсани айтиб қўяй. Ясурийлар бизга қайтадилар. Ӯшанда томоша қиласан. Бор энди, зиёфат ҳозирлигини кўр. Ростини айтсам ёшим қирққа етмай яшамоқдан чарчагандекман. Билмадим, охири баҳайр бўлсин!

Темур Ясурийлар авлоди тарихини биларди. Бу ҳақда отаси раҳматли сўзлаб берган эди. Бу ўмоқ, яъни, аймоқ Чингизхон қўшинининг сўл қанотига қўмондонлик қилган амир Ясурнинг сафида Вахш ва Таллиқонни босиб олишда жонбозлик кўрсатганлар ва шу юртларни тасарруфига киритиб, ўтроқлашган эдилар. Икки кеманинг бошини тутмоқни ўйлаган ясурийлар ўша машҳур Ясурнинг авлодлари ва тарафдорлари эдилар. Улар бу ерларда форс тилли элатлар билан қоришиб илгариги

жанговарлиги ва жасурлигини йўқотган, тилини унутиб, исломга кирган эдилар.

Бу уруғларнинг феъл-атворини ўрганган Темур улар билан қандай гаплашишни яхши билар, ёмонсан дея бир-ортасини ҳам четга суриб, ўзидан норози қилмас эди.

Темур Аббос Баҳодир билан Баҳром Жалойирларга иззат-икром кўрсатиб, улар қўшига пиёда жўнади. Темур келаётганидан хабар топган икки лашкарбоши ҳам отдан тушиб унинг истиқболига чиқди.

– Хуш кўрдик, жигарларим! – деди Темур уларнинг саломига алик олиб, бирма-бир бағрига босаркан. Ироқу Ажамни эллик йилдан бери сўраб келаётган бу улуғ жалойир қавмининг она тупроқларини элга олмоқ фурсати келди, – деди Баҳром Жалойирнинг елкасига қўлини қўйиб, келишган гавдаси ва қорамтир юзига меҳр билан тикилар экан.

Сўнгра Темур Баҳром Жалойирнинг, ундан кейин Аббос Баҳодирнинг лашкарини кўздан кечирди. Йўл юриб бир оз чарчаганини ҳисобга олмаганда бўлинмалар жангга ҳозир эди. Бу йўл азобидан сўнг черикни бирданга савашга солиб бўлмасди.

– Қўшин Бойсуннинг хуш хавосидан симириб, икки кун ҳордиқ чиқарсин. Сўнгра Оллоҳнинг кўкайимизга солгани бўлади, – деди икки қўмондонга бир-бир қараб Темур. – Шом намозини ўқигандан кейин, чодиримга ташриф буюрасизлар. Баробар туз тотамиз!

Зиёфат хушчақчақлик билан ўтди. Ясурийларнинг хиёнати барчани бирдек безовта этган эди. Ўтирганларнинг нигоҳида Темур шунга кўрди. Ҳарҳолда қўшиннинг учдан бирига яқини кетиб қолган эди. Бу вазиятда тўғридан-тўғри амир Хусайннинг устига бостириб бормоқ хато. Қўшиннинг ҳолати ҳақидаги маълумот ҳам ипидан-игнасигача ёғийга етган эди.

– Ўшал хоин ясурийларнинг етакчиларини ушлатиб келиб жазоламоғимиз шарт. Токи бошқа кишилар бул каби номаъкул ишга қўл урмасин. Менга изн беринг, бу ишни-уларнинг ўз одамлари қўли билан амалга ошириб, ит каби етаклатиб олиб келтираман, – деди гап айланиб ясурийларга келганда Жаку Барлос.

Бу кутилмаган таклифдан барча ҳайрон бўлиб, не деб жавоб қайтаришни билмай сукут сақлади.

– Гапингизда жон бор, Жакубек, – жимликни бузди Темур. – Бироқ сичқон пойлаган мушукдек уларни ўғирлаб келиб, жазолашимиз тўғримики? Буни кузатиб турганлар мард бўлсанг, майдонда савашмайсанми? Қиз олиб қочгандек иш тутибсанку, демайдими?

Яна жимлик чўқди.

– Тўғри, – деди Элчи Буға. – Уларнинг курагини саваш майдонида ерга теккизганимиз маъкул ва ҳалолдир.

– Бу хусусда менинг фикрим будур, – деди Темур қатъий оҳангда. – Биз ўз орамизда, жумладан, дўсту душман, хайрихоҳу бегоналар олдида уларни яхши сўзлар ила эслайлик, қилган савобли ишларини унутмайлик, токи бу дўстона муносабатимиз уларга етиб борсин. Мана кўрасизки, улар тавба-тазарру ва пушаймонлик сиртмоғини бўйнилариغا илиб, ҳузуримизга қайтиб келадилар. Бунга менинг ишончим комил. Яна бошқа бир фикр бўлса, бош устига.

– Офарин! – деб юборди ҳайратини яширмаган Жаку Барлос. – Ҳар доим биз отмоқчи бўлган қушни отиб, патини юлиб турган бўласиз-да, амирзодам! Зотан эртага собиқ шеригимиз мағлубиятидан сўнг, уларнинг борадиган жойи ва сиғинадиган кишиси қолмайди.

Темурнинг фикри барчага маъкул келди. Бу ердаги қўшин анча бақувват ва сон жиҳатдан ҳам оз эмасди. Бироқ кучлар нисбати бирга икки эди. Темур ҳужумни бошлаб амир Ҳусайнни енгиш мумкинлигига ишон-

са-да амирлари ва лашкарбошлари қалбининг туби-да бу ишончни кўрмади. Зафарга ишончни юракка жо қилмасдан туриб, жангга кириб бўлмайди. Эртаси куни

Боботурк буйруқни мингбошиларга етказди. Қўшин Қаршига қайтади. Машқ ва ҳозирлик ўша ерда маромига етказилажак.

Темур Қаршида тўхтаб, ерлашмасидан орқасидан яна амир Ҳусайннинг элчиси етиб келди.

– Душманнинг сиртида эмас, ичида бўлайлик, – деди амир Сайфуддин Темурнинг элчини қабул қилмаслигидан хабар топиб. – Ҳар қандай шароитда элчини қабул этмоқ лозим, Темурбек. Бунинг устига у барчамиз танийдиган Хизр Хазиначи экан. Иш яхшилик билан битса, қон тўкиб, савашга не ҳожат! Сиз ҳам ҳақча калла савашаман деяётганингиз йўқ. Ўн минглик лашкар билан йигирма минглик лашкарнинг орасида фарқ бор. Биз ҳеч қачон сизнинг раъйингизга қош қайирмаймиз. Биламизки, бизнинг сўзимизни ҳам ерда қолдирмайсиз. Ёшим улуғ бўлганлиги боис амирларимиз бу гапни сизга етказишни менга топширдилар.

– Чақиринг Хизр Хазиначини! – деди Темур эшик оғасига ва амир Сайфуддинга ўтрилди. – У билан бирга қўнишайликчи! Балки мен ноҳақдурман, бироқ амир Ҳусайннинг бундан буён бизга дўстлик қилмаслигига имоним комил.

Амир Сайфуддин оғиз очиб бир нима дея олмади. Бу орада икки буқилиб қаршида элчи Хизр Хазиначи ҳозир бўлди. Тавозе билан тобуғ келтириб, хўжаси мактубини Темурбекка тутди. Қолган амирлар ҳам кириб, жой-жойларига ўтирдилар. «Муҳтарам ва азиз дўстим Темурбек! Мен ҳар замон ўз дўстлик туйғум ҳамда садоқатимни сизга изҳор этиб келганман. Бу изҳори дилдан ҳар доим хушнудлик ва қониқиш туйганман. Бизнинг дўстлик муносабатларимиз раиятга яхшилик, саодатли кунлар

олиб келишига шубҳам йўқ! Орамизда номуносиблик қарор топса, улус ҳам рааё бирлан бараё ҳам таназзулга юз тутади. Сизнинг табиатингизда эрса мўмин-мусулмонга яхшилиқ исташ, фақиру фуқарога раҳм-шафқат кўзи ила боқмоқ хислати чексиздир. Малол-келмаса, маслаҳат шулдир, бизнинг лашкаримиз Чағонда тўхтайдур. Сиз эрсангиз Ғузорда бўлунг. Сўнг ҳар биримиз юз нафардин навкар олуб, Тангричакчақда учрашайлик ва ўша ерда дўстлик ва содиқлик риштасини қайтадан маҳкам боғлайлик. Шундай қилайликким, бундан сўнг орамиз-да шубҳа ва гумонга ўрин қолмасин. Биз бирлашсак, элу юртда эмну омонлик, тинчлигу фаровонлик мангуга қарор топгай».

Мунший амир Ҳусайннинг хатини овоз чиқариб ўқиган эди. Тенгсиз саваш олдида бир оз чўчиброқ турган амиру лашкарбошиларга бу илиқ сўзлар жуда маъқул келганди. Улар бу фикрларини Темурга очиқ-ойдин айтдилар ҳам. Кўпчилик фикрига кулоқ солиб ўрганган Темур улар раъйини қайтармади. Сулҳга розилик билдирди. Розилик билдирди-ю; ичини ит тирнай бошлади.

Сўзида турган Темур амир Ҳусайннинг ваъдасига вафо қилмаслигини билса-да, амирлари ва лашкарбошиларига амирнинг ваъдалари ҳар доимгидай пуч эканлигини исботлаш учун келишилган манзил томон уч юз отлиқ билан жўнади. Қўшин Ғузорнинг тоққа туташ дара ва яйловида қолди. Мингбошиларга қоровулларни кучайтириб, ҳар дақиқада жангга тайёр туришлик тайинланди. Икки юз отлиқни Деновда, қўш ва ҳарамни қўриқлаш учун қолдирди. Уларга тунда ҳам савашга ҳозир бўлиб туриш амри берилди.

Темур юз нафар отлиқ билан ваъда қилинган жой томон бораркан, ақлига минг бир ўй келарди. Барибир Ҳусайн у ерга катта қўшин билан боролмайди. Ёнига минг нафар навкар олса ҳам, у билан яхшилаб ҳисоб-

китоб қилиш мумкин. Лекин у билан бораётган йигитларнинг ҳар бири Ҳусайннинг ўнта лашкарларига татийди. Бироқ у очиқ савашидан қочади. Айёрлик йўлига ўтиши мумкин. Айёр билан эса мардонавор курашмоқ амримаҳол. Унга қарши унинг ўз услубида жавоб бериш керак.

Темурбек Тангричакчакка етиб борганида на амир Ҳусайндан ва унинг лашкаридан дарак бор эди. Кечга яқин маълум бўлишича, бу ерда амир Ҳусайн нари турсин, унинг чопару қоровули ҳам кўринмаган. Темур собиқ дўстининг хийласини пайқади. Темурни алдаб тоққа чиқариб, Деновдаги кўшинини тор-мор этмоқчи эди. Темур ясурийлар ўзидан ажралиб чиқиб кетмасдан Ҳусайнни жойида босиш учун шу усулни кўлламоқчи эди. Энди Ҳусайн Темурга ўша хийлани қайтарибди. У Темур билан учрашувга жўнаганида ёнида уч минг сараланган навқари бор эди. Кўшинни эса Шер Баҳром кўмондонлигида Навандак деган ерда қолдирган эди. Қоровуллар ва Баҳром исмли хос навқарнинг айби билан Ҳусайн кўшини ичидаги махфийнинг ахбороти шу кунни оқшомгача Темурга етиб келмади.

Амир Ҳусайннинг кўп сонли кўшини саваш тақдири ҳал бўлгандек, виқор билан Кеш вилояти шаҳар ва қишлоқларини эгаллай бошладилар. Ҳусайн асосий кучни Деновда турган кўп сонли лашкарга қарши ташлади. Темурни сулҳга ундаган амирлар бирлашиб, унинг йўқлигида ёғийга қарши тура олмадилар. Темур қайтганида кўшин парокандаликка учраган, бир қисми ёғий билан савашда тутдай тўкилган эди.

Темурнинг боши қотиб қолди. Аксига олиб атрофида ўша сулҳпарвар амирларнинг бирортаси кўринмас, анчадан сўнг бир ҳол-аҳволда Жаку Барлос билан Боботурк пайдо бўлди. Иккисининг ҳам боши эгик эди. Амирлар сулҳ истаганларида улар мум тишлаб турган эдилар. Те-

мур индамади. Ўтган гапни уларнинг юзига солмади. Фақат Боботуркка қуйидаги вазифани юклади:

– Оилани, бола-чақаларни ва қўшни зудлик билан Мохонга, Санжарий туркман биродаримиз ҳузурига етказ. Мен боргунча ўзинг ҳам ўша ерда тур. Агар бормасам, хабар юбораман қайтиб келасизлар. Гап тамом. Жўна!

Эртаси куни қолган-қутган қўшинлар Жийдалиқ сойи бўйида, Қотлиш қишлоғи ёнидаги сайхонликда икки кун савашдилар. Амир Ҳусайн асрий орзусига эришган эди. Темур қўшини рақибга чап бериб, жанг майдонидан сирғалиб чиқиб кетган, Ҳусайн ғалаба қозонган эди.

Темур қолган барча навкарларини тўплаб, фурсатни бой бермай, Мохонга қараб жўнади. У Жайхуннинг нариги тарафидаги Чоҳи Шўробда вазиятни ўрганиб, уч ой, чамаси, турди. Икки собиқ дўст ва ақрабо энди бир-бирларининг хатти-ҳаракатларини кузатишарди. Асосий зарба учун пайт пойлашарди.

*Турк инсони туркий олам бирлигини хаёл қилар экан, кўз ўнгига доимо қадимий турк элхонлари келади. Дарҳақиқат, Турон бирлиги мозийда фақат хаёл эмас, балки мавжуд ҳақиқат эди. Милоддан икки юз ўн сана олдин Хун ҳукмдори Мете, яъни Ўғузхон хунлар номи билан бутун туркларни бирлаштирган вақтда Турон бирлиги бир ҳақиқат шаклида эди... Буюк Амир Темур Турон бирлигини ҳақиқатга айлантирмадими?*

**Зиё Кўкалп**

Темур ёғийни тинчлантириш, уни рақиб енгилди деган хулосага келиши учун кўшинни кўздан пана жойларда бўлиниб туришга кўрсатма берди. Жаку Барлос етакчилигидаги катта гуруҳга Тошқўрғон тарафга, ғорга чиқиб кетиш буюрилди. Вақтинчалик турар ери йўқ барча бўлинмалар ўша ерга жўнатилди. Хабарлашиб туриш топширилди.

Кўп ўтмай Темурнинг чопари Жаку Барлосга ушбу хабарни олиб келди. Биз Мохондамиз. Жайхуннинг ўнг соҳилидаги Чоҳи Шўроб манзилидамиз. Вазиятни ўрганиб турибмиз. Сиздан хабар кутамиз.

Амир Ҳусайнга эса икки дарё оралиғининг калити теккан эди. Унинг қўшинлари Туроннинг барча шаҳарларини тунаб чиқиш имкониятига эга эдилар. Бироқ у бир нарсани англади. Халқ уни ва қўшинини ғоят лоқайдлик, ҳатто нафрат билан қаршилаётган эди. Бу туришда бошига Самарқанд исёнчилари мўғулларга кўрсатган кун тушиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Агар бу фалокат юз берса, Темурнинг бир ўзи келиб, жангу жадалсиз Самарқанд тахтига ўтиради.

Темурнинг Мохонда эканлигидан хабар топган амир Ҳусайн унинг икки юз эллик чоғли йигит билан Жайхун



бўйидаги бир шўр сувли қудуқ атрофида пайт пойлаб турганлиги ҳақида аниқ маълумот олди. Бу гапни унга Темурнинг нону тузини еб юрган савдогарлардан бири келиб айтди.

Хусайн дўстини кучаймасидан туриб бўғиб ташламоққа ва шу билан бир умрга Худонинг Темур деган балосидан қутулмоққа аҳд қилди. Амир Мусони ўн икки минглик қўшини билан Қаршида қолдирди-да, етти минг энг бақувват суворийни олиб йўлга чиқди. Ярим йўлда унга Малик Баҳодирнинг қораунаслардан иборат икки минглик чериги ҳам қўшилди. Шитоб билан юрган амир Хусайн кузатиш ва жанг олиб бориш қулай бўлган Гунбази Лулу манзилига етганда тўхтади.

Хусайннинг Гунбазга етиб келганлигини Темур эртаси кўни эшитди. Ҳирот карвони билан келган махфийси воқеа ва ҳодисаларни тафсилотлари билан Темурга ҳикоя қилиб берди. Бу киши амакиси Атабекнинг садоқатли шогирди, Темурнинг ваъдали дўсти Алп Туркаш эди. У Хусайн лашкари орасига махфийлик учун жўнатилган; Жийдалисой бўйидаги фалокатни ҳам олдини оламан деб Хусайн лашкаридан қочиб чиқиб, Темурга етолмаган, хос навкарлар уни Темурга йўлатмаган эди. У бўлиб ўтган барча хоинлик ва лоқайдликларни кўзда ёш билан сўзлаб берди. Темур шу ондаёқ хос навкар Баҳромни топтириб, қамаб қўйишни буюрди. Қолган айбдорлар бу ерда йўқ эдилар. Темур Алп Туркашга ҳадя берди-да, ўзи билан бирга бўлган амирлар ва қариндошларини машварат учун ўтовига чақирди. Барча тўплангач, мулозим уларга қимиз улашди. Суфрага совуганроқ туркпатир қўйилди.

– Мусофирчиликнинг меҳмондорчилиги шундай бўлади, – деди Темурхазин табассумда. – Қаршингиздаги бужасоратли йигит Алп Туркашбекдир. Ўзимизнинг эски туркаш қавмларимиздан. Бизни қўлга тушириш учун

уйқусида ҳам ҳаловати йўқ дўстимиз биздан бир неча чақирим нарида ов иштиёқида турибдилар. Индамай ўтиравёрсак, эрта-индин ташриф буюриб қолишлари ҳам турган гап. Шу боис, менда бир фикр бор. Бор лашкаримиз ила ёғий бу тарафдалигида Қарши устига от кўямиз. Йўлда Чағониён қишлоқларидан кўшимча аскар тўпламоққа одам юборамиз. Душманни чалғитиш учун кечаси юриб, кундузи дам оламиз. Қаршининг қудратли қалъасини қўлга киритсак марра бизники. Нима дейсизлар? Бундай фурсат қайтиб келмайди.

Темурнинг фикрига кўёви, синглиси Ширинбеканинг эри Муайяд Арлот қарши чиқди.

– Беш юз навкар билан ўн икки минг қўшин ҳимоя қилиб турган мустаҳкам қалъани қандай оламиз, Темурбек? – деди у қўлини пахса қилиб. – Ғоят хатарли иш бу! Бу кунимиз ҳам кўплик қилмасин!

– Менинг ожиз фикримча, орамизда ҳали-ҳануз амир Ҳусайн билан ёвлашиб қаерга ҳам борар эдик, ахир у Чингизий хонзода бўлса, муросаю мадора қилсак бўларди, дегувчилар бор. Бироқ улар дилларидагини тилларига келтира олмайдилар. Сабаби, амирдан икки дунёда бизга хайр келмаслигини биладилар. Биладилару юрак ютиб тан олгилари келмайдилар. Бу хусусдаги сўнг сўзимни айтмоқ истаيمان, Темурбек! Мен, Жаку Барлос, шу тупроқнинг бир ватандоши ўлароқ, амир Ҳусайн ўтирган ерга итимни боғламайман! Темурбек тўғри сўзладилар. Бошқа йўл йўқ. Ҳусайндан чўчиган Ҳирот малиги ҳам бизни юртига йўлатмайди. Балки амирга яхши кўриниш учун тутиб берар. Бу тарафда Ҳусайннинг ўзи. Бундай олиб қараганда ҳозирнинг ўзидаёқ деярли қуршовдамиз. Қаршига кетмасак-да, амир Ҳусайннинг ўн минглик қўшини қаршисида турибмиз. Бу нарсани ўйлаб кўриш учун кўп

ақлинг кераги йўк, – амир таклифини қувватлади Жаку Барлос.

– Ҳарҳолда вазиятимиз енгил эмас. Қаршига ҳужум қилсак, қилмасак-да, бу ердан кетишимиз керак. Ёғий бизнинг уч ойдан бери бунда туришимизни биледи. Чағониёндан навкар тўплаш имконимиз бор экан, бу яхшилик аломатидур, – гапга қўшилди Темурнинг поччаси – опаси Қутлуғ Туркон оғонинг эри дуғлот аймағидан бўлган Довудбек Дуғлот. – Барчамиз Темурбекнинг орқасидан садоқатли итдек эргашиб юрибмизми, айтганини қилишимиз керак. Аравани ҳар ким ҳар тарафга тортмасин, – божаси Муайяд Арлотга писанда қилди у.

– Яна бир бор ўйланглр. Балким Қарши тарафга кетмай Мохон ҳокими, Темурбекнинг дўсти Муҳаммадхон Жонқурбоний Туркманнинг кўмаги ила янада хатарсизроқ бир томонга ўтиб турармиз, – деди яна Муайяд Арлот.

– Бу қочишда ҳадемай зангилар юртига етиб қоламиз, Муайядбек! – унинг гапини кесди Жаку Барлос. – Чекинишнинг ҳам чегараси бор-да. Муттаҳам амир Хусайн кучайиб, юртни батамом эгаллаб олмасидан курашайлик. Кейин кеч бўлади. Ҳайит ўтиб кетмасин, биродарлар.

– Бўлмаса Қуръони Каримдан бир саҳифа очамиз-да, шунга қараб иш тутамиз, – деди Темур баҳсларни тўхтатиб. Сўнгра кўзини юмганча олдида турган Қуръон китобини олиб тўғри келган саҳифасини очди. – Бақара сурасининг икки юз эллигинчи ояти: «Қанчадан-қанча кичик гуруҳлар Аллоҳнинг изни бирлан катта гуруҳлар устидан зафар қозонган».

Темур бола каби суюниб кетди. Баҳсга ўрин қолмаган эди. Ўтирганлар бирма-бир олиб, Қуръоннинг ўша сатрларини ўқиб чиқдилар. Барчанинг қалбида зафар ва

ғалаба нури учқунлана бошлаган эди. Бу нур Куръони каримдаги илохий сўзлар ила кириб, уларнинг вужудида сўз билан таърифлаб бўлмас бир ҳис уйғотган эди.

Беш юз чоғли сара навкар тун ярмидан оққанда Жайхуннинг Бурдалиқ кечуви сари йўлга тушди. Отлар кишнамаслиги учун оғизлари боғланиб, сувлиқлари устидан тери қоплама нўхталар кийгизилди. Итлар ҳам қўйлар каби қўшоққа тортилиб, ҳайвон ўргатувчи навкарларга топширилди. Суворийларга отлар тақасидан сас чикмаслиги учун Тошлоқ йўллардан юрмаслик буюрилди. Лашкар сокин карвон сингари она диёр томон охиста оқиб кетди.

Темурнинг ҳаётидаги бу энг оғир сафарида унга Доду Қурқут, амир Муайяд Арлот, Суюрғатмиш Ўғлон, Жаку Барлос, амир Сари Буға Қипчок, Хусайн Баҳодир, амир Сайфуддин, Аббос Баҳодир қипчок, Махмудхожа Бухорий, Алп Туркаш ва Боботурклар баробар йўлчи эдилар. Ой ёруғида осонгина Жайхундан кечиб ўтдилар. Улар Қаршидан унча узоқ бўлмаган Шеркент манзилида тўхтаб, яна маслаҳатлашдилар. Навкар ва от-уловга дам бердилар. Амиру лашкарлар тўпланишиб, эрта куннинг режасини туздилар.

– Биз икки дарё оралиғи вилоятларини Илёсхожа каби кучли душманни енгиб озод этган эдик. Улус биздан тинчлик ва осойишталик кутмоқда эди. Бироқ ясама бир қўғирчоқни хон кўтариб, ўзимиз пиширган паловнинг зирвагига қурбақани ташлаб юбордик. Натижада бу ошни ҳеч ким емади. Дўст деб юрганимиз амир Хусайн эса бизга ёғий ишини қилди. Бизни муҳораба майдонида душман чангалига итариб қочди. У тезроқ умумий душмандан эмас, биздан қутулмоқчи эканлигини яширмади. Кейинги ишлар интиҳоси эса барчангизга аён. Турон ери чексиз! Бироқ чекинишимиз учун бир парча ҳам ер йўқ! Бу юртнинг ҳалокати демак! Бизни

зафар кутмоқда, кўнглим сезаётир! Модомики, бу йўлда кимдир ҳалок бўларкан, бу-да Оллоҳнинг неъматидир! Бу бир шарафли саодатдир! Мен қалбим нидоларига сиз дўстларимдан жавоб истайман! Юракларингиз айна дамда не деб ураётир? Недан баёрат бераётир? Сўйланг!

– Темурбек! Бу ердаги энг ёши улуғ зот ким бўлса фотиҳа берсин, Қарши қалъасига, амир Мусо устига тун босқини ёпайлик. Токи амир Ҳусайннинг бу садоқатли ялоқхўри Темурий навкарларнинг неларга қодир эканлигини кўриб, кўзи мошдек очилсун! – деди ҳаяжонини босолмай Жаку Барлос.

– Мақсадингиз аёндир, Жакубек! Бироқ сиз ғоят таж-рибали амир лашкарлардансиз. Тун босқини текисликдаги, қалъага яширинмай қўш ташлаган ўрду устига ёпилади. Айна дамда бу усул бизга қўл келмайди. Одамимиз ҳам озчилик. Бизга лашкар етказадиган она тупроқдан олисдамиз. Синсак, қайтиб ўнглианишимиз мушкул. Шундай тадбир ва усул ила иш юритмоғимиз лозимки, бир ўқ билан икки эмас, ўн икки кўён урилмоғи шарт. Акс ҳолда муродимизга етишимиз мушкул.

– Тўғри сўйладингиз, Темурбек, – деди Муайяд Арлот. – Жаку Барлосга қолса ҳозироқ пойга қилиб Самарқандга етиб борсак. Буни жанг дейдилар. Шатранж ўйини эмас! – қўшиб қўйди.

– Сизлар бу ерда режани пишитиб ўтира турунлар. Мен эски одатимни қўмсаб қолдим. Ёнимга йигитлардан икки-уч нафарини олиб қалъани бир ўрганиб келаман. Унда кўп бўлганман. Паст-баландини яхши билман, – деди Темур кутилмаганда.

– Мен ҳам бораман, – деди ўрнидан турган Жаку Барлос.

– Мен Мубашшир билан Абдуллани оламан. Бошқа одамга эҳтиёж йўқ! – деди Темур эътирозлар қабул этилмайди деган оҳангда.

Улар тун бошида йўлга тушиб, ярмидан оққанда қалъага етдилар. Қалъа буржларида катта шамлар тутаб ёнар, рўдапо кийимли соқчилар эринибгина наридан-бери юриб туришарди. Итларнинг ҳам уни ўчган эди. Атрофни қабристон сукунати қоплаган, қалъа атрофида айланиб оқадиган сувнинг секин шовуллаши эшитиларди. Отларни қолдириб, ич кийимларида сувдан сузиб ўтишди. Қалъа девори тагига етиб, нарвон қўйиб чиқиш мумкин жойларни аниқлаб, белги қўйдилар. Сўнгра деворни айланиб чиқдилар ва яна ўша жойда сувдан сузиб ўтиб, тушовланган ва тумшуклари боғланган отлари олдига қайтдилар. Бомдод намози маҳали қўшга етиб келдилар.

Темурнинг бундай дақиқаларда вужудига илоҳий бир туйғу ёғилар, ҳар қандай оғир ҳолатлардан осонликча чиқиб кетишнинг киши ақлига келмас усулларини ўйлаб топар эди.

... – Иш битди, эшак сувдан ўтди, – деди Темур мижжа қоқмай уни кутиб ўтирган Боботуркка. – Қалъа бизники деявер. Бор, ухла. Бўлмаса эрта-тунда ишга ярамай қоласан!

Темур кўм-кўк чодирига кириб, қазо бўлган намозини ўқиди. Сўнгра таппа ташлаб ётди. Шу билан тушдан сўнг уйғонди. Нонушта ва тушликни баробар қилдида, амирлару мингбошиларни хузурига чорлади. Темур кун бўйи неки емасун эрталаб имкон борида анор суви ичар, пешинда сарёғда пиёз билан қовурилган эт ер ва кечқурун асал тановул қиларди. Гоҳида ётиш олди-дан қатикқа асал солиб ичар эди.

– Оқшомнинг режаси бундай, – деди зийрак кўзларини тўпланганларга бир-бир тикиб. – Тун ярмидан оққанда энг сара юз нафар йигит менинг етакчилигимда йўлга чиқади ва қалъа деворидан ошиб ўтиб, қалъанинг энг катта Ғузор дарвозаси соқчиларини саронжомлаб,

дарвозани очади. Қўшиннинг асосий қисми шу дарвоза орқали қалъага бостириб киради. Шундан сўнг ноғораю карнайлар ишга солиниб, ёғийнинг ўтакасини ёрамиз.

Санчкили нарвонларни устма-уст қўйиб, юз нафар тоғни урса талқон қилгудек йигитлар кўз очиб юмгунча қалъа деворида пайдо бўлдилар. Қалъа буржларидаги тўрт нафар соқчини овозини чиқармай, тинчитдилар. Амир Мусонинг анча-бунча мулозимлари ички кийим-кечакларида асирга олинди. Фақат бир киши – амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбек ер ости йўли билан қочиб, ёғийни воқеадаш оғоҳ этмоққа улгурди.

Ўн минг қўшинли Қарши қалъасини қамал қилиб ўраб олган, асаби бўшроқ киши бундай шароитда шайтонлаб қолиши ҳеч гап эмас эди. Темурнинг хушчақчақлик ила қалъа деворини айланиб, навкарлар руҳини кўтариб юришини кўрган киши ҳозир уларга каттароқ қўшин ёрдамга етиб келади деган фикрга бориши мумкин эди. Темур атрофидагиларда шундай кайфият туғдирганди. Душманни куч билан енгиш мумкин эмаслигини англаган Темур ақлу идроқини қайраб, бошқа бир чора излаган эди. Шу боис лашкарбошиларга режасини уқдирган, ҳар бир ҳаракатга ўзи бошқош бўлмоқда эди. Улар Ғузур дарвозасининг устида туришганича, яқинлашган ёғий лашкарига қалъа деворидан ёй ўқлари ёғдирди. Боботурк Темурнинг яқинига келиб эгилди.

– Қалайсан, Боботурким? – деди қўшин ҳаракатидан қўнгли тўлган Темур табассумда. – Бу қадар мўл-кўл ёғий ҳосилини ҳаётингда кўрмаганмисан? Хурсанддурсан-а? – ҳазиллашди Темур.

– Шундай, аьлоҳазрат! Бундан баттари бўлмаса керак! – мутойиба ила жавоб қайтарди Боботурк.

– Ҳаммаси кўнгилдагидай, хавотирланма! Оллоҳ мушқулимизни осон қилади. Мана кўрасан!

– Ишончим комил, ҳазратим! Сиз учун ўлимга бормоққа ҳам розиман!

– Йўқ. Ўлишга руҳсат йўқ. Сен менга тирик, мана шундай руҳда кераксан. Бу руҳсиз биз мақсадимизга эриша олмаймиз! Ҳозир эса бундай қиласан. Мана шу дарвозанинг қаршисида турган энг катта қўшин Малик Баҳодирнинг лашкаридир. Турумига қараганда беш минг атрофида. Ундан ортиқ эмас. Унинг сўл тарафидаги кичикроқ лашкар Дурра Темурники. Ёнинга Абдуллани ва яна беш-олти нафар йигитларни ол-да, тўғри аввал Дурра Темурнинг олдига, сўнгра Малик Баҳодир хузурига бор. Мендан самимий саломлар айт! Бу нуфузли бекларни қадрлашимни, амир Хусайн улар сочининг бир тукига ҳам арзимаслигини таъкидла. Қалъадаги ўн беш минг чоғли Темур лашкари сиздек асл ватанпарвар инсонларга зиён-заҳмат етказишни истамайди. Ҳар бирингиз истаган вилоятларингизни олишингиз, Темурбек давлатига шерик бўлишингиз мумкин дея иштиёқ билан сўйла. Совға-саломлар ва ҳадяларнинг фурсати эмаслиги учун олиб келолмадим. Темурбекнинг ўз қўлларидан оласизлар, дея узр сўра, уқдингми?

– Уқдим, ҳазрат!

– Бўлмаса бу ишни бир қойиллат-чи! Мен сени мана шу ерда кутиб ўтираман.

Зум ўтмай оқ байроқ кўтарган Боботурк гуруҳи ёғий томон от чопдириб кетди. Темурбекнинг бу тадбири кутганидан-да яхши натижа билан тугади. Дастлаб икки минг лашкари билан Дурра Темур, сўнгра беш минг лашкари билан Малик Баҳодир Темурга келиб қўшилдилар. Кучлар нисбати ўзгариб кетган эди. Бу ҳолни кузатиб турган амир Мусонинг хаёли қочди. Жангни бошламас сафи янада озайиб, ўғли иккалови қолиб кетишини тушунди-да, лашкарнинг борини тўплаб хужумга ўтди. Бироқ қалъада емак-ичмак захиралари тугаб борар,



яроғ-аслаханинг ҳам таги кўринган, айниқса, камон ўқлари етишмас эди.

Жанглар оқшомга кўчганди. Темур йигитлари энди ёғийни уйқуда босар ва тўзитиб юборарди. Бироқ амир Мусонинг эски ва ёрдамга етиб келган кучлари ҳамон қалъа ҳимоясини бўшаштирмасди.

Боботурк топиб келган хабардан Темур суюниб кетди.

– Ақлингга балли, Боботурк! Худо хоҳласа, Турон элимизга келган куни илк амирлик маснадини илк фармон ила сенга берурман! Менинг асл авлодим! Оқ йўл сенга! Тезда йигитлардан истаганингча ол-да, ўша ишни бажар!

Боботурк бошлиқ навкарлар кеч кириши билан қалъадан анча узоқликдаги дара томон кетдилар. Ариқларда пусиб ётдилар. Кўп ўтмай ёғий лашкарлари оёқларини зўрға судраб келиб, отларнинг эгаржабдуқларини ечдилар-да, бедазорга ўтлашга қўйиб юбордилар. Ўзлари орқа олдиларига қарамай олов ёқилиб, қозон қайнатилаётган томонга қараб югурардилар. Шу тариқа уч минг чоғлиқ от ҳафсала билан бедазорда ўтларди. Боботуркнинг йигитлари отларни ҳайдаб боққан киши бўлиб, секин-аста узоқлашдилар. Шу ҳайдаганча бу отларни Кешгача қувлаб келиб, қўшин бош отбоқарига топширдилар.

Амир Мусонинг аҳволига маймун тугул, Қарши даштида неки паррандаю-дарранда бўлса йиғлай бошлаган эди. Кечагина отда қалъани айланиб дўқ ураётган суворийлар энди чумолидек ўрмалашар, ёғий қалъадан отда чиқиб босса ҳолимиз не кечади, дея дуч келган тарафга қоча бошлаганди. Учинчи кунга бориб, амир Мусонинг ҳужум имконияти битди. Темур лашкарга қалъадан чиқиб ҳужумга ўтишни буюрди. Суворийлар олдида чап

қўлида исфаҳоний қиличини тутган Темур учиб борар,  
лашкарнинг залворли овозидан ер ларзага келарди.

– Урҳо-ур-р!

– Сурҳо-сур!

– Ур-ҳо!

Жаку Барлос билан Амир Сайфуддин йигитлари ёғийни сўнгги инигача қувиб борди. Мўл-кўл ўлжа туширди-да, тоғ ошиб, Кешга кирди. Қарши зафари Темурнинг қўмондонлик закосини яқинлари ва қўшин олдида аниқ-тиниқ кўрсатди. Қаршини ўз давлатининг вақтинчалик пойтахти дея эълон қилди. Икки дарё оралиғидаги вилоятларга ҳокимлар тайинланди. Амир Хусайннинг тасарруфида эса Балх, Хутталон ва Бадахшон қолган эди. Темур ғалаба шарафига амирлар ва лашкарбошиларни тўплаб, зиёфат берди-да, улар кўнглини кўтариб сўзлади:

– Сиз каби улусимизнинг шуурли ўғлонлари воситаси ила бу зафарга, шарафга эришдик. Бирингиз ўнни, ўнингиз юзнинг ишини қилдингиз. Бу ҳадсиз-худудсиз меҳнату машаққатни қадрламаслик куёшга тош отиш билан баробардур. Бугундан бошлаб истаган киши биз ила қўшинда қолади, истаган одамга юртига кетмоққа рухсат берамиз. Фақат у юртига ғолиб навкар ёки лашкарбоши сифатида эмас, ҳоким ёки волий сифатида бориб, бузулган шаҳару қишлоқларни тиклайди. Элнинг кўксини, руҳини кўтаради. Бизнинг улуғ мақсад йўлидаги буюк мужоҳидлик курашимизга замин ҳозирлайди. Буни халққа англатади. Истакларингизни менга билдинг! Бугундан эътиборан муҳтарам Маҳмудшоҳ Бухоро ҳокими этиб тайинланади. Ул кишига муҳтарам Али Ясурий шерикдирлар. Зангишоҳга эса Жайхун бўйидаги барча вилоятларни бердик. Биздан фармону олий олиб, ўшал юртларга борғувчи ҳокиму ҳукамодан бир рижойимиз бор. Қай бир ўлкага борманг, ўша ернинг

обрў-эйтиборлик кишиларини азиз тутинг; саййидлари, уламолари, фузалолари, машойиху аҳли ижоди-га таъзимда бўлинг, хўрмат-иззат кўрсатинг, уларга суюрғол ажратмоқ хусусида менга тавсиялар беринг. Яхши вазифаларга тайинлаб, маошларини кўтаринг. Ўша ер улуғларини оға-инингиздек, ёшлари ва болаларини фарзандларингиздек кўринг. Мен ҳам уларни худди шундай кўришимни етказинг! Борган ерингизда адолат эшигини очинг, зулму ситам йўлини тўсинг! Сипоҳийларимиздан бирор киши улуснинг хонадонига зўрлик билан кириб ерлашмасин ва раиятнинг от-уловларини тортиб олмасин! Ҳар бир фармоннинг юзда-юз бажарилиши таъминлансин!

Хос мунший Темурнинг сўзларини ёзиб ўтирар эди. Кенгаш иштирокчилари унинг сўзларини сеҳрланган каби тинглар, кўнгли юмшаб кетган бир-икки кекса амир енги билан кўз ёшларини артарди. Улар шунча пайт не-не хоқону хонларни кўриб бу қадар илиқ ва самимий сўзларни эшитмаган эдилар. Уларнинг барчаси бир эътиқодга иймон келтирмоқда, юрт асл эгаси қўлига ўтмоқда эди. Турон бошига келаётган адолат куёши шундан башорат этарди.

Темурбек Махмудшоҳ билан Али Ясурийдан бошқа барчага кетишга рухсат берди. Уларни тўрға таклиф этиб, мулозимат қилди.

– Сизларни қўшин отидан бекорга Бухорои шарифга ҳокиму ноиб этиб тайинламадик, – деди Темур уларга бир-бир қараб. – Самарқанд салтанат бош шаҳри деб эълон этилгунига қадар Бухоро бизнинг марказимиз бўлади. Кўп буюкларни кўрган бу муқаддас тупроқ бизни бало-қазолардан асрагай. Биз Бухорони, Бухоро элини қандай бошқарсак, эрта кунда бутун юртни шундай идора этажакмиз. Кишилар иш усулимизни кўрсинлар ҳамда бизга ишонсинлар. Бизга хайрихоҳ бўлсинлар.

Халқни ўтган хонлар каби зўрлик ва қаттиққўллик билан бошқаришни унутмоғимиз лозим. Ўзини англаб етмоққа интилган инсон аввало қорни учун эмас, қадрини учун йиғлайди. Биз инсон шарафи, қадр-қийматини жойига қўйиб, ўз сўзини диққат билан тингламоққа ўрганмоғимиз лозим. Кишиларнинг барчаси бирдек тўғри фикрлаб, тўғри яшай олмайди. Ноҳақ бўлсалар-да улар сўзларини сўнгига қадар тингланг. Йўл кўрсатинг! Дунёни англашга интилган, ҳақни топмоқ йўлига кирган инсон учун бир қоринни тўйдириш муаммо бўлмаслиги керак. Улусни меъда қайғусида яшашга мажбур этсак, у борган сари фикрлашни унутиб, берса ейдиган, урса ўладиган қавмга айланиб қолади. Шу боис борибоқ катта-кичик мадрасалар ишини яхши йўлга қўйинг, эскиларини таъмирланг, ким мадраса очаман деса, кўмак беринг. Мадрасага бора олмайдиганларни маҳалла ва уйларида ўқитишни ташкил этинг! Бу иш учун не харажат лозим топилса аяманг, мен бу тарафдан ҳам кўмак этаман. Миллат ўқимас, фикрламас экан, у бутун халқ бўлмоқлик нари турсин, шунчаки оддий инсонийлик бурчларини ҳам бажара олмайди. Динда меъёрни ушланг. Улусни барча дунёвий илмлардан баҳраманд эттиринг. Бозорларни кенгайтиринг ва раиятга у ерда қулайликлар яратинг. Ҳар бир бозорда масжид ва таҳоратхона бўлишини таъминланг. Кўча ва сўқоқларда бирор сиқим ҳам ахлат кўринмасин. Биринчи навбатда қилинадиган ишлармана шулардан иборат. Ҳариккингиш ҳам менга яқин кишиларсиз. Яхши ва савоб ишнинг раҳмати ва ёмон ишларнинг тавқи-лаънати баробар бўйнимиздадир. Яна такрор айтаман, Бухорода давлат ишининг юритилиши бизнинг тақдиримизни белгилайди. Одамлар биз кўчадан ёки Қорақум янтоқзорларидан келмаганлигимизни чин юракдан англаб етмоқлари,

бизга кўмак этмоқлари лозимдир. Бусиз ишимиз юришмас.

Темур яна фикрини жамламоқ учун бир оз тин олди. Бу фурсатда Али Ясурий гап қўшди.

– Маълумингизким, Темурбек, ёғийларимиз ҳали замон қиличларини қўлдан ташламайдилар. Улар ҳар қандай қулай фурсатда Бухорога ҳужум қилишлари мумкин. Сиз ундан узоқлашдингизми, душман Бухорога яқинлашиши мумкин. Бу хусусда ҳам бизга айтар йўриғингиз бордир.

– Тўғри сўйладингиз, сўз навбати шу масалага етган эди. Бу ҳар дақиқада машғул бўладиган ишимиз. Усиз салтанатнинг пойдевори, тамал тоши мустаҳкамланмайди. Биз халқнинг руҳияти ва рағбатига эришмоқ истасак, Бухорога бора солиб қўшин тўплашга киришмаслигимиз лозим. Раият хонларга лашкар тўплаб беравериб, тинкаси қуриган. Бу ишга зўр берсак, бизни ҳам улардан фарқи йўқ экан дея ўйлади. Бизнинг зафаримизни ва ҳақлигимизни эшитган улуслар ўз лашкарларини ҳадемай юбора бошлайдилар. Фаоллигимизни ободончилик ишларидан бошлашимиз шунинг учун керакки, биз шу юрт фарзандимиз, босқинчи ёки дуч келадиган ерда тунаб, кунини кунлаб кетадиган қавм эмасмиз. Бизнинг бу ишларга қўл урганимизни кўрган эл бир кунликка келмаганимизни, ҳақиқатан ҳам бу юртни обод қилмоқ ниятида эканлигимизни англайди. Бу ишлар кишилар қалбига ўз келажакига умид, элу юрт равнақига ишонч уруғини ташлайди. Бу каби савобли ишларсиз биз узоққа бора олмаймиз.

Темур сўздан тўхтаб, ўтовнинг хуржунсифат тоқчасида турган қораламаларини олди. У қонунлар, фармонлар, иш юритиш тартибларини отда, пиёда ва ҳар ерда ёзиб қўяр, илҳоми келганда эса шеърый сатрлар ҳам

битарди. Шилди роқ Самарқанд қоғозини олди-да, бир-ров кўз югуртириб чиққач, сўзида давом этди:

– Ҳозирча ихтиёрий равишда лашкар тўплаш ишига киришасиз. Бухородек улуғ шаҳарни сарбозсиз, қўриқчисиз қолдирмоқ хавфли, албатта. Лашкар тўплаш ва унинг емак-ичмаги ҳамда кийим-кечак харажати биз хазинадан берамиз. Бухорода солиқлардан тўпланган маблағ фақат ободончилик ишларига ишлатилсин, ҳар бир маҳаллада ҳаммом борми-йўқми ўрганиб чиқмоқ лозим. Бу ғоят муҳим ишдир. Эрта-индин кўшин билан ишлашнинг йўриқларини оласиз. Лашкар тўпланиши билан аскарий таълим-тарбия ҳам йўлга қўйилади. Умумий емак билан таъминланадилар. Беш вақт намозини осойишталик замонида ўқисун. Кунлик тартибни шундай белгилаймиз. Сарбозлар тушгача тўрт соат давомида таълим ила машғул бўладилар. Сўнгра тушлик емагини еб, бир оз истироҳат қилади ва пешин намозини ўқийди. Кечки таълим ва машғулотлар эса кун ботгунга қадар давом этади. Ҳаво иссиқ бўлган фасларда эса фақат асрдан кейин, кун ботгунга қадар машғулот ўтказишади. Лашкар мана шу тартибда яшаб, малакасини, машқини такомиллаштиради. Лашкарбошилар таълим ва машғулот давомида доимо сарбозлар билан бирга бўлсин, у еган емақдан еб, баробар намоз ўқисун. Тенглик ва биродарлик йўсунига қаттиқ амал қилиниши таъминлансун.

Темур сўзлашдан тўхтаб, яна не сўровингиз бор дегандек суҳбатдошларга тикилди.

– Волий ва ноиблар тайинлаш хусусида ҳам бирор амру фармонлари бўладими? – сўради Маҳмудшоҳ Темурнинг сўзларини диққат билан тингларкан.

– Яхши хотирлатдингиз, Маҳмудбек! – деди Темур уларнинг ҳам бу ишга қаттиқ киришаётганларидан суюниб. – Бу жуда муҳимдир. Ҳар бир топширилган ишнинг

бажарилиш даражаси, шу юмуш юклатилган кишининг ақлу фаросати мезонига боғлиқ. У не йўсинда фикрласа, ишни ҳам шу мақомда бажаради. Шунинг учун давлат ишларига қалбида элу юрт ишига қайишиш ҳис-туйғуси уйғонган, асли тоза, насли пок, авлод-аждоди бузилмаган, яхши равишли кишиларни топиб, танлаб қўйинглар. Шундай одамларни топингларки, эрта кунда биз уларни ҳеч бир шак-шубҳасиз бош вазир ва вазир этиб тайинлайлик, уларга мамлакат тақдирини ишониб топширайлик.

Меҳмонлар толиққани, бунинг устига очикқанлигини пайқаган Темур баробар пешин намози ўқимоқни, сўнг-ра қўноқлари бўлишликни таклиф этди. Намоздан сўнгра шўрва ичиб, Туркистон паловини едилар. Емак устидан ҳусайни узум еб, сўнгра шарбат ва гулоб ичиб ўтирдилар. Темурбек суҳбат давомида бояги фикрини давом эттирарди:

– Давлат кишисида қўйидаги тўрт сифат мужассамлигига эътибор бермоқ лозим. Биринчиси асиллик, яъни, тоза наслик. Қоришиқ дин ва қавмларга мансуб мавҳум кишиларни давлат ишларига йўлатмаслик шарт. Улар ҳар қандай таъсирга берилувчан ва оғувчанлиги боис, муҳим бир фикрда туриб, қатъий қарор қабул қилиш салоҳиятидан маҳрумдирлар. Ўзлари эътиқодда не қадар бўш бўлсалар, авлод ва аждодлари ўзлариданда баттар бўшанглик қиладилар. Бундай кишилар савдосотиқ билан шуғулланишлари мумкин. Бошқа ишга ярамайдилар. Иккинчиси ақл-фаросатлилик. Кўп ўқиган одам дунёни англаб етиши, ҳар қандай муаммони ечиб, бу хусусда илмий фикр билдириши мумкин. Бироқ бу том маънода фаҳм-фаросат соҳиби деган маънони англатмайди. Фаросат бу – ақлнинг қаймоғидир. Ақлли одам дағал ва қўполлик қилиши мумкин, бироқ фаросатли киши ундай бўлмайди. У ҳар қандай ишни катта

андиша, чексиз инсонийлик санъати, ўзга қалбига заррачада озор етказмайдиган ҳалимлик ва одамийлик билан бажаради. Йўқ деган сўзни ҳам шундай юксак одоб билан айтадики, хузурига келган киши бу инсоннинг муносабатидан озор топмай, аксинча, закосидан нур олиб, қувват олиб, қанот боғлаб чиқиб кетади. Учинчиси, сипоҳи-раият аҳволидан воқифлик, уларга нисбатан ҳар доим хуш муомалада бўлишлик. Бу шундан иборатким, ақл-хуши жойида, китоб кўрган инсон ҳатто оиласида ҳам баланд овозда гапирмайди. Иш ерида эса бу одат унга тамомила ётдир. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам ўзининг руҳий-ахлоқий мувозанатини йўқотмай, барчага бирдек адолат кўзи ила қараши, улар аҳволини билиши, дардларига ширин сўз ила малҳам бўла олиши керак. Одамлар кўп ҳолларда ўз омадсизликлари ва ҳаётий қийинчиликларини подшоҳдан, давлат эгаларидан кўрадилар. Лекин ўзлари ҳаракат қилмасалар уларга Оллоҳ ҳам хайр-барака назари билан боқмаслигини англаб етмайдилар. Ҳақиқий вазир, асл давлат одами ана шундай фикр юритади, кишиларга тўғри йўлни кўрсатиб, эзгу ишлар сари етаклайди. Қотилга ҳам қотиллигини дор тагида исботламасдан, сўзи ила унинг иймонини уйқудан уйғотади. Асл давлат одами думга ўхшаб улуснинг ортидан эмас, машғала каби унинг олдида, йўлини ёритиб юрмоғи керак. Тўртинчиси, сабр-тоқатлилик ва тинчликсеварлиликдир. Фақат чуқур ақл эгаси, фаҳм-фаросатли ва заковатли кишиларгина сабр-қаноатлидурлар. Сабр-қаноатли инсонга эса ишониб, ҳар қандай муҳим ишни ёки ўлкани топшириш мумкин. Бундай кишилардан сотқинлик ва хоинлик чиқмайди. У сабр билан ҳар қандай машаққатни енга билади. Сабр-қаноат билан элни яхшилик сари, тинчлик сари, ёғийни эса сулҳ сари бошлай олади. Бировнинг тузини еб, тузлиғига туфурмайди. Ҳақиқий салоҳиятли инсонлар



улуснинг уриб турган юраги, теран ақли ва оқиб турган асл, тоза қонидур. Дарвоқе, иймоннинг ярми сабр, ярми шукрдир...

Икки амир бош ирғаганича суҳбатдошининг сўзларини маъқуллар эдилар.

Темур улар билан ўтовдан чиққач ҳам анча пиёда юриб борди. Улар учун айна дамда уч юз сипоҳий ажратилажагини таъкидлади.

Одамларини Бухорога жўнатган Темурнинг кўзи Мохон йўлида эди. Оила аъзоларининг бугун-эрта етиб келишини кутарди.

*Миллат ўлмайди, агар у ўзини ўзи ўлдирмаса.  
Эмерсон*

Темурбекнинг оила ҳаёти оғир кечарди. Урушу савашлар боис болаларини тиззасига олиб суёлмас, улар билан бирга бўлолмасди. Унинг оиласидаги хонимлар ҳам аскар каби яшар, лозим бўлганида турк аёлига хос хислат – қўлига қилич ҳам ола биларди. Темурнинг хонимлари ичида қиличбози ва чавандоздек от чоптира биладигани Ўлжой Туркон оғо эди. Темур унга уйланмасдан бурун у билан бир марта қиличлашган ҳам эди. У жангда ўлган биродарининг хунини тилаб Темурнинг қаршисига қилич кўтариб чиққан. Темур унинг қиличини ҳавога учириб юборганда изза бўлганидан йиғлаб юборган. Бу гўзал хоним Ҳусайнбекнинг синглиси Камолой эди. Кўпинча у аскар либосида сипоҳийлар каби акалари ила баробар жангда қатнашар ва ўлжани баробар тақсимлашга ҳаракат қиларди. Шунинг учун ҳам уни Ўлжой Туркон оғо деб атар эдилар.

Темурбек ўн тўққиз ёшида Чағуй Барлоснинг қизи Турмуш оғога уйланди. Уни Нурмушк оғо деб ҳам чақирардилар. Бир йил сўнгра Камолойга уйланди. Темур Самарқанд тахтига ўтирганида бу икки умр йўлдоши ҳам вафот этган эди.

Турмуш оғодан икки фарзанд кўрди. Булар Жаҳонгир Мирзо билан Оғобегим эдилар. Ўлжай Туркан оғодан эса Умар Шайх Мирзо ва Султонбахт бегим туғилган эди. Шу дақиқада унинг тўрт нафар фарзанди ҳам ундан олисда, отаси тақдиридан хавотирда қарийб, сарсон-саргардон Мохонда яшар эдилар. Мен кўрган азобларни болаларим кўрмасин дея ўйлар эди у гоҳ-гоҳда эзилиб. Бироқ инсон зоти оғирчилик кўрмай ўсса бахтли дақиқаларни

ярата олмайди, дея тасалли беради ўзига-ўзи. Шу сабаб ҳам тўнғич ўғиллари Жаҳонгир Мирзо билан Умар Шайх Мирзони йилда бир неча ой кўшин ичига юбориб, машқ қилдиран ва сарбозлар еган овқатдан еб яшашга ўргатар эди.

– Ҳар нарсада меъёрни билмоқ лозим. Форсийлар таъкидлаганидек, меъёрдан ортиғи мурдордир. Ҳеч қачон элдан ажралиб бирор-бир ишга қўл ўрмаслик ва ундан ортиқ емаслик керак. Акс ҳолда бу нарса бир кунмас-бир кун тешиб чиқади, – дер эди Темур ўғилларига. – Машойихларнинг: агар инсон ҳаётдан олмаса таълим, уни йўлга сололмас ҳеч бир муаллим, деган гапини ҳам такрорлашни хуш кўрарди.

...Мадрасада сабоқ олганида ўқийдиган китоблари тугаши билан онасига мурожаат этарди. Такина бегим эса унинг ёшига қараб бирор китобни топиб берарди. Сандиғида раҳматли қиблағоҳи, ва бош ҳазратларидан мерос қолган қирқ чоғли қийматли эски китоб бўлиб, бека уларни кимсага қиймасди.

Ўғли ўн тўрт ёшга тўлгач, китобларни ўқимоқ учун бера бошлади. Булар орасида Темурнинг хотирасида муҳрланиб қолган энг қизиқарли ва таъсирлиси Низомулмулкнинг «Сияр ул-мулк» китоби эди.

Китобдаги бир ҳикоят унга ғоят қаттиқ таъсир қилди. Уни дўстларига ўқиб берди ва ўзаро муҳокама қилишди. Сўнгра отасининг рухсати билан ўнта қўйни сотиб, пулига шу китобдан Самарқанд қоғозида уч юз дона кўчиртириб дўстлари ҳамда яқин биродарларига тарқатди...

Ҳикоя Нўширавони Одил билан боғлиқ бўлиб, Темур қўл остидаги амиру вазирлар, ўғиллари ва яқинларига сўзлаб беришни хуш кўрарди. Бу Нўширавони Одил саройга инсоф истаб келган инсон ва жонивор ҳикояси эди...

Ўн саккиз ёшли Нўширавони Одил отаси Қўбод дунёдан ўтгач, тахтга ўтиради. Ёш султонни бола билган вилоят ҳокимлари ва лашкарбошилар соҳиби тахт улғайиб, тажрибага эга бўлмасидан бурун бир нималик бўлиб қолмоқ наздида ўзларини ўту чўққа уриб бойлик тўпламоққа киришадилар. Ёш подишоҳ оёққа туриб олгунга қадар бу тиш қоққан ҳокиму ҳукамолар билан муроसाю-мадора қилмоққа мажбур эди.

Пойтахтдан олисроқда бўлган Озарбайжон ҳокимнинг иштаҳаси қарнай эди. Мол-мулки шоҳниқидан кўп бўлса-да, кўзи ҳам, кўнгли ҳам оч эди. Ниҳоят у бир парча отамерос ерини бир деҳқонга кирага бериб, эвазига ҳар куни тўртта нон оладиган бир бечора кампирнинг ерига ҳам кўз тикади. Момо бу тўртта нонни иккитасини ўзи ер, биттасини эт ва пишлоққа алмаштирар ва биттасига шам учун мой олар экан.

Кампир ерини сотишга кўнмагач, у тортиб олишни буюради. Кампир лашкарбошидан ер баҳосини ёки эвазига ер беришини талаб қилиб ҳолдан тойибди. Саройга борса маҳрамлар уни ҳеч кимга йўлатмас, кўчага ва овга чиққанида ҳам уни лашкарбошига яқинлатмас эканлар.

Ҳолдан тойган кампир ўйлай-ўйлай Нўширавони Одил саройига бормоққа шахд қилибди. Бекорга уни Одил оти ила атамасалар керак дея ўйлабди ўз ноқис ақлича. Пойию пиёда Озарбайжондан Мадоийнга етиб келибди. Султон саройини кўриб, ҳуши бошидан учибди. «Мени ҳоким саройига йўлатмадилару, Султон саройига йўл бўлсин дея аросатда қолибди. Унга ов пайти, далаю даштда дуч келиб арз-додимни айтганим маъқул» деган фикрга келибди.

Шоҳ овга чиқадиган куни бир бута остида кечани ўтказган кампирни кўриқчилари йўлдошлигида кўриб қолган Нўширавони Одил ҳайрон бўлибди. Дардини эшитибди. Сўнгра яқинидаги қишлоқ ўтоғасига кам-

пирга қараб туришни, хабар келганида олиб боришни тайинлаб, йўлида давом этибди ва бир хос қулини чақириб, Озарбайжон ҳокимининг феъл-атвори, хатти-ҳаракати ва мол-мулкани махфий равишда ўрганиб, тафтиш қилиб келишни топширибди. Ҳисоб-китоб шуни кўрсатибдики, ҳокимият мол-мулки ва канизаги шохниқидан икки баробардан ҳам ошиқ экан.

Амиру лашкарбошиларни саройга жамлаган Нўширавони Одил фармонини эълон қилибди:

– Шундай бир бева-бечорага жабру ситам қилган кимсанинг терисини шилиб олиб, гўштини итларга берилсун! Терисига сомон тиқиб, сарой дарвозасига осиб қўйилсин! Жарчилар етти кун «Кимда-ким бундан буён юртда кимсага жабр-зулм қилса, ҳатто бир халта сомон ё бирорта товук ёки бир боғ ҳашакни бировдан ноҳақ тортиб олса, жазоси мана шундай бўлгувчидир» дея жар солсинлар! Фақир онамизга мол-мулкани товоғи билан қайтариб беринг ва подишоҳлик ҳисобидан улоғу нафақа тайинланг! Мени дуо эт, она! – дея кампирга юзланибди Нўширавони Одил.

Бу воқеадан қаттиқ таъсирланган Нўширавон яна шундай бир амр берибди: Сарой дарвозаси олдига бир занжир ўтказиб унга қўнғироқларни шундай осиб қўйингки, етти ёшли боланинг ҳам қўли унга етсин. Бирор-бир муте инсон саройга келса, эшик қоровули ёхуд бошқа бир хизматқору амалдорнинг, юзига термулиб ўтирмай шу қўнғироқ йпини тортсин ва бу сасни мен – Нўширавон ҳам эшитиб, дардини тингласин-у чорасини кўрсин!

Бу кўрсатмадан барча ҳайратга тушибди.

Шу фармойишдан етти йил ўтгач, пешин вақтида саройда ҳеч ким бўлмади, қоровуллар ухлаб қолган бир пайт-да қўнғироқлар чалинибди. Қўнғироқ овозини Нўширавони Одил ҳам эшитиб, тезда икки хос хизматқори-

ни юборибди. Ходимлар сарой дарвозаси ўнгида озгин бир қари эшакни кўрибдилар. У орқасини қўнғироқ занжирига ишқалар ва шу туфайли қўнғироқлар садо берарди. Ходимлар содир бўлган воқеани шоҳга келиб айтадилар.

Нўширавони Одил:

– Сизлар масалани моҳиятини англаб етмабсизлар. Шу эшак ҳам аслида инсоф истаб келган. Эшакни бозорга олиб бориб, кимники эканлигини, недан бебош юрганлигини сўраб-суриштиринг ва ҳақиқатни менга маълум қилинг!

Улар эшакни мол бозорга олиб бориб кимники эканлигини аниқлабдилар.

– Бу эшак фалончи козур (кир ювувчи)ники ва йигирма йилдан буён унга хизмат қиларди. Жонивор ишга яраган пайтида кирчи уни боқиб, ем-хашак берарди. Қариб, кучдан қолгач, ҳайдаб юборди, – дебди бир эшак даллоли. – Одамлар савоб учун унга ўт ва сув берадилар. Икки кундан бери жонивор бечора оч.

Мулозимлар бўлган воқеани Нўширавони Одилга келиб айтибдилар. Подишоҳ ўша козурни маҳалласидаги тўрт мўсафид гувоҳлигида топиб келишни буюрибди. Ходимлар шоҳ амрини бажо келтирибдилар. Кир ювувчи гуноҳини тан олибди. Нўширавон жониворга боғлиқ буйруғини эълон этибди:

– Бул ноинсоф козурга қирқ дарра урилсин! Шу эшак қанча яшаса, мана шу тўрт оқсоқол гувоҳлигида унга ҳар кўни ему хашак бериб боқсин! Бу ишда хатоликқа йўл қўйсанг, менга етса, жонингдан умидингни узавер!..

–...Кўли калта, бева-бечора ва кимсасизларни ўйламаган ҳукмдор сўзсиз бир кун шу кишиларнинг қарғишига учрайди, – дея ҳикоясини тугаллар эди Темур.

Ҳали олислаб кетмаган болалиги, ўсмирлиги ва ёшлигини қўмсаган Темур ўтов тўрида хаёл сурганча Боботуркни кутар эди.

– Эрта тушга яқин қўш етиб келади. Оллоҳга шукр, барчалари соғу саломат. Зиёратингизга интиқлик билан ошиқиб келмоқдалар, – ҳисоб берди Боботурк.

– Маъқул, – деди Темур. – Амир Ҳусайн лашкари орасидаги хуфялардан не хабар бор?

– Хуфялар бошлиғи Алп Туркашбек шу ердалар. Мусоҳада этсангиз, хузурингизга чорласам?

Темур бош ирғади.

Зум ўтмай ўтовга қорачадан келган, кенг пешонали, қирра бурун, девқомат Алп Туркаш кириб келди.

– Амир лашкарида не гап? Сўйланг, – деди Темур унинг саломига алик олгач.

– Бизда етарли маълумотлар бор. Ҳозирда уч кишимиз ёғий лашкари орасидадур...

– Қайси-қайси қўшинларда? – хуфянинг гапини бўлди Темур.

– Бири амирнинг хос навкарлари орасида, яна бири ясурийларнинг бизга қўшилмаганлари ичида, учинчиси эса амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбек лашкарида. Яна уч кишини тайёрлаямиз.

– Эсимда борида бир нарсани айтиб қўяй. Саваш чоғида ва умуман амир Мусо авлодидан кимсанинг бурни қонамасин! Барча юзбоши ва мингбошиларга айтиб қўй.

– Англадим, ҳазрат!

– Давом эт!

– Амир Ҳусайн ва унинг ўзи тахтга ўтқазган Кобулшоҳ амри билан Соли Саройда ўн мингдан ошиқ лашкар тўпланган. Бу ўрду Улжайту Апарди, Жаҳоншоҳ, Пўлод Буға ва амир Мусо етакчилигида Тангричакчакка юборилган ва ўша ерда қўшин тортиб турибди. Амир эса

қолган қўшин билан йўлга чиқиш арафасида. Лашкар сони йигирма минг билан ўттиз минг оралиғида бўлиши кутилмоқда. Ҳар куни лашкар сони ортиб бормоқда...

– Бирор тавсия ва маслаҳатинг борми? – сўради Темур чуқур нафас олиб.

– Фурсатни бой бермай, ёғий яна катта куч тўпласдан устига от солиш керак. Кучайиб кетгач, бир оғиримиз ўн бўлиши мумкин.

– Тўғри! – деди Темур. – Кечаги ғалаба руҳи билан ёғий устига босиб боришимиз керак. Юриш тадоригини кўрмоқ керак!

Темур қўшинни сафлаб кўздан кечирди-да, йўлга чиқишга буйруқ берди. Икки ўрду Оққия манзилида бир-бирига дуч келдилар. Яна аёвсиз саваш бошланди. Қон тўкиш жонига тегиб кетган аскарлар ўлар-тириларига қарамай қилич чопар эдилар. Темур қўшинининг зафари кўриниб турарди. Яна ўша даҳшатли хиёнат ишнинг белига тепди. Қаршида амир Ҳусайн билан амир Мусони сотган Дурра Темур билан Малик Баҳодир Темур қўшинидан ажралиб, яна эски соҳиби тарафга ўтиб кетди. Қаршидан эса бундан-да хунук хабар келди. Бир неча амир маслаҳатлашиб, Қарши қалъасини ёғийга топшириш фикрида экан.

Темур бу оғир вазиятда тез ва тўғри қарор қабул қилиши, бу мушкулотдан осонроқ чиқиб кетиши лозим эди. Бунинг йўлини ҳам топди. Қўшинни жангдан олиб чиқиб, асосий қисмини Жаку Барлос, амир Сайфуддин ва Аббос Баҳодир бошчилигида Бухорога, Али Ясурий билан Маҳмудшоҳ ҳимоясига юборди. Қолган қисми билан ўзи Хуросон томон жўнади. Хуросондаги садоқатли кишилари лашкар тўплаётгани ҳақида кеча хабар олган эди. Бу қўшин Бухорода, қолгани Хуросонда турса, ўртадаги амир Ҳусайн ҳеч қаёққа қочиб қутулмайди. Бадах-



шонликларга ўхшаб ёки тоққа чиқиб кетади ёки ҳиндуга йўл солади.

У тўппа-тўғри эски қадрдонлари Санжарий туркман қондошлари ҳузурига борди. Бир неча кун бурун бу ердан оиласи, бола-чақалари кўчиб кетган эди. Моҳон ҳокими Муҳаммадшоҳ Жонқурбоний уни илиқ қаршилаб, Темур кўши ерлашган ерни, ўтовлар изини, болалари ўйнаб қурган лойкапаларни кўрсатганда Темурнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. У пишиқ лойдан ишланган кўғирчоқ қалъага тикиларкан, хаёлида; ўн бир ёшли Жаҳонгир Мирзо билан тўққиз ёшли Умаршайх Мирзолар гавдаланди.

— Қандай ажойиб ўғлонларингиз бор экан, Темурбек, — ҳаяжон ила сўйларди Муҳаммадшоҳ Жонқурбоний. — Бири биридан ақли. Икки кунда шу қалъани ясади. Жанг қилишларини кўрсангиз эди. Аломат. Ютқазган амир Ҳусайн, ютган Темурбек Тарағай дея ҳайқиришади. Ҳақиқий ўғлонлар, оёқларидан ўт чақнайди.

Темур беихтиёр бориб ўғилларининг оёқ изларига панжаларини қўйди. Танасига ҳузурбахш бир илиқлик югурди. Уларни соғиниб, ичидан нимадир узилгандек бўлди. Қисматни қара-я, соғинчим, мени улар интизорлик билан кутган ерларга келтирса?!

Худонинг иродаси бу.

Бу ҳолат қалбан нозик Темурбекка бу қадар таъсир этишини тасаввур этмаган мезбон ҳам тили каловланиб, нима дейишини билмай қолди. Қандай қилиб бўлмасин меҳмоннинг кўнглини олишга уринди.

Муҳаммадшоҳ Темурбекка ўзининг олтин қуббали хос ўтовини берди. Меҳмоннинг хос навқарлари ва мулозимларига хизматчилар мулозамат кўрсатиб, елиб-югуришарди. Туркман улуси куйқўшиқлари ва ўйинлари билан кўнгил ғуборини ёзишга ҳаракат этди. Бу иззат-ҳурматдан таъсирланган Темурбек бошидаги фερуза

жиғали, олтин қопламали бўркини Муҳаммадшоҳнинг бошига кийдириб, тиззасига пешонасини кўйди.

– Фалакнинг гардишини кўрунг, Темурбек, – деди Муҳаммадшоҳ кўзлари ёшовланган кўйи, уни бағрига босаркан. –

Аслида барчамиз туркий улус фарзандлармиз. Бағримиз яйловларимиздай кенг, муҳаббатимиз кўёшимиз каби оташин. Бироқ ишонувчанлигимиз, самимийлигимиз, тўғри сўзлигимиз туфайли дўсту душманнинг фарқига бормаймиз. Эналаримиз бекорга «шовгуминг тоғу тошга бўлсин» дейишмаган. Бир-биримизга қилаётган шовгуларимиз, яъни ёмон ниётларимиз бир куни бошимизга бало бўлиб қайтишини ўйламаймиз. Бизнинг бахтимиз шундаки, кимлигимизни англатадиган тилимиз бор, ёзиғимиз бор, турк улусимиз бор, яъни одамзод яралганидан бери унинг муқаддас бешигини тебратиб келаётган эллардан биримиз. Унинг жасурлигини, мардлигини, қайтмаслигини, бир сўзлилигини ёғийларимиз билади ва шунинг учун ҳам суймайди. Шулар боис, ҳеч бўлмаса энди кўзимиз очилиши керак. Йиқилган ва харобага айланган салтанатларимизни, қавмидан ажралиб улусни унутган болаларимизни бирлаштироғимиз, миллат шон-шарафи дея йиғлаётган саргардон руҳлар сасига қулоқ солмоғимиз керак.

Келажагимизни иймоннинг тўрида тутиб бирлашсак ва курашсаккина яна бир бутун эл, миллат бўламиз! Ватан деб топинаётган ота маконимизни, инсонлигимизни сақлаб қоламиз.

Муҳаммадшоҳ тўлиб-тошиб сўзлаётганидан овози ҳаяжонли ва баланд чиқмоқда эди.

Темурбек эса кўнглидаги гапларини Муҳаммадшоҳ топиб айтаётганидан қувонгани боис, сукут сақлаб эшитарди.

– Улусимизни фақат сиз бирлаштира олишингиз мумкин, – деди Муҳаммадшоҳ Темурга синчковлик билан тикиларкан. – Бизни хароб этишди, уруғларимиз тариқнинг донидек сочилиб кетди. Агар бирлашмасак, бу қавмлар янада сочилиб, ўзга элатларга қўшилиб кетадилар. Кўра била туриб сукут сақламоқ гуноҳи азимдур. Буни барча англаб етмаётир. Даствлаб бу эътиқодни ватансизу қавмсизларнинг бошига тўқмоқ ила уриб англантишга тўғри келади. Кўзи кўр қондошдан, кўзи очиқ бегона афзалдур.

– Қавмларимизни йўлга солиш мушкул кечаётир. Табиатимизда сахройилик бор. Тепамизда отамиздан қолган ўтов эмас, Оллоҳ берган осмон борлигини унутиб яшамаслигимиз лозимдур. Сиз менга кўмак беринг, муҳтарам қондошим, турку туркман улусларининг ёшуллиси Муҳаммадбек. Туркман аймақларимиз савашда мислсиздирлар. Эрта кунда улуғ салтанатни барпо этганимизда бу ишга қўл урган, хизмат кўрсатган кишилар миллат томонидан шарафланур, улар юртнинг биринчи асл амирлари аталурлар, улус қахрамони сифатида она тарихимиз саҳифаларида мангу қолурлар. Авлодлар уларни меҳр-муҳаббат билан ёд этурлар, – деди Темур босиқ, вазмин оҳангда.

Муҳаммад Жонқурбоний Темурнинг овози титраб кетганини сизди. У турк аймақларидан етишиб чиққан не-не хон, бек ва амирларни кўрди. Бироқ Темурбек сифатлигини учратмади. У ҳеч ким журъат этмаган ишга қўл урган, ҳеч кимнинг юраги дов бермайдиган жангларни бошидан кечирган, ўттиз ёшдан ошган бўлса-да, фикрлари ғоят пишиқ эди. У ҳеч қачон мағзи пуч гапни гапирмас, олди-қочди суҳбатларни жини суймас эди.

– Мен сиз азиз иним учун ҳар шайга ҳозирман. Иста сангиз беш минглик лашкаримни ҳам сизнинг измингизга бераман. Кимдир бу ўлкаларда тартиб-интизом

ўрнатмаса, яшаш қийин бўлиб қолди. Маккаю Мадина нари турсин, ота юртимиз Туркистондаги ҳазрат Султон Хожи Аҳмад Яссавий зиёратларига ҳам бориш амримаҳол. Бу бебошликларга қачондир чек қўйилмоғи керак. Буни ўзимиздан чиққан бир азамат қилмаса, Искандар Зулқарнайн ёки Чингизхонга ўхшаган бири келиб бош қўшмайди. Ҳозир бу ишнинг замони келди. Элатимиз буни англаб ета бошлади. Отни қамчиланг, Темурбек. Кутмоқ учун вақт йўқ. Кўзимиз тупроққа тўлмасдан, биз ҳам шу кунларни кўриб қолайлик.

— Иншооллоҳ! Иншооллоҳ! — деди Темур ҳаяжонли овозда. — Сўйлаганингиз каби қондош амирларимиз бизга кўмак бермасалар-да, ғанимларга қўшилмай турсалар улардан рози эдик. Бу қисқа ўйли дўстларимиз эртага биз ҳокимиятга келсак, бир вилояти беш бўлишини англаб етмаётирлар. Улар фақат оғзиларидаги бир парча нонни ўйламоқдалар, холос. Буғдой экиб, дон етиштирмоқни ақлларига келтирмаётирлар. Не машаққатларга дуч келмайлик, бир-икки йилда улус бошини қўшамиз. Инсофга келмаганларни Оллоҳнинг ҳукмига топширамыз!

Туркманбеги Темурнинг сўзларини мароқ билан тинглаб, ҳузур қилар, ҳайрат ва завқ-шавқдан ўзини унутган эди.

## XXIII

Темур бошқариш ишларини ўз қўлига олгач, жуда ҳолдан тойган мамлакатда қонун ва тартиб ишларини жорий этди. У исломни қаттиқ қўллаб-қувватласа-да, Чингиз ясоларини ҳам ҳурмат қиларди. Бу қонунлар Буюк Туроннинг ҳикматли йўриқлари бўлгани учун, турк халқларининг ижтимоий ва сиёсий аҳволига мувофиқлиги учун Темурга маъқул эди.

**Вамбери**

Жаку Барлос кўшини шом ғира-ширасида ёғий кўзини шамғалат қилиб, Кешдан чиқди-да, саҳронинг Бухорога борадиган, кимса билмас илонизи йўлига тушиб олди.

– Ҳарҳолда ёғий орқамиздан қувмаса керак, – деди амир Сайфуддин отини алмаштириб, Жаку Барлос билан Аббос Баҳодирга етиб оларкан.

– Ҳозир душманнинг боши қотиб қолди. Темурбек қаёққа кетди-ю, биз қай томонга йўл олдик, билмайди. Кучини бўлиб, икки тарафга от қўймаса керак, – жавоб қилди Жаку Барлос.

– Улар ўзларича Темур лашкаримиз кўплигидан чўчиб, Бухоро томон юрди, Бухоро қалъасида ҳимояланмоқчи деган ўйда бўлиши мумкин. Сабаби ҳеч бир кўмондон Темурбек каби оз қўшин билан кетиб, асосий кўшинни қолдирмайди. Айниқса, бундай оғир жангдан сўнг, – гапга қўшилди Аббос Баҳодир.

– Шунинг учун ҳам у Темурбек-да. Кўрдинг-ку, Абдулла билан Мубашширни олиб Қарши қалъасини тинтиб чиқди. Шунақа лашкарбошини эшитганмисан? – Жаку Барлос Аббос Баҳодирга қаради. – Жавоб бер, эшитганмисан? – деди такрорлаб.

– Йўқ! – деди Аббос Баҳодир.

– Саломат бўл! Бунақаси ҳали дунёга келмаган. Уни ҳақиқий бир жанг қилганини Хоразм тарафда кўрдиму ҳайратдан қотиб, савашаётганимни унутаёзибман. Сал қолди амир Тўкал келиб, бошимни Хоразмнинг қовунидек тенг иккига бўлишига. Дўстим амир Сайфуддин жонимга ора кирди. Зўрға отнинг тагига ўзимни олиб, қутулиб қолдим. У ҳар ёриб кирганида саккиз-ўн нафар сипоҳийни сафдан чиқарар, ортида келаётган навкарларига:

– Отларни ўлдирманглар! Керак бўлади! Бу галварсларни деб отларга жабр қилманглар! – дея қичқирарди. Унинг бу ҳайқириғини эшитган ёғий лашкари, демак, ҳали замон асирга тушар эканмиз, отимиз уларга асқотар экан-да, дея дуч келган саксовулнинг орасига ўзини ура бошлади. Биз тўп-тўп отларни ҳайдаб уюрга қўшавердик. Лекин буюрмади. Отларни туркман дўстларга бериб юбордик. Бир-биримизни йўқотиб қўйдик. Унда Темурбек яраланмаган, икки қўлида баробар қилич чопар эди. Ё Худо! Тавба! Икки қўли баробар қилич чопар, оёқлари билан эса тепиб ёғий отини ағанатиб юборарди. Рақиб ўн бора қилич силтаганда, у бир марта сермар ва бир ёғийни сафдан чиқарарди. Кучини тежар, шу боис жангдан сўнг ҳам чарчамай, ўлжани адолатли тақсимланишига бош-қош бўлди.

Қўшин Бухорога етиб қолган эди. Шаҳар ҳокими Маҳмудшоҳ ва ноиб Али Ясурий лашкарни расм-русуми билан кутиб олиб, Бухоро қалъасини топширдилар. Шаҳарга ерлашган қўшин жангга ҳозирлик кўра бошлади. Қалъа деворлари кўздан кечирилиб, тегишли тадбирлар кўрилди. Ортда қолган хуфялар амир Ҳусайннинг Бухоро сари отлангани хабарини келтирди. Амир ва лашкарбошилар кенгашмоқ учун тўпландилар. Машваратга Жаку Барлос раислик қиларди.

– Иншооллох, биз Бухоройи Шариф ҳимоясида муқим турадурмиз. Ҳимоянинг энг яхши усули ҳужум деганларидек, биз учун энг яхши кураш усули ёғий устига тун босқини уюштирмақдур. Бу ишни мухтарам Маҳмудшоҳ билан Али Ясурийларга юкласак.

Ҳамма бир зум жим қолди. Маҳмудшоҳ Ясурийга қаради. У ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

– Бу ишда биз сиз каби тажрибали эмасмиз, Жакубек! Ҳар ким қўлидан келган ишни бажармоғи лозим. Эрта кунда бирор англашмаслик юз берса амир хазратлари олдида юзимиз шувит бўлмасин, – жавоб қилди Маҳмудшоҳ.

Темурнинг бу икки беги анчадан бир-бирини суймас эдилар. Бундан ўн йил, чамаси, бурун Жаку Барлос Маҳмудшоҳни чўби ясоққа торттириб, юмшоқ ерига етти маротаба урдирган эди. Ўша алам эсига тушиб, Маҳмудшоҳнинг қони қайнаганди.

– Эркак бўлсангиз майдонга чиқасиз-да, – деди сўзи қайтганидан оғринган Жаку Барлос. – Биз ҳам энаминздан жангчи бўлиб туғилганимиз йўқ.

– Мен сенга эркакликни кўрсатаман, энағар! – дея қиличини суғуриб Жаку Барлосга ташланди Маҳмудшоҳ.

Али Ясурий аралашиб, базўр уларни айирди. Машварат ошига пашша тушган эди.

– Сизларга рухсат. Эртагача маслаҳатлашиб, Оллоҳ кўрсатган йўлга тушармиз, – деди Бухоро ҳокими Маҳмудшоҳ дили хуфтон бўлиб.

Юз берган воқеадан у ҳамон ўзига келмаган эди.

Тонг ёришганда Бухорога келган қўшиндан ному нишон ҳам қолмаганини кўрган икки амирнинг боши қотди.

– Халқни оёққа турғазамиз. Лашкарнинг кўнглини оламиз. Дарвоза ва қалъа буржларини мустаҳкамлаймиз. Ҳусайнга қарши курашамиз, – деди лашкар чопонини

кийиб, белини маҳкам боғлаган Маҳмудшоҳ. – Тирик эканмиз шаҳарни ёғийга топширмаймиз. Темурбекнинг олдида не деган одам бўламиз?

Ясурий ҳам шу фикрда эди. Улар амир Ҳусайн кўшинига қарши мардонавор турдилар. Ёғий қайтиб шаҳар остонасини босмайдиган бўлди. Бу воқеани эшитган Темур Жаку Барлоснинг Бухорони ташлаб чиққанлигини ҳам кечирди. Жаку Барлос, Аббос Баҳодир ва амир Сайфиддин бошлиқ кўшин Мохонга, Темур ҳузурига етиб келганди. Темурга эса лашкар сув ва ҳаводек зарур эди.

Темур минг уч юз олтмиш олтидан олтмиш еттига ўтар қишни Мохонда ўтказди-да, баҳор келиши билан ҳаракатга тушди. Олти юз навқари билан ўша, Қарши қалъасини олгандаги Бурдалиқ кечувидан ўтди-да, Жўйборда лашкар тўплади. Сўнгра кўшини билан тўппатўғри Ғузорга қараб юриб, она шахри Кешни эгаллади.

Амир Ҳусайн ҳам ўн минглик кўшини билан Темурнинг ҳаракатини кузатиб турар, фурсат кутарди. Кўзимунчоқ манзилида қонли жанг бўлди. Темурнинг қўли баланд келди. Лекин кўшин сийраклашиб қолган эди. Бўлмаса, амир Ҳусайнни Соли Саройгача қувиб бориб янчиб ташлаганда, ундан қутуларди. Темурда бу қувват йўқ эди. Унинг кучи амир Ҳусайнни енгишга етган эди, холос. У афсус чекиб, орқа-олдига қарамай қочаётган ёғийни сассиз кузатарди.

Қўли баланд келган бўлса-да, Темурнинг аҳволи оғир эди. Қарши, Кеш ва Ғузор унинг тасарруфида, Самарқанд эса амир Мусонинг қўлида эди. Амир Мусо амир Ҳусайннинг ҳарамидаги, Темур ҳақида илиқ сўзлаган Қозонхон Султонхон қизи Сароймулкхонимнинг ўғай акаси эди. Амир Мусо Қозонхоннинг энг катта хотинидан, Сароймулкхоним эса энг кичик ва суюкли малика Хонзодабегимдан туғилганди. Амир Мусонинг амир



Хусайндан ўлса ўлиги ортиқ. Темур икки ёғийнинг ўрта-сида қолганди. Кенгашиб Кешда амир Тормучоқ билан Тоғайшоҳни қолдирди-да, ўзи Самарқанд томон юрди. Самарқанд вилоятининг икки туманини эгаллади.

Темур лашкарларига дам бериб Иштихонда турганида чопар келди. Амир Хусайн Қаршини олиб, Самарқанд сари келаётган экан. Темур учун барча йўллар берк эди. Энди нима қилади? У лашкарнинг қолган-қутганини йиғиб, Тахтиқорача довони тагидан ўтиб, Туркистон тизмаларига қараб юрди. У Ойқор тоғи этагидаги Ўсмаат қалъасида тўхтаб, Новқа булоғи бўйида черикка дам бериб, режани пиширмоқчи эди...

...Тажанг бўлиб турган Темурнинг олдига Боботурк учиб келди.

– Кайхусрав ва Баҳром Жалойирдан чопар келди, – деди ҳовлиқиб. – Яхшилик аломати, ҳазрат!

– Тез чақир!

Улар билан суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, Темурнинг бу икки дўсти айна замонда минг уч юз қирқ саккизинчи йилда дуғлат амири Пўлодчи ва Чиғатоий Туғлуқ Темур асос солган Мўғулистон хонлиги номидан Тошкент ва Сайрамни сўраб турардилар. Улар Темурга ўз садоқат ва ҳурматларини билдириб, илгариги дўстона муносабатда эканликларини қайд этган эдилар. Темур узоқ ўйлаб ўтирмай оти жиловини Тошкент томон бурди.

Темур Кайхусравни хон куёви, Курагон бўлгани билан қутлади. Мўғулистон хони уни ўз амакиси Ясун Темур ибн Абуканинг қизи Туман Қутлуққа уйлантирган эди. Кайхусравнинг туриш-турмуши ўзгарган, босар-тусари ўзича эди. Ундаги калондимоғликка Темур эътибор бермади. У доимо дўстларини кечирар, нуқсонсиз дўст қидирсанг, дўстсиз қоласан деган нақлга амал қилар эди.

Минг уч юз олтмиш еттинчи йилдан олтмиш саккизинчи йилга ўтар қишини Темур Тошкентда қаршилади. Кайхусрав ва Баҳром Жалойир билан келгусининг ҳисоб-китобини қилди. Самарқанд, Кеш, Қарши ва Соли Саройдаги махфийлардан хабарлар олиб турди. Яссига бориб, Қул Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари қабрини зиёрат қилди ва замони келиб бу қабр устида кўкни ўпгудек бир мақбара қурдиришни дилига тугди. Зангиотанинг қабрини зиёрат этди.

Ўзининг қандай иши юришмаган бўлса чала дўсту, чала душмани амир Ҳусайннинг ҳам худди шундай омади чопмасди. У Мовароуннаҳр вилоятларини шитоб билан эгаллади-ю, бу худудларнинг ҳокимлари, унинг сўзларини тингламай қўйдилар. Қарши, Ғузор, Кеш ва Хисорда ғалаёнлар бошланди. Ниҳоят бу талаш-тортишувлардан чарчаган амир Ҳусайн Қобулшоҳни ёнига олиб, Самарқандни Пўлод Буғага қолдириб, Жайхуннинг жанубий соҳилини кўзлаб, йўлга тушди. У икки дарё орасидан қанча узоқда бўлса, шунча тинчроқ ҳаёт кечирарди. Хуросон тажовузкор Жетадан ҳам, бўйсунмас Темурдан ҳам узоқда эди.

Кайхусрав ҳам, Баҳром Жалойир ҳам Темурга бир мулозим, амир каби эдилар. Баҳром илгариги муносабатини ўзгартирмади. Кайхусрав эса энди биринчи одам мен бўлсам керак дегандек, ўзини у ёқ-бу ёққа ташлар эди. Темур бу хатти-ҳаракатлардан синини бузмади. Дўстнинг ўзига келишини кутди. Сабр-тоқат қилди.

Шу ерда Темур улар гапига кириб бир хатоликқа йўл қўйди-ким, бунинг оқибатида ҳаловати бузилди, тинчлиги йўқолди.

Улар ўзаро маслаҳатлашиб, Мўғулистонга амир Шамсиддин билан амир Ҳожибек ҳузурига ҳарбий ёрдам сўраб Сари Буға билан Оқ Буғани юбордилар. Улар хоннинг ваъдасини олиб қайтдилар. Бу хабарнинг келиши

яна унинг шом тубини қоронғи қилди. Ўзи эсини танигандан бери мўғулга қарши курашиб юрган бўлсаю, буёғи неча пулга тушди? Темурнинг юраги сиқилди.

Боботуркни чақиртириб, юз чоғли хос навкар хамроҳлигида Сайхун бўйида айланиб келишини айтди.

– Навкарлар биздан анча орқада юрсин. Иккимиз суҳбатлашиб кетамиз, – деди Темур Боботуркка.

Улар сахар пайти Тошкентдан чиқиб, кун пешиндан оққанда қадимги Қанғ давлати пойтахти бўлмиш ярим хароба Қанғ шаҳрига етиб бордилар. Темур пиёда айланиб шаҳар тарҳи, қурилишини кўрди, зиндонга кириб бир оз ўтирди. Зиндон жуда салқин эди. Хон ўтирадиган саройга кўтарилди. Бундай юксак кўрғонни авлодлар қандай бино этган экан-а, деган ҳайрат билан шаҳар харобаларини кезди. Минг йиллар давомида авлодларни боқиб келган кафтдек далаларга, олисда, қуёш нурида кўзни қамаштириб жилваланаётган Сайхун дарёсига, унга бориб қўшиладиган Туркув ирмоғига тикилиб қолди. Босқинчилар не-не шаҳарларни ер билан яксон қилганлар, ота-боболаримиз тарихини йўқотганлар.

– Аскар Ҳожибекни танийсан-а? – деди Темур ёнида келаётган Боботуркка.

– Ҳа, танийман, ҳазрат.

– У қадимий қанғли уруғи аслзодаларидан. Катта қанғли, кичик қанғли деган қишлоқлар бор-ку! Дизак, Зомин тарафларда.

– Ҳа-ҳа, биламан.

– Биз турган мана шу қалъа харобалари бундан йигирма аср илгари ташкил топган Қанғ давлатининг пойтахти бўлган. Қадимий, турк имлосидаги битикларимизда Қанхарас деб аталади. Тарих китобларида Қанғли ва Қанғха деб аталган, Турон еридаги қадимий давлат ҳисобланган. Бу давлат доимо турк халқларининг чин босқинчиларига қарши курашига бошчилик қилган.

Чин манбаларида Кангюй қайд этилади. Кушон подшолиги тузилганда ҳам у кучли бир салтанат эди. Сопол қувурларда қалъаларига сув олиб келишган. Буларнинг Сари қанғли, Қора қанғли, Қизил қанғли, Бобо қанғли, Олтмиш қанғли ва Бўка қанғли каби уруғлари бўлган. Ўтмишдаги улуғ боболаримиз булар. Уларнинг давлати етти-саккиз юз йил яшаган. Сўнгра бутун Турон ўлкаларига, асосан Хоразмга, Андижон, Самарқанд ва Тошкент атрофига тарқалиб кетганлар. Хоразмшоҳлар замонида ҳам улар билан ҳисоблашишган. Бундан икки-уч юз йил бурун уларнинг катта қисми Салжуқийлар давлатига ва Ёйиқ дарёси ирмоқлари атрофига кўчиб кетганлар. Қара, улар кетиб ўзга юртларда салтанатлар қуриб юрибдилар. Она юртлари эса бу аҳволда. Элимизнинг не буюк фожиаси бу.

Юр, энди қадимий Банокант шаҳри харобаларига бо-рамиз. У ерни кўриб, янада дилинг куяди, – деди Темур Сайхунга термилар экан, сўнг ёдига нимадир тушиб, чехраси очилди, – Яссавий ҳазратлари қабрлари бошида ётиб қолганимда бир туш кўрдим.

Оқ либосли пайғамбарсифат бир инсон мени бўтана дарёдан қутқариб қолди. Демак, ишларимиз ўнгланиб кетади.

Темур тушни сувга айтмоқликни раҳматли онасидан ўрганган эди.

– Оллоҳ яхшиликка йўйсин! – деди Боботурк севи-ниб. – Бизнинг боғларга ҳам баҳор келмоғини кутавериб ичикиб кетдик, ҳазрат! Сўзингизга фаришталар омин десин! Кимлар ўтмаган қутлуғ ерларни босиб турибмиз. Менинг ҳам кўнглим тўқ, саодатли кунлар келишига ишонаман, мен ҳам туш кўрган эдим. Лекин сизга ай-тишга андиша қилган эдим. Оқ отда самода учиб юрган-

мишсиз. Таъбирини ўзим билсам-да, ўн бир таъбирчидан сўрадим.

– Нима дейишди? – қизиқди Темур.

– Устозинг дунёда ҳеч ким эришмаган шон-шуҳратнинг соҳиби бўлади дейишди.

– Тушда учмоқ шуҳратдир, – деди Темур Боботуркнинг самимийлигидан таъсирланиб.

– Тангри ҳаммасини кўриб турибди. Бизни дар қолдирмайди, – деди Темур аллақандай залворли, ишончли овозда. – Фақат унинг бу марҳаматига муносиб қавм ўлмоғимиз лозим. Акс ҳолда берганини ўн баробар қилиб қайтариб олади. Бирлашмаган қавм бирлашган аҳил ва иноқ улусларнинг шикори, ўлжаси бўлади. Улусимизнинг боши қўшилишига монелик қилаётган қавмлар биздан сўнг ҳам бу ғайирликларини қилаверадилар.

Темурни оғир ўй босиб тепалик томон пиёда юрди. Отлар жиловини хос навкарга узатган Боботурк унга етиб олди. Темур ерда сочилиб ётган сопол парчаларини териб, тўпламоқ учун Боботуркка узатаркан, яна Сайхунга хаёлчан термилди.

– Биласанми, Боботурк, бундан беш минг, ўн минг йиллар бурун ҳам боболаримиз келиб мана шу дарёга орзу-умидларла биз каби тикилиб турганлар. Ўшанда ҳам дарё худди шундай тўлқинланиб, ҳайқириб оқаверган. Балки ўзанини ўзгартиргандир. Биздан кейин юз ва минг йиллар сўнгра ҳам шундай оқаверади. Гўёки ҳеч нима ўзгармагандек. Худо насиб этса, биз бу ерда фатҳларимиз рамзи ўлароқ бир гўзал шаҳар қурамиз. Оллоҳга белгилики, у неча аср яшар! Банокатдек уни ёғийлар бузиб ташламасин, илоҳим! Турон еридаги харобага айланган минглаб шаҳарларни кўриб, шу фикрга келдим. Ватанимизда ўтмишда қурилган бирорта қадимий шаҳар бутун қолганми? Йўқ, албатта. Бу

туйғуларни ҳис этмоқ азоб, Боботурк! Кечалари уйқум қочади. Яратгандан миллатимизга инсофу иймон тилаб чиқаман. Оллоҳ эса ҳар бир қавмнинг феъл-атворига яраша ризқ-рўз, давлату шавкат ато этар экан.

– Айтганингиз келсин, ҳазрат! Юртимиз энди тўзма-син! – деди Боботурк нима дейишни билмай.

– Чодирларни тикдир, кечаси шу ерда тунаб қоламиз, – деди Темур ҳамон олис-олисларга тикилар экан.

Эртаси куни Темурбек Тошкентнинг етук кишилари ва шайх ул-ислом ила баробар бир машварат уюштирди-да, икки амир Кайхусрав ва Баҳром Жалойир билан бирга мўғуллардан ёрдам сўрашдек хато иш қилиб қўйганини хижолатлик билан сўзлади.

– Амир Ҳусайн билан сулҳ тузмоқ лозиммикан, – деди шайх ул-ислом маслаҳат оҳангида. – Ул кишим Темурбек тарафидан элчи сулҳ таклиф этилса, кўнадилар. – Темурни кўтариб сўзлади шайх ул-ислом.

– Кайхусрав билан Баҳром Жалойир олдида нима деган одам бўламиз? Уларга нима деймиз? – деди Темур баттар афсусланиб.

– Уларнинг ҳам мўғул хонига кўзлари учиб турмагандир. Бирок унинг ёмонидан юрт бошида иш юритаётганлари боис, буни очик айта олмайдилар. Уларни ҳам тушунмоғимиз ва оғир аҳволга солиб қўймаслигимиз лозим, валлоҳи аълам! – деди шайх ул-ислом. – Улар билан сўзлашмоқни менга қўйиб берасиз, амир ҳазратлари.

Ислом аҳлининг мўғулларга муносабати салбий эди. Кўп ҳудудларда ислом динида бўлган кишиларга мўғуллар солган оғир солиқ ҳамон амалда қўлланиларди. Уни Темур бекор қилди ва дин пешволарига ҳеч ким бермаган имтиёзларни берди.

Эртаси куни Темур амир Ҳусайн ҳузурига, Арҳанг саройига элчи юборди-да, ўзи Самарқанд томон йўлга тушди. Самарқанд ҳамон амир Мусонинг тасарруфида

эди. У хатто кўп ҳолларда хонни ҳам, амир Ҳусайнни ҳам тан олгиси келмас, улус амирларидан бўлгани учун димоғи баланд, Чиғатой салтанати жиловини қўлга олишини кўзлар эди.

Темур Самарқандга кирмай Ём ариғи бўйида қўш ташлаб, навқару от-уловга дам бериб турганида, устиларига Ғончи минглари лашкарини етаклаган амир Мусо бостириб келди, бироқ ҳужумга ўтмади. Темур унинг ҳузурига Жаку Барлосни юбориб, амир Ҳусайн хусусидаги кейинги фикрни айтди ва Темурнинг Соли Саройга бораётганига шоҳидлик берди. Амир Мусо Жаку Барлосни жеркиб, ноумид қайтарди.

– Майли, ўзига келиб қолар, – деди Темур вазиятдан чиқиш ҳақида бош қотирар экан ўйга толиб, сўнг давом этди кескин овозда:– Амир Сайфуддин ва Хитойи Баҳодир! Сўзларимни тингланг! – Сизлар ҳозироқ амир Мусо лашкарини айланиб ўтиб, ортидан урасиз. Биз бу тарафдан пешонасидан туширамыз. Не бўлишини шунда кўрасиз!

Темурнинг режаси пишиқ эди. Уруш дамларида у узоқ ўйлаб ўтирмас, ишни шартта-шартта ҳал қилиб қўя қоларди. Лашкарбошилиқ туйғуси уни деярли алдамас эди. Амир Мусо воқеаларнинг бу тусда ривожланишини ўйлаб ҳам кўрмаган, Темурнинг Самарқанд остонасида пайдо бўлиши эса тушига ҳам кирмаган эди. Амир кўч-кўронини йиғиштириб Ғончига қараб қочди. Бироқ Темурнинг қаршисида яна бир катта қўшин пайдо бўлдиким, уларга ҳам дўстона сулҳ учун кетаётганини тушунтириб бўлмади. Бу ўттиз умоқ қўшиндан иборат қораунаслар эди. Кучлар нисбатидаги фарқ жуда катта эди. Амир Ҳусайн ҳузурига кетган элчи Бахшандабек билан амир Ҳусайннинг элчиси Туроншоҳ келиб қолдилар. Туроншоҳнинг қўлида амир Ҳусайннинг Темурга битган

мактуби бор эди. Шу ондаёқ саваш тўхтади. Рақиблар бир дақиқада дўстга айландилар.

Эртаси куни амир Мусонинг сулҳ тузмоқ учун юборган вакили келди. Индинига эса амирнинг ўзи Улжайту Апарди билан бирга ташриф буюрди. Амир Мусо сулҳга амир Ҳусайн номидан имзо чекди. Турон еридаги ўзаро уруш-жанжалларга барҳам берилган эди. Улар Темур билан хайрлашиб, хон ва амир Ҳусайн ҳузурига жўнаб кетдилар. Темур эса узоқ айрилиқдан сўнг Кешга келиб ерлашди.

Сулҳнинг мазмуни шундан иборат эди. Фарғона, Хўжанд, Самарқанд ва Бухоро Темурбек тасарруфида қолдирилиб, Чағониён, Хутталон, Ҳисор, Балх, Тоҳаристон ва Бадахшон амир Ҳусайн қўл остига ўтган эди. Улар ҳарбий-сиёсий борада лозим бўлган ҳолатда бир-бирларига ёрдам беришни ўз зиммаларига олган эдилар. Бу юрт бирлиги ва тинчлиги йўлида қўйилган илк ижобий қадам эди.

Темур Кешда бир муддат дам олди. Зиёратлар ила машғул бўлди. Ҳокиму волийларнинг ҳисоботини тинглади. Ёру-дўстлар билан дийдорлашди. У боғдаги сўрида Қуръони карим тиловат қилиб ўтирганида узоқдан келаётган Акрам дарवेशни таниди.

Боботуркка «кутиб ол», ишорасини берди. Акрам дарвеш Темур

билан кучоклашиб кўришди-да, йиғлаб юборди.

– Не ҳол юз берди, дўстим? Нега йиғлайсиз? – бевозта бўлди Темур.

– Сизни кўриб кўнглим бўшаб кетди. Сиз ҳазратларидан бўлак ҳеч кимим йўқ. Дарवेशларнинг ўтоғаси Турсунбой дов-дир мени барчанинг ҳузурини калтаклатиб, изза қилди. Шу воқеа эсимга тушиб, хўрлигим келиб кетди, ҳазрат! Мени кечиринг!

– Сизнинг гуноҳингиз недур?



– Гуноҳим унга хайрия бериб турадиган нончилар растасидан иккита нон олганим. Нега менга тегишли растадан садақа оласан дея дўппослатди.

– Ё тавба! Дарвешу гадойнинг ҳам садақа оладиган ўз растаси бўлар эканму?

– Шундай деди. Мен ҳам билмас эканман.

– Гапингиз юзда-юз ростми? Эртага тафтишда икки хил чиқиб қолмайдими?

– Сизни алдасам, менинг икки дунёйим куяди, ҳазрат.

– Тавба! Алҳазар! Шоҳнинг душмани шоҳ, гадойнинг душмани гадой!

Темур Боботуркка Самарқанднинг Катта бозоридан Турсунбой дарвешни тутиб келтиришларини буюрди. Эрта шом намозига шу ерда бўлсун дея тайинлади.

– Эртага бу ишни бир ёқлик қиламиз. Ҳозир бориб бир ҳаммомга тушинг. Янги кийимлар беришади. Кийиб ҳузуримга келинг, шом намозини бирга ўқиймиз, – деди Темур уни хос мулозимга топширар экан.

Ўзи яна Қуръон тиловати ила машғул бўлди. Сўнгра бир оз чўзилиб дам олди. Истироҳатдан олдиқ, Уткун Тегин бахшини кечқурунга чақиришларини тайинлади. Темур истироҳатдан тургач, Боботурк Акрам дарвешни олиб келди.

– Ўҳ-хў, ҳиндларнинг султонига ўхшаб кетибсиз-ку! – ҳазиллашди Темур. – Дарвешликни йиғиштирамиз. Элчи қилиб тайинлаймиз сизни энди, Акрамбек.

– Сиз не хизмат буюрасиз бош устига, ҳазрат! Сиз не улуғ ишлар ила машғул бўлиб турганингизда ўзимни бир гадойдан ҳимоя қилинг деб келганим учун ер ёрилсаю кириб кетсам. Айтмоқчи эмас эдим, сизнинг самимиятингиз олдида ўзимни йўқотиб қўйдим. Одатда подшолар олдида раият шу кўйга туша-ди. Минг бора узр тилайман, ҳазрат! Мен ғариб қулингизни кечиринг!

– Бу меҳр ва кўнгли бўшлиқдан, Акрамбек. Худди шундай ҳолат менинг ҳам бошимдан ўтган. Чексиз адолатсизликдан эзилган инсон унинг юзага чиққанини кўрганда шундай аҳволга тушади, – деди Темур меҳр билан сўзлар экан.

– Йўғ-е? Қачон? – ҳайрон бўлди Акрам дарвеш.

– Икки маротаба Туғлуқ Темурхон билан учрашиб хизматига кираётганимда шундай бўлган. Сабаби, у мени дастлаб ўлимга ҳукм қилган эди. Бундан изтироб чекиб, яшириниб юрдим. Иккинчи бор эса амир Ҳомид орқали чақиртириб, яна бошимни силаганда, кўнглим ийиб, кўзим ёшовлаган. Бундай ҳолат Худонинг борлигига, ҳақиқатнинг юзага чиқишига иймон келтириш дақиқаларида юз беради. Сизнинг виждонингизда айни замонда шу ҳис-туйғулар жунбушга келди. Эл тили билан айтганда битингиз тўкилди, – ёқимли табассум билан дарвешга боқди Темур.

– Не ҳодиса юз берганини шу дақиқада мушоҳада этмоққа ақли-идроким ожизлик қилади. Сиз ила дийдор кўришмоқ бахтидан масрурман, Темурбек. Сизга айтар сўзларим-да кўп!

– Яхши. Бугун ўзимизнинг гапларимизни гаплашамиз. Эски қадрдонингиз Ўткун бахшини тинглаймиз. Бир дам олинг. Дарвешлик ташвишларини унутинг. Истасангиз, Самарқандга кетмай, Кешда қолинг.

– Кешда сиз учун муаммо йўқ. Бу ернинг халқи сизни жонидан ортиқ севади. Бироқ минг бир қавму уруғдан иборат бўлган Самарқанд шароити оғир жойдир. Авлодлар қоришиб, қони аралашиб кетган. Ҳеч бирига ишониб, катта бир ишга қўл уриб бўлмайди. Шайх Саъдийнинг бу хусусдаги сўзларини билсангиз керак. Қишлоқларнинг ақли болалари шаҳарларга амир бўладилар, шаҳарларнинг йигитлари эса нон топмоқ

учун кишлокларга кетадилар деганлар. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин шайх ҳазратларини.

– Ғалати сўз экан, – ҳайрон бўлди Темур – Шайхнинг шу сатрлари ёзилган китоблари сизда бўлса беринг, бир кўрай.

– Менда йўғу, топиб беришим мумкин.

– Яхши бўлур эди. Мен ҳам суриштираман.

Боботурк келиб, Ўткун бахши ташриф буюрганини, меҳмонхона ҳозир эканлигини билдирди.

– Биз намоздан сўнг ўтамиз, – деди Темур ва иккиси кўшқда шом намозини ўқишга киришдилар.

– Сиз Самарқанд яқинида яна амир Ҳусайн билан сулҳ тузганингиздан сўнг гап-сўзлар кўпайиб кетди, – деди намозни ўқиб бўлиб, боғ айланарканлар Акрам дарвеш.

– Ҳусайннинг тарафдорлари Темур барибир усиз ҳеч бир иш қила олмайди деган фикрни тарқатмоқдалар. Сиёсатни озми-кўпми тушунганлар – буни сизнинг вақтинчалик тадбирингиз деб билмоқда...

– Бу худди шунингдек амир Ҳусайннинг ҳам вақтинчалик чекиниши. У ҳам ҳеч қачон ҳокимиятни мен билан бўлишмайди, – Акрам дарвешнинг сўзига аниқлик киритди Темур.

– Сиз ундан жуда эҳтиёт бўлмоғингиз лозим, ҳазрат. Қайноғаси амир Мусога яқин бир киши карвонсаройда қора доридан кўпроқ отиб, гуллабди. Ҳусайн яқин кишиларига Темурни тинчитган одамга давлатимнинг ярмини бераман дебди. Ҳеч ким юрак ютиб, бўйнига бу ишни олмабди. Амирнинг ёнида юргувчи қандайдир икки лашкарбошиси бу ишни бизга қўйиб беринг деган-дек қилишибди. Амир уларга бир неча вилоятни, жуда кўп бойлик ваъда берганмиш. Бу ишни зиммасига оладиганларни ҳам топибдилар.

– Вақти-соати етиб бу чуқурга уларнинг ўзи тушади. Мен амирга ёмонлик тиламайман. Худого соламан.

Парвардигори оламга топшираман. Ҳеч бир ноҳақлик ва адолатсизлик жавобсиз қолмагай. Менинг ҳам хатоларим бор. Гуноҳим ҳам етарли. Биринчи хатойим – уни инсон ва давлат одами сифатида тан олмаслигим ҳамда унинг хизматида эмаслигим. Асл қиёфасини билган одам ҳеч қачон у билан дўст, биродар бўлмайди ёки хизматига кирмайди. У ҳатто ўз пушти камаридан бўлган боласига, ҳатто ота-онасига ҳам меҳр беролмайдиган одам. Бундай шахс эл-улус, юртини сева олади-ми? Атрофида билмадим, қанча амиру беги, лашкар-бошию мулозими бор. Бироқ бирортасининг ҳам улус равнақи нари турсин, ҳатто эрта кунига ишонмайди. Ишдан ҳайдалиши ёки зиндонга ташланишини кутиб яшайди. Бир амаллаб тўрт-беш чақалик бўлгач, имконини топиб, ундан қочиш пайига тушадилар. Агар у билан дўст тутунсам, бирга от сурсам, менинг тақдирим ҳам шундай тугайди. Улус қони тўкилмаслиги йўлида сулҳ туздик. Қандай оғир шартларда бўлмасин, сулҳ савашдан афзалдур. Бу сулҳ мени амир билан уруштириб, иккимизни ҳам кучсизлантириб, Мовароуннаҳр тахтига кўз тикиб турган айрим тили ва дили бошқа келгиндиларга ёқмаслиги мумкин. Уларга Темур ҳам, Ҳусайн ҳам халақит беради. Бироқ ҳозир мўғул хавфини бартараф этиш учун биз бирга ҳаракат қилишимиз керак. Мен Мўғулистон хони номидан бутун Туроннинг идора қилишни ҳозир ҳам зиммамга олишим мумкин. Бироқ буни истамайман. Амир Ҳусайн эса бунга рози. Бизнинг фарқимиз шу ерда. Қандай бўлмасин, у Чигатой улусининг ҳукмдорлигини эгалласа бас. Мен эса мустақил, ерлик халқ манфаатини ҳимоя этгувчи давлат тузмоқни истайман. Қалбида, иймонида шу эътиқод бор, бутун ва ойдин кишиларига буни англлатмоғимиз лозим.

– Самарқанддаги ҳозирги вазият шундай, – муддаога кўчди Акрам. – Рухонийлар, аҳли ислом, косибу

хунармандлар сиз тарафда. Бойлар ва юқори табақа кишилари эса уни қувватлагандек бўлиб турибди. Бироқ уларнинг мол-мулкани ким тортиб олмаса шунга дастак берадилар.

– Иншооллох, узоғи билан бир йилда барча муаммоларни ҳал этамиз. Ҳозирча эса беда егуси келган отга беда, арпа егуси келган отнинг бўйнига арпахалтасини илиб турамиз. Сиёсат шундай нарса, аҳмоқнинг бетига аҳмоқлигини очиқ айтиб, ақлини ақли экансан, дея бошга чиқариб бўлмайди.

– Офарин! Офарин! Ҳисоб-китоблари ғоят аниқ, амирим!

– Муҳтарам бахшимиз ҳам мунтазир бўлиб қолдилар. Фикрнинг зўрини ул кишимдан эшитасиз. Қўшиқ айта туриб, сўз билан замбурари каби чақадилар, – деди кулиб Темур айвонда турган Ўткун Бахши томон кулиб боқаркан.

Улар бир-бирларининг истиқболлари сари юрдилар. Кучоқ очиб кўришиб, сўрашдилар.

– Бу улуг дарвешни кўриш учун шоҳлар ҳузурига келиш лозим экан-да, – дея ҳазил қилди бахши.

– Йўк. Бу буюк амирни кўрмоқ учун дарвешлар ҳузурига ташриф буюрмоқ лозим, – жавоб қилди Акрам дарвеш. – Сабаби, Темурбек дарвешдан-да камтарин ва камсукум инсон.

– Бир сирни ошкор этмоғим лозим, муҳтарам Темурбек, – деди бахши хуш кайфиятда. – Мен айтиб юрган қўшиқларнинг юздан тўқсони қардошимиз Акрамбекники. Бироқ шеър ёзишларини инсон зоти билмайди.

– Ё Раб! Ростданми? – ҳайрон бўлди Темур.

Акрам дарвеш бола каби қизариб кетди.

– Яқинда бир янгисини бердилар. Худо хоҳласа, бугун айтиб бераман.

– Э-э, саломат бўлинг-е, Акрамбек. Асосий сирни биздан яшириб юрган экансиз-ку!

Улар кечки таомни еб бўлишгач, қимиз ва қимрон ичиб ўтиришди. Ўткун бахши боя ваъда берган ашула-сини айтди.

...Унга содиқ дўст эмас,  
Бўйни букик қул керак.  
Қони тоза, мард эмас,  
Насли мавҳум, ул керак.

Дашт, сахро етар унга,  
Дема боғу, гул керак.  
Ботири йўқ, юрти вайрон,  
Мулки толон, тул керак.

Ҳақ йўлидан тонди у,  
Билмас ўнгми, сўл керак.  
Бойўғлига чалдевор,  
Илонзотга чўл керак.

Қилич тутган билакмас,  
Унга гадой қул керак.  
Улусни хароб этган,  
Жарга элтар йўл керак...

– Муҳтарам Акрамбекнинг сўзларидан илҳомланган Ўткун бахши ҳам шундай деб турган экан:

Бўтам, менга сен эмас,  
Топилмас аҳмоқ керак.  
Доно бошга урмоққа,  
Гурзидек Тўқмоқ керак.

Эл кўзин очганларни,  
Ўтларда ёқмоқ керак.  
Биз беланган балчиқдан  
Аларга чапмоқ керак.

Кўзингни оч, халойиқ,  
Ҳақ йўлин тутмоқ керак.  
Бирлик алангасини,  
Ёндиргич чақмоқ керак!

Буюк Турон жиғасин,  
Айт кима тақмоқ керак.  
Тангритоғдан денгизу,  
Дарё бўб оқмоқ керак.

Кўзингни оч, халойиқ,  
Ҳаққа ҳам боқмоқ керак...

– Мана сизга шеър у кўшиқ, – деди Темур ўтирганларга. Отангизга балли, дўстим Ўткунбек!

Эртаси куни тушдан кейин Самарқандга кетган хос навкарлар Турсунбой довдирни олиб келдилар. Темур Боботуркка қозини ҳам чақиришни буюрди. Қирғийбурун, ўсиқ қошлари бир-бирига туташган қорачадан келган яхудийбашара дарвеш ўзини Темур оёқлари остига ташламоқчи бўлган эди, навкарлар ушлаб қолдилар.

– Сен – шарафсиз кимса, амалдорлар оёғи остига ўлигингни ташлаш ўрнига инсонларни оёғинг билан кўрсатмасликни ўргансанг кўп яхши бўлур эди! – деди Темур унга қараб.

– Кечиринг, амир ҳазратлари! Худо урди мени! Акрамга зулм қилдим. Гуноҳим бўйнимда! Меҳри кечиринг! – йиғлаб-сиқтарди Турсунбой.

– Сиз не дейсиз, Акрамбек? – дея жабрланувчига му-рожаат қилди Темур.

– Қилмишига пушаймон бўлибди. Гуноҳини бўйни-га олди. Майли, кечиринг! – деди ўксик оҳангда Акрам дарвеш.

– Биз шундай қавммиз! Ёмонликни ҳам, яхши-ликни ҳам тез унутамиз. Кечиринг-кечирмасликни бу ерда ўтирган муҳтарам катта қозимиз ҳал этадилар. Лекин сен менинг бир саволимга жавоб бер. Уй-жойи, бола-чақаси, мол-мулки, ҳеч бир вақоси йўқ, карвонса-ройда яшаб юрадиган, биров берса еб, бермаса қаноат қиладиган шу беозор одамни калтаклатмоқдан му-родинг не? Бу қадар жоҳиллик ва шафқатсизликнинг боиси недур? Кимсасиз инсонларни шунчалик оёқ ости қилиш мумкин деб ўйлайсанми? Ахир, сени Худо уриб дарвеш ҳолига солиб қўйган бўлса? Яна нимани истайсан? Ёки дарвеш ниқобидаги қароқчимисан? Бу бечора одам бир кечада беш фарзанди ва хотинидан ажралиб, шу қўй-га тушган. Билмасмидинг буни сен, баттол! Муҳтарам қози жаноблари, сизда тасдиқласангиз бу кимса бозор ўртасида чўби ясоққа етказилсун ва Мўлтонга бадарға қилинсун!

– Ҳақ жазо! – деди Темурнинг ўнг тарафида биринчи бўлиб ўтирган қози бош ирғаб.

– Ижро этилсун!

Темурнинг қаҳри келган эди. Бундай дамларда унинг ўтқир кўзлари ёниб кетар, важоҳатидан одамлар қўрқувга тушардилар.

– Самарқанддаги Катта бозор қаршисидаги барча дарвешлар сургун қилинсин! Бошлиқлари биринчи нав-батда! – яна амр берди. – Сиз, муҳтарам Акрамбек, бу-гундан бошлаб, девонда бош муншийга ёрдамчи бўлиб хизмат қиласиз! Мажлис тамом!



Темур асаблари жойига келиши учун бир оз тасбеҳ ўгирди-да, орқада серрайиб турган Боботуркка кўзи тушди.

– Туркашбек яқин орадами? – сўради у ҳорғин овозда.

– Шу ердалар. Шошилинч хабар бор деган эдилар.

– Чақир!

– Жайхундан нари тарафда не гап? – сўради Темур Туркашбек киргач.

– Туркистондан кўнгли тинчиган амир Ҳусайн Бадахшон сафарига отлангани сизга маълум эди. Бироқ кун кеча Ҳирот ҳокими Малик Ҳусайн Балх томон лашкар тортганлигини эшитиб, аҳволи паришон эмиш. Бир соатча бурун хабарчи каптарлардан мактуб юборибди. Иккита каптар учиб келди. Мактуб бир хил.

Вазияти оғир шекилли. Ер билан битта бўлиб, сизни қўмакка чорлаётир. Мана мактублари. Ўз қўли билан ёзган. Мухри босилди.

Темур хатни олиб ўқиб чиқди-да, Туркашбекка қайтариб берди.

– Бизга қўйилган тузоқ эмасмикин тағин?

– Тузоқ бўлганида у бу оҳангда мактуб битмасди, менинг ожиз фикримча. Бундай олиб қараганда унинг биз билан курашишга ҳам ҳозир ҳоли келмайди. Қўшини ҳам пароканда. Имконини топса, бизнинг қўлимиз билан ўзига тегишли ерлар ҳудудини кенгайтирса. Унинг ҳозирча бошқа нияти йўқ. У муғомбирона ўйинларини кейинроқ яна кетига жир битгач, бошлаши мумкин. Буни биз ҳисобга олиб қўймоғимиз лозим.

– Яна менга айтишингиз лозим бўлган муҳим гаплар борми?

– Бор, ҳазрат!

– Сўйланг!

– Хос навкарлар, баковулар, жумладан, мулозимлар орасида амир Ҳусайн билан илгари алоқада бўлган, уни танийдиган кишилар бошқа хизматларга олинса. Агар сафарга чиқсак, Кешда қолдирилса. Яъни бошқа бир хизматга буюрилса демоқчи эдим. Сезишимча, бу бизнинг амир Ҳусайн билан сўнгги бор учрашувимиз ва ҳамкорлигимизга ўхшаб турибди. Қолгани яна Оллоҳга равшан.

Темур ўрнидан туриб кетди. Қўли билан махфий бошлиғига ҳовлига чиқайлик деган ишорани берди. Туркашбекнинг мўлжалга урганлигидан ҳайратда эди.

– Фикрларингиз юз фоиз тўғри, Туркашбек, – деди унга оталарча меҳрли овозда. – Хос лашкарга кимни бош этмоқ мумкин?

– Эсон Буғани, – жавоб қилди бир оз ўйланиб тургандан сўнг бош махфий.

– Тавба! Менинг хаёлимга ҳам шу фикр келиб турувди. Бир фикрда эканлигимиз, ишимизнинг барорли келишидан далолатдир. Менга сўйлаган биринчи иш хусусида, кимларни олишимиз ва эски кишиларимизни қаерга ерлаштиришимиз ҳақида бугун оқшомгача ўйлаб, ҳузуримга киришг. Шундай қилинганки, ҳеч ким биздан норози бўлмасин. Бу иш маошига таъсир этиб, бола-чақаси жабр кўрмасин!

– Тушундим, ҳазрат. Барчаси кўнглингиздагидек бўлур.

– Кечқурун ўзингиз ила баробар Эсон Буғани ола келинг. Режангиз хусусида ҳеч нима сўйламанг. Индин йўлга тушамиз. Сафаримиз ҳақидаги маълумот эрта кечқурунгача лашкарга билдирилмасун! Амир юборган хабарларни текшириш учун махсус кишиларни ҳозирок жўнатинг. Йўл хавфсизлиги ўрганилсун.

– Хўп бўлади.

Кўшин отланиб йўлга тушганда Туркаш Жайхуннинг нариги соҳилидан олинган сўнги маълумотларни Темурбекка етказди:

– Амир Ҳусайннинг Бадахшонни тамоман тобе этмоқ режаси барбод бўлган, Малик Ҳусайн Пули чироғ, Маймана ва Шибурғонни босиб, оладиганини олиб, Ҳиротга қайтган. Амир Ҳусайн сизни Қундузда кутмоқда. Амир Мусо эса Балхда турибди. Сиз билан учрашиш истаги бор. Махфийлар маълумотига кўра, сизнинг хизматингизга ўтиб, Ҳусайнга қарши курашиш нияти ҳам йўқ эмас. Ҳусайн билан қариндошлиги туфайли истиҳола қилиб, бу гапни сизга айта олмаётган эмиш. Сиздан таклиф беклаётганмиш.

Дарҳақиқат, Темур Хонободга етганида амир Мусо истиқболига чиқди ва Балхда меҳмонга даъват этди.

– Фурсати келар, – деди Темур лекин сен қарорингни охиригача ўйлаб кўр, – ҳалиям кеч эмас деган оҳангда. – Мени амир ҳазратлари кутаётир. Маҳтал бўлмасинлар.

Амир Мусо Темурни Қундуз йўлидан анча масофагача кузатиб борди ва шу ерда маслаҳатни бир жойга қўйганларидан сўнг бирлашган катта қўшин Бадахшон томон юрди. Улар Ишқашим кўриғига етиб, қўш ташлаганларида Бадахшон шоҳлари, сулҳ тилаб қаршиларида ҳозир бўлдилар. Улар Темур йўлга чиққанини эшитиб, шундай фикрга келган эдилар. Шоҳлар Ҳусайннинг одадини яхши билишарди. Амир ташаккурлар ила совғалару дуру-жавоҳирларни олгани билан, бошда сўзини икки қилгани учун бу шоҳларни азл этишга фармон бериши ҳам ҳеч гап эмас эди. Амир Ҳусайннинг ўзгарувчан феъл-атворидан юрак олдириб қўйган Бадахшону Тохаристон ҳукмдорлари совуқ сувни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолгандилар.

Улар келажакларини Темур билан боғлаш ниятида эдилар. Бу бирлик шунинг учун ҳам лозим эдики, ўнгда

Эрон ва сўлда Ҳинд ҳукмдорлари орқасида катта бир куч турмаган ҳудудларни ҳар замон босиб олмоқ иштиёқида яшардилар. Улар учун шундай куч – Темур Тарағай Баходир эди. Темур бу икки улус учун адолатнинг суянч тоғи эди.

Улар фақат мана шу барлосий лашкарбоши билан англашибгина кечалари ётоқларида тинч ухлашлари мумкинлигини тушуниб етгандилар. Темур ила муносабатлар шуни кўрсатган эдики, маҳаллий ҳукмдорлар доимо ихтиёр ва истакларига кўра салтанат учун черик берад ҳамда хирож тўлар эдилар. Темур уларга ҳеч ким бермаган адолат ва эркинлик иқлимини яратган эди.

## XXIV

*Улуғ йўл кутаётган бўлса,  
сусткашлик жиноятдир.*

### *III. Руставели*

Амир Хусайн ҳурматли меҳмонининг кўнглини олмоқ учун астойдил уринаётган эди. Бироқ Темур бу илтифотларнинг хўжакўрсинга қилинаётганлигини ичидан сезиб, хижолат чекар, ўнғайсизланар эди.

Улар аввал бошда келишилганидек, Бадахшон муаммосини ҳал этиб, орқага қайтмоққа ахдлашдилар. Амир Хусайн кўз тиккан иши битса-да, берган ваъдасини унутгандек, бу ҳақда оғиз очмас; шу мавзуга тақалгудек бўлса, сўзини буриб юборар эди.

Темур чодирини шифтига узоқ тикилганча ўйга толди. Минг бир хаёл билан хузурига Алп Туркашни чақиртирди. Амир атрофидаги одамларнинг аҳволи, руҳиятини сўраб-суриштирди.

– Амирнинг икки режаси бор, – жавоб қилди Туркашбек Темурнинг кўнглидаги гумонни сезиб. – Биринчиси, сизнинг қўлингиз билан Зобул, Бохтарзамин

ва Кобулистонни қайтариб олмоқчи. Иккинчиси, ни-  
яти ўзига урсин, феъли бузуқ. Одамларининг ҳам ав-  
зои ёмон. Бирор киши бу ишга қўл уришни истамаса-  
да, ундан азроилдан қўрққандек қўрқишлари боис ҳар  
нарсa қилишлари мумкин. Лекин сал оёғи тойса, унинг  
атрофида яқинлари нари турсин, ҳатто хотинлари ҳам  
қолмайди. Боиси, у барчанинг жонига теккан. Ҳатто  
хоннинг ҳам. Мана узоқ муддатки, у хонни, ҳожатхонага  
борса-да, бирга олиб юрипти.

Темур оҳиста бош ирғади. Эртаси куни Кобулшоҳ,  
амир Ҳусайн ва Темур ўртасида қўшинларнинг Турки-  
стон тарафга кетиши хусусида суҳбат бўлди.

– Қамариддин отлиғ жета кучайгандан кучайиб бора-  
япти.

Туркистон амирларининг муносабатлари эса ҳар  
доимгидек барчага маълум. Имконини топди дегун-  
ча бири иккинчисининг оёғидан тортса. Юртни ёвдан  
қўриқлаши лозим бўлган асосий куч саналмиш биз, бу  
ёқда айш-ишрат қилиб ётибмиз. Билмадим, охири не  
билан тугар экан, – деди Темур сохта виқор билан ўтир-  
ган хоннинг ҳам, тулкилик қилаётган амир Ҳусайннинг  
ҳам юзига қарамай. – Улар босиб келса, бир жанг ўн  
бўлади. Бир қурбон ўрнига ўн қурбон берамиз. Биз ўша  
тарафда турсак, улар бунга журъат этолмайдилар.

Кобулшоҳ ҳам, Ҳусайн ҳам оғзиларига талқон сол-  
гандек жим эдилар. Ниҳоят, амир Ҳусайн тилга кирди:

– Сўзларингиз тўғри, мухтарам Темурбек. Хеч бир  
эътирозимиз йўқ. Бироқ мамлакат сарҳадларини ҳам  
мустаҳкамламоғимиз лозим деб ўйлайман. Бунинг учун  
мана бу Малик Ҳусайнга ўхшаган муттаҳамларнинг жи-  
ловини тортиб, иккинчи бор бизга тегишли ерларга ўр-  
маламайдиган қилиб кетишимиз керак. Кобул, Зобул ва  
Бохтарзамин ҳукмдорлари биз Жайхун-дан ўн чақирим  
узоқлашишимиз билан Соли Сарою Балхга кўз олай-

тирадилар. Шунинг учун уларнинг белини синдириб, қайта курашга ярамайдиган қилмоқ лозим деб ўйлайман. Акс ҳолда қаерда юрмайлик, тинч ўтира олмаймиз. Яна ўзингиз ўйлаб кўринг. Бу ёғи мана, хон ҳазратлари нима деса, шунга қараб тошу тарозини қўяйлик.

« Орага яна жимлик чўқди.

« – Биз ҳам шул фикрдамиз, – деди анчадан сўнг Кобулшоҳ.

– Сулҳимизда бир-биримизга кўмак шарти бор. Хон ҳазратлари ва сиз шу фикрда экансизлар, мен розиман. Энди рўхсатларингиз ила мен кетсам.

– Яхши. Рўхсат! – деди Кобулшоҳ совуққина.

Хон билан Ҳусайннинг мужмал жавобларидан кайфияти тушган Темур тезгина кўзғалди.

Амир Ҳусайн Темурни кузатиб чиқди. Боғ айланиб, суҳбатлашмоқчи эди. Темурунамади. Оёғи оғриётганини баҳона қилиб, хайрлашди. Бориб, ҳузур қилиб намоз ўқиди. Оллоҳдан тезроқ ватанга қайтаришни ва ҳеч кимга сўйламаган нияти – Мўғулистон босқинчиларига қарши юриш қилиши учун мадад беришини сўради.

Дарвоқе, Мўғул ва Жета босқинчиларидан қутулишнинг бирдан-бир йўли улар устига бостириб бориш эди. Улар бундай бўлишини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шу режа ила мулозимга Эсон Буға ва Алп Туркашбекни чақиришни сўради-ю, лекин уни ҳозирча ҳеч кимга айтмасликка қарор берди. Бу кўп хатарли, бошига ташвиш келтириши мумкин. Шундай қилиш керакки, бу фикр амир Ҳусайннинг оғзидан чиқсин. Бу ҳақда хон гапирса янада яхши. Улардан пишиқ ва тадбирли бўлмасанг, доғда қоласан. Мулозим Эсон Буға ва Алп Туркашбеклар келганини билдирди. Хонага бир-биридан сергак ва барваста икки азамат кириб келди. Уларни кўриб Темурнинг дили таскин топди. Бундай шуурли йигитлар билан дунёнинг истаган бурчагига бориш мумкин, фикр

қилди. Уларга ёнидан жой кўрсатди. Хол-аҳвол сўради. Боботуркни ҳам машваратга чақирди.

– Сизларни чақиришдан мақсад мавжуд вазиятни муҳокама этмақдур. Бу турумимизга не баҳо берасизлар ва не чора-тадбирларни кўрмоқни лозим деб ўйлайсизлар? Шу хусусда фикларингизни билмоқчи эдим? – деди Темур ҳар бирига диққат билан тикиларкан.

Сўзни дастлаб Туркашбек бошлади.

– Самарқанддан олган маълумотларимизга кўра амир Ҳусайннинг одамлари у тарафда тек туришгани йўқ. Амирларининг бу ҳудудларни тамомила бўйсундириб, тантана билан Самарқандга кириб келишини кутмоқдалар. Амир Ҳусайн сизни бир лашкарбоши каби бу тарафда қанча ушлаб турса, улар шунчалик эркин ҳаракат қиладилар. Бизнинг кўмакка келиб, Ҳусайнни кутқариб қолганимизга аксинча тус бермоқдалар. Биз гўё амир ва хонга сиғиниб келган эмишмиз. Шу боис, аниқ бир режамизни айтмоғингиз лозим. Сабаби, улар пинҳона қўшин тўпламоқдалар.

Темур Эсон Буғага қаради.

– Эрта-индин Кобулистонга, Ясурийларни бўйсундирмоқ учун бизни эргаштириб жўнасалар керак, – фикрини қўшди Эсон Буға. – Қўшин орасида шу гап. Амир Ҳусайн йигитларидан бири бизнинг навкар билан айтишиб қолганда «ҳолинг шу экан, биз билан савашишга бало борми! Энди қай томонга биз «ол киш» десак чопасан дебди. Бошқалар ҳам бу гапни эшитибдилар.

– Эртагаёқ бу навкарнинг овозини ўчирамоғимиз. Эгалари ҳам билмайди, – бу сўздан қони қайнаб деди нафсонияти оғригани учун Туркашбек.

Темур индамади.

– Ясурийларни таслим қилиб қайтганимиздан сўнг кетишимизга рухсат берсалар керак, – гап қўшди Боботурк.

– Ўзлари биз билан бирга кетмайдилар деб ўйлайсанми? – деди атайлаб ўзини билмаганга солиб Темур.

– Гап авзойларига қараганда шундайга ўхшаётир, ҳазрат. Амирнинг молия девони бошлиғи қўл остидагиларга қишни шу ерда ўтказиш юзасидан кўрсатма берибди.

– Йўғ-е?

– Афсуски, шундай, ҳазрат. Сиз бир умр буларнинг ёлғону чала ёлғонларига чидаб, қўл силтаб келмоқдасиз. Улар бундан хулоса чиқариш ўрнига янада каттароқ ёлғонни ўйлаб топмоқдалар.

– Гапинг тўғри, Боботурк! Лекин шу пайтгача атрофимда сизлар каби иймони бутун, кўзи очиқ инсонлар оз эди. Ёнимга сизлар қўшилиб, бағримни тўлдирдингиз. Оллоҳдан сизларга узоқ умр тилайман!

Унинг овозидаги ҳалимлик ва меҳрли оҳанг ҳар қандай одамни эритиб, ўзига хайрихоҳ қиларди. У йигитлар билан худди болаликдаги энг яқин, сирдош дўсти каби сўзлашарди. Суҳбат асносида, кўнглига туккан аҳдини очиқ бўлмаса-да, шама тариқасида сўзламакка қарор берди.

– Ясурийлар ишини ҳал этайлик, этмайлик, яқин кунларда Ватанга қайтамиз. Бироқ бу ҳақда қўшин билмасин. Сал ҳиди чиқса ҳам юртни жета ёки мўғул босади. Сиздан узр сўрайман Эсон Буғабек, менинг кўримамни ҳам кучайтиринг. Бу Худодан қайтганлар ҳеч нарсадан тоймайдилар. Толиққаним учун кечалари қаттиқ ухлаб қолаяпман. Биласиз, уйқу ўлим билан баробар. Табиийки, ўлим ҳақ. Бироқ бу хоинлар қўлида ўлмоқ инсонликка ҳақоратдир.

– Кўнглингизни тўқ қилинг, ҳазрат! Сочингизнинг бир тукида тўкилмайди, – жавоб қилди Эсон Буға.



Бир неча кундан сўнг яна бирлашган катта қўшин Ҳиндикуш тоғлари томон йўлга чиқди. Довондан ўтишнинг ўзи ўн кун чамаси вақт олди. Қайтишда ҳам шу аҳвол юз берди. Улар Ясурийларни уч ой деганда тиз чўктирдилар. Балхга қайтганларида қишнинг чиқишига бир ярим ой чамаси вақт қолган, барча баробар юртни қўмсаган эди. Темур сафар давомида, Балхга келиб бирор ҳафта дам олиб, ҳордиқ чиқаргунларига қадар на хонга, на амирга оғиз очиб, бир нима демади. У дўст, сўзида турадиган ўртоқ, лашкарбоши сифатида шерикларининг барча талаб ва истаklarини бажо этган эди. Энди улардан бир нарсани, Туркистон ишларига кўмак этмаса-да, халақит бермасликларини истар эди. Майли, жетами, мўғулми ўзига қўйиб беришсин. Балхда, қолишмаса ундан нарига ўтиб кетишсин.

Махфийлардан олинган хабарга қараганда яқин кунларда мўғуллар Самарқанд томонга келишни мўлжаллаётган эди. Темур чериги бу ердан қанчалик тез йўлга чиқса, уларнинг режасига шунчалик тез путур етади ва юришни қолдирадилар ёки орқага сурадилар. Ҳар икиси ҳам Темур учун қулайлик туғдиради. Мана бу думларсиз эса у ишини пишитиб, ҳисоб-китобини ростлаб олади.

Темур хон билан учрашмай, Ҳусайндан ҳам узоқроқ юриб, ўзини қўшин ташвишлари билан банд каби кўрсатарди. Бироқ амир Ҳусайн ҳар куни оқшом зиёфат уюштирар, собиқ кувёнини ҳоли-жонига қўймай, емакка даъват этарди. Темур иккисидан бирининг охир-оқибат ёрилишини кутарди. Ниҳоят хон Кобулшоҳдан садо чиқди. Улар машваратга йиғилдилар. Шериклариниятидан хабардор Темур сокин ва бепарво эди.

Хондан тортиб барчага айтганини қилдириб ўрганган амир Ҳусайн Темурнинг бу нозик одамгарчилиги андишасини англаб, қадрлаш ниятида эмасди. Уни уш-

лаб туриш, айтганига юритишнинг бирдан бир йўли куч ва тазйиқ ўтказиш деб тушунарди. Темур унинг барча хатоларини кечирар, бироқ номарддигини ҳазм этолмасди. Амир Хусайн буни тушуниб етганида, бўлар иш бўлиб, бўёғи синган эди.

– Бугун муҳим масалалар юзасидан тўпландик, – деди Кобулшоҳ бир амир Хусайнга ва бир Темурга, сўнг-ра қолганларга кўз югуртириб чиқар экан. – Оллоҳга шукрлар бўлсинким, Балх атрофидаги барча худудлар бугунги кунда бизнинг тасарруфимизда. Бу қутлуғ иш учун заҳмат чекиб курашган мухтарам амир Хусайн ва Темурбекларнинг толеини Оллоҳ бундан-да зиёда қилсун. Энди қаршимизда Чигатой тупроқларида салтанат ясо-юсунини йўлга қўймоқ вазифаси турибди.

Кобулшоҳ шундай деб, беихтиёр амир Хусайнга қаради. Одатда барча кенгашларда у биринчи сўзлар, одамлар шунга қараб гапини тўғрилаб, унинг айтганига кўниб, чиқиб кетардилар. Бу анъанани фақат Темур бузиши мумкин эди. Буни хондан тортиб эшик оғасигача яхши билар, шу боис Темурнинг ҳар бир сўзи ва хатти-ҳаракати уларнинг эътиборидан четда қолмасди.

Амир Хусайн мендан олдин сўзламоқчидир, дегандек Темурга қаради. Темур эса барча ишлардан хабардордек хаёл суриб, бепарво ўтирарди. Зийрак амир бугун не қарорга келса-да, Темурнинг эътироз билдирмаслигини, хон билан ўзининг Самарқанд тарафларга боришини ҳам истамаслигини пайқамай қолмади. Хон билан у бу ерда экан, нариги тарафда хон ҳам, амир ҳам Темурдир. Бизлар борсак, унинг обрўсига соя ташлаймиз. Шу боисдан у бир неча кундан бери Туркистонга бирга кетиш ҳақида оғиз очмай, уни тақлиф этмай, ўзини олиб қочиб юрибди. Майли, кўнглига келганини қилсин. Чунки унга сидқидил кўмак этди. Қадрлаш керак. Лекин бошқа иложи ҳам йўқ, у Темурнинг олдида боргани, сулҳ

сўрагани ёки элчи юборгани йўқ. Бу ташаббусни Темурнинг ўзи бошлади. Шундай экан, ҳеч бир гина-кудура-тсиз, аччиқ-чучук гапларсиз унинг, қолаверса, хоннинг сўзларига кириши керак. Иккиси аравани икки тарафга тортса, охир-оқибати аён. Темур бугун буни ўйла-мас-да, эртага чуқур англаб етар. У эса керагидан ортиқроқ нарса қилди. Бутун бошли давлат тирик хони билан биргаликда ҳозир унинг қўлида. Темур буни тан олиши ва унга бош эгиши, хизматида туриши керак. Кўнмаса, ўзига қийин. Амир Ҳусайн осонликча жон берадиган-лардан эмас. Керак бўлса, Чингизхон эплай олмаган иш-ларни бажаради. Жета ва муттаҳам мўғулни изга солиш у қадар мушкул эмас. Лекин ундан-да катта битта тўсиқ бор. Бу ҳам бўлса, мана шу Темур. У тирик экан, Ҳусайнга йўл бўшатмайди. Бунинг чора-тадбири эса битта...

– Оллоҳга шукрки, айни замонда салтанатимиз ҳудуди жуда кенгайди ва тинч-тотув яшамоқдамиз. Барча ҳокимлару волийларимиз итоат русумида турибдилар. Оллоҳ уларга-да инсоф ва тавфиқ берсин. Бизнинг ҳеч кимга ёмонлигимиз йўқ. Ва ҳеч бир кимсанинг бизга ёмонлигида жавобсиз қолмас. Ҳозиргина хон ҳазратлари давлатимиз равнақи учун лозим санаган улуғ ишларни нимадан бошламоқ хусусида барчамиздан фикр сўрадилар. Менинг англашимча, кўп эъозли дўстимиз Темурбек она тупроққа қайтиш ва у ерда юз бериши мумкин бўлган турли нохушликларнинг олдини олиш лозимлиги ҳақида бир неча бор, жумладан, олдинги кенгашларда ҳам сўзлаган эдилар. Бу жуда тўғри, ҳисобга олиниши керак фикрdir. Модомики, бугун салтанатимиз ҳудуди маъносиз уруш-жанжаллардан холи экан, биз ободончилик ва қурилиш-таъмир ишларига эътибор бермоғимиз лозим. Мисол учун мана шу муқаддас шаҳримиз, куббат ул-ислом дея аталмиш Балх шаҳри бобомиз Чингизхон замонидан бери ярим вайрона ҳолатида ётубди. Биз хон

ҳазратлари бошчилигида мана шу каби савобли ишларни бажариб, салтанатнинг бу тарафини ушлаб турсак. Темурбекнинг ёнларига амир Мусони қўшиб, Туркистон тупроғига кузатсак. Муҳтарам Темурбек ва амир Мусо каби шавкатли одамларимиз у ердаги юмушларни қўлга олсалар. Хон ҳазратларининг ҳам, менинг ҳам кўнглимиз тўқ бўлар эди. Яна бирор жўяли фикр қўшимча этсангиз марҳамат. Бу ёғи хон ҳазратлари не десалар, шу бўлмай, – дея сўзини тугатди амир Ҳусайн.

Темур бу сўзларга эътибор бермай, этагини силтаб она-тупроқ томон жўнаб кетавериши мумкин эди. Унинг вужудидаги иссиқ қон ва тезоб феъли сукут сақлаб ўтиришга йўл қўймади.

– Хон ҳазратларидан ҳам, амир Ҳусайнбекдан яхши, жўяли сўзларни эшитдик, – деди Темур хон ва амир Ҳусайн ўзлари билмаган ҳолда мушкулини осон этаётганларидан қувониб. – Айниқса, амирнинг юз эллик йилдан сўнг боболари Чингизхон вайрон этган, ер юзидан йўқ қилиб ташлаган шаҳарларни тиклашга қарор қилганликларини муборақбод этмоқ керак! Ҳали бирорта хон ёки амир бу каби улуғ ва савобли ишга қўл урмаганди. Мен бу ерга келмасимдан бир неча кун бун Сайхун бўйидаги Қанғ ва Банокант шаҳарлари харобаларини кезиб, бу шаҳарларни қайта тиклаш ҳақида ўйлаган эдим. Ўтмиш тарихимизда Сайхун бўйида ана шундай ўттизта катта шаҳар бўлган. Савобнинг катта кичиги, эрта-кечи бўлмайди. Сизларга хайрли кунлар! Бизга оқ фотиҳа берасизлар!

Амир Ҳусайнга унинг «боболари Чингизхон вайрон этган ер юзидан йўқ қилиб ташлаган» деган сўзи оғир ботиб, Темурга ёзғириб назар ташлади. Лекин сўз айтишдан ўзини тийди. Қўлларини мушт туғиб, тишини тишига босди.

Хон амир Ҳусайннинг бир қалқиб тушганини кўрса-да, оғиз очиб, Темурга бир нима демади. Машварат қандай совуқ бошланган бўлса, шундай тугади. Бироқ шу куни олинган хабар хонни ҳам, амир Ҳусайнни ҳам саросимага солди. Мовароуннаҳрдаги чопари юртни мўғул босганини айтиб келди.

Буни эшитган Темур энди хон билан амир Ҳусайн ҳам Туркистон сафарини ихтиёр этиб қолса керак деб тусмоллади. Бироқ улар бунга журъат этмадилар. Ўзлари-ча Темурнинг мўғул билан тил топишиб кетмаслигини назорат этмоқни амир Мусога топшириб, икки минглик кўшин билан уни Темурга қўшдилар.

Кўшиннинг Балхдан чиқиши байрам бўлди. Навкарлар она юртларини, оилаларини соғинган эдилар. Кечаю-кундуз от устида ухлаб юрмоққа ҳам рози эдилар.

Темур отда хаёлга чўмган, ўнг томонида Эсон Буға сўл тарафида эса Алп Туркаш билан Боботурк боришарди. Улар ҳурмат юзасидан бир неча қадам орқада юришар, Темурбекнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўздан қочирмас эдилар. Бош қўмондон сўл қўлини кўтарган эди, Туркашбек отини ниқтаб етиб келди.

– Янгилик борми? – сўради Темур ҳорғин оҳангда.

– Бор, ҳазрат!

– Сўйланг!

– Жета кўшини Тошкентга келиб тушган. Бироқ лашкарбошилар ўртасида ихтилоф мавжуд. Қарамақаршилиқ бартараф этилса, улар шу ерда қишлоқчилар.

– Бартараф этилмаса-чи?

– Унда икки йўл бор. Бири ортга қайтиб кетиш, иккинчиси ҳужумни давом эттириш. Табиийки, ҳужум биринчи навбатда Самарқанд томонга бўлади. Уларнинг икки кўзи шу тарафда.

– Яхши. Биз Ойқор тоғлари этагидаги Новқа ва Қорақишлоқ манзилларида қишлаймиз. Қиши мўьта-

дил, дарё бўйи. Овга қулай ерлар. Хонбалиқ есак ҳам тирикчилик ўтади, – деди Темур юртни соғинганини яширолмай. – Уруш-жанжал ҳам жонга тегиб кетди. Қўй боқиб, дала-даштларни беармон кезгим келяпти. Бироқ ихтиёрим ўзимда эмас, давр, вақт, воқеа ва ҳодисаларнинг асири бўлиб, эргашиб юришга мажбурман. Менинг орқамдан эса сизлар каби минглаб инсонлар ҳалак. Лекин бу азоб-уқубатлар беҳуда кетмагай.

Темур Тошлоқ (Сангзор) дарёсининг ўнг соҳилига Туркистон тизма тоғларининг Ойқор чўққиси кафтдагидек кўриниб турадиган ерга хос ўтовини тиктирди. Темур саропардасидан маълум бир масофада амир ва лашкар бошлиқлари ўз чодирларини тикдилар. Назарида бу водийда тоғ ўнг ва қулай тургандек эди. Кешда эса у чапда, қуёш кишининг қоқ пешонасидан уради. Бу ерда эса қуёш тонг отгандан анча кейин, аввал тоғнинг нари тарафини илитиб, ёритиб, сўнг бу тарафга ўтади. Бу эса лалми деҳқончиликка қулайлик туғдирар, булоқлар суви сероб, суғорилмайдиган экинлар қувраб қолмасди. Ундан ташқари бу тоғлар этаклари бошдан-оёқ неча минг йиллик қалъалардан иборат бўлиб, Темур бу ерларни кезишни яхши кўрар, тарихчилари билан бирга қайси тепалик, қайси давр ва қайси салтанатга алоқадорлигини аниқлашдан завқ оларди.

Бир неча кундан кейин Самарқанддан келган чопар хон билан амир Ҳусайннинг Кешга яқинлашаётгани хабарини етказди. Улар ортингдан йўлга чиқамиз дея айтишмаган эдилар. Бу ерда бир гап борга ўхшайди, ўйлади ўзича Темур. Охир-оқибатда улар мени бир ёқлик қилишади ёки мен уларни деган хаёлга борди, Ойқорнинг тимсоҳ шаклига кириб қолган музликлари ва янги қор ёққан қояларига тикилиб.

Воқеалар Темур кутгандек тус ола бошлади. Тошкентда турган мўғул қўшини орасида келишмовчилик

туғилиб, бир кун ўзаро савашди. Ундан сўнг Қамариддин, Кўппак Темур ва Шировул одамлари билан Ҳожибекнинг кишилари жанжаллашиб қолдилар. Бирлашган уч лашкарбоши тунда Ҳожибекни ташлаб, Мўғулистон тахтини эгаллаш иштиёқида ортга қайтдилар. Яккаланиб қолган Ҳожибек ҳам шундоққина бурни остида турган

Темур кўшинидан ҳайиқиб, эртасига уларнинг кетидан эргашди. Худди шу фурсатда Кешдан, хон Кобулшоҳдан келган хабар Темурни яна орқага қайтишга мажбур этди.

Темур Кешга келгач, хон уни Бадахшонга чорлади. Кобулшоҳ билан амир Ҳусайн Жайхундан ўтиши билан Бадахшон шоҳлари Балхга бостириб кириб, Қундўздан Хулмгача бўлган вилоятларни талаган эдилар.

– Биз у томонларга сўнгги бор кетмоқдамиз ва шу сафардан сўнг йўлимиз айри тушади, – деди Темур хузурига Эсон Буға ва Туркашни чақириб. – Ғанимлар турли суиқасд, жанг пайтида бирор-бир фалокат уюштириш билан мендан қутулмоқчи бўладилар. Бироқ уддасидан чиқа олмайдилар. Кўрасиз, дўстларим. Бадахшонга ҳам, бирор балою қазога учрасин дея мени юборадилар. Уларнинг қора ниятлари ўзига ўради. Биз хушёрлик ва зийрак бўлмоғимиз керак. Лашкаримиз ўзини сафар ва жанглар давомида шундай тутмоғи лозимки, ҳеч ким биз ҳақимизда бирор оғиз ножўя сўз сўзлай олмасун. Улар бизни жазоламоқ учун ҳам ҳар бир нуқсонун камчилигимиздан фойдаланадилар. Амирнинг хос навкарлари ва қўриқчилари орасида камида тўртта одамимиз бўлсин. Уларни жойлаштириш учун қанча маблағ кетса, хазинадан олинг. Биз уни заҳарлаб-нетиб ўлдирмаймиз. Бу эрлар иши эмас. Лекин у анчадан бери бу ишни амалга оширолмай овора.

Бу сафаримиз давомида у сўнгги имконият ва чораларни қўллайди. Бизнинг ёлғиз суянчимиз ва илинжимиз Оллоҳдан! У бизни қўриydi!

Икки ёрдамчи ҳам оҳиста бош ирғаб, Темурбек сўзларини диққат-эътибор ила тинглаб турдилар.

– Изн беринг, олий ҳазрат. Бу малъун кимсани ўртадан кўтариб ташлайлик, – деди ниҳоят Туркашбек.

– Йўқ, Туркашбек, бундай йўл тутмоқ айб, буюк гуноҳ. Бу иш саваш майдонида юз бермоғи лозим. Оллоҳ олдида, виждонимиз олдида соф қолмоғимиз шарт! Бу хусусда менга бошқа оғиз очманг! Темур ундай одам эмаслигини билмоғингиз, англамоғингиз керак! Биз қанчалик бир-биримизни билсак, шунчалик бир-биримизга меҳр қўямиз, ишимиз енгил кўчади. Кўшинга етказинг! Эрта-саҳарда Жайхун йўлига тушамиз! Яна қайтиб келмоқ учун ота тупроқдан кетамиз! Инсон зоти дийдорнинг кадрига етмоғи учун ҳам айрилиқ нелигини ҳис этиб турмоғи лозимга ўхшайдур! Энди боринглар. Дам олинглар. Киши сафар олдидан руҳи тиниқиб ухламоғи лозим.

Лашкар бир-бирини қўллаб, Жайхун сари йўл олди. Амирлар дарёдан ўтгандан сўнг ясол тузишга келишдилар. Темур иложи борича хондан ва амир Ҳусайндан узоқроқ юрар, гаплашадиган гап қолмаган эди. Уларнинг ҳам Темур ила ош-қатик, апоқ-чапоқ бўлиб кетишга бетлари йўқ эди. Ўртада фақат андиша ва сулҳга амал қилишдек нозик муносабатлар ҳукмрон эди.

Жайхунни кечиб ўтгач, соҳилдаги ялангликлар, соясалқин тўқайларда лашкарнинг бир оз ўзига келишига имкон берилди. Навкарлар, егулик ва ичгуликларини ҳозирлаб, ямоқ-ясқоқларини тартибга келтирдилар. Отларни сараладилар. Қурол-яроғларни кўздан кечириб, қайраб олдилар. Сўнгра баронғор, жавонғор ва ғулни тартибга келтириб, Бадахшон сари юзландилар.

Амир Ҳусайн тезроқ бу исёнчи шоҳларнинг таъзирини беришни истар, қўшинни дам олишига ҳам имкон бермай қичаб юришга даъват этарди. Бу ҳаракатлар Те-



мурнинг нафсониятига тегди. Хусайннинг чопарлари ҳовлиқишиб келиб, Темур қўшинлари қисмларига «ата-ла ичганмисан!», «ноң еганмисан; отни қамчиласанг-чи!» дея амирлар ва мингбошилар олдида тап тортмай, бақиришарди. Темур улардан бирини туттириб келтирди.

– Ҳа, бакироқ, нени истайсан? – сўради жаҳли чиқиб.

– Қўшин бўшашмай тезроқ юрсин дейишяпти! Шунини сўйламоқдамен! – деди чопар юзидан қони қочиб.

– Ким сенга шу гапни айтди?

– Амир Хусайн ҳазратлари!

– Бизни қандай чақириб келган бўлсанг, амир ҳазратларини ҳам ёнимизга шундай чақириб кел-чи? Кўрайлик, қани қандай бақирар экансан? Ўзинг эса қорангни кўрсатма! Калланг кетади!

Чопар эсон-омон қутулганига шукр қилиб, ўз лашкари томон учиб кетди. Кўп ўтмай Темур ҳузурида қизариб-қумсариб амир Хусайн пайдо бўлди. Бир оз ножўя ҳаракат қилиб қўйганлигини бўйнига олгандек сарғиш мўйловлари ёйилиб, кўзлари янада қисилиб, тиржайиб келарди.

– Узр тилайман, дўстим, бу аҳмоқ чопарлар бизнинг сўзларимизни тўғри англамабдилар! – деди орадаги вазиятни юмшатиш учун отининг жиловини буриб, Темурнинг ёнига келар экан.

– Бизга айтарлик сўзингизни менга етказсангиз қифоя эди, амир ҳазратлари. Бу карнайчиларга ҳожат йўқ. Бир-биримизнинг қадримизга етиб, шарафимизни сақлашимиз ғоят муҳимдир. Бу нарса лашкар руҳиятини кўтармоқ ва унинг қалбига зафар туйғусини солмоққа қўл келур. Гадойнинг ити каби ҳансираб йўл босишимиз шарт эмас. Толиққан лашкар жангга ярамайди. Усиз ҳам йўл азоби, гўр азоби.

Амир Хусайн бошини ирғаганча Темурнинг эътирозларини қабул қилди: Сўнгра уни кўярда-қўймай, хонрижо этмоқдалар, дея бирга юрмоқ учун олиб кетди. Улар ниҳоят Бадахшоннинг Кашм шаҳрига кириб келдилар. Қўшин икки кун тайёрланиб, дам олгач, икки амир сафар режасини муҳокама этмоқ учун Кобулшоҳ ҳузурида ўтирар эдилар.

– Темурбек ёнимизда экан, бизга қолар иш йўқ, – деди шоҳ амир Хусайн тайинлаб қўйган сўзларни такрорлаб. – Худо насиб этса, ул кишимнинг азму жасоратлари яна салтанатимизга зафар келтирғай. Шул қарорға келдикки, биз амир ҳазратлари ила теварак-атрофдан хабардор бўлиб, Кашмда турсак. Муҳтарам биродаримиз Темурбек ёнларига амир ҳазратларининг фарзанди аржуманди Жаҳонмаликни олиб, бузуқи Шайх Али Бадахшоний ва унинг исёнчилари таъзирини бериб келсалар.

Кобулшоҳ шундай деди-ю кўзларини Темурдан, ўтирганлардан олиб қочди. Темур шу тахлитда бирорта фитна уюштирилаётганини, бироқ уларнинг бу қадар очикчасига уни ёвга қарши ёлғиз жўнатиб, ўзлари хавфхатарсиз ерда томоша қилиб туришларини хаёлига келтирганди. Амир Хусайн оғзи ошга етганда қандайдир динининг ҳам, миллатининг ҳам тайини йўқ бир қавм жоҳиллари қўлида ўлиб кетишни ўйлаб, ўзи учун қанчалик шармандали бўлмасин, жангдан қочганди. Илгари у бундай қилмас, бирор-бир тепаликда ҳай-ҳайлаб, сўкиниб турса-да, жангга бош-қош бўларди. Унинг яна бир режаси – Худо кўрсатиб Темурга бирор корихол бўлса узоқроқ тургани маъқул... Бироқ жон жигари, ўғлини қўшиб юборяпти-ку. Яна нима керак унга? Тушган ўлжанинг кўпини у олса.

Темур индамади.

– Фармони олийга бўйсунамиз! – деди мардона овозда. – Ҳузурингизга зафар билан итоат бўйинтириғини

таққан Бадахшон шоҳларини келтирамиз. Кўнглингиз хотиржам бўлсин, ҳазрати олийлари!

Темурнинг буйруғона бу жавобидан амир Ҳусайн бошидан совуқ сув қуйиб юборгандек ҳис этди ўзини. Бу Худонинг балоси жангнинг не йўсунда тугагини олдиндан билади ва доимо айтгани келади. У Бадахшон шоҳларини тиз чўктириб, ғолибона қайтса, яна шуҳрати ортади. Усиз ҳам ҳар бир юриши афсона ва ривоятларга айланиб кетяпти. Карвонни тўхтатиш керак. Кейин кеч бўлади.

Темур хон ва амир Ҳусайн билан очиқ чехрада, мардонавор табассумда хайрлашди. Бундай табассум, бундай кўз қараш ва бундай хатти-ҳаракатлар оддий одамларда бўлмайди, дея ўйлади Темурни кузатиб турган Акрам мунший. У санокли дақиқаларда Акрам дарвешдан Акрам муншийга айланган, ўзининг чуқур билими, болафеъллиги, ҳаёт тажрибаси билан барчанинг бирдек қалбига кирган, ўзгалар учун ўзида йўқ нарсадан-да кечадиган инсон эди. Мунший Темурнинг ҳаёти ва давлат юритув ишларига оид маълумотларни ёзиб юра бошлади.

Темурнинг ўзи ва одамлар билан суҳбатларини кузатиб, бу инсоннинг руҳиятида қандайдир бир илоҳийлик борлигини сизди. У билан гаплашган инсон ҳузуридан қанот боғлаб учиб чиқар ва бу руҳ кишининг вужудини узок муддат тарк этмас эди...

*Турклар диёрига киришинг билан вужудингни сўз билан ифодалаб бўлмас бир илоҳий туйғу қоплайди. Бу юртдан чиқиб кетаркансан, вужудингни ўша илоҳий ҳислар ҳам тарк этади.*

*Ас-Саолибий*

Бадахшон тоғлари ўнгириларидан эсон-омон ўтиб, жанг майдонига етиб боришдаги машаққатнинг ўзи бир савашга тенг. Бу ҳам жанг олдидан лашкар учун яхши бир машқ вазифасини ўтайди, хаёлидан кечирди Темур. Бизга ёмонликни раво кўрганлар ўзлари сезмаган ҳолда келажак ишимиз учун сабоқ бўларли яхшиликлар қилмоқдалар. Бу синовлардан ўтмоғимизни, Эгам лозим кўрган. Темурни бу тарафга жўнатган амир Хусайн аҳмоқ эмас. У бу азоб-уқубатларни яхши билади. Ўғли Жаҳонмаликнинг фақат орқада юришидан ҳам билиш мумкин. Чунки қаршидан не дуч келса аввал Темурга уриларди. Жаҳонмаликнинг ғимирлаб ўралашаётганлигидан энсаси қотган Темур Алп Туркашдан сўради:

– Нега бу бола сутга тўймаган бузоқдек ортимиздан эргашади? Унга бирор вазифа юкланганми?

– Бола отасининг бизга муносабатидан жуда яхши хабардор, – жавоб қилди Туркаш. Бироқ бирор ишга қўл уришга журъат этолмайди.

– Душманингки хас, хас ҳам бўлса бас дейдилар, Туркашбек, – давом этди Темур. – Ёғийнинг катта-кичиги йўқ. Кимса эътибор бермайдиган майда бир душман ҳам киши ақлига келмайдиган разилликни ўйлаб топиши ва амалга ошириши мумкин.

– Шунинг учун ҳам ўзига билдирмай орқасидан икки юз чоғли энг етук навкарлардан қўйиб қўйганмиз. Кўнглингизни тўқ тутинг, ҳазрат.

– Бу бола ўлжа учун келаётган бўлиши ҳам мумкин. Сиз не дейсиз?

– Бадахшон шоҳларининг сиз билан сўзлашувига гувоҳ сифатида қўшгандур. Ўртадаги гап-сўзларни отасига тўлиқ етказиши керак-ку. Шоҳлар сизга; «бизни шу амир Хусайндан қутқаринг, ўлгунимизча хизматингизни қилайлик» деб қолишлари мумкин. Амир бундан қаттиқ қўрқади. Шу боис сизга дум тақди.

– Тўғри, – тасдиқлади Темур. – Бадахшонликлар биз билан астойдил савашмасалар керак. Биринчидан, бунинг уддасидан чиқа олмайдилар, иккинчидан, биз уларнинг ҳимоячисимиз. Бизнинг қўл остимизда турришса, бу атрофдаги турли хил қароқчи қабилалар уларни оёқости қилолмайдилар. Ҳинд хавфи ҳам ўз-ўзидан бартараф бўлади. Улар буни тушунадилар.

– Бироқ ораларида жангари тўдалар ҳам бор. Шулар қаршилиқ кўрсатишлари мумкин, – қўшиб қўйди Туркашбек.

– Нима бўлганда ҳам болага кўз-қулоқ бўлиб турмоқ лозим. Акс ҳолда отасидан тирик умр қутула олмаймиз, – деди Темур Туркашбекка кетмоққа изн бераркан.

Темур кўшинлари Артинж дарасида ёғийни қувиб етди. Узоққа чўзилмаган савашда кураги ерга теккизилди. Бироқ рақибнинг бир қисми тоғ оралаб қочди. Темур уларни қувиб етиш ва маҳв этишни лашкарга топширди. Рақибни яна қувиб кетдилар ва синдирдилар. Улар шоҳи Шайх Али Бадахшоний барча шаҳзодалари ва беклари билан асир тушди. Ўлжа ҳам ёмон бўлмади. Темур каби қахрамонлик кўрсатиш шавқида юрган Жаҳон--малик ҳам бир гуруҳ бадахшонликлар устига от солди. Уларни тор-мор этиб, анча асир олди. Бироқ қайтишида ёғий пистирмасига дуч келиб, боши кетишига бир баҳя қолди. Олти юз аскар ва от йўқотиб, Темур ҳузурига

зўрға етишди. У. билан бирор корихол юз бермаганига Темур суюнди.

Э. Темур бадахшонликларнинг ҳадя ва совғаларини қабул қилиб Жаҳонмаликнинг асир тушган навкарлари ҳамда отларини ҳам қайтариб олди. Асирга тушган бадахшонликларга иззат-икром кўрсатиб, ўз юртларига қайтариб юбортирди.

Бироқ шу пайт кутилмаганда яна амир Ҳусайндан ҳопар келди. Бу амирнинг яна бир найранги эканлиги сезилиб турарди. Чунки эрта-индин Темур Қундузга боради. Ҳамма гапини ўшанда айтиши мумкин. Энг муҳими, иш бу ерда амалга ошса-да, уларнинг кутганидек чиқмади. Темурга тиғ тегмади. Темурнинг бу ғалабасига ҳам амир одатдагидек беписанд қаради. Аммо Темур арқонни узун ташлайди. Амир Ҳусайн ўзидан кетиб, очиқ-ойдин унга қарши курашни бошламаса, тегмайди. Юртда беҳуда қон тўкилишини истамайди. Модомики, уни йўлдан олиб ташлаш лозим экан, бу тadbир юрт тупроғидан ташқарида юз беради.

Ҳопар Шайх Муҳаммад Сулдуз билан Кайхусрав мўғуллар итоатидан қочиб, юртга келганлиги, Кобулхон ва амир Ҳусайн Соли Саройга боришга аҳд қилишганини етказди. Улар Кайхусрав билан Шайх Муҳаммад Сулдузни Темурга қўшилиб кетишидан ҳўчиб, отни қамчилаган бўлишлари мумкин, дея хаёл қилди Темур.

Амир Ҳусайннинг не ишга қўл урса омади келаётган Темурни кўришга тоқати қолмаган, уни алдаб ўша тарафга жўнатиб юбормоқчи эди. Бироқ бу иш ҳам охиروқибатда ўзига яхшилик олиб келмаслигини кўнглининг тубида сезарди. Темур махфий бошлиғини чақиртириб, Қундуздаги аҳволни сўраганда вазият тамоман бошқача эканлиги аён бўлди.

– Ҳон билан амир Ҳусайн Қундуздан бир қадам ҳам жилгани йўқ. Бизга бўлган муносабати ғалабадан кейин

баттар ёмонлашган. Яқин бир одамига сархуш пайтида ҳатто оғзидан «шунча пайтдан бери бир ногирои одамни ҳам бартараф қила олмайсанлар» деган гап чиқиб кетган. Улар бу ишни яқин кунларда ниҳоясига етказишга сўз берганлар. Қундузга келишимизни билиб, режаларини биринчи кечадаёқ амалга оширмоқчилар. Бунга қарши барча чораларни кўриб қўйганмиз.

Темурнинг Кобулшоҳ ва амир Ҳусайн билан учрашувлари совуқдан-совуқ кечди. Хон унга тайинли бир гап айтмади, ҳатто ташаккур ҳам билдирмади. Сенинг ҳам кунинг битибди, деди Темур ичида унинг бу ноинсонлигидан қаҳри келиб. Бу аҳволда иккинг баробар қўшмозор бўласанлар! Оллоҳ жазоингни беражак!

Кечки зиёфат олдидан хон навкарларидан бири Туркашбекнинг фикрини тасдиқлаб, Темурга қарши суиқасд уюштирилаётганини, бу ишни бажариш бўйнига қўйилган навкарлар қочиб келиб Темурга бу ҳақда билдирмоқчи бўлаётганларини айтди.

– Бизни кечиринг, ҳазрат. Биз бу каби қабиҳ ишга қўл уролмаймиз! Иложини қилиб, мени ва дўстларимни бу икки аждаҳо домидан халос этинг! Ўлгунизмизча хизматингиздамиз! Агар бизга ишонсангиз, – деди ўзини Доئابек Қипчоқ деб танитган хоразмлик навкар титраб-қақшаб.

– Буларнинг истагини бажо келтириб, хавфсизлигини таъминланг! – буюрди Темур Эсон Буға билан Алп Туркашга. – Муносиб йигитлар бўлса, тузимизни еб, ёнимизда юришсин! Улардан ҳеч нарсани аямаймиз!

Орага жимлик чўқди. Махфий хизмат йигитлари хоннинг хос навкарини олиб чиқиб кетгач, Темур сўзида давом этди:

– Биз қўноқ бўладиган чодир атрофини қирқ йигит ўраб турсин. Яна қирқтаси кўринмасдан, каттароқ ҳалқа олсинлар. Етти нафар энг бақувват йигитлар мен билан

бирга чодирга кириб икки ёним ва орқамда ўтирадилар. Чодирнинг мен ўтирган жойининг орқасида ҳам бизнинг йигитлар сергак турмоқлари лозим. Уларнинг одамлари йўлатилмасин. Бу ишга бош қўшган кишилар ўша жойининг ўзида йўқ қилинсин.

Амир Ҳусайн йигитлари чошиб ташлангани, курулсизлангирилгани ва калтак еганини билгач, тахтага айланганча чодирда бақа бўлиб ўтириб қолди.

Эртаси куни Темурнинг кўзига тик қаролмади. Балх қурилишини баҳона қилиб, хонини олганча тезликда жўнаб кетди.

Темур ҳам қўшинга Кешга, она тупроққа қайтишни эълон қилди. Улар Жайхундан кечиб ўтганларида Амир Муайяддан чопар келди. Амир Муайяд ўз мактубида шундай деган эди: «Мухтарам инимиз Темурбек! Сизни Бадахшон зафари ила қутлаймиз! Сизни бу савашга юборган имонсизлар меҳнатингиз қадрига етмайдилар! Бундан афсус чекманг ва тезроқ она туп-роққа етиб келинг! Сизни бу ерда садоқатли дўстларингиз ва хизматингизга бел боғлаган жасур саркардалар амир Мусо, амир Довуд, Сари Буға, Ҳусайн Баҳодир ва камина ўз қўшинларимиз ила кутмоқдамиз! Ўла-ўлгунча сизнинг хизматингизда бўлажакмиз! Сизни Буюк Турон Амири дея эълон этажагимиз кун яқиндир! Салом ва садоқат ила Али Муайяд Арлот».

Хатни ўқиган Темурнинг кўнгли ийиб кетди. Бош манзил томон бир қадам қолган эди...

Барчасига Оллоҳ шоҳиддир! У ҳақ бандаларини карамидан дариг тутмас!..

Яхшидир-ёмондир, очдир-тўқдир, тонг отар, кун ботар, умр ўтар эди...



*Ясоқни ўзига қурол қилиб олган хоқон  
қўрқоқ қулдир. У ўз уқувсизлигининг асиридир.  
Култегин тош битикларидан*

У болаликдан куз фаслини яхши кўрарди. Негадир баҳорнинг ёш хонимлардек жилваларини юрагига сиғдира олмас эди. Куз ғамгин, дардли, мақсадлидек туюларди назарида. Айниқса, қовжираган барглар тўкилган Самарқанд ва Кеш боғлари армон ва ҳасратнинг хазонга айланган шаклиларига ўхшарди. Инсон умри бир тутамдир. Кўз очиб юмгунча ўтади-кетади.

Она тупроққа кириб келаркан, оқ отига минган Темур ғамгин хаёл сурарди. У энг яқин дўсти бўлган ва энг хавfli душманига айланган амир Хусайнни руҳан ва маънан синдирган бўлса-да, кўнгли хотиржам топмаган, безовта эди. Ҳали сўнги ҳукм ўқилмаган! У ҳам жим ўтираётгани йўқ. Иту битнинг қўлига қурол тутқазиб, машқ қилдира бошлабди. Атрофини ўраган, бир кепакини кам берсанг думини тутишга тайёр бу амиру лашкарбошилар ёнида охиригача тура олармиканлар? Темур буларнинг сотқинлигига ҳам кўникиб қолди. Жаку Барлос ҳазил билан сўйлаганидек, ўзи келар ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр! Одам боласининг юзи қаттиқ бўлса ёмон экан. Виждонли кишилар ҳатто ҳайвонлар олдида ҳам бирор ножўя ҳаракат қилмоққа уяладилар. Одамлар эса... Оллоҳ тўзим берсин!

Темур кейинги ўн йилда илк бор қишни тинч ва осойишта, душмандан хавф-хатарсиз Кешда ўтказди. Қадрдон ғорига чиқиб келди. Ўтган кунларни эслаб, келажакнинг режасини пишитди. Унинг асосий иши атрофига энг садоқатли амиру лашкарбошиларни тўплаш бўлди. Буларсиз катта лашкар йиғиш мушкул эди. Бу

муҳим ишни у расман Жаку Барлос билан амир Муайяд-га, норасман, яъни махфий усулда шуғулланишни Эсон Буға билан Алп Туркашбек ва Боботуркка топширди. У бу уч садоқатли одам билан кенгашлар олдидан ва сўнгида ҳам алоҳида суҳбатлашар, барча фикрларни тарозига солиб кўрарди. Халқ кўз ўнгидаги амирлар Темур сиёсатининг тарғиботчиси ва бевосита ижрочиси эдилар. Кўпчилик билиб-билмайдиган бу уч нафар садоқатли амир эса Темур бошчилигида барча режани тайёрлагувчилар эдилар.

Ниҳоят, кекса амир Жаку Барлоснинг бир ярим ой елиб-югуриши беҳуда кетмади. Кайхусрав билан Шайх Муҳаммад ўз қўшинлари билан Темур ҳузурида ҳозир бўлдилар. Қўшинлар биргаликда машқларни бошладилар. Кеш атрофига шу қадар катта қўшин тўпландики, унинг учи-қуйруғи кўринмас, бундан руҳи кўтарилган эл ҳам энди абадул-абад келгиндилар зулмидан қутулажагини ҳис этиб, лашкарни топган-тутгани билан сийлар, кўноқ этарди.

Амир Ҳусайн ҳам қараб турмади, неки қўлидан келса қилди. Иттифоқчи излаб Ҳирот ҳокими Пир Али ва Бодхиз ҳокими Муҳаммад қуртга элчилар юборди. Уларни эрта-индин Темур босиб олиши мумкинлигини айтиб қўрқитди. У Темурнинг кучини тўғри баҳолай олмас, ўзгача фикр билдирган амиру маслаҳатчиларнинг сўзини тингламас эди. Энг яқин ёрдамчилари ҳам зарур вақтда ҳузурига кира олмас, муҳим ишлар ҳам ўз ечимини кутиб ётаверарди. У ҳушига келса бировни қабул қилар, ёқтирмаган ёки чақирмаган одами кириб қолса жини кўзиб, оғзига келган гап билан сўкар, ўзини тўтолмай, ҳатто урар эди. Унинг такаббур, ўз ўйлаганидан бошқани кўрмайдиган, руҳан носоғлом ақли ҳаётининг сўнги дақиқаларига қадар тийиксиз ҳис-туйғуларининг қулига айланиб қолган эди.

Ҳал қилувчи кенгашдан икки кун олдин Темур юз чоғли хос навкар билан яна Тошқўрғон томон жўнади. Юз-икки юз газ узунликдаги чуқурнинг илон ва чаёнлар макон қилган каваклариди ёмон кунининг яроғи сифатида асраб қўйилган олтин ва жавоҳирлар сақланар эди. Бу қадар катта лашкарни едириб-ичириш, от-улов билан таъминлаш, саваш давомида етгулик миқдордаги захира тўплаш учун маблағга эҳтиёж сезилган эди. Бу кавакларни икки киши – Боботурк билан Туркаш биларди. Улар бу масалани ҳал этиш баробарида очиқ ҳавода, чўққилар тепасида намоз ўқиб, Оллоҳга ибодат қилиб, ундан зафар сўраб, сўнгги маслаҳатни қилдилар.

– Чингизхон ҳамдунёни олиш олдидан Тангри тоғнинг устига чиқиб, уч кун емай-ичмай, Тангридан кўмак сўраган экан, – деди Темур олачиқ ёзилган сайхонликда кур тортиб ўтиришар экан. – Бизнинг ундан фарқимиз ер билан осмончалиқдур. Биз яхшилик ва сулҳ жо бўлган сўзимизни қабул этган инсон борки, мартаба ва обрўсини кўтарамиз, ёнимизга кирса, дўст тутамиз. Ўз элу юртига зулм ўтказган, ҳажга борувчилару савдогарларга азият берган шоҳу ҳокимларни инсофу адолатга чақирамиз. Сўзимизга қулоқ солиб хулоса чиқарсалар, бошимизга кўтарамиз. Бебошликларини давом эттирсалар, танобларини тортиб қўйишга мажбурмиз.

Темур хос мулозимлари ила пешин намозини ўқиди. Намоз одатдагидан анча узоқ чўзилди. Боботурк ибодат ниҳоясига етаётганда Темурнинг кўзлари ёшовлаганини пайқади. Нигоҳини олиб қочди.

– Мухтарам Туркашбек, диққат-эътиборимиз сизда. Жайхун ортидаги аҳволдан сўзланг. Шунга қараб фикр-мулоҳаза қиламиз, – деди Темур залворли овозда улар қайтиб жой-жойларига ўтирар эканлар. – Бизнинг энг катта дўстимиз не улуғ ишлар билан машғул?

– Олган маълумотларимизга қараганда амир рамазондан сўнгра, яъни тўртинчи ойнинг охирида биз тарафга ҳужум қилмоқчи. Бор имкониятларини ишга солиб, лашкарини кўпайтираётир. Иттифоқчилар топиш нияти пучга чиқди. Курагини ерга теккизишимиз билан ундан бешиб, бошини қай тошга уришни билмай юрган беклари тутиб бизга топширадилар, – дея сўзини тугатди хуфя бошлиғи.

– Маъқул, маъқул, – деди Темур ўйга толиб. – Биз ишни недан бошлаганимиз тузук? Бу хусусда фикрларингизни очиқ-ойдин сўзлашингизни истайман. Тўғрим, нотўғрим, кўплашиб муҳокама этамиз.

Мулозимлар узоқ ўйлаб ўтирмадилар.

– Ёғийни эртароқ ва ўз маконида, жойини солишимиз керак, – фикр билдирди Эсон Буға. – Юрт оёқ ости бўлмайди, раиятнинг ҳаловати бузилмайди. Улар қачон келар экан деб кутиб ҳам ўтирмаймиз.

– Тўғри, – деди Туркашбек. – Уни ўз ерида янчиб ташлаш керак. Муҳтарам Эсон Буғанинг фикрларига менда қўшиламан.

– Хў-ўш, мулло Боботурк. Сиз не дейсиз? – Боботуркка юзланди Темур.

– Мен ҳам шу фикрдаман, ҳазрат. Бироқ эртаги кенгашда ёғийни шу ерда қаршиловчилар ҳам топилади. Айрим амирларнинг мулоҳазаларини орқаворотдан эшитиб қолдим. Ҳарҳолда бу ернинг ўр-қирини яхши биламиз, ёғийни бунда қаршилаганимиз маъқул деб фикр билдиришлари мумкин. Илгариги Қарши ва Кеш муҳорабаси хатосига ўхшаб.

– Ўзига ишонмаган одам бир ўлкадан иккинчи бир юртга қўшин тортиб бормади. Қандайга олиб қарасак ҳам ёғийни юртга йўлатмаслик лозим. Амир ҳазратларини бу ёққа келтириб, овора қилиб юрмайлик.

Ул кишининг Турон юртини шунча оёқ ости қилганлари етар. Демак, қарор шундай.

– Амир Мусодан шубҳам бор, ҳазрат, – деди Алп Туркашбек. – Олган билгиларимизга қараганда хоинлик қилиши мумкин. Лашкари орасида икки хил гап юрибди. Амир Жаку Барлос ҳам шу фикрдалар.

– Амир Мусо-я? Вазиятни кўриб турибди-ку. Энди қочиб ёки сотқинлик қилиб қаерга боради? Биз билан бақамти турипти-ку? – ҳайрон бўлди Темур ишонқирамай.

– Жета ва ё Муғулистонга, ҳарҳолда, Эрон ёки ундан нарига ўтиб кетмас, – жавоб қилди Алп Туркаш.

– Эрондан нарига ўтгани маъқул. Боиси, у ерлар бизнинг қавмларимиз қўлида. Лекин уларга ҳам ўз улусидан чиққан сотқинлар керак бўлмайди.

– Мен сизнинг содиқ навкарингиз сифатида ўз фикримни айтдим. Бу махфия бошлиғи ва касбим тақозоси юзасидан вазифамдир. Унинг юзимизга оёқ қўйишига шубҳам йўқ.

– Буни ҳисобга олмоқ лозим. Шаҳарга боргандан сўнг ёдимга солинг, бу хусусда Жакубек билан-да гаплашайлик. Дарднинг олдини олган маъқул, – деди ўйга толиб Темур.

Улар қоронғи туша бошлаганда тоғдан эндилар. Кўм-кўк бир ялангликда, сой бўйига чодир тикиб, тунадилар. Темур барча йўлдошлари уйқуга кетганда ҳам тиловат қилиб ўтирар эди.

Темур Кешга қайтиб келган кунининг эртасига амирларни машваратга чақирди.

– Майли, юрак ютиб келса, келсин. Шу ерда уни ним-талаймиз, – деди Али Муайяд. – Бироқ илгари бу ишга жазм этса-да, энди юраги бетламаса керак.

– Хоиннинг катта-кичиги бўладими? У табиатан кўрқоғу лекин ақлига келган ишни амалга оширмаса

тинмайдиган ўжар одам, – деди Сари Буға. – Бориб ўша ернинг ўзида унинг суробини тўғрилаган маъқул.

– Жайхуннинг нари тарафида тўсмоғимиз керак, – деди Оқ Буға.

– Йўлга тушсак хабар топади ва қаршимиздан чиқади, – дея гапга аралашди Темур.

– Бу билан босиб борамиз, кўпам гапни айлантираверманглар демоқчи эди.

Темур қўшини минг уч юз етмишинчи йилнинг ўн бешинчи март куни илдам ҳаракат билан йўлга тушди. Қўшиннинг кўплиги ва забардастлигини кўздан кечирган Темур ва ёрдамчиларининг юраги ҳапқирарди.

Жайхунга етгач, қўшин ясол тортмоқ ва сўнги тайёргарликни кўрмоқ учун икки кунга тўхтади. Темур теварак-атроф кўзга ташланиб турадиган ерда марза кўтартириб чодир тиктирди. Атрофига амиру мингбошиларнинг чодирлари тикилди.

– Амир Мусони ғулга қўймоқ хатолиғ бўлармикан дейман, Темурбек, – деди Жаку Барлос Темурнинг бу қароридан норозилигини билдириб. – У муттаҳамга унчалик ишонмайман. Бу билан амир Ҳусайннинг тупроғи бир ердан олинган. Мени айтди дерсиз, у бир хиёнатни болалатади.

– Бошқалар ҳам шу фикрни билдиришмоқда. Лекин оёғимизга бош уриб келган эди-ку! Наҳотки, у шунчалик тез сўзидан қайтади деб ўйлайсиз?

– Қайтади, Темурбек! Мени айтди дерсиз!

– Майли; охирги маротаба уни синаймиз, – деди Темур барибир амир Мусонинг хоинликка қўл уришига ишонқирамай. – Лекин эҳтиёт шарт, чора-тадбиримизни кўриб қўямиз.

Темур Жайхунни кечиб ўтиш олдидан яна бир бор лашкар сафини айланиб чиқди. Чодир утовларни йиғиштиришга буйруқ берилганди. Қўшинни кўздан

кечириб қайтганида барча чодирлар йиғилган, биргина ўзининг чодир бузилмай турарди. Боботурк чодир атрофида айланар ва бўйнини чўзиб нимагадир боқарди. Темур хайрон бўлиб, беихтиёр, отини чодир томон бурди.

– Бу ғалати тирикчиликни қаранг, ҳазрат. Ўтовнинг қасабаси билан туғ боғланган жойига мусича тухум қўйибди. Нима қилишимни билмаяпман? – деди Темурбекнинг яқин келганини кўрган Боботурк.

– Э, жонивор-е, келиб-келиб топган жойини қаранг-а? Бу ҳам бир яхшиликнинг муждаси. Ўтовга тегма. Қўриқчи қилиб уч-тўрт нафар одам қолдир. Токи мусичалар тухумини очиб, полопонини учирмагунча қараб туришсин. Балки унгача ўзимиз ҳам қайтиб келармиз. Келиб, иншооллоҳ шу ерда турамиз.

Темурбек бу воқеада бир илоҳийлик, хайру омад аломатини кўрди. Мусича билан қалдирғоч фариштасиз жойга уя қурмайди, хаёлидан кечди кўнгли таскин топиб.

– Қолганларга бир ойга етарлик озиқ-овқат, от-улов беринг. Бибифотиманинг товуқлари бизни дуо қилсин! Тезроқ ватанимизга зафар туғини кўтариб қайтайлик! – қўшиб қўйди у Жайхун сувини кўкраги билан ёриб ўтаётган ўғли Жаҳонгир Мирзонинг саман отига тикилиб.

Ўғиллари ҳам катта бўлиб қоляпти. Эрта-индин ёнига кири-шади. Ҳар бири бир вилояту худудни сўраб, юкини енгиллатади. Бу сотқину хоин амалдорлардан кўзкўлок бўлиб туради.

Темур шу хаёллар оғушида эканида от чоптириб, Жаку Барлос билан Туркашбек етиб келишди.

– Айтмабмидим сизга, Темурбек! Амир Мусо от қўйганча қўшини билан Самарқандга қараб қочиб кетяпти! Орқасидан қувишним, қувмасликним билмай

хузурингизга шошилдик, – деди Жаку Барлос фиғони фалакка чиқиб.

– Валлох! – деди Темур қошини чимириб.

– Мана Турқашбек ҳам кўрдилар.

– Амир Муайядни чақиринг! – деди Темур қатъий фармон бериб. – Амир Мусо тириклайин тутилиб, хузуримга келтирилсун! – деди Али Муайяд от чоптириб етиб келгач. – Ғулда ўзим бўламан. Суюрғатмиш Ўғлон билан Хусайн Барлос илғорда ва Жақубек, сиз амир Сайфуддин ила жавонғорни юритасизлар! Оллох сизга мададкор бўлсин! Олингиз, олдирмангиз! Омин! Оллох биз билан! У барчасини кўриб турибди.

Кўшин яна салобату дабдаба билан йўлга тушди. Амир Мусонинг бир неча минглик чериги катта лашкар олдида денгиздан томчидек бир гап эди. Кўшиннинг олди дарёдан ўтиб кетган бўлса, орқаси Термизга кирмаган эди.

Эртаси кунги хабар Темурнинг руҳини самоларга кўтарди. Чопар Маккаю Мукаррама саййидларининг устози Амир Саййид Бараканинг Темурбек зиёратига ихлос ва меҳр-муҳаббат ила келаётганларини сўзлади. Темур бу улуғ зот исмини эшитиши биланоқ отдан тушди, мулозимларини эргаштириб, бир неча чақирим пиёда юриб, улуғ пирни кутиб олди. Ул ҳазратнинг ёнларида Абулмаолий ва Али Акбар каби улуғ зотлар бор эди.

Улар минг йил кўришмаган кадрдонлардек кўз ёшлари ила бир-бирларини бағирларига босдилар. Узоқ муддат бир-бирларини қўйиб юбормадилар. Гўё туғилганларидан бери бир-бирларини ахтараётган эдилар. Оллохнинг белгиланган йил, ой, кун ва лаҳзасида дийдор кўришиб турган эдилар. Темур ҳаётини тўлдирадиган бу учрашув, садоқатли дўстлик, устозу шоғирдликни интиқиб қутган эдилар. Уларни бундан



буён фақат бевафо ўлимгина ажратиши мумкинлиги нигоҳларда акс этиб турарди. Бу икки улуғ инсон тим-солида такомилига етган эътиқод ила жасорат, каромат ила садоқат, авлиёлик ила даҳолик учрашган эди.

– Мен кўкда бир ёркин юлдуз кўрмоқдамен! Бу му-борак Туронзаминнинг халоскори Муҳаммад Тарағай ўғлининг толе юлдузидир! Бу юлдуз шуъласидан; иншооллох, улусимиз баҳраманд бўлғай! Бу кундан бошлаб мен ва шогирдларим сизнинг хизматингизда-миз! Неки катта-кичик иш бор, буюринг! Бу қалби Оллоҳ меҳри ила лиммо-лим инсонлар ёнида юрмоқ бизга шарафдур! – деди Амир Саййид Барака кўзларига ёш қалқиб.

Амир Саййид Бараканинг бу қанотли сўзларидан таъсирланган Темур тиз чўкканча қўлларини ўпиб, кўзларига суртмоқчи эди, бироқ Саййид Барака бунга йўл қўймади. Иккилари таъзиму тавалло қилиш истагида узоқ муддат қўл ушлашиб турдилар. Хаяжони босилган Темур залворли овозда меҳр-ла устозга мурожаат этди:

– Сизни бизга Оллоҳ етказди, ҳазратим! Мен, дўстларим, бутун қўшин сиз каби улуғ пиру комилга сув, қуёш ва ҳаво каби муштоқ эрдик, интизор эрдик! Сиз эмас, биз сиздек улуғ зотнинг хизматингизда эканлигимиздан мамнунмиз! Бошимиз кўкка етгусидир. Сиз каби улуғ ва беғубор инсонлар эл-улусимиз, муқаддас динимизнинг фахридир! Бундан буён ҳар бир ишга, сиз улуғ ҳазратнинг дуои-фотиҳангиз, рағбатингиз ила қўл урғаймиз!

Сўнгра улар пешин намозини ўқидилар. Баробар ифторлик қилдилар. Икки кунлик суҳбат ва истироҳатдан сўнг лашкар Чағониён ўлкаси томон юрди. Бу ўлка ва Хутталондан яна гуррос-гуррос лашкар келиб, Турон қўшинига қўшилди. Баён Сулдузнинг ўғли Шайх Муҳаммад барча сулдуз аймоқларининг бирлашган

қўшини билан Темурбекка итоатда эканлигини билдирди. Ўрду Хулмга етгунга қадар турли уруғ-аймоқдан иборат навкарлар сони орта борди. Буларнинг аксари амир Хусайндан безган, Темурдан нажот кутганлар эди. Бадахшон волийси Шоҳ Муҳаммад самимий туйғуларини изхор этиб, Темурбекнинг этагига пешонасини қўйди. Темур ҳам унга бошидаги олтин жиғали бўркини кийдирди. Барчанинг Темур томон сувдек оқиб кетаётганини кўрган амир Хусайннинг Қундуздаги вакили Ўлжайту ҳам иқбол қуёши порлаб чиқаётган буюк султон ҳузурига ошиқди. Темур бу улусларнинг оддий навкаридан тортиб, шоҳигача эътибору саховат кўрсатди.

Қўшин оҳиста йўл босар, қоровуллар ғизиллаганча теварак-атрофни айланишар, бироқ ёғийнинг қораси кўринмас эди.

– Нима бало, амир Хусайн Мўлтонга ўтиб кетиб, мўлтони бўлдими дейман! Ҳеч дараги йўқ? – деди Жаку Барлос Темурга ҳазил аралаш.

– Бунақа амир бўлгандан кўра виждонлироқ мўлтони бўлган маъқул, – жавоб қилди Темур. Сўнгра яқинида турган хос навкарга Ақрам Муншийни чақириб келишни сўради.

– Муҳтарам мунший жаноблари, чақирмасак келмайдилар шекилли, – ҳазиллашди Темур. – Жайхунга калла ташлагандек муншийликка шўнғиб кетдингиз, чамаси.

– Тепада турган бош зўр бўлгандан кейин шўнғимай ҳам кўринг, – жавоб қилди мунший.

– Сизга бир неча саволим бор?– ярим ҳазил, ярим чин сўзида давом этди Темур.

– Бош устига, ҳазрат!

– Оллоҳ насиб этиб, улус жиловини қўлга олсак, юртни олдинги хону султонлардан яхшироқ идора эта олмоғимиз учун ишни қандай тартибда бошламоғимиз маъқул, деб ўйлайсиз? Фақат рост сўйланг.

– Рост бўлса, рост сўйлаш-да, – деди кулиб Акрам мунший. – Худо уриб, пайғамбар ҳассаси билан туртган бир гўрков бор экан. Ҳар куни лаҳад қазиб, кимдир ўлар дея кутиб ўтираркан. Одамлар қанчалик уринишмасин, уни ўлим-нетимдан илгари лаҳад кавламасликка кўндиришолмабди. Бу менинг касбим, сенлар аралашма, бирор-бир ясо-юсунда фалон пайтда лаҳад кавлансин ёки кавланмасин деб айтилмаган деб ҳеч кимга сўз бермаскан. Бу қилиғи ҳам майлию, аммо унинг яна бир одати бор эканки, кишилар ҳарчанд уринмасинлар, уни бу жинойт устида ушлай олмас эканлар. У кўмилган мурдаларнинг кафанини ечиб олиб сотар экан. Ниҳоят, вақтсоати етиб гўрков ҳам гўрга кирибди. Бироқ ўлими олдидан касбини эгаллаган ўғлига, менинг касбимни хор қилма, дея васият этибди. У отасининг ҳар икки касбини давом эттирибди. Гўр қазиб, кафан сота бошлабди. Бироқ кафан ечиб сотиш билан чекланмабди. Мурдалар тирилиб кетиб, орқамдан қувиб келмасин деб қорнига қозиқ қоқадиган бўлибди... Одамлар ёмғирдан қутулиб, қорга тутилган эканлар.

Гурр этиб кулги кўтарилди. Тўп бўлиб кетаётганлар анчагача турли ҳолда кулиб бордилар.

– Ҳақиқатан ҳам элда ёмон кетиб, яхши келмас деган гап бор, – деди Темур ҳам кулиб. – Сўзларингиз ўк кабидир, Акрамбек. Мана мен ва ёнимдаги амирларим сизнинг бу ибратли ривоятингиздан хулоса чиқарамиз. Ҳақиқатан ҳам инсон юксак мартабага эришгандан сўнг оддий инсоний ташвишлардан узоқлашади-да, охиروқибатда ўзлигидан чекинади. Агар аслида бу инсоннинг қони ва дили тоза бўлса, у ҳар замон ўзлигини сақлай билади, сиз каби доноларнинг сўзларини ордан қувиб бориб эшитади. Нақадар юксалмасин, элдан ва ердан узоқлашмайди, ажралмайди.

Одамлар топар-топмасини еб ётар, тонг отар, кун ботар, умр ўтар эди.

## XXVII

*Биз орзу этган Юрт қалбимиздадир!*

*Қалбимиз озод ва эркин бўлмоғи керак!*

*Қадимги хитит ёзувидан*

Амир Ҳусайннинг пойтахтига айланган, Турон урдуси кўриниши билан, дами ичига тушиб кетган қадимий Балх яқинлашмоқда эди. Рамазон ҳам охирлаб қолган, кўшин ҳайитни Балх остонасидаги Элбарс қалъасида кутиб олишни мўлжаллаб борарди. Ҳайит қутловидан сўнг Темур ўтовига устоз Амир Саййид Барака ва мулозимлари ҳамда ўз амиру лашкарбошилари чорлади. Ўтовда фақат Темур хонликка мўлжаллаб юрган Суюрғатмиш Ўғлон йўқ эди.

– Бир маслаҳат бор эди, муҳтарам ҳазрат, – дея Амир Саййид Баракага юзланди Темур. – Анчадан буён бир нарсани ўйлаб юрибман. Сизларнинг рағбатларингиз ила, қолаверса, бизнинг ҳам қулоғимиз тинчиши учун бир хон сайласак. Суюрғатмиш Ўғлонни ҳам мен шу ниятда олиб юрибман. Анъаналаримизга амал қилиб, бу тадбирни жоиз деб билдим. Суюрғатмиш Ўғлоннинг ҳам Ҳақ йўлида юришига ишонаман ва унга кафолат бераман. Зеро ул кишининг қўлида кўшин ёки унга менгзар бирор куч йўқ. Обрў-эътиборларини жойига қўйиб олиб юрамиз. Бизнинг бул дўстимизга нисбатан ниятимиз покдир. Буни ул киши ҳам англаб етадилар, деб ўйлайман. Маъқул десангиз, эртага қурултой чақириб, Суюрғатмиш Ўғлонни оқ кигизга ўтқизиб, хон кўтариб қўйсак.

«<sup>111</sup>» Ҳамма бир зум сукут сақлаб жим қолди. Ҳеч ким Темурдан бу ишни бунчалик очиқ ва мардларча ҳал этишни кўтмаган эди. Шу пайтгача юрт бошига келган жамики маломатларнинг бош сабабчиси шу хонлар ва уларнинг

авлодлари эди. Темур яна уларни тахтга олиб чиқмоқчи. Шундай экан, ўзи шу пайтгача нима учун курашди?

– Бу чуқур ўйлаб кўрадиган гап, Темурбек! – деди норозилигини яширолмаёй Жаку Барлос. – Турон юртига неки офатлар ёғилган бўлса шулардан. Энди-улардан халос бўламизми, деганда яна шуларни деяпсиз? Буни мен тушунмадим?..

– Жакубек тўғри сўзладилар, Темурбек! Ҳамма бир ниятдан сизнинг бош бўлишингизни кутмоқда. Хон кўтарамиз деган болангизга ғайрлигим йўғу лекин сизнинг бир амирингизча салоҳиятга эга эмас. Ҳалиям эртага қурултойда сизни сайлайлик, – деди Али Акбар астойдил.

– Тахтга муносиб инсон сизсиз, Темурбек! Ўзгача бўлиши мумкин эмас! Ўйлаб кўринг, – қувватлади Абулмаолий.

– Бўладиган ишни қилиш керак-да! – ўзини қувватлаганлар сўздан руҳланиб яна сўз олди Жаку Барлос. – Ўзимиздан хон чиқмаса, хонга ёлчирмидик, жиян!

Ўтирганлар енгилгина кулган бўлишди.

– Менинг хон бўлишим моҳиятни ҳал этмайди, – яна сўз қўшди Темур. – Лекин бу иш билан биз Турон томон от қўядиган ўнлаб юртсизларнинг йўлини тўсиб, оғзига урамиз. Уларга Турон эмас, хонлик керак. Бизга эса Ватан! Бир оз оёққа туриб олганимиздан сўнг уларни ҳам ўзимизга эш қилиб, бошини силаймиз.

– Сизларнинг менга бўлган меҳр-муҳаббатингизни юксак қадрлайман! Шунинг учун айна кунда мени қўллаб-қувватлашингизни, айтганимга кўнишларингизни сўрайман!

Яна орага оғир жимлик чўқди. Амир Саййид Барака оғиз жуфтлаб, Темурбекни кўндиришга бир ҳаракат қилмоққа шайланди-ю, шаштидан қайтди. Бу хусусда

ҳеч ким Темурчалик хулоса чиқара олмайди деган ўйда индамади. Лекин ўтирганларнинг бирортаси ҳам эртага Суюрғатмиш ўғлоннинг хон деб эълон қилинишига ишонмасди. Барчалари шу иккиламчи гумонли хаёлда, асаблари таранглашиб тарқалишди. Кўпларининг эса тун бўйи уйқуси келмади. Айниқса, Жаку Барлоснинг. Бу муттаҳам ясама хонлардан қачон қутулар эканмиз, ўйларди фиғони фалакка ўрлаб. Ақлли инсонлар эл бошида туриши керакку, ахир! Қачонгача хон авлоди деб бир пандавақини тахтга ўтқазиб қўяверамиз?!

Тонг отғач, қурултой чақирилди. Ўқдай қоон наслидан бўлмиш Суюрғатмиш Ўғлон оқ кигизга ўтқазилиб, улус хони деб эълон қилинди. Янги хонни тахтга Темурбек эргаштириб борди. Оқ кигизга ўтқазди-да, бир учидан ўзи олиб кўтарди.

Темурнинг кўнгли тинчиган эди. Ҳарҳолда хон масаласи унинг айтганича, шовқин-суронсиз ҳал этилди. Одамлар борган сари фикрига қулоқ тутиб, уни тинглашяпти. Давлат оёққа туриш даврида бу жуда муҳимдир. Миллат бирлигининг тамали эл фикри бирлигида.

Темур бомдод намозини ўқиб бўлгач, тўрт нафар хос мулозимни билан навкар кийимида қўшинни айланди. Ғира-ширада беш нафар аскар орасида Темур борйўқлигини биров билиб, биров билмай қолди. Улар лашкарнинг эътиборини тортмаслик учун пиёда кездилар. Пешинга яқин эса қўмондонлар, мингбошилар ва мулозимларни ўтовига таклиф қилди. Хон ҳам Темурнинг ўнг томонида қимтинибгина, бир мингбоши каби ўтирарди.

– Хуш келибсиз, хон ҳазратлари! Барчангиз хуш келибсиз! – сўз бошлади Темур кўнгли тоғдай кўтарилиб. – Оптимиздаги элу улус хатти-ҳаракатимизни умид ва илинж кўзи ила кузатиб турибди. Оллоҳнинг кўмаги, халқимизнинг ва Амир Саййид Барака устоз каби саидзодалар ва улуғларнинг дуои фотиҳаси ила биз ёғийни

мағлуб этажакмиз! Ҳар куни тонг отиб, қуёш чиқиши муқаррар бўлганидек, бизнинг зафаримиз ҳам шундай муқаррардир! Менинг сўзларимни шавкатли қўшинга, садоқатли навкарларимга етказинг! Биз ҳақ йўлидамиз! Шу боис бизни Парвардигор қўллагай! Ҳар биримизнинг қалбимиздаги ҳақ ишга ишонч уруғлари, иншооллох, кўкариб, яшнагай! Миллатнинг дардлариға дармон бўлғай. Оллох барчамизга саодат йўлини берсин! Барча ишда хокисор бўлайлик, хоки пой бўлмайлик!

Сўнгра Темур Амир Сайид Баракадан Қуръони Карим тиловатини сўради. Ҳазрат тиловатдан сўнг улуғ муҳорабага дуои-фотиҳа берди.

Ҳамма кўзғалгач, Акрам муншийдан қолишини сўради.

– Қалай энди, Акрамбек, кайфиятингиз яхшими? – муншийни гапга солишни истади Темур.

– Негадир гапга қўшилмай, ўйчан ўтирдингиз? Ёлғизлигимизда бир оз ҳангома беринг, Акрамбек. Савашу тўполонлардан қотган дийдамиз бир оз яйрасин, сизнинг бир чимдим тузи бор ўгитларингизни соғиндим.

– Астағфируллох. Бу қадар ҳам бизни осмонга чиқариб қўйманг, ҳазрат. Кейин туша олмай, ўлиб кетмайлик, – жавоб қилди Акрам мунший.

– Чиққан тепалиқдан тушишни биладиган одамсиз, Акрамбек!

– Кешда амир Ҳусайн ўрдусидан қочиб келган махфийнинг муҳим хабарни сизга етказа олмагани ва натижада қўшин мағлубиятга учраган воқеа эсимга тушди, ҳазрат. Хуфянинг сўзи каби эртага халқнинг дарди ҳам сизга етмай қолса, атрофингиздаги вазиру амирлар ўртага парда осиб қўйсалар ҳолимиз не кечар экан? Оллох эл-улусга бир берган имкониятни қайтиб бермаслиги мумкин. Сиз буни яхши биласиз. Локин қанчалик чуқур тушунманг, биттасиз. Қудратли одам ҳар қандай кучли

душманни енгиши мумкин. Бироқ атрофини ўраб олган амалдорлар яратган чала ҳақиқат доводидан ўта олмай қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Сабаби, бу ишнинг усталари ёлғонни ҳам шу қадар бежаб кўрсатадиларки, инсон зотининг кўзи қамашади. Шуларни ўйлаб ўтирдим, ҳазрат. Сизнинг феълингизни биламан, дўст сўзини жон-қулоғингиз билан тинглаш баробарида нохайрихоҳ фикрини ҳам сабр билан эшитасиз. Бу дунёдаги камдан-кам ҳукмдорларга Оллоҳ насиб этадиган хусусиятдир. Оллоҳ сизнинг табиатингизга зиғирча ожизлик атворини солмаган. Кучлилар эса ўзгалар айбини ҳам бўйниларига ола биладилар!

Акрам мунший сўзлар экан, Темурнинг бола каби яйраб тинглаётганидан янада илҳоми жўшар, фикрлари қуюлиб келарди. Темур ёшлигидан, улар Кеш қирларида човгон ўйнаб юрган дамларидан шунақа эди. Бирор нарсани тезроқ ўрганиш учун, албатта, ёши каттароқ болалар тўпига қўшилар, кўп ўтмай уларни орқада қолдирар ва болалар буни ҳазм қила олмас эдилар. Акрамни менсимай турткилаган катта ёшли болани бир зарба билан қорнини қучоқлатиб қўйгандан сўнг бир кунда каттаю-кичик барча болалар у билан ҳисоблашадиган бўлганди. У уқувидан қатъи назар барча болаларни ўйинга қўшар, ҳеч кимни норози қилиб, кўкрагидан итармас эди.

Тенгдошлари орасида бундай феълли бола йўқ эди. Орадан анча ўтиб, у амир Ёхмоқнинг лашкарбошиси бўлиб юрган дамларидаги бир суҳбатида эса Акрам унинг заковатига қойил қолди.

– Сен нега бу довдир одамни отбоқарларга бош қилиб қўйибсан? – сўраган эди ўшанда Акрам болалик дўстидан.

– Бу нарсаларни мендан яхши биласан-ку, яна сўрайсан; – дея жавоб берганди Темур. – Жуда ақлли одам



отбоқарлик қилмайди-да. Бошқа бир юмушнинг бошини тутади. Шу боис одамларга фикри ва қобилиятига қараб, у ёки бу ишни топшириш керак. Фикри ноқисроқ одам қиладиган иш бошини ақли бутун одам тутмайди. Гўрковни ҳам шу касбни танламоққа шароит мажбур қилган. Шунингдек, қишлоқ подасини боқадиган подачини ҳам. Агар кун кўриши учун бошқа бир яхшироқ иш қила олишга ақли етганида эди, у балки гўрковлик қилмас ёки пода боқмас эди. Одамларга ана шу зарурат ва эҳтиёждан келиб чиқиб вазифа юкланади, – деган эди ўшанда Темур.

– Тулпорга кўк беда, эшакка нишхўрд экан-да, – дея ҳазиллашиб гапга қўшилди ёнларида ўтирган болалик дўстлари Саидкул.

– Инсон зотини жониворларга тенглама, Саидкул, – Темур унинг гапини бўлди оғринган оҳангда. – Худо бизни инсон қилиб яратган. Биз шу улуғ номга муносиб бўлмоғимиз лозим.

Бироқ одамларнинг феъли шундайки, ўша тулпор кўпкарига ярамай қолган куни уни сўядилар. Бир-бирига муносабат ҳам шу тахлит. Шоҳнинг ювилмаган оёғини-да ўпади, фариштасифат инсонни эса оёғининг учи билан кўрсатади. Булар инсониятга шарафсизлик келтиришини англагунларича қанча сувлар оқиб ўтади.

Темурбек не яхшиликлару хиёнатларни, иззат-икромлару не-не сотқинликларни кўриб, кўзи пишган инсон. У ҳаёт-мамот аталмиш сўнгги жангга оқ-қорани ажратган, дўсту душманнинг фарқига етган, дўстни бошга кўтариб, хайрихоҳни ёнига олиб, рақибнида яхши сўз билан эш қилиб, қон тўкилмаслигига даъват этиб, шу кунга етди. Унинг хатти-ҳаракатида Тангрига ҳам, шариятга ҳам, улусга ҳам хилоф иш йўқ. Ҳеч ким, ҳеч қачон унга таъна тошини ота олмайди. У келажак насллар ҳузурига ёруғ юз, улуғ ишлар билан боришига ҳамма

ишонади. Миллатни адолату диёнатнинг муқаддас; барчага баробар қизигида ушламоқни яхши билади. Бироқ бу мулоҳазаларни ҳам эшитиб қўймоғи керак. Чунки дўст ачитса-да, ҳақни гапиради...

... – Сўзларингиз ҳақдур Акрамбек, – деди Темур оғир тин олиб. – Оллоҳ мени сиз каби тоза юракли ва одил фикрли инсонларни дўст қилиб яратди! Бусиз ҳаёт не қадар ғариб ва маънисиздир. Сўйлаганингиз каби ақл ақлдан сув ичади. Олий ҳокимиятга келиш ва давлат юритмоқликни эл турли йўсинда талқин этади. Камданкам ҳолатларда подшоҳлик ҳалол ва тўғри йўл ҳамда кураш билан қўлга киритилади. Ҳокимиятни эгаллаш не қадар мушкул бўлса, уни адолат ила бошқармоқ ундан-да машаққатлидир. Фозиллар сўйлаганидек, одамлар олий даргоҳларга икки хил усулда етиб борадилар. Билмадим, бизнинг бу улуғ масъулиятга келишимизга халқ қандай баҳо бераркан? Шуни ўйлаб, кечалари уйкум қочади. Оллоҳга ибодат қилиб чиқаманки, бизни йўлдан адаштирмасин. Биз қуражак қудратли давлат Турон замин узра муқаддас бир ўтов каби қад кўтаради. Бу ўтовни тутиб тургувчи қасабаси адолат, арқонлари инсоф, қозиклари эса ҳа-қиқат бўлмоғи жоиздир.

– Ҳақсиз, Темурбек. Маълумки, ҳокимият ила бойлик баробар юради. Бадавлат кучлар ўзларининг тинчлик ва осойишталиги, -кимса мушугини «пишт» демаслигини ўйлаб ўзларини қониқтирган шахсни давлат тепасига олиб келадилар. Табиийки, кўплаб ҳукмдорлар уларнинг мақсад ва интилишларидан келиб чиқиб юртни бошқарганлар. Ўзлари истар-истамас бою боёнлар ва қўли узун кимсаларнинг подшоҳига айланган. Акс ҳолда, бу қўли узунлар уни яна тахтдан узоқлаштиришлари мумкин бўлган...

– Бу танганинг бир тарафи, Акрамбек, – дўстининг сўзини бўлди Темур, – Аксарий ҳукмдорлар эса кўп

қолларда вазиятни бир оз ўрганиб туради-да, сўнг шу муттаҳамларнинг олдида тилим қисилмасин дея ўзини тахтга олиб чиққанларнинг бошини бирма-бир кесади ёки бадарға қилади. Давлат тепасидаги катта ўйинлардан катта ҳақиқатни излаб топиш мушкул, биродар.

– Жуда тўғри, Темурбек, лекин сиз мен айтган усулда ҳокимият тепасига келганлар сирасига кирмайсиз. Кимсадан тили қисик ерингиз йўқ, – гапини тўғрилаган бўлди Акрам мунший.

Темурнинг барча хабардор бир иш услуби бор эди. У бугун бирор амир ёки вазирдан олган маълумотини ўша заҳотиёқ қарвонсаройдаги тужжор ёки қаландардан ҳам ола биларди. Шу боис унга жуда камдан-кам ҳолларда янглиш ёки ноаниқ ахборот келарди. Бу эса нотўғри ва ё ноҳақ амру фармон чиқмаслигини таъминларди.

...Ўрду қадимий Балхга яқинлашгани сари Темурнинг юзида безовталиқ акс-эта бошлади. От устида ўтирганча нималарнидир ёзиб келаётган Акрам муншийга қаради.

– Шаҳарнинг яна бузилишидан ташвиш чекмақдаман, Акрамбек, – деди паст овозда – Эртага уни ўзимиз тиклашимиз керак. Қанча раият бошпанасиз, уйсиз қолади. Амир Ҳусайнга элчи юбориб, ўз ихтиёри ила таслим бўлишни таклиф этсак, не деркин?

– У табиатан сулҳ одами эмас, – жавоб қилди мунший.

– Ҳаж сафари-ю бош омонлиги кафолатини берсак ҳамки кўнмас-а?

– Кўнмайди, ҳазрат. Биласиз-ку уни, қаршисидаги қўшин нари турсин, тезаги билан теваляшадиганлар хилидан. Ёқалашганда ҳам ётиб ёқалашади. Енгилиб, ерга қоришса ҳам жиловни топшириб, тинч кетмайди у. Бошқа бир шоҳ ёки хон этагини тутиб, яна бизга қарши курашади. Уни эртами, кеч, ноҳақ ўлдирган одамларининг хуни тутади. Кайқубодни ўлдиргани учун Кайхус-

рав ёки хонзода Искандар Ўғлонни дорга осгани учун авлодлари қараб турмаса керак. Оёғи тойсин, керак бўлса, ҳаж йўлидаёқ уни бошини кундага қўядилар. Эл ва лашкар орасида шундай гап юрибди. Барча сизнинг Хусайн қўшинини синдиришингизни кутмоқда. Бу дунё хисоб-китоблидир. Ҳар ким экканини ўради.

– Бошим қотди. Ҳечам Хусайнга ёмонлик истамаган эдим. Билмадим, бу гапга не билан тугар? – деди Темур сўл тарафдан келган ҳайқириқ аралаш шивир-шивир гапларга қулоқ тутаркан.

– Яхшилик, ҳазрат! – анча наридан баланд овозда сўзлар эди Сари Буға.

– Сафимизга Муҳаммадхўжа Апердининг ўғли Зинда Ҳашм келиб қўшилиш истагани билдирибди. Ҳозир чопар келди. Яна бир неча қавм ва аймақлардан кичик-кичик гуруҳлар бор. Барчасининг руҳи тетик, қиличларини маҳкам тутганлар!

Темур бош ирғаб, ризолик ва мамнунлик изҳор этди. Оллоҳ ишимизни ўнгламоқда дея хаёлидан ўтказди. Одамлар бежизга дарёга қўшилган ирмоқ каби оқиб келаётганлари йўқ.

Минг уч юз етмишинчи йил тўрттинчи ойининг бешинчи куни буюк ўрду Балх ўлкасининг Ҳиндувон қалъасини қуршовга олди. Қалъани ўраб турган катта қўшинни кўрган ҳар қандай рақибнинг юраги орқасига тортиб кетар эди. Ноғораларнинг гумбур-гумбури қалъа деворларига урилиб, акс-садо берар, савашнинг интиҳоси кўриниб турарди. Темур илк дафъа бу юришда икки ўғли Жаҳонгир Мирзо билан Умаршайхга лашкар бўлинмасини топшириб, мустақил вазифа юклади. Ҳали йигирмага ҳам етмаган бу амирзодалар отаси каби ҳаракатчан ва зийрак, жасур ва мард эдилар. Жаҳонгир Мирзо билан амир Оқ Буғанинг лашкари шаҳарнинг шарқ томонидаги Ҳиндулар дарвозасини эгаллаб турар,

Умаршайх Мирзо билан Жаку Барлоснинг навкарлари эса Навбахор дарвозаси қаршисида эдилар. Хиёбон дарвозаси Сари Буға билан Ҳусайн Баҳодирга топширилган. Дарби Воқеа қописи эса амир Довуд билан амир Муайяд назоратида турарди. Барча амиру амир-зодалар зиммасига бу дарвозалардан кириб, ёғийни қисқа фурсатда синдирмоқ вазифаси юкланганди.

Шаҳардаги лашкарнинг нияти илк ҳужумидаёқ Темур қўшинларини улоқтириб ташламоқ эди. Уларнинг ҳужумчи қўшини камон ва манжанақлардан ўқ отишар, тўда-тўда бўлиб шаҳар ташқарисига чиқиб савашилари шундан далолат берарди.

– Кучни асранг, ёғийни жонини жабборга бериб урушишга мажбур қилинг. Қамалда экан, у савашдан сўнг ҳам роҳат қилиб ҳордиқ чиқаролмайди. Ҳар дақиқада ҳужум қилаётган лашкарнинг дарвозалардан кириб келишидан чўчиб, мижжа қоқмай тонг оттиради. Шу йўсунда икки кунда толиқади. Шундан сўнг мушкулимиз осонлашади. Одамлари қандай қилиб бўлмасин Амир Ҳусайндан қутулишнинг пайига тушиб қоладилар, – деди Темур қўшин қўмондонларини тўплаб. – Иложини қилиб бирор қопуга ўт қўймоқ керак. Бу улар орасида талвасани бошлаб, ишни тезлаштиради. Барчангизга Оллоҳдан мадад ва зафар тилайман!

Темурбек кўп гапирмади. Хаёли қочиб тургандек эди. Боботурк келиб, Умаршайх Мирзо оёғидан ярадор бўлганлигини сўйлаганди. Темур кенгашни тугатди-да, отда ўғлининг чодирини томон кетди. Умаршайх Мирзонинг бетакрор табассумини кўриб, ота бир оз ўзига қелди. Бу ўн олти ёшли амирзода ҳар қандай оғир шароитда ҳам ўзини йўқотмайдиган ўспирин эди.

– Ассалому алайкум! Безовта бўлманг, қиблагоҳ! – деди

отаси ўтовга кириб келганда шартта ўрнидан турмоқчи бўлиб.

Табиблар туришига йўл қўймадилар. Ота ҳам чап қўли билан ётиш ишорасини қилди-да, табибларга қаради.

– Тўрт-беш кунда тузалиб кетадилар, ҳазрат. Хавф-хатар йироқ. Кўнгиллари тинч бўлсун, – деди бош табиб Субҳон Ҳақим таъзим ила. – Барча дору дармонлар мухайё.

Темур ўғлининг бош тарафига ўтиб, пешонасига қўлини қўйди.

– Ҳали ёшроқ эканмизми, ўғлон? – деди табассум-ла ҳазиллашиб.

– Жиддий бир лат эмас, қиблагоҳ, – деди Умаршайх Мирзо садафдек оппоқ тишларини ярқиратиб. – Эртагаёқ туриб кетаман.

– Эртагаёқ турманг, яхшилаб даволанинг. Бу каби ташвишлар бизнинг-да бошимиздан ўтган. Сизнинг йўқлигингизни билдирмай турамиз, – деди Темур ўғлининг бошини силаб. – Бардам бўлинг, Оллоҳ ҳам суйган қулига дард берар экан. Эртага яна кўришамиз. Барчангизга омонлик тилайман!

Умаршайх Мирзо ётган еридан елкасини кўтарди. Табиблар таъзим қилиб қолдилар. Умаршайх Мирзонинг хос навкарлари чап қўлларини кўксига қўйганча бошларини эгиб, бу афсонавий одамга тикилишар, бошдан-оёқ кузатишарди.

Темур отда барча бўлинмаларни айланиб чиқди. Лашкар кўнглини кўтарди.

– Эртага шу пайтда ош пишади, муҳтарам Кайхусравбек! – деди Темур Кайхусравга унинг қўшинини кўздан кечириш учун борганида.

– У муттаҳам қочиб кетмаслиги керак, – деди Кайхусрав ташвишланиб.

– Унда бу масала ила ўзингиз машғул бўлинг, – жавоб қилди Темур.

Кайхусрав бош ирғади. Темур оти жиловини Жаку Барлос лашкари томон бурди.

– Қалай, тоғойи? Ишлар дурустми? – сўради Темур кўтаринки руҳда.

– Бизни кўйинг, ҳазрат, бизга жин ҳам урмайди. Умаршайх Мирзонинг аҳволлари қалай? Шундан сўйланг! – саволга савол билан жавоб қилди Жаку Барлос.

– Худога шукур, бир нави. Ҳозир унинг чодиридан келмоқдаман. Уч-тўрт кунда оёққа туриб кетади, – яхши кайфият ила жавоб қилди Темур.

– Худога минг қатла шукр. Эшитиб, мен ҳам бориб эдим. Анча дуруст. Ахир, улар барчамизнинг суянган тоғларимиз, ишонган боғларимиздир! Кечмиш ўлсун. Иншооллох, Худо шифосини берсин! – дуо қилди Жаку Барлос.

– Айтганингиз келсин!

– Бизнинг аҳвол яхши, талофат бор, йўқ эмас. Лекин бу талофатга ҳам кирмайди. Эртага ёғийнинг суроби тўғриланадиган кўриняпти, Темурбек. Сиз не дейсиз?

– Мен ҳам шу фикрдаман. Эрта кечга сулҳ учун элчи юборса ажаб эмас. Бекорга шу савашга қўл урди у. Қанча одамнинг хунига қолди. Ўзининг ҳаётига ҳам чизик тортганини англамаяпти.

– Қизиқсиз, Темурбек. Оллоҳ нимани пешонасига ёзган бўл-са, шуни кўради. У қирриқ ҳамон бир тасодиф юз бериб, қамалдан чиқиб кетаман деб ўйлаб ўтирипти. Сабаби, илгари доимо шундай қилган. Жангни четдан, қочиш осонроқ ердан туриб кузатган ва бошқарган. Энг муҳими, қалъанинг яширин ер ости йўлини яхшилаб кўриқламоқ керак. Шу йўл орқали қочиши мумкин.

– Бунинг тадбири кўрилган. У катта лашкар билан кўзига ёғий озроқ кўринган қопудан от кўйиб, ёриб ўтишни мўлжаллаши ҳам мумкин, – деди Темур Жаку Барлосга тикилиб.

– Биз буни ҳам ўйлаб, маслаҳатлашдик. Улар қоқ тунда ҳам бу ишга кириша биларлар. Шу боис, ҳар дақиқада ҳушёр турибмиз, – жавоб қилди Жаку Барлос.

– Маъқул гап, тоғойи. Оллоҳ сизни асрасин!

– Бил муқобил! Биз ҳам сизни деб юрибмиз, Темурбек! Сиз-сиз биз ҳеч ким эмасмиз!

– Астағфируллоҳ! – деди Темур хайрлашаркан.

Отини шаҳарнинг кунчиқиш томонидаги тепаликка ўрнатилган осмонранг чодир томон буриб, жировини бўш қўйди. Тўриқ елдек учиб кетди.

У келажак томон, она юртнинг нурли қалъага сари от қўйиб борар эди!..



*Буюк Темур ғарб ислом дунёсининг сиёсий марказини, шу билан биргаликдә ўша пайтда ожиз бўлиб қолган ислом маданияти асосини Туркистоннинг юмшоқ тупроқларига кўчиришни ният қилган эди.*

**Вамбери**

Эртаси куни шомга яқин Жаҳонгир Мирзонинг йигитлари Дарби қопусига ёғ қуйиб, ўт қўйишга эришдилар. Ловуллаб ёнаётган ёғоч дарвозага яқинлашиб бўлмас эди. Бундан хабар топган қалъа ҳимоячилари орасида саросима бошланди.

Темур ҳар қандай савашнинг бисмиллосидан унинг интиҳосини биларди. Шу боис жангнинг иккинчи куни тушдан кейин лашкарга фармон берди.

– Ёғий лашкарининг раҳбарларига зарба берилсин! Бироқ оддий аскар ва ижрочи кимсалар қаттиқ қаршилик кўрсатмасалар, ўлдирилмасин! Савашнинг юз беришига лашкар эмас, қўмондон айбдор! Агар лашкар бошлиқлари сулҳ талаб қилиб келмасалар, демак, Яратган улар қисматини сизнинг қўлингизга топширган!

Амир Хусайннинг лашкаридан-да, атрофини ўраб турган амиру амалдорларидан-да путур кетган эди. Бир тўда амирлар амир Хусайнни тутиб, Темурга топширишнинг режасини пишитмоқда, қўшин эса майда-майда гуруҳларга бўлиниб, кўздан ғойиб бўла бошлаганди.

Қалъаўртасидаги қасрдатуриб ҳимояни бошқараётган амир Хусайннинг шами ўчиб борарди. Энди барча умиду илинжи собиқ дўсти Темурдан. У Темурнинг самимийлиги ва мардлигига ишонар, буни амалда бот-бот синаб кўрган, бироқ бунга муносиб жавоб беришни ҳечам хаёлига келтирмаганди. Ҳозирги танг аҳволида ҳам Темурнинг ўзига кўмак бериши жоиз деб ўйларди. У одамлар-

дан олар эди-ю, бунга жавобан ниманидир қайтариш лозимлигини чуқур ўйлаб кўрмас, ақлига сиғдира олмас эди. У кўринишхонада наридандан-бери бориб келиб, муаммога ечим изларди. Темурга сулҳ таклиф этса рози бўлармикан? Очиқ-ойдин зафар қозониб турган одам бунга кўнмаса керак. Бироқ унинг кўнглини эритиш мумкин. Сулҳ сўраб ўғли Хон Саидни ҳузурига юборди. Бунинг устига Хон Саид Темурга жиян бўлади. Йўқ демаса керак. Майли, нимани истаса, амир Ҳусайн рози. Фақат унинг жони омон қолса бас.

Темур тепасида туғи ҳилпираб турган осмонранг чодир қопуси олдида кўр-қўрига бўлиниб тарқалаётган лак-лак лашкарларни кузатиб, ҳорғин қиёфада уфққа, ботаётган баҳор қуёшига термилиб ўтирарди. Ярадор оёғига кичкина курсича қўйиб, чап қўлида Оллоҳ номи-ни такрорлаганча тасбеҳ ўтирарди. Қўлидаги қора тошдан ясалган тасбеҳни Салжуқ амирларидан бири совға қилган эди. Салжуқ салтанатидаги машҳур тошдан ишланганини таъкидлаганди.

– Муҳтарам Темурбек, амир Ҳусайннинг ўғли Хон Саид бошчилигида элчилар ҳузурингизга келмоққа изн сўрайдилар? – деди Жаку Барлос отдан сакраб тушиб.

Темур бир зум индамай турди.

– Не қилайлик? – деди Жаку Барлосга савол назари билан тикилиб.

– Тинглайлик, не истарлар. Билайлик.

– Чорланг! Уларни тузукроқ кўноқ қилишни ҳам тайинланг, – деди Темур ниҳоят қониқиш туйиб.

Темур меҳмонларни ҳорғин қиёфада қабул этди. Хон Саидни ёнига ўтказди. Емакка таклиф этиб, ҳурмат кўрсатди.

– Эшитаман, жиян. Не гап-сўзлар? – деди Темур Хон Саиднинг кўрқув акс этиб турган юзига қараб қўяркан.

– Отам сизга мактуб бериб юбордилар. Сулҳ сўрайдилар. Бизнинг ҳеч кимга ва ҳеч нимага даъвоимиз йўқлигини улўғ тоғангга бориб айтгин дедилар, – деди тез-тез сўзлаб Хон Саид хатни узатаркан.

Темур чуқур нафас олди. Хатни ўқиб бўлгач, бир оз сукут сақлади-да, бош муншийга узатди. Ўтовда қабристон сукунати ҳукмрон эди. Олис-олислардан отларнинг кишнагани эшитилар, қўшиннинг аксарий қисми дам олгани ётган эди.

– Амир Ҳусайн жаноблари барча хатоларини бўйнига олиб, қўлларидаги қиличларини ташлашга аҳд қилибдилар. Агар молу омонликка сўз берсак, шаҳару ўлкани бизга топшириб, Маккаю Мукаррама зиёратига йўл олар эканлар, – деди Темур кенгаш аҳлига бирмабир назар ташлаб чиқар экан. – Марҳамат, бу хусусда ўз фикрларингизни баён этмоғингизни рижо этаман.

Кимсадан садо чиқмади. Ҳеч ким бўйнига олиб, бир сўз дейишга ботинмади. Ниҳоят, ўнғайсизланган Темур ўнг тарафида ўтирган Саййид Баракага юзланди.

– Муҳтарам ҳазрат, бу хусусда сизнинг маслаҳатингизни эшитмоқ орзусидамиз?

– Модомики, Ҳусайнбек сулҳ сўраган эканлар, қабул этмоқ маъқулдир. Эгилган бошни қилич кесмас дейдилар. Яна мажлис аҳлини тингламоқ лозимдир. Қолаверса, Темурбек, сизга бу вазиятдаги ҳолат янада ойдин кўринур. Ул зотни барчамиздан яхши биласиз, – жавоб қилди Саййид Барака арқонни узун ташлаб.

Кенгаш аҳли ҳамон сукут сақларди. Саййид Барака ҳақ эди. Ҳеч ким мағлуб амирни Темурчалик билмасди. Ундан ҳар қандай ёмонлик ва хоинликни кутиш мумкин эди. Бироқ у ва унинг ўғли Темур остонасига бош уриб турибди. Сулҳини, узрини қабул этмаса, яна қон тўкилиши керак. Ҳар қандай яхши урушдан кўра ёмон сулҳ

афзалдир. Майли, гуноҳидан ўтса ўта қолар. Бандаси нени истамасин барибир Худонинг айтгани бўлади.

– Муҳтарам пиримиз Саййид Барака ҳазратлари сўзлаганларидек эгилган бошни қилич кесмас. Бориб амир жанобларига айтинг, бемалол ҳузуримизга келаверсинлар.

Ўғлининг ижобий жавоб олиб келганидан қониқиш ҳосил қилган амир Ҳусайн ўша заҳотиёқ йўлга тушди. Икки хос навқари билан Темур ҳузурига чоғланди. Агар унинг Олий ўрдуга бориши кечикса, вазият бошқача тус олиши мумкин эди. Бироқ йўлда уни даҳшатли қўрқув ва ваҳима босди. Темурга қилган ёмонликлари бирмабир кўз олдидан ўтиб, ўз оёғим билан бориб бошимни кундага қўяманми, дея юрагига ғулғула тушди. Қанча ўйлаб кўрмасин, боши омон қолишига кўзи етмади. Беихтиёр хаёли қочиб, от жilовини Жомъе масжиди томон бурди.

Тунни эгасиз кўппак каби масжид хонақосида кечирди. Мижжа қоқмади.

Уст-бошини ечмасдан деворга суянган кўйи тонг оттирди. Ҳайҳотдай масжиднинг этни жунжиктирувчи зах ва намхуш ҳавоси ҳам, елкаси тиралган деворнинг совуғи ҳам, сопол қумғондан дамба-дам ютоқиб ичаётган муздек сув ҳам ўтдек ёнаётган юрагининг тафтини босолмади. У ваҳима-ичида ҳансирар, хаёлида ғужғон ўйнаётган, бир-биридан даҳшатли ва аламли гумонлар исканжасида кўнгли ўзига бўйсунмас, ҳаприқарди.

Тонгга яқин талвасаси янаям кучайди. Ўрнидан туриб қумғондаги сувдан кафтига қуйди-да чайинган бўлди ва бўз белбоғини олди. Белбоғ юзи ва бўйнини артаверганидан жикқа ҳўл бўлганди. У беихтиёр эгнидаги кийилаверганидан униқиб, ранги билинмай кетган лашқар жуббасининг барларига юзини туйди. Димоғига отбоқарлардан келадиган қўланса, шиптир ҳиди урилди.

Беихтиёр Солисаройдаги сайисхонаси, зотли тулпорларига қараётган отчилар, саҳар мардондан овқатга ун-найдиған чўри қизлар, аёллари, пешингача ухлайдиған эрка хотини, бош малика, ҳаётларининг маъноси фақат емак-ичмак ва яхши кийиниш, унинг кўнглини олишдан иборат бўлған канизак ва жориялари келиб, дарду дунёси қоронғилашди. Энди уларнинг барчаси душманларининг ўлжасига айланади. Кимсага билдирмай Солисарой ўрдасидаги зиндон тагига кўмиб қўйған уч халта олтин ва жавоҳирлар-чи... Во дариг! Бу ҳақда ўғиллари Жаҳонмалик билан Хонд Саидга ҳам айтмаған эди... от топади, эшак ейди...

Ўғилларининг туруми не кечади? Сочининг толасидек кўп душманлари уларни ўз ҳолига қўйишармикан? Юк бўлиб эзаётган қайғули ўйлар исқанжасида у ёқдан-бу ёққа юрар экан, қулоғига амири этигининг ғарчиллагани эшитилиб, кеча шошилиничда алмаштирмаганини эслади ва апил-тапил ечиб шолча тагига тикди. Хайриятки, кеча қоронғисида ҳеч ким пайқамади. Одамлар ўзи билан ўзи овора. Барчанинги тилида саваш, қамал, Темур ва амир сўзлари айланар, кўпчилик жангни қай тарзда яқун топганини аниқ билмагани боис ақл-хушларини йўқотган, ит эгасини танимасди.

Кўча томондан итларнинг ҳургани, арава ғилдираklarининг тарақ-туруғи, банги дарвешларнинг бир-бири билан тортишгани, хирқироқ овозда тартибсиз жазава билан зикр тушгани қулоғига чалина бошлади.

– Ҳақ дўст! Ё Оллоҳ!

Садақа радди бало!

– Ўтди даврон

Кетди даврон!

Энди даврон,

Қайдадир!

– Ҳақ Дўст! Ё Оллоҳ!

– Ё давлат бошга қўнар,  
Ё қузғун лошга қўнар!

Улар саси узоқлашгани қадар қисқа муддатда унинг кўз олдидан шу кунгача кечган қарийб қирқ йиллик алғов-далғов, паст-баланд ҳаёти яшин тезлигида чақнаб ўтди. Буни олдинроқ ўйламоғинг керак эди, амир! Сен эса бўлари бўлиб, бўёғи сингандан кейин эслаяпсан! Ҳисоб-китобни ақлинг борида, оёғинг узангида вақти қилишинг керак эди! Тўғри сўзлаган дўстларни-да рақиб ўрнида кўрдинг! Уларнинг ҳақ сўзларига қулоқ тутмадинг! Дўст сўзини тингламаган Яратган назаридан узоқлашади деган нақлга амал қилмадинг! Мени дўстларимдан асра, душманларимни ўзимга қўйиб бер дейишгани тўғри экан! Мани энди дўсту душман бирлашиб қазиган чоҳ ёқасида турибди! Балки бу Эгасининг синовидир. Ярлақаса фалокатни аритар. У ёғи бир гап бўлар. Бир кун келиб, бу таги пастларнинг юртида юмрон ўйнатади.

Бомдод намозини шу ерда ўқиб, мусофирлар билан баробар нонушта қилган бўлди. Бироқ томоғидан қил ҳам ўтмади. У бир кечада шохликдан дарвешликка тушиб қолган, тақдир фаришгаси ундан юз ўтирган эди. Агар бундан буён мана шу тахлит ит ётиш, мирзо туриш билан кун кечирадиган бўлса, кўрган куни курсин. Ундан кўра ўлиб кетгани маъқул.

Амир Ҳусайн шу хаёллар билан хонақодан чиқаётганида бир жуфт кўз уни танигандек тикилиб турганини сизди. Бу қиёфа унга таниш туюлди. Бироқ қаерда учрашган ёки кўрганини эслай олмади. Бу орада дарвеш ғойиб бўлган эди. Амир кўп ўтмай, Жомъе масжиди ва Иброҳим Адҳам мақбараси атрофидаги дарвешлар ҳам кўздан ғойиб бўлиб қолганини фаҳмлади. Бу ерда бир сир борга ўхшайди, талвасага тушди амир Ҳусайн. Энди ҳаммаси тамом. Аввал кечиришса ҳам,

энди кечиришмайди. Имкон борида жуфтакни ростлаш керак.

Амир Ҳусайннинг тунни қандай ўтказганлиги, не юмуш ила машғул бўлганлиги Кайхусравнинг дарвеш либосидаги хуфялари орқали аллақачон Темурбекка бориб етган эди. Амирнинг сўнгги дақиқада ҳам иккиюзламачилик қилгани уни ҳайратга солганди.

– Амир Ҳусайн тириклайин тутиб келтирилсун! Унга ҳеч бир озор етказилмасун! – амир қилди Темур Кайхусравга.

– Мен уни ўша жойида тинчитиб кела қолайин, – деди Кайхусрав Темурнинг таклифига рози бўлишига шубҳа қилмай.

– Йўқ! – деди Темур қатъий оҳангда кесиб.

Кайхусрав ўн беш чоғли хос навқарига яна дарвеш либосини кийдирди. Вазифани аниқ-тиниқ тушунтирди. Амирни қидириб йўлга тушган дарвешлар уни масжиднинг таҳоратхонасида ушладилар. Унга ҳам ўзлари каби дарвеш либосини кийдирдилар. Ярим тунда дарвеш сифатидаги асирни амир Кайхусравга элтиб топширдилар.

Кайхусравнинг қаршисида жонжигар укаси Кайкубоднинг бошини кестирган амир Ҳусайн турарди. Кайхусрав шу ернинг ўзидаёқ унинг ишини битириб қўйгиси келди. Бироқ Темурбекдан бундай фармон бўлмаган. Қўл-оёғига кишан урилган амир Ҳусайн тунни бош қоровулнинг чодирида ўтказди. Эрталаб эса уни хос навқарлари қўриқчилигида Суюрғатмишхоннинг чодир томон олиб жўнадилар. Амир Ҳусайннинг келишидан хабардор бек ва амирлар хон ҳузурида ҳозир эдилар.

Темур ҳаммадан кейин кириб келди. Хон унга эҳтиром билан жой кўрсатди. Темур истар-истамас бориб ўтирди. Бу аянчли қисмат кенгашида қатнашишга рағбати йўқ эди. Кўп яхши-ёмон кунларни бирга кечирган, Қуръон каримни ўртага қўйиб, дўстликка қасам

ичган ва бир неча бор қасамни бузган собиқ дўстини бу аҳволда кўришни истамас эди. Айниқса, улар олтмиш икки кун бирга зиндонда ётган пайтдаги суҳбатлар, орзу-армонлар!.. Инсон зоти ҳеч нарсадан хулоса чиқармас экан.

Амир Ҳусайндан бошқа барча амиру беклар ғолиб қиёфада ўтиришар, чодир бурчида шумшайган амир Ҳусайннинг нажот талаб кўзларида ўлимдан қўрқув аломати қотиб қолган эди. Э-воҳ, ҳеч кимни Худо бу кунга солмасин, деди ичида Темур кайфияти бузилиб, кўзларини юмаркан.

Аҳли мажлис йиғилиб бўлгач, хон барча келдимиз, дегандек чодир эшигига бир қараб қўйди-да, тўпланганларга юзланди.

.. – Маълумингизким, узоқ замонлардан бери улус орасига фисқу фасод оралаб, эл бошига кўп кулфатлар ёғилди. Шоҳу гадо, барча баробар изтиробда яшади. Бу ёмонликлар ва адолатсизликлар тепасида турган кишини ҳаммангиз яхши биласиз. Бу зот айни фурсатда ҳузурингиздодир, – деди хон кўрсаткич бармоғи ила амир Ҳусайнни кўрсатиб. – Бу кимсага не жазо муносиблигини сиздан сўрамоқчиман? Зеро Муқаддас китобимиз Куръони каримда «...барча яхшиликлар Оллоҳдин! Барча ёмонликлар сенинг ўз тақдирингдан» дейилади...

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Хон Темурга юзланди. У чордана қурганча ерга қараб ўтирарди. Шу пайт амир Кайхусрав ўрнидан туриб, хонга таъзим қилиб сўз олди.

– Хон ҳазрати олийлари! Ўзингизга ҳам маълумки, амир Ҳусайн бундан ўн йил бурун иним Кайкубодни қатл этди. Қўлига тушсам, мени ҳам омон қўймас эди. Шу пайтгача ундан беркиниб яшаб, кун кўрдим. Кўрган азоб-уқубатларимизни Худо итнинг ҳам бошига солмасин! Ал-қасосул минал-ҳақ! Бугун ўз жигаримнинг ху-



нини сўрайман! – деди Кайхусрав титроқ оҳангда кўзлари ёшга тўлиб.

Хон яна ўтирганларга, жумладан, Темурнинг қошқовоғига қаради. Темур сукутни афзал кўрди. Бўрига раҳм қилиш қўйларга жабр этмоқ демақдир, деган нақл хаёлидан кечди.

– Кайхусрав ҳақ! Инисини қатл этганини барчамиз биламиз. Бутун эл-улус билади. Бу ёсо ва юсунга тўғри келади. Энди хунини тўласин! – деди Али Муайяд қалдироқ овозда.

– Мен ҳам шу фикрдаман. Бу хундан амир Кайхусрав кечса, Искандар ўғлоннинг авлоди талаб қилади. Амир Ҳусайннинг аллақачон куни битган эди-ю, бироқ кўрар куни бор экан, – деди Ўлжайту ҳам бу фикрга қўшилиб.

Хон бир оз сукут сақлади-да, сўнгги сўзини айтди. У хонлик ҳаётида илк бор олий фармон бериб, инсон зотини ўлимга ҳукм этаётган эди. Шу боис ранги оқариб, лаблари титрарди.

– Азалий ёсо ва юсунимизга мувофиқ амир Кайхусрав иниси Кайкубоднинг хунини олмоққа ҳақлидир!

Аламли қисмат шаробини ичмоқликка маҳкум этилганини амир Ҳусайн аллақачон сезган эди. Ўзини зўр-базўр қўлга олиб, ҳол-беҳол ўтирар эди. Нажот истаган сарғиш кўзларини ярим доира шаклида ўтирганча ўзининг тақдирини ҳал қилаётган кишиларга маъносиз тикар эди. Энг даҳшатлиси, бу ерда ўтирганларнинг аксариси яқин ўтмишда унинг этагини ўпиб, хизматини қилиб юрган одамлар эдилар.

У бошини эгиб, кўзини юмганча сукут сақлар, ичидан тўлиб-тошиб келаётган ўлим талвасасини зўрға босарди. Хоннинг сўнгги сўзидан кейин ҳеч кимнинг юзига қарамади. Йиғламаса-да, ёш сели юзини ювар, қўллари орқага боғлиқ бўлгани учун юзини ўнг елкасига артар эди.

Амир Кайхусрав Али Муайяд ва Ўлжайтунинг кўмагида уни ўтовдан судраб олиб чиқди. Амир ҳамон нажот кутиб, оёқларини тираганча ўзини орқага ташларди. У беқлаган нажот овози ҳеч кимдан чиқмади.

Уни қоронғиталаш сайхонликка олиб бориб, уч кишилашиб тиз чўктирдилар. Амир икки тиззасини ерга қўйиши билан Кайхусрав бўйнига қилич солди. Боши бўғзининг териси ва кекирдагига илиниб қолди...

– Ўзини ўтга урмаса, йигитга ўлим йўқ! – деди бу даҳшатли манзарадан ақли шошган кекса Ўлжайту тушкун оҳангда. – Шаҳид амир эсини танибдики, ўзини ўту чўққа урди. Одамларни айириб, жини суймаганларга зулм этмоқдан ўзини тийолмади. Ал-қасосул минал-ҳақ!

– Инсон феъл-атворига яраша ўлим топади, – деди тунд овозда Али Муайяд. – Тақдирга такбир йўқ! Қисматдан қочиб қутулиб бўлмас!..

Ҳориган шаҳар уйкуга чўмган, дарвеш ва қаландарларнинг зикру саноси эса тун яримдан оққанда ҳам тинмас, борган сари аниқ-тиниқ эшитиларди.

- Ўтди даврон
- Кетди даврон,
- Энди даврон
- Қайдадир...
- Ҳақ Дўст!
- Ё Оллоҳ!
- Хотун йўлда, бола белда
- Ато-ано қайдадур!

## XXIX

*Ёмон ўлди деса ишон,  
ёмонлигини қўйди, деса, ишонма.  
Халқ сўзи*

Амир Хусайннинг қатли Темурга қаттиқ таъсир қилди. Кечаси билан уйқуси қочиб, мижжа қоқмай чиқди. Бироқ бўлар иш бўлган эди. Кўз ўнгида Амир Хусайннинг хон чодирини бўйлаб қисмат қиличидан энди қочиб қутула олмаслигини ҳис этган, қўрқувдан косалари каттариб кетган нажотталаб нигоҳи гавдаланаверди. Инсон зоти тупроққа айланганда тинар экан.

Қўшин Балхни эгаллаган, тўрт тарафдаги туману ўлкалардан Темур салтанатини тан олиб, элчи ва чопарлар кела бошлаганди. Амир Хусайннинг ўлиmidан хабар топган халқ энгил тортганини, айрим кишилар ундан қутулганимиз рост бўлсин, дея қон чиқарганини эшитиб, Темур хайратга тушди. Тавба қилди. Одамларнинг бундай қилишлари етти ухлаб тушига кирмаган эди. Ҳақиқатан ҳам инсон баҳоси устига тупроқ тортилгандан сўнг берилади. Ҳаётликдаги аҳмоқона дабдабали обрўю бойликнинг кули бир кунда кўкка совурилади.

Балх ва унинг теvarак-атрофларида баҳор салқин келади. Айниқса, тонг-саҳарда ҳаво янада совуб, қиш ҳавосини эслатди. Адашиб қолган афғон шамоли эсганда эса киши ёдига қаҳратон изғиринини солади.

Тонгга яқин кўзи илиниб, сабоҳ уйқусини олган Темур бомдоддан сўнг яна бир оз мизғиди-да, иш ва ташвишнинг сероблигидан қалқиб ўрнидан туриб кетди. Салтанатнинг барча ишини бошдан бошламоқ, илк кундан пойдевор тўғри қўйилиши керак.

Ўтов ичидаги шовурни сезган Жаку Барлос йўталганча эшик-да пайдо бўлди. У жиянининг тун бўйи ўхламай

чиққанини билар, шу боис тонг олдида бир оз бўлса-да кўзи илинсин дея беқлаб ўтирган эди.

– Ваалайкум ассалом! Ассалому алайкум! Келинг, тоғойи! – деди тахтсифат кичикроқ курсидан кўзголиб Темур паст овозда.

– Келдик. Яхши ётиб турдингизми?

– Бир нави...

– Амир ҳарамни хусусида келган эрдим. Не фармойиш берасиз?

– Ўзи у тарафда нима гаплар? – сўради Темур тоғойисининг юзига синчковлик билан тикиларкан.

– Саройдаги ахволдан хабардор бўлгач, Хусайнбекнинг бевалари ҳузурига кирдим. Унинг никоҳида етти нафар хоним бор экан. Чингизхон авлодидан бўлмиш Сароймулкхоним ғоят ақли, тадбиркор ва нозиктаъб кўринди. Ҳақиқий маликаларга хос иззат ва илтифот кўрсатди. Жанобларига ҳам ўз ҳурматларини эътироф этиб, бошларига тушган бу қисмат ораларингиздаги меҳрмурувват ва дўстлик ришталарига раҳна сололмаслигини билдирди.

Кечадан бери унинг хаёлларини алғов-далғов этиб, ич-этини кемираётган ғалати кечинмалар ўрнини илиқ бир туйғу эгаллади ва кўз олдида Сароймулкхонимнинг сиймоси гавдаланди.

Темур Хусайн билан сафдош бўлган кезларида икки-уч маротаба Сароймулкхоним билан ҳамсуҳбат бўлганди.

Ғоят гўзаллигидан ташқари, ақли, босиқ, етти ўлчаб бир кесадиган ва айниқса, узоқни кўра оладиган бу малика Хусайнбек билан Темурбекнинг ораларида қийин ва мушкул вазиятлар юз берган чоғларда ҳам ўз қарашлари ва саъй-ҳаракати билан эрининг ҳақсизлигини исбот этиб, икки дўст ўртасида илиқлик риштаси бўлган

эди. Темур буни орқаворотдан эшитган, шу боис бу малоҳатли маликага ҳурмати айрича эди.

– Тоғойи, – деди Темур ундан жавоб кутиб турган Жаку Барлосга. – Ул хонимларнинг иззатини жойига қўймоқ даркор. Мен маликанинг кўнглидаги гапларни билсам. Ҳузуримга ташриф буюрсалар. Сўнгра бамаслаҳат бир қарорга келардик.

– Маъқул, – деди Жаку Барлос.

Темур шу ўйда отланиб, сарой томон юрди. Атрофини уч юз чоғли хос навар ва ясовуллар ўраб борар, олган маълумотларига қараб чопарларни тегишли черик ва амирлар томон жўнатар эди.

Балх халқи кўча ва сўқоқларга чиқиб Туронзаминдаги мўғулий хонзода ва аслзодаларни ўзи ила ҳисоблашмоққа мажбур этган, Хусайндек ўжар, айтганидан қайтмайдиган чингизий амирни йўлдан олиб ташлаган лашкарбошига ҳайрат кўзи ила боқиб олқишлашар, юртга тинчлик ва омонлик тилаб дуо қилишар эди.

Кўпчилик амир Хусайндан қутулмоқни ақлига сиғдирилмас эди. Бундан бир ой бурун унинг ўттиз минглик қўшини Балх атрофларини шудғорга айлантириб юборган, тим қора зарбоф ёпинчли ахалтекин туркман отида виқор ва салобат билан ўтиб бораётган амир ўзини абадий ҳукмдордек тутган эди. У одатига кўра забт этилган ва қўл остида ўтган халқни эмас, фатҳ этилиши мўлжаллаган ҳудуд ва унинг раияти ҳақида ўйларди. Бу жоҳил, оми-қавмга Яратган кўмак этмаса, ўзи итдек ишламаса, менинг елиб-югурганимдан фойда йўқ дерди ҳар гапида. Қанчалик яхшилик қилма; бу ношукур одамлар билмайди. Сендан ҳайиқмаса, керак пайтида қамчингни еб турмаса, бошингга чиқиб олади. Унинг жиловини ҳатто энг яқин одамингга ҳам берма, фақат ўз қўлингга ушлаб тур. Бу жиловни ҳаддидан ошганлар учун керак замонида дорга ҳам айлантиришинг лозим.

Улусни бошқаришнинг энг яхши йўли қаттиқ жазо. Бундан яхши сабоқ ва давлат устунини тутиб турадиган омил йўқ...

Шаҳар марказидаги сарой ўғри тушгандек ҳувиллаб қолган, хоналар ва дахлизлардаги қандил, гилам ҳамда тўшанчилар йиғиб олинганми, талаб кетилганми, билиб бўлмас эди.

Хос навкарлар Алп Туркаш бошчилигида соқчилик ва қоровул хизматини қўлга олдилар. Хос хизматчилар сарой атрофини тартибга келтира бошладилар. Саройнинг чекка хоналаридан хотин-халаж овози келар, бошқа ҳужра ва солинлар ҳайхотдек бўшаб ётар эди. Темурнинг келиши муносабати билан хон кўринишхонаси ва қабулхонасига енгил-елпи тартиб берилган эди. Кўринишхонага кирган Темур эни ва бўйи йигирма қадамча келадиган хонада беихтиёр наридан бери юра бошлади. Бошида минг бир ўю ташвиш бўлгани учун ҳамон, асабий ҳолатда одимлар, юргани сайин хаёли тарқаб, енгил тортгандек эди. Дахлиз томондан эшитилган одам шовуридан фикрлари тўхтамга келди.

– Қозоңхон Султонхон қизи хонзода Сароймулкхоним таш-риф буюрдилар! – деди баландроқ овозда Жаку Барлос эшик тарафдан туриб. Унинг овози шифти баланд сарой солинида гулдираб акс-садо берди.

Темур қопу томонга қараб, бош ирғади. Кўринишхона этагида бошига қора ҳарир рўмол ёпинган Сароймулкхоним кўринди. Унинг эғнида оқ ва кўк нақшлар туширилган яшил адрас кўйлак, четлари зарҳал жиякли ҳарир камзул бор эди. Камзул кулранг бўлгани учун ҳам унинг оппоқ чехрасини янаям очган, бодом қовоқлари остида чарақлаб турувчи қуралай кўзларини ердан узмай келарди.

Темур бир лаҳза ноқулай вазиятга тушди. Ўзини ўнглаб, хонимни қаршисидаги ўриндикқа таклиф этди.

– Хуш келибсиз, хонзодам! Сизни кўрмоқ ва сўзлашмоқ мен учун ҳар доимгидай шарафдур! – деди. Сўнгра чехраси маънос тортиб, бошини эгганча қўшимча қилди: – Таъзиямни қабул этгайсиз...

– Оллоҳ раҳматига олган бўлсин.. Бул қисматдур! Қисматдан қочиб бўлмас!..

Сароймулкхоним эрининг бу қадар аянчли ва шарафсиз ўлим топганига ачинган бўлса-да, таҳликага тушмаган, Амир Темурни аввалгидай дўст ва паноҳ тутмоқда эди. У эрининг феълидаги қайсарлик, манманлик ва ўзбилармонлик охир-оқибат шундай яқунга олиб келишини аллақачон ҳис этган ва бу йўлдан қайтармоққа аввал бошда кўп ҳаракат қилган, бора-бора сўзлари ҳавога кетаётганини англаб, изтироб чеккан эди. Мана, барча гап-сўзлар, изтиробу хиёнатлар бир кунда барҳам топди. Бўлиб ўтган барча воқеа ва ҳодисалар одамларнинг тилига кўчиб тарихга айланди-қолди. Энди уни орқага қайтариб бўлмайди. Фақат кўзни очмоқ ва йўлдан адашиб бундан-да катта чоҳга тушиб кетмаслик учун ундан сабоқ олмоқ ва хулоса чиқармоқ керак! Тақдирӣ азал шундай. Бировнинг бахти бировнинг кўзини чиқаради.

Темур илгари ҳам Сароймулкхонимнинг ақлу фаросатига тан берган бўлса-да, бутунги суҳбат давомида маликанинг китоб кўрган, олий насаб хонзодаларга хос кенг мушоҳадаси борлигини, давлат бошқаруви борасидаги билимлари ҳам етарли эканлигини пайқади.

– Хонзодам... Менинг сизга бўлган муносабатимни яхши билурсиз. Бу ҳаёт аробасини биз бирга тортган инсонлармиз, унинг аччиғию чучуғи, яхшиси-ю ёмони барчасига баробар қисматдошмиз. Оллоҳ раҳматига олган бандалар борасида сўзламоқ мавриди ҳам келиб қолар. – Амир Темур Ҳусайнбек ҳақида сўзламоқдан тортиндими ёки хоҳламадими, чуқур уф тортганича, гапида давом этди: – Сизнинг ҳаётингиз, кечмишингиздан хабар

дорлигим боис, бундан кейинги тақдирингизга бефарқ қололмаслигимни ҳам изҳор этмоқ ниятида ҳузуримга чорлаганимни билдирмоқчиман.

Сароймулкхонимнинг юзини-тер босди. Қуйи эгилган бошини оҳиста кўтараркан, титраётган қўлларини кўксига қўйди.

– Миннатдорлигимни қабул этинг, амирим! Сиз ҳам мен учун қадрдон инсон, оқибатли дўст киби дирсиз!

– Тақдир сизни бугунга қадар сийламади, энди бунида сўйласам, ўринсиз бўлмас. Мен сиз каби бетама, бегидир дўстлар маслаҳатларига муҳтожмен...

Амир Темур шу сўзларни айтаркан, овозлари титраб, нигоҳлари маҳзун тортганини Сароймулкхоним бир қарашда илғади. Илғади-ю кўнглида нимадир ғалаён этиб, томоғига қадалиб турган аччиқ алам, таҳлика ва ҳадик ўрнини англаб бўлмас бир илиқлик эгаллаётганини туйди. Амирнинг самимият билан тикилиб турган кўзларида «қандай жавоб бераркин» деган андиша ва илҳақлик мужассам эди. Сароймулкхоним қаддини ростларкан, Амир Темурнинг «тақдир сизни бугунга қадар сийламади» деган сўзлари қулоқлари остида қайта жаранглаб, кўз олдида Хусайнбекнинг такаббурилик билан тикилиб турувчи беписанд чехраси намоён бўлди.

Демак, Хусайнбек билан ўрталаридаги муносабатларининг барчасидан Амир Темур хабардор. Эри ундан ҳеч нарса ни яширмаган...

Шуларни хаёлидан ўтказаётган Сароймулкхоним изтироб қалққан кўзларини Амир Темурга кўрсатмаслик учун ерга тикди.

– Мен-да меҳрга зормен.... Амирим... – деди.

Амир Темурнинг савол назари ила жиддий боқиб турган юзларига табассум ёйилди. У Сароймулкхонимнинг боладарники каби жавдираб турган кўзларига уят



ва ҳаяжон ичида оловланаётган юзларига айрича бир меҳр билан тикиларкан, кўнглидаги ниятини очиқ-ойдин изҳор этди.

– Меҳр кўрсатмоққа изн беринг, ҳонзодам... Тожу тахтимнинг дуру гавҳари, саройимнинг чироғи, салтанатимнинг маликаси бўлинг. Сиз мен учун бундан буён, Бибиҳонимсиз...

Сароймулкхоним Чиғатой улусининг йигирма тўртинчи хони Қозонхоннинг қизи бўлиб, Темурдан етти ёш кичик эди. Қозонхон тахтдан туширилиб, қатл этилганда, у беш ёшда эди. Ўн тўрт ёшида амир Хусайн уни никоҳига олди. Бироқ фарзанд туғилмади. Хусайнбек Сароймулкхонимга хонзодаларга хос эътибор ҳам қилмади. Шу боисдан ҳам боболаридан қолган олтин тахтни малика эрига раво кўрмади. Ўзига бино қўйган Хусайнбек ҳам барибир Чиғатой улуси менинг илкимга ўтади, «уни ўз қудратим билан оламан» деган ўй билан хотинига тахт ҳақида оғиз очмади. Тахтга эга чиқиб, унга ўтирмақ учун аввало салтанат соҳиби бўлмоқ ва пойтахтни муқим қилмоқ керак эди. Соли Сарой билан Балх, Самарқанд билан Хўжанд орасида сарсон қатнаб юрган амирда ҳали бу икки асосий нарса йўқ эди. Ундан ташқари суюкли хотини, ҳарамнинг улуғ бекаси, ўғиллари Хон Саид ва Жаҳонмаликнинг онаси, Тармаширинхоннинг қизи Суюнч Қутлуғ оғонинг бу масалага муносабатидан ҳам чўчиди.

Уч ойдан сўнг, идда вақти тугагач, амир Саййид Барака Сароймулкхоним Қозон Султонхон қизини Темурбек Муҳаммад Тарағай ўғлига никоҳлаб қўйди.

Ўша куни Сароймулкхоним Темурбекка бир илтимос ила мурожаат этди.

– Мени кечиринг, улуғ амирим! Сиздан яна бир рижойим бор эди. Бир қошиқ қонимдан кечинг, – деди бошини қуйи эгиб. – Бул каби савоб ишни ҳазрати

пайғамбаримиз ҳам қилганлар. Амир ҳарамдаги бошқа хонимлардан лозим топганингизни никоҳингизга олсангиз. Токи улар амир душманлари қўлига тушиб, хору зор бўлишмасин. Қолганларини амиру лашкар бошлиқларингизга никоҳлаб берсангиз. Бу бечоралар йиғлаб-сиқташиб, мени ўз ҳолимга қўйишмаётир.

Темур бир муддат не дея жавоб қиларини билмай, ҳайрон бўлиб, туриб қолди.

– Ўйлаб кўрамиз. Уларнинг қисматига бефарқ бўлмаймиз, – дея жавоб қилди оти томон юраркан, – Сиз қурултойни қандай ўтказмоқ борасида ўйлаб туринг. Кечқурун маслаҳатлашамиз.

Темур Сароймулкхонимнинг бевосита аралашуви билан амир Ҳусайннинг ҳарамдаги хонимлардан Баён Сулдузнинг қизи – Улус оғо бегимни, Хизр Ясовурийнинг қизи – Ислом оғо бегимни ва Тағой Туркон Хотунни ўз никоҳига киритди. Ҳарамнинг энг улуғ бекаси, Тармаширинхоннинг қизи Суюнч Қутлуғ оғони Баҳром Жалойирга, Дилшод оғони Зинда Ҳашмга, Одилмулкни амир Жаку Барлосга, амир Ҳусайннинг қизини эса Элчи Бўғага никоҳлатиб бёрди.

Темурбек Суюрғатмишхон Ўғлонни ўз инисидай кўрар, ҳақиқий мард навкар ва инсон каби унинг ҳурматини жойига қўяр, ораларида бирорта ҳам ортиқча гап-сўз бўлишига йўл қўймас эди. Улар барча катта-кичик ишларни маслаҳат асосида қилишар, Темурдек танти инсонсиз хонлик тушига ҳам кирмаслигини англаб етадиган Суюрғатмишхонда Темурбекни устоз ва пир каби эъзозларди.

Улар фикрни бир жойга қўйиб, Жуғам барлоснинг ўғли Амир Мурод Барлосни Балх ва унинг атрофидаги ўлкаларга ҳоким этиб тайинладилар. Унга давлат юритмоқ, лашкар тутмоқ ва раиятни бошқармоқ тузукларини тузиб бердилар.

Кечаси хузурига амир Саййид Баракани даъват этган Темур ундан амирул умаролик қурултойи ҳақидаги фикрни маслаҳатлашди. Бу фикрни айтган илк киши ҳам Саййид Барака эди.

– Бу барчанинг орзуси, Темурбек. Сиз ота-боболар ахдлашуви ясо ва юсунига амал қилиб, Суюрғатмишни хон этиб сайлатдингиз. Кўпчилик сизнинг юзингиздан ўтолмай бу ишга кўнди. Аслида ҳеч ким юрагининг тубида рози эмас. Буни ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Бу хонимиз ҳам юз эллик йилдан бери халқни қон қақшатиб келаётган авлоднинг вакили. Буни эшитиб кўпларнинг руҳи тушиб кетган эди. Гап очилганда айтганим маъқул.

Буларнинг нияти тўғрилигига халқ аллақачон ишонмай қўйган. Сиёсатни тушунганлар жилов сизнинг қўлингизда эканлигини билиб, охири бахайр бўлар деган умиддалар. Бироқ буни барча баробар тушунмайди. Сиз билан биз ҳам ана шу руҳий тўсиқдан ўта олмай ул кишимни хон кўтардик. Сиздек бир қудратли шахсият бу номақбул анъанага барҳам бермаса, Худо билади, бу ҳолат яна неча йиллар давом этади, – деди Саййид Барака дона-дона қилиб.

– Майли! Ҳозирча тура турсин, вақти-соати келиб, Мўғулистони ёки Жетага хон қилиб жўнатиб юборармиз. Сиёсат учун ҳозирча шу ерда ушлаб турамыз, – жавоб қилди Темур. – Бир неча душману нохайрихоҳларнинг этини ўлдириш учун бу нарса лозим. Бунинг устига Суюрғатмишхон яхши инсон. Биз ҳам ҳеч қачон унинг бурнини қонатмаймиз.

– Бу адолатли сўзингизга қўшилган ҳолда қурултой кунини белгиласак дейман. Дастлаб сизни Туронзамин амири этиб сайлайлик, оқ кигизга ўтказайлик. Сўнгра сиз раият ва лашкар олдида турган вазифалар хусусида сўзлаб фармонлар беринг. Одамлар сизнинг келишингиз билан давлат ишида, турмушларида ўзгариш

ясалганини сезсинлар. Ўтмиш хонлар ва амирлар замонида ҳибс этилган, зиндонга ташланганларга ҳам афви умумий эълон этинг. Бу миллат кўнглини кўтаради. Энг муҳим воқеа эса сизнинг Туронзамин Амири дея эълон этмоғимиз бўлади. Турк қавмини биласиз. Азал-азалдан у қорнига эмас, қадрига йиғлаб келган халқдир. Шарофини сақламоқ учун у ҳар доим, ҳар нарсага тайёр турган. Оғзи қонга тўлса-да, душман олдида тупурмайди-ган улусдир.

– Тўғри сўйладингиз муҳтарам ҳазрат. Бўлмаса индинга ўтказсак. Не дейсиз?

– Маъқул. Яна бир муҳим масала хусусида сиз ила фикрлашмоғимиз, кўмагингиз лозим эди, Темурбек, – деди Саййид Барака тортиниб.

– Хижолат чекманг, пири муҳтарам, сўйланг, – деди Темур диққат билан.

– Маккайи Мукаррамадан шоғирдлар келишди. Каъба ва ҳазрати пайғамбарларимиз қабрлари ерлашмиш Масжиди Набавия атрофини тартибга келтирмоққа маблағ етишмас эмиш. Шу хусусда бирор-бир фикрга келасизми деган умилда эдим.

– Нега илгарироқ сўзламадингиз? Бундан муҳимроқ юмуш йўқ мен учун. Қанча сарф-харажат лозим?

– Билмадим. Ҳарҳолда юборишга арзигулик бир маблағ етади. Улуғ ва савоб ишга бош қўшасиз.

– Яхши. Ярмини хазинадан, ярмини ўз ҳисобимдан бераман. Одам борми олиб кетадиган?

– Бор.

– Боботуркка учрасин. Қанча лозим деса, шунча маблағ жўнатамиз. Қўрима ҳам берамиз.

– Ташаккур, Темурбек. Иншооллоҳ, бу хайр-саховатли ишларнинг ажри бор! – деди ўзида йўқ севиниб Саййид Барака.

Сўнгра таъзим ила чиқиб кетди. Темур ҳам таъзим ила устозни эшиккача кузатди.

Қурултой тадориги Балхнинг кун чиқиш тарафидаги, Балх фатҳи бошқарилган манзилда ҳозирланди. Жанг пайтида Темур ўтови ўрнатилган тепаликка Сароймулкхоним тақдим этган Чингизхоннинг олтин тахти ўрнатилди. Минг бир дона, минг бир хил қимматбаҳо тошлар билан безатилган тахт баҳор қуёшида олмос каби товланарди. Бу тахтга Чингизхон билан Чиғатойхондан бўлак ҳеч ким росмана ўтира олмади. Сароймулкхоним таъбири билан айтганда, унга ўтирадиган ҳақиқий хон топилмади. Журъат этиб бу тахтга ҳар қандай хон ўтира олмас эди ҳам.

– Никоҳ тўёнаси сифатида ушбу минг бир кўзли тахтни қабул этинг, улуғ амирим! – деди Сароймулкхоним қаср хазинасида қулфлоғлиқ турган тахтни ўзи ҳамроҳлигида олиб келиб, Темурбекка кўрсатар экан. – Кўнглим сезгани каби буни ҳеч кимга раво кўрмадим...

Маликанинг сўзларидан хаяжонланган Темурнинг кўзларига ёш келди. Оҳиста юриб бориб унинг пешонасини ўнг елкасига қўйди. Сўнгра билагидан тутиб бориб, тахтга ўтказди. Ўзи эса унинг қаршисига тиз чўқди-да, фотиҳага қўл очиб, бу тахтда ўтирган улуғ боболар, хусусан, маликанинг қиблагоҳи Қозонхон руҳига Куръон тиловат қилди.

– Ҳақиқий хонзода сизсиз, – деди ўрнидан туриб Сароймулкхонимга таъзим қилар экан.

– Энг муҳими, улуғ ишларимиз-ла улус қалбида тахт қурмоқ!

Малика ҳам ўрнидан туриб хўжасига таъзим бажо келтирди. У ҳаётида ҳеч кимдан эшитмаган самимий сўзларни, ҳеч кимдан кўрмаган иззат-хурматни Темурбекдан кўраётган эди. Умрининг ўн беш йили беҳуда ўтгандек туюлди. Йўқ, йўқ. Оллоҳга ношукурлик қилмайди.

У шу муддат давомида ақл-идрок, меҳр-муҳаббат кўзи ила бу тенгсиз инсонни топди.

Карнай ва ноғоралар садоси остида яланглик лашкар ҳамда халқ билан тўлди. Сўл тарафда раият, ўнг тарафда сон-саноксиз қўшин турарди. Темурнинг сўл тарафда Сароймулкхоним бошлиқ маликалар, ўнг тарафда эса амир Саййид Барака бошлиқ уламолар, амирлар, лашкарбошилар ва ҳокимлар ўтиришарди. Қаршидаги махсус тахтда эса хон ўтирарди. Оҳиста ўрнидан турган Саййид Барака сўз олди:

– Бисмиллаҳир раҳманир раҳийм! Ассалому алайкум, аҳли мўминлар, мусулмонлар! Ушбу тарихий қурултойимизга хуш келдингиз! Хон ҳазратларига ҳурмат ва садоқатларимиз! Бугун сиз

азизларнинг рағбат ва дуоларингиз, кўмак ва меҳр-муҳаббатларингиз рамзи ҳамда хоҳиши ўлароқ биз улуғ бир саодатли ишга қўл урдик. Барчанинг бирдек хоҳиши ила, Турон юртининг асл ўғлони, улусимизнинг жонфидо фарзанди Темур Муҳаммад Тарағай ўғли Турон юрти амири ва улуснинг амирул умароси деб эълон этилгусидир! Ва иншооллоҳ ул кишининг қўллари остида бутун элимиз бирлашажак! Амирул умаролик муборақ бўлсин, муҳтарам биродаримиз Темурбек! Давлатингиз ва шавкатингиз боқий бўлсин! Омин, оллоҳу Акбар!

Амир Саййид Барака бориб Темурбекни бағрига босиб қутлади. Амир Темур ёру дўстлар қутловларини қабул қилди. Саййид Барака яна сўз олиб деди:

– Буюк Турон амири Амир Темур ҳазрати олийлари сизга мурожаат этадурлар!

– Мен не рутбада бўлмайин, сизнинг хизматингиздаман! Сизга йўл кўрсатмоқ даъвосида эканман, манзилим адолатдир. Ҳақ ишидан, ҳақиқатдан бир қадам бўлса-да чекинмаслик мажбурияти ила бу масъулиятни ўз зиммамга олурмен. Менинг эл-улус, ҳақ ишидан

Ўзга ташвишим бўлмағай. Муқаддас китобимиз буюрганидек Оллоҳ ҳақини, унинг қуллари ҳуқуқини ҳимоя этмақдан бўлак ҳадафу мақсадимиз йўқдур! Сўзимни мухтасар этиб, мухтарам хонимиз ила имзо чекканимиз салтанатнинг илк фармонларини ўқурмен. Маълумингиздек, амир Мурод Барлос Самарқанд ҳоқими этиб тайинлансун! Сари Буға, Ҳусайн Барлос, амир Оқ Буға, Ҳожи Маҳмудшоҳ, Элчи Баҳодир ва Давлатшоҳ бахшилар девонбеги этиб тайинлансунлар! Самарқанд шаҳри салтанатнинг пойтахтидир! Барча ўлкаю музофотларда, қабаса ва қишлоқларда масжиду мадрасалар ва хонақолар бўлиши таъминлансун! Ғарибу ғураболар учун маҳсус лангархоналар, беморлар учун шифо масканлари барпо этилсун! Ҳеч бир ерда янги солиқлар жорий этилмасун. Солиқ тўлаш имкони бўлмаган оилалар ундан озоддурлар! Ҳокимлик, амирлик, мингбошилиқ ва қозилиқ лавозимларига фақат эл имтиҳонидан ўтиб, юрт меҳрини қозонган қобилиятли, юксак инсонийлик фазилатига эга бўлган кишилар қўйилсин! Оллоҳ насиб этса, биз эртага йўлга чиқамиз! Бизла баробар кетгувчиларга Оллоҳ йўл берсин! Салтанатимиз бешиқларидан бўлмиш бул муқаддас тупроқда қолгувчиларга Оллоҳдан омонлик ва фаровонлик тилаймиз! Ассалому Алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху!

Лашкар урҳо-ур садоси остида ўз қўмондонини – Буюк Амирини қутлади.

Қудратли қўшин отаюрт Туроннинг юраги Туркистон тизмалари, она Самарқанд сари юзланган эди!

Улуғ қавмнинг буюк армони, орзу-умиди бўлиб оқаётган Жайхун ғолиб қўшин тулпорларининг тўшини ўпиб тақаларини ювиб, бағрига босди.

Қўшинни Жайхун соҳилида қаршилаган Ўткун Тегин Бахши шогирдлари ила баробар юксак сасларда фотиҳларни қутлар эди.

Улуғ Тангригоғдан оққан армоним,  
Буюк қисматлардан яралған жоним.  
Ота юрт қалбида жўш урган қоним,  
Отажоним, Туркистоним, Туроним.  
Бағрингдаги тошу, гиёх, тупроқмиз,  
Қуёшингдан нур симирған япроқмиз.  
Қаддинг кўтар, ғанимлардан кўпроқмиз,  
Онажоним, Туркистоним, Туроним.  
Қутлуғ ўтмиш келажакка боқажак,  
Қутли юртда иқбол мангу болқажак.  
Оққан дарё яна такрор оқажак,  
Отар тонгим, Туркистоним, Туроним.  
Сенсан, муқаддас Карими Қуръоним,  
Сенсиз нурга тўлмас, ё раб, иймоним.  
Сен-ла саодатга эшдир ҳар оним,  
Танда жоним, Туркистоним, Туроним.  
Амиримсан, хоқонимсан, султоним,  
Ёв ўқиға бардош берған ултоним.  
Сенга фидо бўлсин Ватан, бул таним,  
Сўнг маконим, Туркистоним, Туроним.  
Қалқ, эй мардлар ўлкаси, Бобо Турон! Юксал, эй Ту-  
рон ери тоғлари!

Тўлқинлан, эй Сайхун ва Жайхун! Яша ва яшна она ер  
бўз қирлари!

Ёвқур арслонларинг тулпорлари дупуридан ларзага  
кел,

Алп Эр Тўнға от суриб ўтған она юрт кенгликлари!

Қайна ва жўш Ватаннинг турнакўз булоқлари, биллур  
чашмалари!

Япроқ ёз, чечакка буркан ота юрт боғлари, гулзорла-  
ри!

Улуғ хоқонларинг давридаги шон-шавкатингни тик-  
лагувчи, алпқомат қаддингни ростлагувчи асл фар-  
зандинг Буюк Амир Темуринг келәётир!



У сенинг шон-шухратингни юксак-юксакларга, тоза наслларга элтажак!

Ярасун!

Ярасун!

Ярасун!

## ИЗОҲЛАР

<sup>1</sup> Хусрав – Бу исмнинг шоир Носир Хусравга алоқаси йўқ.

<sup>2</sup> «ётикул икқин» – Бизга ғайб сендан ато бўлди.

<sup>3</sup> Ёғлиғ – Бош ёпинғичи.

<sup>4</sup> Чокарбоши – Штаб бошлиғига тўғри келади.

<sup>5</sup> Қўйинди – Қабристон.

<sup>6</sup> Ойуор этагидаги кенглик – Ҳозир бу ерда Барлос қишлоғи бор.

<sup>7</sup> Тўшанчи – Шолча (гиламнинг кичикроғи ёки оддийроғи).

<sup>8</sup> Улуфа – сипоҳийларга ўзи ва оти учун бериладиган маош.

<sup>9</sup> Ўмоқининг — эски туркчада «уймоқ» уруғ, қабила демак.

<sup>10</sup> Дизак — ҳозирги Жиззах.

<sup>11</sup> Ул адолат – долат саройи.

<sup>12</sup> Бир жариб – 958 кв.метр ҳажмдаги ер.

<sup>13</sup> Ҳарвор – бир эшак кўтарарлик юк. 300 килограммга яқин оғирлик ўлчови.

<sup>14</sup> Мисқол – оғирлик ўлчови, бир қадоқнинг 84 дан бир қисми (тахминан 4,8 грамм).

## МУҲДАРИЖА

Биринчи ўнг сўз .....	3
Иккинчи ўнг сўз .....	10
Биринчи боб .....	23
Иккинчи боб .....	58
Учинчи боб .....	70
Тўртинчи боб .....	93
Бешинчи боб .....	102
Олтинчи боб .....	110
Еттинчи боб .....	129
Саккизинчи боб .....	136
Тўққизинчи боб .....	140
Ўнинчи боб .....	150
Ўн биринчи боб .....	164
Ўн иккинчи боб .....	180
Ўн учинчи боб .....	192
Ўн тўртинчи боб .....	202
Ўн бешинчи боб .....	218
Ўн олтинчи боб .....	232
Ўн еттинчи боб .....	250
Ўн саккизинчи боб .....	266
Ўн тўққизинчи боб .....	282
Йигирманчи боб .....	289
Йигирма биринчи боб .....	301
Йигирма иккинчи боб .....	319
Йигирма учинчи боб .....	330
Йигирма тўртинчи боб .....	353
Йигирма бешинчи боб .....	369
Йигирма олтинчи боб .....	374
Йигирма еттинчи боб .....	385
Йигирма саккизинчи боб .....	398
Йигирма тўққизинчи боб .....	408

Нурали ҚОБУЛ

# ҚАЛБ ҚАСРИНИНГ СУЛТОНИ АМИР ТЕМУР

Муҳаррир:	А. Абдужалилов
Нашр учун масъул:	А. Тилавов
Техник муҳаррир:	Ю. Ўринов
Мусахҳиҳа:	Н. Муҳамедова
Саҳифаловчи дизайнер:	Ю. Ўринов

Наш.лиц. № АІ 245, 02.10.2013.

Теришга 13.02.2018 йилда топширилди. Босишга  
29.04.2018 йилда рухсат этилди. Бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Офсет босма. РТ Serif гарнитураси. Шартли б.т. 26.5.

Нашр б.т. 24.64. Адади: 5000 Буюртма №16.

Баҳоси шартнома асосида

«Sano-standart» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Sano-standart» МЧЖ босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.

Телефон: (371) 228-07-96, факс: (371) 228-07-95

ҚАЛБ ҚАСРИНИНГ  
СУЛТОНИ

# АМИР ТЕМУР



“Sano-standart”  
нашриёти

ISBN 978-9943-5201-2-7



9 789943 520127